50
жүз
сер

ЖАЛОЛ ИКРОМИЙ

БУХОРОНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1971

Асад Махсум томонидан қилинган виждонга хилоф иш, мунофиқлик, хиёнат, қонхўрлик, Фирузанинг пок севгига содиқлиги, вафодорлиги, хотин-қизларни озодликка чиқаришдаги роли, уларни эркин меҳнат қучогига жалб этиши, революция оловида тобланиши, Ҳайдарқул, Асо, Карим ва бошқаларнинг халқ бахт-саодати учун кураши китоб саҳифаларида ёрқин ифодасини топган.

Бу асар «Олов қизи»нинг давомидир. Асарда янги образлар — рус революционерлари вакиллари, шу жумладан В. В. Куйбишев образи ҳам ўзига хос бўёқларда берилган.

Тожикчадан

ВАСФИЙ

таржимаси

1

Куз кунларининг бири. Мис баркашдай қуёш мовий осмон дастурхонининг ғарбий чеккасига етиб, ҳарорати анча пасайган эди. Қуйидан — Зарафшон дарёси томонидан ёқимли шабада эсарди. Ерларни қатор-қатор жийдалар, ўриклар ва тутлар лахтак-лахтак қилиб ажратиб турган кенг саҳро эркин нафас олгандай бўлди. Сериш ва ташвишли кун ҳам тугай деб қолди. Деҳқонлар кетмон, белкуракларини қўлга олиб, иш ҳайвонларини олдиларига солиб, қишлоққа қайтардилар. Улар толиққан, оч қолган ва эзилган эдилар. Уларнинг кўпчилиги гўё шу соатни, куннинг тамом бўлишини зориқиб кутгандай иложи борича ишдан тезроқ қўл тортиб, қишлоқ томонга шошилардилар. Фақат бир-иккита деҳқон, шу қаторда Саид Паҳлавон ҳам ўғилчаси билан бирга деҳқончилик ишлари билан машғул эди. Қишлоққа қайтаётган кишилар Саид Паҳлавон полизи ёнидан ўта туриб, у билан салом-алик қилишарди.

— Ҳорманг, Паҳлавон, полизга барака!

— Саломат бўлсинлар, биродар!— дерди Паҳлавон, бир эгатдан иккинчи эгатга ўтиб.

Қуёш ботиб, қош қорая бошлаганда Паҳлавон ишини тамомлаб, ер чеккасига, қовунлар уйиб қўйилган жойга келди.

— Кел энди, бас қила қол!— деди у ўғли Миракка.— Эрта бозорга олиб боришга шуниси ҳам етади. Агар шуни ҳам сотиб олсанг катта гап.

— Насиб!— деди Мирак катталарга хос оҳангда. Унинг тим қора бодомқовоқ кўзларида умид учқунлари ёнарди: — Эртага, насиб бўлса, бозоримиз юришиб кетади.

Отаси мош-гуруч соқолини силаркан, ўғлининг юз жажжи кийимига қараб, бош чайқаб қўйди.

— Қайдам, худо билади,— деди у.— Бу йил ҳамма жойда ҳам қовун яхши бўлган. Сенга ўхшаб бозорга югуриб кетишини кутаётганлар оз эмас, ўғлим!

— Аммо,— деди Мирак ишонч билан,— бизникидақа бўрикалла-ю амири ҳеч кимда бўлмаса керак! Иннайкейин, мен саҳарда бораман, дада. Насиб бўлса, ҳаммадан олдин бозорга кириб, қовунларни пуллаб қайтаман.

Паҳлавон ишонқирамай бош қимирлатиб қўйди. Аммо қувноқ Мирак умидсизланмади:

— Ана, бир томоша қилинг-а, аммо қовунмисан қовун-да. Худо ҳаққи, кўр киши ҳам бир танга бериб, иккитасини олиб кетади.

— Замона оғир бўлиб қолган, болам,— деди Паҳлавон ўйланиб. Унинг оқилона чеҳрасида аллақандай ғамгинлик аломати намоён бўлди.— Одамлар камбул, қашшоқ бўлиб қолган. Ҳозир сен ўйлаган валломатлар йўқ. Одамлар тирикчилик йўлини тополмай гаранг.

— Ундай бўлса, Бухорога олиб борсам-чи?

— Э, Бухоро деб юрасанми?! Аввало шуки, Бухоро халқи ҳам Когон халқидан яхшироқ ҳаёт кечирмайди. Бу ерда ҳар ҳолда заводларда ишлайдиган мардикорлар* озми-кўпми даромад қилиб, бир оз тинчроқ кун кечирадилар. Нима олиб борсанг, индамай сотиб олаверишади. Иннайкейин, амир Русия билан душман бўлиб қолгандан буён Бухоро атроф-тевараклари нотинч бўлиб қолган! Айтишларича, афғон подшосининг аскарлари ва амир шербаччалари Кари ва Ширбадан қишлоқлари атрофида истиқомат қилиб, ўткинчиларга кун беришмасмиш. Улар билан ёқалашиш ҳам мушкул, ўлдириб ташлашса ҳам, биров бир нима дея олмайди. Ўзимизнинг шу Когонимиз тинч, қовунларни ўша жойга олиб бориб сот.

— Хўп бўлади, дада, Когонга олиб бораман,— деди Мирак ва бир оз ўйлаб тургандан кейин сўради:— Амир нима учун ўрис билан душман бўлиб қолибди? Ахир, ўрислар ёмон одамлар эмас-ку?!

---

* Ишчилар демоқчи.

— Эй ўғлим,— деди Саид Паҳлавон чор атрофга кўз югуртириб,— сен ҳали ёшсан, дунёдан хабаринг йўқ, ўриснинг мақсади нима-ю, амирнинг нияти нима, билмайсан. Улғайганингда билиб оласан... Ҳокимият, халқпарварлик, адлу дод деган гаплар бору, лекин бизнинг замонамизда улар анқонинг уруғи бўлиб қолган. Биздек фуқаролар учун адолатпарвар, арзу додга қулоқ солувчи, инсофли ҳукумат керак. Одамлар така бўлсину сут берсин, дейишади!.. Ҳар ҳолда, амир яхши иш қилмади, муллалар унга ақл ўргатмадилар... Илоҳий ишнинг охири бахайр бўлсин! Мана ҳозирдан Бухоро халқи газламасиз, гугуртсиз, лампа ёғисиз, қанду шакарсиз қолди. Бу зарур нарсаларнинг ҳаммасини Русиядан олардик. Ана энди улар топилмайди! Яхшиямки, Когон дўконларида оз-моз нарса топилиб туради-ю, биз сотиб оламиз, бўлмаса, бизда ҳам ҳеч нарса бўлмасди.

— Қовунимиз бор, буғдойимиз бор, жўхоримиз бор,— деди Мирак ўзича отасига тасалли берган бўлиб.

— Қарзимиз ҳам бор!— деди Паҳлавон.

— Агар уруш бўлса-ю, ҳуррият бўлиб қолса, қарзларингиздан қутуласиз.

— Буни қаердан билдинг?

— Болалар айтишяпти...

Паҳлавон ажабланиб бош қимирлатиб қўйди.

— Дада, ҳо дада!— деди маҳмадана Мирак Паҳлавоннинг диққатини ўзига тортиб,— болалар, уруш бўлади дейишяпти, шу ростми?

— Худо билади,— деди хаёл суриб Паҳлавон ва илова қилди:— Агар уруш бўлиб қолса, хунреализм бўлади, бир кишининг гуноҳи учун юз киши ноҳақ ўлдирилади...

— Амир зўрми ё ўрис?

Паҳлавон ўғлининг бу саволига жавоб бергунча бўлмай, яқин атрофдан бировнинг йўталгани эшитилди, кейин қоронғиликдан ҳалиги кишининг ўзи ваҳимали кўланкадек чиқиб келди.

— Албатта ўрис зўр-да!— деди у ва ота-болага яқинлашиб келди.

«Қўрқишдан кейин туғилганман», деб юрадиган Паҳлавон бу товушни эшитиб, қоп-қорайиб келаётган кишини кўрди-да, сал чўчиди. Келган киши қишлоқ

одамларидан эмасди, Паҳлавон бунақа кишини шу атроф-теваракда кўрмаган эди. У ўрта бўйли, қотмадан келган, юзи чўзиқ ва патак соқолли киши эди. Унинг катта-катта кўзлари тун қоронғилигида учқун сочаётган чақмоқдек ёнарди. Бошидаги оқ салла муллаларникига ўхшатиб ўралганди, эгнидаги олача чопони нимдош эди, унинг тагида гўё ҳарбий форма борга ўхшарди, оёғида маҳси-кавуш, қўлидаги қамчиси сувори эканлигидан дарак берарди. Аммо ҳорғинлик билан тинкаси қуриган оёқларини узатиб, ота-бола рўпарасига ўтиришидан, унинг анча пиёда йўл юриб келгани сезилиб турарди. Овози дағал ва ёқимсиз, ҳаракатлари ножўя, асабий эди.

— Ассалому алайкум!— деди у ўтиргандан кейин, Паҳлавонга қўл узата туриб:— Албатта, меҳмон кутмагандирсиз! Ана, худо меҳмонни ҳам етказди. Омин, хайру барака берсин, оллоҳу акбар!

Паҳлавон қўл учи билан кўришиб, «омин!» деб қўйди. Мирак эса оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб ўтирарди.

— Мен полиз бошидаги ширин суҳбатингизга халал бермадимми?

— Э, биродар, меҳнаткаш деҳқоннинг тирикчилик ғамидан бошқа қанақа суҳбати бўларди!— деди Паҳлавон.— Бу бола эрта азонда қовунларни бозорга олиб бориб сотиши керак, аммо замонадан қўрқиб, қаёққа олиб боришини билмайди... ана шунинг учун ҳам болаларга хос бемаъни саволлари билан бошни қотиряпти.

— Мендан қўрқмасангиз ҳам бўлади,— деди келган киши терслик билан.— Мен хабаркаш эмасман, сиз билан ҳам, суҳбатингиз билан ҳам ишим йўқ. Ўғлингизнинг саволини эшитиб қолиб, шунчаки ҳазиллашдим, узр!

Бир лаҳза жим тургач, илова қилди:

— Мен бир йўловчиман, олисдан келаётибман. Отимни амир навкарлари тортиб олишди. Ўзим қочиб, улардан зўрға қутулдим, қарийб уч тош йўлдан пиёда келдим. Бу Кўли Хавок қишлоғи эмасми?

— Кўли Хавок.

Келган киши эркин нафас олди.

— Наим Заҳар шу қишлоқда турадими?

Бу савол нотаниш кишига нисбатан Паҳлавоннинг

шубҳасини тағин орттирди. Чунки Наим Захар шу атроф-теваракдаги бебош ва саёқлардан бири эди. Гаплари терслиги ва тили заҳарлиги сабабли кишилар унга «Заҳар» деб лақаб қўйган эдилар, кўпчилик ундан ҳазар қиларди. Унинг уйига ўғрилар ва бебошлардан бўлак киши меҳмон бўлиб келмасди. Наим Заҳар ўзи бевосита ўғрилик ва йўлтўсарлик қилмаса ҳам, аммо ўғрилар ва қотиллар билан тили бирлиги, талон-торож қилинган молларни сув қилиши ҳаммага маълум эди. Агар бу нотаниш киши дурустроқ одам бўлганида, Наим Заҳарни сўрамасди... Яна худо билади...

— Ҳа, Наим Заҳар шу қишлоқда туради,— деди Паҳлавон.— Сиз у кишига меҳмон бўлиб келдингизми?

— Йўғ-э, меҳмони нимаси?!— деди нотаниш киши Паҳлавоннинг мақсадини пайқагандек.— Айтдимку, бир йўловчиман деб. Бу томонларга йўлим тушиб қолувди жуда чарчаганман... Бу қишлоқда Наим Заҳардан бўлак танишим йўқ. Кечаси ўшаникида ётиб, эрталаб барвақт Когонга бормоқчиман.

— Жуда соз бўлади,— деди Паҳлавон,— Наимбой қўли очиқ, меҳмондўст одам. Унинг ҳовлиси катта кўча ва масжиддан юқорироқда, кимдан сўрасангиз кўрсатади.

— Тўхтанг,— деди нотаниш киши,— Наим Заҳарникида бирор меҳмон-пеҳмон йўқми?

— Йўқ, чамамда, меҳмони йўққа ўхшайди,— деди Паҳлавон, чақирилмаган меҳмондан тезроқ қутулиш учун, гарчи Наимнинг уйидан хабари бўлмаса ҳам.— Меҳмони бўлса нима, яна меҳмон-да!

— Хўп, хайр,— деди нотаниш киши Паҳлавоннинг гапларига аҳамият бермай,— қишлоқда амир навкарлари йўқми?

— Йўқ, йўқ,— деди Паҳлавон ва ичида, «бу нотаниш киши ё қочоқ, ёки машҳур ўғри, йўқса, бунчалик синчковлик қилиб, амир навкарларидан зирилламасди», деган фикрга келди.

— Мендан ўринсиз шубҳаланманг,— деди нотаниш киши, Паҳлавоннинг шубҳаланганини пайқаб,— мен ўғри ё йўлтўсар эмасман. Амир навкарлари отимни тортиб олдилар, энди мени жадид деб туҳмат билан қамаб қўйишлари ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам

суриштиряпман. Хайр, эртага худо бозорингизни берсин!

— Илоҳи омин!— деди Паҳлавон.— Хайр, ўтириб бир оз дамингизни олинг, қовун сўйиб бераман...

— Йўқ, раҳмат!— деди нотаниш киши, сўнг зўрга ўрнидан турди-да, қовун уюмига яқинлашиб илова қилди:— Қовун сўймасангиз ҳам, аммо амиридан битта беринг, Наимнинг уйига олиб борай, у хасис, қовуним йўқ, дейди албатта.

— Марҳамат, олаверинг, қайсиси маъқул бўлса, олинг!

Нотаниш киши катта бир амирини танлаб олди-да, қишлоқ томонга жўнади ва бошқа хайр-маъзур ҳам қилмади. Нотаниш киши кетгач, ота-бола бир-бирларига қараб қўйишди.

— Дада, бу киши ким эди, тўппончаси ҳам бор-ку?

— Тўппончасини қаёқдан кўрдинг, маҳмадана?!

— Кўрдим, шимининг чўнтагида эди. Тасмаси елкасидан кўриниб қолди, ичидан тақиб олибди.

— Хайр, бўлса бўлаверсин,— деди Паҳлавон бепарволик билан.— Ҳозир ҳар кимда ҳам тўппонча бор. Бухорода тўппонча сотадиган дўкон очилган дейдилар. Чўлу биёбонда танҳо юриш хавфли, ўғлим.

— Ўзи ким экан, биёбонда танҳо юрибди?

— Танимадим,— деди қисқа қилиб Паҳлавон ва ўрнидан турди.— Тур, болам, эшагингни келтир, қовунларни юклаб уйга олиб борайлик. Кун кеч бўлди, онанг ёвғон шўрвасини пиширибқўйгандир.

Мирак ўрнидан туриб, ўрилган бедазорга бориб, эшакни ҳайдаб келди. Сўнгра, ота-бола қовунларни қопга солиб, эшакка юкладилару, қишлоқ томон йўл олдилар. Шунгача ҳам Саид Паҳлавоннинг миясидан муллаларга ўхшаб салла ўраган, чўнтагида тўппончаси бор, гап-сўзлари муллабаччаларникига, юриш-туришлари бебошларникига ўхшаган бу нотаниш киши ким экан, деган савол сира чиқмас эди. Саид Паҳлавон бу яқин атрофда бундай одам борлигини эслолмайди. Кўзлари нақ тешиб юборади-я, бу кўзлар кишига тикилса, ичидаги бутун сир-асрорини билиб олади. Қоронғи тушиб келаётган бўлса ҳам, у одамнинг башараси — юпқа лаблари, тик ингичка бурни Саид Паҳлавон хаёлида қаттиқ ўрнашиб қолган эди. У, агар

йигирма йилдан кейин ҳам бу одамни қоронғида кўрсам таниб оламан, дерди. Бу ким экан? Қаердан қаерга борар экан? Наим Заҳарда нима иши бор экан!

Саид Паҳлавон қанчалик сезгир ва зийрак бўлмасин, бу саволларга жавоб топа олмасди. Фақат эртага Наим Заҳар билан учрашиб, бор гапни ундан билиб оламан, деб умид қиларди. Эртага Наим Заҳар шикастланган ов милтиғини тузаттириш учун Саид Паҳлавоннинг олдига келиши керак...

Қош қорайиб қолган эди. Мусаффо осмонда юлдузлар пайдо бўлиб, милтиллаб турарди. Уфқ этаги Когон томонда оқиш товланиб ловилларди. Гўё, у томонда катта ёнғин ловиллаб тургандай. Саҳрода ҳар томондан қурт-қумурсқалар, чигирткалар ва бошқа ҳашаротларнинг чириллаган товушлари қулоққа чалинарди, яқин атрофдаги кўлмак сувларда қурбақалар ажойиб базм қурганди. Мирак отаси билан қишлоққа етиб келганда пода яйловдан қайтган, қишлоқнинг шўх болалари ҳам уй-уйларига тарқалишган эди. Масжид олдида уларга сўфи билан имом рўбарў келди. Улар намозшомни ўқиб, масжид эшигини қулфлаб кетаётган эдилар.

— Ассалому алайкум!— деди уларга Саид Паҳлавон қўл қовуштириб.

— Ваалайкум ассалом?..— деди имом.— Ҳа, Паҳлавон, ҳорманг?

— Саломат бўлсинлар, тақсир!

— Дарагингиз йўқ, жуда камнамо бўлиб кетдингиз?!— деди имом жиддий тикилиб.— Бу дунёнинг иши деб, худо уйининг йўлини йўқотиб қўйдингизми?!

— Йўқотганимиз йўқ, йўлини биламан...

— Нега намоз билан ишингиз бўлмай қолди?

— Тақсир!

— Худонинг қаҳри келади, ғазабига учрайсиз!

— Худонинг ўзи кечирсин, тақсир!— деди Саид Паҳлавон унга жавобан ва ўтиб кетаверди. Имом ёқасини ушлаб, бош қимирлатди-да, бошқа ҳеч нима деёлмади. Аммо отасининг жавоби Миракка чунонам маъқул тушдики, камоли завқидан кулиб юборди ва яна имомга қаттиқ ботмасин, деб оғзини дарров кафти билан беркитди.

2

Шу пайтда Наим Заҳар чойнак ва дастурхон кўтариб ичкари ҳовлидан меҳмонхонасига чиқаётган эди, у кўринишидан жуда хурсанд, мамнун эди. Меҳмонхона етти тўсинли бўлиб, унга нимдош гилам тўшалганди, атрофига кўрпачалар солинган, тўрига эса икки-уч қават кўрпача ёзилиб, ёстиқлар қўйилганди, ўнинчи лампа хонани ёритиб турарди. Меҳмон — ўша нотаниш киши — юқори эшик ёнида ёстиққа ёнбошлаб ўтирарди.

— Қанақа овқат буюрдинг?— деди уй эгасини кўриб меҳмон.— Борди-ю шўрва бўлса, мен ичмайман...

— Сиз нима хоҳлайсиз, Махсумжон?— сўради Наим Заҳар.— Нимаики хоҳласангиз, янгангиз пиширib беради. Пойқадамингизга қўй сўйсам, молу тун сўйсам ҳам арзийди! Афсуски...

— Гапни кўп чўзма, Наим!— деди «Махсумжон» деб аталган киши юраги қисилиб.— Агар ҳеч нима буюрмаган бўлсанг, дастурхонни бу ерга қўйиб, дарров бориб айт, бир чўқим ош қилсин, серёғ бўлсин, қўрқма, ҳар бир дона гуручнинг эвазига ўнта палов ейсан!

— Паловми? Жоним билан! Мен, ўзингиз яхши биласизки, ундақа зотлардан эмасман, хусусан, сиз учун жонимни ҳам аямайман. Сиз чой ичиб туринг, мен ҳозир...

— Кейин... май-пайинг бўлса олиб чиқ!

— Май?!— ҳайрон бўлиб сўради Наим ва зудлик билан илова қилди:— Жоним билан! Лекин сиз... Хайр, майли, агар сиз май ичсангиз, ер тагидан бўлса ҳам топиб келтираман.

Наим Заҳарнинг тили бунчалик ширин бўлиб кетганига Махсумжон таажжубланди. Ёки кечалари изғиб юрадиган бу лаънати бирор хушхабар эшитдими? Ахир илгари бу лаънати меҳмонларига палов қилиб берса ҳам, аввалига юз марта сасиб, кейин қилиб берарди. Аммо ҳозир бўлса лом-мим демай май олиб чиқмоқчи бўлди. Демак, бунда бирор гап бор ёки энди бўлади. Махсумжон шуларни ўйлаб ўтирганида Наим Заҳар тўрт қиррали шишада қўлбола май кўтарганича

меҳмонхонага кириб келди, дастурхон ёзиб, нон синдирди ва Махсумжон келтирган қовунни сўйиб уч коса қилди, кейин икки пиёлага май қуйиб, деди:

— Худога шукур!.. Олинг, сиҳат-саломатлик билан дийдор кўришганимиз учун!

«Дийдорингни ер ютсин!» деди ичида Махсум ва бош қимирлатиб, май тўла пиёлани симирди. Қошлари андак чимирилди-ю танаси яйраб, кўнгли ёришди.

— Майхўрликни қаердан ўргандингиз деб сўрамайсан ҳам-а,— деди Махсум пиёлани дастурхонга қўя туриб.

— Ҳайронман,— деди Наим,— илгари ўзингизга ҳам олмас эдингиз? Сўрай дедиму, аммо уялдим.

— Ҳозир ҳам майхўр эмасман,— деди Махсум.— Аммо бугун май ичмаслик гуноҳ бўлади... Ўзинг биласанки, мен нима ишни хоҳласам, шуни қила оламан, майхўрликни ҳам! Бугун ичаман, эртага йўқ.

— Худди ният қилгандек,— деди Наим Заҳар,— бу майни Когонда, элчихонада охирги мартаба учрашганимиздан кейин келиб солган эдим, бугун шишаларга қуйиб қўйган эдим, мана, ўзингиз келиб қолдингиз. Хўш, қани, гапиринг, қаерда эдингиз, нима ишлар қилдингиз? Икки йилчадан буён бир-биримизни кўрганимиз йўқ...

— Ният қилгунча жонинг чиқса яхшироқ бўларди!— деди Махсумжон.— Қани, қуй, ният қилган майингдан, баттол!

Наим гапидан икки хил маъно чиққанини тушуниб, май тахир бўлибдими деб ўйлади-да, узр сўраб, дарҳол пиёлаларга май қуйди.

— Давру давронимиз учун ичайлик!— деди Махсум. У биринчи пиёладаноқ сал сархуш бўлган эди.

— Давру давронимиз!— деди Наим ва пиёлани бўшатгач, илова қилди:— Қачон келар экан бу давру даврон, ахир?!

— Эрта ё индин! Буни билиб қўй!— деди Махсумжон ва майни кўтарди.— Эрта ё индин ҳукуматни қўлимизга оламиз. Ана кейин давру даврон бизники бўлади! Аммо Ҳафиз икковинг қўрқиб қочдинг, сизларни отиб ташлаш, дорга осиш керак эди, лекин мен гуноҳларингиздан кечдим. Майли, омон бўлинглар. Аммо

гуноҳларингизни хизмат ва садоқат билан ювишингиз керак!

Наим бундан икки йил илгари бўлиб ўтган воқеани эслади. Бундан икки йил муқаддам Махсумжон Ҳожи мадрасасидаги кўримсизгина бир ҳужрада истиқомат қилиб, дарс ўқирди. Ўша вақтларда Наим Бухорога тез-тез бориб, бошқа шаҳарлардан келтирилган ўғирлик молларни пуллаб қайтарди, кўпинча бу ҳужрада икки-уч кеча тунаб қолишга тўғри келарди. Аслида у Махсумжоннинг ҳужрасига баъзи нарсаларни қўйиш, ётишга тўғри келган пайтларда тунаш мақсадида у билан танишган эди. Махсумжоннинг меҳмондўстлиги, улфатлигидан фойдаланиш мумкин эди.

Махсумнинг асли Бойсундан, номи Асад эди. Аммо ошналари ҳурмат юзасидан уни Махсум ёки Махсумжон дердилар. Наим Заҳар ўзича бу, содда Махсумжонни кўтармаласа, яхшилаб ундан фойдаланиш мумкин, деб ўйлаб юрарди. Бироқ иноқлашиб олгандан кейин, бу Махсумжон Наим ўйлаганчалик содда эмаслигини, аксинча, изн-ихтиёрини унинг қўлига бериб қўйганини, унинг югурдагига айланиб қолганини секин-аста сезиб қолди.

Махсум ҳужрасига Наим Заҳардан бошқа яна икки-уч киши келиб-кетар ва ҳаммалари унга хизмат қилиб, унинг амру фармонларини бажо келтирар эдилар. Шулардан бири Ҳафиз эди. У бир бечора косиб бўлиб, кулолчилик қиларди ва Махсум ҳужрасига келиб, унинг юмушларини бажарар, Махсум марҳаматидан баҳраманд бўлар эди. Наим Заҳар кейинчалик билдики, Ҳафиз бир вақтларда Махсум билан мактабдош экан.

Махсум қўли очиқ, улфат ва маишатпараст бўлса ҳам, лекин баджаҳл, тили аччиқ, андишасиз киши эди. У ҳеч кимдан қўрқмас, ҳеч кимдан уялмас эди, бетга чопар эди, ўз раъйини ўтказишга ҳаракат қиларди. Ҳафизнинг айтишича, у отасидан унчалик ёрдам ва молу пул олмас эди. Лекин ҳар кеча палов ерди, ҳар кеча зиёфат берарди, катта-катта сарф қиларди. Наим Заҳар қаердан бунчалик даромад қиларкин, деб ҳайрон бўларди. Ҳафиз унга, Махсумжоннинг жадидлар билан тили бир, улар билан борди-келди қилади, айниқса, жадидларнинг бошлиғи Мирза Муҳиддинбой

Махсумни яхши кўради, ҳамиша қўллаб-қувватлайди, дерди...

Наим Заҳар бу хабарни эшитиб, бир қадар чўчиб қолди-ю, лекин унчалик ишонмади. Зероки, Махсум, унинг фикрича, жадидларга ўхшамасди. Аввало, Махсумжон қозининг ўғли, муллавачча, намозхон, художўй, иккинчидан, у ўрисчани билмайди, газета ўқимайди, ароқ ичмайди, ҳеч қачон «ҳуррият», «мусовот», «яшасин...» деган сўзларни тилга олмаган, модомики, шундай экан, у қандай қилиб жадид бўлсин?! Наим Заҳар ва кўпчилик Бухоро аҳолиси, жадид дегани юқоридаги хусусиятларга албатта эга бўлиши керак, жадиднинг мақсади кишилар молини талаш, кишиларнинг хотинларини бепаранжи қилиб, хотинларни ўртада қилишдан иборат, деб ўйларди. Аммо Асад Махсумда бундай хусусиятлар йўқ эди ва унинг мақсади ҳам кишилар молини талаш, кишилар хотинини ўртага ташлаш эмасди. Аксинча, у баджаҳл, пулпараст, давлатманд одамлар тарафдори, савдогарнамо киши эди.

Шундай қилиб, Наим бир неча кунгача шубҳа, ишончсизлик ва ҳайратдан азоб чекиб юрди. У жадидларни ёмон кўрарди, уларнинг мақсади унга ёқмасди, иккинчи томондан эса яхши билардики, жадидлар ўлимга маҳкум қилинган, жадидларнинг яқин ёр-дўстларини муллалар ҳам тутиб, арк устига олиб чиқадилар ва у ерда «ҳовлича»га олиб кириб, бошларини танларидан жудо қиладилар. Аммо Наим ҳалл жонидан тўйгани йўқ. Бинобарин, у бу масалани бевосита Махсумнинг ўзи билан гаплашиб, ҳал қилиб олиш керак, деб кўнглига тугиб қўйди.

Бир куни кечқурун паловдан кейин Наим аччиқ кўк чой дамлади, сўнг иккаласи суҳбат қурди.

— Когон қалай?— деди Махсум.— Тинчми?

— Ҳа, тинч,— деди Наим суҳбатнинг шундай бошланишидан хурсанд бўлиб.— Бухородай сергавғо, урсур эмас.

— Ҳа, Бухоро ғалвасининг тугашига ҳам оз вақт қолди...— деди Махсум маза қилиб чойни ҳўплаб,— эрта-индин тинчиб қолар, насиб-насиб!

— Ҳамма жадидларни қириб битиргандан кейин бўлса керак?

— Жадидларни қириб тамомлаш осон эмас!—

деди Махсум,— жадидларнинг илдизи мустаҳкам! Сабр қилиб тур, жадидлар эрта-индин муллаларингга кўрсатиб қўйишади!

— Сиз қаердан биласиз?!

— Шошма, хабаркаш эмасмисан? Тагига болта қўйиб мендан гап оляпсанми?

— Худо сақласин!— деди дарҳол Наим қасам ичиб. Махсумнинг тешиб юборгудек бўлиб чақнаб турган кўзлари уни иқрор бўлишга мажбур этди: — Наҳотки мен сизнинг устингиздан хабаркашлик қилсам? Сизга-я, ўзимнинг соҳиб давлатимга-я? Худо сақласин! Мен бошқа важдан суриштирдим.

— Нима сабабдан? Қандай фармон билан?

— Ўз фармоним билан!— деди ачитиб Наим.— Сиз, Махсумжон, мендан шубҳаланманг, мен ҳеч қандай ножўя иш қилганим йўқ, яхшиси, ўзингиздан шубҳаланинг.

— Хўш... Хўш?..

— Нима, хўш, хўш?! Одамлар сизни жадидлар билан шерик дейишяпти, Мирза Муҳиддин билан борди-келдингиз бор эмиш... Ахир, шу гапларни эшитиб, мен бир холис дўстингиз, қандай қилиб хотиржам юраман!

— Бу гапни кимдан эшитдинг? Наҳотки, шаҳарда шунақа овоза бўлса?

— Йўқ, шаҳарда эмас, ўзимизнинг шерикларимиз айтишяпти. Мен у кишининг номини айтмайман. Лекин худо ҳаққи, рост айтяпман. Наҳотки эшитганларим рост бўлса?

— Бу гапда жон бор!— деди Махсум бепарволик билан.— Аммо сен қўрқма, сенга ҳеч нима бўлмайди. Лақилламасанг бўлгани, олам гулистон!

— Сиз жадидмисиз?

— Жадиднамо! Ҳа, жадидлардан нима ёмонлик кўрдингки, мунча сасийсан?

— Ёмонлик кўрмаганману... Аммо айтадиларки, жадидлар...

— Одамларнинг гапига қулоқ солма, сен мени бил. Жадидлар ҳукуматни қўлга олсалар, у вақтда мен билан сенинг ошиғинг олчи!

— Ҳукуматни амирдан тортиб олиб бўларканми? Шундай гапларни айтасизки, бу гаплар ҳатто аттор-мининг қутисидан ҳам топилмайди!

аҳволга тоқат қила олмайди, унинг келажак авлоди кўр, саводсиз ва оламнинг гуллаб-яшнашидан бенасиб қолишини истамайди...

— Кўпгина мактаб бор, уларда шаҳар ва қишлоқлардаги болаларнинг деярли ҳаммаси ўқиб турибди-ку!— деди у кишининг сўзини бўлиб Асад Махсум.

Жадидлар бир-бирига қараб таажжубландилар.

— Махсумжоннинг бу саволига таажжубланиш ярамайди,— деди дарҳол Мирза ака.— Зероки, Махсумжон бизнинг даврамизга яқинда қўшилган, мактаб ва маориф тўғрисидаги мажлисларимиздан бехабардирлар.

— Хайр, ҳар ҳолда, ахир...— деб қўйди биров.

— Бухоро тараққийпарвар ёшларининг асосий мақсади,— деди сариқ сочли киши, кўзойнак остидан Махсум ва шерикларига қараб,— мактаб-маорифдир. Сиз тилга олган мактаблар бизни қаноатлантирмайди. Чунки бизнинг замонамиз тараққиёт ва юксалиш даври, савдо-ю тижоратни кенгайтириш, ривожлантириш, оламдаги бошқа халқлар билан олди-бердини кучайтириш замони. Кенг, ҳар томонлама билимга эга бўлмай туриб, оламнинг тараққий этган кишилари билан муносабатда бўла олмаймиз. Бизнинг эски мактабларимиз биз истаган билимни бера олмайди. Масалан, болалар ҳисоб, жуғрофия, ҳандаса, фароиз каби зарурий ва замонавий илмлардан маҳрум бўлиб қолади-лар. Иннайкейин, таълим усули ҳам эскириб қолган. Бир истеъдодли болани фақат хат-саводли, ёки фақат саводли қилиб шариат аҳкомларидан оз-моз хабардор қилмоқ учун ўн-йигирма йил керак. Аммо янги мактабда, жадид усулидаги мактабда бунинг учун олти ой ва бир йил керак бўлади, холос. Кўрдингизми, қанчалик фарқи бор!

Жадидлар сариқ сочли одамнинг билимдонлиги ва ақл-фаросатига қойил қолиб, бош қимирлатар ва унинг гапларини тасдиқлар эдилар. Аммо Асад Махсум заҳархандалик билан:

— Тушунтиришингиз учун ташаккур, миннатдорман!— деди,— аммо, мен шунинг учун савол бердимки, жаноби мунший (қотмадан келган эчки соқолли кишига ишора қилиб), келажак авлодимиз саводсиз бўлиб қолади, дедилар... Бу, албатта тўғри эмас. Шукур, алҳамдулиллоҳ, илм дунёга Бухородан тарқала-

ди. Бухоро турку тожикка маърифат нурини сочади. Биз, бу ерда ўтирганлар, ҳаммамиз Бухорода ўқидик, мулла бўлдик. Биздақалар шукур, кам эмас. Аммо, нима учундир, биз ваҳимага тушиб, арзимаган кичкина бир масала устида муллалар ва сарой аҳлининг ғашини келтираётирмиз. Бу жанжалларни қўйиб, сафимизни кўпайтиришга, ёш бухороликлар фиркасини кучайтиришга ҳаракат қилсак, бу фирқанинг бир жону бир тан, кучли, қудратли бўлишига, давлатни ўз қўлига олишига эришсак яхши бўлмасмикин. Ана у вақтда...

— Бизга давлат ва ҳукумат керак эмас!— деди мунший.— Жаноби олийнинг ана шу давлатлари Бухоро амирлигига етарли ва ғоятда муносибдир. Фақат озгина бемалол қўйиб, фирқамизга йўл берса, миллат тараққиётига имконият туғдирса ва жоҳил муллаларнинг жиловини тортиб қўйса бўлгани. Биз миллатни ўқитиб, саводли ва оламдан хабардор қиламиз, келажак авлод ўзини ўзи эплай олади. Авлодимизнинг вазифаси ана шундан иборат! Фикримча, Махсумжон, гапни бошқа ёққа бурманг, келинг, бу кеча раҳбарларимизнинг ҳаммаси ҳам тўплана олмади, биз мактаб тўғрисида сўзлашиб олайлик.

— Майли, майли!— деди Махсум.— Мен фақат эҳтиётроқ бўлайлик, бўлар-бўлмасга мустабидлар билан ёқалашавермайлик деяпман-да... Яна мажлис аҳли билади.

— Албатта, эҳтиёт шарт,— деди Мирза ака.— Шундай йўлни топайликки, на сих куйсину ва на кабоб!

— Ҳа, офарин!— деди мунший.— Суҳбатдан мақсад ҳам ана шу-да! Биз бундан кейин, нима иш қилмоғимизни маслаҳатлашиб олишимиз керак. Жадид усулидаги мактабларни пинҳоний очайликми ёки йўқ? Агар очсак, харажати нима бўлади? Махфий ишнинг тартиби қай тарзда бўлади? Ана шулар...

Наим Заҳар суҳбатнинг охиригача ўтира олмай, юраги сиқилди, чилимни баҳона қилиб, ташқарига чиқди-да, Ҳакимжон билан у ёқдан-бу ёқдан суҳбатлашиб, чақчақлашиб ўтирди. Мажлис тамом бўлиб, ҳаммадан олдин Асад Махсум билан Ҳафиз ва уй эгаси ташқарига чиққанларида Наим пинакка кетганди.

— Юр, кетдик!— деди унга Асад,— бу ер ухлайдиган жой эмас!

— Бўлмаса, ниманинг жойи эди?!— деди ғудурлаб Наим.

Асад лабини тишлаб, бош чайқади ва зуд даҳлиздан чиқди. Кўчада бора туриб, Наим Заҳарни жуда койиди.

— Уй эгаси эшитмай қолди,— деб Ҳафиз жанжални босди.

Ҳужрада чой ичиб ўтиришганда Асад Махсум Наимдан сўради:

— Хўш, жадидларни кўрдингми? Шохлари бор экани?

— Шохлари йўқ экану,— деди Наим ўйчанлик билан,— аммо, ҳайронман-да...

— Нега ҳайрон бўласан?

— Шунисига ҳайрон бўламанки,— деди Наим,— энди сиз ана шу жаноблар билан дунёни остин-устин қилмоқчи бўляпсизми?! «Яшасин» деб қичқирмоқчимисиз?! Менинг қисқа ақлимча, булар яна амир билан олишиш у ёқда турсин, ҳатто ўз эшакларини ҳам лойдан чиқара олмайдилар.

— Бу гапингда жон бор,— деди Махсум.— Дарҳақиқат, сен кўрган кишилар билан улуғ ишларни бажариш у ёқда турсин, атала пишириш ҳам амри маҳол! Аммо, туппа-тузук жадидлар ҳам бор, улар ишга бош бўлиб, ўз эшакларини ҳам, мен билан сенинг эшагингни ҳам лойдан чиқара олишга қодир.

— Менинг эшагим лойдан ўтиб олган!— деди Наим.— Жадидлар билан ишим йўқ.

— Номаъқулни айтибсан. Мен қаерга борсам, сен ҳам ўша ерга борасан.

— Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлинг, Махсумжон!— деб қўйди Абдулҳафиз.

Махсум унинг гапи маъносига тушуниб, табассум қилди ва деди:

— Мактабда ўқиб, мулла бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди! Сен ҳам Ҳафиз, сен ҳам Заҳар, сиёсатга тушунмасдан шундай дейсизлар. Сизларга кунларингиз ўтса бўлгани! Яхшиямки, сиздақалар кўп, бизлар эса сиёсат билан шуғулланиб, сизларнинг елкаларингизга миниб олганмиз.

— Эшак қилиб денг!— деди кесатиб Наим.

— Ҳа, эшак қилиб!— деди Махсум ҳам атайлаб.

— Тўғри...

— Нимаси тўғри?

— Эшак,— деди Наим,— юк кўтарадиган жонивор, ниқтайверасан... Аммо жонидан тўйса, кишини чунонам улоқтириб ташлайдики, одам ерпарчин бўлади! Абдулҳафизнинг гапида жон бор, эҳтиёт бўлинг! Сиёсатбозлик қила-қила элни ҳалокат жари ёқасига келтириб қўясиз, қўрқаманки, шу гирдоб ўзингизни ҳам тортиб кетмасайди!

Махсумнинг чеҳрасидаги табассум йўқолди.

— Оббо, ярамас-ей!— деди жиддий қиёфада у.— Гапинг чакки эмас! Буни ҳисобга олмоқ лозим.

— Албатта, албатта!— деб қўйди Наим...

Бу воқеадан кейин орадан бирор йил ўтгач, бир куни Асад Махсум шоду хуррамлик билан ҳужрага кириб келди-ю, паловга уннаётган Абдулҳафиз ва Наим Заҳарга қараб хитоб қилди:

— Қўйинг, ош-пошингиз керак эмас! Кетдик!

— Хўш, хўш, қаерга? Нега бунча жонсараксиз?— сўради Наим Заҳар.

— Ҳозир Когонга кетамиз... Қани, турингланр!

— Ўзим ўргилай, Махсумжон,— деди Наим ҳазиллашиб,— агар менинг уйимга, Кўли Хавокка бормоқчи бўлсак, шу палов масаллиғини ҳам олиб борайлик, чунки уйдагилар келишимиздан бехабар, эҳтимол, мошхўрда қилишгандир...

— Ҳовлинг бошингдан ордона қолсин!— деди Махсум ярим ҳазил, ярим жиддий.— Когонда катта тўй бошланади, ана шунга боришимиз керак.

— Базм ҳам бўладими?

— Эҳ-ҳе, шундай базм бўладики, умрингда кўрмагансан! Дарвоқе, ўзинг доира чалсанг ҳам ажаб эмас!

— Ундай бўлса бўпти, ишора қилсангиз, бу ёгини қотирвораман.

Ҳар учаласи ҳужрадан чиқиб, Махсумнинг топшириғига биноан, сездирмай кўчага чиқишди. Говкушон мадрасаси ёнидан Девонбеги ҳовузи лаби томонга бурилиб кетдилар...

Баҳорнинг бошлари эди, наврўзнинг хушу хуррам кунлари, қуёш чарақлаб турарди. Беғубор мовий ос-

монда бир парча ҳам булут кўринмайди. Ҳаво соф ва ёқимли, кўчалар тўла одам. Айниқса, Сесув растаси ва Саррофлар тоқида ҳаёт қайнайди. Савдо, олди-сотди гоят авжида. Саррофлар тоқи ва унинг атрофидаги расталар Бухоронинг савдо-сотиқ маркази эди. Барча янги магазинлар, ҳамма катта савдо саройлари, жамики банклар, расталар ва бошқалар ана шу атрофда жойлашган эди. Шунинг учун ҳам пешинда бу расталардан ўтиш қийин эди. Пиёда одамлардан ташқари файтонлар, суворилар ҳам кўп эди. Жўшиб, тўлқинланиб турган одамлар орасидан билинтирмай ўтиб кетиш осон эди.

Бизга маълум бу уч дўст одамлар орасидан сездирмасдан ўтиб, хашак бозорига етиб олдилар. Бу ерда Девонбеги мадрасаси девори орқасида файтонлар турар эди. Улар икки отлиқ файтонни кира қилиб, Бухоро вокзалига чиқдилар. Ўша вақтларда Когондан Бухорога уч мартаба «поездча» қатнар эди: эрталаб, тушда ва кечқурун. Уч ўртоқ вокзалга етиб келганида тушда жўнайдиган «поездча» тайёр турар эди. Асад Махсум Абдулҳафизга уч билет буюрди, улар зудлик билан поездга тушдилар. Вагонларда одам кам эди. Айниқса улар тушган вагонда икки-уч пирсиён савдогардан бошқа киши йўқ эди. Улар ўтириши билан поезд жўнади.

— Алҳамдулиллоҳ!— деди Асад Махсум эркин нафас олиб.— Мен бу ергача етиб келишимизга кўзим етмаган эди. Модомики, поезд жўнадими, бўлди, энди биров бизга теголмайди.

Бу гапни эшитиб, Наим Заҳарнинг ранги ўчиб кетди.

— Нима, битта-яримта бизни тутмоқчимиди?— сўради у ҳайрон бўлиб.

— Йўғ-э-э... Қўрқма, сенга ҳеч ким тегмайди!— деди Махсум унга далда бериб.— Шунчаки биз бораётган тўйга мени қўймасликлари ва ҳатто қўлга олиб «юқори ҳовлича»га олиб боришлари мумкин эди*.

— Наҳотки? Нима учун?— ҳайрон бўлди бу сафар парвойи фалак Абдулҳафиз ҳам.

— Менга эҳтиёт бўлишни айтган эдилар, йўқ, хайрият, хатар ўтиб кетди...

---

* Арк тепасидаги ҳовличада жаллодларни ўлдиришарди.

— Қандай ўтиб кетди? Ахир қайтиб келадиган жойингиз яна шу Бухоро-ку,— деди Наим Заҳар.— Арк ҳам, ҳовлича ҳам жойида турибди-ку!

— Ким билади,— деди Махсум бепарволик билан,— ажаб эмас, то биз келгунча арк ўрнидан кўчса-ю, ҳовлича ҳам бузилиб кетса...

— Қўйинг-э, туш кўряпсизми?!— деди Наим Заҳар тили қичиб.

— Майли, ишонмасанг ишонма, мана кўрасан!

— Тўхтанг, биз тўйга боряпмизми ё азага?

— «Дедики ҳар иккиси ҳам!»— кулимсираб деди Махсум ва жим бўлди. Кейин у Когонга етгунча, Наимнинг саволларига жавоб бермади. Наим поездга тушган пайтларида болалар сингари вагон деразаси олдида ўтириб олиб, ташқарини томоша қилишни яхши кўрарди. Лекин бу гал ҳаяжон ва изтиробдан Когонга етиб қолганлигини ҳам сезмади ва Бухоро шаҳрининг ташқарисидаги баҳор манзараларига бирор марта ҳам қарамади.

Улар Когонда вагонлари қизил эшелонлар орасидан ўта туриб, улардан бирида турли кийимдаги аскарлар милтиқларини мойлаб, кўздан кечираётганларини кўриб қолишди. Наим уларни кўриб ҳайрон бўлди-ю, лекин гапирмади. Бирпасдан кейин улар Махсум кетидан Когон шаҳарчасининг катта кўчасига чиқиб, элчихона томон йўл олдилар.

— Кўрдингизми, бу аскарлар амакингиз бўлмайди!— деди Асад Махсум.— Мен булардан хабардор эдим ва шунинг учун ҳам сизларни тўйга олиб келдим.

— Эшонжон, Махсумжон, мавлозодам!— деди Наим зорланиб.— Менинг муштипар бир онам, уч-тўрт болам бор. Уларга қарашадиган ҳеч кимим йўқ. Тўй чилдирмасининг товушини узоқроқдан эшита қолсам нима бўларкин-а?

— Қўрқма, қўрқма!— деди Махсум кескин.— Ҳали ҳеч гапнинг тайини йўқ. Элчихонага бориб аниқлаймиз!

Улар элчихонага кирдилар. Бу ерда, ҳовлида жуда кўп одам тўпланганди, худди катта тўйлардагидек катта қозонларда палов ва кабоб пиширардилар, тараддуд зўр эди. Дарвозадан киргач, Махсум уларга, ҳовлидаги сўрида кутиб туринглар, деб тайинлади-да,

ўзи элчихонанинг ҳашаматли ғиштин биносига кириб кетди. Наим билан Абдулҳафиз сўри устида тўпланган одамларга диққат билан разм солиб ўтирарди. Бу одамлар орасида руслар ҳам, татарлар ҳам, туркlар ҳам, ўзбек ва туркманлар ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги тўппонча, қилич ва милтиқ билан қуролланган бўлиб, қаҳ-қаҳ уриб кулардилар, худди тўйга келгандек, бепарволик билан чақчақлашардилар.

Одамлар орасида, элчихонага кириб-чиқаётганлар ичида Наим Мирза ака ва муншийни таниди, югуриб бориб улар билан кўришди:

— Ассалом, Мирза ака! Энди амир билан ёқалашамиз дейишяпти. Шу гап ростми? Қачон экан?

— Иншоолло, яқин!— деди Мирза ака ва бинога кириб кетди.

— Биласизми, ахир Колисуфни ўзи келган!— деди мунший.— Илоҳи охири бахайр бўлсин!

— Колисуфи ким?— сўради Наим.

— Туркистоннинг каттаси!— деди мунший.— Ўша ердаги инқилобчилар бошлиғи экан. Лекин нима бўлса ҳам охири бахайр бўлсин!

— Ҳа, ҳа,— деди Наим унинг гапига қўшилиб,— илоҳи охири бахайр бўлсин.

— Амир билан жанг қилиш ҳазил эмас!— деди мунший хитоб қилиб ва ичкарига кириб кетди.

Наим яна сўрига қайтиб, Абдулҳафиз билан маслаҳатлашди:

— Оғайнижон!— деди у,— сен нима хоҳласанг, майли, ихтиёринг, аммо мен урушга қўшила олмайман. Ҳали дунёдан умидим катта.

— Мен ҳам уйга айтиб келмаган эдим, яхши бўлмаса керак...— деди Абдулҳафиз гўё уруш уйидагиларнинг рухсати билан бошланадигандай.

— Бир гап айтайми?— деди паст овозда Наим.— Кел, оғайни, бу ердан секингина чиқиб, ўз ишимизнинг пайидан бўлайлик. Нима дединг?

— Майли!

Бу икки оғайни секингина элчихонадан чиқиб, тўғри Когон вокзалига бордилар. Абдулҳафиз пиёда Бухорога жўнади, Наим эса қишлоққа йўл олди...

Эртасига «Колесов воқеаси» юз берди. Наим Заҳарнинг одамлари Кўли Хавок қишлоғига Бухоро билан Когон орасида жангу жадал бўлди, милтиқ ва

тўплардан отишди, деган хабарни олиб келишди... Лекин икки-уч кундан кейин жадидлар шикаст едилар, амир одамлари Когон шаҳарчасини босиб олдилар. Когон атроф-теварақларида одам ўлдиришу хунрезлик деган хабар келди... Бир неча кун шу атрофда одамлар уйларидан чиқолмай қолдилар. Наим Заҳар ҳам қишлоқдан чиқмади. Ниҳоят, бир ҳафта, ўн кун ўтгач, омон-омон бўлгач, Наим отига миниб, қишлоқ йўллари билан Бухорога келди. Поездча юрмасди. Бухоро вокзалини оломон тор-мор қилиб, темир йўлни бузиб, бу ерда яшовчи русларни ўлдирган эди.

Наим Бухорога келиб, тўғри бир чарчинфуруш ошнасининг уйига тушди. Отини шу ерда қолдириб, астасекин Абдулҳафизнинг уйига борди. Абдулҳафиз қўрқиб-писиб, уни ичкари уйига олиб кириб, бекорга Бухорога келганини айтди! Асад Махсумнинг жадидларга шериклиги маълум бўлибди. Унинг ўзи Когондан қайтмабди. Унинг ҳужрасини қутурган муллалар талон-торож қилиб, асбоб-анжомларини олиб кетибдилар. Асад Махсумнинг нима бўлгани ҳали номаълум: ўлганми, асир тушганми, ё зиндонда? Ҳар ҳолда бундан кейин бизникига келмаганинг маъқул, деб Наимга таъкидлади.

Наим шу куниёқ қишлоғига жўнади-ю, қайтиб Бухорони ўйламади. Эгасиз қолган экин-тикинини яна қўлга олди-ю, қишлоқ киши бўлиб қолаверди.

...Ўша пайтдан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу вақт ичида Наим Заҳар Асад Махсумнинг номини ҳам эсдан чиқараёзди. Аммо ҳозир ўша Махсум унинг рўпарасида ўтирибди, у сиҳат-саломат. Фақат сал озиб қолибди, ранги ўчиб, қишлоқиларга ўхшаб кетибди, патак қора соқоли сал ўсибди. Аммо бодомқовоқ кўзлари ҳали ҳам аввалгидек ўткир, ҳушёр, ўйнаб турарди. Феъл-атвори ҳам аввалгидек, ҳаттоки сердўқ, сердағдағ бўлибди. Унинг хислатидаги бир янгилик шуки, қўлбола шаробни бемалол симиряпти...

— Сизга содиқлигим ўзингизга аён,— деди Наим лаганбардорлик қилиб.— Сизнинг раъйингизга хилоф бирор иш қилганим йўқ, чизган чизиғингиздан чиқ-

қаним йўқ... Лекин ўша куни раҳматлик Абдулҳафиз мени йўлдан оздирди, ҳол-жонимга қўймасдан элчихонадан олиб чиқди. Иложини топа олмадим. Ахир, кап-катта эркак киши ҳўнграб йиғласа бўладими, илоҳи гўри тўла ёруғ нур бўлсин!..

— Нима? Абдулҳафиз ўлдими?— Кайфи учиб сўради Асад.— Қачон?

— Бир ойча бўлди... Тўсатдан, соппа-соғ одам ўрингга кирибди-ю, ухлаб шу билан ўрнидан турмабди. Мен ўлимидан бир ҳафта ўтгач эшитиб, фотиҳага бордим.

— Худо раҳмат қилсин!— деди фотиҳа ўқиб.— Яхши одам эди!.. Ўлим — гул терувчи, дейдилар, бу гап рост! Ана, мену сендек тили аччиқлар ҳали ҳам юрибмиз!

— Умр бошқа-ю, ажал бошқа!— деб қўйди Наим ва бир оздан кейин илова қилди:— Хайр, айтинг-чи, шу вақтгача қаерда эдингиз? Нима ишлар қилдингиз?

— Бир йилдан кўпроқ бўлдики,— деди Махсум,— шаробни оғзимга олмаган эдим. Лекин бу оқшом май ичмаслик гуноҳ. Ҳақиқатда ҳам сен лаънати май тайёрлашга устаси фарангсан! Қўлбола шаробинг мени олди.

— Бошим осмонга етди, Махсумжон!— деб қўйди Наим.

— Ҳа, кайф тарақ бўлди!— деди Махсум.— Худога шукур, шу кунларга ҳам етдик! Хўш, палов нима бўлди?

— Ҳозир, ҳозир!— деди Наим ва ўрнидан турмоқчи эдики, Асад Махсум қўли билан ўтира тур деб ишора қилди.

— Бир йилдан ошдики, мен бирор кишига юрак дардимни айтганим йўқ... Аммо кўнгил истайдики... Кўнгил истайдики, изҳор этсам, ўзимнинг машаққатли ва ажойиб саргузаштимни айтсам!

— Қўйинг, айтиб нима қиласиз!— деди атайлаб Махсумнинг феълини яхши билган Наим.— Қайта ўзингизни хафа, мени ғамгин қиласиз!

— Йўқ, айтаман!— деди Махсум ўжарлик қилиб.— Бўлмаса юрагим тарс ёрилади, азоб чекаман! Тушунасанми, азоб чекаман! Қани, аввал пиёлага май қуй!..

— ...Сен ва Абдулҳафиз қочдинглар, лекин биз... Мен, Колисов, Файзулло, Мирза Муҳиддин, Абдуқодир, Муинжон, Ҳожигадой ва яна бошқалар... (Наим Заҳар Махсум жуда муболаға қилишини, ҳамиша ўз номини рўйхат бошида ёзишини биларди.) Биз, у ердаги барча ёш бухороликлар амир билан жанг қилишга қарор бердик. Сен, ахир, уришқоқлигим ва моҳир мерганлигимни ўзинг яхши биласан! Мен худодан уруш бўлсину, ўзимнинг жанговарлик маҳоратимни яна бир карра синаб кўрай, деб сўрардим. Лекин бошқалар амир сарбозларини ғафлатда қолдириб, тўсатдан ҳужум қилиб, дўқу пўписа билан қон тўкмасдан Бухорони оламиз деб ўйлашарди...

Ҳамма шу қарорга рози бўлди. Лекин мен уруш бўлишига, бўлганда ҳам қаттиқ уруш бўлишига ишонардим. Зеро, билардимки, амир аскарлари бизнинг тайёргарлигимиздан хабардор ва улар ҳам яхши тайёрлик билан бизни қарши оладилар. Нима? Буни қайдан биласиз, дейсанми? Чунки мен билмайдиган гап йўқ!

Эсингда борми, Бухородан чиқиб, поездчага тушдигу, поездча юриб кетди, мен худога шукур қилиб қутулдим, дедим. Бу гапимнинг боиси бор. Уша пайтда сиз каллаварамлар бунга тушунмадинглар, тушуна олмасдинглар ҳам. Ҳа, ўшанда мен жаллод тиғидан қутулгандек бўлдим, ҳа, жаллод тиғидан! Воқеа бундай эди: икки кун олдин мен Когонга келиб жадидлар Туркистондан аскар ва қурол-яроғ билан келган Колисов ёрдамида Бухорога ҳужум қилмоқчи бўлганини билгандим. Менга Бухорога бориб, зудлик билан барча таниш жадидларга хабар бер, улар ҳушёр бўлиб, агар имконият бўлса, Бухородан чиқиб, Когонга келсинлар, хотин, бола-чақалари ғамини есинлар, деб буюришди...

Мен топшириқни олиб Бухорога келдиму, лекин аҳволик қилдим... Ҳа, ўлимдан қочиб қутулиб бўлмас экан! Қушбеги одамлари Қавола дарвозаси олдида пойлаб турган жанлар. Бухорога қадам қўйишим билан мени тутиб, тўппа-тўғри аркка, қушбеги олдига олиб келдилар. Қушбеги мени ва отамни яхши танир-

ди. Кўриши биланоқ мени койиб, садқаи отанг кет, садқаи Махсумжонлик, деди... Ўша пайт ўзим ҳам нега тавба қилганимни севмай қолибман.

Аммо қушбеги тавбамни инобатга олмади:

— Сендан отанг ким деб сўрамайдилар, аммо амалинг нима деб сўрайдилар!— деди у Саъдий сўзини далил келтириб.— Сенинг кирдикорларинг бизга маълум! Биз барча номаъқулчиликларингдан хабардормиз. Когонда нима ишлар қилдинг? Агар тўғрисини айтсанг, қутуласан. Бўлмаса, «ҳовлича»га олиб борадилар!

Мен индамай мункир бўлмоқчи бўлдим, лекин уларнинг қўлидан қутулишнинг бошқа иложи йўқ эди. Шу сабабли, ўйлаб туриб, Когонга пево олишга борган эдим, дедим. Ўзинг биласанки, ҳақиқатан ҳам арпа суви олиб келган эдим. Қушбеги одамлари ҳам бу гапимни тасдиқладилар, сўнгра Когонда аскарларни кўрдим, Колесов келган дейишди, бошқасини билмайман, дедим... Аммо ичимда бу гапларни мен айтмаганда ҳам, ўзлари биладилар, фаҳмлаб оладилар деб ўзимга тасалли берардим... Ахир кўзлари бор-ку, Когонга аскар келганини ҳамма кўриб турибди. Когон йироқ эмас, воқеанавислар ҳам оз эмас!

Қушбеги мени озод қилишга буюрди, лекин айтганларингни текшириб кўраман, агар ёлғон чиқса, сени дорга осаман деб шарт қўйди, гумонимча, қушбеги мени қўйиб юбориб, шу йўл билан мени ўзига пулсиз воқеанавис қилиб олмоқчи, хоҳлаган пайтида мени чақириб, ўлим ва дор билан қўрқитиб, гап олмоқчи эди... Аммо мен ундан ҳам шайтонроқ чиқдим. Кейин воқеалар ҳам шу қадар чалкашиб кетдики, бу гапларнинг ҳаммаси туш, хаёл бўлиб қолди. Бора-бора қўлга тушганлигимдан хижолат бўлиб юришим ҳам йўқолиб, эсимдан чиқиб кетди...

Биз ҳужум бошладик. Менинг тахминим тўғри чиқди, амир одамларини гафлатда қолдира олмадик, чинакам жанг бошланиб кетди.

Мен катталарга мурожаат қилиб, менга аскар беринглар, мен йўлни биламан, душманга рўпарадан эмас, балки чап томондан тўсатдан ҳужум қиламан, дедим. Гапимга кўнмадилар, ишонмадилар, аскар бермадилар! Ўша пайт гап-сўзга ўрин йўқ эди. Мен ғазабланиб, бир милтиқ, ўқ тўла ўқдонни олиб, солдат-

лар билан бирга жангга ташландим. Бухородан сарбозлар тўпу тўпхона ва муллабаччалар, косиблардан иборат катта оломон қарши чиқиб, ўлишларига қарамасдан, ё оллоҳ деб бизга ҳужум қилардилар. Улар сон жиҳатдан биздан бир неча баравар кўп эди. Лекин ўрусларнинг тўплари яхши ишларкан. Ҳужум қилиб келаётган оломон саросимага тушиб, орқага чекинди. Солдатлар дадиллик билан «урра» деб ҳужумга ташландилар. Улар худди тўфон тўлқинидек, олдинга отилардилар, мен улар ана шундай шиддат билан юраверсалар, ҳатто дунёнинг нариги чеккасига ҳам бостириб бора оладилар, деб ўйладим. Амир аскарлари бу қиёматни кўриб, капалаги учиб кетди ва шаҳарга қараб қочди, шаҳар дарвозаларини беркитиб, қалъа ортидан уруша бошлади. Биз олға юрдик, қалъага ёндашиб, шаҳарга ёриб киришимизга сал қолди. Лекин қушбегининг ўзи оқ байроқ кўтариб чиқди. Унга ва унинг одамларига тегишмади, улар махсус файтунда Когонга қараб ўтиб кетдилар, кейин нима бўлганини билмадим, тўсатдан ҳужумни тўхтатиш, орқага чекиниш ҳақида буйруқ келди. Орқага қайтдик. Мен Когонга бориб, Мирза Муҳиддиндан: «Нима гап?» деб сўрадим. У: «Амир таслим бўлади», деди. Мен кулдим. У: «Нега куляпсан?» деди, мен унга: «Сиз соддасиз, ишонибсиз», дедим.

Қушбеги эса йўқ, амир шартномага имзо чекиб, муҳр босиб юборибди, деди. Бошқалар ҳам унинг гапини тасдиқладилар. Аммо мен қушбеги сизни алдабди, деб ўз сўзимда туриб олдим... Ҳақиқатан сўзим тўғри чиқди. Шаҳарда вакилларимизни тор-мор қилдилар. Эртасига яна урушдик. Амир солдатларини енгай деб турганимизда, бирданига ўқ-доримиз тугаб қолди. Чамамда душман буни билар экан, шундай пайтни кутиб турган экан, шунга қарамай мен ҳам, солдатлар ҳам жангдан қайтмадик. Лекин қўмондон ўз кучларининг заифлашиб қолганини пайқаб, чекинишга фармон берди. Аскарлар чекинди. Мен бўлсам бир баланд тепага чиқиб олиб, душманни тутдек тўка бошладим. Агар командир дўқ-пўписа қилиб, мени қайтармаганда якка ўзим жангни давом эттира берардим. Солдатлар Когон шаҳарчаси атрофида окоп қазирдилар. Заводлар ва темир йўл ишчилари қурол олиб, жангга тушдилар. Аммо биз Колесов билан бир-

га поездга тушиб олдик. Чунки қочишдан бошқа чора қолмаган эди...

Вагонда катталар маслаҳатлашишди:

— Агар биз аскарларни олиб чиқиб кетсак,— деди катталардан бири,— Когон халқининг ҳоли не кечади? Амир аскарлари босиб келиб, уларнинг ҳаммасини қилич дамидан ўтказади.

— Йўқ, ҳаммани эмас!— деди бошқаси.— Фикримча, депо ишчилари, мутахассислар, вокзал хизматчилари ва уларнинг хотин, бола-чақаларини кўчириш лозим. Барча аҳолини кўчириш мумкин эмас. Иннайкейин, аҳоли билан амир одамларининг нима иши бор.

— Тўғри, тўғри,— деди Колесов,— зарур ва қолишлари хавфли бўлган кишиларни, уларнинг хотин, бола-чақаларинигина кўчириш керак. Сўнгра давлат банкининг барча пул ва олтинлари ҳам биз билан кетиши керак.

Шу маслаҳатдан кейин кўпгина вагонларга одамлар чиқди, асбоб-анжом, давлат пули, олтинлари, дафтарлар, васиқалар, турли ҳужжатлар, озиқ-овқат ортилди, бир неча сув ташувчи вагонлар сувга тўлдирилди. Сўнгра поездлар бирин-кетин йўлга чиқди. Аммо Когондан озгина ўтгач, тўхтаб қолдик. Маълум бўлишича, амир одамлари темир йўл изларини бузиб ташлаган эканлар. Яхшики, бошлиқлар буни олдиндан сезиб, бир вагон темир йўл тузатадиган асбоб-анжом, уста ва ишчилардан олиб келган эканлар... Худо ҳаққи, ўруслар балоку-я! Агар шунинг тадориги олдиндан кўрилмаганда, биёбон бўрилари суякларимизни ғажиб ташлашарди. Бизни қўриқлаб бораётган аскарлар дарров вагонлардан тушиб, даштга чиқиб, душман йўлини тўсдилар. Бошлиқ бизни ҳам вагонлардан тушириб, ишга солди. Биздан икки чақирим нарида уруш борарди, милтиқ ва пулемёт садолари янграрди... Биз бўлсак темир йўл изларини, шпалларини ва бошқа керакли нарсаларни ташир эдик. Уста ва мардикорлар йўл тузатарди...

Шу тариқа қаричма-қарич йўл тузатиб, амир одамлари билан гоҳ олдинда ва гоҳ орқада жанг қилиб, чанқаб, оч қолиб сабр-тоқат билан олға босардик. Моможурғотий, Куюкмозор қирлари тошлоқ бўлиб, на сув, на соя бор эди, ҳаво ҳам иссиқ эди...

Амир аскарлари босиб олиб, ҳаммамизни нобуд қилишларига сал қолди. Хайриятки Тошкент томондан бизга мадад етиб келди-ю, биз қутулиб қолдик.

Тинчлик пайтида Когон билан Зирабулоқ орасидаги масофани (Зирабулоқ Бухоро амирлиги ва Туркистон ўртасида чегара эди) киши поездда тўрт соатда босиб ўтарди. Аммо биз, бора-боргунча темир йўлни тузатиб, бу масофани, ўн-ўн икки кунда босиб ўтдик. Бу нақадар машаққатли, оғир, азоб-уқубатли йўл эди. Мен шунчалик чарчаган, шунчалик жонимдан тўйган одимки, бўлар-бўлмасга ҳамма билан жанжаллашардим, ҳамма кўзимга балодай кўринарди. Жадид бўлганиму номаъқулчилик қилганимга юз марта пушаймон қилдим, аммо фойдасиз эди. Ўша кунларда яхшиямки қўлимдан милтиғу тўппончани олиб қўйган эканлар, бўлмаса жаҳл устида бир неча кишини отиб ташлаган бўлардим.

Аммо ўрусга, ўрус халқига қойил қолдим, тан бердим. Оғир машаққатларга чидашни, меҳнат қилишни, муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмасдан, ишни олға суришни ўрусдан ўрганиш керак экан. Кеча-кундуз ишлайди, тузуккина овқат емаса ҳам, ичадиган суви оз бўлса ҳам ҳеч парво қилмайди... Агар дам олишга озгина фурсат топса, махоркасини чекиб, ашула айтишга тушади. Хоҳ тош устига, хоҳ жазирама қум устига, қаергаки, бош қўйса, ҳузур қилиб ухлайверади. Уйқудан жилмайиб туради, бадан тарбиясини қилади, битта махорка чекиб, ишга киришиб кетади. Бизлар эса дуруст ишламаймиз, баҳона ахтарамиз, ҳамиша нолиймиз, бир-биримиз билан уришамиз, бир-биримизга ҳасад қиламиз, бир-биримизни иғво қиламиз, шунинг учун ҳам ишимиз олдинга босмайди, дурустроқ ухлай олмаймиз ҳам, ҳориб-толиб, дунёдан безор бўламиз...

Кел, дедим, бу шериклар билан Самарқанду Тошкентга бориб нима қиламан! Каттақўрғонда Тўхтабой деган бир қадрдон одам бор. У отамнинг эски хизматкори эди. Кейинчалик рухсат сўраб, ўз шаҳри — Каттақўрғонга бориб, боғбонлик ва майизфурушлик билан шуғулланиб юрарди. Унинг Ҳалим исмли ўғли бор эди, мадрасада ўқиб юрганимда бир неча вақт хизматимда бўлди, сўнгра Каттақўрғонга кетиб қолди.

Ана ўшаларнинг уйига бориб, бир неча кун меҳмон бўламан, у ёғига худо пошшо!..

Шу қарорга келдиму катталарнинг вагонига, Мирза Муҳиддин ва Файзуллоларнинг ҳузурига кирдим. Салом бергандан сўнг, менга ижозат беринглар, Каттақўрғонда тушиб қолай, дедим.

— Нима учун?— деди Мирза Муҳиддин,— суҳбатимиз ёқмай қолдими?

— Ундай эмаску,— дедим,— аммо жонимга тегди! Пича дам олай, сизлар ҳам бир жойда қарор топинглар, яна кўрамиз...

— Сизнинг ғайрат ва шижоатингиз бизни мафтун этди,— деди Абдуқодир,— сиздан умидимиз катта. Бухоро инқилоби сиздек фидокорларни талаб қилади.

— Миннатдорман,— дедим,— ҳар вақт керак бўлсам, чақиринг, хизматга тайёрман. Аммо ҳозир...

Катталар маслаҳатлашиб, кетишимга рози бўлишди, йўқ дейишмади. Фикримча: «Ўзим-ку овора, сенга топай начора» мақолига амал қилган бўлсалар керак. Аммо Тошкентга хат ёзиб, турар жойингни маълум қил, зарур бўлганда чақириб ололайлик, деб тайинлашди. «Хўп бўлади», дедим, лекин ичимда, араволарингни тортинглар, сизларсиз ҳам бир куним ўтар, дедим.

Поезд Каттақўрғонга етганда тушдим, ҳамма билан хайрлашиб, яёв шаҳарга жўнадим. Тўхтабойнинг ҳовлисини қандай қилиб топаман, кимдан сўрайман, деб хаёл суриб кетаётиб ногаҳон майизфурушлик дўкони олдига бориб қолдим. Ўзимча, майизфурушни майизфурушдан сўраш керак, дедим. Дарҳақиқат, янглишмаган эканман. Майизфуруш мен билан саломлашиб кўришди, назаримда, мен бу шаҳар одамига ўхшамадим шекилли, кейин у саволимга, раҳматлик Тўхтабой бундан бир йил муқаддам дунёдан ўтган. Ҳовлисида ўғли Ҳалимжон туради, деди. Ўша кишининг гапига биноан, сўраб-суриштириб Тўхтабойнинг ҳовлисини топиб, эшигини тақиллатдим. Ичимда, ҳай дариғ! Фалак чархини қарангки, мен каби фалончининг ўғли, Бухоронинг мўътабар Махсумжони юриб-юриб ўз хизматкоримнинг эшигига ялиниб келдим!.. дедим...

Иккинчи марта эшикни тақиллатдим. Ичкаридан товуш чиқармасдан бир келинчак эшикни очди. Ҳай-

ҳот! На қилай, рўпарамда бир пари-пайкар, сарвқомат, мўрчамиён, оромижон, ширин забон нозанин турарди. Гапнинг пўскалласини айтсам, шунча хасталигим, ҳорғинлигимга қарамасдан, бу дилрабо хотин ақлимни лол, ўзимни ошифтаҳол этди. Нима дейишимни билмай, чиройли юзига тикилиб қолдим. Хотин ҳам мени кўриб саросимага тушди, сўнгра дарров енги билан юзини тўсди-да, орқасига қайтиб кетди ва йўлак муюлишидан:

— Сизга ким керак?— деган овозини эшитдим.

— Тўхтабойнинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, шу, ким керак?

— Ўғиллари Ҳалимжон бормилар?

— Борлар, кираверинг!— деди хотин ва юриб ичкари ҳовлига кириб кетганини эшитдим. Мен сал сабр қилиб, сўнг бисмиллоҳ деб ҳовлига қадам қўйдим. Йўлакдан ўтиб, ҳовли ўртасига етишим билан меҳмонхонадан Ҳалимжон югуриб чиқди-да, мени кўриб худди инилар сингари қўлтиқлаб олди, оёғимни ерга тегизмай уйга олиб кирди.

— Бир-икки кундан бери бетоб эдим,— деди у меҳмонхонада,— келинингиз Ҳалимахон жуда қўрқди. Йўқ, шукур, тез соғайиб кетдим, бугун ишга бориб, янгироқда қайтиб келдим, меҳмонхонани очиб, келинингиз билан икковлашиб йиғиштириб турган эдикки, сиз эшикни тақиллатдингиз. Шунча, сен туратур, ўзим чиқиб хабар оламан, десам, қаёқда, сиз касал, кўп юрманг, деб унамади, ўзи эшикка чиқди. Албатта, Мулладўст келгандир, деб ўйладик. Бу ерда ароқхўр бир ошнам бор, келинингиз уни ёқтирмайди, агар Мулладўст бўлса, «уйда йўқлар», деб жўнатиб юбораман, деди. Буни қарангки, худо сизни етказди. Хуш келибсиз, қадамларингизга ҳасанот! Қуёш қай томондан чиқди, қайси шамол учирди?

— Инқилоб шамоли!— дедим ва қисқача саргузаштимни баён қилдим...

Маълум бўлишича, Ҳалимжон Шўро мактабида ўқиб, муаллим бўлибди, ҳозир болаларга дарс берар экан. Мен Бухородалигимда Ҳалимжоннинг қобилият ва заковатини сезган эдим. Ақлли бола ота ўлгандан кейин довдираб қолмайди, ғайрат қилади ва Шўро ҳукумати яратиб берган эркин шароитда бир бурда нонини топиб ейди.

Ҳалимжон зийрак, катта-катта кўзларини хурсандлик билан менга тиккан, инқилоб шамоли билан унинг ҳовлисига келиб қолганим учун боши осмонга етган эди... Ҳа, ҳа! Ахир мен инқилобчи, курашчи ва озодлик йўлидаги фидокорман! Шўро ҳукумати шароитида тарбияланган ёш кишига бу сифатлар авлиёлик сифатидан ҳам афзалроқ туюлади! Сен, Наим, ҳали бу гапларнинг фаҳмига дурустроқ етолмайсан, чунки Шўро ҳукуматининг нималигини билмайсан! Хўшки бўлса, Ҳалимжон нима дейишини, қандай иззат қилишини билмас эди!

«Бу уй ўз уйингиз, мен қулингиз, келинингиз канизингиз!— деди у хурсанд бўлиб.— Нима хоҳласангиз, кўнглингиз нимани тусаса, айтаверинг. Худога шукур, рўзғоримиз фаровон, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Раҳматлик отамиз Бухородан келганларидан кейин ҳовли, боғ-роғ қилдилар, яхши ишлаб, яхши даромад олиб, хонадонимизни обод қилдилар. Сўнгра бошимни икки қилиб, катта тўю томошалар билан мени уйлантириб муродларига етдилар. Лекин умрлари қисқа экан, бундан бир йил илгари тўсатдан қазо қилдилар. Мен кутилмаганда кимсасиз бўлиб қолдим... Аммо келинингиз Ҳалимахон суянчиғим бўлди. Ҳақиқатда таърифга арзийдиган хотин бўлиб чиқди. Биз эру хотин эмас, балки ошиқ-маъшуқлардек яшаймиз. Ҳалимахон аёллар кечки мактабида ўқийди, хатсаводи бор, паранжини ташлаб, очиқ бўлмоқчи. Аммо ҳозирча шаҳримизда шароит яхши эмас, эскилик тарафдорлари, иғвогарлар, хурофот аҳллари ҳозирча сўзларини ўтказиб турибдилар... Хайр, майли, бу узоққа чўзилмайди. Инқилоб хурофот илдизига болта уради! Аммо келинингиз уйда ёру дўстлардан қочмайди, биз ҳуррият тарафдори, дейди...»

«Жуда соз!— дедим.— Биз инқилобчиларнинг мақсадимиз ҳам ана шу-да! Аёллар озодликка чиқсинлар, эркаклар билан бир сафда туриб ишласинлар, хат-саводли бўлсинлар, бахт-саодатли бўлсинлар. Бу жуда соз, икковингизни табриклайман!»

Аммо, дилимда, инқилобдан ўргилайки, гўзалларнинг бошидан паранжисини улоқтириб ташлайди, биздек шайдолар, биздек бағри кабоблар бемалол томоша этадиган бўлдик, дердим...

Ҳалим ичкари ҳовлига кирди, анча ҳаяллаб қолди ва ниҳоят катта бир тугун кўтариб келиб деди:

«Ҳозир кабоб еймиз, кейин ҳаммомга борамиз. Манави сарполар сизники, айбга буюрмайсиз, янги, кийилмаган либосларни ажратиб, олиб чиқдим... Майли, вақтинча кийиб туринг... Яна янгисини оламиз...» Мен ҳатто хижолат бўлдим.

— Азиз иним!— дедим кўзларимга ёш олиб, нимагадир кўнглим ҳам юмшаб кетди.— Омон бўл, минг раҳмат! Бу яхшиликларингни сира унутмайман. Насиб бўлса, юртимга қайтсам, бирингни ўн қилиб қайтараман.

«Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ»,— деб қўйди Ҳалим.

Мен хурсандлигимдан нима дейишимни билмасдим. Йўлнинг ҳамма азобу уқубатлари бу меҳмондўстлик олдида унутилди. «Яхши сўз илонни инидан чиқаради», деганлари рост экан. Сен берма менга ош, берма мол, лекин яхши сўз билан кўнглимни кўтара қол — шунинг ўзи минг тилла! Ҳалимжон эса ширин сўз билан дилимни овлади ҳам иззат-ҳурматимни бажо келтирди. Биз зўр иштаҳа билан овқатланиб, ҳаммомга тушдик. Ҳаммом иссиқхонасида терлаб ўтириб, дўстимга чеккан азобларимни муфассалроқ ҳикоя қилдим. У таассуф билан бош чайқаб, мени уқаларкан, дерди:

«Хайр, майли, золимнинг умри қисқа! Насиб бўлса, инқилоб ғалаба қозонади, Бухоро халқи ҳам зулму асоратдан озод бўлади ва яхши кунларга чиқади».

Ҳаммомдан чиқиб, янги кийимлар кийиб, уйга қайтдик. Палов тайёр экан... Кечаси маза қилиб ухладим. Эртасига қаймоқ чой ичиб, бозорни айланиб келдик, кейин Ҳалимжон ишга кетди, мен яна ухладим... Қисқаси, икки-уч кун деганда жонланиб, ўзимга келдим. Ҳаттоки Ҳалимжоннинг Мулладўст номли ароқхўр ошнаси билан топишиб олиб, у билан улфатчилик ҳам қилдим...

Ҳа, яхшигина узум шароби ватандан жудо бўлган кишига даво экан! Майхўрликка ўша ерда ўргандим. Ўзинг биласанки, илгарилари май ичмас эдим, энди сенга эркакча сўз бераманки, ана шу пиёла охирги май ичишим бўлсин, қани, қуй!..

Ўн кун ўтди. Мен Ҳалимнинг меҳмонхонасида бемалол яшайвердим. Шу давр ичида Бухородан мудҳиш

хабарлар келиб турарди. Амир ва муллалар қутуриб, жадидкушлик, хунрезликни бошлабдилар. Русия — Туркистон ва Бухоро ўртасида борди-келди узилиб қолибди... Мен ўзимга ўзим яхшиям Бухородан чиқиб кетиб қутулган эканман, йўқса, арк устидаги «ҳовлича»дан жасадимни аравада туширишарди, дедим.

Ҳалимжон ҳар куни икки ёки уч соат болаларга дарс бериб қайтарди. Бошқа вақт доим мен билан бирга эди... Ҳар куни бир жойда зиёфат, ҳар куни суҳбату чақ-чақ... У ишқилиб мени хафа бўлишга, зерикишга қўймас эди. Бир куни мен унга, бундай қилма, меҳмонлигим энди етар! Сен ишингдан қолма, мен зерикмайман, машғулотим бор, дедим!

Бозордан бир-иккита дарслик сотиб олдим. Кундузлари унча-мунча ўқийман, кейин агар топилиб қолса, бирон ишга кираман.

Аммо Ҳалимжон мендан бехабар қолмасди. Фақат бир кеча мажлисга борди. Бошим оғриб турганди, кўчага чиқмай ётдим. Вир маҳал Ҳалимахон ичкари ҳовлидан чиқиб келди. Эгнида хонатлас, унинг ҳусну жамолидан қоронғи уй мунаввар бўлар эди. Кўкрагини сириб турган қизил бахмал нимчаси кўйлагига жуда мос тушган эди. Юзи Каттақўрғон ширмойидек оқ-қизил, қалам қошлари қоп-қора, хумор кўзлари маҳлиё этарди, нозик ва нафис лабларида ширин табассум ўйнаб турарди... Қисқаси, у инсон фарзанди эмас, балки бир фаришта эди, ҳусну малоҳатида илоҳий куч, жозиба бор эди!..

— Тоблари йўқ, бошлари оғрибди, девдилар,— деди у менга меҳрибонлик билан нигоҳ ташлаб,— сизга жой солиб берай, деб келдим... агар керак бўлса, чой дамлаб берай.

Ўзинг биласанки, мен бу оламда ҳеч кимдан қўрқмайман, лекин ўшанда бирданига қўл-оёғим музлаб қолди-ю, юрагим гупиллаб ураверди, нима дейишимни билмай, ҳайрон бўлиб қолдим.

— Ахир,— дедим,— беҳуда овора бўлиб чиқибсиз... Мен ўзим...

— Сиз азиз меҳмонимиз,— деди у ширин забонлик билан.— Сиз Ҳалимжоннинг қиёматли акасисиз, наҳотки ташвиш бўлса! Сира истиҳола қилманг.

Бундай ширин сўзлар дилимга малҳам бўлди.

— Тўғри,— дедим,— мен Ҳалимжоннинг қиёмат-

ли акасиман. Шунинг учун мен ҳам бахтли, ҳам бахтсизман!

— Худо сақласин бахтсизликдан!— деди у.— Нега бахтсиз бўлар экансиз?

— Чунки,— дедим,— сизнинг висолингизга, азизим, муяссар бўлмоқ имкони йўқ!

— Нима, нима?— деди у аввалига гапимни тушунмай,— висолингизга? Бу нима деганингиз?

— Ростини айтсам, ўргилай,— дедим таваккал қилиб,— жамолингизни бир кўришда юрагимни бериб қўйдим. Бу оламда сиздек...

— Бас қилинг, шарм-ҳаёсиз,— деди у зарда билан ва эшик томон кетди.— Мен сизни одам деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳайвон экансиз. Ақалли нон-тузнинг ҳурмати йўқми?! Эрим бир бурда нон топса сизсиз томогидан ўтмайди-ю, сиз унга шундай муомалада бўласизми?! Уят, уят, уят! Садқаи одам кетинг-э!

У ичкари ҳовлига кириб кетмоқчи эди, ўрта эшикдан югуриб чиқиб йўлини тўсдим:

— Кечирасиз, узр, узр!— дедим кулиб.— Бу бир имтиҳон эди, бир синаб кўрай дедим. Маълум бўлдики, сиз вафодор, покиза хотин экансиз. Ҳалимжон сизни жуда таърифлаганидан, озодликка чиқиш ва паранжи ташлашга ҳавасманд эканлигингиздан мен шубҳаландим ва бир синаб кўрай дедим. Худога шукур, сиз муносиб ва ҳақиқатан таърифга лойиқ аёл экансиз!

— Синаш бундай бўлмайди-да!— деди у жахлидан тушмай.— Мен келган кунингиз номаҳрамлигингизни, ёмон кўз билан қараётганингизни сезгандим. Лекин эримни юз-хотир қилдим... Ана, бугун маълум бўлди.

— Нима маълум бўлди?— дедим жиддий қилиб.— Наҳотки мен ўз синглимга, Ҳалимжоннинг хотинига кўз олайтирсам?! Уят бўлади, Ҳалимахон, уят! Мени кечиринг, гуноҳимдан ўтинг, бу хусусда Ҳалимжонга оғиз очманг, йўқса, мени шарманда қиласиз, ҳаётингизни ҳам заҳарлайсиз.

— Ҳаётим нега заҳар бўларкан?

— Чунки нима бўлганда ҳам Ҳалимжон сиздан шубҳаланиб қолади, бирон қилиқ қилгандирки, акам унга осилгандир, деб ўйлайди. Шунинг учун, азиз синглим, бу гап ўртамизда қолсин. Мен бир-икки кундан кейин бу ердан кетаман, хотиржам бўлинг!

— Майли,— деди ниҳоят у.— Мен Ҳалимжонга айтмайман. Лекин шуни билиб қўйингки, мен сиз ўйлаган аёллардан эмасман!

У шундай деди-ю, ичкари ҳовлига кирди ва ичкари ҳовли эшигини орқадан занжирлагани эшитилди.

Мен хонага қайтиб ўз ишимга ҳайрон қолдим... Яхши бўлмади. Лаънати Ҳалима гапга кирмади. Ишқилиб, Ҳалимга айтмасин. Кейин нима бўлади? Ўзимча ўйладим: шайтон айтадики, бир ғизиллаб ичкари ҳовлига киру, бу «покиза»нинг ишини бажариб, муроду мақсадингга ет, қани, кўр-чи, кимга додини айтар экан! Лекин раҳмон дердики, бу иш яхши эмас: дўст уйида маҳрам бўлиб юрибсан, қўлингни тий, дилингни бузма, кўзингга эҳтиёт бўл. Ўзинг-ку бир мусофир, борадиган жойинг йўқ, пушту паноҳинг йўқ, ўз вали-неъматингга хиёнат қилишнинг нима кераги бор. Яхшиси, ўшанинг ёрдами билан ўзингга бирон иш топиб олгину бу хонадондан чиқиб кет, шуниси маъқул!

Мен раҳмоннинг маслаҳатига кирдим, шайтонга ҳай бердим ва бу ердан кетаман деб кўнглимга тугиб қўйдим! Нима? Афсуски, одам ҳамма вақт ҳам раҳмон сўзига кириб, шайтонга ҳай бера олмас экан, билмадим, баъзан раҳмон ғафлатда қолади-ю, шайтон ўз ишини қиладими, сўнгра раҳмон келиб қанча койиса ҳам бефойда экан.

Хуллас, индинига Ҳалимжоннинг маслаҳати билан Каттақўрғоннинг узоқ бир қишлоғига бордим. У жойнинг оқсоқоли Ҳалимжон билан қадрдон ошна экан. Ҳалимжон мен билан бирга бориб, оқсоқолнинг уйида бир кеча меҳмон бўлдик. Бахтимни қарангки, шу қишлоқнинг домла-имоми касал бўлиб, шаҳарга кетган экан, ўрнига сўфи вақтинча имомлик қилар экан. Оқсоқол мени масжидга олиб бориб, қавмларга таништирди, бу киши бухоролик муллазодалардан бўладилар, деди. Қишлоқ аҳли имомлигимга рози бўлишди. Ўзинг биласанки, мен бундақанги ишларни ёқтирмайман. Лекин у вақтда бундан бўлак иложим йўқ эди.

Қишлоқ имоми бўлиб, зах бир ҳужрада истиқомат қилдим. Қуръонни яхши ўқирдим, беш вақт намозни канда қилмасдим, бунинг устига ҳар куни кечқурун қавмларга панду насиҳат қилиб, гўру қиёматдан ҳи-

коя қилардим. Шу тариқа мен уларга, улар менга маъқул тушдик. Кўп ўтмай Ҳалим мени кўргани келди-ю, амир билан Туркистон ҳукумати ўртасида яраш бўлибди, борди-келди йўли очилибди, деган хабарни айтди. Бу хабардан қувониб, ундан агар бирон киши Бухорога борса Абдулҳафизникига тушиб меҳмон бўлсин, уни ўзи билан бирга олиб келсин, деб илтимос қилдим. Ҳалимжон ваъда бериб кетди...

Мен кута бошладим.

Мусофирчилик ва ғарибликда интизорлик шима эканлигини сен билмайсан! Кеч киради, тонг отади, икки кўзим йўлда!.. Бомдод намозини ўқигач, бирор хабар келар деб умидвор бўламан... Йўқ! Кейин, пешиндан кейин хабар келса ажаб эмас, деб ўйлайман... Яна йўқ! Хайр, эҳтимол кечга томон, аср намози ё шом намозидан кейин келар... Яна дарак бўлмайди. Умидвор бўлиб хуфтон намозини ўқийману, алламаҳалгача масжидда интизор бўлиб ўтираман. Ниҳоят, ўз ғамхонамга бораману, юз азобда ёстиққа бош қўяман...

Дерларки сабр мева берар, сабр қил, иним,
Берса берар, бироқ ўтар қанча умрлар.
Умримни сабр йўлига буткул бағишладим,
То мева пишганича бу умрим ўтиб кетар.

Тилимдан шу шеър тушмасди.

Ниҳоят, Бухородан Абдулҳафиз келди. Унинг пойқадамидан қоронғи ҳужрам равшану, жоним киргандай бўлди.

Комрон бўлдиму хушҳол, бу эмас менга ажаб,
Мустаҳиқ эрдиму бу — менга тегишли ҳақ эди...

Биласанми, ватаннинг қадру қиммати мусофирликда билинар экан. Сен ватаннинг сўлим оғушида, унинг лутфу эҳсонларидан баҳраманд бўлиб турган пайтингда қанчалик бахтиёр эканлигингни, ватанинг борлигини ва бу ватан қучоғида бахтиёр ҳаёт кечираётганлигингни яхши билмас экансан. Буларнинг ҳаммасини киши ғарибликда сезар экан. Абдулҳафизнинг ўзи ким? Менга у нима бўлади?! Аммо мен уни кўрдим, гўё отамни, туғишган инимни кўргандай бўлдим,

атрофида парвона бўлдим. Бухоро тўғрисида сўрадим, унинг кийимларидан Бухоронинг муаттар ҳидини ҳидламоқчи бўлардим, унинг сиймосида Бухоро сиймосини, қон-қариндошларим ва ёру дўстларим сиймосини кўргандай бўлардим...

Уни уй тўрига ўтқазиб, олдига дастурхон ёздим ва Бухоро аҳволидан сўрадим. Қани, гапир, дедим, бор гапни яширмай-нетмай, каму кўстсиз айт, дедим.

Абдулҳафиз ҳикоя қилиб берди: отам вафот қилибдилар, онам Бойсундан Бухорога келибдилар, аҳволлари оғир экан, қийналиб қолибдилар, кимсасизлик ва йўқчилик онамни ҳам беморлик тўшагига ётқизибди... Амир ва жоҳил муллалар хунрезлик ва истибдодни ҳаддан оширибдилар. Жадидкушлик авжида экан.

Бу хабарларни эшитгач, юрагим қонга тўлди, ғазабландим, олов бўлиб ёндим. Худо ҳаққи, дедим, агар менга қудрат қўли ато қилса, улардан шундай қасос олайки, олам ҳайрон бўлсин! Шундай қонлар тўкайки, амир жаллодлари ваҳимага тушсин! Мен ҳали ўз қудратим, зўравонлигимни кишиларга кўрсатганимча йўқ, мен қандай ишларга ва қандай амалларга қодир эканлигимни халқ билмайди, ҳали шошмай туринг!..

Худога минг қатла шукурки, қасос олиш кунларига ҳам етиб келдим. Насиб бўлса, эртага қудратли қўлим баланд келади ва шундай шароит туғиладики, мен ўзимнинг мурод осмонимни ясаб, ўзим яратган нурафшон юлдузлар орасида ой каби, қуёш каби сайр қиламан. Бундан буён йўлимни ҳеч ким тўса олмайди. Қасос оламан, қон ялайман, жон оламан!

Қўрқма, сендақалар дастурхонимдаги нон ушоқларини териб ҳам ўз мақсадларига етишади. «Шолининг кетидан курмак сув ичади». Агар мен қилич чопсам, сен қиличбардор, агар мен айшу нўш қилсам, сен менинг қуйқахўрим бўласан, Заҳар! Давру даврон бизники бўлади! Бўлади, ҳа, албатта бўлади!

Тўхтаб тур, боя гап нима устида эди. Ҳа, дарвоқе Абдулҳафиз...

Абдулҳафиз кўп турмади, илоҳи худо раҳмат қилсин. Икки кеча тунаб кетди. Ундан эшитдимки, жадидлар Тошкент, Самарқанд, Карки ва Чоржўй каби шаҳарларда яна қўзғалибдилар. Амир эса, сарбозла-

рини яна кўпайтирибди. Афғонистондан филлар, қуролу яроғлар ва аскар олибди. Бу хабарлар қалбимга тағин ўт ёқди, яна ўша жанжалу ғалвалар гирдоби мени ўзига тортди, жалб қилди...

Бир куни қишлоғимизнинг оқсоқоли Тошкентга бормоқчи бўлди. Мен у орқали Мирза Муҳиддин ва Абдуқодирларга хат ёзиб, турар жойимни маълум қилдим. Кўп ўтмай улардан жавоб олдим. Айтибдиларки, тайёргарлигимиз зўр. Россия ҳукумати бизга мадад беради. Ленин ўз шогирдларини юборади... Ленин ким дейсанми? Ленин кўп улуғ одам, оқпошшони тахтдан ағдарган, Керенскийни ҳам, ҳозир Москвада ҳукумат бошида ўзи. Унинг шогирдлари ҳамма ишга уста ва моҳир эканлар. Лениннинг шогирдларидан иккитаси ҳозир Тошкентда экан. Мирза Муҳиддин яқин орада катта куч билан Бухорога ҳамла қиламиз. Сен ҳушёр, тайёр бўлиб тур, хонаси келганда хабарлашиб, сени чақирамиз дебди...

Мен ҳушёр, тайёр бўлиб, шай бўлиб, кечами, кундузми, истаган дақиқада иккиланмай йўлга чиқаман ва ўзимни жанг марказига ураман деб юрдим... аммо дарак бўлмади. Яна интизорлик, яна умид ва умидсизлик асабларимни ларзага келтирди, яна жонимдан безор бўлдим, яна телбаланиб қолдим... Бу аҳволимни кўрган оқсоқол қишлоқ катталари билан маслаҳат қилибди ва ҳол-жонимга қўймай бир бевани менга олиб беришди. Куёв бўлдим! Уйланмай юриб-юриб оқибатда қишлоқи бир бевага эга бўлдим. Ўзимнинг ҳам, ота-онамнинг ҳам барча орзу-умидлари барбод бўлди. Энди ҳозирги шароитда ўзим ота-онам ўйлаганидек хотин олишим гумон эди. Умид у ёқда турсин, ота-онамнинг ўзлари ҳам йўқ эди...

Ҳа, Каттақўрғоннинг узоқ қишлоғида ичкуёв бўлдим. Келин ҳовлисида кичик тўй қилиб, мени олиб бордилар. Гўшангага кириб қарасам, хотин чакки эмас, мусофирликда бўлаверади.

Хотинли бўлгач, аҳволим андак яхшиланди, сал ҳовримдан тушдим, асабларим бўшашди. Бу аёлнинг илгариги эри элнавкар экан, инқилобдан кейин милиция бўлган экан. Аммо уч-тўрт ой ишлар-ишламас, тўсатдан касал бўлиб ўлибди. Хотини боласиз, бева, уй-жойлари эгасиз қолибди. Мен иккинчи эр бўлиб уйига келувдимки, унга анча маъқул тушиб қолдим.

Хотин атрофимда парвона эди. Нима десам бажарарди, нима сўрасам топиб берарди. Аввалига эридан қолган ҳамма нарсани ихтиёримга топширди. Ана шу кийим, ана шу тўппонча, ана шу камар — ҳаммаси ўша милицияники. Тўппончани янги ҳукуматдан эмас, балки илгариги ҳукуматдан олиб, яшириб қўйган экан. Қишлоқда менга бу нарсалар керак эмасди. У ерда хотиннинг ўзи менга тасалли берарди. Лекин кейин тўсатдан бир хат келиб қолди, хатда август ойининг охирларида Бухорога ҳужум бошланади, албатта, Когонга етиб кел, дейилганди.

Бу хабар менга жон бағишлади, руҳимни кўтарди. Зудлик билан боришга жазм қилдим, шунинг учун оқсоқолнинг олдига бориб, Бухорода онам ўлим тўшагида ётган экан, бир бориб хабар олмасам бўлмайди, деб баҳона қилдим. Қайтиб келгунимча сўфи имомлик қилиб туради. Оқсоқол кўнди, ҳатто бир оз пул ҳам йиғиб берди.

Хотиним йўлга майда-чуйда тайёрлади. Икки товуқ пиширди, яхна гўшт, нон, қанд ва ҳоказо... Кўз ёши тўкиб юзларимдан ўпарди... Мен, хафа бўлма, йигирма кундан кечикмай қайтаман, дедим.

Шундан сўнг ана шу кийимни, устидан тўнни кийиб, белимни боғладим ва унинг устидан яктак кийиб олдим. Тўппончамни шимнинг чўнтагига солиб, кўчага чиқдим. Қавмлар мени аравада Каттақўрғон шаҳригача олиб келдилар. Шаҳарда ҳеч қаерга бормай тўғри станцияга чиқдим. Поездга тушиб Когонга бормоқчи эдим. Бахтга қарши поезд ўтиб кетган экан, эртагача бошқа поезд бўлмас экан. Ҳалимжоннинг ҳовлисига боришга мажбур бўлдим. Қош қорайиб, кўчаларда йўловчилар сийраклашиб қолган эди... Ишим юришмаганлигини ўйлаб Ҳалимжоннинг эшигига етиб қолганимни пайқамабман. Эшик ичкаридан берк эди, тақиллатдим, аввалига ҳеч ким жавоб бермади, ҳеч қанақа овоз ҳам эшитилмади, кейин биров эшик орқасига келди-ю, бегона товушда сўради:

— Ким?

— Мен,— дедим.— Мен Ҳалимжоннинг ошнаси фалончи бўламан, эшикни очинг!

— Ҳалимжон йўқлар!— деди аёл.

— Ҳалимахон-чи?— сўрадим.

— Тоблари йўқ!

— Э, аттанг,— дедим.— Хайр, майли, очинг. Мен фалон қишлоқнинг имоми, шу хонадоннинг қадрдони бўламан. Хайрлашиб Бухорога кетмоқчи эдим...

Сўраган аёл индамай кетди-да, кейин қайтиб келиб, эшик занжирини туширди. Аёл ичкари ҳовлига кириб кетгунча кутиб турдим, сўнгра эшикни очиб, ҳовлига қадам қўйдим ва ичкари ҳовли эшиги олдига келиб, товуш чиқардим:

— Ҳалимахон, синглим, сизга нима бўлди?

Ичкари ҳовлидаги супадан Ҳалимахоннинг беҳол овози эшитилди:

— Икки кундан бери иситмада ёняпман, аҳволим оғир... Укангиз мактаб иши билан қишлоққа кетган... Оҳ, туришга мадорим йўқ. Бу аёл қўшнимиз бўладилар... Менга қараб турибдилар...

— Илоҳи худо шифо берсин!— дедим.— Бухорога бормоқчи эдим, лекин кечикибман, поезд кетиб қолибди. Энди эртага пешинда поезд бўлар экан. Хайр, бўлмасам, укам Ҳалимжоннинг ҳовлисига бориб тунай, эрталаб хайр-хўшлашиб, станцияга чиқаман, дедим. Толеим пастлик қилиб, укамни кўролмай қолдим. Майли, ҳечқиси йўқ, ўзим уйни очиб, меҳмонхонада тунай...

— Майли... маъзур тутасиз. Баҳузур ётаверинг, меҳмонхона ўзингиз турган вақтдагидай... тахт қилиб қўйилган... Насиб бўлса эртага енгиллашсам, наҳори тайёрлаб бераман.

— Эй, асло парво қилманг, мен қишлоқдан озуқамни олиб келганман. Лекин, синглим, сизни бир ўқиб қўйиш керак эди. Даму нафасимни қишлоқда кўп мақташарди. Бирор бемор ҳам дам солганимдан кейин тузалмасдан қолмаган. Аввало худою, аммо даму нафасда ҳам гап кўп экан...

— Овора бўлманг, мулла почча!— деди аёл.— Эртагача енгиллашиб қоларман...

— Йўқ, оворагарчилиги бор эканми?!— дедим.— Ҳозир таҳорат олиб, шом намозини ўқийману, кейин кириб куф-суф қилиб қўяман, ҳеч нима кўрмагандай бўласиз-қоласиз, иншооллоҳ!

Ҳалима индамади. Мен сукут — аломати ризо, деб ўйладим ва дарҳол обдастани олиб, таҳорат қилдим, шом намозини ўқидим. Намоз ўқиб турганимда қўш-

нининг ўғли келиб, онасини олиб кетди. Буни мен ўзимча яхшиликка йўйдим. Намозни зудлик билан тамомлаб, бисмиллоҳ деб ичкари ҳовлига кирдим. Дарҳақиқат, Ҳалима ҳовлида кўрпа-тўшак қилиб ётарди. Секин бориб тўшаги ёнига ўтирдим. Тун унчалик қоронғи эмасди. Шом еган ой ҳовли орқасидан — қатор тераклар ортидан эндигина мўралаётган эди. Ҳалима ҳавонинг иссиқлигига қарамасдан устига чойшаб ёпиб олган эди. Тим қора узун сочлари ёстиқ устида паришон эди. Кўзи ярим ёпиқ, юзи иситмада ёнарди, шу беморлик ва хасталик ҳолатида ҳам кўркам, гўзал, худди малоикага ўхшарди. Беморликдан мадорсизланиб ёнида ётган қўлини олдим. Бирданига ҳушёр тортиб, «ким», деди ва нолиб қўлини тортди. Мен дарҳол уни тинчитмоқчи ва куф-суфни бошламоқчи эдим, бўлмади. Қаттиқ-қаттиқ инграб, гапира бошлади.

— Кетинг, кетинг! Керак эмас! Кетинг! Кетинг!

Мен бу хотинларга хос нозн карашма бўлса керак, деб ўйладим-да, дадил бўлиб қўлини ушладим ва гулгун юзидан бўса олай деб энгашдим, аммо у талвасаланиб ўрнидан турмоқчи бўлди ва ҳатто дод деди. Оғзини бекитмоқчи бўлдим, шу пайт тўсатдан кучли бир қўл елкамдан қаттиқ ушлади-да, орқага қараб отиб юборди. Супа пастига йиқилиб тушдим. Лекин бирор жойим зарар кўрмади. Жонҳолатда сакраб ўрнимдан туриб қарасам, Ҳалимжон ҳарсиллаб устимга ташланмоқчи бўлиб турибди, агар қўлимга тушиб қолган тошни олиб унинг кўкрагига отмаганимда, билмадим, нима бўларди. Ҳалимжон «уҳ» деди-ю, йиқилди. Ҳалима жонҳолатда фарёд қиларди. Мен югуриб ташқари ҳовлига чиқдим. Қарасам, боғланмаган бир от дарвоза олдида хашак еб турибди. Худога шукур қилиб, отнинг жиловидан олиб ташқари чиқдим ва ҳали доду фарёддан бирор киши хабардор бўлмай, кўчада ўзимни эгар устига олдим-да, катта йўлга қараб отнинг бошини қўйдим. Қарийб бир соатча дам олмай отни елдириб, ниҳоят бир чакалакзорга етдим, пича дам олдим, отнинг тери қотсин дедим, кейин яна отга миниб катта йўлга чиқдим, толеимни қарангки, бу йўл Каттақўрғон ва Кармана йўли экан. Тонг отган пайтда Бухоронинг пок хокига — Кармана вилоятининг чегарасига қадам қўйдим ва шукрони неъмат қи-

либ, отни бир бутага боғладим, Кармана чўлининг қумлари устида намоз ўқидим. Намоз ўқиб турганимда амирнинг икки чегарачи сарбози устимга келиб қолди. Мен жўрттага уларга аҳамият бермай, намозимни ўқийвердим.

Ўзим намоз ўқиётган бўлсам ҳам, нима қилсам экан, деб ўйлардим. Секингина тўппончани чиқариб иккисини ҳам отиб ташласаммикин ёки сакраб отга миниб қочсаммикин? Йўқ... Бундай қилиш ярамайди. Чунки тўппонча овозини эшитиб, шериклари келишади, бекорга ўлиб кетаман. Қочиш ҳам ярамайди, орқамдан қувиб, қўлга олишлари мумкин. Отим синалмаган от!

Мен шуларни ўйлаб турганимда сарбозлардан бири бўғилиб деди:

— Қўй, кетдик, қўй, намозини ўқиб олсин!

— Бўлмаса, отини гаровга оламиз. Агар от керак бўлса, қоровулхонага келиб, бир нарса бериб, олиб кетади.

— Бу яхши маслаҳат!

Улар отимни олиб кетдилар. Мен шукур қилиб яна икки ракаат намоз ўқидим. От бошларини есин, ўзим омон қолдим. Бўлмаса ичимдан кийган формамни ва тўппончамни кўриб, ўлдирмасалар ҳам, банди қилиб Бухоро зиндонига жўнатардилар. Бухорода эса қушбеги ўз ваъдасига вафо қиларди ва мени дорга осишарди.

Намоздан сўнг пастқамликлардан яёв юриб, писиб, бекиниб Кармангга кирмай, тўппа-тўғри бу томонга бурилдим. Уч кеча-ю уч кундуз ороми қарорим бўлмади. Хайриятки, чўнтагимда оқсоқол йиғиб берган пуллар бор экан, йўлда қишлоқлардан нон, мева-чева олиб едим, сут, қатиқ олиб ичдим. Худога шукур, амир одамларининг наҳс юзларини бошқа кўрмасдан Кўли Хавокка етиб келдим, мана, хайрият яна эсон-омон бир-биримизни кўрдик. Қани, тур, паловни олиб кел, ланж бўлиб кетгандир!..

— Эй, қойилман!— деди Наим Заҳар, Асад Махсумнинг қиссасини эшитиб.— Аввалдан ҳам ошиғингиз олчи эди, ҳали ҳам олчи!

— Насиб бўлса энди давру давронимиз бошланади!— деди Асад Махсум мамнуният билан ва кулиб қўйди.

3

Кўли Хавок қишлоғи шимоли ғарб томонда, Когондан саккиз чақирим нарида бўлиб, дашт этагида жойлашган эди. Бу қишлоқ одамларининг кўпчилиги деҳқон бўлиб, тер тўкиб кун кечирарди. Бу жойнинг ерлари шўрхок ва камсув эди. Аммо деҳқонлар ҳунар ишлатиб шўрхок ерлардан ширин ҳосил ундирардилар. Саид Паҳлавон шу қишлоқнинг қўли гул ва донишманд деҳқонларидан эди.

У ёшлигида, отаси ҳаёт вақтида курашга тушиб, паҳлавонлик қилар эди. Қаерда кураш бўлса, Когондан ҳаммадан олдин Саид Паҳлавонни чақирар эдилар. У ёшлик чоғида унчалик семиз, чорпаҳил бўлмаса ҳам, лекин чайир ва зўр эди. У ўзидан икки баравар катта ва машҳур паҳлавонларни йиқитар ва кунданкунга шуҳрат қозонар эди.

Кунларнинг бирида Бухорода Қоракўлибой катта тўй берди. Улоқ ва кураш неча кунлаб давом қилди. Бу тўйга Когоннинг Кўли Хавок қишлоғидан ёш курашчи Саид Паҳлавон ҳам даъват қилинди.

Қоракўл дарвозаси ташқарисидаги кенг майдонда кўп киши тўпланишган. Маъраканинг марказида кичик катда Қоракўлибой азиз меҳмонлари — қозикалон, раис ва Бухоро миршабини зиёфат қилиб ўтирарди. Узоқ-узоқ жойлардан атоқли паҳлавонларни чақириб келтирган эдилар, томошабинлар ҳам тараф-тараф бўлиб ўтиришарди. Бу маъракада Саид Паҳлавон икки кишини кўтариб ерга урди ва тўн билан каллақанд ҳамда пул мукофоти олди. Ниҳоят, уни қатга, катталар олдига чақирдилар. Қоракўлибойнинг ўзи қаердансан, отинг нима, касбинг нима, деб сўради. У айтиб берди. Сўнгра Қоракўлибой Ҳайдарқул деган бир балиқпаз паҳлавон бор, агар сен ана ўша балиқпазни йиқитсанг, бир от мукофот оласан, деди.

У вақтларда уларнинг рўзғорига биттагина от ҳамма нарсадан ҳам зарур эди. Бинобарин, мукофотни эшитиб, Саид Паҳлавон дарҳол рози бўлди-да, бир балиқпаз эмас, икки балиқпаз бўлса ҳам йиқитаман, деди. Ҳа, Саид Паҳлавон ана шундай мағрур эди!

Саид Паҳлавон майдонда Ҳайдарқул балиқпаз билан рўбарў бўлгач, ўз ғалабасига янада ишонди.

Ҳайдарқул қотмадан келган, баланд бўйли ва бирор жойи ҳам полвонларга ўхшамас эди — балиқпаз эди, холос! Саид Паҳлавон қўлларини учаётган қуш қанотларидек силкиб-силкиб, балиқпазга яқинлашиб келар экан, гўё ўша бой ваъда қилган отни оёғи остида кўраётгандай эди. Аммо икки паҳлавон биринчи марта беллашганларидаёқ маълум бўлдики, от ҳали анча йироқда ва унинг устига миниш осон эмаскан... Саид Паҳлавон бир силтаб Ҳайдарқулни даст кўтариб, отиб юбормоқчи бўлди, лекин кучи етмади, аксинча бўлди. Ҳайдарқул бир силтаганида ўзи йиқилиб тушай деди. Аммо у чаққонлик қилиб ўзини тутиб олди-да, яна қаттиқроқ ёпишди, яна кучини кўрсатмоқчи бўлди, лекин бу кучанишлар Ҳайдарқулга асар ҳам қилмади. Ҳайдарқул унинг ҳужумларини қайтариб, уни йиқитишга жиддий ҳаракат қилмаётганлиги сезилиб турарди. Буни пайқаб қолган ёш паҳлавон яна зўр берар, кучанарди, томошабинлар эса ҳой-ҳуй қилишар, аммо бундай кучанишлар фойда бермас эди. Баланд бўйли Ҳайдарқул ерга гўё қоқиб қўйилгандай йиқилишни истамас эди. Бора-бора Саид Паҳлавоннинг гурури сўна бошлади ва ҳатто маъюсланиб ҳам қолди. У елкага елка қўйиб айланиб турган вақтда маъюслик билан паст овозда Ҳайдарқулга деди:

— Мен сизга қойил, тан бердим, ака! Майли, ҳунарингизни ишлатиб мени йиқитинг...

— Сен зўр паҳлавонсан, йигит! — деди Ҳайдарқул. — Сени йиқитиш осон эмас.

— Мендан кулманг, ака! Бой менга от ваъда қилган эди... Шунинг учун...

— Сен бойнинг отига муҳтожмисан?

— Муҳтожлик ҳам гапми? Деҳқончилигимиз юришмаяпти.

— Ундай бўлса яна бир уриниб кўр, отга эга бўласан!

— Йўқ, мен сизни йиқита олмайман.

— Йиқита оласан!

Томошабинлар зерикиб, шовқин-сурон кўтаришди.

— Ҳа, Саид Паҳлавон, бўш келма!

— Кўтариб ур!

— Бошингдан ирғитиб ташламайсанми, ахир!

— Ҳайдарқул ака!

— Қани, ҳа!

Ҳатто бой ҳам қичқириб, деди:

— Ҳайдарқул, кўп чўзма! Кўтариб ур!

Ҳайдарқул кучаниб, гўё Саид Паҳлавонни йиқитмоқчи бўлди. Кишилар шовқин-сурон кўтаришди, аммо «йиқита олмади» ва ҳансираб, Саид Паҳлавонга деди:

— Бахтингни яна бир карра синаб кўр!

Саид Паҳлавон бутун кучини тўплаб, яна бир зўр берди ва Ҳайдарқулни кўтариб ерга урди. Одамларнинг ҳой-ҳуй овози чиқди. Ҳайдарқулнинг кучини биладиган ва катталарга уни мақтаб турган бой бу шармандаликдан хижолатда қолди ва хижолатдан қутулиш учун баланд овоз билан Саид Паҳлавонга офарин ўқиди, эгар-жабдуғи билан тайёр турган отни йиғин ўртасига олиб киришни буюрди. Аммо Саид Паҳлавон ўз ғалабасидан хурсанд эмас эди. У ҳеч кимга қарамасдан, югуриб йиғиндан чиқди-да, одамлар кўзидан ғойиб бўлди.

Шу-шу бўлди-ю, кишилар анча вақт Саид Паҳлавон номини йигинларда эшитмадилар ва Саид эса тўй эгалари чақирганда ҳам уларга узр айтиб, ҳеч жойга бормасди. Тарафдорлари ва дўстлари уни бундай қилгани учун койир эдилар. Аммо у ҳеч кимга сир бой бермас эди. Лекин бир куни отаси ундан мукофотга берилган отни нега олиб келмадинг, деб сўраганда, шундай жавоб берди:

— Мен дўст орттирдим, шунинг учун отдан воз кечдим.

— Яхши қилибсан, ўғлим!— деди отаси.— Агар юзта от берсалар ҳам, битта дўстга тенг келолмас эди. Лекин шуниси ҳам борки, башарти ҳақиқий дўст бўлса...

— Мен топган дўст — ҳақиқий дўст!— деди у.

Дарҳақиқат, Ҳайдарқул унга ҳақиқий дўст бўлди. Ҳаёт йўлини, одамгарчиликни унга ўргатди, оламни танитди... Ҳайдарқул то қўлга олиниб, бадарға қилингунгача бу икки дўст ҳамиша бир-бирининг ҳолидан хабар олиб турарди.

Отаси ўлгач, рўзғорнинг оғир юки Саид Паҳлавон елкасига тушди ва у орзу-ҳавасни тарк қилиб, отасидан мерос қолган бир парча ерга тер тўкиб ишлашга мажбур бўлди. Рўзғори катта бўлиб қолди: икки қиз, уч ўғил, сингил ва инилар — бариси унга қараб қол-

ган эдилар. Буларнинг ҳаммасини едириш, кийинтириш, бунинг устига ҳовлига қараб туриш лозим эди. Саид Паҳлавон ориятли, ҳимматли ва оиладўст бўлиб, ўзи ҳам, оила аъзоларининг ҳам бировлар қўлига қарам бўлиб қолишини, муҳтож бўлишини хоҳламас эди, шу сабабдан у орзу-ҳавасни йиғиштириб қўйиб, ўзини меҳнатга урди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, зўр ғайрат билан меҳнат қилар ва имкони борича ердан мўл ҳосил олар эди. Лекин замонанинг носозлиги унга имкон бермади, унинг бахт-саодат йўлини тўсди. Катта ўғлининг тўйидан кейин қарздор бўлиб қолди, эндиликда қилган даромадининг кўпи қарзга ва қарз фойдасига кетар эди...

Ўша оқшом, Саид Паҳлавон ўғли Мирак билан полизда ишлаб, қовун узиб турган ва Асад Махсумнинг қишлоққа келганини кўрган пайтда ҳаво иссиқ эди. Ота-ўғил қовун солинган қопни эшакка юклаб, ҳовлига кириб келганларида Миракнинг онаси ўчоқ бошида ёвғон шўрва пишираётганди.

— Бунча кечикдинглар?— сўради хотин, уларга пешвоз чиқиб.

— Ўғлингни ўзи сусткор-да!— деди кулимсираб Паҳлавон.— Бир эгатдан иккинчи эгатга ўтгунича кеч бўлиб қолди.

— Гапиринг-а!— деди онаси ўғлининг бошини силаб,— ўзингиз сусткор бўлиб қолгандирсиз. Ўғилгинам терлаб кетибди, бор, қўл-бетингни ювиб кел! Мен сизларга шундай мазали шўрва пиширибқўйдимки, ичган кишининг чарчоғи шундоққина ёзилади.

Ота ва ўғил совуқ сувда қўл-бетларини ювиб, тоза бўлиб супага, дастурхон ёнига келиб ўтирди. Кундузи оғир меҳнатдан, саҳронинг соф ҳавосида ишлашдан ота ва ўғилнинг иштаҳаси карнай эди. Улар роса нон тўғраб, бир косадан шўрвани ичишди-ю, сўнгра кечки салқин ҳавода сўрида роҳат қилиб чой ичишди. Чой устида ширингина оилавий суҳбат бошланиб кетди:

— Эртага ўғлинг бозорга бир қоп қовун олиб бориб,— деди Саид Паҳлавон хотинига ҳазиллашиб,— бир халта пул олиб келади. Аммо, шарт шуки, сен битта мазали товуқ палов қилиб берасан!

— Илоҳи тилгинангиздан ўргилай!— деди хотин ва яна эркалаб ўғлининг бошини силаб қўйди.— Ўғлим менга пул келтирар экану, мен палов қилиб бер-

мас эканманми?! Пул топар ўғлимга оёқларимни ўтин, қўлларимни косов қиламан.

— Агар акам бир халта пул келтирса, менга кумуш исирға олиб беринг, дадажон,— деди Миракнинг синглиси эркаланиб.— Қулоғимнинг тешиклари битай деб қопти.

— Ҳа, албатта, қизим!— деди кулимсираб отаси.— Сенга кумуш исирға эмас, тилла ҳалқа, онангга шоҳи кўйлак, акангга битта от ва ўзимга эса битта носқовоқ оламан.

— Нимага битта носқовоқ экан?!— деди Мирак жилмайиб,— ўзингизга битта этик, битта яхши кетмон ва битта янги ўроқ олинг, кейин рўзғорга битта сигир ҳам сотиб олинг, кунига ўн беш коса сут берадиганидан бўлсин.

— Хайр, майли, «орзуга айб йўқ», дейдилар,— деди ота ва бир оздан кейин илова қилди:— Энди, онаси, ўрин солиб бер, ўғлинг вақтлироқ ухласин, эрта азонда бозорга боради.

Ўша кеча ҳар бир оила аъзоси бир фикр ва бир хаёл билан ухлади. Мирак қовунларимни одамлар талашиб оладилар, оғзи очиқ халтамга пул ёмғирдек ёғилади, деб ўйларди. Она эса ҳақиқатан ҳам сигирни орзу қиларди. «Кошкийди,— дерди у,— кўп сут берадиган бир сигир сотиб олсак. Эрталабки сутини рўзғорга сарф қилиб, кечкисини сотардик ва шу билан рўзғор кам-кўстига ишлатардик. Миракнинг синглиси эса нуқул қулоқларида тилла исирғани кўрарди...

Аммо ота — Саид Паҳлавон тамоман бошқа нарсани ўйларди: ҳademай қиш келади, болаларга уст-бош, тирикчилик учун озиқ-овқат ғамлаб қўйиш керак. Бир йиллик меҳнат ҳосилини қарзга берсинми ё рўзғорга сарф қилсинми?! Тирикчилик кундан-кунга оғирлашиб бормоқда. Бозорда нарх-наволар кўтарилган, агар сотиб олмоқчи бўлсанг қимматга оласан, меҳнат ҳосилингни сотмоқчи бўлсанг арзонга сотасан... Устига-устак кишилар уруш бўлади дейишяпти, яна жадидлар бош кўтарганмиш, амир тағин сарбоз тўплаётганмиш... Атроф-теваракда аллақандай нотаниш, шубҳали кишилар изғиб юради, воқеанавислик қилади... Улар одамни туҳмат билан балога гирифтор қилишлари мумкин!.. Кечқурун келган киши ким бўл-

са экан? Нега полизга пойлаб келди? Бир кўриниши муллаваччага ўхшайди, лекин ичидан ҳарбий кийим кийиб олган-ку? Мирак унинг тўппончасини ҳам кўрибди. Рост бўлса ҳам ажаб эмас. У Наимнинг уйини бекорга сўрамагандир. Бу бежиз эмас. Бу Наим Заҳарнинг қўлидан ҳар иш келади. Хайр, майли, тонг отсин, насиб бўлса кечаси келган меҳмоннинг кимлигини Наимдан суриштириб биламан...

Саид Паҳлавон ҳаммадан кеч ётди ва ҳаммадан олдин уйғонди. Оқар сувда қўл-бетини ювиб турган эдики, йироқдан тўп отишмаси эшитилди. Одатда ҳар шанба куни амир аскарлари Самарқанд дарвозасидан ташқаридаги яланглиқда машқ қилиб, тўп отар эдилар. Лекин бу тўп овози ҳеч қачон Кўли Хавоккача эшитилмасди. Эҳтимол, бугун катта ва овози баланд тўплардан отаётгандирлар, деди-да, бунга аҳамият бермади. Ўзлари учун ажратиб қўйган қовунлардан бирини сўйиб, уч коса қилди, сўнгра Миракни уйғотди.

— Тур, болам, кеч бўлиб қолибди шекилли, амир сарбозларининг тўп овозлари келаётир.

Мирак шошa-пиша кўз очиб, қулоқ солди, ҳақиқатан ҳам ора-сира йироқдан тўп садолари эшитилмоқда.

— Тонг отмасдан машқ қилишадими?— деб сўради Мирак уйқусираб.

— Ким билсин,— деди Паҳлавон,— ҳар куни бир янги нағма! Тур, нонушта қил, йўлга чиқиш керак.

Мирак қўл-бетини ювиб, отаси билан нону қовун еди, кейин омин қилиб ота-ўғил ўрнидан қўзғалди, эшакка тўқим уриб, қовун солинган қопни ортдилар.

— Хайр, ўғлим, эсон-омон бориб кел!— деди Паҳлавон.— Ўзингга эҳтиёт бўл, яна пулингни олдириб қўйма!

— Хотиржам бўлинг!— деди Мирак ва эшакни ҳайдаб кетди. Тонг ёришган бўлса ҳам, ҳануз қуёш чиқмаган эди. Лекин шарқ томонда уфқ ловиллаб ёниб турарди.

«Жуда соз!— деди Мирак ўз-ўзига,— ҳаммадан олдин бозорга кириб бораман...»

Миракнинг кечаси яхши дамини олиб, бардам бўлиб олган эшаги бемалол йўрғалаб борарди, Мирак эса эшак кетидан тез-тез одимлаб, хиргойи қиларди:

Югурдиму югурдим,
Чорсув бошига етдим.
Яхши бир эшак кўрдим,
Уни мен сотиб олдим... Хих!

Ғуборсиз мовий осмонда қалдирғочлар чарх уриб ўйнамоқда. Кенг фазода қалдирғочларнинг қанотлари қуёшнинг илк нурларидан сарғиш товланади. Ёқимли шабада эсиб, экинзорлар теварагидаги ўрик ва жийдаларнинг барглари ўйнарди. Ерга, майсаларга унчамунча шабнам тушганди. Дала фароғат уйқусидан уйғониб, енгил нафас оларди. Ерда ҳам, осмонда ҳам тозалик, бардамлик ва навқиронлик барқ урарди. Гўё туни билан оламни мунаввар этувчи офтоб истиқболига барча ашёю мавжудотларни ювиб, тараб-тозалаб, жило бериб қўйгандай туюларди. Ортда қолиб кетган қишлоқ томондан қўй-эчкилар, моллар, от-эшакларнинг овозлари эшитиларди. Подачилар подани йиғишаётганди, далада эса тонг шабадаси гуриллаб эсар, хушхон қушлар чуғурлашиб сайрашарди. Ёзнинг сўнгги кунлари ўтиб, Бухоро кузи бошланмоқда эди...

Аммо бу кун оддий кунлардан эмасди!

Бу куннинг оддий кун эмаслигини Мирак билмас эди. У қовунларини тезроқ бозорга элтиб сотиш ғамида эшаги орқасидан тез-тез юриб, кимсасиз, сокин, кишш баҳри-дилини очадиган йўлдан Когонга бормоқда эди. Ҳаёт ва меҳнат ўн тўрт яшар бу болани айни ўйнаб-кулиб, яйраб юрадиган пайтида бош қотиришга, рўзғор тутишга мубтало қилиб қўйган эди, унинг юзида ўйчанлик, тафаккур аломатлари намоён эди... Мирак унчалик новча эмасди, иш, меҳнат унинг суягини қотириб, баданини пишитиб юборганди. Миракнинг оёғида тумшуғи ингичка паст пошнали йиртиқ этик, ўзи оқ бўлса ҳам кирлигидан ранги билинмай кетган бўз иштонининг почаси қўнжи калта этиги устига тушиб турарди, эгнидаги ёқаси кенг бўз кўйлак устидан қалами яктак кийганди, белида белбоғ, бошида ранги ўчган қора бахмал дўппи... Устидаги кийимлари шу алфозда бўлса ҳам, лабларида табассум ўйнаётган (чунки бозорда иши юришиб кетишидан мамнун эди), тим қора шўх кўзларида умид учқунлари барқ ураётган Мирак эшак орқасидан қадам ташларди.

Кўрак ариқчаси кўприкидан ўтгач, йўл шарқ томон бурилиб, Когон — Самарқанд темир йўлига яқинлашиб қолади. Мирак худди шу ерга етганда куёш тиғ уриб, илк заррин нурлари унга тушди. Оламни нурга чулғаган офтоб гўё заррин либосини атайин ана шу кун шарафига кийиб чиққандай очиқ чеҳра билан дашту далаларга нигоҳ ташлади, борлиқ шодликка ғарқ бўлди. Эшакнинг сояси ва ўнг томондан Миракнинг узун сояси гоҳ йўл четига тушар, гоҳ ўт босган ариқча ичига тушиб, олдинга силжирди. Бир оздан сўнг бу сояларга яна бошқа соялар қўшилишди. Йўлда бошқа йўловчилар ҳам пайдо бўлган эди. Бир деҳқон уч эшакда сомон, яна бирови икки эшакда ўт, учинчиси, бир сават анжир орқалаб борар эди. Бир оз йўл босгандан кейин Когон томондан аравасига бир нарса юклаган аравакаш кўринди. Сомон олиб кетаётган деҳқон аравакаш билан саломлашиб сўради:

— Ўтадиган жой очиқмикин?

— Ҳа, шундан бошқа ўтадиган жой йўқ!— деди аравакаш ва ўтиб кетди.

Мирак бу савол-жавобга эътибор бермади. У ўзимдан бошқа ҳеч ким бозорга қовун олиб бормаяпти, фақат мен бир қоп қовун олиб боряпман, биринчи бўлиб бозорга кириб бораман, деб хурсанд эди.

— Хих, хих, тезроқ юр, жонивор!— дерди у эшакни ниқталаб ва ўзи ҳам илдамроқ қадам босарди. Гачкаш қишлоғидан ўтгач, Когон станцияси ва Амиробод станцияси барала кўринди. Ана, бир талай қизил вагонлар қатор-қатор. Уларнинг бир боши Амирободга ва бир боши Когонга чўзилиб кетган. Ана, паровозлар ҳуштак чалиб, қуюқ тутун чиқариб юрибди. Эҳ-ҳе, бу қатор вагонлар бунча ҳам кўп! У умрида қизил вагон эшелонларининг бунчалик тўпланиб қолганини кўрмаган эди. Барча темир йўл изларини вагонлар банд қилгандек туюларди. Мирак ҳайрон бўлиб, бирпас жойида тўхтаб қолди.

— Ўҳў шу қадар кўп поезд тўпланибдими,— деди у уч эшакда сомон олиб бораётган деҳқонга қараб.— Ё Когондан нарига поезд ўтмайдими?

— Аскар келган дейишади,— деди деҳқон.— Бу қизил вагонлар лиқ тўла аскар эмиш. Лекин, хайрият, ўтар жойимизни тўсиб қўймабдилар, ҳозиргина арава ўтиб кетди.

— Тўғри айтасиз,— деди Мирак.— Анави томонга бир қаранг, аскарлар оёқ машқи қилиб кетишяпти. Эҳ-ҳе, жуда кўп-а!..

Дарҳақиқат, йўлларни банд қилиб турган қатор эшелонлардан аскарлар милтиқ ва пулемётларни олиб тушиб, Когон станцияси ва Бухоро йўли яқинидаги Ўбачўли қишлоғи томон борардилар. Сомон олиб бораётган деҳқон бирпас қараб турди-да, йўлида давом этди. Уни кўриб Мирак ҳам юрмоқчи бўлди, аммо орқадан, қишлоқ томондан бир кишининг от чоптириб келаётганини кўриб, турган жойида тўхтаб қолди. Отлиқ одам ҳали яқинлашмасидан ҳам Мирак дарров таниди: бу одам тунов куни кечқурун уларнинг полизига келган эди. Остидаги от Наим Заҳарнинг оти, ўша салла-ю кийим-бош, аммо оёғида этик. Сувори Миракка аҳамият бермай отини чоптириб Когон томонга ўтиб кетди. Отнинг туёқлари остидан кўтарилган чанг-тўзон босилгач, Мирак ҳам эшагини ҳайдаб йўлга тушди. У вагонлар қатори ва темир йўл изидан ўтиб, пахта заводи билан чой саройи ўртасидаги йўлдан Когон бозорига қараб эшагини ҳайдади. Кўпчилик вагонларда ёш аскарлар бор эди. Уларнинг баъзиси русча, баъзиси тожикча ва бир қисми туркча сўзларди. Буларни кўрган Мирак, қишлоқ болалари уруш тўғрисида гапирардилар, эҳтимол бу аскарлар урушга келгандир, деб дилидан ўтказди.

Уруш!.. Амир сарбозлари ҳам урушни машқ қиладилар, афғон аскарлари филлар билан келган... Қаттиқ уруш бўлса керак... Агар томоша қилиш имкони бўлса, Мирак албатта бориб томоша қиларди. Аммо жанг қаерда бўлар экан? Албатта, ё Кўлишаголон майдонида, ё Самарқанд дарвозаси ташқарисидаги яланглиқда бўлса керак... Жанг учун кенг жой, катта майдон керакдир албатта?

Мирак шу хаёллар билан эшаги орқасидан астасекин борар эди, шу пайт тепасидан, осмондан қаттиқ ғувиллаган товуш эшитилди. У сесканиб кетди, ҳатто ювош эшаги ҳам қулоқларини «динг» қилди. Мирак осмонга қаради. Катта самолёт қанотларини ёзиб уларнинг қишлоғига қараб учиб кетаётганини кўрди. Самолётнинг қанотлари остида қизил юлдуз аломати бор эди, шамолдан лапанглагандек лапанглаб борарди. Мирак бундан илгари ҳам бир неча бор самолёт

ни кўриб, одатланиб қолган эди, самолёт уларнинг қишлоғи устидан баланд учиб ўтишини, сўнгра ғарб томонга бурилиб, Бухорога боришини, бу пўлат қушнинг «аэроплан» деб аталишини ҳам биларди. Чунки қишлоқ устида самолёт қачон пайдо бўлса, болалар қий-чувлашиб баланд овоз билан шу мисраларни такрорлардилар:

Аэроплан — катта қуш,
Катта қуш — аэроплан!
Ош емасанг, дон емасанг,
Юлдуз тер, ана осмон!

Лекин бу гал аэроплан шундай паст учган эдики, Мирак ҳатто ундаги кўзойнакли учувчини ҳам кўра олди, табиийки, ғувиллаган товуш жуда баланд, ваҳимали бўлганлиги сабабли Мирак қўрқиб кетган эди.

Аэроплан ўтиб кетди. Мирак ҳам чой саройи олдидаги майдонга етиб келди. Бир томонида чой саройи, бир томонида эса пахта заводи жойлашган бу майдон ҳар доим гавжум бўларди, бу ерда майда олиб сотарлар бир кичик бозор ташкил этган эдилар. Мирак кўпинча катта бозорга бормай, қовун ва сабзавотларини шу бозорчада сотарди. Бугун чой саройи олдидаги майдон одатдан ташқари серодам ва буларнинг кўпчилиги аскарлар эди. Мирак эшагини дарахтга боғлаб, қопини ерга қўйди-да, бир нечта қовун чиқарди, шу заҳотиёқ харидор аскар болалар ёпирилишди.

— Қовунларинг қанчадан?— деб туркчалаб сўради аскарлардан бири.

— Қанча берсангиз, ихтиёрингиз!— деди Мирак ҳам туркчалаб.

Аскар болалар бир-бирларига қараб кулишди.

— Сен яхши сотувчи экансан-ку!— деди улардан бири тожикчалаб,— молингни нархини билмайсанми?!

— Бу деҳқончилик, амаки,— деди Мирак, отасининг бир вақтларда айтган гапини эслаб,— нархи бўлмайди, нархи худо берган еру сув, деҳқоннинг пешана териси!

— Оббо, шайтон-э!— деди аскар болалардан бири ҳайрон қолиб,— гапга ҳам чечан экансан-ку!

— Агар қовунлари ҳам таърифли бўлса...

— Деҳқон нархни билмаса, бозор арзон бўлади.

— Бўлмаса билмагани ҳам яхши экан.

Аскар болаларнинг кулги аралаш гапларига ўрта яшар бир киши қўшилди. У ҳам аскар эди.

— Бозор нархини билмаса ҳам ажаб эмас,— деди у рус тилмочларидек тожик тилини бузиб.— Бу деҳқон бола ҳозиргина келди, бозор нархини билмайди, сизлар эса чигирткадек устига ёпирилиб келдингиз, бола гангиб қолиб, ихтиёр ўзингизда, деб қўя қолди-да.

— Ана шу учтасига бир сўм берайми?— деди кўзойнакли, соқол-мўйловли бир киши.

— Бир сўм?— деди Мирак ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, бир сўм камми?— яна сўради ҳалиги киши.

— Йўғ-э...— деди дарҳол Мирак,— бир сўмга ўнтасини олсангиз ҳам майли.

— Э, офарин сенга!— деди харидор,— сен ҳақиқий деҳқон боласи экансан! Менга ўнтаси эмас, мана шу учтаси кифоя!

У киши йирик-йирик учта яхши қовунни танлаб олиб, бир сўм ташлаб кетди. Бошқалар ҳам ундан қолишмадилар. Биров бешта қовун олиб, бир сўм берди, бирови иккита қовунга иккита катта танга ташлади ва шундай қилиб, бир зумда ярим қопдан ортиқ қовун пулланди. Мирак эса ўз кўзларига ишонмасди. Ҳар замон йиғилиб қолган бир талай пулга қараб, кўзларини уқалаб қўярди. Ахир бир дона катта қовуннинг нархи кўп деганда беш тийин — бир мири эди, бирор савдогар Бухородa бир дона қовунни ҳатто ўн тийинга ҳам сота олган эмас... Йўқ, бу туши бўлса керак!

Мирак шуни хаёл суриб турганида, бир пирсиён савдогар келиб қолди ва шу қадар қиммат сотилаётган қовунларни кўриб, капалаги учиб кетди, қўлини пахса қилиб харидорларни тўхтатди.

— Ҳой, халойиқ!— деди у.— Тўхтанглар, нима қиляпсизлар?! Нима бало, бу боланинг қовунлари баҳосини шу қадар баланд кўтариб, савдо аҳлининг уйини куйдирмоқчимисизлар?! Бир дона қовуннинг нархи беш тийин, бир миридан зиёд эмас, сизлар эса...

— Биз эса ўз пулимизга ўзимиз хўжайин,— деди бир солдат пирсиён тилида, у ҳам пирсиён эди шекилли,— биз сенинг чўнтагингдан пулингни тортиб олаётганимиз йўқки, бунчалик дод десанг!

— Бу боланинг қовунлари яхши пулланаётгани бу одамнинг ғашини келтирибди шекилли!— деб кулди бошкаси.

— Хасад қиляпти!— деди учинчиси.

— Агар бу қовунлар уники бўлганда нафасини чиқармасди.

— Пулга тўймай, ҳасаддан ўлиб кетадигани ана шу-да!

Тўпланганлар хахолаб кулиб юборишди, савдогар нима қилишини билмай шартта одамлар орасидан чиқди-да, бир томонга югуриб кетди.

— Ҳозир у ҳам қовун олиб келишга кетди,— деди бир аскар бола, сотиб олган қовунини сўйиб ер экан.— Лекин келтирса ҳам, бу боланинг қовунидек ширин чиқмайди.

— Майли, қовун келтирсин. Донасини бир тийиндан савдо қиламиз!— деди бирови яна ҳаммани кулдириб.

Шу пайт майдондан карнай овози эшитилиб қолди, аскарлар ўз сафлари томон югуриб кетишди. Чой саройи дарвозаси ва пахта заводидан ҳам одамлар — ишчилар, ҳаммоллар, идора хизматчилари чиқиб майдонга келишди. Бир лаҳзада майдон одам билан лиқ тўлди.

Қовунларни сотиб бўлган Мирак ҳам бўш қопини ўраб қўлтиғига тиқди ва пул тўла ҳамёнини кўйлагининг ички чўнтагига (бу чўнтакни онаси атайин тикиб қўйган эди) солиб, устидан қалами яктагини маҳкам ўради-да, белини боғлади. У пул ва қопдан хотиржам бўлгач, майдонга разм солди, баланд супа устига бир неча шапкали, қилич тақкан ва салобатли кишилар чиққанини кўрди. Улар йиғилган халойиқ ва баланд супа атроф-теварагида саф тортиб турган аскарларга бир нима дейишмоқчи шекилли.

Улардан бири баланд бўйли, норғул, юзи ялпоқ ва кўзлари катта-катта, қора сочи жингалак эди, сочлари қизил юлдузли шапкасининг икки томонидан бўртиб чиқиб турарди. Унинг эгнида ҳарбий кийим — гимнастёрка ва галифе шим бўлиб, аммо қилич ва тўппончаси кўринмас эди.

Унинг ёнида бўйи ундан пастроқ бақувват ва савлатли, шапкали бир киши турар эди. Аммо унинг соқолмўйлови қаҳва ранг эди. Кўзлари табассум қилиб ту-

рарди. Елкасидан қилич тасмасини ўтказиб олган, камарида тўппонча бор эди. Бу икки кишининг атрофида яна бир неча киши турарди, Мирак уларга эътибор бермай, диққати ўша икки кишида бўлди.

— Ҳа, Мирак, нима қилиб турибсан?— бу овоз уни ҳушига келтирди. Мирак қайрилиб қараса, ёнида отасининг қадрдон дўстларидан бири турибди. Бу кишининг номи Ҳайдарқул амаки бўлиб, бундан олдин Миракларникига бир неча мартаба келиб кетган эди. Мирак Ҳайдарқул амакининг уст-бошига қараб, яна ҳам ҳайрон бўлди. Чунки бу киши оддий, ғарибона тўн ва яктак ўрнига (бу киши илгари шунақа кийинарди) ҳозир ҳарбий кийим кийганди, белига тасма боғлаб катта қутилик тўппонча тақиб олганди, бошида эса телпак, ўша пирсиёнча телпак бор эди.

— Ҳайдарқул амаки, сизми?— сўради Мирак кўзларига ишонмай.

— Ҳа, мен!— деди Ҳайдарқул узунчоқ ва мош-гуруч мўйловларини силаб туриб.— Аммо сен бу ерда шу вақтда нима қилиб юрибсан? Даданг қани? Наҳот ўзинг келган бўлсанг?

— Ҳа, мен азонда қовун олиб келувдим,— деди Мирак.— Ҳозиргина сотиб бўлдим.

— Ўзинг танҳо келдингми?— яна сўради Ҳайдарқул.— Даданг бу ердалигингни биладими?

— Э-ҳа!— деди Мирак Ҳайдарқул амакиниг саволларидан ҳайрон бўлиб.— Нима бўпти? Дадамнинг ўзлари юбордилар... Қовунлар яхши пулланди... Яна келтирайми?

— Йўқ, энди даданг сени қўймаса керак!— деди Ҳайдарқул ва яна бир нарса сўрамоқчи эдики, Мирак аскарлар тўдасини ва тепаликда турган кишиларни кўрсатиб сўради:

— Амакижон, нима гап ўзи? Булар кимлар?

— Булар қизил аскарларнинг каттакон бошлиқлари!— деди Ҳайдарқул.— Ҳозир ваъз айтадилар. Бухоро инқилоби тўғрисида гапирадилар.

— Хайр,— деди Мирак сиполик билан, сўнг гўё Ҳайдарқулнинг сўзларини тушунгандек илова қилди:— Мен бўлсам нима гап экан деб ҳайронман... Аскарлар машқ қиладилар, денг?!

Ҳайдарқул табассум қилиб Миракнинг қўлидан

ушлади-да, уни олдинроққа, минбарга яқинроқ келтириб деди:

— Машқ эмас, гапирадилар, ваъз айтадилар, яхшилаб жанг қилинглар деб аскарларга фотиҳа берадилар.

— Қанақа жанг?

— Амир билан! Ҳозир амир билан жанг боряпти. Инқилоб бўляпти... Наҳотки қишлоқда эшитмаган бўлсанглар?

— Йўқ, йўқ, хабаримиз йўқ,— деди Мирак ва дарров қўшиб қўйди: — Лекин болалар жанг бўлармиш, дер эдилар, мен жанг шунақа бўлишини билмас эдим, ахир амир аскарлари билан урушмайдиларми?

— Ҳа, амир аскарлари билан! Бухоро қалъаси олдида уруш кетяпти. Тўп овозини эшитмадингми?

— Эшитдим, эшитдим. Мен амир аскарлари машқ қиляпти деб ўйлабман. Ҳали уруш бошланди денг? Хайр, бўлмаса булар нима қилишади?

— Ҳа, бошланди!— деди Ҳайдарқул табассум қилиб, унга Миракнинг саволлари ва синчковлиги маъқул тушган эди.— Мен айтдим-ку, бу аскарлар ҳам жангга боришади, жангдан олдин қизил аскарларнинг каттакон бошлиқлари уларга насиҳат қилишади, инқилобнинг нима эканлигини тушунтиришади. Анави сочи жингалаги Куйбишев бўлади. Жуда зўр одам. Униси — қилич тақиб олгани — Фрунзе — бутун Туркистон фронти аскарларининг каттакон қўмондони. Ҳозир сўзни Куйбишевга беришди. Ана, кўрдингми, олдинга ўтди, шапкасини қўлига олди, ҳозир шундай гапирадики, киши ҳайрон қолади...

— Нима тўғрисида?

— Инқилоб тўғрисида, Бухоро инқилоби тўғрисида, жанг тўғрисида... Барибир сен тушунмайсан, болам, яхшиси, ғалва кўтарилмасдан олдинроқ қишлоққа қайт! Агар уруш бошланганини даданг эшитган бўлса, сендан хавотир олади.

— Амаки, аскарлар машқ қилмайдиларми?— яна сўради Мирак завқланиб.

— Йўқ,— деди Ҳайдарқул.— Уруш тамом бўлса машқ қилишади, кейин томоша қиласан. Юр, ҳозир мен сени ўтказиб қўяй, уйингга кетгин.

Ҳайдарқул Миракни эшакка миндириб, майдондан ўтказиб қўйди ва деди:

— Дадангга айт, инқилоб бошланди, бугун бўлмаса ҳам, эртага амир тахти ер билан яксон бўлади!.. Хотиржам бўлсин, яна айтки, агар мумкин бўлса аскарларга мева билан қовун тайёрласин.

— Мен ўзим олиб келаман!— деди Мирак Ҳайдарқулнинг гапини бўлиб.

— Йўқ,— деди Ҳайдарқул.— Ҳожати йўқ. Даданг оқсоқол билан гаплашиб, мева, қовун, шунингдек, аскарларнинг отларига пичан, арпа топиб қўйсин. Биз одам юборамиз. Пулини тўлаб олади. Қанд, шакар, чит, газвор ҳам олиб боришади.

— Хўп бўлади.

— Айт, ваҳима қилишмасин, ҳар кимнинг гапига ишонмасин, инқилоб ғалаба қилади, биз енгамиз, озодлик бўлади насиб бўлса!

— Хўп бўлади.

Ҳайдарқул майдонга қайтди. Мирак гиштли иморатлар олдидан бораётган эдики, кўзи бир расмга тушиб қолди, бу расм катта қоғозга чизилган бўлиб, деворга ёпиштирилган эди. Мирак эшакни деворга яқин ҳайдаб келиб, суратга диққат билан тикилди. Бу қоғозда бир деҳқон, бир темирчи уста ва бир аскарнинг сурати чизилган бўлиб, улар бир-бирига қўл беришган, катта қизил байроқни баланд кўтариб туришибди, байроқ дастаси остида саллали ва қорни катта, бадбашара одамлар мажақланиб ётибди. Қизил байроққа ва сурат остига алланималар ёзиб қўйилган. Мирак анграйиб томоша қилиб турганида, орқасидан бир эркакнинг ҳайбатли овози эшитилди.

— Ҳой, қишлоқи!— деди у,— эшагингни ҳайда! Бу нима номаъқулчилик, инқилобий шиор олдига эшак билан келибсан!

Мирак қайрилиб қаради ва кўрсаки, кеча кечқурун келган одам бир чарм камзулли киши билан бирга ўқрайиб унга қараб ўтиб боряпти. Мирак индамай эшагини ҳайдади, аммо кечаги эркак ҳамроҳи билан савдогар пирсиённинг уйи томонга бурилиб кетди. Мирак буни кўриб, ўз-ўзига деди:

— Ўҳ, кўр кўр билан қоронғида топишар, деганлари рост экан!

У эшагини ниқтаб, қишлоқ томон чоптириб кетди...

Саид Паҳлавон Миракни жўнатгандан кейин кетмонини елкасига ташлаб, далага кетди ва Наим Заҳарнинг келишини, ундан гап сўрашини, кечқурунги муаммоларни ҳал қилишни ва унинг милтиғини тузатиб беришини ҳам тамоман унутган эди. Ҳозир унинг бутун фикру хаёли пиёз экилган бир парча ерига сув бериш билан банд эди. Лекин у ҳали қишлоқдан чиқмасиданоқ орқадан уни чақираётган Наим Заҳарнинг товушини эшитиб қолди. Саид Паҳлавон кетмонини ерга қўйиб, Наимнинг етиб келишини кутди.

Қуёш кўтарилиб, хуррам нурларини қишлоқ устига сочарди. Кўчадан оқиб ўтадиган ариқ сувида гўё олмос зарралари ёниб турарди. Мусаффо ва ёқимли ҳавода хас-хашаклар, бедаларнинг ажиб ҳиди, нам чанг кезар ва деҳқонлар димоғини чоғ қилар эди.

— Ҳорманг, Паҳлавон, қаёққа?— сўради Наим яқинлашиб.

— Сув навбати ўтиб кетмасин деб шошиляпман,— деди Саид Паҳлавон,— сизга берган ваъдамни ҳам унутиб қўйибман.

— Ҳа, анави ов милтиғими?..— деди Саид Паҳлавоннинг мақсадини пайқаб Наим.— Ҳечқиси йўқ, бошқа вақтда тузатиб берарсиз. Ҳозир эса жанг милтиғи керак бўлиб қолди, Паҳлавон, жанг милтиғи!

— Нега?— деди Саид Паҳлавон ҳайрон бўлиб.

— Чунки уруш бошланди. Тўп овозини эшитмаяпсизми?!

Наимнинг бу гапи чақмоқдек чақнаб, Саид Паҳлавоннинг кўзини очиб қўйди, у ногаҳон ўзига келгандай бўлди. Дарҳақиқат тўп овозлари ҳали ҳам тинмаганди, ҳамон гулдур-гулдур қиларди. Гўё уфқ ортида момақалдироқ бўкирмоқда.

— Уруш бошланди? Қаерда? Ҳартугур Когонда эмасми?

— Йўқ! Бухорода! Нима бало, овсармисиз? Амирга қарши уруш бошланди, Когонда большевиклар аскар тўплаган. Асад Махсум айтганларидек, бу гал жаноби олийингиз тахтдан тушадиганга ўхшайдилар!..

— Асад Махсумингиз ким? Кечаги меҳмонингиз эмасми?

— Ҳа, ҳа,— деди Наим аввалига, аммо кейин ҳайрон қолиб сўради:— Сиз қаёқдан биласиз?

— Келганини кўрган эдим, полиздан битта қовун ҳам берувдим.

— Ҳа, шундай денг! Сиз уни кўрганмидингиз?! Жуда соз! Ана шу кўрган одамингиз Асад Махсум бўладилар. У киши Бухоро жадидларининг каттакони, анча нуфузли одам!

— Хайр, ажаб эмас!— деб қўйди Саид Паҳлавон, лекин хаёли бошқа жойда, Миракда эди...

— Асад Махсум менга тайёр бўлиб туришни ва атрофимга ишончли одамларни тўплашни тайинлаб кетганди. Бухоро қўлга кириб, жанг тамом бўлса, у бизни чақириб ҳар биримизга бир мансаб, бир вазифа беради... Мен ҳозир сиздан бўлак кишига ишонмайман. Чунки сиз паҳлавон ўтгансиз, жабр кўргансиз, камбағал.

— Саломат бўлсинлар, биродар!— деди Саид Паҳлавон ва ичида кулиб қўйди.— Қани, кўрайлик-чи, жанг тамом бўлсин, кейин бирор гап бўлар...

— Албатта! Албатта!— деди Наим ўзига ишонган ҳолда,— хотиржам бўлинг, давр биздек камбағалларнинг даври бўлади! Биз билан сизга ҳам навбат келади!

— Хайр, илоҳи шундай бўлсинку-я, аммо,— деди Саид Паҳлавон ўйчанлик билан,— лекин ҳозир, яхшиси, ўз ишимизни ўйлайлик, жон биродар, сиздан ўтиниб сўрайманки, бу гапларни бировга айта кўрманг. Бировга айтсангиз ҳам, менинг номимни тилга олманг!

— Қўрқманг, Паҳлавон!— деди Наим Заҳар.— Биз ҳам йигитмиз-ку ахир! Шунчаки сизга айтиб қўйдим-да, билиб қўйинг, деб. Хайр, мен Ўбачўли қишлоғига бораман, ишим бор.

Наим Заҳар бошқа ҳеч нима демай ўтиб кетди. Саид Паҳлавон эса турган жойида бир оз хаёл суриб турди-да, кейин далага бормасдан қишлоққа қайтди. Наим Заҳарнинг гаплари Паҳлавонни ваҳимага солди, хаёлини паришон қилди.

Саид Паҳлавон қишлоқ марказига — масжид олдига етганда аллақачон халойиқ тўпланиб, жанг тўғрисида, даҳшат ва фожиалар тўғрисида гапиришаётган эди. Гарчи уруш бу қишлоқдан ўн-ўн беш чақирим нарида бўлса ҳам, гарчи уруш ғалваси ва алангаси бу қишлоққа бевосита етиб келмаган бўлса ҳам, аммо кишилар ваҳимага тушган эдилар: қаттол жанг бош-

ланган эмиш... Ҳар икки томонда ҳам мурдалардан миноралар қад кўтарган эмиш!.. Хожа Баҳовуддин мозорларидан битта ғишт қолса ҳам Бухорога офат тегмас эмиш!.. Бухоро атроф-тевараклaридаги қишлоқ аҳолиси оёққа туриб, шаҳарга ёриб кирган эмиш... Бухоро атрофидаги қишлоқлар хароб бўлган эмиш... ҳоказо ва ҳоказолар...

Бу хабарлардан баъзилар ваҳимага тушиб ғам-ғусса чекарди, баъзилар ҳайрон бўларди, баъзилар эса хурсанд эди... ҳар ким ўз билганича иш режасини тузарди... Қишлоқдаги баъзи бадавлатлар ва бойлар ўзларининг қимматбаҳо буюмларини яширардилар ва узоқ жойларга қочиб кетишни мўлжаллар эдилар. Қишлоқ имоми ва сўфиси элни ғазаватга даъват қиларди. Камбағаллар чин юракдан қувониб, шиқилоб ғалабасини сабрсизлик билан кутардилар...

Саид Паҳлавонни ҳаммадан ҳам бир фикр, бир ғам-ғусса чулғаб олган эди: у ўғлини ўйларди, ҳа, кенжа ўғлини ўйларди. Унинг ўғли Когонга — жанг марказига, тўс-тўполон марказига кетган эди. Ким билади, унга нима бўлди? Бирор томоннинг қўлига тушиб қамалдимикин? Ёки ҳайдаб жанг майдонига олиб бордиларми? Қовунларини таладиларми? Э, қовунни ҳам жин урсин, ишқилиб, ўзи соғ-саломат бўлсин! Бечора бола не-не орзу-умидлар билан қовун узди, эрта тонгда ширин уйқуни тарк қилиб, олиб кетди, қовунни сотиб, бир халта пул олиб келаман, деган эди... Ҳеч қайсиси рўёбга чиқмади. Уруш бошланиб кетди... Тавба: «Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини...» Илоҳим бола омон бўлсин, охири бахайр бўлсин!

У пешингача уйда ва кўчада гоҳ у билан, гоҳ бу билан суҳбат қилиб одамларнинг фикрини олди, иложи борича сабр қилишга тиришди, ҳар хил суҳбату маслаҳатлар билан ўзини овутди. Аммо кейин чидолмай, қишлоқдан чиқиб, ариқ ёқасига ўтириб, Когон йўлига кўз тикди. Когон йўли бўм-бўш, жимжит эди. Нима учундир, бугун йўлда ўткинчилар кўринмасди. Гўё ҳамма бугунги Бухоро уруши воқеасидан хабардорга ўхшайди, улар ўз ишларини саранжомлаб қўйиб, уйларида ўтиришгандай!

Офтоб қиёмга яқинлашган. Ҳаво унчалик иссиқ эмасди, ёқимли шабада эсарди. Ариқчадаги сув шил-

дираб оқарди. Қушлар ҳар томонда сайрамоқда. Бир қуш шу яқин ўртадаги деворчага қўниб тўхтовсиз карилларди. Бир пўпишак дарахт шохида гўё унга жавобан лоқайдлик билан аҳён-аҳён «ку-ку» деб қўярди. Қалдирғочлар қишлоқ тепасида вижирлашиб ўйнар, учар эди. Бир тўда хонаки каптарлар ҳавода дўмбалоқ ошиб ўйнар ва ҳунарини кўрсатар эдилар. Мусичалар — бу беозор жониворлар ҳам нимадандир завқланиб, бир-бировлари билан ҳу-ҳулашарди... Йироқдан бир бузоқ маъраб қўйди, бир сигир яқин атрофда унга «қўрқма, мен шу ердаман» деб далда бераётгандай маъради. Кейин қишлоқ томондан эшак ҳанграганн эшитилди, бир-бирига қўшилиб кетган бир овозлар ичидан олисдан, уфқ ортидан даҳшатли жангнинг бўғиқ овозлари қулоққа чалиниб турарди...

Одамлар жанг бўлармиш, жанг бўлармиш дердилар. Ана, ахийри жанг ҳам бошланди. Ким билади, бу урушда кимнинг қўли баланд келади. Агар аввалгидек яна амир зўр чиқса, элнинг уйи куяди! Яна хунрезлик, яна жадидларни қиришади... Илоҳи шундай бўлмасин-да, худо бандаларининг раҳмини есин, бечора халққа рўшнолик ато қилсин, шулар қаторида биз ҳам эркин нафас олайлик... Наҳотки худо бечораларкинг оҳини эшитмаса?!

Аммо Мирак нима бўлди экан? Нега бунчалик ҳаяллади? Бир қоп қовунни сотиш шунчалик қийинми? Ёки уни ушлаб олишдими? Бегуноҳ боланя-я? Яхшиси, Когонга бориб хабар олиш керак, бошқа илож йўқ!

Саид Паҳлавон шуларни ўйлаб турганда тўсатдан қулоғига эшак туёғининг овози эшитилиб қолди. У дарров ўрнидан сал кўтарилиб, Когон йўлига қаради. Йўл бўм-бўш, жон зоти кўринмади. Лекин бир дақиқадан кейин қишлоқ томондан эшак минган бир деҳқон етиб келди.

— Ҳа, Саид Паҳлавон!— деди у.— Бу ерда ўтирибсиз? Бировни кутяпсизми дейман?

— Ҳа,— деди Паҳлавон,— ўғлим Мирак Когонга кетган эди... Пича ҳаял қилди, хавотир оляпман.

— Эй, хавотир бўлманг!— деди бегамлик билан деҳқон.— Келиб қолар. Ҳали кун эрта...

У ўз иши билан ўтиб кетмоқчи эди, лекин Саид Паҳлавон уни тўхтатди:

— Нос борми, биродар?
— Ҳа, бор!.. Чекасизми?
— Қани, ол!

Саид Паҳлавон носқовоқни олиб, бир отим носни тили остига ташлади, тағин бир-икки отимни дарахт баргига соливолди ва носқовоқни эгасига узатди.

— Тўрт йилдан буён чекмасдим,— деди у деҳқонга.— Ҳозир бирданига хумори тутди. Хайр, биродар, соғ бўл!

— Сиз ҳам соғ бўлинг,— деди деҳқон ва бир оздан кейин илова қилди: — Ҳа, асло парво қилманг. Ўғлингиз қаерга борарди, келиб қолади!

— Тилингдан айланай!..— деб қўйди Саид Паҳлавон.

Деҳқон ўз ишига кетди. Саид Паҳлавон яна танҳо қолди. Ўткир нос тил тагини сал ачитиб таранглашган асабларини бир оз қитиқлаб қўйди. У бундан жиндак кайф қилиб, сал ҳушёр тортди. Беш-олти дақиқадан сўнг носни туплаб, оғзини тиниқ сув билан чайқади-да, яна кўкатлар устига ёнбошлади ва Когон йўлига кўз тикди. Йўлда ҳеч ким кўринмасди. Аммо майсалар орасида жониворлар ўз тирикчиликлари билан машғул эдилар. Қанотли чумолилар тез-тез изғиб, донни тишлаб уйлари томон шошиларди. Кета туриб ўз шерикларидан йўлни сўрагандай бир-бирлари билан тумшуқ уриштириб олардилар... Чигирткалар сакрашиб бир-бирларини қувлашарди. Ажабо, бу беғам чигирткаларнинг уй-жойи, хотин, бола-чақаси бормикин? Бефарзандлик ҳам ёмон, аммо фарзанд ғаму кулфати ундан ҳам ёмонроқ...

«Аммо Миракка нима бўлдийкин?!— деди Паҳлавон ўз-ўзига ва нима қилишини билмай, тили остига тағин бир отим нос ташлади.— Ахир, офтоб қиёмга келди-ку. Шу вақтгача ҳатто уч қоп қовунни сотиш мумкин эди. Ёки нодон бола қимматроқ сотай, кўпроқ пул топай, деб ўтирибдимикин? Бухорода уруш бошланганидан хабари ҳам йўқ. Бу гапни унга айтадиган киши ҳам йўқ!..»

Тўрт-беш дақиқадан сўнг носни туплаб, оғзини яна ариқчадаги тиниқ сув билан чайқаб олди. У йўлга қаради-ю, бу сафар йироқдан қишлоқ томонга келаётган қорани кўрди. У кўзларига ишонмай, ўрнидан сал кўтарилиб, диққат билан қаради. Ҳа, ҳа, бир эшак-

лик келмоқда. Миракка ўхшайди... Ҳа, ўзи, Миракнинг ўзи келмоқда.

Шукур, юз қатла, минг қатла шукур!

Саид Паҳлавон яна қолган бир отим носни чекмоқчи бўлди-ю, аммо бирданига ўзини тўхтатиб, носни отиб юборди ва қўлини ювди. Мирак эса узоқдан отасини кўриб, севинчи ичига сиғмай бақириб юборди.

— Дада, ҳо дада? Ишлар ванг! Ишлар катта.

Саид Паҳлавон ўғлининг қувониб пойма-пой айтаётган гапларига эътибор бермай, уни эшак устидан даст кўтариб олиб, юзларидан ўпди ва кўкрагига босди, ҳатто кўзларидан бир неча қатра ёш тўкилди...

Мирак отасини ҳеч қачон бундай вазиятда кўрмаган эди, шу боисдан ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳа, дада, сизга нима бўлди?

— Хайрият келдинг, ўғлим, бўлмаса сўроқлаб, Когонга пиёда борардим.

— Нега?

— Сен эшитмадингми? Когонда ғазавот бўлибди, уруш бўлибди.

— Когонда осойишталик!— деди Мирак ва эшагини олдига солиб қишлоқ томон юрар экан, отасига кўрган ва эшитганларини бирма-бир ҳикоя қилди.

— Когонда эмас,— деди Мирак сўзини давом эттириб.— Бухорода жанг бўляпти... Афсуски, ўша урушни кўролмаймиз-да!.. Когонда аскар болалар кўп, қовун келтир, дейишяпти.

— Сен нима дединг?— сўради Саид Паҳлавон ўғлининг жасоратидан фахрланиб.

— Мен хўп дедим,— деди Мирак.— Албатта келтираман дедим. Ҳаммаси ўз йигитларимиз, мусулмон аскар болалар. Бирови мени ука деди, бирови ўғлим деди, бирови жиян деди... Худо ҳаққи, гапим рост, бир халта пул бўлди. Ҳаммаси аскар болаларнинг пули. Ўрислари ҳам бор, нўғойлари ҳам бор... Баъзилари ўрисга ўхшайди-ю, ўзимизнинг тилимизда гапиради, тожикча... Улар менинг ёнимни олиб, жаллоб пирсиён билан айтишиб қолишди...

— Қайси пирсиён?

— Ҳу, анови фирибгар, баққол жаллоб пирсиён бор-ку, соқолли... сизга қарз берган... ўшани жуда расво қилишди... Ҳа, дада, айтгандай, кеча кечаси полизимизга келган одамни ҳам кўрдим... Ҳу, анави

тўппончали киши-да, Наим амакимнинг ҳовлисига борган. Ана ўша одам, бир чарм камзулли киши билан ўша жаллоб пирсиённикига кириб кетишди... Тўппончали киши менга дўқ қилди...

— Нега?

— Йўқ, мен бир ғалати суратни томоша қилиб турган эдим, эшагингни бу ердан ҳайда, қишлоқи, деди.

— Қанақа сурат?

— Катта қоғозга чизиб, деворга ёпиштириб қўйишибди... кўчада уни томоша қилсам нима бўпти?

— Агар кўчада бўлса, томоша қилиш учун ёпиштирганлар-да! Аммо ўша киши шунга ҳам бахиллик қилиб, сенга дўқ урган... Хайр, майли, бошинг есин, ўзинг омон келганингга шукур. Ўзи ҳам анча ёмон одамга ўхшаганди... Яна чарм камзулли киши ҳам бор дейсанми. Худоё тавба қилдим! Хайрият сенга тирғилишмабди! Хўп, тағин кимни кўрдинг?

— Айтгандай, Ҳайдарқул амакимни кўрдим. Аскарча кийим кийиб олган, аскарлар билан бирга машқ қиладилар шекилли... Аскар болаларга мева-чева, қовун-тарвуз, отларига ем-хашак тайёр қилиб қўяр эканлар, келиб, пулини тўлаб, газлама ва қанд ҳам бериб олиб кетар эканлар.

— Майли, майли,— деди хаёлга чўмиб Паҳлавон.— Оқсоқолга айтсак, йўқ демас...

Саид Паҳлавон қишлоққа кириб, тўғри ҳовлисига қараб юрди. Лекин Мирак йўлда тўхтаб, отасига деди:

— Қовун нима бўлади?

— Қайси қовун?

— Аскарлар айтган... Келинг, полизга бориб қовун узайлик! Бир қоп қовун элтсам, бир халта пул келтираман.

— Кел, қўя қол, болам,— деди отаси жиддий равишда.— Оч қорниму, тинч қулоғим. Бугунга шуниси ҳам кифоя. Худога минг қатла шукурки, сенга бирор зарар етмабди, бўлмаса бу уруш ҳазилакам гап эмас, ўғлим!

Мирак ночор аҳволда ҳайрон бўлиб деди:

— Олиб борсам яхши бўларди-да...

— Шунисига шукур қил!

Отасининг қатъий сўзларидан сўнг Мирак уйга боришга мажбур бўлди.

Беш кун ўтди... Ҳаяжонли беш кун... Қўрқинчли, ваҳимали беш кун. Умидсиз ва умидли беш кун... Энди нима бўларкин? Наҳотки Бухоро амири шу қадар дабдаба-ю савлати билан енгилса? Наҳотки Бухоро инқилобчилари ғалаба қозониб, амирни ағдариб ташласалар, амирни дорга оссалар? Кейин муллалар нима қилар экан? Амалдорлар ва тилла камарлилар қаёққа боришади?

Саид Паҳлавон бундан тўрт йил илгари ташлаб юборган носқовоғини аллақайси бир ковакдан топиб олди-ю, яна носкашликни бошлаб юборди. Кечалари кам ухлар, дала ишидан кўнгли совигандек, ҳар куни бир-икки соат бориб, Миракка иш буюриб, яна қишлоққа қайтар эди, масжидга кираверишда ўтириб олиб, Бухоро томондан келаётган турли-туман хабарларга қулоқ солар эди. Кечалари уйга қайтиб бирон нима ерди-да, кейин нос чеккани чеккан эди...

— Нега бунча қайғурасиз, дадаси?!— дерди Миракнинг онаси.— Нима бўлса тақдиру пешанамиздан, кўп қатори! Бизда унчалик мол-дунё йўқки, ташвишини қилсак...

— Эй, мол-дунё эмиш-а?!— деди қўл силтаб хаста овоз билан Саид Паҳлавон.— Мен қизимизни ўйлаяпман, Бухоро ўт ичида. Кечалари аланга шуъласини тепалик устидан бемалол кўриш мумкин дейишяпти... Бухоро алангаси... Қизимизнинг ҳоли не кечдийкин?

— Худо паноҳида асрасин!

— Худо паноҳида... лекин...

— Қизимизнинг ҳовлиси Бозори Чўбда[1]. Кенг, яланг жой,— деди мулоҳазали хотин.— Аркдан ҳам йироқда, Лаби ҳавзи Девонбегидан[2] ҳам... Айтишларича, большевикнинг бечоралар ва камбағаллар билан иши йўқ экан. Ёнган бўлса ҳам арк ёнгандир... Баланд жой бўлгани учун алангаси узоқдан кўринади. Худо хоҳласа болаларимиз эсон-омон.

— ...Лекин,— деди Паҳлавон бошлаган гапини давом эттириб,— худодан умид қилма, билганингдан қолма, деганлар. Нима бўлса ҳам, таваккал, эртага ўзим Бухорога бориб, хабар олиб келаман.

---

[1] Бозори Чўб — Бухорода бир маҳалла.

[2] Арк ва Лаби ҳавзи Девонбеги — булар революциядан илгариги Бухорошинг серодам, серқатнов икки марказ эди. *(Муаллиф.)*

— Ахир,— деди хотин ғамхўрлик билан.— Уруш дейсиз, Бухоро ёняпти дейсиз, яна борсангиз қандай бўларкин?

— Дада, Бухорога борманг,— деди гапга аралашиб Мирак.— Агар хўп десангиз, мен Когонга бораман, яна бир қоп қовун олиб бораман. Агар Ҳайдарқул амакимни учратсам, Бухоро аҳволини суриштираман. У киши ҳамма гапдан хабардор, айтиб берадилар.

Саид Паҳлавон ўғлининг маслаҳат берувчи бўлиб қолганидан хурсанд бўлиб, фахрланиб унга қараб турди-да, тамоман бошқа бир гапни айтди:

— Ойиси, ўғлим дуруст ўғил чиқди. Энди ўлсам армонсиз кетаман.

Мирак хижолат бўлди-да, бошини қуйи солиб, бошқа гапирмади.

— Ўғлим тўғри айтади,— деди она.— Майли, Когон яқин, бу ҳеч кимнинг назарига кирмайди, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Бориб, хабар келтирса бўлади.

— Йўқ, ойиси, бўлмайди!— деди Паҳлавон қатъий қилиб.— Мирак ҳеч қаёққа бормайди!

Гап ва маслаҳат шу билан тугади. Аммо Саид Паҳлавон анчагача ухламай хаёл сураради, йўл ахтарарди, андиша қиларди...

Эртасига қишлоққа бир неча қизил аскар бир бошлиғи билан келди. Уларга мева, қовун ва отларига ем-хашак керак экан. Уларнинг бошлиғи — соқолли, кўзойнакли киши Миракни таниб қолди ва у билан дўстона кўришди:

— Ҳа, яхши йигит!— деди у.— Нега қовун олиб бормадинг? Уша куни йигитлар сенга анча кўз тутишди, қовун олиб бормадинг, улар чанқаганларича жангга кириб кетишди. Яхшиямки, ғалаба қозондилар, йўқса, уларнинг гуноҳига қолардинг!

— Аскарлар Бухорони олдиларми?

— Ҳа, Бухорода Совет ҳукумати ғалаба қилди, амир қочди!

— Эҳе! Жуда соз бўпти!— деди Мирак хурсандлик билан ва отасига мурожаат қилди:— Ана, тушундингизми, амир қочибди, аскарлар зўр чиқибди.

— Тушундим, тушундим, ўғлим,— деди Паҳлавон ва бошлиққа мурожаат қилди.— Зафар муборак!

— Раҳмат!

— Бу киши Ҳайдарқул амакининг ошналари!— деб таништирди Мирак,— мендан қовун сотиб олган эдилар...

— Жуда яхши,— деди Паҳлавон.— Қани, бўлмаса, энди меҳмонларни полизга, қовун сайлига таклиф қил!

— Марҳамат!— деди Мирак.— Полизимиз узоқ эмас!

Лекин меҳмонлар узр айтишди. Қишлоқ оқсоқоли ноиложликдан аскарларнинг хоҳишини бажарди. У Саид Паҳлавон ва бошқа қишлоқ камбағаллари ёрдами билан аскарларга уч-тўрт қоп қовун, икки арава беда, бир неча қоп сомон йиғиб берди. Аскарларнинг бошлиғи уларга шу нарсаларнинг нархидан зиёдроқ пул тўлади, чой ва қанд берди, сўнгра хайрлашиб жўнашди. Уларни кузата туриб, Мирак агар эртага Бухорога борсам, бирор гап бўлмайдими, деб сўради. Қизил аскарлар бошлиғи, бориш мумкин, лекин яхшиси, беш-олти кундан кейин борсанг, хотиржамроқ бўласан, деди, кейин бир қоғозга алланима ёзиб, Миракнинг қўлига берди, шаҳарга тушганингда бирор жойда бирор кимса сени ушласа, ана шу қоғозни кўрсатасан, деб тайинлади.

Мирак қувониб уйга қайтди ва бу қоғозни фахр билан ота-онасига кўрсатиб, бўлиб ўтган суҳбатни айтиб берди. Уша кеча ота ва ўғил бир ҳафтадан кейин Бухорога бориб қариндошлари аҳволидан хабар олиб келадиган бўлишди...

Келаси ҳафта Саид Паҳлавон азонда ўрнидан турди, қаттиқ ухлаётган Миракни силаб-сийпаб, зўрға уйғотди ва енгил нонушта қилиб, полизга боришди. Полиздан бир нечта катта-катта пишган қовунни узиб, хуржунга солиб, ота-бола эшакни олдиларига солиб ёв Бухорога йўл олишди.

— Катта йўлдан бормаймиз,— деди Саид Паҳлавон.— Яхшиси, ўрталаб Карий қишлоғи устидан ўтамиз. Карийдан ўтиб Жўгихона орқали Мозор дарвозасига чиқамиз. Қавола дарвозаси дабдала бўлган дейишади.

— Майли, дадажон,— деди Мирак, бир оз йўл юргандан кейин ўйлаб туриб:— Қавола дарвозаси дабдала бўлипти дедингизми? Энди Бухоронинг нечта дарвозаси қолди?

— Э, ўғлим, ҳали Бухоро дарвозалари кўп!— деди Саид Паҳлавон ўйланиб.— Мозор дарвозаси, Самарқанд дарвозаси, Намозгоҳ дарвозаси, Ўғлон дарвозаси, Тали Поч дарвозаси, Қоракўл дарвозаси, Шайх Жалол дарвозаси, Қарши дарвозаси ва ҳоказо... Жами ўн бир дарвоза. Лекин айтишларича, яна бир дарвоза — ўн иккинчи дарвоза ҳам бор эмиш, лекин у узоқ йиллардан буён бекитиб ташланган, тупроқ остида қолиб кетган эмиш...

— Ўша дарвоза нега бекитиб ташланганийкин? Ёки шу Қавола дарвозаси сингари урушда хароб бўлганмикин?

— Билмасам!— деди Саид Паҳлавон ва жим бўлди. Сўнгра йўл узоқ, фурсат кўп, яхшиси, Миракни гапга солиб, вақтнинг ўтишини ва йўлни осон қилиш керак, деб ўйлади. Бинобарин, Бухоро дарвозалари тўғрисида гапни давом эттирмоқчи бўлиб деди:

— Аслида, дарвоза қалъанинг йўл ўтадиган жойида бўлади. Масалан, Қоракўл йўли Қоракўл дарвозасидан бошланади. Қарши йўли Қарши дарвозасидан бошланади, Самарқанд йўли Самарқанд дарвозасидан ва ҳоказо... Агар йўл бўлмаса дарвоза ҳам даркор бўлмайди. Эҳтимол ўн иккинчи дарвозага олиб борадиган йўл бир замонларда бўлгандиру, аммо бирон сабаб билан бекилиб қолгандир, натижада, ўн иккинчи дарвоза керак бўлмаи қолиб, кўмилиб, йўқолиб кетгандир.

— Бухоронинг шунча дарвозаси, шунча йўли бор экану мен билмас эканман!— деди Мирак катталарга хос оҳангда.

— Ҳа,— деди отаси сўзини давом эттириб,— Бухоронинг йўллари кўп. Бу йўллар жуда серқатнов. Савдогар келади, ҳаннот ҳам, олим ҳам келади, ўғри ҳам, ўрис ҳам келади, мусулмон ҳам, ҳар ким ўз йўли билан, ҳар ким ўз иши билан, ҳар ким ўз мақсаду ниятн билан... Баъзилар Бухорога илму файз, равнақ келтиришади, баъзилар Бухородан молу пул, давлат олиб кетишади, баъзилар эса бу шаҳарни обод қилиш учун келишади, баъзилар уни яна хароб қилиш учун келишади... Баъзилар келтиришади, баъзилар олиб кетишади... Тирикчилик ана шунақа, ўғлим! Бухоронинг бу ўн икки дарвозаси — йилнинг ўн икки ойига ўхшайди! Ҳар ойнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам

бор. Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ. Энди инқилоб бўлди, ким билади, бу ўн бир дарвозадан кимлар келади-ю, нималар келтиради ва нималар олиб кетади?

— Энди ҳуррият келса керак,— деб қўйди Мирак.

— Сен қаёқдан биласан?— ҳайрон бўлиб сўради отаси.— Ҳуррият!

— Болалар айтишяпти,— деди Мирак,— сўнгра Когонда ҳам эшитдим. Амир кетгач, ҳуррият бўлармиш. Ҳуррият нинг ўзи нима, дада?

Саид Паҳлавон бу арабча сўзнинг маъносини ўзи ҳам билмас эди.

— Билмайман, ўғлим,— деди у,— жадидлар чиқарган бир гап-да! Эҳтимол, маъноси озодлик бўлса керак.

— Озодлик бўлса яхши!— деди хурсандлик билан Мирак.— Киши озод юради, мириқиб томоша қилади...

Одатда у Бухорога боришни яхши кўрар эди. Катта ва қадимий шаҳар ўзининг барча раста-ю бозорлари, арку қасрлари, мадраса-ю миноралари билан томоша қиладиган жой эди. Тош ётқизилган кўчалар, усти ёпиқ, кенг ва баҳаво расталар, Лаби ҳавзи Девонбеги, икки отли файтонлар, сарбозлар, уларнинг машқлари ва ҳоказо ва ҳоказо — буларнинг ҳаммаси Миракнинг кўз олдида гавдаланар эди. Айниқса, Бухорода инқилоб бўлгандан сўнг тағин кўпроқ диққатни тортарди. Инқилобдан кейин, урушдан кейин Бухорода нималар юз берганийкин? Қандай ўзгаришлар рўй берганийкин? Арк ўрнидамикин? Минора қуламаганмикин? Амир сарбозларини қандай банди қилишдийкин? Амирнинг ўзи қаёққа қочганийкин? Арк пастидаги қўрхона нима бўлдийкин? Бу саволларнинг ҳаммаси ундан жавоб талаб қиларди. У қўлида халачўп билан эшак ортидан борар экан, болаларга хос фикру хаёллар билан банд эди...

Аммо Саид Паҳлавонни тирикчилик ғам-қайғуси банд қилган эди: ана, инқилоб ҳам бўлди, амир қочди, янги ҳукумат тузилди, дейишяпти... Жуда соз! Лекин унга қандай нафи бор, унинг ҳаётида қандай янгилик юз беради? Ҳеч қанақа! Яна ўша тақир ер, яна ўша озгина сув, яна ўша қашшоқлик... Қашшоқлик ва йўқчиликдан қутулиш учун унга ким ёрдам берар экан? Судхўрнинг қаттиқ панжасидан бир йўла халос бўл-

моқ учун ким уни қўллаб-қўлтиқлар экан? Қўш ҳўкизли бўлиш учун ким унга кўмаклашаркин? Ким унга ғаму ғуссасиз, беташвиш ухлаб, эрта тонг кулиб ўрнидан туриш имконини бераркин? Ҳеч ким!

Улар Карий қишлоғи яқинида катта йўлга чиқишди. Йўлда деярли ҳеч ким йўқ эди. Йўл бурилишигача фақат икки отлиқ ўрис аскарини учратдилар, улар тез ўтиб кетишди, буларга қарамади ҳам, бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ота-бола Карийдан Жўгихонага, сўнг Файзободнинг катта йўли ва пушталардан ўтиб, Мозор дарвозасига келдилар. Қарасалар: қалъа ўрнида, дарвозахона ва дарвоза ҳам ўрнида аввалгидек турибди. Фақат қалъа деворларида ўқ излари ва унинг атрофларида озгина уруш нишонаси бор эди. Бўшаган патронлар, синиқ милтиқлар, латта-путталар, тўпларнинг шикастланган ғилдираклари, темир парчалар ва бошқалар сочилиб ётарди, аммо на бирон ўлик ва на бир томчи қон кўринарди.

Шаҳар дарвозаси олдида соқчилар турардилар, келган-кетганларни суриштириб кўрардилар. Айниқса шаҳардан чиқадиганларни қаттиқроқ текширардилар. Хоҳ аёл, хоҳ эркак қаттиқ текширилардилар. Саид Паҳлавон ўғли билан дарвозадан кирган ҳамон биров унга салом берди:

— Салом, Саид амаки, келинг, хуш келибсиз!

Саид Паҳлавон тикилиб қараб, бу кишини таниди. У Асо эди. Ҳарбий кийим кийиб олган, бошида барра телпак, белида тўппонча, йўл ўртасида туриб, аскарларга ёрдам берарди. Саид Паҳлавон бу учрашувдан хурсанд бўлди. Чунки Асо Ҳайдарқулнинг энг яқин кишиси бўлиб, Ҳайдарқул эса ҳозир Саид Паҳлавонга сув, ҳаводан ҳам зарурроқ эди. У дўсти Ҳайдарқул билан учрашиб, Бухорода бўлиб ўтган воқеаларни батафсил ундан сўраб билмоқчи ва инқилобнинг маъносини тушуниб олмоқчи эди.

— Салом, Асожон!— деди Паҳлавон.— Сиҳат-саломатмисиз, тану жонингиз соғми? Бу кийимда мен сизни танимабман. Фирузажон яхшими?

— Саломат бўлинг, ана, Фирузанинг ўзи сизга салом бериб турибди.

Дарвоза олдидаги қоровулхона айвонида паранжили бир аёл турарди, Паҳлавон унга назар ташлаган ҳамон, аёл сал энгашиб таъзим қилди-да, салом берди:

— Салом амакижон! Келинг, озгина дам олинг!— деди Фируза.

— Ҳа, қоровулхонамизга марҳамат!— деди Асо. — Озгина дам олиб борасиз. Ҳозир Ҳайдарқул амаки ҳам келиб қолсалар керак...

— Ростданми?— қувониб сўради Саид Паҳлавон,— мен сендан у киши турадиган жойни сўрамоқчи эдим. Хайр, бўлмаса, Мирак, эшагингни боғлаб кел, жиндек дам олайлик.

Мирак эшагини дарвозадан ташқарига — соқчилар рўбарўсига боғлаб қўйди-ю, отасининг олдига келди. Сўнгра ота-бола қоровулхонага кирдилар. Бу жой супурилган, тоза, озода, гилам ва кўрпачалар тўшалган бўлиб, бир томонида кичкина кат ва икки курси турарди. Бу ҳужра аслида қалъа деворига қурилган бўлиб, битта эшиги бор эди, ҳужрага ёруғлик шифтдаги махсус туйнукдан тушарди. Бу туйнук мўркон хизматини ҳам бажарарди.

Фируза паранжисиз эди, у катта фаранг рўмолни бошига ташлаб, елкасини ўраб олганди, оёғида этик, устида гулдор сатин кўйлак. У қўл қовуштириб меҳмонларни кутиб олди.

— Бисмиллоҳ!— деб Саид Паҳлавон эшикдан кириб кўрпачага ўтирди ва омин қилди.

— Хуш келибсиз!— деди Фируза.— Холам эсон-омонмилар?

— Шукур-шукур,— деди Паҳлавон.— Ўзингизнинг аҳволингиз қалай? Ҳайтовур бу урушу балолардан эсон-омон ёруғ кунларга етиб олдингизми?

— Ҳа, худога шукур, ҳарқалай ҳуррият бўлди, хотиржам нафас олдик.

— Сизларни бу жойга келтирдиларми?

— Ҳа, мен билан Асони одамларни текшириб ўтказишга тайинлашди. Бу қоровулхона...

— Ҳа, биламан,— деди Паҳлавон,— лекин агар девор бурчагидаги милтиқлар бўлмаса, бу жойни турадиган уй деб гумон қилади киши. Бу ҳам бир иш, вазифа дегин?! Жуда соз. Эркакларни Асо, аёлларни, қизим, сен тинтиб кўрасанларми? Ҳа, дуруст... Нимани тинтиб кўрасизлар?

— Ҳеч нима!.. Шунчаки, мабодо қурол-яроғ ва қимматбаҳо буюмлар бўлмасин деб...

— Наҳотки қурол одамларнинг жонига тегмаган

бўлса? Шунча хунрезлик етмасмидики, тағин қурол олиб юришади?

— Аксинча, уруш одамларда ҳавас қўзғатди,— деди кулиб Фируза.— Ҳар куни икки-уч кишини ушлаймиз...

— Қурол биланми?

— Ҳа, қурол билан, милтиқ, тўппонча, ўқ... ўғирлик мол билан...

— Қанақа ўғирлик моллар?

— Хазинаники, тилла-милла, жавоҳирлар.

— Халойиқ ўз жони, тирикчилиги ғамида бўлса-ю, ўғрилар ишларини қилаверсалар, тавба!

— Бугун мени пичоқлашларига оз қолди...

— Худо сақласин, нега?

— Амир саркардаларидан бири аёллар кийимини кийиб, паранжи ёпиниб шаҳардан чиқмоқчи экан, ушлаб олдим. Пичоқ билан ташланди, улгурмади, яхшиямки Асо эшик орқасида экан, милтиқ қўндоғи билан уриб йиқитди.

— Ў... лаънати мурдор-э!..— деди ғазабланиб Паҳлавон.— Хайриятки Асо ҳушёрлик қилибди.

Бу орада Асо ишларини бир оз саранжомлаб уйга кирди ва суҳбатга қўшилди:

— Ҳушёр бўлмасак бўлмайдиганга ўхшайди, амаки. Аксилинқилобчилар яна бош кўтаришмоқчи.

— Бу «акслар» деганинг кимлар ўзи, нега бош кўтарадилар?— Асо билан Фируза бир-бирига қараб кулиб қўйди.

— «Акслар», яъни амир тарафдорлари!— деб тушунтирди Асо.

— Инқилобга қаршилар!— деб қўйди Фируза.

— Тушундим,— деди Паҳлавон.— Шу қонли жанг ва амир тахтининг ер билан яксон бўлиши уларга сабоқ бўлмабдими?

— Аксинча, улар яна амирларини олиб келишмоқчи!

— Келтириб бўптилар!— деб Фируза ўрнидан турди.— Самовар қайнагандир?

— Қайнаётган эди.— деди Асо ва Миракка мурожаат қилди:

— Қани, гапир, ука, яхшимисан? Шаҳарни томоша қилгани келдингми? Жуда соз!

— Сиз ҳам инқилобчими?— Мирак сал дадилланиб Асодан сўради. Асо кулимсираб деди:

— Инқилобчига тақлид қиламан, аммо ўхшайманми ёки йўқми, унисини билмайман.

— Ўхшайсиз,— деди Мирак гўё биладигандек,— сизга ҳарбий кийим жуда ярашибди. Худди аскарлардек... Тўппончангизнинг ўқи борми?

— Ана энди балога қолдинг, Асо!— деди Паҳлавон.— Агар ҳай-ҳай демасанг, сендан битта тўппонча ҳам олмоқчи. Тавба!

— Инқилоб замони-да,— деди Асо.— Болалар ҳушёр. Хўш, қишлоқда нима гап? Тинчликми?

— Тинчлик,— деб қўйди Паҳлавон.

— Аскарлар келишган эди,— деди Мирак.— Қовун бердик, пичан бердик...

— Хайр,— деди хурсандлик билан Асо,— яхши қилибсизлар. Аскарларга ёрдам берган бўлсанглар, сизлар ҳам инқилобчи-да!

— Агар киши қовун, пичан бериб инқилобчи бўлаверса, осон экан-ку! Шуни илгарироқ айтмайсанми!— деди кулиб Паҳлавон. Асо ҳам завқланиб кулиб юборди.

Шу пайт қўлида чойнак ва пиёла билан кириб келган Фируза таажжубланиб сўради:

— Хўш, худо кулгига етказсин, яна нима гап бўлди?

— Ҳеч гап,— деди Асо.— Саид амаким ўз гапим билан ўзимни боплаб, «беш» кетдилар. Шунга куляпмиз. Ҳа, дарвоза олдида нима гап?

— Тинчлик,— деди Фируза ва чойнак билан пиёлани эри ёнига қўйиб, дастурхон ёзди.— Бир неча кун новвойлар ишламади. Ўзим нон ёпиб, қотириб қўйган эдим, айбга буюрмайсиз!

Дастурхон устида Саид Паҳлавон қишлоқ аҳволини сўзлаб берди.

— Бухоро ҳам ёмон эмас,— деди Асо.— Одамлар аста-секин уй-уйларига қайтаётирлар, дўконлар очилиб, озиқ-овқат сотиб олиш мумкин бўлиб қолди. Худо деҳқонларнинг хайрини берсин, улар шаҳарга мева-чева, сут-қатиқ келтириб турибдилар.

— Амир одамлари — қози ва муфтилар, амалдорларни нима қилишди?— деб сўради Саид Паҳлавон.

— Катта мансабдорлардан қўлга тушганлари

қамалди. Қочганлари қочди, кўплари амир билан кетдилар...

— Амирни ушлаёлмадиларми?

— Чап бериб, Бойсунга қараб қочибди. Изидан аскарлар қувиб кетган, эрта-индин қўлга тушади. Қози калон, қушбеги, раис, миршаб ва бошқа золимлар қўлга тушди. Агар уларни кўрмоқчи бўлсангиз, Регистонда ё минор тагида, ёки Сесувда кўришингиз мумкин.

— Қандай қилиб? Улар эркин юришибдими?

— Йўқ, янги ҳукумат уларнинг қўлига курак, супурги бериб кўчаларни супуртиряпти. Ахлатларни тўплаб тозалашяпти... Пайти келганда уларни суд қилиб, жазолайдилар.

— Суд деганинг нима?

— Текширишга ўхшаган гап. Энди қози-ю қозихона бўлмайди. Унинг ўрнига суд ва трибуналлар бўлган. Суд ҳайъати уч кишидан иборат, айбдорларни текшириб, сўроқ қилиб, гуноҳларини бўйинларига қўйиб, қонунга мувофиқ жазо беришади.

— Ҳа...

Асонинг бу гаплари Саид Паҳлавонга қисса — афсонадек туюларди. У ҳануз инқилоб нима ишлар қилишга қодир эканига тушуниб етолмас эди. У минг йиллик амирлик тузуми, пул ва сармоя ҳокимияти қандай қилиб ағдарилиб, парча-парча бўлиб кетганига ва унинг ўрнига янги ҳукумат, янги тартиб-қоида, янги муносабат ва янги одамлар чиққанига сира ақли етмас эди... Унинг назарида Асо билан Фируза ҳамон ўша қашшоқ, заҳматкаш ва ожиз кишилар эди. Паҳлавон уларни инқилобдан аввал қандай ҳолда кўрган бўлса, ҳозир ҳам шу ҳолатда кўриб турарди. Паҳлавон уларни Ҳайдарқул орқали таниган эди. Саид Паҳлавон Асонинг ғариб кулбасида кўп меҳмон бўлиб, Ҳайдарқул билан учрашган эди. Ана энди улар инқилобчи, янги одам... Аммо ҳалигина қишлоқдан келган ва бу инқилобий шаҳар ичига кирмаган Паҳлавон назарида улар сира ўзгармагандай эди. Фирузачи? Аёл! Камбағал ва йўқсил аёл, меҳнаткаш ва хизматкор аёл!.. На бирор эътиборли қариндош-уруғи, на қавм-авлоди бор! Бўлгани билан ҳам бу бечора аёлнинг кучи нимага етарди-ю, кимга гапи ўтарди. Лоақал эри каттароқ, эътиборлироқ бўлсайди, у ҳам кимсасиз мешкобчи-да! Инқилобга хизмат қилиб, ҳарбий кийим

кийибди, Ҳайдарқул ёрдами билан бу жойга, шаҳардан чиқувчи ва шаҳарга кирувчиларни текширишга тайинланган бўлса ҳам ажаб эмас. Бошқа гап йўқ!

Аммо Саид Паҳлавон Асо ва Фируза эндиликда жабр-зулм остида эзилиб ётмаслигини тушуна олмасди. Улар янги одамлар, озод одамлар, инқилоб уларни тўла ҳуқуқли қилиб, изн-ихтиёрларини қўлларига бериб қўйган. Улар ўзларининг янги давлатига, янги инқилобий ҳукуматига хизмат қиладилар. Улар учун бу вазифа — муқаддас вазифа, муҳим вазифа ва зарурий вазифа эди. Улар янги ҳокимиятнинг мустаҳкам ўрнашиши ёки ағдарилиши, инқилобнинг ғалабаси ёки мағлубияти қисман ўз ишларига ҳам боғлиқ эканини тушунардилар. Улар дарвозабон, улар гўё шаҳар ҳокими. Улар бу шаҳар душманлари — мурдорларнинг бу инқилобий шаҳарга қарши фитна уюштиришларига, портловчи модда олиб киришларига ёки бу шаҳарнинг бойлигини ўғирлаб кетишларига йўл қўймайдилар, улар душманларнинг шаҳардан яширинча чиқиб қутулиб кетишларига йўл қўймайдилар... Асо ҳам, Фируза ҳам ўзларини инқилоб фарзандлари — пок, оташ фарзандлари деб биладилар. Улар жабру жафо чекиб, қора кунларни бошидан кечириб, бу гўзал тонгга етишганлар. Шунинг учун улар бахтиёр, толеи баланд, келажаги порлоқдир. Ҳозирча уларнинг орому қарори йўқ. Улар эрта тонгдан оқшомгача то шаҳар дарвозалари бекитилиб, кириш-чиқиш ман этилгунгача дарвозабонлик вазифасини адо қиладилар, кейин мажлисларга кетадилар, агар лозим бўлса, қўлга қурол олиб, бирор муҳим маҳаллага посбонликка борадилар, кечаси билан мижжа қоқмай инқилобга хизмат қилишга тайёрдирлар.

Саид Паҳлавон ана шуларни билмасди. У ҳалигача инқилобий шаҳар ҳавосидан деярли нафас олмаган эди. У ёшларга меҳр-муҳаббат билан қараркан, уларнинг шодлиги, хурсандлигидан шодланарди, ўз ишлари, вазифаларидан фахрланишларини кўриб қувнарди.

Чой тугай деб қолганда Ҳайдарқул кириб келди. Унинг эгнида ҳали ҳам ҳарбий кийим, оёғида этик ва бошида чарм шапка бор эди. У бир неча кундан бери ташвишда юриб, анча озиб қолган. Кўзлари қаърга тортган, соқоли тикандек ўсиб чиққан эди. Лекин чеҳраси очиқ, лабларида табассум ўйнарди. У ҳужрада-

гилар билан иссиқ-иссиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, деди:

— Сени бу ерда кўрганим жуда соз бўлди-да, Паҳлавон. Менга кераксан. Келмаганингда қишлоққа одам юборардим.

Саид Паҳлавон ҳайрон бўлди:

— Хўш, хўш?— деди у,— наҳотки сизга «қишлоқи»лар ҳам керак бўлиб қолган бўлса?

— Керак!— деди жиддий равишда Ҳайдарқул.— Қишлоқи ҳам керак, шаҳарлик ҳам керак! Бизнинг янги Шўро ҳукуматимиз ишчи-деҳқон ҳукуматидир! Бу ҳукумат асосини ишчи-деҳқонлар иттифоқи ташкил қилади. Шунинг учун сен «қишлоқи» деб ўзингни четга олма! Бир олам иш бор. Сизлар ёрдам бермасанглар бажариб бўлмайди.

— Ундай бўлса,— деди Саид Паҳлавон ҳам жиддий равишда,— марҳамат, хизматга тайёрмиз! Агар ишнинг уддасидан чиқа олсак...

— Уддасидан чиқа оласан, бунга шубҳа йўқ! Ана, кўриб турибсан-ку, ишимизда ҳатто хотинлар ҳам иштирок этишяпти. Сен эса донги кетган Паҳлавонку!

— Менинг паҳлавонлигим қаерга борарди,— деди Саид,— «Оти улуғу, супраси қуруқ!»

— Бундай дема, биродар!— деди Ҳайдарқул.— Ҳали мен билан сен паҳлавонмиз, донгдор паҳлавонмиз! Хўш, Асо, қандай янги хабарлар бор?

— Хотиржамлик...— деди Асо.— Бугун амирнинг бир саркардасини қўлга туширдик. Паранжи-чачвон ёпиниб, аёл бўлиб, ўтиб кетмоқчи экан, йўқ, ҳартугул Фирузажон таниб қолди. Текшириб кўрсак, икки қават тўн остидан тўппонча тақибди, хуржунидаги новвот қутисидан мана бу хат топилди.

Асо гимнастёркасининг чўнтагидан бир қоғозни олиб, Ҳайдарқулга узатди. Ҳайдарқул қоғозни олиб ўқиса, қуйидагилар ёзилган:

«Махсумжон, бу мактубни олиб борувчи бизнинг ишончли кишимиз. Бу кишини ишга қабул қилиб, шербаччаларингизга таълим бердиришда фойдаланишингизни илтимос қиламан. Дуогўй дўстингиз».

— Қизиқ!— деди Ҳайдарқул.— Бу «Махсумжон» дегани қаерда эканки, у паранжи ёпиниб, шаҳардан чиқмоқчи бўлибди? Ахир, ҳамма «махсумжонлар»

шаҳар ичида-ку!.. «Шербаччаларингизга таълим...» Тушунарли! Аксилҳаракат жим турмайди. Фикримча, Фарғона, Тошкент ва Самарқандда бўлганидек, амир одамлари ҳам Бухоро атрофида босмачи шайкаларини ташкил қилмоқчи... Қани, кўрайлик-чи... Саркардани нима қилдинглар?

— Чекага топширдик,— деди Асо.

— Яхши қилибсизлар!— деди Ҳайдарқул ва Фирузага мурожаат қилди: — Мен билан сенга, қизим, яна катта бир иш топширишди. Шуни сенга хабар қилгани келдим. Амир ўрдасини Бобкент музофотидан, Ўндаридаги Олимбойнинг чорбоғидан олиб келишди. Қоплон гузаридаги подшоҳлик ҳовлисига жойлаштиришди. Энди мен билан сен шу яқин бир ҳафта-ўн кун ичида рўйхат тузиб, уларни жой-жойига қўймоғимиз керак.

— Яна бошқа жойларга кўчиришадими?— Фируза Ҳайдарқулнинг мақсадини тушунмасдан сўради.

— Йўқ,— деди Ҳайдарқул,— ўзинг биласан-ку, Ўрдада подшобиби ва ойимлардан бошқа кўпчилик хизматкорлар, асиралар ва канизаклар бор эди... Биз ана шу хизматкорлардан ким қаерга боришини рўйхатга оламиз. Сўнгра ҳаммасини жой-жойига элтиб қўямиз...

— Улар орасида уй-жойсизлари ҳам бордир?— деб қўйди Саид Паҳлавон.

— Албатта бор,— деди Фируза.

— Уларга, умуман аёллар учун клуб очилади, хотин-қизлар клуби! Клубда мактаб бўлади, аёллар ўқийди, ҳунар ўрганади, тарбия олади. Ўртоқ Куйбишев шундай деб маслаҳат бердилар.

— Куйбишев?— деди Саид Паҳлавон.— Катталарингизми?

— Ҳа,— деди Ҳайдарқул,— Русия намояндаси, Туркистон ҳарбий Шўросининг аъзоси, улуғ одам, тадбиркор ва доно... Бухоро халқининг озодлиги учун кўпгина катта ишлар қилди ва кўпгина ғамхўрликлар қилмоқда...

— Дада, мен кўрганман, Куйбишев Когонда ваъз айтди...— деб Мирак гапга аралашди.

— Тўғри, тўғри!— деди Ҳайдарқул,— Мирак кўрган эди.

Бу суҳбатдан Мирак хурсанд бўлди. Отаси мамнунлик билан кулимсираб қўйди.

— Ундай бўлса, жуда соз,— деди Фируза гапни давом эттириб.— Клуб очишса аёлларнинг иши анча енгиллашади.

— Ҳа, балли,— деди Ҳайдарқул,— клуб хотинларнинг йиғиладиган жойи, суҳбат ўтказадиган жойи... Клуб хотин-қизлар озодлиги учун катта хизмат қилмоғи керак. Насиб бўлса, сен хотин-қизлар клубининг биринчи мудираси бўласан!

— Ҳа, топдингиз!— деди Асо.— Агар Фирузабону клуб мудираси бўлса, хотин-қизлар озодлиги юз фоиз бўлади. Чунки Бухоронинг аёл ва эркаклари орасида бу кишидек аёллар тарафдорини топиш қийин.

— Хўп гаплар гапирасиз-да!— деб қўйди Фируза Асога қараб.

— Йўқ, рост!— деди Ҳайдарқул.— Фирқа Марказий Қўмитаси ва ҳукумат раҳбарлари Фирузанинг хизматларини унутганлари йўқ. Дарвоқе, мен Оймуллои Танбурни кўриб қолдим... Тўғрироғи, у кишининг ўзи мени таниб қолдилару сенинг саломатлигингни сўрадилар. Сенга салом айтдилар ва сени бир кўрсам, дедилар.

— Ростданми?— деди қувониб Фируза.— Қаерда кўрдингиз? Наҳотки Ўрда аҳли билан бўлсалар?

— Ҳа, ўша жойда,— деди Ҳайдарқул,— гапнинг фурсати эмасди, нима дейишимни билмай қолдим. Сен борсанг сўрайсан, гапларига қараб иш тутамиз... Албатта, ўз ўринларига қайтмоқчидир.

— Албатта!— деди таъкидлаб Фируза.— Заргарбобо ғам-аламдан кечалари мижжа қоқмайдилар, кундузлари ишлолмайдилар, нуқул мендан, Асодан амир ўрдасининг қаерда эканлигини, Ўрдага нима бўлганлигини суриштириб турадилар! Хайрият, Оймуллом топилибдилар. У кишини иложи борича тезроқ уйларига юбориш керак.

— Яна яхшироқ бўлади!— деди Ҳайдарқул ва илова қилди:— Ҳа, айтгандек, у кишини клубга даъват қилиб, муаллималикка тайинласанг жудаям соз бўлади-да...

— Тўғри, тўғри,— деди Асо,— жуда соз бўлади, янги Оймулло, Оймуллойи Танбур эмас, энди клуб Оймуллоси бўладилар!

— Кулманг!— деди эрига Фируза.— Оймуллои Танбур бўлсалар ҳам инқилоб йўлида, аркдаги бад-

бахт аёлларни қутқазиш йўлида хизматлари мен билан сиздан кўпроқ!

— Кулганим йўқ,— деди Асо,— шунчаки хонаси келгани учун айтдим. Ҳақиқатан ҳам Оймулломиздек саводли аёл кам!

— Тўғри,— деди Ҳайдарқул,— Оймуллодан фойдаланиш керак, эс-ҳушли аёл. Кейин яна бир гап! Тўхта, сен Ойими Шоҳни танийсан-а?

— Бўлмасам-чи? Амирнинг қўйиб юборган хотинми?

— Ҳа, уларнинг ҳовлиси Арабон гузарида эди. Билсанг керак?

— Йўқ, ҳовлиларини билмайман,— деди Фируза.— Улар ҳовлиси билан борди-келдим йўқ эди.

Саид Паҳлавон суҳбатга аралашди:

— Агар бу Ойими Шоҳ деганингиз Шоҳмуродбек додхоҳнинг қизи бўлса, унинг ҳовлисини Мирак билади.

Катталарнинг узундан-узоқ суҳбатидан зерикиб ўтирган Мирак бирданига руҳланиб:

— Қайсиси?..— деб қўйди.

— Додхоҳнинг ҳовлиси-чи? Арабон гузарида, ошнанг Қаҳҳорнинг қўшниси-чи!

— Э, ҳа, биламан!— деди Мирак,— Ҳамроҳ холамнинг ҳовлиларими?

— Ҳа, ҳа, топдинг!— деди Ҳайдарқул Миракнинг бошини эркалатиб силаркан,— Ойими Шоҳнинг асли исми Ҳамроҳхон. Сен Фирузажон, бориб у билан таниш, ҳолу аҳвол сўра!

— Мен танишман!— деди Фируза,— амир хотини бўлган вақтида аркда Оймуллом билан анча иноқ эди, менга пул бериб пастдан «Бухоройи шариф» газетасини олиб келишни буюрарди. Мен бир неча бор газета келтириб берганман. Шунинг учун мени яхши кўрарди.

— Жуда соз,— деди Ҳайдарқул.— Бориб ҳол-аҳвол сўра, кейинги эри Саидбекнинг қаерда эканлигини аниқла.

— Албатта, амир билан қочиб кетгандир!— деди Саидбекни яхши танийдиган Паҳлавон,— у амир даргоҳининг аъёнларидан эди...

— Амир билан қочган-қочмагани бизга маълум эмас,— деди Ҳайдарқул,— Ойими Шоҳ билса керак... Албатта сенга аниғини айтади!

— Билмасам,— деди Фируза,— суриштириб кўраман албатта... Аммо қачон борай?

— Худди шу бугун! Бу ердаги ишларингни саранжомлаб, Миракжон билан бор! Саид Паҳлавон билан икковимизнинг озгина ишимиз бор. Кейин фурсат топсак, Қоплонга бориб, аёллар рўйхатини бошлаймиз.

Ҳайдарқул қўзғалди, бошқалар ҳам ўринларидан туришди, Фируза уларни ҳужра эшигигача кузатиб бориб, сўради:

— Миракжон, сен қоласанми ёки кетасанми?

Мирак ҳайрон бўлиб отасига қаради. Саид Паҳлавон Фирузадан сўради:

— Сиз ҳозир бормасангиз керак?

— Йўқ, кечроқ...— деди у.

— Бўлмаса,— деди Паҳлавон,— Мирак ҳам бу ерда зерикиб ўтирмасин-да, бирор соат опасининг ҳовлисига бориб келсин. Майлими?

— Майли, майли!— деди Фирузанинг ўрнига Ҳайдарқул ва Миракка қараб:— Эшагингга миниб тўппа-тўғри катта йўлдан ҳайда! Мендан опанг ва поччангга салом айт. Даданг бир-икки соатдан кейин етиб боради,— деди.

Ҳайдарқул олдинда, Саид Паҳлавон, Мирак ва Асо унинг кетидан дарвоза олдига келиб, катта йўлга тушдилар. Асонинг ёрдамчилари ҳарбий кийим кийиб, қўлларига қизил латта боғлаган — икки аскар ва бир мешкобчи посбонлик қиларди. Асонинг саволига аскарлардан бири: тинчлик, ҳеч қандай ҳодиса рўй берганн йўқ, деб айтди.

Шу аснода дарвоза ташқарисида отнинг дупур-дупури эшитилиб уч отлиқ кўринди. Аскарлар бир неча қадам олға босиб, суворилярни огоҳлантирмоқчи бўлдилар. Аммо суворилар аскарларга парво қилмай, тўғри шаҳар ичига кирмоқчи бўлишди.

— Тўхтанг!— деди аскарлар милтиқларини қўлга олиб.

Суворилар дарвоза олдида мажбуран тўхтадилар.

— Узи нима гап? Нега бизларни тўхтатасанлар?— дағдаға билан сўради олдиндаги отлиқ киши.

Мирак бу кишини таниб, отасига шивирлади:

— Ўша, бизнинг полизимизга келган тўппончалик!

— Танидим, болам!— деди Паҳлавон.— Анави Наим Заҳар, қара, у ҳам «инқилобчи» бўлибди!

Асо олдинга ўтиб, отлиқнинг саволига жавоб қайтарди:

— Рухсатнома бўлса, марҳамат, бўлмаса, тушишга тўғри келади. Қоида шундай!

— Рухсатнома?.. Ўзим рухсатнома!— деди яна дағдаға билан отлиқ.

— Бу киши Асад Махсум жаноблари!— деди Наим Заҳар ўз хўжайинини кўрсатиб.

— Қўйиб юбор, ўтишсин!— деди Ҳайдарқул Асога. У рухсат берди. Суворилар отга қамчи босиб, дабдаба билан ўтиб кетишди. Асо Ҳайдарқулга савол назари билан қараб қўйди. Ҳайдарқул бош чайқаб, деди:

— Бу киши бирор каттаконлардан бўлсалар керак. Таниб қўй! Паҳлавон, сен ҳам таниб қўйишинг керак! Мен сенга баъзи гапларни айтаман... Юр, кетдик!

Ҳайдарқул билан Саид Паҳлавон тўғри Лаби ҳавзи Девонбеги томон кетди. Мирак дарвоза ташқарисидан эшагини келтириб, устига хуржунини ташлади, сўнгра дарвоза олдидаги супа устидан сакраб эшакка минди, Асо билан хайрлашди.

Мирак Калобод катта кўчасида эшакни аста-секин ҳайдаб шаҳар маркази томон борарди. Унинг тасаввурида Бухоро шаҳри шаҳарларнинг энг каттаси, энг гўзали ва энг ажойибларидан биридек туюларди. У бу кўчалар, бу ҳовлилар, бу дарвоза-ю дарвозахоналар, бу баланд қадимий қалъа, бу катта тош йўлни ҳатто кечалари тушида кўрарди. Илгарилари худди шу шаҳар дарвозасидан бошлаб, бу кўчалар лиқ тўла одам эди. Аравалар, файтонларнинг серқатновлигидан пиёдалар бемалол юра олмасдилар, кўчаларда муллалар, катта саллалилар, бойваччалар, сарбозлар кўп эди... Ҳозир ҳам кўчалар ўша аввалгисидек, ана ўша Калобод кўчаси, ҳовлилар гўё ўз ўрнида, фақат айрим деворларни милтиқ ўқлари «ялаб» ўтган, ёки тўп ўқи тешган ва баъзи деворлар қулаган, бундан бўлак уруш аломатлари кўринмас эди. Одамлар ҳам бор, аммо булар инқилобдан олдинги одамларга ўхшамайди. Домлалар, катта саллалилар камроқ кўринади, лекин ҳарбий кийим кийганлар, қўлига ва ёқасига қизил латта тақиб олганлар, этиклилар, телпаклилар кўпайиб қолган. Болалар ҳам бор, ана, ўйнаб юришибди... Лекин мактаб болалари кўринмайди. Илгарилари улар бўйинларига жилд осиб қуръонни олиб юрарди.

Мактаблар ёпилган, болалар ўқимайди шекилли, илгарилари масжидлар ва мадрасалар олдида муллаваччалар гавжум, шовқин-сурон солиб ўтиришарди, аммо ҳозир улар кўринмайдилар. Ана Калобод мадрасаси[1]. Унинг кенг ва баланд саҳнида фақат уч-тўрт киши, муллаваччанамо уч-тўрт одам кўринади, холос. Улар ҳам шовқин солмасди. Мадраса рўпарасида, йўлнинг ўнг томонида Калобод ҳовузи бўлиб, ҳовуз суви илгаригидек тагига тушиб кетганди, бечора мешкоблар ер қаъридан сув тортгандек мешларини қўлтиқлаб то зина тепасига, супа устига чиққунча она сутлари оғизларига келарди. Ҳовуз атрофида, тут дарахтлари остидаги супачаларда бекорхўжалар ҳовуз сувига тикилиб ўтиришарди. Мирак мадраса ёнидан озгина ўтгач, бир аянчли манзарани кўриб, тўхтаб қолди. Бу ерда, катта йўл устида иккита ҳовли тамом бузилиб, уйлари ёниб, девор қолдиқлари қорайиб қолган эди. Бир неча киши замбил, белкурак ва кетмон кўтариб, йўлни тош-тупроқдан, чўп-хасдан тозаларди. Бузилган бу ҳовли бирор давлатманд одамники бўлса керак. Хароба орасидан нақшли ва гулдор деворлар кўриниб турарди. Тошу кесаклар ва тупроқ ичида синган чинни идишлар, латта-путталар ва шиша майдалари кўзга ташланарди.

Бу манзара Миракнинг авзойини бузиб, қувноқ қалбини ғам-ғусса босди. Аввалларн Мирак урушни ўйин ёки сарбозларнинг ҳарбий машқлари, ё оддий муштлашишу кураш тушиш, деб ўйлар эди. У тўпу милтиқ садоларини эшитган бўлса ҳам, аммо уларнинг хароб қилувчи таъсирини билмас эди. У эндигина урушнинг даҳшатлари ва фалокатларини сеза бошлади. Ҳозир урушнинг тамом бўлганига ўн кунча бўлиб қолди, ҳеч қаерда тўп овози ҳам, милтиқ садолари ҳам эшитилмайди, аммо урушнинг аломатлари ҳали ҳам бор... Одамлар, бу ҳовлиларнинг эгалари нима қилишганийкан? Наҳотки ҳаммаси тупроқ остида қолиб кетган бўлса?!

Мирак эшагини нихтаб, харобалар олдидан тез ўтди-да, яна кўркам иморатлар ва зарар кўрмаган бинолар ўртасидан йўлига қараб кетди. У кичкина

---

[1] Калобод мадрасаси — Бухорода қадимий мадрасалардан бири эди.

растаси зарарланмаган Калафарҳод чорраҳаси бошида эшагини тўхтатди. Опасининг уйи Хода бозорида эди, у ўнг томонга, Самарқанд дарвозаси томонга қараб бориши керак эди. Лекин синчковлик ва аркни кўриш орзуси устун келди. У эшагини нихтаб, заргарлар растаси ва заргарлар тоқи томон ҳайдади.

Заргарлар растаси олдида бир-бирига рўпарамарўпара турган иккита мадраса бор эди. Мирак бу мадрасаларнинг[1] номини билмас эди. Бу мадрасаларга ҳам ҳеч нима қилмаганди. Аммо бу мадрасалардан бирининг саҳнида бир неча деҳқон қовун сотмоқда эди. Заргарлар растаси ҳувиллаб турарди. Дўконлар ҳам бўш. Заргарлар қўрққанларидан уйдан чиқмай қўйган эдилар. Тоқ тагида эса бир-икки баққол дўкон очганди, одамлар серқатнов эди. Бу ерда Мирак инқилобдан илгариги гавжумлик, ғала-ғовурни кўз олдига келтирди. Аммо тоқдан икки юз қадамча ўтиб борди-ю, ҳайрон бўлиб қолди.

Масжиди Калон, минор, Мири Араб мадрасаси ўз ўрнида эди, фақат минор учининг бир томони тушиб бузилган эди. Лекин Масжиди Калон рўпарасидаги ҳовлилар, уйлар — Миракон гузаридаги бир қисм ҳовлилар куйиб, кул бўлган эди. Ҳатто юришга йўл ҳам йўқ эди. Одамлар тош, кесак ва ёғоч-хашаклар ўртасидан озгина йўлак очиб ўтиб туришарди. Мирак узоқдан бўлса ҳам бир марта аркни кўришни, унга нима бўлганини билишни истарди. Шунинг учун дадиллик билан эшагини ҳайдади, лекин унча узоққа бормади.

Масжиди Калон девори ёнидан то мискарлар тоқигача (Регистон яқинида) уч қатор бўлиб чўзилиб кетган жомафурушлик, қандолатфурушлик ва мискарлик расталари бутунлай ёниб, валангор бўлган эди. Бу ерда бир талай аскарлар, одамлар ишлаб йўл тозалардилар. Баъзи жойларда ҳали ҳам тутун буруқсирди, арк эса тишлари тушган мўйсафид сингари бузилган кунгуралари билан бу даҳшатли манзарага гўё қараб турар ва буни кўриб, ўзининг ҳам тутуни кўкка кўтарилаётгандай туюларди. Миракнинг нафаси ичига тушиб кетди. У эшагини тўпхона гузарига бурди. У зиндон ёнидан ўтиб, Хода бозорига бормоқчи бўлди.

У кимсасиз кўчадан юз қадамча йўл босган эдики,

---

[1] Азизхон ва Улугбек мадрасалари.

рўпарасидан чарм камзулли янги этик кийиб олган бир одам чиқиб қолди. Ҳалиги киши камзулининг бир этагини кўтариб, гўё этагида оғир нарсани олиб бораётгандек, аста-секин, хасталик билан қадам босарди. У Миракнинг олдидан ўтди-ю, унга қиё ҳам боқмади. Унинг қош-қовоғидан қор ёғаётганди...

«Бу одамни қаерда кўрган эдим-а?»— деб ўйлади Мирак ва ногаҳон Когонда Асад Махсум билан судхўр пирсиённинг уйига томон ўтиб кетган ўша одам эканини эслади.

Мирак таажжубланиб унинг кетидан қараб турган эдики, ҳалиги кишининг этагидан бир нарса шилдираб ерга тушди, аммо у одам буни пайқамай кетаверди. Тушган нарса Миракка қопчиқдай туюлди... Ҳа, катта чарм қопчиқ. Мирак бирпас қараб турди, ҳалиги одам қопчиқнинг тушиб қолганидан бехабар, анча узоқлашиб кетди. Шунинг учун Мирак лип этиб эшакдан тушди-да, югуриб бориб қопчиқни олди. Қараса, қопчиқ анча оғир. Қопчиқни очиб кўрди-ю, қўрқиб кетди. Қопчиқ Бухоро тамғаси урилган тиллалар — сариқ ва қизғиш — кўзни қамаштирадиган тиллалар билан тўла эди.

Мирак беихтиёр чақирди:

— Тоға, ҳо, тоға!— деди. Лекин «тоға» унинг чақиришларига эътибор бермай кетаверди. Мирак ҳайрон бўлиб, аввалига нима қилишини билмади, сўнгра ҳалиги одамнинг кетидан югуриб бориб, яна чақирди:

— Ҳой, тоға, тўхтанг!— деди у.— Бу қопчиқ этагингиздан тушди. Бу қопчиқ...

Буни эшитиб, ҳалиги киши тўхтади-ю, бошини буриб, Миракка ўқрайиб қаради ва деди:

— Нима, намунча бақирасан, қишлоқи аҳмоқ?!

— Қопчиқ!..— деди Мирак паст товуш билан гўё у киши олдида гуноҳкордай,— қопчиғингиз...

Ҳалиги одам қопчиғини Миракнинг қўлидан олиб этагига солди-да, йўлига қараб кетаверди. На ҳа деди, на ҳу. Гўё Мирак унинг юкини оғирлаштириб, қопчиқ бергандай...

«Қизиқ одам экан...— деди ўз-ўзига Мирак,— йўқотган нарсасини топиб бердиму лоақал раҳмат ҳам демади-я. Садқаи одамгарчилик кет-э!» У кетаётган одам орқасидан қараб турди-да, қўлини силтади ва эшакка миниб опасиникига қараб жўнади...

Хода бозори гузари Самарқанд дарвозаси тарафида, Бухоронинг ғарби шимолида жойлашган бўлиб, камбағаллар турадиган гузарлардан ҳисобланарди. Миракнинг поччасининг ҳовлиси шу гузар этагида бўлиб, Бухоро қалъаси деворига яқин эди. Хайрият, опаси ҳам, жиянлари ҳам соғ-саломат экан. Улар зиён-заҳмат кўришмабди. Ҳаммаси уйида тинчгина ўтирган экан. Миракнинг келиши, айниқса қовун ва мева келтириши болаларни қувонтирди.

— Шундай қаттиқ уруш бўлдики, асти қўявер!— деди поччаси Миракнинг саволига жавоб бериб,— тўрт кеча-ю тўрт кундузгача на уйдан чиқиб бўлади, на уйда ўтириб бўлади. Ертўласи бўлган одамлар ертўлаларига бекинишди, бизнинг эса на ертўламиз бору, на болохонамиз. Шунинг учун таваккал қилиб ўтиравердик. Бойлар, давлатмандлар, амалдорлар урушнинг учинчи куни олтин-кумушларини қисман ерга кўмиб, қисман ўзлари билан олиб, шаҳардан чиқиб, боғлари ва шаҳардан ташқаридаги жойларига кетдилар. Биз қаёққа ҳам борардик? Сизларнинг қишлоқларингга, Когон тарафларга боришнинг сира иложи йўқ эди — ўша жойларда жанг бўлаётганди. Шунинг учун бўлганича бўлар деб бепарво ўтиравердик... Осмондан ўқ ёғиларди, ҳамма ёқ қўрғошинга тўлиб кетди. Арк ёнарди, расталар ёнарди... Хайрият, биз томонларга тўп ўқи келмади, бу жойлар тинчроқ эди.

— Камбағалликларингизни билишгандир-да!— деб қўйди Мирак, ярим жиддий, ярим ҳазил билан.

— Билмасам,— деди поччаси. — Ё биларкан, ёки шаҳарнинг бу томони узоқ, чапроқ экан... Нима бўлганда ҳам бу тарафга тўп ўқи анча кам тушди. Пайшанба куни амир қочди-ю, шанба куни қизил аскарлар ёриб шаҳарга кирди. Қизил аскар келгач, шаҳар сал тинчиди. Одамлар кўчага чиқишди, шаҳар ташқарисидан қайтиб келишди, дўконлар очилди. Лекин ҳозир ҳам ҳар куни ёнғин чиқиб турибди. Қаёқдан ёнғин чиқяпти деб ҳамма ҳайрон...

— Ҳа, мен ҳам кўрдим,— деди Мирак.— Ҳали ҳам айрим жойлар ёняпти.

— Бу тўпу бомбадан эмас,— деди поччаси.— Лаънати одамлар, шаҳримизнинг одамлари — ўғрилар, амир одамлари ўт қўйишяпти.

— Атайин қилишяпти,— деб қўйди Миракнинг опаси.

— Ҳамма мешкобларни, шаҳар аҳолисини ўт ўчиришга жалб этишган. Ўзимиз ҳовуздан сув ташиймиз. Ўғриларнинг падарига лаънат! Одамларнинг дўконлари, уйларини талон-торож қиладилару, кейин ўт қўядилар. Лекин қизил аскарлар бирон кишининг ўғрилик қилиб турганини кўриб қолишса, ўша жойнинг ўзида отиб ташлашяпти.

— Янги ҳукумат бизларга нон, гўшт, қанд берди,— деди Миракнинг опаси,— пулсиз...

— Бошқаларга-чи?

— Бошқаларга ҳам. Одамлар маҳалла-маҳалласи билан бориб, олиб келишяпти, кимники кийим-кечаги, палоси бўлмаса, ариза бериб хоҳлаган нарсасини олаверади.

— Яхши-ку!— деди Мирак,— агар биз ҳам шаҳарда бўлганимизда, мен албатта битта этик олардим.

— Этик керак бўлса,— деди опаси,— биз ариза берамиз, то яна келгунингча тайёрлаб қўямиз!

— Эҳ...— деди Мирак тўсатдан бир нимани эслаб,— унутиб қўйибман. Фируза опам мени кутиб ўтирибди. Хайр, мен борай. Ишимни тамомлаб, кейин келаман.

— Тура тур, дастурхон ёзай!— деди опаси ва Миракни ҳоли жонига қўймай, ҳукумат берган нон ва гўшт билан қорнини тўйдирди.

— Мени хавотир қилмай тезроқ кел!— деди опаси Мирак кўчага чиқаётганда.

— Дадам келсалар, айтинг, мен Фируза опамнинг олдида бўламан, хавотир олмасинлар!— деди Мирак дарвозадан чиқа туриб.

Кўчаларда йўловчилар анча сийрак эди. Кун оғиб, ҳавонинг ҳарорати анча пасайган, кўчаларга соя тушган эди. Мирак саройи Сабзи гузаридан ўтиб, тўғри Заргарлар растасига, сўнгра Сўзангарлик растаси орқали Телпак растасига ўтмоқчи эди. Аммо Телпак растаси яқинида, Чой саройи ва қозихонага олиб борадиган йўлда ёнғинга дуч келди. Одамлар қизил аскарлар ёрдамида жадал ишлаб, ўт ўчирмоқда эди. Миракнинг ҳам ғайрати қўзиб, югуриб борди-да, сувни қўлма-қўл олиб бераётганлар қаторига турди ва сув олиб бера бошлади. Одамлар сувни Пичоқ бозоридаги ҳаммом қудуғидан таширдилар. Улар пақирми, кўзами,

мешми, нимаики топсалар, сув тўлдириб, қўлма-қўл узатардилар. Мирак ўн-ўн беш пақир сув бергандан кейин, ёнғин анча пасайиб қолди. Шу пайт усти очиқ бир автомобиль келиб тўхтади. Ундан икки-уч нафар қизил аскарларнинг командирлари тушди. Улар ўт ўчириш ишларини кўздан кечириб, ўзаро маслаҳатлашишди ва аскарларга аллақандай топшириқ беришди. Бу орада улардан бири — Миракнинг кўзига анча иссиқ кўрингани ва қаердадир кўргандай туюлаётгани, унга қараб жилмайди-да, уни ёнига чақирди.

— Бу ёққа кел! — деди у рус тилида ва сўнгра тожик тилига таржима қилди: — Бу ёққа кел!

Бу сўзлар шундай мулойим ва самимий айтилдики, Мирак ҳеч ўйламай-нетмай, уялмай ўша одамнинг олдига борди ва қўл қовуштириб салом берди. Баланд бўйли, пешанаси кенг, мовий кўзлари жозибали ҳалиги киши Миракка қўл узатди. Мирак ҳам қўл берди. Улар дўстона кўришдилар.

— Мен Куйбишев бўламан, сенинг номинг нима?

— Менинг номим Мирак.

— Жуда соз, мана танишиб ҳам олдик. Хўш, айтчи, Мирак, сени ўт ўчиришга ким мажбур қилди?

— Мен ўзим... Нима, мумкин эмасми?

— Мумкин, албатта, лекин бу ишдан кўра сенга ўйнаб-кулиб, томоша қилиб юрганинг яхши эмасми?

— Ахир, бу ер ёниб кетса майлими?

— Йўқ, албатта! Ёнғинни ўчириш зарур... Лекин...

Ногаҳон Мирак маҳмаданалик қилиб Куйбишевнинг сўзини бўлиб деди:

— Зарур бўлса, мен ҳам томошанинг баҳридан ўтдим. Халқнинг уй-жойи, дўконлари ёняпти, шаҳар ёняпти...

— Сен шаҳрингни севасанми?

— Севаман. Ким ўз шаҳрини севмайди?

Куйбишев Миракнинг гапидан мамнун бўлиб, ўртоқларига кўрдингизми, дегандай қараб қўйди, кейин жиддийлик билан деди:

— Бор, ўз шаҳрини, ўз Ватанини, ўз онасини ва ўз фарзандларини севмайдиганлар ҳам бор, тубан одамлар ҳам бор. Ана ўшалар бу жойларга ўт қўядилар, эл уйини талон-торож қиладилар, оналарни, уларнинг фарзандларини ўлдирадилар. Лекин биз уларга йўл бермаймиз, уларни тутиб олиб, йўқ қиламиз!

— Уларни тезроқ тутиб олинг,— деди Мирак ўзига хос билағонлик билан,— бўлмаса шаҳарни хароб қилишади.

— Балли, офарин, йигитча!— деди Валериян Владимирович Миракнинг бошини силаб.— Жуда тўғри айтдинг! Элнинг уйини куйдирмасликлари учун уларни тезроқ тутиб олиш керак. Ўт билан ўйнашиб бўлмайди! Бир дўкондан иккинчи дўконга, бир ҳовлидан иккинчи ҳовлига ўтиб, бутун шаҳарни хароб қилади. Бу шаҳарда оқар сув йўқ. Шунинг учун ҳам ёнғин жуда хавфли.

Шу пайт икки солдат ўша чарм камзулли одамни ушлаб олиб келди ва уставга мувофиқ қўлларини чаккаларига қўйиб, Куйбишевга шундай деб рапорт беришди:

— Бу номаълум кишини хазинани ўғирлаётган пайтида ушладик. Аркдан қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаб олиб кетаётган экан.

— Албатта, у ўзини инқилобчи деган бўлса керак, инқилоб номи билан халқ молини талаётган бўлса керак?

— Ҳа, худди шундай!

— Олиб бориб Чекага топширинглар. Текшириб олий жазо беришсин. Бундан кейин ҳам кимки, хоҳ ўзимизники бўлсин, хоҳ бегона бўлсин, агар ўғирлик қилса, эл молини ёки давлат молини таласа, ушлаб Чекага ё трибуналга топширинг. Бунақаларга энг қаттиқ жазо беришсин. Ўғирлаб кетаётган нарсаларини топдингизми?

— Ҳа, ҳаммасини олиб, хазинага топширдик.

— Қопчиқни-чи?— сўради Мирак сабрсизлик билан.— Ичи тўла тилла катта чарм қопчиғи бор эди.

— Қопчиқни ҳам топширдик!— деди солдатлардан бири.

— Сен қаёқдан биласан?— таажжубланиб сўради Куйбишев.

— Мен уни кўрган эдим,— деди Мирак,— бир этак нарса олиб кетаётган эди. Тўсатдан қопчиқ тушиб қолди. Мен олиб, элтиб бердим. Раҳмат дейиш ўрнига мени «қишлоқи» деб ҳақорат қилди.

— Ўғирлик мол бўлгани учун қўрқибди-да,— деди Куйбишев ва солдатларга мурожаат қилди: — Офарин,

ўртоқлар! Сизларни мукофотга тақдим этганимни қўмондонингизга айтиб қўйинглар.

— Меҳнаткаш халққа хизмат қиламиз!— деди ҳар икки солдат бараварига.

— Олиб боринг уни,— деди Куйбишев.

Солдатлар ўғрини олдиларига солиб олиб кетишди.

— Сен, Мирак,— деди Куйбишев,— яхши бола экансан, ғайратли, софдил, бахтли бола экансан! Инқилоб ва Совет ҳокимияти сендек меҳнаткаш болаларнинг ўсиб-улғайиши, камол топиши ва келажакда мамлакат эгаси бўлишингиз учун барча шароитларни вужудга келтиради. Яна кўришгунча хайр! Ота-онангга мендан салом айт! Хайр, ўртоқлар, раҳмат сизларга!

Куйбишев одамлар билан хайрлашиб, машинага тушди-да, Регистон томон йўл олди.

Мирак мозор дарвозасига аср намозига яқин етиб келди. Фируза уни зориқиб кутаётганди. Асо уни узоқдан кўриб, Фирузага хабар берди, у югуриб пешвоз чиқди:

— Келдингми, укажон! Намунча ҳаяллading?

— Ўт ўчиришга ёрдамлашдим. Катта командир — Куйбишевни кўрдим...

— Наҳотки?— деди Фируза.— Қаерда?..

— Сўзангарлар растасида,— деб воқеани бошдан-оёқ айтмоқчи эди-ю, аммо гапга Асо аралашиб, унинг оғзига уриб қўйди.

— «Болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур», деб бежиз айтмаганлар-да,— деди у.— Зарур ва муҳим ишни болага ишониш яхши эмас-да!..

— Гап ишда эмас,— деди Фируза.— Иш ҳар вақт бўлаверади... Мен ўзидан хавотир олдим... Нима бўлдийкин деб қўрқдим...

— Хайр, зарари йўқ, бир оз дам олсин, кейин борарсизлар.

Бу гаплар Миракка қаттиқ ботди. Чунки у шу чоққача ўзини арши аълода кўраётганди. Куйбишев билан, командирларнинг энг каттаси билан учрашиб, суҳбатлашдим, мақтов эшитдим, деб ўзида йўқ хурсанд эди. Бу ҳазил гап эмас! Куйбишев кўришиб, ҳолу аҳвол сўради, ота-онангга салом айт, деди! Асо Куйбишевни узоқдан ҳам кўрмаган, ҳатто овозини ҳам эшитмаган бўлса керак!.. Аммо мени назар-писанд қилмай, «бола» дейди!.. Ана, Фируза хола яхши, меҳрибон,

гапга тушунадиган... Ана унинг ўксинганини сезиб, ёнига келди, аҳвол сўради:

— Ҳа, укажон, нега хафа бўлдинг? Ёки ўт ўчиришга ёрдамлашиб чарчадингми? Кел, ўтир, чой ич, дамингни ол!

— Йўқ, ҳеч гап йўқ,— деди Мирак.— Келинг, борайлик, кеч бўлиб қолди... Дадам уришадилар.

— Хўп, майли, ҳозир борамиз! Мен бир уйга кириб чиқай.

— Хўп, мен шу ерда ўтира тураман!— деди Мирак.

Фируза дарвозахона айвонидаги ҳужрага кирди. Мирак айвон супасига ўтирди. Шаҳарга кирадиганлар кам эди, аммо шаҳардан чиқадиганлар кўп эди. Уларнинг кўпчилиги олиб келган нарсаларини сотиб, оладиган нарсаларини олиб, эшак, от ва араваларга юклаб, қишлоқларига кетаётган деҳқонлар эди. Уларнинг кўпчилигини Асо ва унинг одамлари текширмасдилар, шунчаки бир қараб ўтказиб юборардилар. Бир маҳал икки от қўшилган файтонда бир ваҳимали одам келиб қолди. Унинг эгнида кул ранг мовут ҳарбий кийим бўлиб, устидан астари шойи олача тўн кийганди, оёғида амиркон этик, сочига оқ оралаган, бошида оқ саллача бор эди, у виқор, гурур билан ўтди. Асо ва аскарлар қўлларини чаккага қўйиб, ҳарбийчасига салом беришди. Мирак ҳайрон бўлиб, паранжи ёпиниб чиққан Фирузадан сўради:

— Бу киши ким?

— Бу киши Чека раиси Ҳожи Ҳасанбек бўладилар,— деди Фируза,— каттакон одам, ўлимга ҳам буюраверадилар!

— Ўлимга ҳам буюраверадилар?!— таажжубланиб сўради Мирак.— Ахир, инқилоб бўлди-ку! Яна ўлимга ҳукм этишлари нимаси?

— Инқилобнинг ҳам ўлим ҳукми бор,— деди Фируза йўлга тушиб.— Аксилинқилобчилар, амир тарафдорлари, босмачилар қўлга тушса, Чека, трибунал уларга ўлим ҳукми чиқаради.

Мирак Фирузанинг бу тушунтиришидан қаноат ҳосил қилдими ё йўқ, билиб бўлмасди Чунки у индамай, Фирузанинг ёнида кетаверди. Бирпасдан кейин эса деди:

— Ҳожи Ҳасанбек бадқовоқ чол экан, ёмон одам экан!

Фируза паранжи ичида қиқирлаб кулди ва дарров кулгимни биров эшитдими ё йўқми деб атрофга қаради. Хайрият, кўчада ҳеч ким йўқ экан.

Арабон гузарида Мирак Шоҳмуродбек додхоҳнинг ҳовлисини Фирузага кўрсатди-ю, ўзи Хода бозори гузарига ўтиб кетди. Фируза катта ва ҳашаматли дарвозадан киргач, додхоҳ ўз меросхўрларига анча дурустроқ мол-дунё қолдириб кетганини, бу ҳовли эртанги кунини ўйламайдиган кишиларга тегишли эканини пайқади.

Биз эса Фируза ташқари ҳовлидан ўтиб, ичкари ҳовлига кириб, Ойими Шоҳ билан суҳбат қилишидан олдин, муҳтарам ўқувчиларимизга Ойими Шоҳнинг кимлигини таништирсак ва бу оила тўғрисида озгина суҳбатлашсак деган умидда эдик.

4

Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида, 1285 ҳижрий ва 1869 милодий йилда, Хўқанд валиси Худоёрхон мамлакат ичкарисидаги қўзғолонлардан қочиб кетиб, Бухоро амиридан бошпана сўрашга мажбур бўлади. Ўша вақтларда Худоёрхон саройида Шоҳмуродбек деган ёш сипоҳи хизмат қиларди. Шоҳмуродбек анча жасоратли ва фаросатли бўлгани туфайли Хўқанд валисининг катта мартабасига эришиб, унинг яқинлари сафига кирган эди.

Шоҳмуродбек ёшлигига қарамасдан (ўша вақтларда 25 ёшларда эди, андишали, ақлу фаросатли ва тадбиркор бўлиб, Худоёрхоннинг ишратпарастлигини, ақлсизлигини маъқул кўрмасди ва ҳамиша бу тўғрида хонга маслаҳат бериб, уни ёмон йўлдан қайтармоқчи бўларди. Аммо унинг маслаҳат-насиҳатлари тошга таъсир қиларди-ю, Худоёрхонга таъсир қилмасди...

Бу ҳолдан Шоҳмуродбек хафа бўлиб, маъюслик билан уйига қайтарди.

— Яхши иш қилмадик, хотин!— дерди у диққати ошиб, хафа бўлиб хотинига.— Хон саройидан нон емоқ — заҳар ичмоқ экан, хонга яқин бўлсанг — ажал соядек эргашиб юрар экан... Афсуски, бу ҳақиқатни

кеч пайқадим! Ёшлик ғурури, мансабпарастлик парда бўлиб кўзимни тўсган экан...

Шоҳмуродбекнинг хотини ўз қариндошларидан бирининг қизи бўлиб, анча оқила, саводли ва шоира эди, Саъдий куллиёти, Низомий «Хамса»си ва Навоий девони қўлидан тушмасди, эрига мунису ғамхўр ва маслаҳатгўй эди.

— Яна нима бўлди, нега бунчалик ташвишланасиз?— сўради хотин эрининг аҳволини пайқаб.— Гапларингиз шоирларникига ўхшайди, ё бирор ҳодиса рўй бердими?

— Ҳа,— деди табассум билан хотинига қараб Шоҳмуродбек.— Ҳа, азизим! Кейинги вақтларда, билмадим, шароб нашъасиданми ё бошқа бирор фалокат таъсиридаими хонимиз негадир латта, кераксиз латтага ўхшаб, бўшашиб кетди. Бу кишида мени мафтун этган илгариги жасорат, ғайрат ҳам, мамлакатни бошқаришга арзийдиган ақлу тамиз қолмаган... Йўқ, латтанинг ўзгинаси. Душманлар бу аҳволдан яхши фойдаланмоқдалар. Бир балога йўлиқмасайди деб қўрқаман.

Хотин Саъдийнинг байтини эслаб деди:

— Саъдий, фарёд этсангу ё этмасанг, не фойда,
Ёв камони ўткиру, бўлса совут эгнингда бўш!.

...Сиз қайғурганингиз билан бирор фойдаси борми? Бир балога йўлиқса йўлиқавермайдими! Сизга нима?!

— Менинг саъдийшуносим, бепарвойим!— деди хотинини эркалатиб Шоҳмуродбек.— Ахир, хон бир балога йўлиқса, мен билан сен ҳам йўлиқамиз-да.

— Худо подшоҳдир!— деди хотин.— Насиб бўлса, ҳеч гап бўлмайди. Аммо ҳушёр бўлиш керак. Ҳушёрлик, ақли расолик одамни балодан қутқазади. Низомий айтганидек:

«Билим менга тун посбоним эрур,
Хирад тожу, бедор жоним эрур!»

— Балли,— деди Шоҳмуродбек,— ҳушёр бўлиш керак. Хусусан, бизнинг замонамизда!

— Яхшиси, хон суҳбатидан узоқроқ юрганингиз маъқул!

Шоҳмуродбек хотинининг маслаҳатига амал қилиб, имкони борича хон суҳбатидан узоқроқ юрар ва саройи аҳли кўзига ҳам камроқ кўринар эди. У то чақирилмаса, то зарур бўлмаса ўрдага бормасди. Гўё девлат сиёсати билан иши йўқдай... Лекин кеч бўлиб қолганди. Қўзғолон вақтида Шоҳмуродбек ҳам хотин, болачақасини олиб, Бухорога сафар қилишга мажбур бўлди.

Дастлабки кунларда ўзининг «шарофати» билан, масжиду мадрасалари билан, раста-ю бозорлари билан, бор шукуҳу салобати билан Хўқанддан бир неча бор-бар каттароқ ва салобатлироқ бўлган Бухоройи шариф Шоҳмуродбек ва унинг хотинига ёқмади. Аммо унинг икки мактабхон ўғли бу сафардан ва бу янги макондан беҳад шод, мамнун эди.

Амир Музаффар ёш Шоҳмуродбекни ишга олиб, унинг жасорати ва баҳодирлигидан фойдаланмоқчи эди. Лекин у турли баҳоналар билан узр айтиб, амир таклифини рад қилди. Худоёрхон ҳам бу хусусда унга мадад бергандай, амирга, мени ҳурматимни қилсангиз Шоҳмуродбекка тегманг, ўз ҳолига тинч қўйинг, деди. Ҳар ҳолда амир Музаффар Шоҳмуродбекка бир мансаб бериб, моёна белгилади ва ҳар замонда саройга келиб туришини илтимос қилди.

Шоҳмуродбек Арабон гузаридаги подшоҳлик ҳовлисига жойлашиб олиб, дастлабки кунларданоқ қудуқ қаздириб, сув чиқарди, ташқари ҳовли супаси ёнида ва ичкари ҳовлида гулу гулзор барпо қилди, ток ўтказди, ҳавоза қилди, шундай қилиб, оз бўлса ҳам ҳовлини Хўқанддаги ҳовлисига ўхшатди. Кунлар ва ҳафталар ҳовлидан чиқмасди, кетмон кўтариб гулзорда ишларди, пақирда сув таширди, ток кесарди ва гулларга қарарди. Хотини унга қарашган пайтларда эса мамнунлик билан унга нигоҳ ташлаб, шу шеърни ўқирди:

— Чор деворинг узра эркин яйрасанг,
Қилмаса ҳеч кимса бошингни гаранг,
Кайкубод шоҳнинг шукуҳидан кўра —
Шундайин эркин яшаш афзал сенга.

— Ундай бўлса, Бухорони камситманг-да!— дерди хотини.— Агар Хўқандга борсангиз, яна ўша хонингиз ўз саройига олиб борарди, яна ўша «Кайкубоду Кайхисрав салтанати» бошланарди.

— Гапинг тўғри,— дерди Шоҳмуродбек.— Шу жиҳатдан ҳам менга Бухоро маъқул! Иннайкейин, бу жойнинг одамлари ҳам менга ёқиб қолди. Доно одамлар кўп. Улар билан ўзимизнинг тожик тилида гаплашамиз. Гўёки Рошдон ҳам шу ердага ўхшайди.

Ана шу тариқа рошдонлик Шоҳмуродбек тўқсоба Бухорода турғун бўлиб, Хўқанд хони саройидан батамом қутулди. Амир Абдулаҳад даврида унинг ўғиллари мирохўр амалини олиб ва амлакдор бўлиб, Бухоро туманларига ишга кетдилар. Шоҳмуродбек Арабон гузаридаги жуда озода, чиройли ва кўркам ҳовлисида хотини билан танҳо қолди. Бекор юришни ёмон кўрадиган хотин икки-учта қўшни қизларни тўплаб, уларга сабоқ берарди, уларни ўқитарди, кечқурунлари эса пилта лампаси ёруғида кашта тикарди, эрига ишқий қиссалар айтиб берарди. Шоҳмуродбек ана шундай оқила аёлнинг эри бўлганига юз марта шукур қиларди ва шундай турмуш йўлдошига эга бўлишнинг ўзи катта бахт эканини яхши тушунар эди.

— Йўқ,— дерди у,— менга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ризқи-рўзимизни худо етказади, болалар улғайиб ўз йўлларини топиб кетишди, менга сену, сенинг суҳбатинг бўлса бас!

— Гапингиз тўғри,— дерди хотин.— Лекин элдан четлашиб, тамоман тарки дунё қилиш ҳам яхши бўлмас. Амир Абдулаҳадхоннинг ўзи шоир, шеърни яхши кўрармиш... Майли, ҳар замонда саройига бориб кўриниш бериб келинг, ёмон бўлмайди.

— Ёмон бўлади!— деди Шоҳмуродбек жиддий равишда ва жим бўлди. Хотин ҳам каштасини тикиб ўтириб, бир неча дақиқа жим бўлиб қолди, сўнгра деди:

— Хижлат деган шоир бор экан, қайси куни бир баёзда унинг шеърини ўқидим. Шундай дебди:

Қолмасин Хижлат, биров ҳам баҳрасиз олам аро, 3
Бўлмасанг хон соябони, сояи девор бўл!

— Мен хон соябони ҳам, девор сояси ҳам бўлмоқчи эмасман! Мен сенинг ошиқу шайдонгман. Менга шунинг ўзи кифоя!

1896 йилнинг баҳорида Шоҳмуродбек оиласида яна

бир фарзанд — бир қиз туғилди. Унга Ҳамроҳхон ном қўйдилар.

— Қизинг йўқ эди,— деди хурсандлик билан Шоҳмуродбек,— ҳамроҳинг йўқ эди, ана энди ҳамроҳлик бўлдинг! Худди ўзингдек гўзал, ҳалитдан қошу кўзлари кишини мафтун қилади.

— Қўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим дер экан!— деди кулимсираб хотин.— Сиз ҳам қизингизни мақтайсиз-да.

— Йўқ, ўзинг бир қараб қўй! Бу қиз пари бўлади.

Дарҳақиқат, Ҳамроҳхон пари қиз бўлди. У ўн яшарлигида ким кўрса ҳайрон қоларди. Табиат баъзан шундай сахий бўладики, шундай мўъжизалар яратадики, буни кўрган киши, табиат уларни атайин яратган бўлса керак деб ўйлайди. Агар шундай бўлмаса, нега бировни шу қадар бадбашара, хунук, шу қадар нафратли қилиб яратади, эл уни кўриб, ҳазар қилади ва баъзан одамга шунчалик оро беради, унга шунчалик ҳусну латофат ато этадики, ақллар ҳайрон, диллар шайдо бўлади. Унга бутун гўзалликни, бутун ҳусну латофатни бир йўла тўла инъом қилиб, ундан ҳеч нарсани аямайди, гўё жаҳон рассомига уни кўрсатиб, инсон гўзаллиги, ҳусну латофатни мана шундай тасвирланг демоқчи бўлади.

Ана шундай қилиб, Шоҳмуродбек хонадонида табиат мўъжизасини кўриш мумкин бўлиб қолди. Ажаб эмаски, Бухоро об-ҳавоси ва бундаги муҳит таги фарғоналик бўлган кишидан атайин ана шундай паризод яратган бўлса? Ҳар ҳолда Ҳамроҳхон табиат мўъжизаси, Бухоро об-ҳавосининг саховати ва ота-онасининг бахт-саодати эди.

Келишган қомати ўн яшарлигидаёқ унинг сарвқомат бўлишидан дарак берарди. Шоирлар юз йиллардан буён ўз маҳбубаларини кўзи қора, дилрабо, жозибадор ва нигоҳи афсункор, қора қоши қайрилма камон деб тасвир қилиб келганларидек, бу қизнинг ҳам оғзи мисоли ғунча, лаблари гул барги, айниқса устки лабининг четидаги қора холи ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Гўё шоир унинг ҳусну жамолига бағишлаб шундай деган эди:

Гўзаллар ҳусну рўйинг олдида девордаги бир нақш,

Уларда сен каби кўркам гўзаллик қайдадир,
жонон![1]

Шоҳмуродбекнинг хотини қизини ўқитиб, тез фурсатда саводли қилди. Ҳамроҳхон онасига тақлид қилиб, шеър ва қўшиққа берилди. Унинг ёқимли ва дилкаш овози дугоналарини лол қолдирарди. Унинг шеърхонлиги ва нуктадонлиги ҳатто катта ёшдаги кишиларни ҳам мафтун қиларди. Дугоналар суҳбатида мушоира, ашула ва қиссахонлик ҳамиша авжида эди. Бирор нарсадан камчилиги йўқ эрка қиз Ҳамроҳхонга биров қаттиқ гапира олмасди. Отаси ҳам, онаси ҳам уни жуда нозик, эркалатиб, юмшоқ сўзлар билан тарбиялашарди, атрофида парвона бўлишарди.

Ҳамроҳхон ўн икки ёшга тўлди. Бир куни Шоҳмуродбек ташқаридан ичкари ҳовлига кириб, қизининг уйига кириб қарасаки, у йиғлаб ётибди. Ота ҳайрон бўлиб, шошиб қолди, қўл-оёғи латтадай бўшашиб кетди.

— Ҳамроҳхон, ҳо Ҳамроҳхон!— деди у.— Сенга нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?

Ҳамроҳхон жавоб бериш ўрнига қаттиқроқ йиғлади. Ота баттар ваҳимага тушди.

— Гапир, кўнглимни эзма!— деди у.— Нима бўлди? Онанг қани?

— Ҳаммомга кетдилар,— деди Ҳамроҳхон йиғи аралаш.

— Шунга ҳам йиғими?

— Йўқ!— деди Ҳамроҳхон ёш болалардек оёғини типирчилатиб ва отасидан ранжиб, тескари ётиб олди.

— Айт-чи, ахир, нега йиғлаяпсан?

Ҳамроҳхон яна ҳиқиллаб йиғлади-ю, сўнгра ўрнидан туриб ўтирди, кўз ёшларини артиб, отасининг юзига кулимсираб қаради-да, деди:

— Лайли ўлди!..

— Ким ўлди? Қайси Лайли?— деди баттар ҳайрон бўлиб Шоҳмуродбек.

— Ўша Лайли-да!— деди Ҳамроҳхон овозини кўтариб.— Мажнуннинг маъшуқаси!

У энгашиб, ёстиқ устида ётган бир китобни қўлига

---

[1] Саъдий шеъри.

олди. Шоҳмуродбек қизнинг гапини фаҳмлаб, аввал секин, кейин қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Эй, омон бўл, қизим!— деди у ўзини зўрға кулгидан тўхтатиб,— киши шунга ҳам йиғлайдими? Бу бир афсона, қисса-да! Таъсирли чиқсин деб шунақа ёзишади-да. Бу қайси Лайли билан Мажнун? Навоийникими? Ҳа, Низомий! Яхши. Низомий анча таъсирли ёзган. Бир вақтлар онанг ҳам йиғлаб-йиғлаб китоб ўқирди. Айниқса, Низомийнинг шу байтини:

Лайли сочларини шона айларди,
Мажнун ашк дурини дона айларди...

— Ҳа,— деди Ҳамроҳхон кесатиб отасига,— сиз яхши жойини айтяпсиз... Мана бу ерини...мана бу ерини ўқинг, йиғламай бўпсиз!

У китобни варақлаб, бир саҳифасини отасига кўрсатди. Шоҳмуродбек китобни олиб кўрди, қараса, қизи унга Лайлининг ўз онасига васият қилган жойини кўрсатяпти:

Эй, меҳрибон онажон этсин не чора,
Ки оҳу боласи заҳр ичмиш сут ила...

— Бас, бас, бас!— деди Ҳамроҳхон отаси қўлидан китобни олиб.— Яна йиғласин деяпсизми!

Бу гал отаси ҳам кўзига ёш олди. Бу кўз ёши Низомийни ўқиш таъсиридан эмас, балки шодлик кўз ёши эди... Ҳа, Ҳамроҳхон худди онасининг ўзи бўляпти. Шеърхонлиги, ҳассослиги, нозик таъблиги ва дилкашлиги — ҳамма-ҳаммаси онасига ўхшаб кетади!

«Поко парвардигорга минг марта шукур!»— деди ичида Шоҳмуродбек ва меҳри товланиб қизини қучдида, унинг иссиқ кўз ёшидан нам бўлган юзидан ўпди.

— Хўш,— деди Шоҳмуродбек бир нимани эслаб,— бу гапларни қўй, тўйдан гапир!

— Қайси тўй?

— Жиянингни бешик тўйи-да!— деди Шоҳмуродбек хурсандлик билан.— Пирмастлик жиянчангнинг тўйи!

— Ҳа, айтгандай, тўй бўлади-я?— деди бирданига қувониб Ҳамроҳхон.— Созандалар роса базм қилсалар керак-а? Мен яхши кўраман...

— Ҳа, худо хоҳласа! Онанг Тилло созанда бўлади, каркилик созанда бўлади, деди, кейин... Анбари Ашк ҳам келармиш...

— Анбари Ашк? Ким экан у?

Анбари Ашк ёки Анбар хола арк созандаларидан, пошшобиби ва ойимпошшоларнинг яқинларидан ҳисобланарди. У баланд бўйли, сарвқомат, буғдой ранг, бодом қовоқ, кўзи-қоши қора, юзлари чўзиқ қотмадан келган аёл эди. Уни фусункор ва парирухсор аёл деб бўлмас эди, лекин хунук ҳам эмасди. Истараси иссиқ, жозибали эди. Биринчи кўргандаёқ кишига маъқул тушарди, уни илгари қаердадир кўргандай, сизга танишдек туюларди. У жилмайиб икки оғиз гапирдими бўлди, унга мафтун бўлиб қолардингиз. Овози баланд, ширали эди, жуда ёқимли куйларди. Чилдирма чалар, рақс тушар ва санъат бобида эскилар айтганидек, суяксиз эди. Айниқса, ёшлик чоғларида серҳаракат, ғайратли, «қўл-оёқли» қиз эди.

Чалароқ саводи бўлиб, баёзлардан ўзига ёққан шеърларни ўқиб, тез ёдлаб оларди, ёки бировдан бирор ғазални эшитса, бир эшитишда деярли ёдлаб оларди, кейин уни куйга солиб, ашула айтарди. Ўзи хушчақчақ эди. Яхши гаплар айтар, зарбулмасаллар ва халқ мақолларини кўп билар эди. У қаерга бормасин, ўша ерда ўйин-кулги, хушчақчақлик авжига чиқарди. Ҳикоя айтарди, ҳазилкашлик қиларди, масаллар тўқиб, суҳбат аҳлини кулдирарди ва ўзи ҳам хурсанд бўларди. Бу аёл беғараз бўлиб, ҳаммага яхшилик қилар ва қўлидан келганча кишиларнинг ҳожатини чиқарар эди. Аммо тақдир бу фариштасифат аёл умрининг охиригача ҳаммага мақбул бўлиб, биров ундан шикоят қилмаслигини истамади шекилли!

Бу аёлни арк хизматига тортдилару, унинг покиза номига ифлос сифатларни ёпиштирдилар...

Анбари Ашк қашшоқ бир кишининг хотини бўлиб, бировларнинг хизматини қилиб, осойишта кун кечирарди. Кунлардан бир кун созандалар менсимай қўшнининг тўйига келишмади. Тўйда кишилар, аёллар тўпланишган, лекин созандасиз тўйхона сира тўйхонага ўхшамасди. Ўша вақтларда чаққон, шўх келинчак бўлган Анбар тўйда хизмат қилиб юрарди. Созандалар

келмагани учун хафа бўлиб, маъюсланиб қолган тўй эгасини кўрган Анбар дарров дугоналарини чақириб, уларнинг қўлига чилдирма берди, ўзи бировнинг шойи кўйлагини кийди, яна бировнинг фаранг рўмолини омонат бошига ташлаб, ашула айтиб, рақсга тушди. У шунчалик рақс тушиб, шунчалик усулу нағма кўрсатиб, шунчалик ашула айтдики, ҳамма қойил қолди, кўпчилик эса созандалар келмагани ҳам дуруст бўлди, Анбарнинг ўзи ҳунарини кўрсатди, деб хурсанд ҳам бўлди.

Шундан кейин гузар дастурхончиси уни ва дугоналарини тўйларга олиб бориб, ўйинга соладиган бўлди. Шу тариқа янги чиққан созанда — Анбархоннинг номи ва овозаси шаҳарга секин-аста тарқала бошлади. Бой хотинлар ва катталарнинг хонадонлари уни чақиртиришарди, борган сари Анбархон ҳаммага маъқул бўларди. Созандалик касби Анбарнинг ўзига ҳам маъқул бўлиб қолди. Лекин уй-рўзғорга тузукроқ қарай олмасди. Унинг овозаси шунчалик тарқалиб кетдики, ҳамма ҳам Анбарни ўз тўйига чақиришни орзу қиларди.

Унинг олдинги бир тиши лабидан озгина чиқиб турарди. Қайси бир шўхроқ аёл буни кўриб, унга «ашк»[1] лақабини берди, шу сабабли, Анбар Анбари Ашк бўлиб кетди. Ўша вақтларда созандаларга, отинбибиларга, оймуллаларга, бибихалифаларга ва машҳур одамларга албатта бирор лақаб қўйиб ва шу билан уларни бир-биридан фарқ қилишарди. Анбари Ашк ҳам ўз лақабини билиб унчалик ранжимади, ҳатто ўзи ҳам айта бошлади.

Аркдагиларнинг даъватига мувофиқ Анбар амир ўрдасига борди. Биринчи базмдаёқ у пошшохонларга ва пошшабибиларга маъқул тушди. Бора-бора Анбари Ашк амирнинг онаси — пошшобибининг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди, фуқаролар тўйига камдан-кам борадиган бўлди. Мабодо аркдан тушиб қолса ҳам кишилар ундан қўрқадиган бўлишди. Халқ орасида Анбари Ашк амирнинг далласи деган овоза тарқалди. Аммо ҳақиқатда эса бу тўғри эмасди. У бу ишни ҳеч қачон қилмас ва қилишни ҳам истамас эди. Фақат бир воқеа юз берди-ю, у бир саркарданинг қизини ёзиб

[1] А ш к — тожикча бўлиб, бачки ёки сўйлоқ маъносидадир.

беришга мажбур бўлди, шундан кейин бу иш билан шуғулланмади.

Воқеа шундай бўлган эди: Анбари Ашк ўрдага келган дастлабки кунлар эди (Абдулаҳад салтанатининг охирларида), амирнинг мўътабар саркардаларидан бирининг яккаю ягона қизи бор эди, саркарда ҳовлисида қизнинг мирсак тўйи ўтказилди. Ўша вақтларда Анбари Ашк шуҳрат қозонган эди. Қиз тўйимга Анбари Ашк албатта келсин деб қолди. Шунинг учун Анбари Ашкни чақиртирдилар. Аммо у қабул қилмади, узр айтиб баҳона қилди. Лекин қиз оёғини тираб, қандай бўлмасин, Анбари Ашкни олиб келишларини талаб қилиб, тўйхонани бошига кўтаради. Шунинг учун саркарданинг ўзи аркка чиқиб, эшонбиби (амирнинг онаси)га мурожаат қилишга мажбур бўлади. Амирнинг онаси Анбари Ашкни чақириб қойийди ва саркарданинг ҳовлисига бориб, тўйни ўтказиб келишга буюради. Анбари Ашк йиғлаб эшонбибига таъзим қилади ва ер ўпиб, бўйруқни бажаришини айтади.

У икки нафар чилдирмачиси билан тўйга боришга тайёргарлик кўраётганида, чилдирмачилардан бири сўради:

— Келин, ҳой, келин! Нега бошда бу тўйга боришни истамадингиз?

— Илоҳи тўйи азага айлансин!— деди Анбар.— Агар қўлимдан келса, бундай саркардаларни дорга осардим.

— Нега, нега?— деди иккала чилдирмачи бараварига.

— Қўшнимнинг ўглини зўрлик билан сарбозликка олди. Йигитнинг онаси кимсасиз эди, ғам-ғусса, йўқчиликдан ўлиб кетди. Уйлари подшоликка ўтди. Илоҳим бу қонхўрнинг кийгани кафан бўлсин! Тўйига сира боргум йўқ-ку, аммо не қилайки, чорасизман.

— Хайр, худо жазосини беради, ғам еманг!

— Хафа бўлманг, келин! Созанда бўлганимиздан кейин ҳамма жойга ҳам бораверамиз. Хоҳ золимнинг тўйи бўлсин, хоҳ мазлумнинг...

— Балли, балли!— деди Анбар ва паранжисини бошига ташлади.

Тўйхонада уларни зўр хурсандчилик, меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Супа устидаги катта уй меҳ-

монлар билан лиқ тўла эди. Бариси катталар, казо-казолар, бойлар ва сипоҳиларнинг аёллари эди. Анбари Ашк чилдирмачилари билан уйнинг пойгаҳига ўтирди, тўй эгаларини табриклади, бир-икки пиёладан чой ичиб, нафас ростлагандан кейин, бир пайт базм қилиб берди. Ҳамма унинг рақси, ўйинидан қойил қолди. Базм охирида Анбари Ашк уй ўртасида туриб муваш-шаҳхонлик қилаётганди, аллақандай ишқибоз, шўх бир аёл унга жавоб қайтараётганди, шу пайт уй эгасининг қизи дугоналари олдидан келиб, уйга кирди, Анбари Ашкни кўрган ҳамон қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ҳаммага эшиттириб шундай деди:

— Вой, Анбари Ашк деганлари шуми? Қийшиқ тиши қани?

Анбар ўқиётган шеъринининг келган жойида тўхтаб, жим бўлиб қолди ва қаҳру ғазабдан ёнган кўзларини сурбет, бемаъни қизга тикди. Қизнинг онаси даҳлизда эди, югуриб уйга кирди ва қизини олиб чиқмоқчи бўлди. Аммо қиз унга бўйин бермади.

— Ниманг борки, бунчалик ноз қиласан?!— деди у таққирлаб, масхаралаб Анбарга қараркан.— Шу ақчайган тишингу хунук юзинг биланми? Бечора дадам ўзлари сенга бордилар-а...

— Ҳой, ҳой пошша қиз!— дейишарди атрофдагилар.

— Ўчир овозингни, ўчир, юзсиз!— дерди қизнинг онаси.

— Ҳа, бетинг қурсин!— дерди қизнинг холаси.

Аммо кўпчилик куларди, андишасиз қизнинг ишини маъқуллашарди.

Анбари Ашк ўзини қўлга олиб, ғазабини ичига ютди ва заҳархандалик билан деди:

— Шу чақчайган тишиму, чўзиқ юзим билан созанда бўлдим, пошша қиз, худога юз қатла шукур. Лекин сиз бу ҳусну латофат ва бу хулқу атворингиз билан, шионаманки, амирга — жаноби олийнинг ўзларига муносибсиз! Шукур қилинг!

— Вой, ўлай, бундай деманг, холаси!— деди қизнинг онаси.

Уйдагилар бирданига жим бўлишди, кулги тўхтади. Шу пайт Анбари Ашк қаддини ғоз тутиб, уй пойраҳига борди, рўмолини ўради ва чилдирмачилар билан уйдан чиқди.

Паранжисини бошига ташлаб олган Анбари Ашк Бухоронинг шовқин-суронли кўча ва расталаридан ўтиб, уйига қараб бораркан, ҳеч нарсани кўрмас ва эшитмас эди. Отлиқ ва эшакликлар уни босиб ўтмаслик учун бир неча марта уловларини тўхтатишга мажбур бўлдилар ва диққатлари ошиб Анбари Ашк кетидан: кўрмисан, кармисан, гарангмисан, деб койидилар. У умрида бунчалик таҳқирланмаган, хўрланмаган, бунчалик алам чекмаган эди. Унга нима бўлди? Шунчалик гапдон, шунчалик маҳмадана, шунчалик ҳозиржавоб бўла туриб, нега бир ҳаёсиз, беномус қизга лом-мим дея олмади? Нега аччиқ ва заҳарли сўзлар билан узиб олмади, калака қилиб, эзиб ташламади? Нега расво қилмади? Нега?! Чунки қаҳру ғазаби ҳаддидан ошиб кетган эди. Алам ва номусдан ўч олиш фикри ялт этиб хаёлидан ўтди, у ўч олиш пайига тушди. Қаттиқ ўч, шафқатсиз ўч олиш керак! Бу андишасиз қиздан, унинг золим отасидан, тўйда уни таҳқирлаган барча зотлардан ўч олиш керак. Аммо шундай ўч олиш керакки, бу хонадон, бу қиз сочган заҳарларини бир умр унутмайдиган бўлсин, аччиқ таъмини ўз комларида татиб кўрсин, унинг дардини ўз қалбларида ҳис этсин!

Анбари Ашк ўша кеча ухламади.

Бу воқеадан бир ой ўтгач, ҳаёсиз қизни амирга олиб кетишди, шу муносабат билан шаҳарда, айниқса бой хотинлар орасида «Анбари Ашк амирнинг далласи экан» деган овоза тарқалди. Бу овоза, бу бадномлик бир томондан Анбарга қаттиқ ботар эди, унинг виждонини қийнарди, элдан уяларди... Иккинчи томондан эса, маълум даражада хурсанд эди, чунки эндиликда барча амалдорлар, казо-казоларнинг хотинлари ундан қўрқадиган, унга хушомад қиладиган, унинг хоҳишисиз бирор иш қилмайдиган бўлиб қолишди. Анбари Ашк ўзининг бу «устун»лигидан фойдаланиб, баъзан бева-бечораларга ёрдам қилар, уларни фалокатдан қутқазар эди...

Анбари Ашк тўйларда Ҳамроҳхоннинг онаси билан танишиб, унга яқин улфат ва деярли дугона бўлиб қолди. Ҳамроҳхоннинг онаси унга классик шоирларнинг яхши шеърларини топиб берар, илму одобдан суҳбатлашар, сўзнинг нозик томонларини, киноя лутфини тушунтирар эди, буларнинг ҳаммаси Анбарга ёқарди,

мақбул бўларди. Аммо шундай бўлса ҳам, у бу хонадонда бирор марта ҳам меҳмон бўлмаган ва Ҳамроҳхонни кўрмаган эди. Ҳамроҳхоннинг онаси бир куни Анбари Ашкни меҳмонга чақирди. Буни эшитиб, қўни-қўшни ва ёр-биродарлар таъна қилишди.

— Чакки қилибсиз,— дейишди улар,— уйда бўйи етган қизингиз бору, Анбари Ашкни чақирибсиз. Худо кўрсатмасин, борди-ю, хабар берса, қизингиздан ажраб қоласиз.

— Ҳеч гап бўлмайди!— дерди Ҳамроҳхоннинг онаси ўзига ишонган ҳолда.— Анбари Ашк унақанги одам эмас, бўлганда ҳам бизнинг хонадонимизга хиёнат қилмайди. Аксинча, у кўпдан бери бирор тўйингизда хизмат қилсам деб орзу қилиб юрибди...

Шоҳмуродбек ҳам ўзига ва обрўсига ишонарди. У ҳеч қачон Бухоро амирлари ҳурмат, эътиборимни назарга олмайди, хонадонимни ташвишга қўяди деб хаёлига келтирмас эди. Шунинг учун у Анбари Ашкнинг чақиртирилишидан хафа бўлмади, аксинча, қизига таърифлаб, унинг келишини айтди...

Шоҳмуродбекнинг катта ўғли Пиримастда амлакдор эди. У ҳар жиҳатдан ўзига тинч бўлса ҳам, аммо фарзанди йўқ эди, хотини авлиёларга назир-садақа олиб борар, кечаю кундуз худодан фарзанд тилар эди. Чунки у агар туғмаса, эри устига хотин олишини, сўнг куни қорайиб қолишини яхши биларди. Ниҳоят, толеи ёр бўлиб, не орзу-умидлардан кейин бир ўғилча туғди, исмини Умиджон деб қўйишди. Отаси, бобоси, онаси ва бувиси ўғилча атрофида парвона эди, улар болани бешикка боғлаш муносабати билан унга катта тўй қилишга қарор беришганди. Катта тўй Бухорода, Арабон гузаридаги катта ҳовлида ўтказилиши керак эди. Ота-она бу ҳақда Шоҳмуродбекка ўз ниятларини айтишди. Шоҳмуродбек ҳам уларнинг бу ниятидан мамнун бўлиб, зудлик билан тўй тараддудига тушди.

Одатда бешик тўйи аёллар тўйи бўлиб, унчалик дабдабали бўлмайди. Аммо биз ҳикоя қилаётган бу бешик тўйи ҳақиқатан дабдабали бўлди. Ташқарида эркаклар йиғилишган, ҳофизлар ашула айтишаётган, дош қозонлар қайнаётган эди.

Ичкари ҳовлида турли табақалардан анча аёл тўпланишганди, бир неча уйда созандалар соз чалиб ашула айтишаётганди. Катта уйда Тилло созанда рақсидан

кейин, каркилик созанда қўшиқ айтиб, санъатини намойиш қилди, ниҳоят Анбари Ашк уй ўртасига чиқиб шундай рақсга тушиб, шундай ғазалхонлик қилдики, ҳамма эриб кетди. Бу тўйда ва бу базмда у барча ҳунарини намойиш этиб, сидқидилдан хизмат қилмоқда эди. Кўпдан буён уни кўрмаганлар унинг ҳунари ва санъатидан лол-ҳайрон эди.

Катта тўйларда бўлганидек, бу бешик тўйида ҳам меҳмонлар олдига патнисларда хилма-хил мурабболар, гулобли ништолдалар, пистали қандолатлар, қарши русталари, лавз ҳолвалари қўйдилар... кабоб, ош, тўққиз-тўққиз нон, қанд ва новвот тортдилар. Таомлар, ширинлик ва шарбатлар ейилиб-ичилиб ўйинлар тугагач, кўзи ёриган хотин турган супа устидаги катта уйда болани бешикка боғлаш маросими бошланди.

Ҳар хил рангга бўялиб, атрофи чиройли ўйма нақшлар билан безалган янги бешик ялтирарди, устига бахмал, шойи ва фаранги ёпқичлар ташланиб, янги тувак-сумаклар ва бошқа ҳамма керакли нарсалар билан жиҳозланган эди, бешик уй ўртасига қўйилганди. Бешикнинг бир томонида боланинг онаси ва бошқа томонида доя билан гузар дастурхончиси ўтиришарди. Ҳаммадан аввал битта ёғлиқ нонни келтириб боланинг онасига беришди. У боннинг бир четидан тишлаб, бешик ичидан дояга узатди. Гузар дастурхончиси доя қўлидан нонни юлқиб олди, кейин нонни шу ерда ҳозир бўлиб турган шўх бир қизча тортиб олди-да, ҳовлига югурди, унинг кетидан болалар қувлаб кетишди... Ниҳоят, қўшнининг ўғилчаси нон талашида ғолиб чиқиб, нонни то ташқари дарвоза олдигача олиб борди-да, шундан кейин ҳарсиллаб қайтиб келди. Бу боланинг бошидан қанд-қурс сочиб, қўлига тангалар беришди. Сўнгра бешикнинг бош томонига, ўртасига ва оёқ томонига пахта қўйиб, пахтани ёндиришди, доя аллақандай дуолар ўқиб, «жин, зиёну заҳматлар»ни ҳайдади. Шундан сўнг бешик дастасига турли-туман тумор-лар, кўзмунчоқлар, саримсоқ ва седаналар илишди, бешик дастаси устида ёнғоқ чақишди, тўйда сўйилган қўйнинг калласини пиширнб олиб келиб, бешик устида ёришди... Шу ишлардан кейин болани бир кампир олиб атайин тескари ушлаб, оёғини боши томонга, бошини оёқ томонга қилиб сўради:

— Шундай қўлайликми?

— Йўқ!— дейишди бошқалар.

Кейин болани кўндалангига қўйиб сўради:

— Шундай қўяйликми?

— Йўқ!— дейишди яна бошқалар.

Ниҳоят болани қандай белаш керак бўлса ўшандай қўйиб, сўради:

— Бўлмаса, бундай қўяйликми?

— Ҳа, ҳа!— дейишди ҳамма ва табриклашди.

Аммо кампир болани яна қўймади, тўғри ётқизиб белашдан олдин турли дуолар ўқиб, жину ажиналарни ҳайдаб, «эгаси келди, бобовлари қочсин» деб бешик эгаси келганлигини айтди, сўнгра болани бешикка ётқизиб, қўл-оёғини боғлади ва бешикнинг оёқ томонини ярмигача ёпди. Шу пайт боланинг онаси бошидан ва бешик устидан яна қанд-қурс, пистаю магиз, ёнғоқ, бир талай танга сочишди, йиғилганлар яхши ният ва орзулар билан бу нарсаларни, тангаларни талашиб олишди.

Шундан сўнг боланинг онаси ва бешикни уй тўрига жойлаштириб, созандалар яна базм бошлашди. Бу сафар қўшиқлар болага ва онасига бағишланган эди.

— Бола-бола, болажон,

— Худо ёр, унга посбон...

Бу хонадонга биринчи марта келган Анбари Аш ҳанузгача Ҳамроҳхонни кўрмаган эди. Анбари Аш Ҳамроҳхонни кўргач, унинг ҳусну жамолига ҳайрону лол бўлиб қолди.

— Бу ким?— деди у қизнинг онасига.— Боғи Эрам парисини қаердан топдингиз? Йўқ, одамзод бунчалик бўлмайди...

— Туф, туф, туф... Ёқангизга туфланг!— деди қизнинг онаси.— Яккаю ягона қизимга кўзингиз тегмасин, холаси!

— Менинг кўзим йўқ!— деди Анбар.— Худо кўзнинг ҳамма хосиятларини мана бу пари қизга бериб ди. Илоҳи умри узоқ, бахтли бўлсин!

Бу таърифларни эшитган Ҳамроҳхон хижолат тортиб, юзини рўмоли билан бекитди-да, Анбари Аш олдидан кетмоқчи бўлди.

— Уялма, қизим!— деди онаси.— Анбар холанг ўзи шунақа. Ҳазилкаш. Сен рақсу усулни ўрганмоқчи эдинг, бу ишларнинг устаси шу холанг бўладилар!

— Жоним билан, жоним билан!— деди Анбар.— Эртаданоқ бошлаймиз. Қизимни шундай ўргатайки, бир қўл кўтаришига олам шайдо бўлсин!

— Майли, эртага келинг!— деди Ҳамроҳхон ва дугоналари олдига кетди.

— Худо ёмон кўздан сақласин!— деб қўйди Анбари Ашк Ҳамроҳхоннинг кетидан.

— Илоҳи, илоҳи!— деди онаси ва Анбарга мурожаат қилди. — Ҳеч кимдан хавотирланмайману аммо Гулшандан қўрқаман-да, холаси.

— Нега? Ҳамроҳхонни кўргандимми?

— Кўрган эди,— деди хафа бўлиб она.— Душманлар унга йўл кўрсатибди. Қайси куни бир баҳона билан кириб келди. Меҳмон қилдим, очиқ бўлмаса ҳам узоқдан гап бошлаб, мақсадини сўрадим, айтмади. Лекин мени бир неча марта аркда кўрди-ю, анча ҳурмат қиладиган бўлиб қолди.

— Парво қилманг,— деди Анбар,— мен уни кўриб, гапириб қўяман, хабар бермайди.

Аммо фурсат ўтган эди.

Эртасига амирнинг далласи Гулшан аркда, махсус хонада валиаҳд тўра — Олимхон билан суҳбат қиларди.

— Ҳамма канизакларингизнинг кўзлари йўлингизга тўрт эди,— дерди Гулшан тўрага.— Кечаю кундуз худодан сизга соғлик-саломатлик тилаб, яна жамолингиздан бир бор баҳра олиб, йўлингизда қурбон бўлмоқчилар.

Олимхон ярим тахт устида ёзилиб ўтириб, суратли русча китобни кўздан кечирарди.

— Сен ҳам гапга уста бўлибсан!— деди у китобдан кўз узмай.— Қуп-қуруқ саломатликни нима қилай?

— Жонимиз фидо...

— Бас, бас!— деди Олимхон Гулшаннинг гапини бўлиб ва ўрнидан сал турди.— Сизларнинг жонларингиз ҳам менга керак эмас, билдингми? Менга ўзгача жон керак, шундай жонки, ҳақиқатан жон дейишга арзиса, шундай жонки, қурбони бўлса арзиса! Бу лўттибозликлар ҳам меъдамга тегди!

— Вой ўлай!— деди Гулшан.— Битта эмас, иккита жуфти покингиз бор. Ҳар бири мамлакат хирожига арзийди, ҳар бири дурдонаю гавҳар! Яна, агар пошшобибим канизакларидан қай бирини хоҳласангиз, хиз-

матингизга тайёр. Наҳотки, шулар ҳам лўттибозлик бўлса?

— Ҳа, лўттибозлик!— деди жиддий қилиб тўра.— Кўнглим бирор парипайкарга ошиқ бўлишни, меҳр боғлашни хоҳлайди, тушундингми?! Йўқ, сен тушунмайсан?

— Агар, мен, ўзим меҳр-муҳаббатдан бенасиб бўлсам ҳам,— деди Гулшан айёрлик билан.— Лекин нималигини яхши биламан. Шундай паризод бор, меҳр-муҳаббати дилингизни ўртайдиган, ҳам ҳусну жамолда, ҳам ақлу фаросатда оламда ягона бўлган бу паризод, айтинг-чи, жаноби олийдан ортармикин?! Шундай галати нарсалар борки...

— Наҳотки жаноби олий шунчалик сезгир бўлиб қолган бўлсалар?! Карманадан туриб сенинг рўйхатингда ким бор-йўқлигини қаёқдан биладилар?!

— Ҳа, биладилар!— деди Гулшан.— Шундай кўзқулоқлар борки, улар ер тагида илон қимирласа биладиган бўлиб қолишган.

— Уша кўз-қулоқларга тупроқ сочамиз! Асло парво қилмай айтавер!

— Қўрқаман, тўрам!— атайин гапни чўзарди Гулшан.— Биттагина бошим бор...

— Шу бошинг баҳосидан ўн баравар зиёд ҳақ олсасан, буни сенга Мир Санд Олимхон айтяпти!

Гулшан югуриб ўрнидан туриб таъзим қилди. Чунки тўра унга кескин, амирона хитоб қилган эди.

— Фарғоналик Шоҳмуродбек тўқсобанинг қизи!— деди Гулшан.— Ҳозир бу атрофда унга тенг келадигани йўқ. Эндигина ўн уч-ўн тўртга кирган бўлса ҳам, қомати сарвдек, бели ингичка, келишган, кўзлари ҳуркак оҳунинг кўзларига ўхшайди, бир қарашда дилни юз пора қилади, хурмо ранг сочи оппоқ баданига жуда ярашган. Фикримча, пари ҳам шу қадар гўзал, шу қадар дилбар бўлмайди. Ақлу фаросати, зеҳну заковатини айтмайсизми! Агар ишонмасангиз Анбар холадан сўранг, у сизга ёлғон гапирмайди.

— Анбар хола ўзимизники!— деди Тўра.— Аммо сен бу дилором тўғрисида бирор жойга хабар етказганинг йўқми?

— Ҳозирча йўқ! Шунинг учун ҳам арз қилдим-да! Фақат Анбар хола билади, холос.

Олимхон ўрнидан туриб, уй токчасидаги чиройли кумуш билан безатилган сандиқчани олди ва уни очиб, ичидан битта олмос узукни чиқариб, Гулшанга узатди.

— Бу хушхабаринг учун!— деди у.— Агар айтганингдек бўлса, яна каттароғини оласан!

Гулшан югуриб бориб, узукни олди-да, кўзларига суртди.

— Жоним тўрамга қурбон бўлсин!

— Бор, Анбар холани чақир!

Анбар хола бу кутилмаган чақириқдан ҳайрон бўлди. У Олимхон ва унинг онасига гарчи маъқул тушган ва ҳамиша Бухорода бўлганида уларнинг хизматларини бажо келтириб, ширин суҳбатлари билан хурсанд қилса ҳамки, аммо тўранинг феълини ёқтирмасди. Олимхоннинг унчалик андишали ва тадбирли эмаслигини, бузоқсифат эканлигини биларди. Ишқилиб фирибгар Гулшан лақиллаб қўймаган бўлса бўлгани деб юз андиша, мулоҳаза билан тўранинг хос хонасига кириб, таъзим қилди.

— Илоҳи худо замон валиаҳднинг умру давлатларига барака берсин! Қандай хайрли соат эканки, бу каминан камтаринни жаноблари эсга олиб, йўқлабдилар!

Олимхон суратли китобни томоша қилиб ўтираркан, Анбарнинг сўзларига қулоқ солиб, кулимсиради.

— Сен, валисан, Анбар хола!— деди у китобдан кўзини олиб.— Ҳақиқатан ҳам сен хайрли соатда хотиримизга келдинг. Қани, бу ёққа кел. Бу пари пайкарга қара!

Анбар қўл қовуштириб борди-да, китобга қараб, ярим яланғоч бир аёл суратини кўрди, аёл тилла ранг жингалак сочлари билан сийнасини бекитмоқчи бўлиб турарди.

— Кўрдингми! Бундай нозик лаблар, бундай гўзал чеҳралар, бундай қошу кўзлар кимда бор? Баданини айтмайсанми?

— Кишининг имони учади!— деди Анбар ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб.

— Бунақасини кўрсанг, имондан кечавер!

— Наузанбиллоҳ!— деди яна ҳазиллашиб Анбар.— Лекин ҳақиқатан ғалати нарса экан...

— Айтишларича, сен бундан ҳам яхшироғини

билар экансан! Ҳусну жамолда ҳам, ақлу фаросатда ҳам тенги йўқ экан!

— Мен кўп нарсаларни биламан,— деди ҳазиллашиб Анбар.— Менинг афсонаю қиссаларимда шундай париҳодлар борки, сизнинг мана бу яланғочингиз уларнинг қўлларига сув ҳам қуя олмайди.

— Афсонада эмас, ҳақиқатда!— деди китобни токчага ташлаб Олимхон.— Нега Шоҳмуродбекнинг қизи тўғрисида гапирмайсан?!

— Аввало шуки, тасаддуғингиз бўлай, Шоҳмуродбек тўқсобанинг қизи ҳали жуда ёш, энди ўн иккига тўлди. Иккинчидан, тўқсоба ҳурматли киши, ота-бобонгизнинг иззатли меҳмонлари... Қандай бўларкин...

— Мазаси йўқ бу гапларни!— деди Олимхон қўл силтаб.— Сен шуни айт, қиз ҳақиқатан арзийдими ёки йўқми? Дил бир пари пайкар нозанининг асиру шайдоси бўлмоқни истайди, шундай нозанин бўлсинки, кўнгил беришга арзисин.

— Ҳарамда ва ўз юртингизда (Қарши демоқчи) нимаики хоҳласангиз топилади...

— Сен, Анбар хола, биласанки, бизга азиз кишисан...— деди Олимхон ранжигандек.— Лекин ҳар нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Мен сендан Шоҳмуродбекнинг қизини сўрасам, сен менга нима балоларни айтяпсан!

Анбар энди илож йўқлигини, Гулшан сирни ошкор қилганини билди... ҳозир агар бу бузоқни бир амаллаб тинчитсанг ҳам анави катта ҳўкиз албатта Шоҳмуродбек хонадонини пайҳон қилади. Яхшиси, ёмонликка ёмонлик қилиш керак, деди ичида Анбар.

— Гуноҳимни кечиринг, тўрам! Тавба қилдим,— деди Анбар.— Шоҳмуродбекнинг қизи ҳақиқатан ҳам арзигулик, ҳар қандай таърифдан устун. Ўзим ҳам уни кўз остимга олиб қўйган эдим, аммо сал катта бўлсин, кейин тўрамга айтаман деб юрувдим, хотин қилиб олишга арзийдиган қиз ўзи.

— Кўз остига олиб қўйган эдим, дедингми?! Ҳо, ҳо, ҳо!— кулди Олимхон.— Бордию мен сўрамасам, билмасам нима бўларди?!

— Ҳеч нима бўлмасди!— деди тўранинг феълини яхши билган Анбар қатъий қилиб.— Агар тўранинг

олдида тариқча қадр-қимматим бўлса, онт ичаманки, ҳамма айтган гапларим ҳақиқат, ростдир.

— Хўп, майли, хафа бўлма!— деди дарҳол тўра.— Биз шундай қиламизки, на сих куйсину, на кабоб! Уқтингми?! Лекин мабодо сен ё Гулшан оғиз очсаларинг, мендан хафа бўлманглар, уруғ-аймоқларингиз билан қириб ташлайман.

— Худо ҳаққи!— деди ер ўпиб Анбар,— лекин агар бу камтарин канизнинг сўзлари озгина ҳам маъқул тушса, шуни айтмоқчиманки, бу хонадон ҳар қанча иззату икромга арзийди, бу гулистон гул гунчаси подшоҳимнинг қўлларига гулдаста бўлишга муносибдир!

— Майли, майли!— деди Олимхон ва ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

Бу суҳбатдан кейин орадан кўп ўтмай, Бухорода шундай ҳодиса ва воқеалар рўй бердики, ундан амирлик салтанати анча вақтгача ларзага келиб турди. Бу пайтда фақат тўра эмас, балки амир Абдулаҳаднинг ўзи ҳам баъзи ниятларидан вақтинча воз кечишга мажбур бўлди.

Тошкент губернаторининг махфий полицияси иғвоси билан Бухорода шиа ва сунний уруши юз берди, натижада, чор ҳукумати амирни олиб ташлаб, Бухорони Россияга қўшиб олишига сал қолди. Фақат Петербургнинг баланд мартабали министрлари қаршилиги туфайли чор ҳукумати бу ишни вақтинча тўхтатиб турди. Бир йилдан сўнг амир Абдулаҳад қазо қилди, унинг ўрнига Олимхон тахтга чиқди, Россия императори ҳам янги амирнинг тахтга чиқишини маъқуллаб тасдиқлади, янги амир ўзини батамом ҳукмрон ва осойишта сезиб, «адлу адолат» қила бошлади. Россия сиёсатдонлари «Олим бузоқ»нинг гаҳ дейишса қўлларига қўнишини, берган топшириқларини ўн баравар ортиғи билан бажарилишини, хаёлига бошқа бирор фикр келмаслигини яхши билар эдилар.

Янги амир тахтга ўтиргач, қилган дастлабки ишларидан бири Шоҳмуродбекнинг қизи Ҳамроҳхонга совчи юбориб, уни расмий равишда тўй-томоша қилиб ўз никоҳига олиш бўлди. Ҳамроҳхоннинг номи амирга маъқул бўлмади, шу сабабли уни «Ойими Шоҳ» деб аташди ва унга алоҳида, барча дабдаба ва ҳашаматли, чўри-хизматкорлари билан бир ўрда ажратиб беришди. «Олим бузоқ» эндиликда «ҳўкиз» бўлиб қолган

эди. У гўзал Ойими Шоҳни кўриши билан шайдоси бўлди. У бир неча кун бошқа ўрдалар йўлини унутаёзди, ҳатто онасини кўришга ҳам бормасди. Агар ҳарамга кирмоқчи бўлса, тўппа-тўғри Ойими Шоҳ ўрдасига борарди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Ойими Шоҳ ҳам оддий хотинлар қаторига ўтди.

Аммо Ойими Шоҳ ўзининг бу «бахт, салтанатидан» норози эди. Аввалларн кечаю кундуз йиғларди, ғамғусса чекарди. Зеро, унинг шоирона табиати бундай «бахт, салтанат»ни ёқтирмасди. Ёшлигидан нозик табиат ва эрка ўсган, классикларнинг ишқий китоблари, Низомий, Саъдий ва Ҳофиз каби шоирларнинг нафис шеърлари руҳида тарбия топган қизга амир ҳарамидаги тартиб-қоида, ҳаёт дағаллик қиларди. Унинг нозик қалби пок ишқ ва ширин сўзларни истарди, катта орзу-умидлар қилган эди. У ўзини Ширин билиб, Фарҳодини истарди, ўзини Лайло ҳис қилиб, Мажнунини ахтарарди... У орзу, хаёллар оламида ҳашаматли қасрлар яратган эди, аммо ҳаммаси ер билан яксон бўлди, йўқ бўлиб кетди ва амирнинг хоҳишу иродасига бўйсунишди...

Ойими Шоҳ Анбар холани кўп койиди, унинг тизасига бош қўйиб, ҳасрат ёшлари тўкди, унинг юрагини қон қилди. Аммо буларнинг ҳаммаси аксинча, ғам-аламларини оширарди, хаёлини паришон қиларди, холос. Бу оқила ва зебо қизнинг ҳамма дарду аламларини билган Анбар хола ҳам ҳасрат, надомат ёшларини тўкиб шундай дерди:

— Менинг мақсадим бу эмасди, қизим! Сенга бошқача бахт-саодат тилардим, аммо на чора?! Тақдир киши қўлида эмаскан. Майли, шунисига ҳам шукур қилки, ёш амир сени никоҳлаб, расмий хотин қилиб олди. Агар зўрлик билан олиб келиб, қирқ қизларга қўшиб қўйса, нима қилардик?

— Ўзимни ўлдирардим!

— Эй,— деди чуқур оҳ тортиб бечора Анбар,— сен ҳали ёшсан, ҳаётни билмайсан! Агар бахтинг кулмаса, ўлимни қадрлаганинг билан ҳам топа олмайсан! Шукур қил, қизим, ҳа, шукур қил!

Ойими Шоҳ шукур қилмаса ҳам, ҳаётнинг ўзи уни тақдирга тан беришга мажбур этди. Секин-аста Ойими Шоҳ амирнинг никоҳидаги севимли хотини сифатида у ҳаётга унча-мунча кўника бошлаганда, кутилмаган-

да ҳарамда бошқа кўнгилсизлик юз берди. Аввалига, амирнинг хотинлари, кейинчалик амирнинг онаси Ойими Шоҳга рашк қила бошлашди ва уни кўра олмайдиган бўлиб қолишди. Амирнинг аввал бошда Ойими Шоҳга бўлган «ҳароратли ишқу муҳаббати» бу фитнага сабаб бўлди, амирнинг учала катта хотини ва онаси унга қарши тил бириктирди, бечора қизнинг қора кунини баттарроқ ғурбатга айлантириш учун жонжаҳдлари билан фитна, иғво қилишга тушишди.

Унга салом беришмасди, уни писанд қилишмасди, суҳбат ва гурунгларга чақиришмасди, чақирган тақдирда ҳам уни калака қилиб, турли таъна, истеҳзолар билан жонидан тўйдиришарди. Амирнинг онаси уни кўриб қолса, пичинг отиб, ҳеч илтифот этмасди, унга шундай менсимасдан назар ташлардики, Ойими Шоҳнинг юрак-бағри эзилиб кетарди... Ҳаммасидан ёмони шу эдики, у ҳар куни эрталаб амир онасига салом беришга бормай иложи йўқ эди, истаса-истамаса унинг ўрдасига борар ва қайтиб келиб, уйда танҳо йиғларди...

Бир куни Ойими Шоҳ йиғлаб ўтирганида тўсатдан амир кириб келди.

— Хўш, хўш,— деди у кулимсираб.— Яна нима бўлди? На боисдан бу қора шаҳло кўзларни ёш билан тўлдирдинг? Яхши эмас!

Ойими Шоҳ ўрнидан туриб таъзим қилди ва бир чеккага бориб индамай ўтирди. Амир заррин тахта супага ўтириб, яна сўради:

— Гапир, сенга нима бўлди? Ким озор берди?

— Бедилнинг шеъри эсимга тушиб кетди...— деди Ойими Шоҳ.

— Мен Бедилни ўқиганман,— деди амир ҳазиллашиб,— унда йиғлатадиган бирорта шеър йўқ-ку?

— Бор!— деди Ойими Шоҳ қатъий қилиб.

— Қайси шеър? Қани, айтиб бер-чи, шояд мен ҳам йиғласам!

— Бунинг сизга даҳли йўқ,— деди Ойими Шоҳ.— Сиз йиғламайсиз ҳам! Сиз ўзингиз...

— Нима?!

— Подшоҳсиз!

Амир қувониб, Бедилнинг ўша шеърини айтиб беришини яна сўради. Ойими Шоҳ ҳам қўрқмасдан шу байтни ўқиб берди:

Замона барча кажрафторларни қўллагай, Бедил,
Кимники рост бўлса фалак кўзига тикан бўлгай.

Амир кулди:

— Бунинг мен билан сенга дахли йўқ-ку!

— Сизга эмас,— деди Ойими Шоҳ,— аммо менга дахли бор. Агар мен ўша катта ойимчаларингиздек қинғир бўлганимда эди, ҳаммага азиз бўлардим, сизга ҳам, пошшобибингизга ҳам!

Амир яна кулди.

— Сен менга азиз!— деди у ва Ойими Шоҳнинг қўлини ушлаб, ўзига тортди.— Сенинг ана шу эркалигинг ҳам менга ёқади!

Ойими Шоҳ қўлини амир қўлидан тортиб олиб туриб, деди:

— Эрка бўлмай кетай, пошшобибингиз саломимга алик олмайдилар, ҳар куни мени қон юттирадилар!

— Биламан,— деди амир Ойими Шоҳнинг қўлини қўйиб юбориб.— Волида ҳазратлари ва бошқалар сенга қарши бўлиб қолганини биламан... Начора, ўзинг гуноҳкор!

— Менинг нима гуноҳим бор экан?

— Гуноҳинг шуки, гоятда дилбарсан! Ҳамма сенга ҳасад қилади, ҳамма рашк қилади. Шунинг учунки, мен ошиқи-шайдойингман...

Ойими Шоҳ амирнинг бу гапларини Анбари Ашкка айтганида у ҳайрон бўлиб қолди.

— Тавба!— деди Анбар.— Бухоро амирининг хотинга ошиқ бўлиши ариқнинг тескари оқиши билан баб-баравар! Мен шунисига ҳайронман!..

— Ҳайрон бўлманг!— деди Ойими Шоҳ кулиб.— Бухорода тескари оқадиган сув бор.

— Рост, шунақа сув бор,— деди хаёл суриб Анбар хола.— Илоҳи ёмон кўздан сақласин!

Анбар Олимхонни яхши билар эди, унинг субутсиз ишқ-муҳаббатини ҳам биларди. Шунинг учун Ойими Шоҳни бошқа бир нарсадан огоҳлантирди:

— Аммо кундошлар ва пошшобибидан ҳамиша хабардор бўлиб юриш керак!— деди у.

— Хабар ола-ола ўзимни унутаёзибман!— деди Ойими Шоҳ.— Амирингизга арз қилдим, у эса кулади, бошқа нима қилай. Бугун Хўжа Ҳофиздан фол очдим, шундай маслаҳат бердилар:

— Ў-ў-ў... ҳазрат Хўжа Ҳофизга қурбон бўлай!— деди Анбар хола.— У киши нимаики деган бўлсалар, ҳаммаси рост. Парво қилма, худо хоҳласа, барча душманларинг мағлуб бўлади. Аммо қўрқма, дадил бўл! Сал бўш келсанг, енгиласан!

Ана шу кундан бошлаб Ойими Шоҳ ҳам душманларига қарши, амирнинг онасига ва кундошларга қарши гўё уларга уруш эълон қилгандек иш тута бошлади. Секин-аста бу хусумат шу даражага бориб етдики, улар юз кўришмайдиган бўлиб қолишди, шундай бир воқеа рўй бердики, бундай воқеа Бухоро арки тарихида деярли рўй бермаган эди. Ҳарамда бир ўрда пайдо бўлди, бу ўрда бошқа ўрдалар билан алоқа қилмасди, бошқа ўрдаларга уруш эълон қилинганди. Амирга, амирнинг онасига ва бошқа оймпошшоларга хусумати бўлган ҳамма кишилар ана шу ўрда тарафдори, яъни Ойими Шоҳнинг тарафдори бўлиб қолди. Бундай кишилар кўпчилик бўлгани туфайли Ойими Шоҳ ҳамиша ғолиб чиқарди.

Жанг дастлаб хизматкорлар орасида бошланиб, сўнгра, унга дастурхончилар, маҳрамлар, оймпошшаларнинг яқинлари иштирок этишарди, ниҳоят оймпошшаларнинг ўзлари аралашарди-да, кўпгина дилсиёҳлик, хафалик содир бўларди. Лекин Ойими Шоҳ доимо ўзининг заҳархандаси билан душманларини ўлдирарди. Сўнгги йилларда Фируза билан Оймуллои Танбур ҳам Ойими Шоҳ тарафига ўтиб олди. Оймуллои Танбур авваллари муроса қилиш, яраштириш мақсадида очиқ-ойдин бориш-келиш қилса ҳам, кейинги пайтларда махфий суратда, пошшобибига билдирмай Ойими Шоҳ билан учрашар ва унинг ширин суҳбатларидан лаззат оларди. Улар суҳбат қурган пайтларида Фируза қўриқлаб, уларнинг суҳбатига халал етказмасликка ҳаракат қиларди.

Бир куни амирнинг онаси Ситораи моҳи хосса боғига амирни кўргани борди ва у ердан кечаси алламаҳалда хурсанд қайтди.

— Оймуллои Танбурни чақиринг!— деб буюрди-ю, ўзини танчага урди, чунки ҳаво совуқ эди. Ҳут ойи бўлса ҳам, қор ёққан ва деразалар гул ташлаган

эди. Ҳут худди тўқсонга: «тўқсон, бир кунимча йўқсан» дегандек, кексайиб қолган пошшобиби ҳам танчанинг тўрида етти қават шойи, зарбоф кўрпалар устида қўл-оёғини оловга тоблаб ўтирар ва шундай бўлса ҳам совуқдан шикоят қилар эди. Оймуллои Танбур кириши билан хизматкорлар икки манқалда олов келтиришиб уйга қўйишди. Олов келтиришни амирнинг онаси буюрган эди.

— Ўзингиз иссиқсиз-да,— деди пошшобиби унга илтифот қилиб,— сиз келишингиз билан уйга иссиқлик кириб келди.

— Пошшобибининг муборак бошлари омон бўлсин,— деди Оймулло таъзим қилиб,— ҳазратларидан теккан ҳарорат мендан қайтгандир, йўқса мен қайда-ю, иссиқлик қайда! Аммо олов манқали билан кириб келганимнинг боиси бор:

Қора бахтим туфайли менга равшан кун қора бўлмиш,
Чироқ ушлаб борурман кундузи ҳам мен қуёш излаб.

— Ҳа, шоирасан-да, ҳар бир сўзингни шеър билан айтасан?— деди амирнинг онаси.— Аммо анави ўзи келган лаънатини масхаралаб, бирор шеър айтмадинг-да!

— Агар мен шеър айтсам, сизга айтаман, бошқалар билан ишим йўқ.

— Худо хоҳласа, у расво бўлади!— деди хурсандлик билан кампир.— Жаноби олий менинг гапларимни эшитиб, ғазабланди. Агар отасининг юз хотири бўлмаганда, шу куниёқ расвойи радди маърака қилиб Ўрдадан қувиб юборишарди... Сен эшитдингми, йўқми, одамларга амир юзта онани ҳам менинг бир тола сочимга қурбон қилади дебди... Бу гапга тоқат қилолмай, амирдан шу гап ростми-йўқми, деб сўрадим. Амир эса номаъқул қилибди деб, қўлимни ўпди ва бир оз муҳлат берсангиз, ўйлаб кўриб жазосини берсам, деди.

— Ҳай, ҳай, қандай яхши-я!— деди Оймулло.— Барча канизакларингизнинг мақсади ҳам шу эди.

— Сўнгра жаноби олий айтдиларки, ўрус шаҳрида инқилоб бўлган эмиш. Оқпошшони тахтдан ағдариб, большовой деган одам тахтга чиққан эмиш. Энди фурсатдан фойдаланиб, амир ўша қўлдан кетган

мерослик ерларини ўруслардан тортиб олармиш. Самарқанд билан Тошкент ҳам бизники бўлармиш... Яна бир балолар деди, яхши тушуна олмадим, шу сабабли, мана бу газетани амирга билдирмасдан олиб келдим. Ўша гапларнинг ҳаммаси бунда битилган эмиш, ўзинг ўқиб, яхшилаб тушунтириб берарсан дедим... Кейин яна бошқа бир иш қиламиз...

— Жоним билан,— деди Оймулло ва амирнинг онаси қўлидан «Очиқ сўз» газетасини олиб, унга кўз югуртирди. Бу, туркча газета бўлиб, Бокуда чиқарди ва Бухорога ғайри расмий равишда савдогарлар, баъзи айрим кишилар орқали тарқаларди. Газетани тушуниш Оймуллога қийинлик қиларди, аммо у ўткир ақл ва заковати туфайли сўзлардан маъно чиқарарди.

— Нима экан?— сабрсизлик билан сўради амирнинг онаси.

— Нимаики деган бўлсангиз, ҳаммаси рост экан!— деди Оймулло.— Бу ерда Петербургда ишчилар, деҳқонлар ва солдатлар большевиклар раҳбарлиги остида давлат ихтиёрини ўз қўлларига олди деб ёзишибди. Ҳукумат Советлар қўлига ўтган эмиш.

— Оқлари* ким экан?— деди амирнинг онаси.

— Большевиклар бўлсалар керак,— деди Оймулло.

— Большовой бир киши эмасми, ахир? Ўша янги чиққан подшо?

— Бир кишига ўхшамайди,— деди Оймулло.— Ҳукуматни Советлар қўлга олган деб ёзибди, менимча, бир киши бўлмаса керак...

— Хайр, майли, очиқ мозорга! Ишқилиб бир-бирининг бошини есину жаноби олийнинг давлатлари барқарор бўлсин!

— Омин!— деди Оймулло,— насиб бўлса жаноби олий жаҳонгир бўладилар.

— Илоҳи, айтганинг келсин!— деб қўйди кампир эснаб,— хўп, сенга рухсат, мана бу газетани олиб бориб, бир баҳона билан ўша ўзи келдининг уйига ташлаб кел! Лекин бу гап орамизда қолсин, ҳеч кимга сир бой берма!.. Биз биламизки, у газета ўқийди, аммо бўйнига қўйиш керак... Уқтингми?

---

* Оригиналда советҳо — советлар сўзи қаҳрамон тилида бузиб сафедҳо — оқлар тарзида талаффуз этилган. *(Ред. изоҳи).*

— Ўқитим!— деди Оймулло.— Уқтим... Газета ўқиш яхши эмас...

— Хўп, бор, айтганимни қил!.. Мен ухлайман...

Оймулло таъзим қилиб, орқаси билан юриб ташқарига чиқди ва дастурхончи ойимга пошшобиби ухладилар, деб айтди.

Тун қоронғи бўлиб, қор ёғаётган эди. Арк ва ўрдалар тинчиб, киши билмас қор пардаси билан ўралаётгандай эди. Оймулло учун бошқа фармонни кутишнинг ҳожати йўқ эди. Дастурхончи ойим ҳам Оймуллога, сиз ҳам бориб ухланг, деди. Лекин Оймулло бориб ухламади... Ўрда йўлагида уни Фируза кутаётган эди.

— Ойими Шоҳ сизга интизор,— деди у.— Чамамда Россия инқилоби тўғрисида сўрамоқчилар.

— У қаердан эшитибди?— деб сўради ҳайрон бўлиб Оймулло.

— Газетадан ўқигандир,— деди Фируза табассум қилиб.

— Газетани қаердан топади?

— Изласанг — топасан, деган мақол бор!— деди Фируза яна жилмайиб.

— Сенинг дастингдан Ойими Шоҳ ҳам қолмади!— деди Оймулло.— Уни ҳам жадид қилмоқчимисан?

— Жадид бўлиши шарт эмас,— деди Фируза.— Газетхон бўлса, ўзига яхши.

— Агар эҳтиёт бўлса ўзига яхшику-я!

— Нима бўлибди?

— Кампир газета ўқишини билиб қолибди. Манави газетани Ситораи моҳи хоссадан ўгирлаб келибди, менга Ойими Шоҳнинг уйига элтиб ташла, деб буюрди...

Шу пайт оёқ шарпаси эшитилиб қолди-ю, Оймулло жим бўлди ва иккови бу ердан узоқлашиб, Ойими Шоҳ ўрдасига бориб кирди.

Амир онасининг бу «ҳийла»сини эшитиб, Ойими Шоҳ роса кулди.

— Бу билан нима қилмоқчи экан?— сўради у.

— Сизнинг газета ўқишингизни бўйнингизга қўймоқчи эмиш...

— Қандай қилиб? Мен Ситораи моҳи хоссага бормаган бўлсам, амир уйидан газета олмаган бўлсам... Хайр, жин урсин! Янги гапни эшитгандирсиз?

— Эшитдим, инқилоб бўлибди, аммо мен билан сизга нима фойдаси бор, билмайман.

Индамай ўтирган Фируза гапга аралашди:

— Катта тахтни ёндирган олов бу курсичаларга тегмасдан ўтмайди. Золим ҳам таянчи бор пайтда дағдаға қилади. Оқ пошшо жаноби олийнинг таянчи эди, таянчики қолмадими...

— У ёғи маълум!— деди Оймулло.

— Бу тор тилла қафасдан қутуладиган куним қачон келаркин-а,— деб қўйди Ойими Шоҳ.

— Худо подшодир!— деди Оймулло.— Лекин ўзингизга эҳтиёт бўлинг! Фируза, сен ҳам! Агар амир катта ишларга қўл урса, феъли айниб қолади-ю, биз кичкиналарнинг гуноҳини сира кечирмайди.

— Биламан,— деди Фируза,— яраланган илон даҳшатлироқ бўлади...

— Мен қўрқмайман!— деди Ойими Шоҳ.— Бундай тирик юргандан кўра, ўлган яхшироқ. Аммо мен осонлик билан жон бермайман... Кошкийди, жадидлар мени ҳам ўзларига шерик қилишса, бир кечадаёқ аркка ҳам, Ситораи моҳи хоссага ҳам ўт қўярдим!

Оймулло кулимсираб деди:

— Шунинг учун ҳам жадидлар сизни шерик қилишмайди-да. Сизнинг ўт қўйишингиз сабру қарорсиз ошиқнинг қилиғига ўхшайди...

Порсолик жомасин чок этди ишқнинг панжаси.
Бир боқиб, бўлдим-ку юз йиллик ибодатдан жудо.

— Эй, хўп гапларни гапирасиз-да!— деди Ойими Шоҳ тўлқинланиб:— Возеҳни ўқидим, мен билан сизга атаб яхши айтибди:

Булбуло, бир дам тиним на сенда бор, на менда бор,
Лаҳза ҳам гулсиз гўзим на сенда бор, на менда бор.
Эй ҳидо, токай менга таъна қилурсан ишқ учун,
Бир ибодат бежирим на сенда бор, на менда бор!

— Сабр қилинг!— деди яна Оймулло.— Пайти келар, осойишта ҳам бўларсиз, ишқингизнинг гуллашини ҳам кўрарсиз. Хайр, энди мен кетай. Топшириқка мувофиқ бу газетани ташлаб кетаман. Хоҳ йўқотинг, хоҳ қолдиринг, ихтиёр сизда.

— Йўқ, йўқ қилмайман, майли, келиб топиб олишсин! Ана ўшанда айбларини гарданларига қўйиб, шундай расвойи олам қилайки...

Лекин Ойими Шоҳ янглишган эди. Ойими Шоҳнинг газетхонлиги ва жадидлар билан «ҳамкорлиги» амирни чўчитиб қўйган эди. Амир Ойими Шоҳга қаттиқ-қурум гапириб, газеталарнинг қаердан, қандай етиб келганлигини сўради. Ойими Шоҳ бу машмашаларнинг ҳаммаси бўҳтон, пошшобибининг иғвоси, душманлиги ва бадкирдорлиги деб исбот қилмоқчи бўлди... Лекин амир бу гапларга қулоқ солмади, исбот ва далилларга аҳамият бермади, аксинча, агар яна шундай ишларни давом эттирсанг, агар уйингдан яна газета топилса, сени ёмон қиламан деб пўписа қилди. Ойими Шоҳ қаҳру ноз билан амир муҳаббатини уйғотмоқчи эди, аммо бўлмади. Амир қаттиқ ғазабланганича чиқиб кетди...

Ойими Шоҳ амирнинг ғазабланиб чиқиб кетишидан ваҳимага ҳам тушмади, чўчимади ҳам, аксинча, жаҳли чиқиб, шундай тутоқиб кетдики, қалбидаги алам ва нафратлар қайтадан жўш урди. Хизматкорлар амир унинг ўрдасига келишдан олдин онасининг ўрдасига кирганини хабар килишганди. Демак, Амирнинг жаҳли чиқишига бу сафар ҳам онаси сабаб бўлибди. Агар бу аҳвол давом этаверса, бу кампир унинг шаънига кўп ёмон ишларни қилиши мумкин. Амирнинг ақли паст, ҳайвонтабиат, кампирнинг гапларини тилла суви билан битади-ю, унга жафо қилади. Йўқ, у осонлик билан жон бермайди! Яхшиси, аввал амирнинг онаси жон берсин, куйиб ўлсин, кул бўлсин!..

Ойими Шоҳ ғазабланиб, ана шу ўй-фикрлар билан ишончли чўри қизини чақиртирди.

— Шу кеча айтганимизни қиламиз!

— Ёндирамизми?

— Ҳа, ёндириб, кул қиламиз!— деди Ойими Шоҳ.— Сабр қил. Ярим кеча бўлсин, ҳамма ухласин, ҳамма ёқ тинчисин, кейин аста-секин икки томондан эшиги бор хонага кирасан, у ерда ҳеч ким бўлмайди. Ўша хонанинг ҳужрачаси орқали кунчиқарга қараб турган баланд хонага кирасан. У ерда майда-чуйдалар, кўрпа-тўшаклар бор. Эҳтиёт бўл, тағин қоқилиб кетма! Пошшобиби хонасининг ҳужра эшиги албатта ичкаридан занжирланган бўлади. Майли. Сен қўлингдаги

мойли латтани ёндириб эшик остидан ичкарига ташла... тамом! Қайтиб кел, икки тилла сеники бўлади.

— Хўп бўлади!— деди Саломат исмли хизматкор қиз.

Ўша кеча амир онасининг энг яқин ва ишончли кишиларидан бўлган дастурхончи ойим ҳам баъзи ишларни кўнглига тугиб қўйган эди. Кечки овқатдан кейин пошшобиби хуфтон намозини тезгина ўқидида, ўрин солиб беришни буюрди.

— Билмадим, нега бунчалик серуйқу бўлиб қолдим-а,— деди у серёғ баданини қашлаб туриб,— ёки баҳорда киши уйқучироқ бўладими?

— Баҳорнинг таъсири...— деб жавоб берди дастурхончи ойим.— Соғлом киши баҳорда серуйқу бўлади дейишади. Пошшобиби ҳазратлари ҳам, худога минг катла шукур, танлари соғ-саломат бўлганлари туфайли баҳорда серуйқу бўладилар... Бу жуда яхши! Ойимуллон Танбурни чақираймп, бир оз танбур чалиб...

— Йўқ, керак эмас!— деди эснаб амирнинг онаси ва дастурхончи ойим ёрдамида кўйлакларини ечиб, фақат ички кўйлакча билан ўринга кирди, унинг серёғ, семиз гавдаси парқу кўрпаларга ботиб кетди...

Дастурхончи ойим хизматкорлар ва чўриларга настки уйга бориб ухлашни буюрди. Фақат ўзига яқин ва ишончли бир аёлни уй даҳлизида олиб қолиб, ярим кечагача у билан лақиллашиб ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, катта хонага кирди. Оёқ учида аста-секин юриб пошшобиби ўрнига яқинлашди, қараса, у хуррак отиб ухлаяпти. Кейин ҳужра эшигига яқинлашиб, уни оҳиста очди, юраги гуп-гуп уриб, қўллари қалтирарди. Чунки пошшобибининг рухсатисиз бирор кимса бу ҳужрага қадам боса олмасди. Дастурхончи ойим ҳам пошшобибининг рухсати билан кириб, керакли нарсани оларди-ю, дарров ҳужрадан чиқарди. Аммо шундай бўлса ҳам ҳар гал амирнинг онаси унинг ҳаракатларини кузатиб, кўз қирини ташлаб, шубҳали боқарди... Бу сафар қоронғи ҳужра ичига киришдан олдин яна ўринга бир қаради. Кампир тинчгина ухлаб ётарди. Дастурхончи ойим нима бўлса бўлар, деб ўзини ҳужра ичига олди. Бу кенг ҳужрачада пошшобибининг асосий хазинаси — жавоҳирлар, олтин-кумушлар тўла сандиқлари турарди. Дастурхончи ойим қаерда нима борлигини беш панжасидек биларди. Шунинг учун ҳар

эҳтимолга қарши қоронғи бўлса ҳам, ҳужра эшигини ёпиб қўйди... Лекин саросималикданми ё қўрқувданми, эшик тавақасини қаттиқроқ итариб юборди шекилли, бошқа тавақасига урилиб, тарақлаб кетди. Бу товушдан амирнинг онаси уйғониб, уйқу аралаш: «Ким? Ҳа... ким?» деб қўйди. Дастурхончи ойим турган жойида қотиб қолди. У нима қилишини билмас эди, кундузи қилган ўғирликларимга қаноат қилмай, кечаси ҳам ўғирлик қилишга тушдим, қизимнинг тўйига ярайдиган бирор қимматбаҳо олтин буюм оламан деб, бу ҳужрага кирдиму балога қолдим, деб ўзини обдан койиди. Агар кампир уйғониб, уни чақирса, дод деса, одамлар келиб, ҳужрага кириб, уни топишса, нима қилади?! Кейин нафақат барча мартаба ва мансаблардан маҳрум бўлади, балки қамалади, сургун қилинади...

Ҳар бир дақиқа худди бир йилдек ўтарди. Бадбахт, кампир баданини қашиб, у ёнидан бу ёнига ағанаган бўлди, яна фашиллаб нафас олиши эшитилди. Худога шукур, деди дастурхончи ва эркин нафас олди. Аммо ҳали ҳам қимирлашга ботина олмасди, ҳатто қаттиқроқ нафас олишга ҳам қўрқарди. Худди шу пайт ҳужранинг юқори уйдан очиладиган эшиги томондан бировнинг шипиллаб келаётгани эшитилди, у одам яқинлашиб, қўли билан эшикни итарди ва тортди. Ичидан занжирланган эшик очилмади. Кейин, гугурт чақилгани эшитилди ва бир дақиқадан кейин қоронғи ҳужра ичини ёнаётган бир парсанинг шуъласи ёритди...

Дастурхончи ойим бошда ҳеч нарса тушунмай тахта бўлиб қолди. Лекин кейин мияси ишлаб, бу ишнинг ёмон ниятда қилинганини пайқаб, бақириб юборди, кафти билан ёнаётган латтани ўчирди ва эшикни очиб, ўзини юқори уйга олди. Бу уй деразаларидан тушаётган озгина ёруғликдан ғира-шира қоронғиликка ўрганиб қолган кўзига қочиб кетаётган киши кўринди.

— Тўхта! Тўхта!— деди у бақириб.

Қочиб кетаётган киши даҳлиз эшиги олдида бир нарсага қоқилиб йиқилди, дастурхончи ойим қўрқмасдан, ўзини бу киши устига ташлади... шунгача овозларни эшитган амирнинг онаси ҳам уйғонган эди, дастурхончининг бақиришидан даҳлиздаги хизматкор аёл ҳам югуриб келди ва дастурхончи ойим билан ик-

ковлашиб қасд қилган аёлни ушлашдилар, кейин судраб, катта уйга — пошшобибининг оёқ томонига келтириб ташлашди. Бу ерда, ўттизинчи лампа ёруғида ҳамма бу аёл Ойими Шоҳнинг канизи эканини кўрди.

— Ўзи нима гап? Бу қанақа ҳодиса?— деди кампир қўрқувдан ҳали ҳам титраб:

— Пошшобибининг муборак бошларига қурбонлар бўлай,— деди бу тасодифий воқеадан руҳланган дастурхончи ойим.— Толеимиз баланд экан... Агар бир дақиқа кечиксам, бутун уй-жойлар, ўрдалар ёниб кетарди...

— Нега ёнаркан? Дурустроқ тушунтир! Ким бу ўзи?— деди кампир сабрсизлик билан.

— Буми?— деди дастурхончи,— Ойими Шоҳнинг махсус хизматкори. Сизга қасд қилиб, сизнинг — ҳазратимнинг жонларига қасд қилиб келган экан!

Буни эшитиб, кампирнинг эси чиқиб кетди-да, ўринда нарироққа сурилди.

— Тавба қилдим, тавба қилдим, худо!— деди яна кампир.— Ахир менга дурустроқ, дона-дона қилиб тушунтиринг, ўзи нима гап?

— Жоним билан, жоним билан!— деди дастурхончи гўё бир нарсадан ҳадиксираб, уйга кирганини, пошшобибидан хабар олиб ўриннинг оёқ томонида ўтирганини, нега пошшобиби тинч ухламасдан, безовта бўлганларини бирма-бир тушунтира бошлади. Шуларни ўйлаб хаёл суриб ўтирганида тўсатдан бировнинг ҳужра эшигини юқори уй томондан тортаётганлигини сезган эмиш. Шуни эшитиб оҳиста ҳужрага кирибди, яхшиямки, кирган экан. Чунки бу аёл ёндириб ташлаган латта аллақачон ловиллаб ёнаётган эмиш. У жонини фидо қилиб, оловни ўчирган эмиш, ёмон ниятли аёлни кўп машаққатлар билан ушлаб олиб келган эмиш...

— Хўш, гапир-чи, ўзинг кимсану нима мақсад билан бу ишни қилдинг?— деб сўради кампир аёлдан.

Ойими Шоҳнинг садоқатли, вафодор хизматкори иқрор бўлишдан бошқа илож тополмади:

— Тавба қилдим, пошшобибижон!— деди у.— Мен нодон, бадбахтнинг гуноҳини кечиринг, умрбод канизингиз бўлай!

— Ҳа, бадбахт, қўлга тушгандан кейин тавба қиласанми?!— тинимсиз вайсарди дастурхончи.— Агар

мен хабардор бўлмасам, оловингни ўчирмасам, биласанми, нималар бўларди?!

— Биламан, биламан! Мен гуноҳкор, мен...— деб аёл йиғларди,— пошшобиби, гуноҳимдан ўтинг,— деб тавалло қиларди, ёлворарди.

Пошшобиби ваҳимага тушган аёлни ёлғон ваъдалар билан иқрор қилдириб, Ойими Шоҳнинг қасд қилганини билиб олгач, шу қадар жаҳли чиқиб, шу қадар ғазабландики, ҳамма ҳайрон қолди. У ўрнида тинч ўтира олмасдан сапчиб турди, кўйлагини ўзи кийди ва бадбахт, содда аёлнинг елкасига, бошига роса муштлади, кейин «буни обхонага* олиб боринглар» деб буюрди. Аёл доду фарёд қиларди, ялиниб-ёлворар эди, аммо бефойда эди. Ниҳоят, кампир зудлик билан Оймуллои Танбурни чақиринглар деди. Оймуллои Танбур мудраб, ҳайрон, гаранг бўлиб ўрнидан туриб келди.

— Ёзинг!!!— деди уни кўриб кампир.— Олимхонга, жаноби олийга ёзинг!

Оймулло таъзим қилиб, дастурхончи тайёрлаб турган қалам, қоғозни олди ва савол назари билан кампирга қаради. Ғазабдан кампирнинг кўзлари қонга тўлган, ранги ўчган, қонсиз лаблари пир-пир учар эди. У ўғлига зоти паст Ойими Шоҳ эндиликда жонимга, хону монимга қасд қилибди, деб арз қилди. Агар амир бу даҳшатли хабарни эшитгандан кейин ҳам ўша кофири муртад, наҳснинг баҳридан ўтмаса, кампир тоқат қила олмайди, ғаму ғуссадан ўлади, ўғли уволига қолади. Мактуб охирига кампир муҳрини босиб, зудлик билан Ситораи моҳи хоссага жўнатинглар деб буюрди.

Эртасига амир Ойими Шоҳга талоқ хатини юборди-ю, бир ҳафтадан кейин уни «ёв қочди» қабиласидан бўлган Саидбек деган бир бадбуруш, ифлос, хунук, бесўнақай, ахлоқсиз саркардасига хотинликка берди...

Ойими Шоҳ ҳаётининг қоронғи кунлари бошланди. У Саидбек уйида беш ой худди гўрда яшагандек яшади. Шу муҳлат ичида Ойими Шоҳнинг отаси бу ғамаламларга чидай олмай, қазо қилди. Саидбек аза тутиш учун Ойими Шоҳни файтонда ўзи билан бирга ота-

* Об хона — аркдаги махсус зиндон *(тарж. изоҳи)*.

синнинг ҳовлисига олиб борарди, кечқурун ўзи билан бирга олиб келарди. Шу тариқа Ойими Шоҳ уч кун отасининг азасига келиб, йиғлаб-сиқтади, яна бориб ўша бадбуруш, ифлос эр ҳовлисида қамалиб ётди. Бу ҳовлида Саидбекнинг ҳар учала хотинида ҳам алоҳида-алоҳида хоналари бор эди. Ойими Шоҳ келгач, Саидбек катта хотинларининкига бормайдиган бўлиб қолди. Бу хотинлар рашк ва ғазабдан ёнарди, Саидбек кундузи амир даргоҳига кетган вақтларда катта хотинлари Ойими Шоҳни кўз очирмас эди. Ойими Шоҳ ақлли, тадбирли, андишали бўлганлиги учун кундошлари билан муроса қилишга уринса ҳам, лекин аслида лахта-лахта қон ютаётган эди.

— Бекажонлар!— дерди у.— Ўзингиз шоҳид-гувоҳсизки, мени бу хонадонга зўрлик билан келтириб, бир умр бахтсиз қилишди. Сизларнинг эрингиз мендан қанчалик йироқ бўлса, мен шунчалик хурсанд бўламан; унинг наҳс юзини камроқ кўрай деб, қўлимдан келганини қиляпман.

Унинг бахтига амир Саидбекни бир иш билан Ҳисор тарафларига юборди. У ўша томонларда қарийб икки ой гумдон бўлди, кейин қайтиб келди-ю, яна Ойими Шоҳнинг бошига бало бўлди...

Ойими Шоҳ амал-тақал қилиб яна бир ой чидади, ниҳоят инқилоб бўлди...

— Айланай Фирузажон,— дерди Ойими Шоҳ ўз саргузаштининг охирги кунларини баён қилиб.— Мен ҳали инқилоб бўлмасдан, ҳали жанг бошланмасдан Саидбекдан қутулмоқчи бўлдим. Мен ўша зиндонда на дунёдан хабардор бўлибману, на инқилоб бўлганини билибман, ҳатто ўзимни ҳам унутаёзгандим. Азобуқубатли турмуш, ифлос Саидбекнинг жирканч гаплари шу қадар жонимга теккан эдики, дунёдан ҳам безиб кетдим. Бир куни кечаси у уйда йўқ эди. Ҳамма ҳовлида ухлаб ётарди. Фақат мен йиғлаб ўтирардим... Тўсатдан хаёлимга шундай турмушдан кўра ўлган афзал эмасми, деган фикр келди. Дарров бир мудҳиш фикрга келдиму сапчиб турдим, сочиқ-почиқларни бир-бирига улаб, сиртмоқ қилиб, ўзимни осмоқчи бўлдим.

Шу мақсадда сочиқ излаб даҳлизга кирдим ва тўсатдан қайси бир дастурхончи эсидан чиқариб қолди-

риб кетган паранжи-чачвонни кўриб қолдим. Ўзимнинг паранжи-чачвонимни эса Саидбек ҳамиша сандиққа солиб қулфлаб қўярди. Ана, нима дейсан, укажон, паранжини кўрдиму эсимга бошқа нарса келди... Ўзимга ўзим нима учун, ким учун ўлар эканман дедим! Йўқ, аксинча, яшаб, душманларимнинг ўлишини кўраман! Шу ният билан паранжи-чачвонни олиб, секин йўлакка чиқдим. Ичкари ҳовлида ҳеч ким мени кўрмади, ҳаммаси ўликдек қотиб ётганди. Паранжини ёпиниб, ташқари ҳовлига чиқдим. Супа айвонида бир-икки киши ухлаб ётарди. Мен тўғри йўлакка, кўча дарвозаси томонга юрдим. Лекин дарвоза ичидан занжирланиб, қулфланган эди, дарвозабон йўлак супасида ухлаб ётарди. Шарпамни эшитиб, бошини кўтариб, «Ким?» деди. Мен ҳам ҳаяжон, саросималик билан «Гулмоҳман, кичик ойимни тўлғоқ тутди, дояни чақириб келаман!»— дедим.

Дарвозабон тўнғиллаб, ўрнидан туриб, дарвозани очди, мен ҳам енгил нафас олдиму кўчага отилдим...

Аммо афсуски, узоққа бора олмадим, қўлга тушдим. Лаънати Саидбек қаёқдандир пайдо бўлиб қолди, дарвозасидан чиққан аёлни кўриб, шубҳаланди-да, келиб ушлади.

— Кимсан? Қаёққа боряпсан?— деб сўради.

Унга ҳам дарвозабонга айтган гапни айтдим, фойда бермади, юзимни очиб, таниди, қаттиқ қўллари билан мени уриб судраб ҳовлига киритди ва ҳаммани оёққа турғазиб, роса сўкди, аммо ҳозир фурсатим йўқ, қайтиб келиб, жазонгни бераман, деди... кейин мени супа устидаги хоначага қамаб қўйди. Бу хона кунчиқарга қараган бўлиб, қишда ўзи ўтирарди.

Мен бу лаънати қари ит қандай зарур иш билан келди-ю, нега тўхтамай чиқиб кетди деб ҳайрон бўлдим. Фақат у кетгандан кейин аёлларнинг ўзаро пичирлашиб «ғазот-ғазот» деган сўзларини эшитиб қолдим. Ўзимча, наҳотки жадидлар амирга қарши уруш эълон қилган бўлса деб ўйладим. Ёки Колисовдек гулдур-гулдур қилишади-ю, жим бўлиб кетишадими? Ҳар ҳолда, тун бўйи ухламай, йиғи-сиғи билан тонг оттирдим. Тонгда қулоғимга тўп овозлари чалина бошлади. Аввалига амир сарбозлари тўп отиб машқ қилаётган бўлса керак деб ўйладим, лекин кейин билсам, уруш экан, тўп овози борган сари яқинлашарди.

Фикримча, ўша тонгда тўп овози ҳеч кимнинг қулоғига менинг қулоғимга ёққандек ёқмаган бўлса керак. Гўё ҳар бир зарба, ҳар бир ўқ овози менга янги хушхабар, янги ҳаёт хабарини келтирарди, сўнган умидорзуларимга қанот боғлаб мени қувонтирарди. Ниҳоят, эшик очилди-ю дастурхончи кириб келди: қўлида дастурхон, бир чойнак чой. Ҳақиқатан ҳам уруш бошланганини, Саидбек «газот»га кетганини ўшандан билдим. Илоҳи борган жойидан қайтмасин, дедим. Дастурхончи индамай эшикни устимдан занжирлаб кетди.

Урушнинг учинчи куни катта уй ҳужрасига тўп ўқи тегиб бузиб юборди, бутун ҳовлини, уй ичларини оқ, аччиқ тутун босиб кетди. Тўп ўқининг зарбаси, даҳшатли портлашидан эсим чиқиб кетди. Кўзимни очиб қарасам, мен ўтирган уй деворининг бурчагига ҳам ўқ тегиб бузиб юборибди, бир тешик пайдо бўлибди. Ўшанда қўрқувданми ё жон талвасасидами, беихтиёр ўрнимдан туриб, ўша тешикдан ҳовлига чиқдим. Ҳовли ҳали ҳам тутун эди. Хотин-халажлар қўрққанларидан ертўлага уриб кетишганди. Мен у ёқ-бу ёққа қараб, яна айвон устунидаги михда осиғлиқ турган ўша паранжини кўрдим. Дарров уни ёпиниб, ўзимни йўлакка урдим, у ердан чопиб ташқари ҳовлига чиқдим. Ҳеч ким йўқ экан. Дарвоза ҳам очиқ экан. Ҳеч ёққа қарамасдан, кўчага югурдим, худога минг қатла шукурки, бу сафар эсон-омон уйга етиб олдим...

— Қизиқ!— деди Фируза, Ойими Шоҳнинг ҳикоясини мароқ билан тинглаб,— ундай бўлса Саидбекка нима бўлганини, унинг қаерга кетганини ҳам билмас экансиз-да?

— Йўқ, билмайман!— деди Ойими Шоҳ.— Агар билганимда, сизлардан олдин ҳукуматга ўзим маълум қилардим. Тунов куни биров Саидбек амир билан қочиб кетган, деб айтаётган эди. Ростми-ёлғонми, билмайман.

— Хайр, нима бўлса ҳам,— деди Фируза,— барча душманларингиздан қутулдингиз, озод бўлдингиз, яна ўз уйингизда, ойингиз хизматидасиз...

— Ҳа, худога юз минг марта шукур!— деди қартайиб, мажолсизланиб қолган Ойими Шоҳнинг онаси.— Худо мен нотавоннинг оҳини эшитди. Ҳамроҳхон золимнинг қўлидан эсон-омон қутулиб келди. Менга бошқаси керак эмас... Бир ризқ бўлса худо етказар, оч-яланғоч қўймас...

Ҳамроҳхон онасининг охирги гапларини шундай изоҳлади:

— Бутун нарсаларимни мусодара қилишди. Саидбек уйида бўлган нарсаларни, ойим йиққан нарсаларни супуриб-сидириб олиб кетишди. Мана шу озгина эскитуски кийим-кечаклару рўзғор асбоблари қолди, холос. Хайрият, ошхона омборига тегишмади, йўқса очликдан ўлардик.

— Золим замонида ҳам азоб чекдик, эндиликда ҳуррият замонида ҳам... хайр, тақдир шу экан-да,— деди кампир.— Ойимхон, қани туриб чой дамлаб кел, дастурхон ёз!

— Йўқ, керак эмас,— деди Фируза.— Ташвиш қилманг, кеч бўлиб қолди, мен кетаман...

— Ташвиши нимаси!— деб Ҳамроҳхон ўрнидан турди.— Молимиз мусодара қилинган бўлса ҳам, азиз меҳмонга чой ичириб жўнатишга қурбимиз етади.

— Саломат бўлинг!— деб қўйди Фируза ва ичида мусодара комиссияларининг ишларидан хижил бўлди. Нахотки, шу бева қолган аёлларнинг ҳам нарсаларини олиб кетишса?!

Ҳамроҳхон ташқари чиққандан кейин онаси яна ҳасрат қила бошлади:

— Гапирмайди-ю, аммо дарди ичида!— деди у қизининг кетидан қараб туриб.— Ўзингиздан қолар гап йўқ, рўзғорли аёлсиз, тирикчилик нарсасиз бўлмайди... Бирорта эркагимиз йўқ. Ахир қандай бўлади?!

— Акалари қаёқда?

— Билмайман,— деди кампир,— дараги йўқ, ҳар иккиси ҳам Ҳисор томонда эди. Офат-балолардан худонинг ўзи асрасин! То акалари келгунча биз муштипарлар нима қилар эканмиз. Кошкийди худо унга ҳусну жамол бермаса эди. Унинг ҳусну жамолидан амир вақтида ҳам тинчлик йўқ эди, ҳозир ҳам...

— Ҳозир нимага нотинчсиз? Ҳозир ҳеч ким сизларга бир нарса дея олмайди.

— Э, гапингизни-я!— деди кампир паст овозда ва сўзида давом этди:— Янги ҳукумат бўлганига икки кун бўлибди, аммо аллақачон катталар Ойими Шоҳнинг овозасини эшитиб, киши қўя бошлашди...

— Наҳотки?— ҳайрон қолди Фируза.— Ким? Қаердан киши келди?

— Сиз ўзимизники, ишончли кишисиз, бирор яхши маслаҳат берарсиз, деган умиддаман. Ҳожи Ҳасанбек деган катта жадид бор эмиш, билмадим, Чекадами-пекадами, ишқилиб, катта бир идорада каттакон экан. Тунов куни киши қўйиб, Ҳамроҳхонни сўратибди. Мусодара қилинган нарсаларни қайтариб бермоқчи, яна қанчадан-қанча сепу маҳр пули ҳам, тўёна ҳам бермоқчимиш. Бунга нима дейсиз? Рози бўлсак майлими? Ҳар ҳолда, эркаксизликдан кўра тузукроқ бўлар дейман. Таянчимиз бўлармикин, дейман-да?

Фируза бу гапдан ҳам ҳайрон қолди, ҳам ғазабланди. Ҳайрон қолганлигининг сабаби шу эдики, ҳақиқатда Шўро ҳукумати ҳали дурустроқ қарор топгани йўқ, амир одамлари ва янги ҳаёт душманлари ҳукуматга қарши зимдан пичоқ қайрамоқда... Ана шундай бир пайтда Чека раиси кечаю кундуз ейиш-ичишни, уйқуни тарк қилиб, ниқилобни ҳимоя қилиш ўрнига, хотини устига ёш хотин олмоқчи экан?! Ғазабланишининг сабаби шу эдики, бундай одамлар ўз кирдикорлари билан Шўро ҳукуматининг обрўсини туширади, халқ янги ҳукумат билан эски ҳукумат фарқини билмай қолади... Шундан ҳам маълумки, ана шу ифлос мақсад учун бу муштипарлар молини мусодара қилишган экан.

— Йўқ, мен маслаҳат бермайман!— деди бирданига Фируза у-бу деб ўтирмай. Бу қордан қутулиб, ёмғирга тутилгандай гап. Бечора Ойим кундошлар, заҳар эрлар қўлидан зўрға қутулиб, энди ёруғлик кўраман деб турган бир пайтда, тағин кундош устига, чол кишига... нима зарур экан? Саломатлик бўлса, Ойимнинг ҳар бир тола сочига юзта эр топилади.

— Йўқ деб, бошимизга бир бало орттирмайлик, деб қўрқаман.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Хотиржам бўлинг! Шўро ҳукумати қонунида эркак билан хотиннинг ҳуқуқи баб-баравар. Эндиликда ҳеч ким сизларга зулм қилолмайди.

Ҳамроҳхон чойнак кўтариб кириб келди. Фирузанинг олдига дастурхон ёзди, патнисда ширинликлар келтирди, кейин Фирузанинг рўпарасига ўтириб, чой қуйиб берди.

— Узиб қўйилган узум бор эди...— деб қўйди кампир.

— Ҳа, айтгандай,— деди Ҳамроҳхон ўрнидан туриб ва даҳлиз токчасидан ҳусайни узум солинган патнисни келтириб, дастурхонга қўйди.

— Ўзимизнинг узумдан, раҳматлик қиблагоҳимиз ўтқазганлар!

Фируза бир шингил узум олиб еди.

— Ширин экан, раҳмат! Менинг маслаҳатим шуки, ширин турмушингизни заҳарламанг, Ойим, Ҳожи Ҳасанбек кекса одам, хотин, бола-чақаси бор. Яна кунингиз ғурбатда ўтади.

— Мен эрдан безорман!— деди Ҳамроҳхон.— Иккита эр қилиб, нима ҳузур-ҳаловат кўрдимки, учинчисидан кўрсам. Аммо илон чаққан арқондан қўрқади, дейдилар. Биз ҳам жафо чекдик, машаққат тортдик, шунинг учун Чека раисидан қўрқамиз-да! Бўлмаса-ку, бети қурсин-а. Бир куни чой, қанд олай деб ғузар масжиди олдига кетаётгандим, файтонда ўтиб кетди, шунда кўрувдим. Одамлар бу киши Чека раиси Ҳожи Ҳасанбек дейишди. Туллаган калхатга ўхшайди... Бироита дурустроқ киши топилмадимики, шуни каттакон қилишибди?

— Ҳожи Ҳасанбек инқилобчи, ҳукумат олдида қадр-қиммати бўлса бордир,— деди Фируза.— Лекин бу ерга киши қўйиши менга ёқмади. Дуруст одам бундай қилмайди. Мен Ҳайдарқул амакига айтаман...

— Йўқ, йўқ, айланай!— деди дарҳол Ҳамроҳхоннинг онаси.— Бу сирни ҳеч кимга айта кўрманг, яхши бўлмайди. Агар бу кишини маслаҳат бермасангиз майли, ўзимиз дастурхонни қайтариб юборамиз, бирор баҳона топамиз.

— Ҳайдарқул амакингиз ким бўладилар?— сўради Ҳамроҳхон.

— Ҳайдарқул амаки ҳам инқилобчилардан, Фирқа Марказий Қўмитасида ишлайдилар, Чекага ҳам алоқалари бор. Майли, йўқ десангиз, гапирмайман. Лекин шуни билиб қўйингки, эндиликда зўравонлик даври ўтиб кетди, ҳеч ким сизларга зулм қила олмайди.

— Нарсаларимизни мусодара қилишди-ку!— деб қўйди кампир.

Фируза яна хижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди ва пиёлани бўшатиб берди.

— Нарсаларингизни билмасдан мусодара қилишгандир,— деди ниҳоят Фируза.— Ўрмонга ўт тушса ҳўлу қуруқ баравар ёнади, дейишади. Мен Ҳайдарқул амакига айтаман, текшириб, бирор чора кўрсалар керак...

Шу тариқа яна бирпас суҳбатлашишди, сўнг Фируза кетишга рухсат сўради. Кампир фотиҳа ўқиди, Ҳамроҳхон дастурхонни йиғиштирди ва Фирузани дарвозагача кузатиб, паранжисини бошига ташлади.

Қош қорайиб келаётган эди. Кўчада йўловчилар сийраклашиб қолганди. Мири Араб мадрасаси орқасидаги катта йўлда аскарлар — тунги соқчилар фонус ушлаб туришарди. Фируза уларга яқинлашгач, эри Асони кўриб таниди. У аскарлар билан гаплашиб, Фирузани кутиб турганди.

— Ҳа, ҳорманг?— деди чачвонини кўтариб Фируза, у рус аскарларидан юзини бекитмас эди.

— Йўлингизни пойлаб тургандим,— деди Асо,— Ҳайдарқул амаки мен билан сизга рухсат бердилар, бориб дам олинглар, ўйнаб-кулинглар, дедилар...

— Вой сиздақа ошиқдан-эй, уялинг-э!— деди эрини койиб Фируза.— Қоплонга бориш нима бўлди?

— Қоплонга икки-уч кундан кейин борилади,— деди Асо,— бир ишлари чиқиб қолибди. Бугун шўлон!

— Шўлони нимаси?— кулди Фируза.— Юринг.

— Шўлони шуки, иш бўлмәйди, яъни истироҳат!

— Твоя жинка боевая!— деди бир солдат Асога.— Она молодчина!

— Нима дейди?— дарҳол сўради Фируза.

— Хотининг бойвучча деяпти,— деди Асо кулиб.

— Ўзингиз бойбачча. Кетдик!

— Хайр, товариш!— деди Асо солдатларга, улар билан хайрлашиб, сўнг ўз йўлларига қараб кетишди.

Шу пайт Ҳамроҳхон билан онаси хира еттинчи лампани ёқиб, чойнакни ўртага қўйиб, суҳбатни давом эттираётган эди. Она билан қизнинг бир-биридан яширадиган сири йўқ эди. Она-бола дардини бир-бирига айтарди, бир-бирига тасалли берарди, бир-бирига савол бериб, бири биридан жавоб оларди. Онанинг ёши бир ерга бориб қолиб, сочлари мошу гуруч, кўз нури хиралашган бўлса ҳам, лекин кўнгли ҳали ҳам ёш, ақли тийрак, билим ва тажрибаси ҳакимона, тадбиркор эди. Агар имконият туғилиб, ҳаёт жараёнини чуқурроқ

билганида, ташқарида, жамият ҳаётида юз бераётган тўфонлардан яхшироқ хабардор бўлганида, шубҳасиз, қизининг ҳар бир саволига қатъий жавоб ва маслаҳат берар эди, унинг мушкулини, айни замонда ўзининг ҳам мушкулини ҳал қилар эди. Аммо замонасининг шароити бу оқила аёлни ҳаётдан ажратиб, уйга тиқиб қўйган эди, шу боисдан ҳам унинг билим ва тажрибаси чекланиб қолган эди...

Қизи Ҳамроҳхон эса кўпгина руҳий азоблар чеккан, амир, ҳарам ва у ердаги одамлар томонидан обдан таҳқирланган, ниҳоят бир расво эркак қўлига тушган, қанчадан-қанча кулфатларга дучор бўлиб, гўё адойи тамом бўлган эди. Фақат қалбининг бир четида ёшлик қони гоҳида жўш уриб, муродига етолмаган ишқ-муҳаббати эски дард-аламларини қўзғаб, дардига дард, аламига алам қўшарди.

Кўпдан буён у инқилобни кутарди, чунки у инқилоб амирнинг тожу тахтини яксон этиб, зулм-зўравонлик қасрини вайрон қилишини фаҳмлаган эди, шунинг учун у инқилобни хурсандлик билан кутиб олди ва инқилобнинг илк самарасини кўрди — Саидбек зулмидан қутулиб, она дийдорини кўришга муяссар бўлди. Аммо оғзи ошга етганда бурни қонади, хурсанд бўлиб турганида айш жомига заҳар қўшилди, яна бошига янги кулфатлар тушди... Шу сабабли у нима қилишини, қайси йўл билан боришини ва қандай қилиб мақсадга эришишини билмай боши қотган эди.

— Фирузанинг гаплари маъқулга ўхшайди,— деди у онасига,— яна қордан қутулиб, ёмғирга тутилмайлик.

— Фирузанинг гаплари чакки эмас-ку,— деди кампир ўйга ботиб, сўнгра илова қилди:— Яна худо билади-да...

— Нима, Фирузага ишонмайсизми?

— Бу замонда ҳар кимга ишониб бўлмайди! Ким билади, Фируза ҳам ўзларининг одамларидир... Ҳайдарқул амаки бор, дейди, Чекадами-пекадами ишлайди дейди... Борди-ю, биздан гап олгани юборган бўлсалар-чи?

— Гап олгани?— ҳайрон бўлиб сўради Ҳамроҳхон.— Ростдан ҳам Саидбекни ким суриштирарди... Наҳотки биздан гап олишмоқчи бўлса? Тавба!

— Нима бўлганда ҳам сен амирнинг хотини эдинг, амир саркардасининг хотини эдинг, албатта биздан шубҳа қилишади-да.

Ҳамроҳхон бир оҳ тортиб, жим бўлиб қолди. Фируза-ку ўзи асира эди, амир ўрдасида азоб чекарди, ўзи Ойими Шоҳ кечирган қора кунларнинг жонли гувоҳи эди, имкони борича Ойими Шоҳга ёрдам бермоқчи эди... Тағин нега ундан «гап» олар экан? Нега соф кўнгил, соф ният билан келмай, ёмон мақсадда унинг уйига келар экан? Ҳе, дунёда не-не одамлар бор-да! Бир бахти қаро муштипарни бир неча кун эркин нафас олиб, тинчгина кун кўришга ҳам қўйишмайди! У бировга ёмонлик қилгани йўқми, ахир? У-ку бировни ташвишга қўйгани йўқ. Нега энди уни ташвишга қўйишади?!

— Агар ваъдалари рост бўлса, агар бизга ҳақиқий паноҳ бўладиган бўлса, розилик берсанг, нима бўларкин?— деди онаси ва бир оз жимликдан кейин сўзини давом эттирди: — Ҳар ҳолда жадидларнинг каттаси, ЧЕКАнинг бошлиғи, айтгани айтган, дегани деган... Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўлган яхши, дейишади...

— Борди-ю, розн бўлмасам, йўқ деб дастурхонини қайтарсак нима қилишаркин?

— Туҳмат қилиши мумкин... Саидбекнинг яширинган жойини билади, ундан умидини узгани йўқ, амир берган тилла-кумушларни, нарсаларни яширган...

— Майли, туҳмат қилса қилаверсин! Ўзи туҳматга қолади! Нима, жонимни олармиди?

— Олади,— деди онаси кўзларида ёш айланиб.— Қўлидан ҳар иш келади... Худо кўрсатмасин, маккор душман шундай ишлар қиладики, дунё кишига тор, қоронғи бўлиб қолади. Яхшиси тақдирга тан бериш керак. Майли, ёшинг ҳам бир ерга бориб қолди, ҳар ҳолда ёш қиз эмассан. Бу замонда эрсиз яшаш ҳам яхши эмас. Шояд шу эркакдан бахтингни топиб тинчисанг...

Ойими Шоҳ ўйланиб қолди, бирпасдан кейин ўрнидан турди:

— Хайр, келинг, ётайлик, қани, тонг отсин-чи, бирор гап бўлар! Маслаҳатли тўн тор келмас, дейишади, қани тонг отсин-чи, зора мушкулимиз осон бўлиб қолса.

— Майли, майли!— деб кампир, у ҳам ўрнидан турди.— Мен таҳорат қилиб, хуфтон намозини ўқийман. Сен ўрин солиб ёт, болам.

Кампир ҳовлига чиқди. Кечаси қоронғи бўлса ҳам, осмон тўла юлдуз эди. Йўлакка ёқиб қўйилган жинчироқ кампирнинг йўлини ёритиб турарди...

Ҳамроҳхон уйни йиғиштириб, иккита ўрин солди ва ўз ўрнига чўзилиб, хаёлга чўмди. Оламдаги қизлардан биронтаси унингдек бахтсиз бўлмаган бўлса керак! Афсонавий Лайлининг Мажнуни бор эди, у пок ишқ йўлида қурбон бўлди. Бу нақадар катта бахт! Ширинниинг икки ошиғи бор эди. Унга икки марди майдон, замоннинг икки қаҳрамони шайдо бўлганди. Ҳар ҳолда Ширин Ҳисров билан бўлиб, Фарҳод ишқида жон берди. Бу билан фахрланса арзийди! Бухородаги ҳар бир гадо қизининг ҳам ўзига муносиб ёри бор, улар кечалари ўйнаб-кулишади! Аммо у-чи?.. На сомон бўлди, на дон. Кўнгли бировни севишни истаб, гуп-гуп уради, хуноб бўлади, аммо истаганини тополмайди. Қани энди ўзига муносиб, ҳамдам ёр бўладиган бир йигит бўлса... Ўша йигит ишқида ғазалхонлик қилса, куйласа, ўша йигит ишқида ғунча ёзса, ўша йигит ишқида тонг чоғи булбулга жўр бўлса... Аммо қани ўша йигит? Мафтункор кўнгли истаган маҳбуб қаерда? У, Ҳамроҳхон, гул истади, лекин тиканга учради, у бол истади, аммо замона заҳар ичирди! Қалби шеър, куй истади, аммо таъна, ҳақорат эшитди, ишқни мадҳ этиб, кўнглини ёзмоқчи эди, аммо ғам-алам, кулфат бошидан аримади... Инқилобдан, замона ўзгаришидан умидвор бўлди, аммо ҳалигача ҳеч ниманинг дараги йўқ. Наҳотки, инқилоб унинг шомини тонгга айлантирмаса? Наҳотки, бахти қоралигича қолаверса?!

Кимни ким толе ғиламини тўқибдирлар қора,
Кавсару замзам суви бирлан оқартирмоқ маҳол.

Шу пайт уйга кириб келган кампир Ҳамроҳхоннинг охирги сўзларини эшитиб қолди-ю, шундай жавоб қайтарди:

Қулбаи ғам узра сабрининг мукофоти учун,
Қариган чоғимда Юсуф суҳбати бўлди насиб!

5

Ҳайдарқул билан Саид Паҳлавон Мозор дарвозасидан тўппа-тўғри Арпа бозорига борди-да, Кўкалдош мадрасаси олдидан ўтиб, Мағок масжиди олдига келди. Саид Паҳлавон бу жойларда ҳам уруш аломатларини кўрмади, ҳамма кўча ва бозорлар, мадрасалар, саройлар, ҳовузлар, масжидлар, саҳна ва девонбеги масжиди ҳамда расталар инқилобдан бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Фақат кўпгина дўконлар берк эди, кўчаларда ўткинчилар кам эди.

— Дўкондорларингиз қаёқда?— сўради Саид Паҳлавон.— Дўконларга тахта қоқиб ташланибди-ку?!

— Агар менинг дўкондорларим бўлганда эди,— деди Ҳайдарқул,— ҳамма дўконлар очилиб, бозор авжида бўларди. Афсуски, булар амир замонасидаги дўконлар, Бухоройи шарифнинг дўкондорлари. Улар инқилобнинг дастлабки зарбаларидан қўрқиб, сичқоннинг уйини ижарага олишган.

— Хайр, ҳукумат савдо-сотиқни ман қилганми? Ундай бўлса, одамлар керакли нарсасини қаердан олади?

— Ҳукумат хусусий савдо-сотиқни ҳозирча ман қилгани йўқ. Дўкондорлар ўз савдоларини бошласинлар деб эълон қилишди. Аммо ташқи савдо ҳукумат қўлида бўлади. Бу дўкондорлар ҳукуматдан кўтара олиб, халққа чаканалаб сотиши мумкин.

— Ҳукуматнинг ўзи дўкон очса бўлмайдими?

— Очади... Аста-секин ҳукумат бир талай дўкон очади. Кейин кооператив дўконлари бўлади...

— Кооператив нима?

— Меҳнаткашлар ўртага пул қўйиб, ширкат тузадилар, ана шунинг номи кооператив. Кооперативлар ўз аъзоларига арзон мол келтириб сотади.

— Фойдасини бўлишадими?

— Фойдасига яна янги дўкон очишади. Мол нархини камайтиришади.

— Жуда соз экан-ку!

— Ҳа, келажакда кўп яхши ишлар қилинади, лекин аввал душманларни сал бир ёқли қилиш керак.

— Душманлар йўқ бўлди шекилли-ку? Амир қочди, бошқалари қўлга тушди... Шўро ҳукуматига қарши бош кўтаришга кимнинг ҳадди сиғарди?

— Бор, ҳар хил душманлар бор, оғайни! Идорага борайлик, гаплашамиз.

Улар саррофлар растасидан ўтиб, тўғри Рашид ҳовузи ва тери саройига томон йўл олишди. Бухоро кўчалари ва расталарида кўзга кўринарли ўзгаришлар юз бермагандек туюлса ҳам, аммо Саид Паҳлавоннинг назарида бу жойларда ҳаво, табиат ва муҳит ўзгаргандек эди. Ҳамма жойда қизил байроқлар ҳилпирайди, осиб қўйилган инқилобий шиорлар кишиларни янги ҳаётга — бахтиёр, озод ҳаётга даъват қиларди. Ёшлар чеҳрасида, бу кўчаларда айланиб юрган кишилар чеҳрасида шод-хуррамлик — ғалаба туйғулари кўзга ташланарди. Кўпгина ёшлар янги кийим — ҳарбий форма кийиб, қўлларига қизил лента боғлаб олишганди. Ҳамма ерда, ҳамма кишида бу инқилобий қизил ранг акс этиб турарди. Саид Паҳлавон аста-секин инқилобнинг нима эканлигини тушуниб, ўзи ҳам инқилоб ҳавосидан нафас олаётганини ҳис этаётганди. У бу ҳаво ғоят тозалигини, мусаффолигини, шодликка тўлалигини, бу ҳаво кексани ёш, ёшни паҳлавон қилишини равшан ҳис этарди.

Ҳайдарқул катта дарвозахона томон бурилди, дарвоза тепасида арабча ва русча ҳарфлар билан ёзилган рангли лавҳа бор эди, бу лавҳада идора номи ёзилган бўлса керак. Дарвозанинг икки томонига қизил байроқлар қоқиб қўйилганди, унинг атрофини шиорлар безаб турарди. Саид Паҳлавон бу идоранинг номини Ҳайдарқулдан сўрашга уялди.

Улар бир хонага киришди. Бу хона тахта полли бўлиб, тўрда бир катта стол, унинг рўпарасига, пастки дераза олдига яна бир стол ва бир неча курси, стуллар қўйилганди. Хонанинг нақшлари, токчалари аввалгидек турганди. Ҳайдарқул катта стол орқасидаги тирсак қўядиган курсига бориб ўтирди, стол устидаги қоғозларга диққат билан қаради ва баъзиларини олиб ўқиди, кейин тик туриб, уйни кўздан кечираётган Саид Паҳлавонга мурожаат қилди:

— Ўтир, ахир, нега қаққайиб қолдинг?

— Бу уй, ҳобли бironта бойники бўлса керак-а?— сўради Саид Паҳлавон.

— Ҳа, катта бир терн жаллоб бойнинг ҳовлиси... Хайр, соғлигинг яхшими ахир?

— Соғлигим, худога шукур, ёмон эмас... Лекин...

— Лекин чўнтакнинг аҳволи чатоқ бўлса керак? Тирикчилигинг оғирдир?

— Сўрама, оғайни! Лоақал шу йил қарздан қутулай дегандим, бўлмайдиганга ўхшайди.

— Бир сен эмас, биродар! Минглаб камбағал, қишлоқдаги қашшоқлар егани нон тополмайди. Лекин шаҳардаги бир гуруҳ қорни қатталар билан қишлоқдаги ер эгалари — бойларнинг остоналари тилладан бўлиб кетган... Инқилоб мана шуларнинг ҳаммасини ер билан яксон қилиши керак. Эндиликда камбағаллар, қашшоқлар, меҳнаткашлар фароғатда яшаб, эркин нафас олишлари керак.

— Қандай қилиб? Қаердан? Масалан, мен ери кам бир деҳқон бўлсам...

— Кўп ерли бўласан!— деди Ҳайдарқул Саид Паҳлавоннинг гапини бўлиб.— Ҳукумат сенга ер, уруғлик беради, фойдасини олмай пул қарз беради, деҳқончилик асбобларингни мукаммал қилади...

— Ҳўкиз берадими?

— Агар зарур бўлса, ҳўкиз ҳам топиб беради...

— Ҳаммагами, ҳаммагами?

— Муҳтожларга, камбағал меҳнаткашларга албатта...

— Ундай бўлса, инқилоб камбағалларнинг ҳузури жони экан-да! Қани айт-чи, сув жанжали нима бўлади? Инқилоб булут пайдо қилиб ерларни нам қилоладими? Ариқларда сувни сероб қилоладими?

— Қилолади!— деди қатъий қилиб Ҳайдарқул. Саид Паҳлавон жиддий айтяптими ё ҳазиллашяптими, деб унинг юзига қаради. Назарида Ҳайдарқул анча жиддий кўринарди. Саид Паҳлавон ҳайрон бўлди-ю, бошқа сўрамади. Аммо Ҳайдарқул бирпас ўйланиб туриб деди:

— Ҳа, қилолади, дарёларни бўғади, ариқларни сувга тўлдиради. Сув жанжалига хотима беради.— У ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юраркан, гапида давом этди:— Лекин бу ишларнинг амалга ошиши учун ҳаммадан аввал инқилобда узил-кесил ғалабага эришиш, ғалабани мустаҳкамлаш керак.

— Ахир, инқилоб бўлди-ку!— деди Саид Паҳлавон.— Амирни ҳайдадинглар, давлатига, хазинасига эга бўлдинглар. Арк, қозихона, миршабхоналар ҳукумат қўлига ўтди, яна нима?

— Янами?— Ҳайдарқул қайрилиб Саид Паҳлавоннинг юзига қаради-да, жилмайди:— Ҳали гап кўп!— деди у.— Амирни ҳайдаш — ишнинг бошланиши холос. Амирлик илдизи чириган бўлса ҳам, аммо у кенг ёйилган, у эл ичига нифоқ солиб, тинчликни бузади, ишга зарар етказади. Баъзан буларни топиб олиш ҳам қийин.

— Ҳукумат зўр, кўзи ўткир бўлса керак!

— Ҳукумат зўр!— деди Ҳайдарқул, унинг гапини маъқуллаб,— лекин ким билади, ҳукумат ичида ҳам амирликнинг чириган илдизларидан қолган бўлиши мумкин. Эшитишимча, Ревком Асад Махсумни босмачиларга қарши кураш комиссиясининг раислигига тайинлабди. Пухтароқ маслаҳатлашмасдан, чуқурроқ текширмасдан туриб, Асад Махсумни ана шундай масъулиятли муҳим вазифага тайинлаш — ишга зарба бериш, юртни алғов-далғов қилиш деган гап.

— Тушунолмадим,— деди Саид Паҳлавон,— Ревком дегани нима? Асад Махсуми ким, дурустроқ тушунтириб бер, ошна!

Ҳайдарқул бирданига қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Э, омон бўл-э!— деди Паҳлавоннинг елкасига қоқиб.— Мен сени инқилобчи деб юрсам, ҳали сен Ревкомни ҳам билмас экансан-ку!

— Қишлоқи-да, қишлоқ одами!

Кейин Ҳайдарқул янги ҳукумат ва партия тўғрисида имкони борича содда қилиб тушунтириб берди-да, қўшиб қўйди:

— Ҳали ҳукумат аъзолари ҳам, ҳатто Иштирокиюн фирқаси Марказий Комитети аъзолари орасида ҳам ҳар хил одамлар бор. Шахсан мен бундай кишиларнинг кўпчилигига ишонмайман. Ана «Бухоро ахбори» газетаси ойнадек сенга кўрсатиб беради...

Ҳайдарқул стол устидан газетани олиб, кўз югуртирди.

— Афсуски, саводинг йўқ-да, биродар! Ана газетанинг 1920 йил 15 сентябрда чиққан иккинчи сони. Бу сонда бир буйруқ бор. Ўзбек тилида, тушуна оласанми?

«Фармон. Бухоро Шўролар жумҳуриятининг Нозирлар Шўроси баъзи собиқ амир ҳокимиятининг маъмурлари Шўро ҳукуматига қарши ҳаракат қилмай, аксинча, ёрдам кўрсатганлиги ва янги халқ ҳукуматини мустаҳкамлаш учун Шўро ҳукумати сафига киришга хоҳиш билдирганлиги сабабли қарор қилади:

1. Собиқ амир ҳокимиятининг маъмурлари бўлиб, ҳозирги Шўро ҳукуматини тан олган, эътироф этган, Шўро ҳукумати сафига киришни истаган кишилар мауфдирлар, яъни гуноҳсиз ҳисобланадилар.

2. Ҳозирги вақтда янги ҳукуматнинг барча тадбир ва қонунларини амалга ошириш мажбуриятини олган собиқ маъмурлар ўз ўринларида қолдирилади.

3. Агар бу шахсларнинг бирортаси ўз вазифасига хиёнат қилса, дарҳол инқилобий маҳкама муҳокамасига топширилади.

Инқилоб Марказий Комитети Раиси ўрнига: Орифов.

Нозирлар Шўросининг Раиси: Файзулло Хўжаев...»

— Уқтингми? Бу нима дегани?

Саид Паҳлавон «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Бунинг маъноси шуки,— деди Ҳайдарқул,— ҳозирги шароит ҳукуматни собиқ амир маъмурларидан айримларини ишга қабул қилишга мажбур этяпти. Бошқа иложи йўқ. Ўз кишиларимиз етишмайди ёки ишни уддалай олмайди. Масалан, сени олайлик, заводинг йўқ, ёза олмайсан, бошқаси сендан баттар... аммо ҳукумат ишини жонлантириш керак!

— Хайр, майлику-я,— деди Саид Паҳлавон,— ахир, бу собиқ маъмурлар яна ўз билганларини қилаверишмайдими? Янги ва эски ҳукуматнинг фарқи қолмайди-ку!

— Йўқ, ундай эмас! Бу маъмурлар бизнинг йўлимиздан юриши, биз айтган ишни қилишлари керак. Аммо эски бўлганлари сабабли ишониб бўлмайди... Тўсатдан бирор нағма кўрсатишлари мумкин... Албатта, назорат қилиб туришади...

— Қайси ишини назорат қиласиз?!

— Ҳамма гап шунда-да! Қийин, жуда қийин! Аммо ҳал бўлмайдиган қийинчилик йўқ, деб ҳаракат қиляпмиз-да.

— Жадидларни амир ўлдирмаганда эди, ишингиз анча осон бўларди.

— Ажаб эмас...— деб Ҳайдарқул бир оз жим бўлиб қолди, сўнгра жойига бориб ўтириб, сўзини давом эттирди: — Кеча «Ёш бухороликлар» фирқаси бизнинг Иштирокиюн фирқамизга келиб қўшилди. Билмадим, бундан нима чиқар экан? Ҳар ҳолда бу ишлар ҳозир кѐрак, зарур...

— Хайр, Асад Махсумга нима дейсан?

— Асад Махсумми, бу бебош, баджаҳл, андишасиз бир одам. Бундай одамга ғайратли, уришқоқ деб ҳарбий комиссия раислигини топшириш хавфли. У шундай одамки, салла деганда каллани келтиради.

— Афтидан шунақага ўхшайди,— деб қўйди Саид Паҳлавон.

— Бу гаплардан мақсад шуки,— деди Ҳайдарқул,— сенга бир нарсани таклиф қилмоқчиман...

— Хўш,— деди кулимсираб Саид Паҳлавон,— ҳукумат аъзоси бўл, деб таклиф қилмоқчимисан?

— Худди шундай,— деди жиддий равишда Ҳайдарқул,— бизга ёрдам бер деб таклиф қилмоқчиман! Ҳамма ишингни йиғиштириб қўйиб, бизга ёрдам бер!

— Мен саводсиз киши, сенга қандай ҳам ёрдам берардим?— деди Саид ҳам жиддийлашиб.— Агар қўлимдан келса эди, турмушни яхшилаш, сен ваъда қилган ишлар учун жонимни ҳам аямас эдим.

— Ҳозир саводли бўлишинг шарт эмас,— деди Ҳайдарқул.— Мен сени Асад Махсумнинг олдига юбормоқчиман. Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма! Ҳозир Асад Махсум ташқари Дилкушо чорвоғида бир гуруҳ аскар тўплаб, уларни қуроллантириб, гўё аксилҳаракатга қарши курашмоқчи. Мен бу одамга унчалик ишонмайман. Шўро ҳукумати номидан тағин бемаза ишлар қилмасин, деб қўрқаман. Сен унинг олдида менинг кўз-қулоғим бўласан. Агар шундай қилиб, унинг жиловини тортиб турмасак, кўп бемаза ишлар қилиши мумкин.

— Гапинг тўғри...— деди Саид Паҳлавон,— лекин бу ишга салт, бола-чақасиз одам керак. Мен, ўзинг биласан-ку, рўзғорим, хотиним, бола-чақам бор. Агар мен Асад Махсумнинг хизматига борсам, рўзғорим нима бўлади?

— Шаҳарга кўчиб кел. Рўзғорингга биз қараб турамиз. Ўғлинг Мирак катта бўлиб қолибди. Парво қилма!

— Қайси куни,— деди хаёл суриб Саид Паҳлавон,— ҳамқишлоғимиз Наим Заҳар Асад Махсум ўзингга ўхшаган ишончли одамларни тўплаб, олдимга олиб бор деб тайинлади, деб турувди. Наим эса менга ишониб, таклиф қилди...

— Ана, яна ҳам яхши,— деди қувониб Ҳайдарқул,— Наим Заҳарни биламан, ҳозир Асад Махсумнинг ўнг қўли. Борсанг, сен ҳам Асаднинг яқин кишиси бўласан. Бунинг учун сен унга астойдил хизмат қилишинг керак. Ишончига кирганингдан кейин аввало ўзинг йўлини тўсиб турасан, сўнгра менга, Чекага хабар қилиб турасан. Биз чорасини кўрамиз. Ҳар ҳолда сен у ерда бўлсанг, мен хотиржамроқ бўлардим. Нима дединг?

— Майли, қани маслаҳатлашиб кўрайлик-чи...

Бир неча дақиқадан сўнг Саид Паҳлавон хайрхўшлашиб Ҳайдарқулнинг олдидан чиқиб кетди. Кеч кириб қолган эди. Бир-иккита очиқ дўконлар ҳам ёпилганди, кўчаларда одамлар сийраклашиб қолганди. Саид Паҳлавон тўғри атторлик растаси томон юрди, телпак ва заргарлик расталаридан ўтиб, хода бозорига, куёвининг уйига йўл олди.

Қоплон гузарида бир неча подшоҳлик ҳовлилар бўлиб, буларда амир вақтида баъзи тўралар, амир қариндошлари турарди. Ҳозир эса Бухоро Жумҳурияти ҳукумати Вобкент туманига қочган амир ҳарами аҳлини ушлаб келтириб, шу ҳовлиларга жойлаштирган эди. Эркаклар алоҳида ҳовлида ва аёллар эса амир онаси бошчилигида бошқа бир ҳовлида туришарди. Ҳовлиларнинг атрофларида, дарвозалари олдида соқчилар — қуролли милиционерлар турарди, ҳарам аҳли олдига кириш-чиқиш ман этилган бўлиб, ташқаридан ҳам бирор киши махсус рухсати бўлмаса бу ҳовлиларга кира олмас эди.

Фируза ҳарам аҳли келтирилганидан кейин орадан бир ой ўтгач, Ҳайдарқулнинг топшириғи билан эрталаб Қоплон гузарига, шу ҳовлилардан бирига келди. Аммо соқчилар уни киритишмади.

— Мен Ревкомдан, мана гувоҳномам,— деди у соқчилар бошлиғига бир қоғозни кўрсатиб.— Ўртоқ Ҳайдарқул мени иш билан бу ерга юбордилар.

— Эҳтимол шундайдир,— деди милиционерларнинг бошлиғи — паст бўйли, мўйлови осилган бир киши.— Аммо бу ҳовлига кириш учун ижозат — махсус хат керак. Шунақа буйруқ берилган...

— Мен Асонинг хотини бўламан, сиз уни танийсиз,— деди Фируза эрини пеш қилиб.— Мен зудлик билан иш бошлашим керак. Шунинг учун мени қўйворинг.

— Бўлмайди, синглим! Гапни чўзманг!

— Йўқ, бўлади! Ҳозир бу ҳовлига кириб, иш бошлашим шарт!

— Шартми, шарт эмасми, мен билмайман!

— Билишингиз керак! Билиб қўйинг! Шунинг учун ҳам сизни бошлиқ қилиб тайинлашган.

— Бу гапларнинг фойдаси йўқ...

Шу гап устига Ҳайдарқул етиб келди-да, деди:

— Қўйворинг, Фируза кирсин! Мен юборганман, рухсатнома беришни унутиб қўйибман. Салом!

Соқчилар бошлиғи Ҳайдарқул билан саломлашиб, Фирузани қўйиб юборди. Фируза жаҳл билан ичкари ҳовли йўлаги томон бенхтиёр бир неча қадам босди-ю, яна тўхтади, қайтиб Ҳайдарқулнинг олдига келди, Ҳайдарқул ҳали ҳам милиция бошлиғи билан гаплашиб турган эди.

— Мен нима қилай?— деди Фируза.— Хизматкорлар билан канизакларни бир томонга, бибиларни бошқа томонга ажратаверайми?

— Майли, кириб таниш, бибиларга айт, уйга киришсин, хизматкорлар ва бошқалар ҳовлида қолсин... Кимки чиқиб кетишни истаса айвонга ўтсин, мен кириб рўйхат қиламан.

Фируза ичкари ҳовлига кирди. Катта ҳовлида ертўлалар, болохоналар, пастки ва юқори супалар бор эди. Фируза ҳовлига кириши билан хизматкорлар, чўрилар, собиқ сув ташувчилар уни таниб, югуриб олдига келишди, уни ўпишди, қучоқлаб, саволлар беришди.

— Фируза, хайрият, сени кўрар кун ҳам бор экан! Соғ-саломатмисан?

— Сен жадидларга хизмат қилар экансан-да? Ҳурриятга чиқдингми?

— Бизни қачонгача қамоқда сақлашади? Билмайсанми?

— Наҳотки, амир қочган бўлса-а? Уни ушлашармикин?

— Аёлларни очиқ қилишади дейишганди, шу гап ростмикин?

— Сенинг паранжинг бор-ку?

Фируза бу саволларнинг ҳаммасига имкони борича жавоб берар ва ҳаммасига очиқ юз билан озодлик, хурсандлик, бахт-саодат тўғрисида гапирар эди.

— Амир гумдон бўлди, аскарларимиз изидан тушган, бугун бўлмаса, эртага қўлга туширишади, келтириб дорга осишади. Шўро ҳукумати ҳаммага озодлик беради. Энди хизматкорлик, канизлик йўқолади. Пошшохонлар, пошшобибилар агар чанқасалар ўзлари хум олдига бориб энгашиб, агар хумда сув бўлса олиб ичишади, бўлмаса, ташналикдан томоқлари қақраб ўлсалар ҳам, бирор киши сув келтириб бермайди. Агар оч қолсалар, ўзлари енг шимариб хамир қиладилар, нон ёпиб ейдилар! Ҳеч ким қора терга ботиб уларга нон ёпиб бермайди... Энди жадид-падид деган гап йўқ, энди ёш бухоролик, инқилобчи деган гап бор, аксилинқилобчи деган гап бор... Ҳа, энди барча амир одамларини, барча амалдорларни, қозилар, миршаблар, собиқ золимларни аксилинқилобчи дейишади. Аксилинқилобчиларни ҳукумат тутиб олиб қамаган. Қушбеги, қози калон, раис, миршаб, аълам-паълам-лар — ҳаммаси қамоқда, эрта-индин суд қилиниб, жазоларини беришади. Энди гап шу: ҳозир бу ерга Ҳайдарқул амаки кирадилар. У киши катта комиссар, ҳаммангизни рўйхатга оладилар, шуни хабар бергани келдим...

Фирузанинг сўнгги сўзларини эшитган аёллар шовқин-сурон кўтаришди.

— Нега, нега номаҳрам бу ерга келаркан?!

— Нега рўйхат қиларканлар?

— Ҳайдарқул деганинг ким?

— Нега ичкари ҳовлига, хотинлар олдига кираркан?

— Ўзим жадид бўлдим деб энди ҳаммани жадид қилаверасанми?!

— Биз мусулмон фарзандимиз, дину диёнатдан қайтмаймиз!

Ва ҳоказолар...

Фируза айтган гапидан пушаймон бўлиб, гангиб қолди. Э худойим, дерди ўз-ўзига, негаям рўйхат қиладилар деб валдираб юрибман! Энди нима қилсам, бу нодонлар гапимга қулоқ соларкин-а?..

— Ҳа, нима жанжал?— деб ошхонадан дастурхончи ойим чиқиб келди. Бу баланд бўйли, гавдали, хунук аёл бўлиб, қўрслиги, корчалонлиги ва айни замонда ойимлар ва пошшобибига хушомадгўйлиги туфайли амир онаси олдида обрў орттириб, дастурхончилик мансабига эришган эди. Амир ҳарамида кўпчилик ундан қўрқар ва ҳайиқар эди. Гарчи ҳозир амир қочиб, арк ёниб, кул бўлган, амир онаси дарбадар бўлиб юрган бўлса ҳам, бу хотин ўз дамидан тушмаган эди.

Фирузани ўраб олган хотин-қизлар дастурхончи ойимнинг овозини эшитиб бирданига жим бўлишди-да, ўзларини четга олишди.

— Бу ким ўзи? Э, ҳа... бу, ўша мешкоп қиз-ку,— деди у Фируза томонга бир неча қадам босиб.— Нимага келдинг? Шунча кўргиликлар етмасмиди? Мусулмонлар бошига шунча қора кунларни солганинг етмасмидики, яна ҳазратимнинг канизаклари орасида фитна қўзғатмоқчисан?!

— Фитна арк ва ўрдангиз билан тугади,— деди Фируза истеҳзоли жилмайиб.— Фитначиларнинг нафаси ичига тушиб, йўқолиб кетди, битта-яримта сиздақанги қолган-қутганини ҳам йўқотамиз, ойим! Ҳаҳа, дастурхонингизни йиғиштириб, фотиҳа ўқийверинг!

— Вой ўлай!— деди тўпланганлар орасидан бирови.

Дастурхончи ойим қаҳр-ғазабдан қизариб-бўзариб, Фирузага ташланмоқчи, бировларни туширишга одатланиб қолган мушти билан Фирузани боши, юзи демай роса дўппосламоқчи бўлди-ю, ногаҳон орқа томондан биров рўмолини тортди. Дастурхончи ойим қайрилиб, амирнинг катта хотини лабини тишлаб «жим бўл» деб имо қилаётганини кўрди. У индамай орқага тисланди, амирнинг хотини эса олдинга ўтди-да, Фируза билан саломлашди:

— Ҳа, қизим, яхшимисан, эсон-омонмисан? Жано-

би Ҳайдарқул амакинг бўларканлар-да? Жуда яхши, жуда яхши... Биздан салом айт. Рўйхат қилмоқчи бўлсалар, марҳамат! Биз уйга кирамиз, эшик орқасидан дурустроқ бўлади...

Фируза бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин шу пайт ташқаридан уни чақиришди, шунинг учун шундай деб қўя қолди:

— Дуруст... Мен ҳозир келиб тушунтириб бераман...

Фируза кетгач, амирнинг хотини ғўлдираб дастурхончи ойимни койиди:

— Эсингизни еб қўйибсиз! Бошимизга яна бир бало орттирмоқчимисиз?

— Мен билмабман, пошшом...

— Билиб қўйинг!— деди амирнинг хотини жеркиб ва супа устидаги катта уйга қараб кетди. Дастурхончи ойим боши янчилган илондек тўлғанар ва заҳарини кимга сочишини билмас эди. Тўсатдан кўзи Ойшага тушиб қолди. У ўн олти-ўн етти ёшларда бўлиб, баланд бўйли, нозик бадан, оппоқ ва навбаҳор гулидек тоза, беғубор, гўзал қиз эди... Уруш бошланмасдан уч ойча илгари Ғиждувон амлакдори бу қизни амирга тортиқ қилган эди. Амирнинг онаси бу қизнинг ҳусни жамолини кўриб, уни тезлик билан Ситораи моҳи хоссага юбориб, амирга манзур қилиш учун тайёрлаб қўйишни буюрди. Лекин тайёр қилишга улгуришмади. Ойша ғам-ғуссадан, йиғи-сиғидан касал бўлиб ётиб қолди. Иситмаси кўтарилиб, алаҳлашга тушди. Орқасидан эргашиб келган шўрпешана онаси қизининг бошида ўтириб тунларни тонг оттирарди. Ниҳоят, урушдан йигирма кунча олдин Ойша соғайиб, бошини кўтарди, лекин жуда озиб-тўзиб, рангини олдириб қўйган эди. Шу боисдан бир оз ўзига келсин, деб унга қўл тегизмаган эдилар. Ойшанинг бахтига амир ва онасининг разил ниятлари амалга ошмасдан, инқилоб бўлиб қолди, Ойша эса Олимхоннинг наҳс юзини кўрмай, яхши кунларга етди... Ойшани тайёрлаш вазифаси дастурхончи ойимга топширилган эди, аммо шу ҳодиса юз бергандан кейин алами ичида қолган эди. Шунинг учун у ҳозир Ойшани кўрди-ю, бутун ғазабини унга сочди:

— Ойша!— деди у ваҳиллаб,— нега кириб пошшобибининг ёнини уқаламадинг? Мен сенга кир деб айтмабмидим?!

— Мен уқаламайман, ўзингиз уқалайверинг!— деди шартта Ойша ва юзини ўгирди.

— Нима, нима деяпсан, лаънати?!

— Ўзинг лаънати!— деди Ойша еб қўйгудек бўлиб дастурхончи ойимга қарар экан.— Катталигини-я! Зап канизингни топибсан!

Тутоқиб турган дастурхончи ойимга Ойшанинг кейинги гапи оловга мой сепгандай бўлди, у лов этиб ёниб кетди.

— Ие, ҳали шунақами?!— деди у тишларини ғижирлатиб.— Сен ислиқи-ю битлиқилардан чиққан гап шуми ҳали?! Энди жаноби олий йўқлар, ғазот билан оворалар, деб ҳар бир ялангоёқ, ҳар бир гадой тепамизга чиқавераркан-да?!

— Шайтонга ҳай беринг, ойим!— деди Ойшанинг онаси қизининг ёнини оларкан, хотинлар орасидан олдинроққа чиқиб.— Яхши эмас. Гадо бўлсак ҳам, худонинг бандаси, пайғамбарнинг умматимиз, қурбақани боссангиз ҳам вақ дейди, биз ҳам қадр-қимматимизни биламиз.

— Мен сенларнинг қадр-қимматингга тупурдим!— деди дастурхончи ойим ва Ойшанинг бошига муштламоқчи бўлди, лекин қўлини бироз тутиб қолди. Қайрилиб қаради-ю, Оймуллои Танбурни кўрди. У бош чайқаб танбеҳ бераётганди:

— Яхши эмас, ойим!— деди Оймулло.— Шайтонга ҳай беринг! Биз аллақачон аркдан тушганмиз, пастдаги ҳовлидамиз, атрофимизни қизил аскарлар ўраб олишган...

Дастурхончи қўлини тортиб олиб Оймуллога ёпишди:

— Сиз ҳам жадидлардан қолишмайсиз, йўқолинг!

У Оймуллони итармоқчи эди, аммо Ойша унинг ўзини итариб юборди. Бир бадқовоқ дастурхончи Ойшага ёпишиб, уни урди. Ойшанинг онаси ҳам дастурхончи билан ёқалашиб кетди. Дастурхончи ойим ўзини ўнглаб олиб, Ойша билан онасига ташланди, чўри қизлардан бир-иккитаси Ойшанинг ёнини олди, бирпасда шовқин-сурон, ур-сур бошланиб кетди...

— Ҳой, нима гап, нима жанжал?!— Ур-сур, шовқин-сурон ичидан Фирузанинг овози эшитилди.— Ҳой, дастурхончи ойим, қўлингизни тортинг! Ҳой, Ойша. Бас энди!

Буйруқ оҳангида янграган бу овоз ур-сур, шовқин-суронни босди.

— Ўзи нима гап?— сўради Фируза Ойшадан.— Нега йиглаяпсан?

— Ҳаммасига мана шу,— деди Ойша дастурхончи ойим томонга ишора қилиб,— диёнатсиз, ювиндихўр сабабчи.

— Бу муштумзўрларнинг шохига уриб қўйиш керак!— деди Ойшанинг онаси.— Улар отдан тушса ҳам, узангидан тушмайди.

— Қочиб кетган жаноби олий кетидан катталигини-я!

— Мол ўлса ҳам, кўзининг оласи қолади дейишади-ку, шу рост экан!

Фируза дастурхончи ойим эски одатини қилиб канизларга қўл кўтарганини билди ва шу сабабли унга ўқрайиб қараб деди:

— Айб эмасми? Сочингиз оқарган бўлса ҳам, ёш боладек ақлингиз йўқ экан! Шу ишингиз учун Шўро ҳукумати сизни Регистон майдонига олиб бориб, халқ ўртасида суд қилиб отиб ташлаши мумкин.

— Тарки одат амри маҳол, дейдилар!— деб Оймуллои Танбур олдинга чиқди.— Салом, қизим! Саломатмисан?

— Ассалом, Оймулложоним!— деди қувониб Фируза ўзининг меҳрибон Оймуллосини кўриб.— Соғсаломатмисиз? Хайрият, кўрар кун бор экан! Амакимлар йўлингизга кўз тикиб ўтирибдилар.

— Хўп, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз, қизим,— деди Оймулло.— Ҳозир манави жанжални ҳал қилиш керак. Булар бир-бирлари билан ёқалашиб кетишди. Менинг ҳам ўртага тушишимга сал қолди. Пошшоойимларни бошқа ҳовлигаю, хизматкорларни бошқа ҳовлига жойлаштиришса, яхши бўларди.

— Мен шу ишга келдим, Оймулло,— деди Фируза.— Сизлар уйга киринглар, булар айвонга чиқсин, бу ерга эркаклар келишади. Ҳайдарқул амаки рўйхат қилмоқчи...

— Рўйхати нима, қизим?

— Ким қаёққа кетмоқчи бўлса, кета олади. Шунинг учун рўйхат қилишади, кимнинг қаёққа боришини аниқлашади.

— Илоҳи мингга кир, Фирузажон,— деб Ойшанинг

онаси яқин келди.— Мен билан Ойшажонни бу ердан тезроқ қутқаз! Бу муштумзўрларнинг башарасини кўришга тобу тоқатим қолмади.

— Майли, майли!— деди Фируза Ойшанинг бошини силаб.— Ғам еманг, ҳозир супага, айвонга чиқинглар, Ҳайдарқул амаки келиб рўйхатга оладилар ва қаёққа кетмоқчи бўлсанглар, жўнатадилар.

— Ҳайдарқул амаки дедингми? Бу амакинг нима ишда, асли қаердан?

Фируза ҳайрон бўлиб, Ойшанинг онасига қаради:

— Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитасида ишлайдилар. Асли Қоракўлдан шекилли... Нимайди, танийсизми?

— Йўқ...— деди хаёл суриб кампир,— менинг ҳам Ҳайдарқул деган акам бор эди, болалик вақтимизда бир-биримиздан жудо этишганди...

— Хайр, ҳозир кўрасиз,— деди Фируза.

Шундан сўнг хизматкорлар, дастурхончилар, «Ҳаммом» ўрдасининг қизлари Фирузанинг илтимосига мувофиқ супага чиқишди. Оймуллои Танбур дарвоза ёнидаги уйчага кирди, у шу уйчада турарди. Супа пасти бўшади. Шундан кейин Фируза дарвоза олдига бориб чақирди:

— Келинглар, марҳамат!

Ҳайдарқул билан соқчилар бошлиғи ичкари ҳовлига кирди. Уларнинг кетидан икки милиционер битта кичик стол ва битта курси кўтариб келиб, супа яқинига қўйди. Ҳайдарқул қўлидаги папкасини стол устига қўйди-да, унинг ичидан бир варақ қоғоз ва қалам чиқариб, супадаги аёлларга мурожаат қилди.

У инқилоб тўғрисида, озодлик кунларининг етиб келганлиги тўғрисида, амир ҳокимиятининг емирилганлиги тўғрисида ва бошқалар ҳақида содда, тушунарли қилиб гапирди, сўнг энди амир ҳокимиятининг қўли ёқангиздан бўғолмайди, энди ким қаёқни хоҳласа ўша ёққа кетиши мумкин, деб тушунтирди.

— Сизларнинг ёру дўстларингиз олдига, юртингизга етиб олишингиз учун,— деди у,— биз сизларга ёрдам берамиз, ким қайси вилоят ва қишлоқдан бўлса, ўша жойга элтиб қўямиз. Шу сабабли биз рўйхат тузамиз, кимнинг қаёққа боришини аниқлаймиз, шунга қараб иш тутамиз. Мен ҳукумат томонидан ана шу ишга

мутасаддиман... Қани, Фирузажон, сиз битта-битта сўраб айтаверинг, мен ёзаман.

Фируза супага, хотинлар олдига чиқиб олган эди. У хотинларга мурожаат қилишдан олдин супа лабига яқинлашиб деди:

— Аввал Оймуллонинг номини ёзинг! Агар шу бугуноқ мен бу кишини олиб бормасам, заргар амаким ғаму ғуссадан бир жойга етадилар.

— Жуда соз, ёзаман!— деди Ҳайдарқул, аммо ҳеч нима ёзолмади, чунки Оймуллонинг номини билмасди. У хаёл суриб Фирузага қаради:

— Заргар амакингнинг номи Тоҳиржон эди шекилли-а?

— Ҳа, Тоҳиржон!..— тасдиқлади Фируза.

Ҳайдарқул ёзаётган пайтда Ойшанинг онаси юзини рўмолининг учи билан тўсиб, Фирузага яқинлашди-ю, Ҳайдарқулга хитоб қилди:

— Ҳайдарқул!

— Лаббай? Номимни олиб чақирдингиз, мени танийсизми?

— Қайси мушфиқ сингил меҳрибон акасини танимас экан? Мен...

— Бибиражаб?..

Ҳайдарқул шундай деди-ю, қўлидан қалами тушиб кетди ва гангиб, ҳайрон бўлиб қолди... У кўз очиб юмгунча ўз қишлоғи, ҳовли-жойи, ота-онаси ва меҳрибон сингилчасини эслади. Бибиражабнинг овози гўё ёшлик чоғидаги ширин хотиралар юзини қоплаган пардани кўтарди ва Ҳайдарқулни ҳақиқий оламдан хаёлот оламига олиб кетди.

Бу воқеа қарийб қирқ йил муқаддам бўлган эди... У Бибиражаб билан ўйнаб юрарди, ғами йўқ эди, борлиқ олам унинг учун югур-югур, ўйин-кулги майдонидан иборат эди. Гоҳида қўй-эчкилар ортидан чопар, подачиларга ёрдам берарди, гоҳида ўйнаб юриб онасига ўтин териб келтирарди, гоҳида ўртоқлари билан кураш тушарди... Қаерда бўлса, сингилчаси Бибиражаб ундан бир қарич ҳам ажрамас эди. Агар у ўрик ё тутга чиқиб, мева қоқса, Бибиражаб пастда мева терарди, агар у дарё ёқасида балиқ тутса, Бибиражаб қармоққа тиқиш учун унга чувалчанг чопиб келтирарди, агар у эшак чоптириб тўсатдан йиқилиб тушса, Бибиражаб атрофида парвона бўлиб, унинг юз-кўзларидаги чанг-

чунгни артиб, қўл-оёқларини бошидаги рўмоли билан боғларди, агар у болалар билан курашга тушиб, кўйлагини йиртиб қўйса, Бибиражаб онам сезиб қолмасин деб уни дарҳол ечиб олиб ямарди... Ажойиб ширин ҳаёт эди... Очлик, йўқчилик, тирикчилик ғам-ғуссалари болалик этагига ёпиша олмасди. Улар бир парча қотган зоғора нон билан тўйиншарди, мева ейишарди, қўю эчки сути уларга куч берарди. Ёзнинг иссиқ кунларида кийим-кечак ғамини емасдилар, бир қават кўйлакиштон билан яланг оёқ дарё лабидаги қумлоқда чопиш яхшироқ эди, кавуш ё пойафзал кийиб юришдан шу афзалроқ туюларди... Аммо Қоракўлнинг изғиринли қиши уларни ташвишга солиб қўярди, ўйиндан маҳрум қиларди.

Бир куни икки-уч отлиқ келди-ю, ўн икки яшар Бибиражабни олиб кетди. Ҳайдарқул Бибиражабдан ажрагиси келмасди. Лекин отаси уни уришди, ҳатто уриб, уйдан ҳайдаб юборди. Ҳайдарқул умрида биринчи марта дард-алам билан йиғлади... У отасининг тарсакисидан эмас, балки синглисидан жудо бўлгани учун йиғлади. У йўл устидаги катта тутга чиқиб олиб, шох ва барглар орасига беркиниб пойлаб турди. Отлиқлар Бибиражабга паранжи ёпинтириб, бир отга бадқовоқ хотин билан мингаштириб олиб, ўтаётган вақтда Ҳайдарқул тош билан отлиқлардан бирининг бошидаги телпагини учириб юборди, бирининг отини шундай боплаб урдики, бир сакраб устидаги кишини ағанатиб юборишига сал қолди. Отлиқлар тошнинг қаёқдан отилганини билмай қолган бўлсалар ҳам, роса сўкиниб Бибиражабни олиб кетишди. Ҳайдарқул сал катта бўлгандан кейин ўша отлиқлар Бибиражабни отасининг қарзи учун олиб кетишганини тушунди. Кейинчалик ота-онаси қазо қилиб, ўзи тирикчиликнинг машаққатли йўлига қадам қўйганидан кейин Ҳайдарқул синглисини Ғиждувон томонга бировга хотинликка бериб юборишганини билди. Ҳатто у Бибиражаб яхши бир одамнинг қўлига тушганини, ундан бир қизчаси борлигини ҳам билган эди. Лекин Ҳайдарқулнинг ўзи ҳаётнинг даҳшатли гирдобига тушиб қолиб, синглисидан хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто ўз меҳрибон хотинидан ва ширингина қизидан ҳам жудо бўлган эди...

Шундай қилиб, орадан шунча йиллар ўтгандан

кейин Ҳайдарқул яна Бибиражабнинг овозини эшитди, меҳрибон синглисини яна қаршисида кўрди... Аммо, афсуски, бу Бибиражаб унинг тасаввуридаги Бибиражаб эмасди! Энди у қариб қолган, қадди бир оз букилган, овози ҳам оҳангдорлигини йўқотиб, хасталанган, бу овозда маъюслик, дард-алам бор.

— Бу тушимми ё ўнгимми?— деди Ҳайдарқул беихтиёр бир неча қадам олдинга босиб ва Бибиражаб томон қўл узатди. Бибиражаб ҳам ёшлардек ўзини супадан пастга ташлаб акасига ёпишди. Фируза бу манзарани кўриб, беихтиёр кўзларига ёш келди. Ҳозир бўлганлар бир лаҳза ўзларини унутиб, Ҳайдарқул билан Бибиражабнинг дийдор кўришларига ангрaйиб қолишди. Айниқса, Ойша терисига сиғмас эди, агар ҳаё монелик қилмасайди, супадан учиб тушиб, меҳрибон тоғасини қучоқлаб олган бўларди.

— Хўш, сен бу ерда нима қилиб юрибсан?— деди ниҳоят Ҳайдарқул Бибиражабга.— Ғиждувонда деб эшитган эдим, қизинг бор экан, аммо тирикчиликдан ортиб бориб хабар ололмадим...

— Ҳа, мен Ғиждувонга тушиб қолувдим,— деди кўз ёшларини артиб Бибиражаб.— Аҳволимиз ёмон эмасди, поччанг Ойшажоннинг отаси меҳнаткаш, яхши одам эди. Лекин Ойшажон ўн яшар бўлганда отаси тўсатдан касал бўлиб дунёдан кўз юмди. Қизим икковимиз кимсасиз қолдик. Чарх-дук қилиб, бировларнинг хизматини қилиб кун кечирардик. Лекин фалак шуни ҳам бизга кўп кўрди... Қизим кўзга кўриниб қолувдики, бизни кўролмайдиган кишилар бориб хабар беришибди. Бир куни амлакдорнинг одамлари келишди-ю, у-буни баҳона қилиб, алдаб мени амлакдорхонага олиб боришди. Уйинг куйгур амлакдор, қизингни амирга тортиқ қиламиз, деди. Мен дод дедим, тўполон қилдим, лекин фойда бермади. Ахийри ўзимни ҳам қизим билан бирга ўрдага юборадиган бўлишди. Ойшажондан ажралсам ўлганим эди... Нимасини айтай, тақдирга тан бериб, амир ўрдасига келдим. Йўқ, хайрият, Ойшажоннинг толеи баланд экан, биз амирнинг наҳс юзини кўрмасдан инқилоб бўлиб қолди...

— Хайрият, хайрият!— деди Ҳайдарқул.— Ойшажон қани?

— Ана, шу ерда! Кел, тоғангни зиёрат қил!

Ойша югуриб, супадан пастга тушди-да, келиб Ҳайдарқулга ёпишди. Ҳайдарқул уни пешанасидан ўпиб деди:

— Ҳай-ҳай, менинг Ойшажоним жуда чиройли, жуда катта қиз бўлиб қолибди-ку! Хўш, энди ниятларинг нима? Шаҳарда, менинг олдимда турасизларми ёки Ғиждувонга бориб, ҳовли-жойдан хабар оласизларми?

— Бир Ғиждувонга бориш керак...— деб қўйди Ойша.

— Ҳа, бир бориб ҳовлидан хабар олайлик,— деди Бибиражаб.— Билмадим, Каримжонимизнинг ҳоли нима кечдийкин? Бир тутунган ўғлимиз бор эди, Ойшажоннинг эгаси... Шу кузда тўй қилиб, куёв қилмоқчийдим...

— Тағин ўзимизнинг Каримжон бўлмасин?— деди Фируза Ҳайдарқулга мурожаат қилиб.

— Ажаб эмас,— деди Ҳайдарқул.— Бу ерда ўртоқ Куйбишев хизматида Каримжон деган бир йигит бор, урушнинг бошларида Ғиждувондан талабгор бўлиб келганди...

— Агар талабгор бўлиб келган бўлса, албатта ўша Каримжон!— деди бехосдан Ойша, аммо кейин гапидан уялиб, Бибиражабнинг орқасига яширинди.

— Уялма, жияним,— деди Ҳайдарқул.— Агар шу Каримжон сенинг қайлиғинг бўлса, мен чин кўнгилдан сизларни табриклайман, ҳақиқатан ҳам муносиб йигит... Насиб бўлса, тўй қиламиз, мурода мақсадингизга етиб, барча ғам-ғуссаларни унутасизлар! Хўп, бўлмаса, рўйхатга сизларнинг ҳам номларингизни ёзаман, Ойшажон! Ғиждувонга борасизлар... Хўш, яна кимни ёзай, Фирузажон?

Фируза бир хотинга мурожаат қилиб сўради:

— Холажон, номингиз Маҳбуба хола эди чоғи?

Аёл бош қимирлатиб «ҳа» деди.

— Қаердан бўласиз?

— Занданидан.

— Кимингиз бор?

— Билмайман,— деди Маҳбуба хола.— Билмайман, мен шунча йилдан бери тириклайин гўрда эдим, Занданида бирор кимим қолганми-йўқми билмайман... Ўн йил бўлди... Ўн йилдирки, мен бадбахт ёру диёримдан айрилиб, амир ўрдасига тушиб қолганман, қозонтовоқ, қора меҳнатдан бўлак ҳеч нимани билмадим,

кўрмадим, эшитмадим... аммо не-не кулфат, азобларни чекдим, ҳақорат, дашномлар эшитдим!

Ҳозир бўлганлар, айниқса Фируза билан Ҳайдарқул бу жафокаш аёлнинг гапларидан таъсирланиб, бир неча дақиқа гапиролмай, жим бўлиб қолди.

— Офарин!— деди ниҳоят Ҳайдарқул.— Амир даврида барча камбағалларнинг тақдири, насибаси шу эди, синглим! Мана энди эркин нафас оладиган даврингиз келди... Хўш, энди нима қилмоқчисиз? Бу ердан чиқиб, қаерга бормоқчисиз?

— Билмайман,— деди шўрлик аёл.

Яна бир минут жимлик ҳукм сурди. Ҳайдарқул ҳайрон бўлиб қолди. Бу ерга тўпланган хотин-қизлар орасида мана бунақа кимсасиз, бошпанасиз аёллар анча-мунча бўлса керак, нима қилмоқ керак? Хотин-қизлар клубига боришармикин? Наҳотки биринчи хотин-қизлар клуби ўрданинг асиралари билан тўлса? Хўш, тўлса нима бўпти? Кимсасиз, азоб-уқубат чеккан шу аёллардан кўра муносиброқ киши бормикин ахир?!

— Бу кишини клубга ёзмайсизми?— деб сўради Фируза ишонқирамай.

— Яхши бўлади,— деди қатъий бир қарорга келиб Ҳайдарқул.— Хотин-қизлар клубига борасизми?

Аёл ҳайрон бўлди. У клубнинг нималигини ва у ерга қанақа ишга боришини билмасди.

— Билмасам,— деди ўйланиб туриб Маҳбуба хола.— Агар Занданида бирорта авлодимиз тирик бўлганида йўқлаб келарди... Мен яна кимнинг эшигига бораман?

— Йўқ, хотин-қизлар клубига!— деди Фируза.— То бирор кишингиз топилгунча, шу клубда турасиз.

— Хотин-қизлар клубини билмасам, қанақа жой экан?

— Хотин-қизлар клуби,— деди Ҳайдарқул,— катта бир ҳовли, хоналари кўп. Бу ерда хотин-қизлар туришади, хотин-қизлар йиғилишади, ишни хотин-қизлар олиб боришади. Тирикчиликка керакли ҳамма нарса муҳайё. Бунинг устига ўқитишади, ҳунар ўргатишади...

— Ҳа,— деди тушунгандай бўлиб Маҳбуба,— гарибхона денг?

Аёллар орасида шов-шув кўтарилди:

— Ўрдадан чиқиб, ғарибхонага борар эканмиз-да!

— Қордан қутулиб, ёмғирга тутилгандай!

— Ғарибхона бўлса майлику-я, тағин «бошқача уй» бўлмасин!..

Аёлларга яқин турган Фируза бу гапларни эшитиб, ялт этиб Ҳайдарқулга қаради. Ҳайдарқул ҳам лабини тишлаб, бир оз ўйлаб турди-да, деди:

— Йўқ, ғарибхона эмас! Хотин-қизлар клуби — бахт-саодат уйи, ҳузур-ҳаловат уйи, нажот, умид уйи, ҳалоллик, покизалик уйи. Бундай жой ҳалигача йўқ эди. Аёллар клубини Шўро ҳукумати ташкил қилади, унга қараб туради. Чунки Шўро ҳукумати хотин-қизларга тўла ҳуқуқ беради, аёлларни эркаклар билан бир қаторда кўради.

— Мен ҳам хотин-қизлар клубида ишлайман,— деди Фируза.— Худога шукур, мен ғариб эмасман-ку!

— Хайр, ундай бўлса, ёзинг!— деди Маҳбуба.

Ҳайдарқул ёзди-ю, Фирузадан сўради:

— Яна кимни ёзай?

Фируза бошқа бир аёлга қараб деди:

— Номингиз Саломат опа эди-а?

Саломат жавоб бериш ўрнига ҳўнграб йиғлади.

— Ҳа, ҳа?— деди ҳайрон бўлиб Фируза,— нега йиғлайсиз? Сизга нима бўлди?

— Йўқ... Шундай,— деди қиқиллаб Саломат.

— Алами зўр!— деди Бибиражаб.— Бу аёл Ундаридан. Бир кўнгил берган йигитига фотиҳа бўлган экан. Аммо қози одам юбориб, олдириб келиб, амирга тортиқ қилган экан. Буни ҳам яқинда олиб келишган эди. Амирга маъқул бўлмади. Лекин ўрда аҳлини Шофиркомга, Олимбойнинг Ундаридаги чорбоғига олиб борган вақтда, бу қизнинг қайлиғи лоақал келиб хабар ҳам олмади. Кейин билсак, йигит аллақачон бошқа хотин олган экан. Бу қизнинг қари амакисидан бўлак кишиси йўқ.

— Қизим, Саломат,— деди Ҳайдарқул,— йиғлама, садқаи кўз ёшинг кетсин ундай йигитлар! Агар истасанг, Ундарига, амакингникига юборамиз. Яна бахтингни топасан!

— Йўқ,— деди Саломат,— мен энди Ундарига бормайман. Керак эмас. Мени ҳам анави жойга... номи нима эди? Маҳбуба хола борадиган жойга ёзинг.

— Хотин-қизлар клубигами?— сўради Фируза.

— Ҳа, хотин-қизлар клубига!— деди Саломат.

— Майли,— деди Ҳайдарқул.— Клубга ёзаман.

Шу пайт ташқаридан бир йигит гурс-гурс қадам ташлаб кириб келди. У тахминан йигирмаларда эди, кўз-қошлари қоп-қора, юзлари чўзиқ, буғдой ранг, сочлари жингалак... Бошида солдатча қора барра телпак, эгнида ҳарбий кийим, қўлига қизил лента боғлаган, кўксида ва белида ўқдонлар осиғлиқ, камарида тўппонча, оёғида этик... У Ҳайдарқулнинг столи олдига келиб солдатчасига салом бериб деди:

— Ўртоқ комиссар, сизга ўртоқ Куйбишевнинг топшириғини етказишга ижозат беринг!

— Карим!.. Каримжон!— бу Ойшанинг овози эди, унинг бутун жўшқин эҳтироси, ёшлик ҳарорати уйғониб, катта ҳовлининг кенг фазосида янграб кетди. Карим одат ва одоб юзасидан хотинлар томонига қарамасдан, фақат Ҳайдарқулга мурожаат қилиб турган эди. У бу таниш овозни, бу дилкаш, ёқимли овозни эшитгач, анграйиб, лол-ҳайрон бўлиб қолди: наҳотки, бу овоз азиз маҳбубасининг жон бағишловчи ўша овози бўлса? Наҳотки, Карим Ойшанинг овозини эшитган бўлса, наҳотки, унинг учун ҳамма нарсадан қимматли... жонидан ҳам, юрагидан ҳам, бошидан ҳам, бутун борлиғидан ҳам азизроқ бўлган Ойшажон бўлса?.. У Ойшажонни қутқазиш учун бошидан ҳам, жонидан ҳам кечишга тайёр эди. Лекин қўйишмади... Унинг қўл-оёғини боғлаб, зиндонга ташлашди... Кейин у ёр-дўстларининг ёрдами билан Ғиждувон амлакдорининг зиндонидан қочиб, кечалаб йўл юриб, Самарқандга борди ва инқилоб қўшинига кирди. Анча вақтгача уни синашди, анча вақтгача ўрганишди, унинг содиқлиги, самимийлигини кўриб ишонч ҳосил қилишди, ниҳоят Ўртоқ Куйбишевнинг хизматига қўйишди...

Бир куни, инқилоб арафасида Когонда Каримнинг хурсандлигини кўриб Валериян Владимирович сўради:

— Бугун димоғинг чоғ, жуда хурсанд кўринасан?

— Тўғри, ўртоқ Куйбишев!— деди Карим.— Хурсандман, теримга сиғмай кетяпман...

— Жуда яхши, боисини айт, мен ҳам сен билан бирга хурсанд бўлай!

— Хурсандлигимнинг боиси шуки,— деди Карим,— эрта-индин кўҳна Бухоро қалъасига ҳужум бошлаймиз, амирлик ўргимчак уясини бузиб, парча-парча

қилиб ташлаймиз... мен эсам Ойшажонимни топаман, амир ҳарамини остин-устун қиламану Ойшажонни топиб оламан... мурод-мақсадимга етаман...

— Жуда соз... Аммо борди-ю, топмасанг-чи?

— Топмасамми?— Карим жим бўлиб, нима дейишини билмади. Чунки у ҳақиқатан ҳам ишнинг бу томонини ўйламаган эди. Бу савол унинг шод кўнглини ғамгин қилди ва ҳатто ваҳимага солди.

— Дарҳақиқат,— деди у бир оз ўйлагандан кейин,— дарҳақиқат... тополмаслигим ҳам мумкин. Ким билади...

Куйбишев жилмайиб ўрнидан турди ва Каримнинг ёнига келиб елкасига қўлини қўйди:

— Хафа бўлма, албатта топасан! Ойшанг ўзинг айтганингдек, жасур, шаддот қиз, сени севади, шундай эмасми? Модомики, шундай экан, у ҳам сенга етишишга ҳаракат қилади. Албатта бир-бирингизни топасиз. Лекин Ойшани топиш билан иш битмайди, ўғлим! Амирлик ўргимчак уясини йўқ қилиб ташлагандан кейин, янги турмуш, янги ҳаёт асосини қуриш керак, бу иш ҳам жангсиз, курашсиз бўлмайди... Бинобарин, катта ишлар учун белингни маҳкам боғла, ўғлим!

— Хизматга тайёрман!— деди Карим яна руҳланиб.— Бир вақтлар раҳматлик отам ҳам тирикликда сира хотиржам, бепарво бўлма, бир ишни битирсанг, иккинчиси кутиб туради, дер эдилар.

— Балли,— деди Куйбишев.— Отанг тўғри айтибди. Отанг нима иш қиларди?

— Мардикор эди... Отам мени Ҳисордан елкасида кўтариб, Зирабулоқ пахта заводига олиб келгани ҳалиҳали эсимда. У ерда ҳамшаҳарларимиз бор эди, пахта тойларини кўтариб вагонларга ортишарди. Отам ҳам улар билан бирга ишлай бошлади. Икки йил ишлади, учинчи йилнинг бошларида тахтадан тойилиб, юк билан пастга ағанаб тушди-ю, бели синди. Бир неча ой касал ётгандан кейин зўрға оёққа турди ва мени олиб Ғиждувонга келди. Бу ерда позарезларнинг хизматини қилди, икки-уч ойдан кейин вафот этди. Мен Ойшаларникида қолдим, у билан бирга катта бўлдим...

Валерян Владимирович бу қисқача саргузаштни эшитиб, бир оҳ тортди-да, бош чайқади ва бир неча дақиқа индамай хонада у ёқдан бу ёққа юрди.

— Ҳа,— деди у ниҳоят, номаълум бир нуқтага тикилиб туриб,— ҳа, бу минглаб камбағаллар, меҳнаткашларнинг саргузашти, улар бошларидан кечирган қора кунлар уларни инқилоб сари, улуғ инқилоб йўлига олиб келди. Шунинг учун ҳам бу инқилоб ғалаба қозонади ва мазлумларга бахт-саодат эшигини очади. Сен, албатта, мурод-мақсадингга етасан, албатта Ойшани топасан, Карим!

Шундай қилиб Валериян Владимировичнинг айтганлари бўлди. Карим ўз Ойшасини топди... Бу овоз, бу хитоб уники, шунинг учун ҳам Карим шунчалик лол-ҳайрон бўлиб қолди.

— Лаббай? Бу... Ойшами? Ойшажон!— деди ва Ойша томонга беихтиёр бир неча қадам босди. Ойша ҳам ўзини унутиб, унинг истиқболига шошилди. Улар юзма-юз бўлди, аммо шарм-ҳаё ўртага тушди-ю, бир-бирининг қўлини ушлаш билан қаноат қилишди.

— Вой, айланай, Каримжон,— деди Бибиражаб ҳам.— Хайрият, сени соғ-саломат кўрар эканмиз-а!

— Салом, бувижон!— деди Карим.— Эсон-омонмисиз?

— Шукур, шукур! Инқилобдан айланай, бир-биримизга етказди. Ҳартугур амирнинг наҳс юзини кўрмай, ёруғ кунга чиқдик...

Ҳайдарқул, Фируза ва супадаги аёллар бу учрашувдан, икки ёшнинг кўришишидан хурсанд, ширин суҳбатларининг гувоҳи бўлдилар.

— Худога минг қатла шукурки, мен акамни, Ҳайдарқулни топдим, Каримжон эса бизни топди.

Буни эшитиб, Карим яна ҳам ҳайрон, яна ҳам хурсанд бўлди.

— Наҳотки шу рост бўлса-а?— дерди у.

— Ҳа, Ҳайдарқул менинг тоғам бўладилар!— дерди Ойша қувониб.

— Хўп,— деди ниҳоят Ҳайдарқул Каримга қараб.— Сиз нима демоқчи эдингиз, Каримжон?

— Кечирасиз, ўртоқ комиссар,— деди Карим,— мен Ойшажонни кўриб, ўзимни йўқотиб қўйдим... Ўртоқ Куйбишев сизни кўрмоқчи. Бугун кеч соат бешда сизни кутадилар.

— Жуда яхши. Албатта бораман,— деди Ҳайдарқул.— Мен ҳам сиздан, Каримжон, бир нарсани илтимос қилмоқчиман: Сиз ўртоқ Куйбишевдан рухсат

олиб, Ойшажон билан онасини Ғиждувонга элтиб қўйиб келсангиз, қандай бўларкин?

— Бу айни муддао!— деди Каримжон.

— Шу бугуноқ кетамиз!— деб қўйди Ойша.

— Ундай бўлса, бориб майда-чуйдаларимизни йиғиштирайлик,— деди Бибиражаб ва энди уйга ўтмоқчи бўлиб туришганда ташқаридан Асад Махсум икки одами билан кириб келди ва кўз қирини ташлаб, Ойшани кўриб қолди, Ойша хурсандлигидан юзини рўмоли билан бекитмаган эди. Асад Махсум умрида бундай гўзал қизни, бундай ҳусну жамолни кўрмаган эди. Бу шаҳло кўзлар, қора қошлар, бодом қовоқлар, миста даҳанлар, келишган нозик қад-қоматлар Асад Махсумни беихтиёр бир неча қадам олға босишга мажбур этди. У бу ерга нима иш билан келганини, бу ерда кимлар борлигини, улар нима иш қилаётганлигини ҳам унутди... У Ҳайдарқулнинг ёнига қайтиб, салом-аликдан олдин деди:

— Бу паричеҳра ким экан? Наҳотки амир ҳарамидан бўлса?

— Салом, Махсум!— деди Ҳайдарқул важоҳат билан.— Хизмат?

Ҳайдарқулнинг таъсирли, жиддий гапи Асадни ўзига келтирди.

— Салом, салом!— деди у шоша-пиша...— Кечирасиз, ўртоқ комиссар, қизларнинг гўзал чеҳраси доим мени ақлдан оздиради... Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост. Бу қизни кўрдиму, салом-аликни ҳам эсдан чиқариб қўйдим...

— Бу қизнинг эгаси бор, Махсум, яхши эмас!

— Энди хотин-қизлар озод, энди эгалари йўқ!— деди кулиб Махсум.

— Бу қиз жияним бўлади,— деди жиддий қилиб Ҳайдарқул.— Каримжонга унашилган.

— Э, муборак бўлсин, муборак бўлсин!— деди Махсум Каримга қараб.— Мен билмабман, узр! Қани, тўй қачон?

— Худо хоҳлаган куни!— деб қўйди Карим.

— Аммо менсиз тўй қилма, хафа бўламан, Каримжон! Ҳа, билиб қўй...

— Вақтимиз тиғиз... Аёллар кутишяпти!— деди Ҳайдарқул яна Асаднинг гапини бўлиб,— хизмат бўлса, марҳамат, айтинг!

Бу сафар Асад Махсум Ҳайдарқулнинг ёнгинасига келиб паст овозда шивирлади:

— Агар рухсат берсангиз, пошшобибига бир гапим бор.

— Қандай гап экан?

— Биз бир ҳарбий ҳийла ўйлаб топдик: Шўро ҳукуматининг душманларини гап-сўзсиз, жанг-жадалсиз, қон тўкмасдан таслим қилдириш учун амир онаси номидан мурожаатнома ёздик, ана шунга муҳр бостириб олиш керак.

— Ҳийла-найрангсиз ишласак, яхши бўлмасмикин?— деди Ҳайдарқул.

— Мумкин, албатта...— деди Асад ва бир оз ўйлаб тургач, давом этди:— Аммо қон тўкилади! Ҳозир Бухоро атрофларида кичик-кичик босмачи тўдалари пайдо бўлмоқда. Ҳар куни кечаси бир қишлоқни босиб, талон-торож қилишяпти. Йўловчи ёлғиз-ярим солдатларни ўлдириб, қурол-яроғларини олишяпти. Ҳа кечаси тинчлик бор, на кундузи. Бу кичик группаларнинг қай бири билан жанг қиласан киши?! Кошки бекиниб юришмаса... Шунинг учун бу мурожаатнома ҳар ҳолда уларни шаштидан қайтариб қўярмикин дейман, таслим бўлсалар ҳам ажаб эмас...

Ҳайдарқул ўйланиб туриб рухсат берди.

Асад Махсум Фируза олдидан ўтиб, катта уй даҳлизининг эшигига борди. Фируза билан Ҳайдарқул рўйхатга олишни яна давом эттиришди. Карим бирпас қараб турди-да, кейин Ҳайдарқулдан рухсат сўраб кетди, у Ойша билан онасини Ғиждувонга олиб бориш учун ижозат олиб, бирор арава топиб келтирмоқчи эди.

Аммо Асад Махсум катта уй даҳлизига кириб, эшик ортидан амирнинг онаси яқинроқ келсин деб илтимос қилди, сўнгра деди:

— Ассалом, жаноби пошшобиби! Мен Асад Махсум бўламан, Бойсун қозисининг ўғли... Сизга жаноби Мирза Муҳиддин Мансуров салом йўлладилар.

— Салом йўлламай ўлсин у кўрнамак!— деди пошшобиби.— У кимнинг сояи давлатида шунча бою бадавлат бўлиб кетди? У кимнинг сояи давлатида Мирза Муҳиддин бўлди? Амир Олимхоннинг сояи давлатида эмасми?! Наҳотки, киши ўз соҳиб давлатига хиёнат қилса?

Асад бирпас нима дейишини билмай қолди. Ахир, бу кампир қурғур инқилобнинг маъносини билмаса, бу ҳодисаларни, урушларни, қон тўкишларни ва инқилобни Мирза Муҳиддинга тақаса, унга нима ҳам дейди?! Мирза Муҳиддин ҳам қизиқ... Кампирни эъзозлаб, унга салом дейишнинг нима кераги бор эди? Махсум мурожаатномага муҳр бостириб олиш учунгина бу топшириқни қабул қилган эди. Аммо бу лақма кампир нималар деб алжияпти?!

— Жаноби Мирза Муҳиддин айтдиларки,— деди ниҳоят Асад, кампирнинг гапларига эътибор бермай,— ҳеч парво қилмай, бу ҳовлида ўз яқинларингиз билан баҳузур яшайвераркансиз, бирор камчилигингиз бўлса, дарҳол бир хатча ёзиб, у кишига юбораркансиз, мушкулингиз зудлик билан осон бўларкан.

— Хайр...— деди амирнинг онаси эшик орқасидан ва бир оздан кейин илова қилди: — Жаноби олийдан қанақа хабар бор? У киши қаерда эканлар?

— Жаноби олий Душанба — Ҳисорда дейишади... Урушлар тугаб, жаноби олий бирор жойда қарор топсалар, сизни у кишининг олдига юборишади. Аммо ҳозир ҳаммасидан олдин хотиржамлик, осойишталик керак. Бухоро атрофида бир тўда сарбозлар, шербаччалар ва бошқа амир тарафдорлари беҳудага қон тўкиб, элни безовта қилмоқда. Мирза Муҳиддин бу ишлардан бирор фойда йўқ, зиён-заҳматдан бўлак натижа чиқмайди деяптилар! Биз яхши биламизки, ҳазрати пошшобиби оқила ва доно аёл. Шу сабабли сизнинг номингиздан бир нома ёздик, бу тўдаларнинг ҳаммаси каминага таслим бўлишсин, биз катта, қудратли қўшин тузиб олайлик, ана шундан кейин нима хоҳласак, қилаверамиз. Қурол-яроғ топамиз, аммо бирлашиш керак. Агар шу тариқа тўда-тўда бўлиб, ўз биродарларимизнинг қонини тўкаверсак, ўрислар келиб яна ҳаммани қириб ташлайди. Мана, агар бу нома сизга маъқул тушса, табаррук муҳрингизни босиб берсангиз, жуда яхши бўларди...

— Қўшин тузиб,— деди пошшобиби,— нима қилмоқчисан?

Асад Махсум яна ҳайрон бўлди. Мендақа аҳмоқ кишиларгина бу кампирни содда дейишади! Вой-бўй, бу бемаъни кампир нималарни истамайди! Мен унга барча ният, мақсадимизни айтиб беришим керак

экан... Йўқ, онажон, бу сир-асрорни ҳали ҳеч ким билмайди, била олмайди ҳам, дерди ичида...

— Мамлакат қўшинсиз бўлмаса керак!— деди Асад чучмаллик билан. — Агар кучли бўлиб турсак, бизга ҳеч ким теголмайди.

— Саид амир Олимхонни яна тахтга ўтқазасанми?

Асад баттар ҳайратда қолди. Агар «номаъқул қилибсан, амир Бухорони энди тушида ҳам кўрмайди!» деса, бу кампир мурожаатномага муҳр босмайди, агар «ҳа, амирни келтириб тахтига ўтқазаман» деса, ёлғон гапирган бўлади, борди-ю, бу гап катталар қулоғига етса, яхши бўлмайди. Шунинг учун шундай деди:

— Кейин кўрамиз, қани, ишлар қандай бўлади. Аммо сиз бу номага имзо чекинг. Обрў-эътиборингиз ошади. Қон тўкилишидан безиллаб қолган эл номингизни эшитиб, ҳаққингизга дуо қилади. Кўп яхши бўлади.

— Хайр, қани ўша қоғозинг?

Асад мурожаатномани ичкарига узатди. Амирнинг онаси Оймуллои Танбурни чақирди:

— Буни ўқиб бер, қани нималар ёзибди?

Оймулло мурожаатномани ўқиб берди. Мурожаатномада пошшобиби номидан исёнчи фуқаролар ва Шўра ҳукуматига қарши қурол билан урушаётган кишилар зудлик билан таслим бўлишлари керак. Чунки Бухоронинг бу янги ҳукумати ҳақиқатан ҳам одил ва фуқаропарвардир, мен ўзим ҳам бу ҳукуматнинг соя и давлатида тинчгина яшаяпман. Бу ҳукумат ҳам ислом ҳукумати, ўз ҳукуматимиздир, деб ёзилган эди...

— Яна нима дебди?— деди амирнинг онаси ранжиб.— Яна нима деб ёзибди?

— Ҳаммаси шу... Фақат имзо билан муҳрга жой қолибди!— деди Оймулло ва мурожаатномани амирнинг онаси томонга узатди.

Кампир қалтироқ қўллари билан уни олди-ю, бир дақиқа тикилиб туриб деди:

— Сен Бойсун қозисининг гумроҳ ўғли, ҳар ҳолда хонадонимизнинг нон-тузини егансан! Шу ёлғон-яшиқ сафсата остига муҳр бостириб олгани уялмайсанми?

Бойсун қозисининг ўғли қарасаки, бу кампирга макр, ҳийла-найранг ишлатиб, бир иш чиқаришнинг

иложи йўқ. Кампир Асад ўйлагандан кўра ақллироқ, идроклироқ экан. Шу сабабли у жиддий қилиб деди:

— Аввало шуки, бу сафсата эмас...

— Ҳали ҳукуматингнинг одил, фуқаропарвар эканлигини синаб кўриш керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди!

— Ҳар ҳолда мурожаатномага шу гаплар керак!

— Яъни керак бўлса, раво бўлғай, дегин!— истеҳзо билан кулди амирнинг онаси.

Асад гапда енгилиб, икки қўлини бурнига тиқиб чиқиб кетишига сал қолди, лекин амирнинг онаси бошқа ёқдан гап бошлаб, унинг мушкулини осон қилди.

— Ўзинг ўз тилинг билан менга айтганингдек, ислом ғозилари Бухоро мулкида чочилиб, ёйилиб ҳар қайсиси ўз бошича жанг қилаётгани ҳақиқатан ҳам рост, улар кучсизликдан яқин кунларда енгилиб қолишлари мумкин, бу яхши эмас. Агар сен уларни бирлаштирмоқчи бўлсанг, агар сен жаноби олий давлатларини барқарор қилмоқ учун жон койитсанг, у ҳолда мен қўлингга шундай зўр васиқа бераманки, унинг кучи Ҳотами Сулаймон билан тенгдир! Маъқулми?

Бугунгача амир онасини нодон ва айш-ишратга берилган қадимий бир аёл деб ўйлаб юрган Асад амир онасининг бундай тасодифий ва жасурлик билан қилган таклифидан ҳайрон қолди.

У бир лаҳза ўйланиб турди-да, деди:

— Гапингиз тўғри-ю, лекин бу номага ҳам муҳр босиш керак-да... Шунинг учун мени бу ерга, ҳузурингизга киришга рухсат этишди, йўқса, бу ерга кириш қайда дейсиз. Аммо анави Ҳотами Сулаймон албатта бошқа гап! Мен сизга, пошшобиби, арз қиламанки, сиз валию авлиёлик кучи билан дилимда бордан хабардор бўлдингиз ва ишонаманки, бу сир орамизда қолади. Дарҳақиқат, тарқоқ ислом ғозиларини бирлаштирмоқ, бир жойга тўпламоқ лозим. Бу менинг ягона муроду мақсадимдир. Агар худо куч-қувват, сиз оқ фотиҳа берсангиз, мен шу иш пайидан бўламан.

— Майли, бу мурожаатномага муҳр босиб бераман,— деди амирнинг онаси Асадни хурсанд қилиб,—

аммо буни Жаббор қўрбоши ё бирор катта лашкарбошига кўрсатма, ишонмайди. Эртага шу вақтда кел. Сенга бошқа бир васиқа тайёрлаб бераманки, ўзинг ҳам хурсанд бўласан. Лекин ваъдага вафо қилишинг керак, акс ҳолда балога йўлиқасан, худо уради, сени!

— Хўп бўлади,— деди Асад, аммо ичида сен менга мурожаатнома билан айтган васиқангни муҳрлаб бер. У ёғини ўзим биламан, деди... — Албатта, ваъдага вафо қилиш бурчим! Лекин эртага ҳузурингизга келишим гумон, қўйишмайди, шубҳа туғдириб қўйишим эҳтимолдан узоқ эмас.

— Мен Мирза Муҳиддинга хат ёзиб бераман. Эртага жавобини келтирасан!

— Майли,— деди Асад ва кутиб турди.

Пошшобиби Оймуллои Танбурга мурожаат қилди:

— Ёз! Мирза Муҳиддинбой! Меҳмондўстлигингдан хурсандмиз. Сояи давлатингда соғ-саломатмиз! Қоплон атрофида аскарларингни кўпайтиравер, мабодо қочиб кетмайлик. Майли, ихтиёринг! Лекин одамларга рухсат бер, кириб-чиқиб туришсин. Агар яна меҳрибонлик қилмоқчи бўлсанг, ушбу мактубни олиб борадиган киши орқали амир Олимхоннинг саломатлиги тўғрисида менга хабар қил! Бирор сават Ғурбун аноридан топиб юборсанг, ёмон бўлмас эди. Эртага жавобингни кутаман. Пошшобиби.

Оймулло мактубни ёзиб, пошшобибига узатди. У муҳр босгач, Асадга топшир деб дастурхончи ойимга узатди.

— Бу мурожаатномами?— деб сўради Асад.

— Ҳа, нома...— деди кампир истеҳзо билан ва унинг остига ҳам муҳр босиб берди. Асад мурожаатномани олиб, ташаккур айтди-да, эшик ортидан узоқлашди. Сўнгра Оймуллои Танбур пошшобибига мурожаат қилди:

— Ҳазратим,— деди у,— энди менга ҳам рухсат этинг, ўз уйимга борай. Қулингиз заргарбобо ғам-ғуссадан ўлишига бир баҳя қолди...

— Ҳа, энди сен ҳам қочмоқчимисан?!

— Йўқ, мен доимо келиб, хабар олиб тураман.

— Агар келмасанг, Мирза Муҳиддинга ёзаман. Аскар юбориб, олдиларига солиб келтиришади.

— Ўша даражага етмасмиз, иншооллоҳ...

— Хайр, майли, бор, ижозат! Лекин аввал ўзимизнинг номамизни ёзайлик, қоғоз билан қалам ҳозирла!

Оймуллои Танбур таъзим қилиб, ташқари чиқди ва енгил оҳ тортди.

6

Бухоро атрофида куз кечалари совуқ бўлади, айниқса Пули Меҳтар Қосим* яланглигида Зарафшон дарёсидан совуқ шамол эсиб, юпқа кийинган кишиларни дилдиратарди. Тахминан тўрт-беш чақирим атрофтеваракда на дарахт, на қишлоқ ва на ободликдан нишона бор эди. Фақат кўприк бошида бир неча сарой, беш-олтита дўкон ва икки-учта пахсалик уйлар бор эди. Уларнинг атрофида ҳам дарахт кўринмасди, ҳамма ерни шўр босиб, оппоқ туз билан қопланганидан ҳатто қоронғи кечада ҳам оқариб кўринарди.

Кўприкнинг чап томонида, Ғиждувонга олиб борадиган йўлда, дарё пастқамлигида тўппонча ва милтиқлар билан қуролланган беш-олтита одам йўлни пойлаб ётар ва ҳаммаси совуқдан дағ-дағ қалтирар эди.

— Наим, ҳо Наим!— деди улардан бири қалтираб.— Бу ҳавонинг совуғими ё дарёнинг?

Наим индамай йўлга қаради. Йироқдан кўприкнинг нариги томонидаги уйлар ва дўконларнинг қораси зўрға кўринарди, кўприк устида ҳам, бирон бошқа жойда ҳам қимир этган бирор қора кўринмасди. Озгина дарё сувининг шилдирашидан бошқа овоз ҳам эшитилмасди. Ҳаво булут бўлиб бирорта юлдуз ҳам милтилламас эди.

— Наим! Ҳо Наим Заҳар!— деди яна ўша киши.— Нега гапирмайсан?!

— Нима дейин?

— Сен ҳам мендай қалтираяпсанми?

— Йўқ!..

— Бунчалик қалтирашим нимаданийкин?

— Қўрқишдан!

Бир-икки киши пиқиллаб кулиб юборди.

---

* Пули Меҳтар Қосим — Зарафшон дарёси кўприги, Вобкент яқинида *(авт. изоҳи)*.

— Нега куласизлар?— деди аввалги кищи.— Нима, сизлар қўрқмайсизларми?!

— Саидакрам!— деди дўқ уриб Наим.— Товушингни ўчир, йўқса...

— Нима қилардинг?!

— Бориб Махсумга айтаман, таъзирингни бериб қўяди!

— Махсуминг саройнинг иссиққина ҳужрасида дўстлари билан маза қилиб ухлаяпти, биз эсак бу ерда йўл пойлаяпмиз!.. Тагин менинг таъзиримни берар эмишлар! Тавба, лоақал ўзаро ҳам гаплашмайликми?

— Гапирсанг ҳам секинроқ гапир, иблис!— деди Наим.— Сен қанақанги қароқчисанки, «ов»нингнинг ҳуркиб кетишини ўйламайсан?

— Мен қароқчи эмас, қароқчининг кушандаси!

— Бўш келма!— деб қўйди биров, яна ҳамма кулди.

— Нега куласизлар? Ахир, шундай эмасми, Наим? Гапир! Биз кимнинг йўлини пойлаяпмиз? Махсум қайси бир босмачи бир аёл билан қизни ўша жойдан олиб ўтади, сизлар унинг қўлидан асираларни қутқаринглар деб айтмадими?

— Тўғри,— деди Наим ва мийиғида кулиб қўйди, лекин унинг кулганини қоронғида ҳеч ким кўрмади.

— Шошма, босмачи албатта битта бўлмайди, тўғрими? Агар улар кўпчилик бўлиб, қасира-қусур милтиқ отишса, нима қиламиз?

— Қочмаган номард!— деб қўйди биров.

— Биз ҳам қасира-қусур қиламиз-да,— деди бошқа бирови.

— Хотиржам бўл!— деди Наим.— Икки кишидан ортиқ эмас!..

Улар анчагача пойлашди, лекин катта йўлдан ҳеч ким ўтмади. Ниҳоят, шарқ томонда уфқ оқара бошлаганда Наим Заҳар ўрнидан туриб, таёқдай қотиб қолган қўл-оёқларини ёзди-да, деди:

— Жимгина пойлаб ётинглар, яна ухлаб қолманглар. Мен бориб Махсумдан хабар олиб келай.

Наим атрофни диққат билан кўздан кечирди-да, аста-секин катта йўлга чиқди ва кўприкнинг нариги томонига тез юриб кетди. Ҳаво борган сари совиб, кўприк устида шамол қаттиқроқ ғувилларди. Кўприкнинг нариги ёғидаги иморатлар афсонавий қалъалардек

туюларди. Пастак ва ғариб иморатлар қоронғиликда Наимнинг кўзига осмондан тушган тоғ парчаларидек кўриниб, сурмасимон қир каби йўл олдини тўсиб турар эди.

Кўприкнинг нариги бошида икки катта чойхона бўлиб, дарё бўйида, катта йўл ёқасида айвон, кат, супалари бор эди. Чойхоналарнинг нариги ёнида икки-уч баққоллик, атторлик дўконлари, саройларнинг дарвозалари ўнг ва сўл томондан кўринарди. Иморатлар ўртаси катта кўча бўлиб, Бухоро — Ғиждувон йўлининг давоми эди. Наим Заҳар кўприк бошига етганида чойхона ҳовлисида хўроз қичқирди, бир лаҳзадан кейин биров йўғон овозда сўради:

— Ким? Наим ака, сизми?

— Ҳа, Шербой, уйғоқмисак?— сўради олдинроққа бориб Наим. Қайси бир девор орқасидан милтиқли одамнинг қораси кўринди-да, Наимга яқинлашиб деди:

— Уйғоқман... Бу совуқда уйқу келарканми?!

Бу чорпахил, гавдали, қўрс бир киши эди. Унинг бошида бухороча барра телпак, эгнида қора форма, оёғида этик бор эди. Юзини қора соқоли босиб кетганидан қоронғиликда юзи қорароқ кўринарди. Қора башарасида мушукникига ўхшаган кўзлари ҳар замонда ёниб, ялт этиб қўярди.

— Хўжайинлар ухлашганмикин?— сўради Наим Заҳар.

— Билмадим, Бухоро томондан келишганига бир соатча бўлди...

Наим ҳайрон бўлди-ю, лекин бошқа гап сўрамади ва сарой дарвозаси томон кета туриб деди:

— Хўп, ҳушёр бўлиб тур. Агар Бухоро томондан арава кўринса, одамларимга ишора қил, менга хабар бер!

— Хўп бўлади!— деди Шер.

Наим саройнинг қуйи дарвозасини очиб, ичкари кирди, қараса қоровул девор тагига тахлаб қўйилган қоплар устида милтиғини қўлтиқлаганича ухлаб қолибди. Наим унинг қўлтиғидан милтиқни секин олди. Қоровул ҳам худди шуни кутиб тургандай ёнига ағнади-да, қаттиқ уйқуга кетди. Наим қўлида милтиқ билан уй муюлишидан ўтмай секин йўталди. У бу ерда, айвон тагида, уйга киравершда кал Оқилов ўрин солиб, уйғоқ ётишини, ҳар бир шубҳали қорани

суриштирмай отиб ташлаши мумкинлигини биларди. Аммо ҳозир Наимнинг йўталишига ҳеч ким товуш чиқармади, Наим қўрқа-писа айвонга яқинлашди, назарида кал Оқилов ўрингa кириб ухлаб ётгандай эди.

— Оқил ака, ҳо Оқил ака!— деди паст товушда Наим Заҳар. Жавоб ўрнига айвон супаси остидан бироз ғўлдиради, бир оздан кейин пастдан Оқиловнинг қораси кўринди.

— У ерда нима қилиб юрибсиз?— сўради Наим.

— Вақт нозик!— деди Оқилов,— тинчроқ ухлай девдим. Хўш, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, сиздан эшитай деб келдим. Ўрнингизда ким ётибди?

— Ҳеч ким, ёстиқ!— деди кал Оқил, ёстиқ устига ўтириб,— гапни биздан эшитмоқчи бўлсанг, қулоқ сол! Баччағарлар кечаси йўлга чиқмади. Саҳарда йўлга тушишса керак. Биз бориб Ситораи моҳи хоссадан телефон қилиб билдик. Сен ҳозир бориб, баққоллик дўконидан нон, узум олгину йигитларга элтиб бер. Ҳозирча хавотир бўлмасанглар ҳам бўлади. Энди, эҳтимол кун чиққандан кейин келишар. Ҳечқиси йўқ... Яна ўша режа, ўша гапу ўша иш...

— Эрталаб чойхона, саройлар очилиб, одамлар келишади-да...

— Сарой ҳам, чойхона ҳам очилмайди!— деди жиддий қилиб кал Оқилов.— Махсум саройбонлар, самоварчиларни келтириб қасам ичирди. Бу ерга ҳеч ким келмайди. Хотиржам бўл...

— Ҳа, ундай бўлса, майли!— деди Наим.— Бўлмаса мен нону узум олиб бораман... Хўжайин ухлаяптиларми?

— Ухлаяптилар... Жуда чарчадилар. Мен ҳам ухлайман, бирор соат дам оламан... Қоровулларни ҳушёр қилиб кет!

— Ҳушёр қилиб бўпсан!— деди истеҳзо билан Наим.— Ана, биттаси арпа қоплари устида маза қилиб ухлаяпти, мен милтиғини олиб келдим.

— Наҳот? Шу дарвоза ичкарисидаги қоровул-а? Тавба!— деди кал Оқилов тутоқиб.— Қани юр, бориб кўрайлик-чи.

Улар ўринларидан туриб дарвоза томон юрдилар, аммо уй орқасидан ҳам, тахлаб қўйилган қоплар

устидан ҳам ҳеч кимни тополмадилар. Наим қоронғиликда бир нимага кўзи тушиб, олиб қараса ўқдон экан.

— Қочибди!— деди Наим.— Уйғониб милтиқ йўқлигини билгану ўқдонни ташлаб қочган.

— Топиб келган одаминг-да!— деди кал Оқилов таъна қилиб ва иккови саройдан чиқди. Кўчада Шер юрарди. У бундан икки-уч минут илгари ичкари ҳовлининг қоровули сув ичиб, таҳорат қиламан деб пастга, дарё бўйига тушиб кетди деди.

— Қочибди,— деди бу сафар кал Оқил.— Лекин ҳозир тапир-тупур қилиб Махсумнинг уйқусини бузиш яхши эмас, кейин топиб оламиз, узоққа боролмайди, қўлга тушади... Яхшиям ўқдонни ташлаб кетибди. Майли, бориб анови саройдан Ҳамдамчани юбор, ухлагани етар, келиб қоровуллик қилсин.

— Хўп бўлади!— деди Наим ва рўпарадаги дўкон томонга бора туриб, дарҳақиқат Асад Махсумнинг одамларидан кўпи имога маҳтал бўлиб юрибди. Худо кўрсатмасин, агар босмачи биланми ё бошқа биров биланми қаттиқроқ жанг бўлиб қолса, аввало ўзим жуфтакни ростлайман, сўнгра бошқалар... Бу яхши эмас, албатта, лекин начора, одамзод хом сут эмган, деб хаёлидан кечирди...

Эрта тонг, ҳали қуёш ёйилмасдан уларнинг аравачи йўлга тушди. Қўқон арава пештахтасининг бир томонида аравакашнинг ўзи — баланд бўйли, қотмадан келган, чўққи соқолли киши ўтириб отни ҳайдарди, бошқа томонида эса Карим ўтирарди, унинг эгнида ҳарбий кийим, устидан кам пахта олача тўн кийиб олган, бошида эскирган ироқи дўппи бор эди. Шу оддий кийимда ҳам Карим Ойшанинг кўзига чиройли кўринар ва у ўз бахт-саодатидан фахрланар эди... Каримнинг орқасида Ойша ўтирарди: бошида паранжи, юзида оқ дока, унинг рўпарасида, аравакашнинг орқасида Бибиражаб ўтирарди. Унинг юзида қора чачвон бўлиб, бошида эски паранжи бор эди. Арава кетига тугун, халта ва хуржунлар ортилганди.

— Агар кечаси йўлга чиққанимизда эди,— деди Ойша.— Ҳозир уйда бўлардик...

— Яхшиям тоғанг рухсат бермади,— деди Биби-

ражаб.— Шундай хатарли замонада кечаси йўлга чиқиш телбалик!

— Йўқ, йўллар тинч!— деди Карим.— Айниқса Ғиждувон йўли... Доимо аскарлар, Асад Махсумнинг одамлари бориб-келиб туришади. Аммо ҳар ҳолда кундузи борган тузук-да... Қара-я, шаҳар ташқариси қандай яхши! Ҳавоси тоза, муздек... чанг-тўзон йўқ... Манави Галажўй*... Оҳ, Пирмас ариғи қандайикин? Анчадан буён кўрганим йўқ... Шу бугун борибоқ чўмиламан.

— Худо хоҳласа!— деб қўйди Бибиражаб.

Карим кеча ҳақиқатан ҳам ишидан вақтлироқ бўшай олмади. Кейин арава қидирди. Ниҳоят, ҳамма ишларини саранжомлаб Ойшаларни Ғиждувонга олиб бориш учун Ҳайдарқул амакининг уйига келди, аммо бўлмади, Ҳайдарқул рухсат бермади. Шу сабабли Карим ҳам, аравакаш ҳам Ҳайдарқул амакининг ҳовлисида, Дилором каниздан қолган ўша кичкина ҳовлида тунаб, эрта азонда йўлга чиқмоқчи бўлишди. Ҳайдарқулни саҳар чоғи соат тўртларда чақиришиб олиб кетишди. У синглиси, жияни ва Карим билан хайрлашиб чиқиб кетди. Уйдагилар қайтиб ухлашмади...

Карим икки томони дарахтзор ва обод катта йўлга қараб, Бухоро атрофидаги боғларнинг тонгги латофатидан ҳузур қилиб борарди. Бақувват от гурс-гурс қилиб янги қўнғироқли аравани (бу пошшоликнинг араваси эди) гулдуратиб тортиб борарди. Товонидан ўт чақнайдиган ғайратли, куйди-пишди Карим айни вақтда шоирнамо ҳам эди. Гоҳо хаёл суриб, ёшлик орзуниятларидан қасрлар яратарди: ер юзидан барча ифлосларни, золим ва қонхўрларни йўқ қилиб, ҳамма жойда мевазор боғлар, обод шаҳарлар бунёдга келтирса, севишганлар ўйнаб-кулиб ҳаёт кечирса, бозорлар обод бўлса, ҳар ким истаган нарсасини бемалол топа олса... Ҳисор йўли очилса, у ўз маҳбубаси Ойша билан ойнабандлик файтонга тушиб, ота-боболари юртига борса. Тоғларда сайру саёҳат қилса... Ҳамма ерда Ойша билан бирга бўлса, ҳар қандай ишни Ойша билан бирга қилса, Ойша билан фахрланиб, Ойша билан қувонса...

---

* Галажўй — гала ариқ.

У Ойшани севади, жон-дилидан севади. У қалбини, ёш қалбини бор ҳарорати билан унга берган, унга фидо қилган эди. У «кўз очиб» Ойшани кўргани туфайли дунёда бундан гўзалроқ қиз, бундан дилбарроқ қиз, парипайкар йўқ, деб ўйлар эди. Бибиражаб эса унга она сингари эди. Чунки отаси вафот этиб, бутунлай кимсасиз бўлиб қолгандан кейин ана шу меҳри дарё аёл иссиқ бағрига олиб бошини силади. Ишқ-муҳаббат маскани, лутфу эҳсон, пок табиатлилик, инсонийлик булоғи бўлган бу оилада Карим ҳам ўғил, ҳам куёв, ҳам шу уйнинг ягона эркаги бўлиб қолган эди. Шунчалик машаққатлар, шунчалик умидсизликлар, шунчалик жангу жадал, курашлардан кейин ўз маҳбубасига етишган ҳозирги пайтда, Каримнинг юраги орзиқар, шод-хуррамликдан тўлиб-тошар эди. Унинг назарида ҳамма нарса яхши, гўзал ва дилкаш эди: йўл атрофидаги боғу роғлар, мусаффо, ғуборсиз осмон, ҳашаротларнинг чир-чири, қушларнинг чаҳ-чаҳи, аравачининг тарақ-туруғи, худди қадимий аравакашларга ўхшаб, виқор билан якка кифт бўлиб, ўтириб олган аравакашнинг арава ҳайдаши, икки газлик кул ранг саллачаси, сичқон думидек фаршини, узун қамчиси, вазмин ҳаракатлари — ҳаммаси-ҳаммаси Каримга жуда ёқарди... Отнинг одимлаши, устидаги абзаллари, тилласимон ранги, катта йўл, ариқлар, тошкўприклар, йўл устидаги қишлоқлар — ҳаммаси унинг кўзига ажойиб манзара бўлиб кўринарди.

У орқасида, бир қарич нарида жонони ўтирганини бутун борлиғи билан ҳис қиларди. У гўё унинг бадани ҳароратини, унинг майин, ёқимли ҳидини, унинг юрак уришини сезиб турарди... Бу эса унинг димоғини янада чоғ қилиб, беихтиёр Ҳофиз Шерозийнинг ушбу газалини хиргойи қилишга ундарди:

Давлатим тонгги ёришди қайда жоми офтоб,
Бундан ортиқ кайф борму, менга бер жоми шароб!
Хона ташвишсиз, ёр соқию, саф аҳли ҳабиб,
Айш даври-мавсумидир, менга бер майни шу тоб!
Хос хилват, тинч жой, дилкаш макон бўлди насиб,
Бу тушимми ёки ўнгим, эй, худо, бергил жавоб!

Ойша ҳам шавқу иштиёқда Каримдан қолишмас эди. Унинг қалби ҳам талпинарди, кўзлари юзига тутиб

олган оқ дока чачвон тагидан чақнарди, хаёлида эзгу орзу-умид жилва қиларди... Мана, ҳозир боришади-ю, аввало уй-жойларини тартибга солишади, кейин тўй тараддудини кўришади. Уларнинг тўйи қизил тўй — янгича тўй бўлади... Янги даврнинг биринчи тўйи, кўнгил тилаган тўй! У ҳамма дугоналарини тўйга чақиради, Карим ҳам ҳамма ошна-оғайниларини айтади. Ҳовли ўртасидан арқон тортиб парда тутишади, бир томонда қизлар, бир томонда йигитлар... рақсга тушишади, қўшиқ айтишади, ўйнаб-кулишади. Баланд супада гўшанга бўлади, йигитларга ҳам, қизларга ҳам кўриниб туради... Тўйдан кейин Ойша онаси билан хайрлашиб яна Бухорога қайтади. Чунки бундан кейин у Каримдан бир қарич ҳам ажрамайди. Иккови ўқишга киради, мулло бўлади... кейин Самарқандга, Тошкентга боришади, жаҳонгашта бўлишади...

Бибиражаб эса ҳалитдан тўйга неча пуд гуруч, қанча қўй, қанча нон кетаркин деб ўйлаётганди. Раҳматлик эри олиб берган бир тилла исирға билан бир билагузукни сотса етармикан?

Каримга бошлиғи Куйбишев тўёна деб пул берибди. Карим шу пулга тўйнинг барча харажатини ўзим қиламан деяпти... Ахир Карим бор пулини харажат қилиб қўйса, тўйдан кейин нима қилади? Яхшиси, ўша пулни янги рўзғорининг кам-кўстини тузатишга сақлаб қўйсин...

Шу тариқа улар ўз ўй-хаёллари билан бўлиб, вақтнинг ўтганини ҳам, шунча йўлни босиб қўйишганини ҳам билмай қолишди. Қуёш чиқиб, атроф-теваракни заррин нурларга ғарқ қилганда улар тушган арава ҳам Меҳтарқосим кўпригининг бошига етиб борди. Йўлда ҳеч ким йўқ, йўловчилар кўринмасди, кўприк бошидаги қишлоқча атрофида ҳам ҳаёт нишонаси кўринмайди, ҳеч ким йўқ. Ажабо, қандай воқеа юз берганийкин? Нима гап бўлганийкин? Ахир, бу маҳалда бу жойлар серодам бўларди-ку,— дерди аравакаш ўз-ўзига. Арава қишлоқча кўчасига кирди. Саройлар, дўконлар берк. Аравакаш бир чойхоначи ошнасининг чойхонаси олдида аравани тўхтатиб чақирди:

— Қўзивой, ҳо Қўзивой, бормисиз?!

Қўзивой кўса чойхонанинг орқа эшигидан бошини чиқариб деди:

— Аравангни ҳайда, Самандар! Яхшиси Вобкентга бориб дам олинглар!

— Нега? Нима бўлди?

— Тун бўйи босмачилар билан қизил аскарлар олишди. Тонга яқин ухлаб қолибман... Чой ҳам йўқ, қайноқ сув ҳам... Қўй, дўстим, бир оз тинчисин, қайтишингда дўконни очаман.

Ғиждувонга қанот чиқариб учмоқчи бўлиб турган Каримга чойхоначининг бу таклифи маъқул тушди:

— Майли, ҳайданг!— деди у аравакашга.— От ҳали чарчагани йўқ, ўзимиз ҳам тўқ, Вобкентда дам оламиз...

Аравакаш йўлга тушди. Аммо аравакаш чойхоначининг башарасидан, гапларидан сал хавотирланиб, шубҳаланди-ю, лекин индамади.

Арава кимсасиз кўчадан, тахта қоқилган дўконлар, берк чойхоналар олдидан ўтиб, кўприкка етди, арава тош кўприкдан тарақа-туруқ қилиб ўтиб, нариги бошига етганда пастдан, дарё бўйидан ниқобли бир киши милтиғини ўқталиб, югуриб йўл ўртасига чиқди ва ваҳимали овозда деди:

— Тўхта, отингни тўхтат!

Карим қўйнидан тўппончасини чиқарди, лекин отишга улгурмади. Довюрак аравакаш қароқчининг дўқларидан қўрқмай отни қамчилади. От олдинга сакраб, милтиқли одам устига югурган эди, у милтиғини шарақ-шуруқ қилиб ўзини четга олди-да, осмонга қараб ўқ узди. Аёллар қий-чув қилишди. Карим қайрилиб, иккита ўқ узди ва қароқчининг йиқилганини бирров кўриб қолди. Лекин от бу қасир-қусурлардан ҳуркиб кишнади-да, аравани олиб қочди. Шу орада яна тўрт-бешта ниқобли киши пастқамликдан югуриб чиқиб, ўқ уза-уза, арава орқасидан югурди. Аравакаш от жиловини маҳкам ушлаб, қамчи босарди. Карим аёлларга энгашинглар деб буюрди-да, ўзи нишонга олиб тўппонча отаверди. Қароқчилардан деярли узоқлашганларида от чўчиб ногаҳон йўлдан чиқди-да, ўзини дарё томонга урди. Отнинг бу ҳаракатидан арава олдида ноқулай ўтирган Карим билан аравакаш ерга думалаб тушди. Ойша билан онаси беихтиёр арава тўсиғини ушлаб дод дерди. От қутуриб дарё нишаблигида қийшайган аравани олиб қочарди. Агар шу пайт икки-уч отлиқ от чоптириб келиб, арава олдини

тўсмаганда, шубҳасиз арава ағдариларди ва ким билади — ичидаги кишиларнинг ҳоли нима кечарди...

Ойша билан онаси ҳушига келиб қараса, арава саёз дарё ўртасидан ўтяпти, от жилови бир милтиқли отлиқнинг қўлида, арава кетидан ҳам яна уч отлиқ келяпти. Ойша отлиқлардан бирини — қора чўққи соқолли, кўзлари ўйноқисини қаердадир кўргандай бўлди. Аммо шу ҳолатда бирон нимани дурустроқ эслолмасди, унинг бутун фикр-ёди Каримда эди. Карим нима бўлди? Уни нима қилишди?.. Шунинг учун эсҳушини тўплаб, ҳаммадан олдин унинг номини тилга олди:

— Карим, Каримжон!

— Қўрқма, болам, қўрқма!— деди Бибиражаб.— Фикримча бу эркак Карим айтган ўша Асад Махсум бўлса керак...

Аёллар товушини эшитгач, Асад Махсум отини олдинга суриб аравага яқинлашди-да, деди:

— Қўрқманглар, биз ўзларингизники, босмачилар қочди, сизлар қутулдингиз...

— Карим, Каримжонимиз қани?— деди Ойша сабрсизлик билан.

— Каримжонга одам юбордик, топиб келтиришади...

Бу орада арава дарё нишаблигидан юқорига, катта йўлга чиқиб, Сарипул қишлоғида тўхтамасдан, сув оқимига, номаълум қишлоқ томонга йўл олди...

Карим йўлнинг пастида, тупроқ, қонга беланиб, бир чуқурликда ётарди. Аравакаш эмаклаб унга яқинлашди-да, тикилиб қараб, ҳали тириклигини, нафас олаётганини сезди.

— Худога шукур!— деди аравакаш ва атрофга диққат билан назар ташлади. Катта йўл кимсасиз эди, у ёқда қимир этган жон кўринмасди. Босмачилар қочиб кетишганди, тўсатдан пайдо бўлиб, қароқчиларни тумтарақай қилган отлиқлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишганди... Ҳар ҳолда ҳамма ёқ тинчиб қолгандек эди. Аравакаш Каримни кўтариб қаради, чап қўлини ўқ тешиб ўтибди, анчагина қон кетибди. Душманлар унинг кўкрагини нишонга олган эканлару, хайриятки хато кетишибди. Аравакаш дарров Каримнинг ёқасини очиб, ярасини рўмоли билан қаттиқ боғлади ва сўнгра уни орқалаб узоқдан кўринаётган йўл

устидаги кулбага жўнади. Лекин у кулбага етмасидан оқ Вобкент томонидан бир тўда қизил аскарлар от чоптириб етиб келди. Уларнинг бошлиғи аравакаш билан яраддор Каримни кўриб, отини тўхтатди.

— Нима гап? Бу ким?— деди у. Аравакаш гап бошлагунча бўлмай аскарлар орасидан бир киши ўзини тўп этиб отдан ташлади-да, деди:

— Бу Карим!— деди ва аравакаш елкасидан Каримни қўлтиқлаб олиб, йўл четига етқизди.— Каримжон! Каримжон, сенга нима бўлди?

Бу Асо эди. Асо Каримни яхши танирди, у ўрнидан туриб командирга тушунтирди:

— Ўртоқ командир, бу Карим. Ўртоқ Куйбишевнинг одами.

— Нима бўлди?— яна сўради командир аравакашдан.— Отишмани эшитиб, бу томонга от қўйдик. Лекин йўлда ҳеч кимни кўрмадик.

Аравакаш бўлган воқеани айтиб, плова қилди:

— Босмачилар Каримни йиқитишлари билан кўприк устидан уч-тўртта отлиқ милтиқ отишиб, чопиб келишди. Босмачилар қочди. Отлиқлар иккига бўлиниб, босмачиларни қувлаб дарё бўйига тушиб кетишди. Фикримча улар Асад Махсумнинг одамлари эди. Ерга қаттиқ тушган эканман, ҳадеганда ўзимга келмадим, ҳушимдан сал кетибман. Ўзимга келганимдан кейин қарасам, от-аравадан нишон ҳам йўқ. Кейин бориб Каримни кўтардим. Бор гап шу.

Шу пайт Карим бир қимирлади-ю ингради. Командир аскарлардан бирига бир нима деди. У отдан тушиб Асо билан аравакаш ёрдамида Каримнинг кийимини авайлаб ечди, сумкасидан дори-дармон олди, унинг ярасини ювиб-тозалаб, дори қўйиб, оқ дока билан маҳкам боғлади ва Каримнинг бурнига бир парса ҳидлатган эди, у акса уриб, кўзини очди, биринчи айтган сўзи: «Ойша» бўлди.

Командирнинг буйруғи билан Асо Каримни кўтариб, ўз отига миндирди-да, ўзи орқасига миниб, уни маҳкам ушлаб олди. Отининг жиловини бошқаси қўлига олди. Аравакаш ҳам аскарлардан бирининг оти орқасига миниб, Меҳтарқоснм кўприги томон жўнашди.

Энди кўприк бошидаги бозорчада дўконлар очиқ бўлиб, чойхоналар ишлаб турарди. Аскарлар отларидан тушиб, чойхона айвонидаги катларга ўтиришди,

Каримни авайлаб кўтаришиб, уйга олиб кириб кетишди ва томоғига илиқ сув томизишди.

Бу ерда командир ҳар қанча сўраб-суриштирмасин, Асо қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир бақколлардан ҳам, саройбонлардан ҳам ҳеч нима била олишмади. Улар босмачилар шомдаёқ келиб ўша атрофда, пистирмада ўтирганди, эрталаб офтоб чиққандан кейин отишма бошланиб қолди, шу пайт Асад Махсумнинг одамлари от чоптириб келиб, босмачиларни қувлаб кетди, бошқасини билмаймиз, дейишди.

— От-арава билан аравадаги икки аёл нима бўлди? Қаёққа кетишди?

— Биз ҳеч қандай от-аравани кўрганимиз йўқ.

Командир бундай текширишдан бирон натижа чиқмаслигини пайқади, у бир нечта кишининг номини, айтган гапларини ёзиб олиб, ҳеч ким ҳеч ёққа бормай турсин, махсус комиссия келиб текширади, деб таъкидлади.

Шаҳарда Каримни касалхонага ётқизишди. Асо командирдан рухсат сўраб, Ҳайдарқулнинг идорасига борди ва бўлган воқеани билганича айтиб берди.

— Хўш, Ойша билан онаси тушган арава қаёққа кетибди?— деди Ҳайдарқул тоқатсизланиб.

— Билмадик,— деди Асо.— Менимча, бу тўғрида Асад Махсум сизга тўла маълумот бера олади.

— Аввал Каримдан хабар олиш керак,— деди Ҳайдарқул ва ўрнидан турди.

Эрталаб чарақлаб чиқиб Каримнинг қалбини шодликка тўлдирган, чароғон этган қуёш, бу аянчли воқеани кўргач, гўё ғамгин бўлгандай хиралашиб (ғарб томондан осмонни булут босган эди), тунги кулбасига қайтарди. Ёқимсиз шамол эсиб, супуриб-сидирилмаган кўчаларнинг чанг-тупроқларини киши бетига урарди. Бусиз ҳам безовта бўлган Ҳайдарқулнинг кўнглига аллақандай мудҳиш, оғир ўй-хаёллар кўланка ташлаган эди. Ҳали ҳам ҳарбий госпиталь бўлиб турган Шайх Жалол дарвозаси ёнидаги дўхтирхона Ҳайдарқулнинг кўзига қандайдир руҳсиз, файзсиз кўринди.

Улар тўппа-тўғри госпиталь бошлиғи олдига бориб, Каримнинг олдига киришга рухсат сўрашди. Бошлиқ аввалига ижозат бермади, оғир операциядан кейин бемор олдига кириш мумкин эмас, деди. Лекин Ҳай-

дарқул ўзининг кимлигини тушунтиргандан кейин мажбуран рухсат этишди.

Карим уйғоқ ётарди. Асо диққат билан қараб, энди Каримнинг рангига қон югуриб, кўзлари тирик одамникига ўхшаб қолганини пайқади.

— Қимирламай ёт,— деди Ҳайдарқул, унинг сал қимирлаганини кўриб.— Қимирлама! Дўхтир бизни сени безовта қилмаслик шарти билан бу ерга киритди. Майли, ҳечқиси йўқ, тузалиб кетасан, жароҳатинг хавфсиз экан. Мадорсизлигинг эса кўп қон кетганидан экан. Дўхтир ўн-ўн беш кундан кейин тузалиб кетади, деди. Парво қилма! Асонинг гапига қараганда Асад Махсумнинг одамлари босмачиларни қувиб кетибди...

— Ойша-чи?!— деди Карим дармонсизлик билан.

— Ойша соғ-саломат...— деди Ҳайдарқул, гарчи билмаса ҳам,— Ойша Ғиждувонда йўлингга кўз тутиб ўтирибди.

Карим ишонқирамай қаради-да, бош чайқади.

— Мен ҳозир Асад Махсумнинг олдига бораман,— деди Ҳайдарқул ўрнидан тураётиб, чунки дўхтир фақат икки-уч минутга рухсат берган эди.— Мен Асад Махсумнинг олдига бориб, воқеа тафсилотини биламан, кейин сенга хабар қиламан. Хайр, хотиржам бўл! Мен...

— Йўқ,— деди Карим кўзларини ўйнатиб.— Йўқ! Борманг! Асад Махсум... Асад... мени... отди... Ўзи... Ҳаммаси... Асаднинг иши! Ҳаммаси... ўшанинг иши!

Карим жим бўлиб, кўзини юмди. Унинг киприклари остидан икки қатра ёш чиқиб, юзидан оқиб бўйнига тушди.

Ҳайдарқул ногаҳон ўрнига, курси устига ўтириб қолди, савол назари билан Асога қаради.

— Нималар деяпсан, Карим?!— деди Асо.— Наҳотки Асаднинг ўзи?!

Карим гапирмади-ю, тасдиқлаб бош қимирлатиб қўйди.

— Аравакашнинг шубҳаси бежиз эмас!— деди ўзига-ўзи Ҳайдарқул ва Каримга мурожаат қилди:— Босмачилар-чи? Уларни кўрдингми?

— Босмачи йўқ эди!— деди Карим ва бир лаҳза жим бўлди. Ҳайдарқул Асога маъноли қараб қўйди. Карим гапида давом этди:

— Ҳаммаси... Асаднинг одамлари!

Шу пайт дўхтир билан ҳамшира беморнинг олдига келди-да, Ҳайдарқул қанча илтимос қилмасин, эътибор бермай, уларни хонадан чиқариб юборди.

Ҳайдарқул чарчаганини ҳам, очлигини ҳам тамоман унутиб, тўппа-тўғри Чека идорасига келди. Асо йўл айрилишида у билан хайрлашиб, уйига кетди, у уч кундан буён Фирузани кўрмаганига уни соғиниб қолган эди.

— Фирузага салом айт!— деди Ҳайдарқул.— Агар керак бўлиб қолсанг, одам юбораман...

— Майли, саломат бўлинг!— деб қўйди Асо.

Чекага кетаётган Ҳайдарқулнинг хаёли қочиб кетган эди. Юз берган бу воқеа фақат унга, унинг синглисига, жиянига эмас, балки Шўро давлатига, янги ҳукуматга ҳам иснод келтирарди. Агар Асад Махсум тинчлик ўрнатиш ўрнига ўзи қароқчиликни бошлаган бўлса, ифлос мақсадларини амалга ошириш учун Шўро ҳокимияти ва халқ ҳокимияти берган қурол-яроғдан фойдаланган бўлса, бу — даҳшат. Агар бу балонинг олди ўз вақтида олинмаса, кейин кечикишади.

— Қўрқиб юрган нарсам юз берди,— деди ўзига-ўзи Ҳайдарқул ва Чека идораси дарвозасидан ичкарига қадам қўйди.

Ўша пайтда Бухоро Чекасининг раиси Ҳожи Ҳасанбек Иброҳимов деган киши бўлиб, Ҳайдарқул билан илгаритдан танишлиги бор эди. Ҳайдарқул тўғри раиснинг кабинетига кирди. Ҳожи Ҳасанбекнинг кабинети унчалик катта бўлмаса ҳам, дабдаба-ю, ҳашами катта эди. Бу ерга ичкарима-ичкари икки хона орқали кириларди, ҳар иккала хонада ҳам Чека одамлари кирадиган кишиларни (агар маълум киши бўлса) диққат билан кўздан кечирардилар, агар нотаниш бўлса, албатта тинтиб, обдон текшириб кўрар эдилар. Иккинчи қаватдаги бу кабинетнинг ҳовлига қараб очиладиган икки деразаси темир панжарали бўлиб, қалин пардалар тутилган эди. Кабинет тўрида яна бир эшикча бор эди, бу эшикча ё махсус бир хонага, ё бошқа бир йўлакка очиларди. Кабинет гиламлар, байроқлар, буфет, китоб жавонлари, стол ва стуллар билан жиҳозланган бўлиб, киши диққа-

тини ўзига тортарди. Раис тепасидаги деворга Ленин-нинг сурати қоқиб қўйилганди.

Ҳайдарқул кабинетга кирган вақтда Чека раиси Ҳожи Ҳасанбек телефонда гаплашаётган эди, у ўтирган жойида Ҳайдарқулга бош қимирлатди-да, кейин қўл узатиб кўришди ва телефонда суҳбатини давом эттираверди. Ҳожи Ҳасанбек баланд бўйли, қотмадан келган, қош-кўзи қора киши эди. Олдирилган сочи оппоқ бўлиб, ўсиб чиқиб, тиканга ўхшаб турарди, соқоли ҳам мош-гуруч эди, мовий гимнастёрка унга анча ярашганди. Ҳолдан тойган, асабийлашган, ҳаяжонланган Ҳайдарқул раис столи рўпарасидаги креслога ўзини ташлади-ю, Ҳожи Ҳасанбекнинг телефонда қилаётган узундан-узоқ суҳбатига қулоқ солди:

— Йўқ, йўқ,— дерди Чека раиси телефонда,— мен сизнинг бегингизни озод қилолмайман, йўқ! Ўзимизники бўлса ҳам озод қилолмайман... Йўқ, ҳозир эмас. Текширайлик, билайлик, кейин... Ҳа, бир-икки ойдан кейин... Инқилоб қонуни кўтармайди. Йўқ, иним, бўлмайди... Акангизни ўзи мени ўлдиради... Майли, айтинг, йўқ, бўлмайди... Гап шу! Шу кечами? Боролмайман, иш бор. Бирор бошқа кишини топинг... Э, катталикка бало борми? Биз ҳамманинг хоки-пойимиз! Балли... Мана, ёнимда Ҳайдарқул ўтирибди... Афтидан, бирор муҳим масала билан келганга ўхшайди, Ҳа, албатта... фирқа раҳбарлиги! Шубҳасиз! Итоат қиламиз... Хайр!

— Ким эди у?— сўради Ҳайдарқул телефонга ишора қилиб.

— Ибодхон!— деди Ҳасанбек.— Бир қаршилик ошнаси маст бўлиб, бир мешкобнинг ўғлини зўрлабди. Ўзинг биласан, ҳозирги вақтда мешкоблар касаба иттифоқи шаҳарда кучли ташкилотлардан ҳисобланади. Улар «Биз Бухоро пролетариати!» деб бошимизда ёнғоқ чақмоқда. Агар ҳозир ошначилик қилиб таништирни озод қилсам, катта жанжал чиқиши мумкин... Шундай эмасми? Энди Ибодхўжа хафа бўлсалар ҳам майли, ошналари ертўлада дам олиб тура турсин!

— Наҳотки Файзулла Хўжаев укасини эпга келтира олмаса?— деди Ҳайдарқул.— Бу катта одам шаънига иснод келтиради-ку.

— Эшонжоннинг[1] ишлари кўп.

— Ибодхўжанинг юриш-туришларидан хабарлари бўлмаса керак-да, а? Хайр, ҳечқиси йўқ! Ибодхўжа ҳали ёш, эрка... ақли кириб қолар. Ўзим насиҳат қиламан.

— Э, жин урсин!— деди Ҳайдарқул.— Кечаги Меҳтарқосим кўприги воқеасини эшитдингизми?

— Эшитдим! Босмачилар қариндошингизнинг аравасига...

— Афсуски, босмачи эмас!— деди унинг сўзини бўлиб Ҳайдарқул.— Ўзим ҳам шубҳаланиб юрардим, ҳозир Карим шубҳамни тасдиқлади.

У ўша аравада эди, жиянимнинг қаллиғи... Асад Махсумнинг ўзи бу лўттибозликни уюштириб, Каримни отиб, қиз билан онасини, билмадим, қаёққадир олиб кетибди.

— Тўғри, Махсум ташқи Дилкушода йўқ,— деди ҳайрон бўлиб Ҳожи Ҳасанбек.— Наҳотки бу Асад Махсумнинг нағмаси бўлса? Унга Бухорода хотин қуриб қоптими?

— Қизни кўрган эди, гўзал қиз экан, деб оғзининг сўлаги оққан эди... У ҳаром нафсини тиёлмайдиган одамлардан, қандай қилиб бўлса ҳам ифлос мақсадига эришмоқчи бўлади.

— Хайр, шу ишни рўйирост, қон тўкмасдан қилса, нима бўларди? Менимча, бундай куёвдан сиз ҳам орият қилмасангиз керак?

— Мен сизга айтдим-ку, Ойша Каримга унашилган, Ғиждувонга бориб тўй қилишмоқчи эди.

— Ҳа, ҳа, дуруст, дуруст!— деди Ҳожи Ҳасанбек.— Хўш, Каримнинг аҳволи қалай?

— Карим касалхонада, аҳволи оғир... Дўхтирлар тузатамиз деб ваъда қилишяпти, лекин яна худо билади. Ойша билан онаси йўқ, уларнинг қаердалигини ҳеч ким билмайди. Уларни топиш керак. Шунинг учун ҳам сизнинг олдингизга келдим.

Ҳожи Ҳасанбек қўлини чўзиб, стол устидаги қўнғироқни икки марта босди. Ташқаридан одамларидан бири кирди-да:

---

[1] Эшонжон — Файзулла Хўжаев демоқчи.

— Лаббай?— деди.

— Дарров телефон қилиб, Асад Махсумни топинг, гапим бор.

— Хўп бўлади!

У киши кабинетдан чиқди. Ҳожи Ҳасанбек папирос чекиб, хаёлга чўмди.

— Асад Махсумни бу вазифага тайинламаслик керак эди!— деди Ҳайдарқул ўз фикрини очиқ айтиб.

— Эшонжон ҳам шу фикрда!— деди Чека раиси.— Бу одамдан яхшилик кутиб бўлмайди! Лекин Марказий Ревкомда тарафдорлари кўп. Ҳатто фирқа Марказий Комитетида — сизнинг идорангизда ҳам уни кўтармалайдиган одамлар бор. Уни раҳбарлик рўйхатига ҳам киритишади деган гаплар бор.

— Қайси иши билан киритиларкан?

— Билмайман... Ботир, қўрқмас, юрагида ўти бор инқилобчи эмиш. Аммо бу «инқилобчи» шундай ишлар қиляптики, сира ақлга сиғмайди. Унинг вазифаси атроф комиссияси бўлса ҳам, шаҳарнинг ички ишларига аралашиб, катталарга кераксиз одамларни олиб бориб қамамоқда. Қайси куни Галаосиёда кооператив дўконини талаб кетишибди. Кўрганлар таловчилар орасида Асад Махсумнинг одамлари ҳам бор эди, дейишди. Қаерда ўғри, ғаламис бўлса, ҳаммаси ўшанинг хизматига кирган...

— Хўш, сиз нега қараб ўтирибсиз? Қўлингиздаги маълумотларга мувофиқ уни қуролсизлантириб, қамашга ҳаққингиз бор.

Ҳожи Ҳасанбек табассум қилди-ю, деди:

— Қайси куч билан? Кучим етмайди! Ҳа, ҳа, тўғри айтяпман, кучим етмайди! Ахир Чеканинг қанча одами бор? Асад Махсумнинг тўртдан бир ҳисса кучига ҳам баравар келмайди. Агар энди унинг олдини қизил аскарлар ёрдами билан тўсмасак, ўзимизнинг кучимиз етмайди. Қани аскар? Қани қурол? Йўқ! Иккинчи тарафдан у расмий одам, нима десам экан, давлат одами, катта идоранинг бошлиғи... Уни Ревком ва бошқа ташкилотларнинг қарори бўлмасдан туриб ишдан олишга ҳаққим йўқ.

Ташқаридан котиб кирди:

— Асад Махсумни топмадим, йўқ экан,— деди у.— Муовини Исматжон Асад Махсум Оқилов билан

босмачиларни қувиб Шофирком туманига кетган деяпти...

— Босмачи Шофиркомга қочибдими?

— Билмайман.

— Шу тўғрида Шофиркомдан хабар келдими?

— Йўқ, хабар келмабди.

— Ундай бўлса айтинг: Махсум келиши биланоқ менга телефон қилсин! Ўринбойга айтинг, уч-тўрт кишини олиб, йўловчи сифатида ташқи Дилкушога бориб хабар олсин, Махсум борми-йўқми. У ерга хотин жинсидан бирор киши келтирилганми-йўқми, шуни билишсин.

— Хўп бўлади!— деб котиб ташқари чиқди.

— Мен ўзим бориб хабар олсам қандай бўлар экан?— сўради Ҳайдарқул.

— Асло!— деди қатъий қилиб Чека раиси.— У бетамизнинг феъли ёмон, андишани билмайди... Яхшиси, ўйлаб иш қилайлик.

— Масалан, қандай иш?

— Мен ўзим шу кеча икки-уч марта киши юбориб, вазиятни яхши, пухта билиб оламан. Эрталаб биргаликда Ревкомга ва Нозирлар Шўросига борнб, масалани қўямиз ва уларнинг маслаҳати билан иш кўрамиз.

— Майли. Шундай бўлсин!— деди Ҳайдарқул ва хайрлашиб ташқари чиқди.

Ташқари бутунлай қоронғи бўлиб қолган эди. Совуқ шамол эсиб, қора булутлар борган сайин пастлашар эди. Расталарга фонарь ёқилган эди. Ҳайдарқул Говкушон гузаридан ўтиб, Ғозиён гузари орқали ҳовлисига бормоқчи бўлди. Шу сабабли у Чекадан чиқиб, зудлик билан чап томонга бурилди. Кўчаларда одамлар сийрак эди. Устига-устак бу томонларда диққатни жалб қиладиган бирон нарса ҳам йўқ эди. Бунинг устига Ҳайдарқулнинг миясини турли-туман хаёллар шу қадар чулғаб олган эдики, бирон нарса кўзига кўринмасди ҳам.

... У Асад Махсумни инқилоб учун катта бир хавф деб биларди. Инқилоб ғалабаси осонлик билан қўлга киритилган эмаски, уни ўзбошимча бир саёқ бемалол остин-устин қилаверса!

«Ҳожи Ҳасанбек қисман ҳақ, ҳақиқатан ҳам ихтиёримизда ҳарбий куч йўқ,— дерди у ўзига-ўзи...— Бу

яхши эмас. Инқилобни душманлардан қурол кучи билан ҳимоя қилиш керак. Маҳаллий аҳолини аскарликка сафарбар қилиш керак. Бу ишда фирқа аъзолари намуна бўлмоқлари керак. Совет Россияси албатта қурол беради. Ҳарбий Комиссариат ташкил қилиш лозим. Ҳа, инқилобни ва унинг ғалабасини сонсаноқсиз душманлардан қуролли куч билан мудофаа қилишга тўғри келади. Асад каби шахслар, инқилоб биз учун бўлди, бизнинг ҳокимият тепасига чиқиб олишимиз учун бўлди, деб ўйлашади, эндиликда улар гўё ҳокимият қўлларида, имконлари ҳам бору кайфу сафо қилишлари керак. Улар энди на халқ тўғрисида, на мамлакат тўғрисида, на одамларнинг тирикчилиги тўғрисида фикр юритадилар. Улар хотин-қизларнинг очиқ бўлишини истайдилар. Бироқ хотин-қизлар очиқ бўлса, кўнглига ёққанини бемалол кўриб, ўз ҳарамларига олиб борсалар, хотин-қизлар озодлиги уларга ана шу мақсадда керак. Уларга очиқ ва эркин савдо-сотиқ ўғирлик пуллари билан истаган матоларини бемалол сотиб олишлари учунгина керак. Судлар ва қозилар уларнинг рақибларини, душманларини жазолаб турса, милиция, Чека ва атроф комиссияси уларнинг хонадонларини, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилса... Тавба!»

... Бухорода инқилоб бўлганидан бери ҳафталар, ойлар ўтиб кетди-ю, у бўлса бирон дурустроқ ҳовлижойга эга эмас. Яхшиям Дилором холанинг ўша кичкина ҳовличаси бор экан, у ўша ерда ётиб-туриб юрибди! У танҳо, майли, ҳозирча шу кичкина ҳовлича ҳам бўлаверади... Агар худо раҳматлик хотини билан қизи тирик бўлганда нима қиларди? Улар шунчалик азобу машаққатлар чекдик, ниҳоят, яхши кунларга ҳам етдик, нега энди яхши кун кечирмаймиз, деб айтишмасмиди? Ҳа, ўшанда у ўзи арз-бандалигини айтиб катталарга мурожаат қилишга мажбур бўларди, аммо ҳозирча шу ҳовлича ҳам бўлаверади... Лекин Ойша билан онаси бир кунгина уйида меҳмон бўлди-ю, юраклари жуда қисилиб кетди... Аммо ҳозир улар қаердайкин? Ажабо, уларнинг бошига не кунлар тушган бўлса?!

Бу хаёл уни ҳушига келтирди. У бораётган йўлида тўхтаб, атрофга қаради. У ҳали Ғозиёнга етмаган, ҳозирча муваққат қамоқхона қилинган амир ҳовлиси-

дан унчалик узоқлашмаган эди, у йўлидан қайтиб, идораси томон тез-тез юриб кетди.

Идорада қоровул ҳайрон бўлди-ю, Ҳайдарқулнинг кабинети эшигини очиб берди ва чой керакми-йўқми, деб сўради. Ҳайдарқул раҳмат айтиб, чой керак эмас, деди ва кабинетга кириб, столига ўтирди. Хаёли паришон эди, нима қилишини билмасди. Ниҳоят, қўл чўзиб телефон трубкасини олмоқчи бўлди, лекин қўлини чўзганича хаёлига чўмди...

Кимга телефон қилсин? Ревком раисигами? Файзулла Хўжаевгами? Чека секретариатигами? Кимга? Уларнинг қўлидан нима келади? Асад Махсум ўтакетган ярамас одам. Қўлида қуроли, ихтиёрида ярим мингча қўшини бор. Бундай қора кучларга қарши қудратли кучга эга бўлиш керак, ёки... ақл-идрок, тадбиркорлик ва сиёсат билан, унинг алданган қўшинини ажратиб олиб, уларни унинг ўзига қарши юбориш керак... Аммо қандай қилиб?!

У ўй-хаёлга ботиб ўтирганида эшик очилиб Саид Паҳлавон кириб келди. У бутунлай ўзгариб кетган эди. Энди эгнида тўн ўрнига ҳарбий кийим, бошида барра телпак, оёғида этик бор эди. Соқолини ҳам сал-пал қирдириб, йигитларга ўхшаб олибди.

— Салом!— деди у.— Ўзинг ижозатсиз киравер, деган эдинг. Мана келдим...

Саид Паҳлавон бир ҳафтачадан буён Асад Махсум қароргоҳида Наим Заҳарнинг ёрдамчиси бўлиб ишларди. Асад Махсум Саид Паҳлавонни яхши таниганидан, бунинг устига Наим Заҳар унга кафил бўлганидан Махсум мамнуният билан уни ишга қабул қилиб, хўжалик ишларини унга ишониб топширди. Саид Паҳлавон ҳам зўр ғайрат билан ишга киришиб, эртасига Махсумнинг рухсати билан Когонга бориб, бола-чақаларини Бухорога кўчириб келтирди ва ташқи Дилкушодан ҳеч ёққа чиқмай Асад Махсум қароргоҳининг хўжалик ишларини йўлга солди, шу билан бирга бу ерда олиб борилаётган ишларни, Асад Махсумнинг қаерларга боришини, нима ишлар қилишини, кимлар билан алоқада бўлишини диққат билан кузатди...

— Кел, кел, Саид Паҳлавон!— деди уни кўриб Ҳайдарқул.— Вақтида келдинг! Жуда зарур пайтда келдинг!

— Мен аллақачон келган эдим, йўқ экансан, бориб болалардан хабар олиб келдим. Қалай, соғ-саломатмисан?

— Раҳмат. Саломат бўл! Ўзингдан сўрасак?

— Яхши!— деди-да, жим бўлиб қолди Саид.— Афсуски, сенга яхши хабарлар келтира олмадим...

— Биламан,— деди Ҳайдарқул.— Айтавер. Тортинма!

Саид Паҳлавон секин ўрнидан туриб, оёқ учида эшик олдига бориб, шартта уни очди ва йўлакка қаради, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўрнига келиб ўтириб, деди:

— Асад Махсум бугун Ойша билан онасини олиб келди... Эшитишимча, Ойша жиянинг экан... шгари билмасдим.

— Хўп, гапир! Уларнинг аҳволи қалай! Уларни нима қилди?

— Дуруст... яхши!— деди Саид ва бир оздан кейин илова қилди:— Бугун пешиндан кейин домла-имом никоҳларини ўқиди... Чамамда ўзига шаръий хотин қилиб олди.

Бу хабарни эшитгач, Ҳайдарқул тоқат қилолмасдан, муштини столга уриб, ўрнидан турди.

— Хоин, ҳароми, разил!— деди ва кабинетда у ёқбу ёққа юриб, гапини давом эттирди:— Амир вақтида Ғанижонбой хотиним билан қизимнинг ўлимига сабаб бўлган эди. Бу шаҳид мазлумаларнинг доғи юрагимдан кетмасдан яна буниси чиқди?.. Шўро ҳукумати даврида, инқилоб даврида иккинчи Ғанижонбой пайдо бўпти! Тавба!

— Одамзод хом сут эмган-да!

— Йўқ, мен буни шундай қўймайман! Ҳозир ўзим сен билан бориб мазлумаларни ўша золим қўлидан қутқазиб келаман!

— Фойдасиз!— деди Саид Паҳлавон.— Қайтанга ўзинг балога қолишинг мумкин. Асадга йўли билан муомала қилиш керак!

— Махсумжон деб қўл қовуштириб таъзим қилайми?

— Қизишма! Ўзинг менга насиҳат берардинг-ку!

Ҳайдарқул Саид Паҳлавонга ялт этиб қаради-да, индамай қолди. Аммо Саид ўша мулойим оҳангда гапини давом эттирди:

— Шу кунларда ҳар хил туҳмат, бўҳтон билан шаҳар ва қишлоқлардан одамларни келтириб қамайди, қийнайди, ҳатто отиб ташлайди... Ўзи хону кўланкаси майдон! Шунинг учун шошмашошарлик қилмасдан бу одамга тузукроқ гапириш керак, бу ярани ўткир пичоқда илдизи билан олиб ташлаш лозим!

Ҳайдарқул ўйлаб туриб бориб ўрнига ўтирди ва телефон қулоғини буради.

— Менга ўртоқ Файзулла Хўжаев керак!— деди у.— Ҳа, мен Ҳайдарқул, Марказий Қўмитадан... салом. Кечирасиз, бемаҳалда сизни безовта қилдим. Мен Асад Махсум тўғрисида гапирмоқчи эдим... У ҳаддидан ошиб кетяпти. Ҳа, ҳа... рост! Билишимча, сиз ҳам шу фикрда экансиз... Гапингиз тўғри... Агар қўйиб қўйсангиз Асад Махсум эрта-индин очиқдан-очиқ Шўро ҳукуматига қарши чиқиши мумкин... Биласизми, кеча... Эшитдингизми? Ҳа, ҳа... Ҳозир Ойшани зўрлик билан хотинликка олибди. Нима қилишимни билмай қолдим. Ҳозир ўзим борай девдим, тўғри, фойдасиз! Яхши, майли, бу масалани Нозирлар Шўроси мажлисида муҳокама қиламиз. Мен ариза бераман... Хўп, албатта бораман! Хайр, саломат бўлинг!

Саид Паҳлавон Ҳайдарқулнинг телефонда айтган гапларини эшитиб туриб, бош чайқади:

— Мажлис, муҳокама, суҳбатлардан нима чиқади?!

— Агар Нозирлар Шўроси қарор қилса, уни ишдан олишади.

— Унинг ўз одамлари орасида, ёш бухороликларингиз орасида тарафдорлари кўп. Шунинг учун ишдан олишлари гумон... Борди-ю қарор қилсалар ҳам, у қуролини топширмайди... У ундақанги одамлардан эмас! Хотиржам бўлинг!

Ҳайдарқул ҳайрон бўлди. Ҳақиқатда Саид Паҳлавоннинг гапи рост. Нозирлар Шўросининг мажлиси бўлгунча, қарор чиқаргунча, то у қарор амалга оширилгунча бир ой ўтиб кетади... Аммо Асад Махсум шу муддат ичида ишларини боплаб олади-ю, кўпроқ илдиз отади...

Ноғаҳон Ҳайдарқулнинг эсига бир нарса тушди-ю, у яна телефон қулоғини буради:

— Менга ўртоқ Куйбишев керак,— деди.— Ҳа, мен Ҳайдарқул. Марказий Қўмитадан... Лаббай? Нима

дедингиз? Йўқлар? Афсус. Ким гапиряпти? Ҳа, ўртоқ Ҳалимов, сизми? Салом. Саломат бўлинг. Баъзи муҳим ишлар хусусида маслаҳатлашмоқчи эдим. Майли, икки кундан кейин бораман. Саломат бўлинг.

Ҳайдарқул телефон трубкасини ўрнига қўйди.

— Ана бу ишинг дуруст!— деди Саид Паҳлавон.— Куйбишев билан маслаҳатлаш, ундан ёрдам сўра!

— Шундай қиламан,— деди Ҳайдарқул ва ўрнидан турди.— Аввал Файзулла Хўжаев олдига бораман, маслаҳатлашаман, сўнгра у билан бирга Куйбишев олдига боришим мумкин. Хайр, кел ошна, бу кеча бизникига борамиз, чақчақлашиб ётамиз, эрталаб азонда ишингга борасан.

— Майли, мен уйинггача кузатиб қўяман, кейин ўзим ташқи Дилкушога кетаман. Агар бормай колсам, кўнгилларига гап келиши мумкин.

— Тўғри айтасан,— деди Ҳайдарқул Саид Паҳлавон айтган гапнинг маъносини дарров тушуниб.— Бўлмаса, яхшиси, шу ерда хайрлаша қолайлик. Лекин сен Ойша билан онасининг аҳволидан хабардор бўлиб тур, тез-тез менга хабар қил. Хайр, саломат бўл!

Саид Паҳлавон ваъда бериб, кабинетдан чиқди.

7

Оймуллои Танбур ўз ҳовлисига қайтиб, илгаригидай тинчгина тирикчилик қилиб юрганига ҳам икки ойча бўлиб қолган эди. Заргар бобо кўп ишламаса ҳам, ҳар ҳолда супа пастидаги уйда кундуз кунлари кўзойнак тақиб, заргарлик кўрасини ёндириб, айрим майда-чуйда ишлар билан шуғулланарди. Оймулло эса икки-учта шогирд қизларига ҳар куни икки-уч соат дарс берар ва рўзғор ишларини қилар эди. У тинчгина уйига келиб хоҳ тўқ, хоҳ оч, ҳар ҳолда ўз ихтиёри билан ҳаёт кечиришаётгани учун ҳар замонда худога юз қатла шукур қиларди.

Бугун дарс тамом бўлиб, қизлар кетгандан кейин Оймулло ўзини бир оз ҳорғин ҳис қилиб, уй ишлари билан шуғулланмади ва пастдаги уйнинг ўртадаги

деразаси ёнига бориб, кўрпачага ўтирди ва оҳ чекди. Негадир юраги қисилаётганди. Деразани очиб ҳовлига қаради. Ҳаво мусаффо, кузнинг хуррам қуёши ҳовлининг ярмини нурга тўлдирган эди, энди ҳатто офтобда ўтириш кишига ёқарди...

— Ҳа, азизим!— деди заргар кўзойнак устидан унга қараб,— яна нега оҳ тортасиз? Меҳру муҳаббатга тўла қалбингиз нега қисиляпти?

— Билмасам,— деди Оймулло хаёлга чўмиб ва бир оздан кейин Ҳофизнинг шу шеъри билан жавоб қайтарди:

Кел, кел, эй, соқиё бергил жомни,
Эслама ғамдин тўла айёмни.
Бу ҳароратли дилимнинг оташи
Ёндириб йўқ этди ҳар бир хомни.

Заргар бобо бу мисраларни жилмайиб эшитди-да, ёшлар сингари сакраб ўрнидан турди, уйдаги токча жавонини очиб, у ердан жом ва ўймакорлик кумуш май идишини олди, ўймакорлик билан ишланган кумуш патнисга қўйиб, Оймуллонинг олдига элтиб қўйди.

— Ана, жонгинам!— деди заргар.— Айём ғамини юрагингиздан сидириб ташланг, мен томоша қилай.

Оймулло ҳам олдида қўл қовуштириб турган заргарга меҳр-муҳаббат билан бир нигоҳ ташлади-да, ёқимли жилмайди. Маълумки Оймулло бу вақтда ёш жувон эмасди, ёши бир ерга бориб қолганди. Қарилик унинг ёшлик гулларини сўлдирган, қора сочларига оқ оралаб, мош-гуруч бўлиб қолган, юзларини ажин босган эди. Лекин унинг хумор, сеҳрли кўзлари ҳали тетик, мастона, ғамза билан боқарди. Меҳр-муҳаббат билан ташланган нигоҳ, жозибали ишва заргар бобо қалбида сўниб қолган оловни ёндирди. У ўзини ана шу олов ҳарорати совиб қолган қонини жўш урдириб юборгандай ҳис этди. Ҳатто юраги гупиллаб ура бошлади. Оҳ, ана шу нигоҳ, уни омон сақлаб, бу серташвиш дунёда далда бўлиб келяпти. Ана шу нигоҳ унинг барбод бўлган умидларини учқунлантириб, қоронғи йўлини ёритиб келмоқда. Агар шу нигоҳ бўлмаганда

эди, у аллақачон ҳаётдан қўлини ювиб, қўлтиғига урарди...

— Мен...— деди ширин забонлик билан Оймулло,— айём ғамини сизнинг қўлингиз билан сидириб ташламоқчи эдим!

— Жоним билан!— деди заргар ва чўккалаб, идишдан қадаҳга қўлбола хушбўй май қуйди.

— Сиз-чи?— деб сўради Оймулло.

— Ширин лабингиз теккан қадаҳни ичмоқчиман.

Заргарнинг бу жавоби Оймуллога ёқиб тушди, у яна жилмайди-да, қадаҳдан ҳўплаб, заргарга узатди. Заргар бир шингил ҳусайни узумни газакка узатди-ю, ўзи ҳам бир қадаҳ тўлдириб ичди.

— Худога юз минг қатла шукур!— деди у.— Ҳар қалай кўнгил ғашликни ёзиб хотиржам қилди, бу хонадон душманларини ер билан яксон қилди... Алҳамдулиллоҳ! Менга шу давру даврон ёқади, мен жуда хурсандман... Фақат шунга афсусланаманки, ёшликдаги куч-ғайрат, шавқу завқ қолмади, бўлмаса...

— Ёшлик завқ-шавқи сизда бўлмаса ҳам, аммо менда ҳали бор!— деди Оймулло ширакайфлик билан.— Менинг оппоқ сочимга қараманг, кўзим ойнасига боқиб, дилим сирларидан огоҳ бўлинг.

— Юрак сирларингизга жоним қурбон!— деди қувониб заргар ва яна қадаҳга май қуя туриб гапини давом эттирди:

— Лекин тўғрисини айтсам, ҳали ёшлик туйғуларим унчалик сўнгани йўқ! Менинг бу шикоятим шунчаки одат юзасидан, худога шукур, юз гулимизни энди йигирматаси ғунча ёзди, яна саксонтаси шундоққина турибди!

— Нега энди йигирмаси?

— Бу йил милодий сананинг бир мингу тўққиз юзу йигирманчи йили — йигирманчи асрнинг боши. Мен билан сизнинг умримиз йил билан эмас, балки аср билан ҳисобланади.

Иккинчи қадаҳдан сўнг Оймулло анча ёзилиб, деди:

— Қани ичинг, баравар бўлайлик. Янги ҳукумат эр билан хотиннинг ҳуқуқини баравар қилган-ку, ахир!

— Сизнинг ҳуқуқингиз доим каттароқ эди, шукдайлигича қолаверади, жонгинам!

Муродинг агар бўлса эди номуродлигим,
Бундан кейин ҳаргиз ҳам хоҳламасман муродим.
Даргоҳингга хоҳи қабул этсанг, хоҳ ҳайдасанг,
Сенинг хоҳишингдан ўзга йўқдир бир тилагим.

— Сизга гапириб балога қолади киши,— деди Оймулло таънаомуз,— дарров Шайх Саъдийни ёрдамга чақирасизу гапирган кишини мот қилиб қўясиз! Мен эр билан хотиннинг ҳуқуқи баравар деган билан бўлармиди, демоқчи эдим. Хотин ўз йўли билан, эркак ўз йўли билан! Яхшиси, бу гапларни қўйиб, зўравонларнинг қўлини калта қилиш керак, ҳар ким ўз истагига етсин!.. Икки хотинлик, уч хотинликка барҳам беришсин!..

— Тўғри, тўғри!— деди заргар.— Эшитишимча, жадидлар фурсатдан фойдаланиб, хотинларини қўша-қўша қилаётган эмишлар... Яъни битта бўлса, хотин баравар бўлмас эмиш, агар иккита бўлса, тарози палласи баравар бўлармиш... Унда икки хотин тарозининг икки палласи-ю, эр эса тарозининг шайини бўлиб ўртада турармиш.

— Ўртада туриб сиқилиб ўлиши мумкин.

— Ана, Ҳожи Ҳасанбек Чека раиси бўла туриб, Ойимни Шоҳга одам қўйиб, розилигини олибди. Эртаиндин тўй бўлармиш...

— Аллақачон тўй қилибди.

— Ана, яна яхшироқ!.. Ойими Шоҳ амирга насиб қилмади, Саидбекка насиб қилмади, энди қартайган чол Ҳожи Ҳасанбекка насиб бўлармиди?!

— Унга ҳам насиб қилмайди! Ҳаммаси ҳам учгача дейишади, учдан кейин пуч бўлади!— деди Оймулло хаёл суриб, кейин ўзининг ҳажвий бир шеърини ўқиб берди:

Катта калла бўлсанг ҳам ақл насибинг бўлмади,
Катта салла бўлсанг ҳам фазл насибинг бўлмади.
Узун соқолинг бўлсайди агар бониси фахр,
Бизнинг эчки ҳам қилур доим соқолидан фахр.
Мол-пул пайида бўлма, қўлинг қисқалик қилур,
Мансаб пайида бўлма, қўлинг қисқалик қилур.
Уй қилма, жой қилма, жомайи салла қилма,
Аҳли аёл, қуда учун деб залла қилма.

— Ўлим тилаю умр тилама!— деди кулиб заргар.

— Афсуски, ана шу насиҳатингизни ҳам тушунмайдилар!

Буларнинг суҳбати шу ерга етганда, ташқаридан товуш чиқариб Фируза кириб келди.

— Ассалом, ассалом!— деди у ҳар иккисига қараб ва уйнинг пойгаҳига ўтириб, ҳол-аҳвол сўради.

— Биз сиҳат-саломат!— деди Оймулло.— Икковлашиб базм қиляпмиз... Ана, кўряпсанми, базм асбоблари муҳайё, фақат сен етишмасдинг. Берироқ кел, чанқаб келгансан, бир қултум шароб берай, чанқоғинг ҳам босилади, димоғинг чоғ бўлади.

Фируза Оймулло билан заргар бобонинг кўнглига боқиб, хурсанд бўлди-да, уларнинг ҳурмати учун ҳатто бир қултум шароб ҳам ичди.

— Вой-бўй, намунча аччиқ!— деди у юзини бурштириб.— Мен ширин бўлса керак деб ўйлаган эдим.

Заргар бобо кулиб деди:

Май ичардин эрмиш лаъли лабинг рангин,
Нега май аччиғу лаъли лабинг ширин?!

— Қани, жавоб бер!— деди Оймулло кулиб.

Фируза уялиб, қизариб кетди. Фируза номидан Оймулло жавоб берди:

— Лабин олма жом лабидан бир замон,
Жом лабидан топасан комин жаҳон.
Бу жаҳон жомн эрур аччиқ-чучук,
Ёр лабидю жомдан иста жаҳон.

— Офарин! Офарин!— деди заргар бобо ва патнис билан май идишларини жойига элтиб қўйди:— Фирузажон ҳукумат ишларига аралашганидан буён шеърхонликни унутиб юборибди.

— Рост, амакижон!— деди Фируза,— шеърхонлик у ёқда турсин, ўзимга ҳам, уй-жойимга ҳам дурустроқ қаролмаяпман, иш кўп... Аниқса, хотин-қизлар клубига мудир қилиб тайинлашгандан бери!

— Хотин-қизлар клуби?— ҳайрон бўлиб сўради заргар бобо.— Хотин-қизлар қулуби бўлса керак. Қулуб арабча сўз, маъноси кўнгиллар дегани. Агар сени

хотин-қизлар кўнглининг мудири қилиб тайинлашган бўлсалар, жуда соз бўпти!

Бу гапдан Оймулло билан Фируза кулиб юборди.

— Ҳа, шундай!— дерди заргар.— Қулуб сўзи қалбдан олинган, қалб эса дил демакдир.

— Бир томондан сизнинг гапингиз ҳам тўғри,— деди Оймулло.— Қулуб шундай бир жойки, у ерда кўнгиллар, аёлларнинг диллари бирлашади, бир жойга тўпланишади, Фирузажон эса ана у дилларни ардоқлайди, кўтаради...

— Шунга ҳаракат қиламан, Оймулло,— деди Фируза,— аммо халақит беришяпти. Бир қисм беғам мансабдорлар хотин-қизлар клубини айш-ишрат хонаси деб ўйлашяпти. Қарасам, униси ассалом, буниси ассалом, деб келиб, аёлларни кўз остига олишяпти, турли баҳоналар билан кириб келиб, ишимизга халал беришяпти.

— Қўйма, киришга қўйма уларни!— деди қатъий қилиб Оймулло.

— Шундай қилишга тўғри келяпти,— деди Фируза.— Майли, мендан ранжисинлар, шикоят қилсинлар. Ҳайдарқул амакидан илтимос қиламан, клуб эшигида доим битта милиция қоровул бўлиб турсин.

— Ҳа, балли,— деди Оймулло.— Тартиб-интизомни йўлга қўй. Қизларни ўқиш, иш билан банд қилиб қўй, бошларини қашишга қўллари тегмай қолсин.

— Яхши айтдингиз, Оймулложон. Лекин сиздан бир илтимос! Муаллима етишмайди. Агар сиз ҳам клубимизга бориб, қизларга дарс берсангиз, қандай бўларкин?

— Э, э, э!— деди Оймулло.— Мен клубга бориб, қизларингга нимани ҳам ўргатардим?! Мен эски Оймулломан, сизларга эса янги муаллималар, туркча биладиган муаллималар керак!

— Шарт эмас,— деди дарҳол Фируза.— Тожик тилида ҳам машғулот ўтказамиз. Сиз қизларга ўз тилимизда адаб, одоб дарсини берасиз, уларни Ҳофиз ва Саъдий шеърлари билан таништирасиз. Ана шу.

Оймулло бир оз ўйланиб қолди.

— Ахир, қизларинг шеър, адабга қизиқадими?— деб сўради у ниҳоят.

— Қизиқади,— деди Фируза.— Ҳар куни эшитаман, ётоқхонада шеър ўқишади, ғазалхонлик қилишади, ашула айтишади...

— Майли, ўйлаб кўрай-чи, кейин жавобини бераман.

— Бўлмаса, эртага бирга борайлик, бир кун туриб қаранг, қани. сизга маъқул бўладими, йўқми.

— Майли, майли,— деди Оймулло ва гапни бошқа томонга бурди: — Эшитдингми, Ойими Шоҳ Ҳожи Ҳасанбекка тегибди.

— Ростданми? Эсизгина келинчак, жуда ақлли эди, ўзини ўзи ўтга ташлабди!

— Ким билади, шояд бахтли бўлиб кетса.

— Йўқ,— деди қатъий равишда Фируза.— Мен Ойими Шоҳни биламан. Ҳожи Ҳасанбекни ҳам кўрганман... Бу иш зўрма-зўраки бўлган...

— Э, э,— деди заргар бобо гапга қўшилиб.— Шўро замонида ҳам зўрлик бўладими?

— Бўлибди-ку!— деди Фируза маъюс бўлиб.— Аммо бўлмаслиги керак эди! Ҳозирги айрим амалдорлар, менимча, мансабларига муносиб эмас. Улар инқилобни нотўғри тушунишган. Хотин-қизлар озодлигининг моҳиятига етмайдилар...

— Рост, рост!— деди Оймулло.— Тушунганларида эди, бундай қилишмасди.

Заргар бобо эътироз билдирди:

— Мен сизларга ҳайронман,— деди у,— вақтида амир ва унинг амалдорлари бор эди, улар истаганларини қилаверишарди. Фуқаро қўл остларида эди... Энди Шўро ҳукумати даври, энди нозирлар фуқарони нима қилса қилаверадилар-да!

— Шундай қилмасликлари керак!— деди Оймулло.— Фируза билан Ҳайдарқулнинг гапларига қараганда Шўро ҳукумати даврида фуқаро осойишта яшаши керак, ҳар ким мурод-мақсадига етиши, озод бўлиши керак...

— Хайр,— деди чол,— фараз қилайлик, шундай ҳам бўлсин... Лекин ҳозир...

— Ҳозир,— деди Фируза,— ҳукумат унча мустаҳкам эмас. Атроф-теваракда душманлар кўп, фурсатдан фойдаланиб зарар етказмоқчи бўладилар... Мана, кечаги бир воқеани айтиб берай: Кармана Ревкоми кимсасиз, озодликка чиқмоқчи бўлган уч аёлни ара-

вага солиб, бизнинг клубга юборган экан. Лекин йўлда номаълум кишилар аравани тўсиб, шўрлик мазлума аёлларни тилка-пора қилганлар, уларнинг қони билан қоғозга: «Ҳурриятга чиқмоқчи бўлганларнинг жазоси ана шу!»— деб ёзиб қўйишибди.

— Вой, вой, вой-ей!— деди ачиниб Оймулло.— Бу қандай даҳшат, қандай фожиа! Наҳотки дунёда гуноҳсиз аёлларга ҳужум қилиб, уларни тилка-пора қиладиган шунчалик бераҳм одамлар бўлса-я?!

— Бор, ҳали бор!— деди Фируза.— Лекин Шўро ҳукумати уларни йўқотяпти. Аммо улар батамом йўқолгунча анча иш қилишлари мумкин...

— Сен ўзингдан эҳтиёт бўл, қизим!— деди Оймулло.— Худо кўрсатмасин, ишқилиб, сенга бир бало бўлмасин. Кечалари бемаҳалда юрма. Оқшомданоқ дарвозани занжирлаб ётинглар! Агар Асо келмай қолса, сен бу ерга, бизнинг олдимизга тушиб ёт!

— Ҳа, ҳар ҳолда эркак номим бор!— деб қўйди заргар бобо, Фирузанинг лабига табассум югурди.

— Хайр, саломат бўлинглар!— деди у.— Мен болохонага чиқиб, Асо келгунча у ёқ-бу ёқни йиғиштириб қўяй...

8

Ҳамроҳхоннинг онаси йиғларди, катта бир ҳовлида ёлғиз ўтириб фиғон чекарди, нола қиларди, кўксига урарди, юзларини тирнарди, худога ялиниб-ёлворарди. Унинг паранжи-чачвони уй даҳлизида сочилиб ётарди. Уст-боши ва оёғидаги маҳсисидан у ҳозиргина кўчадан қайтиб келиб, ҳеч нарсага эътибор бермай, уйнинг пастки эшиги олдига ўтириб, йиғлай бошлаганн кўриниб турарди.

— Э, худо, қизгинамни ўзинг паноҳингда асра! Парвардигор, пок номинг ҳақ-ҳурмати, болагинамни офату балолардан, золимлар қўлидан халос эт!

Кампир шу хилда худога илтижо қилиб йиғларди. Бир вақтлар гулдек яшнаган, гўзал ва раҳматлик эрининг таърифу тавсифларига сазовор бўлган юзларини ҳозир ажин босган бўлиб, кўз ёшлари сал қизартирган эди...

Ниҳоят, кўз ёшлари қуриди. Кампир йиғи-сиғидан куйиб-пишишдан чарчаб, бир нуқтага, уй деразасига тикилганича жим бўлиб қолди...

Вақт чошгоҳ бўлиб, куз қуёши уч эшикдан камжиҳоз, қуруқ уйга тушиб турарди. Карахт бўлиб қолган битта йўлпашша офтобда жонланиб, дераза ойнасига ёпишиб ғинг-ғинг қиларди. Пашша ташқари чиқмоқчи бўларди, аммо дераза ойнаси, шаффоф, қаттиқ, сирпанчиқ, силлиқ ойна борлигини пайқамасди. Йўлпашшанинг барча уринишлари бекорга кетарди!.. У ойнанинг охиригача, дераза ёғочигача бораверди, дераза ёғочи сирпанчиқ эмас, унга оёқ босиб юриш мумкин, ундан учиб кетиш ҳам ўнғай, аммо тиниқ эмас, ташқаридан тушаётган офтоб нурларини тўсарди... Йўлпашша яна орқага қайтади, яна ташқари кўринади: офтоб, соф ҳаво, кенг майдон, эркинлик... Аммо чиқиб кетишнинг иложи йўқ! Орада ойна бор, йўлпашша буни пайқамайди, билишни ҳам истамайди...

Кампирнинг қизи Ҳамроҳхон ҳам худди ана шу жонивор сингари... офтоб нурига, эркинликка интилиб, ўз бахт-саодати томон парвоз қилишни, қанотларини кенг ёзиб парвоз қилишни истайди... У ҳам бу жонивор сингари офтобни, кенг майдонни, соф ҳавони кўряпти, шунга интиляпти, лекин афсуски, йўлини, бахт йўлини ҳамиша тўсишяпти, ҳамиша номаълум тўсиқлар пайдо бўляпти...

Худоё худовандо, нажот қайда, бахт йўли қани?!

Кампир ўй-хаёлларга ботиб ўтирганида, тўсатдан ҳовлидан оёқ шарпаси эшитилди-ю, бир аёл сўради:

— Айланай, ойимлар, бормисизлар?

Кампир югуриб ўрнидан турди-да, даҳлизга чиқди, отиб юборилган паранжи-чачвонни йиғиштириб олмоқчи бўлди, аммо эшикдан Анбари Ашк кўриниб қолди. У қўлида паранжи-чачвони билан кампирга салом берди.

— Ассалом, холаси!— деди кампир зўрма-зўраки жилмайиб.— Келинг, айланай, мен ҳам ҳозиргина келган эдим...

Улар кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди, уйга киришди, лекин негадир Анбари Ашкни кўриши билан яна кампирнинг кўзига беихтиёр ёш келди. У уй пастига ўтириб, енги билан кўзларини арта бошлади.

— Хўш, хўш?— деди ҳайрон бўлиб, ҳатто сал вазмага тушиб Анбари Ашк.— Нима бўлди? Нима гап?

Кампир бир лаҳза гапиролмади, сўнгра кўз ёшларини артиб, чуқур бир нафас олди-да, деди:

— Қайғум зўр, холаси, дардим кўп! Нима иш қилиб қўйдим-а, нима номаъқулчилик қилиб розилик бердим, ўз қўлим билан қизимни ўтга ташладим!..

Анбари Ашкнинг ўтакаси ёрилаёзди:

— Мени бунча қўрқитманг, ойим! Бўлган гапни айта қолинг!— Ахир, қизим соғ-саломатми?

— Саломат эди, лекин ҳозир билмайман...— деди яна кампир, Анбарни баттар ваҳимага солиб ва бир оздан кейин гапини давом эттирди:— Бугун янги куёв менга чиқиб кетинг, демади холос! Рўйхуш бермади! Қизим Ҳамроҳхон ғаму аламдан ўлаёзди, ҳол-жонимга қўймай мени жўнатди, уйга бора қолинг, деди. Келдиму, лекин эс-ҳушим ўша ерда! Қўрқаман, холаси, қўрқаман!

— Э, нега қўрқасиз?

— Қизим ўзини бир бало қилади.

— Нега энди? Ахир розилик билан эру хотин бўлишган, орзу-умидларингиз бор эди-ку?

— Э, розилик дейсиз-а?!— деди кампир оҳ тортиб.— Қизимни зўрлик билан олди. Аввалига барча мусодара қилинган нарсаларингизни қайтариб бераман, деди, кейин агар рози бўлмасанглар қаматаман, беобрў қилиб, зўрлик билан олиб кетаман, деб хабар қилди... Ҳа, бу гапларни кимга айтай?! Дардимиз ичимизда, ҳеч нима демасдан рози бўлдик. Аммо бу одам на нарсаларимизни қайтариб берди, на қизимни кўз очиряпти! Кундошлик ҳовлига бахт боқмайди, деганлари рост.

— Наҳотки Ҳамроҳхон эркакнинг кўнглини юмшата олмаган бўлса?

— Кўнгли қуриб кетсин!— деди кампир.— Ҳамроҳ ўзини бирон бало қилиб қўймаса эди, деб қўрқаман, холаси! Яхшиям келдингиз, худо сизни етказди. Жон холаси, бир илож топинг, йўқса қизимни бой бериб қўяман.

— Нималар деяпсиз?!— деди Анбар унга тасалли бермоқчи бўлиб.— Қизимнинг ақли бор, фаҳм-фароса-

ти бор! Наҳотки бир чол кишининг кетидан ўзини ўлдирса?!

— Қари итнинг орқасидан эмас!— деди кампир.— Дард-аламдан, умидсизликдан, бадбахтликдан ўзини ҳар бало қилиши мумкин, холаси! Менга разм солди, аммо мен калтафаҳм тушунмабман, мана энди ўз ёғимга ўзим қоврилиб ўтирибман...

Анбар кампирнинг типирчилашлари бежиз эмаслигини, ҳақиқатан ҳам Ҳамроҳхон умидсизликдан ўзини ҳар нима қилиши мумкинлигини пайқади. Шу сабабли у ўйлаб туриб деди:

— Ваҳима қилманг, ойим! Мен ҳозироқ қизимнинг олдига бораман, ўзи билан маслаҳатлашиб, чорасини топамиз.

— Хайр, илоҳи барака топинг, холаси! Худойим муроду мақсадингизга етказсин! Аммо эҳтиёт бўлинг. Мабодо сизга ҳам рўйҳуш бермай юрмасин...

Анбари Ашк кулимсиради:

— Менга уларнинг қош-қовоқлари керак эмас! Ундан кўра ўша фосиқ чол менинг қош-қовоғимга қараса, яхши бўларди. Ўша икки-учта мўйлови ҳам ортиқчалик қиляпти шекилли, битта-битта юлиб ташларман! Мен Чека-пекасидан қўрқмайман! Ҳа, хотиржам бўлинг! Шундай қилайки, ўзи баракалла десин!

Бу шаддот аёлнинг гаплари кампирнинг алам билан тўлган қалбини бир оз ёритгандай бўлди. У Анбари Ашк қизини қутқазишига ишонарди.

— Илоҳи худо ёрингиз бўлсин!— деди кампир, уни кузата туриб.— Турмадингиз, чой қилардим... Мен эсҳушимни йўқотиб қўйдим...

— Чойингизни кўп ичганмиз, ойим!— деди йўлакда Анбар.— Ҳозир тезроқ қизимнинг олдига борай, ғам-аламдан нима бўлдийкин? Илоҳи Ҳожи Ҳасанбек бўлмай Ҳожи гумдон бўлсин, бу фосиқ, қари кўппак!

Анбар кўчага чиқди.

Ўша куни офтоб чарақлаб турарди. Одамлар шодихуррамлик билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Регистон майдонига борардилар. Болалар қий-чув қилиб югуришарди, тўрт тарафдан қўшиқ, музика ва куй қулоққа чалинарди. Фазода ҳам, ерда ҳам — ҳамма жойда байрам руҳи кезарди. Дарвозаларнинг тепасида, масжид ва мадрасаларнинг пештоқларида қизил байроқлар ҳилпирарди, қаерда бўлса тантана, шод-хуррамлик, кўтаринки

руҳ ҳукм сурарди. Анбар баланд кўчадан пастга, Регистоннинг катта йўлига тушиб ҳангу манг бўлиб қолди. Бир талай мактаб бола янги либосларда байроқ кўтариб, ноғора, карнай-сурнай чалиб кетишаётганди. Ҳар бир мактаб болалари бир хил кийимда эди. Болалар бўйинларига қизил рўмолчалар боғлаган, бошларидаги қайиқсимон қалпоқчалар шундай ярашган эдики, Анбари Ашк беихтиёр йўл бошида тўхтаб қолди. Бу озод болаларнинг шод-хуррамлиги, шавқ-завқи унинг кўксига баҳор шабадасини уфурди. Беихтиёр кўзларидан ёш оқди. У бугун қанақа кун экан?— деди ўзига ўзи.

Катта йўлдан одамлар тўхтовсиз ўтиб туришарди. Болалардан кейин катталар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб, байроқлар ва шиорлар кўтариб, Регистон томон боришардилар. Анбари Ашк бир оз қараб турган эди, аскарлар карнай-сурнай, ноғора чалиб, саф-саф бўлиб, елкаларида милтиқлари билан гурс-гурс қадам ташлаб ўтиб қолишди. Анбари Ашк сабри чидамай ҳозиргина йўлга сув сепиб, бўш мешини қўлтиқлаб, унинг ёнида аскарлар парадини томоша қилиб турган бир мешкобдан сўради:

— Жиян, бу қанақа томоша? Булар қаёққа боришади?

— Бугун байрам,— деди мешкоб,— бугун Октябрь байрами! Регистонда сайил, катта намойиш!.. Қизил минбардан катталар ваъз айтишади, юринг, борамиз. Ана шу Асад Мақсум аскарлари кетидан бораверамиз...

— Аёлларни қўйишмаса керак?

— Нега энди?!— деди мешкоб.— Ахир озодлик байрами-ку, нега аёлларни қўйишмасакан! Мен кўрдим, хотин-қизлар ҳам кетишяпти... Юринг!

— Хўп, бир оздан кейин бораман. Ҳозир ишим бор, бир зарур ишим бор, жиян,— деди Анбар ва минора тагидан юриб, куйиб вайронага айланган расталардан ўтди-да, қозихона олдидан Ҳавзи Атолиқ гузарига тушди. Бу гузарда нафшолак ҳаммоми яқинида, Абдумўмин мирзачининг собиқ ҳовлисида, катта ва кўл хонали ҳовлида Бухоро хотин-қизлари клуби жойлашган эди. Бу кенг ҳовлининг дарвозаси кўримсиз йўлакда бўлиб, дарвозадан киришингиз билан катта даҳлиздан ташқари ҳовли, сўнгра кенг ичкари ҳовли бош-

ланарди. Ташқари ҳовлида клуб идораси, омбор, хўжалик ва маъмурий бинолар жойлашганди. Синфлардан бири ҳам шу ташқари ҳовлида эди. Аммо нисбатан анча кенг бўлган ички ҳовлида ертўлалар, болохоналар ва базмхоналар бўлиб, ҳозирги вақтда булар клубнинг асосий бинолари ҳисобланарди. Мажлислар зали, ҳунар устахоналари, тикувчилик, каштачилик, ошхона, ётоқхона ва бошқа бинолар ҳам шу ҳовлида эди.

Анбар хола бундан илгари ҳам бир-икки марта бу ҳовлига келиб, клубнинг нималигини, унинг вазифасини яхши билиб олган эди. Уни бу ерга Қоплондаги ҳовлидан, амир онаси олдидан чиққандан кейин Фируза бошлаб келган эди. Анбар холанинг Фируза билан танишлиги аркда, инқилобдан олдин бошланган бўлиб, булар ўртасидаги дўстлик, аҳиллик секин-аста мустаҳкамланган эди. Анбар холанинг Фирузага эътиқоди зўр эди. У ғайратли, софдил ёш Фирузанинг қандай ишга қўл урса уддасидан чиқишини биларди. Айниқса, инқилобдан кейин Фируза унинг назарида биринчи инқилобчи аёл, янги ҳукумат бошлиқларидан биридай туюларди. Шу сабабли ҳамиша агар бирор зарурат туғилса, бирор маслаҳатли иш чиқиб қолса, у зудлик билан Фирузанинг олдига келарди ва унинг яхши маслаҳати билан ишни юриштириб юборарди. Ҳозир ҳам унинг олдида муҳим муаммо — тутинган қизи Ҳамроҳхонни озод қилиш масаласи кўндаланг турарди, шубҳасиз Фирузанинг маслаҳатисиз бу мушкулни ҳал этиб бўлмасди.

Ўша куни Анбар хола хотин-қизлар клубига келди-ю, клубни танимай қолаёзди. Аввало шуки, катта кўчага ва дарвозахонага қизил алвонларга оқ ҳарфлар билан: «Яшасин Улуғ Октябрь инқилоби!», «Яшасин Учинчи Байналмилал!» «Яшасин Иштирокиюн фирқаси ва Шўро ҳукумати!» деган сўзлар ёзилган инқилобий шиорлар осилган бўлиб, турли рангдаги қоғозлар, қизил байроқлар, Маркс, Энгельс ва Ленин портретлари билан безатилган эди. Йўлак тепасига то клуб дарвозасигача ранг-баранг қоғозлар осилган эди. Клубнинг ичкари ва ташқари ҳовлиси одам билан лиқ тўла. Тараддуд, ғовур-ғувур, кирди-чиқди, доира чалиш, қарсак, ашула авжида эди... Аёллар янги кийим кийишганди. Муаллималар оёқларига хушбичим этик-

чалар ё амирқон кавуш-маҳси, эгниларига бахмал кўйлак, мовут камзулча кийиб, бошларига ипак рўмоллар ўраганди. Ҳусну латофатда бошқалардан гўзалроқ бўлган Отинчахон номли тошкентлик муаллима ҳаммадан чиройли, бежирим кийинган эди. Оёғида қизғиш қўнжли ботинка, эгнида марғилон шойи кўйлаги, устидан енглари ва ёқалари жимжимадор, каштали хушбичим чесуча камзул кийган бўлиб, бошидаги гулли тошкент дўпписи устидан мовий ҳарир рўмол ташлаб олган эди. Кўзларида сурма, қошларида ўсма бўлиб, шу байрам кунида ҳам қўлида газета, китоб бор эди...

Анбар хола йўлакда Фирузани тополмай, ҳайрон бўлиб турган эди, тўсатдан Отинчахонни кўриб қолди ва олдига бориб, саломлашиб, Фирузани сўради.

— Фируза қизлар ётоғида бўлса керак,— деди Отинчахон.— Намойишдан кечикмайлик, деб уларни шошилтирмоқчи эди.

— Қанақа намойиш?— сўради Анбари Ашк атайин. У ёш мешкобнинг гапларини синаб кўрмоқчи эди. Отинчахон ҳовли ўртасидан четроққа чиқиб деди:

— Октябрь байрами намойиши.

— Хайр...— деб қўйди Анбари Ашк. Унинг башарасидан ҳеч нарса англамаганлиги кўриниб турарди. Отинчахон жилмайиб гапига изоҳ берди.

— Бундан уч йил муқаддам Россияда инқилоб бўлган эди. Золим ҳукуматни ағдариб, ўрнига Шўро ҳукуматини ўрнатишди. Бу байрам намойиши ўша куннинг шарафига. Бугун меҳнаткашлар озодлиги куни, катта байрам куни. Бугун Тошкентда ҳам, Қозонда ҳам, Москва ва Фитирбургда ҳам байрам қилишади, ҳамма жойда байрам...

— Жуда соз!— деди Анбар.— Шундай байрамлар кўпроқ бўлиб турса, шўрлик аёллар бир оз нафасини ростлаб олади! Бу қандай яхши-я, худди тўйдай... Катта байрам! Шошманг, бу аёлларнинг ҳаммаси ҳам Регистонга борадими?

— Ҳа, Регистонга бориб, ваъзхонликни эшитамиз, қайтиб келиб яна хурсандчилик қиламиз...

— Сиз ҳам борасизми? Паранжисиз-а?

— Йўқ, нега паранжисиз? Паранжи билан бўлса ҳам намойишга иштирок қилаверамиз!

— Агар паранжисиз борсангиз, сизнинг бу ҳусни жамолингизни кўриб, эркаклар жинни бўлишади!

— Ҳазилкаш экансиз, хола!— деди Отинчахон ва кулди.— Сиз ҳам биз билан борасизми?

— Кўрамиз!— деди Анбари Ашк хиёл таъзим қилиб ва Фирузани қидириб ичкари ҳовлига кетди.

Фируза билан Оймуллон Танбур аёллар ётоқхонасидан бирида золим ва чол эридан қочиб, шу клубга келган ёш бир келинчакка кийим кийдириб, тасалли бермоқда эди:

— Аввало шуки, сен паранжи-чачвонсиз эмассан,— дерди Оймулло.— Иккинчидан, шунча хотин-қиз орасида ўша чолинг қандай қилиб сени танийди?

— Қўрқаман, Оймулложон, қўрқаман!— дерди келинчак кўз ёшини артиб.

— Шу бугун биз билан чиқиб, ёруғ дунёни кўрсанг, қўрқмайдиган бўласан!— дерди Фируза.

Анбар хола салом бериб, эшикдан кирди-ю, узр сўради:

— Айланай, Фирузажон!— деди у.— Кўриб турибманки, ишингиз кўп, лекин бир минутга, бир муҳим маслаҳатли гап бор эди... Қандай бўларкин...

— Майли, боринг, Фируза!— деди Оймулло.— Мен яна Аминажоннинг нутқини бир марта такрорлатиб чиқаман. Ҳамма тайёр.

Фируза Анбари Ашк билан хонадан чиқиб, газал ўқиётган, чақчақлашаётган, шод-хандон хотин-қизлар орасидан ўтиб, катта хонага — мажлислар залига кирди. Бу хона ҳам шиорлар, қизил байроқлар ва рангбаранг қоғозлар билан безатилган эди. Хона тўрига деярли бутун тўрни эгаллаган катта стол қўйилиб, усти қизил бахмал билан ёпилганди, унинг ортига бир қатор курси-столлар қўйилган эди. Хонага катта қизил пат гилам тўшалган бўлиб, атрофига кўрпа-кўрпачалар солинганди.

— Кела қолинг, шу ерда гаплашамиз,— деди Фируза.— Бугун бирорта ҳам бўш хона йўқ...

— Ҳечқиси йўқ,— деди Анбар хола.— Мен бир зарур гап билан келувдим, тез кетаман...

— Йўқ, йўқ!— деди Фируза.— Бугун сизга жавоб йўқ. Биз билан намойишга борасиз, намойишдан қайтиб келганингиздан кейин, клубимизда томоша, ўйин-кулги бўлади. Сиз ҳам қизларимизни хурсанд қилишингиз керак!

— Жоним билан,— деди Анбари Ашк.— Агар улгурсам, албатта келаман... Бу ерда шунчалик ўйин-кулги бўляпти-ю, аммо менинг ичимни итлар тирнаяпти...

— Хўш, хўш? Нима бўлди, нима гап?— ваҳима билан сўради Фируза.

— Гап шуки,— деди Анбар хола,— шўрлик Ҳамроҳхон шу қадар қийналибдики, ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлибди. Эрталаб шўрлик онасидан хабар олай деб кирувдим, қарасам ҳовлида бир ўзи дод-фарёд қилиб ўтирибди. Мени кўриб, ўша худобехабарнинг ҳовлисига бориб, қизимнинг аҳволидан хабар олинг, деб ёпишиб олди... Мен ҳозир ўша ерга кетяпман. Йўл-йўлакай сизни кўриб, бир маслаҳатлашай деб келувдим...

— Шўрлик Ойимишоҳ!— деди Фируза ғамгинлик билан.— Таклифини қабул қилма, яхши бўлмайди деб айтгандим унга, аммо гапимга кирмай, ўша чолга тегибди...

— Чол кишининг ишқи гулни урадиган совуқдай гап!— деди Анбар хола.— Буни ўзи ҳам биларди, лекин ҳар томонлама ўйлагандир-да... қўрққандир-да... ўзингиздан қолар гап йўқ, қизим!

— Эҳтимол,— деди Фируза.— Хўш, нима бўпти?

— Аниқ билмайману, ҳарқалай азоб-да!— деди Анбар.— Бекорга ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлмагандир ахир!..

Фируза ўйлаб туриб деди:

— Бўлмаса, бориб хабар олинг, аниқланг, агар ўша ҳовлида ўша эри билан туришни истамаса, ўзини ўлдиришнинг ҳожати йўқ, аксинча яшаши керак. Бирор йўлини топиб, бу ерга — клубга олиб келинг, бизга ҳеч кимнинг кучи етмайди!

— Сиз кетяпсиз шекилли-ку?

— Биз ҳозир намойишга, Регистонга борамизу, икки соатдан кейин қайтамиз.

— Бўпти,— деди Анбар хола.— Бўлмаса мен ҳозир тўппа-тўғри Ҳасанбекнинг ҳовлисига бораман. Бу намойиш муносабати билан унинг ўзи ҳам бўлмаса керак...

— Гапингиз тўғри, Ҳасанбек Регистонда бўлса керак... Хайр!

Улар мажлислар залидан чиқишди. Шу пайт муаллималар ва Оймуллои Танбур клубдагиларнинг ҳам-

масини ташқари ҳовлига чақирган эди. Бухоро хотин-қизлари биринчи марта ташкилий равишда байроқ кўтариб, намойишга борардилар. Гарчи улар паранжи ёпинган бўлсалар ҳам, гарчи унчалик кўп бўлмасалар ҳам, бироқ бу намойиш Бухоро хотин-қизлари ҳаракатининг бутун тарихида биринчи, энг муҳим ва шодиёна бир тантана ҳисобланарди. Намойишчи хотин-қизлар орасида бир-иккита рус ва татар аёллари ҳам бор эди, улар паранжисиз бўлиб, байроқларни ҳам ўшалар кўтариб борарди. Ўша куни Фирузанинг ғайрати шунчалик жўш уриб, шавқ-завққа тўлдики, ҳатто паранжисиз чиқмоқчи ҳам бўлди, лекин Отинчахон билан Оймуллои Танбур маслаҳат бермади. Улар бу ишинг билан хотин-қизларни клубдан бездириб қўясан дейишди... Анбари Ашк ҳам бу хурсандчилик, ўйин-кулги, дабдабани кўриб завқланди-да, чидаб туролмасдан чилдирмани олиб қарсиллатиб чалди, кейин афсусланиб хайрлашди:

— Сизлар билан боришга юрагим тўкилиб турибди-ю,— деди у,— аммо нима қилайки...

У ҳаммадан кейин кўчага чиқди. Кўчада одам кўп эди. Клуб хотин-қизларининг байроқ кўтариб, доира чалиб чиқишларини томоша қиладиганлар сон-саноқсиз эди. Томошабинлар шунчалик кўп эдики, ҳатто клуб хотин-қизлари юришга йўл тополмас эдилар. Шу пайт аллақаёқдан Ҳожи Малеҳнинг ўғли Насимжон пайдо бўлиб қолди. Бу киши шу кунларда Бухоро дорулахлоқининг (қамоқхона) мудири қилиб тайинланган эди. Насимжоннинг ҳовлиси клуб рўпарасида, кўчанинг нариги томонида эди. Унинг остида катта оқ от, кўзида пенсне, бошида барра телпак, эгнида ҳаво ранг мовут форма, белида маузер бор эди, у хром этигини узангига тираб, икки отлиқ милиция билан етиб келди-ю, бекорчи одамларни кўча ўртасидан четлаштириб, хотин-қизларга йўл очди ва ҳарбийчасига саломлашиб деди:

— Марҳамат, азиз хонимлар, сизлар учун озодлик, бахт-саодат йўли кенг очиқ!

Унинг оқ оти ўйнаб, кишнаб, ер тепарди, Насимжоннинг кўзлари хурсандлигидан барқ урарди, бутун вужудида ёшлик, гўзаллик, ифтихор туйғулари мужассамланган эди.

— Раҳмат, сизга, меҳрибон қўшни!— деди Фируза

паранжи остидан.— Сизга ҳам муваффақият тилайман!

— Ташаккур!— деди Насимжон ва қўлини чаккасига қўйиб честь бериб турди, хотин-қизлар доира чалиб, шод-хуррамлик билан унинг олдидан ўтиб кетишди...

Бу воқеаларни Анбари Ашк кўриб турарди. У Насимжоннинг ҳусни, ўктамлилигини ва хушбичим кийимларини кўриб, ичида қани энди менинг қизим Ҳамроҳхонга ҳам шундай бир эр топилса дерди.

У узоқ туришни эп кўрмай, Турсунжон мадрасаси олдидан ўтиб, намойишга бораётган хотин-қизлардан ажралиб чиқди-да, янги бозор томон бурилди. Регистонга борадиган катта тош йўлда одам қайнарди. Ҳар бир гуруҳнинг олдида байроқдорлар, бошлиқлар борарди, айрим гуруҳларда карнай-сурнай, ноғора ва доира садолари янграрди, ёшлар рақсга тушардилар. Анбари Ашк девор тагидан юриб, ниҳоят янги бозордаги растага етиб, Қоплон тарафга олиб борадиган катта йўлга бурилди.

Ҳожи Ҳасанбек ўша вақтларда Қоплон гузарида Шайхулисломнинг мусодара қилинган ҳовлисида турарди. Буни Анбар хола биларди. Шунинг учун у кам одам йўлга ўтиши билан, тез-тез одим отиб кетди...

Шу пайт Ҳамроҳхон уйнинг тўр томонидаги бурчакда ўтириб, Хўжа Ҳофизнинг китобини варақлар ва ҳар замон-ҳар замонда оҳ чекарди, тўхтовсиз оқаётган кўз ёшларини артарди. Ташқаридан, катта кўчадан мактаб болаларининг карнай-сурнай, ноғора садолари, қўшиқлари ва ёш болаларнинг кулгилари эшитилиб турарди. Ҳовлидагиларнинг ҳаммаси, ҳатто Ҳасанбекнинг қартайиб қолган опаси ҳам намойишни томоша қилиш учун эшик орқасига тўпланишган эди. Ҳовлида ошпаз кампирдан бўлак ҳеч ким кўринмасди, у ҳам ошхонада эди. Ҳожи Ҳасанбекнинг ўзи эрталаб вақтли ўрнидан турди-да, туни билан мижжа қоқмай чиққан Ҳамроҳхонни қўполлик билан туртиб, мажбуран турғазди.

— «Бугун бизнинг байрамимиз, биз инқилобчиларнинг байрами!— дерди у.— Сиз ойим, гарчи бугун хурсандчилик қилишни хоҳламасангиз ҳам, лекин ўрнингиздан туринг!»

— «Мен хурсанд!»— деб қўйди Ҳамроҳхон.

— «Бу кечаги муомалангиз шуни кўрсатдики, дилингизда ғаразингиз бор, биз инқилобчилар сизга маъқул тушмаяпмиз!..»

— «Э худо,— дерди у дилида,— тезроқ даф бўлиб кет, товушингни ҳам эшитмай, бетингни ҳам кўрмай!»

Ҳожи Ҳасанбек катта хотинининг ёнига бориб, нонушта қилди ва ҳеч нима демай, буйруқ ҳам бермай, ҳар кунгидек дўқ-пўписа ҳам қилмай чиқиб кетди...

— «Илойим борган еридан қайтиб келмасин бу қари ит!»— дерди Ҳамроҳхон ичида ва Ҳофиз китоби ни варақларди. Тўсатдан у бугунги аҳволига мос тушадиган бир ғазални кўриб қолди-да, ҳамма нарсани унутиб, шу ғазални ўқиди:

Дард ила лиқ тўлди кўнглим, дўстлар марҳам қани?
Бўлди танҳолик билан хуноб дил, ҳамдам қани?
Чархи кажрафтордан осудалик кўрмас киши,
Соқиё, май бирла ҳуррам этгучи ул дам қани?
Сабр чоҳи узра куйдим шамъ юзли ёр учун,
Ҳолимиздан турк шоҳи бехабар, Рустам қани?
Ушбу оламда топилмас одамийликдан нишон,
Қайда энди янги олам, ундаги одам қани?

Ё Ҳофиз шеъринг таъсириданми, ё ўзининг дарду аламиданми, яна кўз ёшлари равон бўлди. Хаёлига ҳар хил даҳшатли фикрлар кела бошлади. У китобни ёпиб, токчага қўйди ва қўлини дуога кўтарди:

— Ё раббий, ё илоҳо!— деди у оҳиста лабини қимирлатиб.— Мен заифман, нотавонман. Мен бошқа бир олам яратишга, янги одамни бунёд этишга қодир эмасман! Агар мен раъйингга хилоф бирор иш қилган бўлсам, энди гуноҳимни кечир...

— Худо кечирмайди!— деб тўсатдан хонага Анбар хола кириб келди. Ҳамроҳхон ҳали ҳам дуога кўтарган қўлларини туширмаган эди, у Анбар холани кўриб, бирданига бўшашиб кетди-да, ўрнига ўтириб қолди:

— Бу тушимми, ё ўнгимми?— деди у.— Анбар хола!

Улар қучоқлашиб кўришди, йиғлашди, кулишди ва бир-бирларини ўпишди.

— Ўзи нима гап?— деди Анбар хола.— Нима воқеа юз бердики, худодан кечирим сўраяпсан?

— Бошқа иложим қолмади,— деди Ҳамроҳхон,— ниҳоятда юрагим қисилиб кетди. Бу ҳовли — уйлар назаримда қоронғи гўрга ўхшайди. Бу нотавон чол бўлса Азройилнинг ўзгинаси! Мана бир ярим ой бўлди, қон ютяпман... Ҳар кечаси ёнимда муздан ясалган дев каби ётади, баданимни тирнайди, тишлайди, қийнайди, азоб беради, ахийри эплолмасдан шалпайиб тушади-да, хуррак отади... Шундай безор бўлганманки, агар қўлининг учи бирон жойимга тегиб кетгудай бўлса, карахт бўлиб, ғашим келади, қочишга жой тополмай қоламан. Бундай эрдан кўра қабр тошини қўлтиқлаб ётиш яхшироқ! Қайси куни аллақандай Эрон журналида бир эронлик шоирнинг шу ғазалини ўқиб қолдим:

Гуноҳим шул эрурки, бу жаҳонда мен хотиндирман,
Шу боисдан тирик ўлик бўлибон бағри хундирман.
Агар ечсам танимдан ушбу тўнни — бу гуноҳ бўлғай,
Ва лекин ечмасам, афсуски, қолим табоқ бўлғай.
Не чора? Ушбу тўндирки, мени бахти қаро этмиш,
Ҳаётим ҳосилини бу замонда доду оҳ этмиш.
Ажал ҳар кеча-кундуз ўқрайиб менга нигоҳ этмиш.
Гуноҳим шул эрурки бу жаҳонда мен хотиндирман,
Шу боисдан тирик ўлик бўлибон бағри хундирман.[1]

Бу байтларни эшитаркан, Анбари Ашкнинг кўзлари ҳам ёшга тўлди.

— Бечора қизим, шўрлик қизим!— деди у Ҳамроҳхоннинг бошини кўксига босиб.— Илоҳи сенга ёмонлик қилганларга худо ўлим берсин! Йўқ, энди сен гул-гул очилиб, яшашинг керак! Бас энди!

— Юракдаги дардни ҳеч ким тушунмайди, дейишади. Бу тўғри. Менинг дардимни ким эшитади, ким...

— Эшитадиганлар бор!— деди Анбар хола.— Аллақачон эшитишган...

У Ҳамроҳхонга анча тасалли бериб, Фирузанинг гапларини айтди ва ҳозироқ бу ҳовлидан чиқиб кетишни таклиф қилди.

— Қандай бўларкин, ахир?..— деб иккиланиб қолди Ҳамроҳхон.— Сиз қандай қилиб келдингизки, бу ялмоғизлар кўрмай қолишди.

— Мен қўшнининг даричасидан кириб келдим...

---

[1] Мирзозода Ишқий шеъри.

қарасам, кундошинг, кампир — қайнагачинг, билмадим, яна кимлар ташқари ҳовлининг катта дарвозаси тагида мактаб болаларнинг ўтаётганларини томоша қилишаётган экан, уларга яқин келмай, қўшнининг ҳовлисига кирдим. Қўшни мени танийди. Шайхулислом вақтида келган эдим. Ҳозир ҳам мен келган ўша йўл билан чиқиб кетамиз...

Ҳамроҳхон жилмайди, хона ичи гўё қуёш нури тушгандай ёришиб кетди. Бу табассум Ҳожи Ҳасанбекка теккандан кейинги биринчи табассум эди. У сапчиб ўрнидан турди, саросималик билан баъзи ўзи яхши кўрган кўйлак, рўмолларини йиғиштирди, олтин тақинчоқларини олди ва ҳаммасини тугунга боғлаб деди:

— Кетдик! Бу ялмоғизлар келмасдан бурун ҳовлидан чиқиб кетиш керак.

У-буларни йиғиштиришга мамнунлик билан ёрдамлашган Анбари Ашк олдинга тушиб, деди:

— Кетдик!

Улар даҳлиздан паранжи-чачвонни олиб, секин ҳовлига чиқишди, Ҳамроҳхон келин бўлиб келган уйга лоақал қайрилиб ҳам қарамади. У камондан узилган ўқдай, зиндондан қутулган маҳбусдай, куйган киши оловдан қочгандай орқасига қарамай қочарди... Ҳа, қочарди! Шу пайт қўл-оёқлари музлаб, юраги гупиллаб урарди. У худоё худовандо қўшни ҳовлисидан кўчага сиҳат-саломат чиқармиканмиз дерди. Кўчадан, бу фалокат кўча, гузарлардан ҳам сиҳат-саломат узоқлашиб кета олармиканмиз? Худоё худовандо, ўз паноҳингда асра! Паноҳингда асра!

Ҳа, бундай пайтларда биз ҳамиша худони эсга оламиз! Ушлаб турган нарсамиз қўлдан чиқиб кетгандан кейин унинг даргоҳига илтижо қиламиз... Афсуски, охирги умидимиз, пушт-паноҳимиз ҳам сўниб, эшитмайдиган бўлиб қолади. Охирги дақиқада ҳамма нарса — барча ният ва орзу-умидларимиз барбод бўлади... Бир вақтлар Саидбек ҳовлисидан қочган вақтимда бўлганидек... Илоҳо, ҳозир ҳам ўшандай бўлмасин, худоё худовандо, ўзинг асра! Ўзинг нажот бер! Ҳожи Ҳасанбекнинг қўлидан қочиб, ўзингга сиғинаман!..

Аммо Анбари Ашкнинг ўй-хаёллари ўзгача эди. У ўзида йўқ хурсанд эди, яхши ниятлар билан қадам ташларди. У ташқари ҳовлининг дарвозаси орқасида

томоша қилиб турган ўша «ялмоғизлар», яъни кундоши, қайнагачиси ҳали-вери уйга қайтмаслигига ишонарди, чунки кўчадан карнай-сурнай, қарсак садолари эшитиляпти, шўх намойишчилар ўтаётгани маълум. Ҳожи Ҳасанбекнинг ўзи эса намойишда қатнашаётган катталарни ташлаб уйга келмайди...

Улар қўшни ҳовлисига ўтиб, паранжини ёпиниши ва ҳатто ҳовли эгаларига ҳам билдирмасдан кўчага чиқиб, ғойиб бўлишди...

Ҳамроҳхон Қоплон ва Даббиён кўчаларидан узоқлашгач, бугун жуда яхши, бахтли кун экан деб қувонди. Ҳеч ким монелик қилмади, ҳеч ким уларнинг олдини тўсмади. Улар қафасдан қутулган қушлар каби қанот ёзиб, мақсад сари парвоз этдилар.

Шу вақтда Регистонда митинг бўлаётган эди. Минглаб Бухоро халқи қизил байроқлар остида биринчи марта Улуғ Октябрь байрамини пешвоз оларди. Шодхуррамлик, шукуҳ-тантана еру кўкни тутиб кетган эди. Бу байрам озодлик байрами, зафар байрами, мустақиллик байрами, ҳаёт байрами эди. Меҳнаткаш халқ учун эндиликда қувончли кунлар, осойишталик онлари етиб келган эди. Ранг-баранг, янги кийимлар кийган юзлаб мактаб болалари, ёшлар, комсомол ва касаба ташкилотларининг биринчи аъзолари, мешкоблар, ҳунармандлар, деҳқонлар ва турли касбдаги шаҳар аҳолиси намойишга чиққан эдилар, улар мамнунлик, ифтихор ҳис-туйғулари билан нотиқларнинг гапларини тинглардилар.

Атрофи шиорлар, байроқлар билан безатилган минбарда Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари, РСФСР ҳукуматининг Бухородаги намояндаси — Куйбишев ва бир-иккита паранжи ёпинган аёллар тик турардилар. Файзулла Хўжаевнинг қизғин ва алангали нутқини одамлар зўр диққат билан тинглаб, маъқуллаб чапак чалишди. Шундан кейин Абдуқодир Муҳиддинов Валериян Владимирович Куйбишевга сўз берди. Валериян Владимирович шапкасини қўлига олиб, минбар олдига келди ва рус тилида нутқ сўзлади. Бу нутқни таржимон таржима қилиб турди.

Куйбишев Октябрь ғалабаси ва озодлик неъматлари борасида гапириб, Бухоро инқилобининг аҳамияти ва мазлум Шарқ халқлари озодлиги масаласи устида кўпроқ тўхталди.

— Бухорода қизил инқилоб ғалаба қилди,— деди у.— Бухоро халқи халқ республикасини, Совет республикасини барпо қилди, эндиликда инқилобнинг фаровон неъматларидан бемалол фойдалана оладилар. Россия Шўролар ҳукумати ва Туркистон Совет Социалистик республикаси инқилобий Бухоронинг озод халқларига қандай ёрдам лозим бўлса, беради. Шахсан ўртоқ Ленининг кўрсатмаси билан Россия Шўролар ҳукумати, собиқ Россия ҳукумати ва айрим бойларининг Бухоро тупроғидаги барча мол-мулкини Бухоро халқига ва ҳукуматига текинга беришга қарор қилди. Завод, фабрикалар ҳам, ер ҳам, иморатлар ҳам, бошқа бойларнинг мулклари ҳам эндиликда Бухоро халқиники. Россия Шўролар ҳукумати Бухоро амирининг Россиядан олган барча қарзларидан кечади ва Бухоро халқига бағишлайди. Россия Шўролар ҳукумати қисқа муддат ичида ёш Бухоро республикасига ўз қаддини тиклаб олиши ҳамда Бухоро халқининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан олға бориши, мустақил ва бадавлат бўлиши учун ҳаракат қилади. Мен аминманки, Бухоро халқи социалистик инқилобни мустаҳкамлаш асосида, Учинчи Байналмилал байроғи остида, Иштирокиюн фирқаси ва Шўро ҳукумати раҳбарлигида янги ҳаёт, фаровон ва тенг ҳуқуқли ҳаёт, маданий ҳаётини барпо қилади ва амир ҳокимиятининг қолдиқларига қақшатғич зарбалар беради.

Куйбишевдан кейин минбар олдига паранжили бир хотин келди, бу Фируза эди. Минбар остидаги одамлар орасида шодлик садолари янгради. Бу Бухоро мазлумалари орасидан чиққан, инқилоб минбаридан овоз чиқариб, эркаклар билан биргаликда Октябрь инқилобининг ҳаётбахш қуёшини қутлаётган биринчи аёл эди. Бу нутқ қисқа бўлса ҳам, паст овозда чўчиб айтилган бўлса ҳам, нотиқнинг юзини қора чачвон тўсиб турган бўлса ҳам, лекин бу дастлабки журъат, дастлабки жасорат, инқилобнинг олий минбаридан янграган биринчи садо эди. Тўғри, унинг сўзларини минбар ён-веридагиларгина эшитди, чунки Фируза ҳаяжонланиб, паст овозда гапирарди, аммо сидқидилдан гапирарди...

— Ана, кўрдингми, қизим!— деди Анбари Ашк, узоқдан бу манзарани кўраётган Ҳамроҳхонга.— Бир аёл, сендек бир келинчак эркаклар қаторида, катталар

қаторида минбарга чиқиб ваъз айтяпти! Сенинг бетовфиқ чолинг қўл қовуштириб, бу аёлнинг ваъзхонлигига қулоқ солиб турган бўлса ҳам ажаб эмас. Сен бўлсанг уй бурчагида йиғлаб-сиқтаб, ўзингни ўзинг ўлдирмоқчи бўлиб ўтирибсан! Йўқ, худо ҳаққи, қайтадан ёш бўлгим келяпти, ҳаётни қайтадан бошлагим келяпти. Оймуллои Танбур «ишқ айёми, ёшлик айёми келди» деб тўғри айтади.

— Тилингиздан ўргилай!— деди Ҳамроҳхон.— Кошкийди бу ишқ айёмида мен ҳам сал эркин нафас ололсам?

— Албатта оласан! Салгина эмас, тўйиб-тўйиб нафас оласан!

Шу пайт Абдуқодир Муҳиддинов шаҳар милиция бошлиғи Алиризо афандига сўз берди. У турклардан бўлиб, жаҳон уруши вақтида бошқа асирлар қаторида Бухорога келиб қолиб, ишга кирган эди. У турк тилида жуда бемаза нутқ сўзлади. У миллатчиликдан иборат бўлган нутқида шундай деди: «Турк миллати уйғонди, у бирлашиб, куч-қудратини жаҳон аҳлига кўрсатмоғи керак. Турк бўлган (гўё — Ж. И.) Бухоро халқи уйғонмоғи керак. Кимки турклар иттифоқига қарши чиқса, уни ана шу Регистон майдонида отиб ташлайдилар. Кимки тўронийлар байроғи шуъласидан юз ўгирса, у аксилинқилобчи ҳисобланади ва жазоланади ва ҳоказо... Омин оллоҳу акбар!»

Алиризо афанди сўзлаётган вақтда одамлар гоҳ тутоқиб бақирар, гоҳо масхара қилиб кулар эди. Шундай қилиб шовқин-сурон кўтарилиб кетди. Файзулла Хўжаев бу аҳволдан хафа бўлиб, Муҳиддиновга қараб деди:

— Бу аблаҳга нега сўз бердингиз?

— Шундай қарор қилинган эди,— жавоб берди Абдуқодир.— Қизиқ-қизиқ гапларни гапириб, халқни кулдириши ёмон эмас-ку.

— Ёмон!— деди жиддий Файзулла Хўжаев.— Унинг нутқини олдин эшитиб кўриш керак эди. Бу қандай бемаънилик!

— Ҳақиқатан тўғри!— деди Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети котибларидан бири бўлган Оқчурин.— Текшириб кўриш, контрол қилиш керак эди. Бу бизнинг гуноҳимиз! Майли, ҳозир менга

сўз беринг, имкони борича унинг бемаъни гапларини чиппакка чиқариш керак.

— Бу сабоқ бўлсин,— деди Файзулла Хўжаев,— бундан кейин митингларда бундай одамларга сўз бермаслик керак! Биз эртагаёқ Нозирлар Шўросида масаласини кўриб, уни милиция раҳбарлигидан четлаштирамиз.

Оқчурин ўз нутқида Бухоро халқи ва Бухоро Шўролар республикаси интернационал йўли билан олға бориб, қўшни халқлар билан ўз муносабатлари ва дўстлигини мустаҳкамлайди, айниқса Шўро Россияси ва Туркистон билан бевосита алоқа боғлаб, биргаликда ишлайди. Шунингдек, Бухоро халқига беғараз ёрдам бергани учун РСФСР ҳукуматига ва Улуғ Ленинга ташаккур билдирди...

Бу гап-сўзларнинг ҳаммасини Валериян Владимирович эшитиб турганди албатта. У орқароқда Файзулла Хўжаевга меҳру муҳаббат, самимийлик билан қараб, кулимсираб турарди. Файзулла Хўжаев эса Оқчурин нутқини маъқуллаб, унинг қўлини қисиб қўйди. Яна бир-икки киши (бир йигит, бир мешкоб ва бир аскар) сўзлагандан кейин митинг тугади.

Ойими Шоҳ билан Анбари Ашк Регистоннинг Девонбеги ҳовузи лабига олиб борадиган катта йўли бошида турган эди. Улар минбардан ва Регистон марказидан узоқда бўлсалар ҳам, аммо бу ердан туриб аскарларнинг, мактаб болалари ва ёшларнинг саф-саф бўлиб, гурс-гурс қадам ташлаб ўтишларини томоша қилиш мумкин эди. Талабалар ва касаба ташкилоти аъзолари ўтгандан кейин Асад Махсумнинг одамлари отда ва пиёда ўтди. Асад Махсумнинг ўзи шўх оқ отда икки муовини икки тарафида савлат билан ўтиб кетди.

— Бу кеккайган киши ким экан?— сўради Ҳамроҳхон.

— Билмасам, амал тегиб, ўпкасини босолмаганлардан биридир-да!— деди Анбар хола жавоб бериб.— Савлати ҳам амир Олимхонникига ўхшаркан-ми-а?!

— Бети қурсин!— деб қўйди Ҳамроҳхон.

Анбари Ашк амир Олимхонни эслатадиган ҳар бир нарса, ҳар гап-сўз Ҳамроҳхонга ёқмаслигини сезди.

Асад Махсумнинг одамлари ўтиб бўлгандан кейин катталарнинг файтонлари ўтди, ҳаммадан кейин Насимжон ўзининг ёлдор отида бир гуруҳ суворилари билан ўтиб кетди. Ҳамроҳхон уни кўргач, беихтиёр сўради:

— Бу чиройли йигит ким экан?

Анбари Ашк қувонди.

— Бу Ҳожи Малеҳнинг ўғли бўлади,— деди у.— Мен ҳам бугун клуб олдида кўриб танидим. Ҳақиқатан чиройли йигит!.. Кийими ўзига жуда ярашибди-да... иннайкейин, анча одобли, тили ширинга ўхшайди.

«Хотини қандай бахтли бўлсайкин,— деб Ҳамроҳхон кўнглидан кечирди-да, ўзининг ланж, шарти кетиб, парти қолган эрларини бу йигит билан солиштириб анча ўксинди.— Ҳа, энг бадбахт аёл мен эканман, ярамас одамлар қўлига тушдим... Аммо бахтли аёллар ҳам кўп экан...»

У оҳ чекди. Анбар хола Ҳамроҳхоннинг оҳ чекиб, ўксинганини кўрди-ю, дарров гап бошлади:

— Бугун хотин-қизлар клубида катта базму тўй бўлармиш. Бу ҳам бизнинг омадимиз... Бу яхшиликдан нишона. Худо хоҳласа барча ғам-ғуссалар унутилади.

— Кошкийди!— деб қўйди Ҳамроҳхон.

Байроқ кўтарган клуб хотин-қизлари уларнинг рўпарасига келиб қолган эди, улар ҳам катта йўлга тушиб, сафга қўшилишди. Байроқ ёнида, олдинда бораётган Фируза уларни кўриб, дарров таниди ва хурсанд бўлиб, марҳамат, келинглар, деди. Ҳамроҳхон Фирузанинг овозини эшитиб қувонди ва катта-катта қадам ташлаб, хотин-қизлар сафида бораверди. Улар янги бозорга яқинлашиб қолганларида, орқадан етиб келган Ҳожи Ҳасанбек файтонда ўтиб кетди. Ҳамроҳхон уни кўриши билан равшан кўнглини қоронғилик босди: «Ҳозир уйга боради, йўқлигимни билиб оламни остин-устун қилади. Одамларини уйимизга юбориб, онамни қаматади... Э худо, мен нима қилдим?!»

Клубда Ҳамроҳхон билан Анбари Ашкни шодхуррамлик билан ўраб олишди. Муаллималар, Оймуллои Танбур, қизлар ва Фируза—ҳаммалари хуш келибсизлар, хурсанд бўлинглар, қадамларига ҳасанот, бу уй ўз уйингиз, деб уларнинг тевараги да парвона бўлишарди... Лекин Ҳамроҳхон хафа, паришон эди,

сохта табассум билан уларга боқарди, имкони борича табрикларга, кўнгил кўтариб айтилган гапларга жавоб қайтарарди, аммо ҳар ҳолда хафа, ҳаяжонда эди.

Ниҳоят Фирузанинг кабинетида учови қолгач, Ҳамроҳхон йиғлаб, зорлана бошлади:

— Ҳозир одам юбориб онамни олиб кетади, қийнаб, зиндонга ташлайди!

— Ҳадди борми!— деди Фируза.— Боши нечта?! Зўравонлик даври ўтиб кетган. Мен ҳозир Ҳайдарқул амакига телефон қиламан, воқеани тушунтираман...

— Йўқ, мен ҳовлига бораман,— дерди Ҳамроҳхон.— Нима бўлсак ҳам онам билан бирга бўлайлик!

— Бу гапни қўйиб туринг, Ойим!— деди ниҳоят Анбари Ашк.— Фирузажон, сиз бу кишининг жойини кўрсатинг, мен ҳовлиларига бориб, оналарини ҳам бу ерга олиб келаман ёки ўз уйимга олиб кетаман. Бўлдими?

— Шу ерга олиб келинг!— деди Фируза.— Иккovларига бир хона берамиз, ҳеч ким уларга тегмайди.

— Илоҳи барака топинг, Фирузажон!— деди Ҳамроҳхон эркин нафас олиб.

— Хайр, бўлмаса мен кетдим!— деб Анбари Ашк хонадан чиқди. Фируза телефонни олдига суриб дастасини буради...

Шу куни кечқурун клубнинг мажлислар зали хотин-қизлар билан лиқ тўлган эди. Ҳовли юзида, деразалар олдида ҳам аёллар тўпланишган эди. Ҳамма кўзойнакли бир аёлнинг минбардан туриб айтаётган гапларини тингларди. Бугунги мажлис мавзуи Октябрь байрами ва хотин-қизлар озодлиги эди. Нотиқ Шарқ хотин-қизлари ҳаётини яхши билганлиги туфайли ўз докладини уларнинг орзу-истакларига мослаб тузган эди, шунинг учун ҳамма чурқ этмай эшитарди.

— ...Гап фақат паранжи ва юзни бекитиш устида эмас...— дерди у,— паранжи-чачвон ва хотин-қизларнинг эркаклардан қочиши ишнинг бир томони, холос. Бу Шарқ хотин-қизларининг ташқи асорати ва кўзга кўринарлисидир. Агар паранжи-чачвонни йўқ қилиш билан иш битганда эди, инқилобий ҳукумат, Шўро ҳукумати битта фармон чиқариб, унга барҳам берарди. Афсуски, гап фақат шунда эмас. Шарқ хотин-қиз-

лари барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум эдилар, ҳаётда таянчлари, суянчиқлари йўқ эди. Ҳаётнинг асоси иқтисоддир. Истибдод даврида хотин-қизлар иқтисодий асосларга молик эмасдилар. Шу боисдан улар эрларига муте, қарам эдилар. Асрлар давомида шундай бир ақида ҳукм суриб келдики, гўё агар эр бир бурда нон бермаса, хотин очликдан ўлади! Афсуски, бу таги пуч ақидага аёлларнинг ўзлари ҳам ишонардилар. Шўро ҳукумати, Октябрь инқилоби ана шу ақидага барҳам берди. Тенгсизлик ва ҳуқуқсизлик илдизига болта урди, хотин-қизларга озодлик йўлини кўрсатиб, Шарқнинг эзилган хотин-қизлари, сиз эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгасиз, ўзингизнинг бир бурда нонингизни ҳалол меҳнатингиз билан топиб ея оласиз!— деди. Бунинг учун барча шароит муҳайё! Ҳеч ким сизнинг йўлингизни тўсолмайди. Бирор киши ё бирор нарса янги турмушингиз йўлига ғов бўлмоқчи бўлса, Шўро ҳокимияти уни сўзсиз бартараф қилади. Сизнинг ишингиз, турмушингиз ва озод ҳаётингизга халақит берадиган паранжи-чачвон ҳам йўқолиши керак!

Инқилобий Бухоронинг аёллари, бу қадимий шаҳарнинг мазлумалари ҳам озод ва эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Бухоро ҳукумати турли артеллар, корхоналар, ипакчилик, тикувчилик фабрикалари ва бошқа муассасалар очган, яна очади. Мактаблар, курслар ва ҳунар мактабларининг эшиклари хотин-қизлар учун кенг очиқ, марҳамат, ўқинг, ҳунар ўрганинг, саводли бўлинг ва ўз тақдирингизга ўзингиз хўжайин бўлинг!

Доклад тамом бўлгач, бир келинчак савол берди:

— Мен қандай қилиб паранжисиз кўчага чиқай, аввало эрим кўрса уриб ўлдиради, қолаверса маҳалла аҳли, шаҳар халқи — ҳаммаси башарамга туфлайди, лаънат ўқийди, кўчада юришга қўймайди!

— Эркаклар у ёқда турсин,— деди биров,— аёлларнинг ўзлари ҳам уриб ўлдиришади!

— Бу гап ҳам рост!— деди Фируза.— Аёлларнинг паранжи ташлаши ҳам, уларнинг ҳақиқий озодликка чиқиши ҳам осон иш эмас! Мен ишонаманки, Шўро ҳукумати бу ишни ҳам ўйлаб чиқар. Агар шу бугун биз озод бўлдик, деб очиқдан-очиқ паранжисиз чиқсак, қон тўкилиши турган гап, албатта! Шунинг учун аввало ўқиш, саводли бўлиш лозим бўлса керак?

Коммунистик партия Марказий Комитетидан келган кўзойнакли докладчи — татар хотин жавоб учун ўрнидан турди:

— Мен сизларга айтдим-ку,— деди у,— гап фақат паранжи устида эмас. Шундай пайт келадики, музейга қўйиш учун паранжи ахтаришади-ю, аммо бирон уйдан унинг ном-нишонини топиша олмайди. Албатта шундай кун келади, яқин қолди! Гап иқтисодий пойдевор устида. Гап нодонлик, жаҳолат ва саводсизликни тугатишда, хурофот ва эскилик қолдиқларига барҳам беришда. Ҳаммадан олдин мана шу хотин-қизлар клуби ва шунга ўхшаш маориф-маданий оқартув муассасалари сизларга ёрдам беради; бу ерда ўқишингиз ва ҳунар ўрганишингиз учун барча шароит муҳайё қилинган. Бундан ташқари шаҳарда ва туманларда қизлар мактаби, аёллар курси очилган, мавжуд ҳунар мактабларида эса хотин-қизлар ўқишлари, саводли бўлишлари, ҳунар ўрганишлари, бирор ишнинг эгаси бўлишлари керак. Ишни уддалай олмайдиган, аммо ҳунари борларга, марҳамат, иш бор, хотин-қизларга муносиб иш кўп. Пешқадамлар идора ишларига, ҳукумат раҳбарлик ишларига кўтариладилар.

Қисқаси, мажлис ўша куни то қош қорайгунча давом этди, кейин Фируза ҳозир ҳамма йиғилганларга ва меҳмонларга зиёфат берилади, ундан кейин Туркистон ва Фарғонадан келган машҳур артистлар, санъаткорлар ўз ҳунарларини намойиш қиладилар деб эълон қилди... Ҳамма хурсандлик билан чапак чалиб ўрнидан қўзғалди.

Ҳамроҳхон гул-гул очилди. Чунки энди гами йўқ эди. Йиллар бўйи орзу қилгани шу ерда, клубда муҳайё эди. Озодлик, дўстлик, ўқиш ва ҳунар ўрганиш... Бунинг устига Анбар хола унинг онасини ҳам олиб келган эди, бу нур устига аъло нур бўлди. Анбар хола билан кампир ҳовли дарвозасини ичкаридан занжирлаб, қулфлаб, ҳамма ёқни тахт тиндириб келди. Энди на Бухоро амири, на унинг саркардалари, на Ҳожи Ҳасанбек, на бошқа беклар ва ҳожилар унга қўл текиза оларди. У янги ҳукумат паноҳида, Шўролар ҳокимияти паноҳида. Хотин-қизлар клубини эса Шўро ҳукумати қўриқлайди, бу озодлик қалъасига раҳна соладиган кимса дунёда йўқ...

Йиғлайвериб кўзларида нам қолмаган шўрлик она

ҳам бу кун хурсанд эди. У қизининг ўйнаб-кулиб, ёзилиб юрганини кўриб, қувончдан терисига сиғмас, Фируза, Анбар хола ва Шўро ҳукумати ҳақига дуо қилар эди.

Зиёфат учун ҳовли саҳнига бошдан-оёқ гиламлар, кўрпачалар солиниб, ёстиқлар қўйилганди, дастурхон ёзилиб, чойлар дамланган эди. Супа устида бир стундан иккинчи стунга парда тортилиб, орқасида артистлар тайёрлик кўришарди. У ердан аҳён-аҳёнда чилдирма овози ва ғижжакнинг ғийт-ғийти қулоққа чалинарди. Ҳамма жой-жойига ўтириб, активлар енг шимариб, патнисларда ширинликлар, талинкаларда кабобларни ташиб бўлганларидан кейин парда орқасидан музика овози янгради. Тор, ғижжак, най ва танбур нола чекарди. Чилдирма жўр бўларди, шўх куй эса хотин-қизлар руҳини кўтариб, ҳовлига аллақандай шодлик, файз бахш этарди.

— Бай-бай, мунча ёқимли чалишади-я!— деди Анбар хола Ҳамроҳхонга қараб.— Умримда бундай най, ғижжак, тору танбурларнинг бир-бирига жўр бўлишини эшитмаган эдим. Бир қаранг, Ойим, Оймуллои Танбур ҳузур қилиб бош қимирлатяптилар. Худо ҳаққи, созу наво киши руҳини енгиллаштириб, кишига далда беради, ғам-аламлардан йироқ қилади...

— Ёқимли куй илонни инидан чиқарар экан!— деб қўйди Ҳамроҳхоннинг онаси.

— Ҳа, тўғри!— деди Ҳамроҳхон.— Куй юракка таъсир этади, юракка!

Илгари Бухорода жўр қилиб чалишлар бўларди. Масалан, танбур билан ғижжак ёки най билан сурнай... лекин бунақа эмасди. Бир неча хил созни бир-бирига мослаб, жўр қилиб чалиш кўрилмаган воқеа. Айниқса бунақа базмларда хотин-қизлар ҳеч ҳузур қилолмасдилар, ҳатто овозини узоқдан ҳам эшитмасдилар. Аммо ҳозир хотин-қизларга, уларнинг шарафига атайин базм берилганидан аёлларнинг бошлари кўкка етган эди. Уларнинг кўзларида шодлик учқунлари барқ урарди, лабларида табассум... Ниҳоят музика садолари тинди. Энди нима бўларкин деб ҳамма кутиб турарди. Шу пайт Фируза парда олдига, супага чиқиб, аввал нафасини ростлаб олди-ю, йиғилганларни кўздан кечирди, кейин жарангли овозда гап бошлади:

— Азиз меҳмонлар, меҳрибон опа-сингиллар, сизларни байрамингиз билан яна бир марта табриклайман. Ҳозир Ҳамза Ҳакимзода раҳбарлигидаги артистлар. созандалар ва ашулачилар — санъаткорлар группаси сизларга томоша кўрсатади...

Хотин-қизлар орасида пичир-пичир бошланди:

— Ие, эркак экан-ку?

— Ҳали ўртадан парда кўтарилади денг?

— Хайр, чолғучилар юзингизни кўрса, яна яхшироқ бўлади, оҳанглари ёқимли бўлади...

Фируза бу пичир-пичирларнинг маъносини дарров пайқади.

— Шуни айтиш керакки,— деди у,— саҳнага эркаклар чиқишмайди! Икки-уч созанда эркак бор, улар етти қават парда орқасида бўлишади, кўзлари сизларга тушмайди, ҳа, хотиржам бўлинглар! Саҳнага бизлардан олдинроқ озод бўлишган фарғоналик қизлар чиқишиб, рақс тушади, ашула айтишади. Иннайкейин, агар сизларнинг орангизда ҳам хоҳловчилар бўлса, саҳнага чиқиб, ўз ҳунарини кўрсатиши мумкин. Ишонаманки, сиз дугоналар, опа-сингиллар фарғоналик дугоналарингиз, опа-сингилларингиздан қолишмайсиз ва ҳунарингизни намойиш қиласиз!

— Аввал ўзингиз!— деб қўйди аллаким.

— Жоним билан!— деди Фируза.— Лекин ҳунарим оз, яхшиси, аввал ҳунари кўплар чиқишсин.

— Масалан, Солиҳажон!— деди рақсга суяги йўқ шўх бир қиз.

— Ўзингиз-чи, Азизажон!— деди Фируза унга.

Ҳамма чапак чалди. Фируза навбатни артистларга бериб, пастга тушди. Парда очилди, кимсасиз саҳнада бир фарғоналик қиз пайдо бўлди. Унинг эгнида хонатлас кўйлак, устидан бахмал камзулча кийганди, бошида фарғонача ироқи дўппи, оёғида амиркон кавуш бор эди. У ҳаммага таъзим қилиб, ёқимли жилмайди.

— Дугоналар, азиз ва меҳрибон опа-сингиллар!— деди у ўзбек тилида.— Аввало Улуғ Октябрь байрамингиз муборак бўлсин! Бугун хизматингизга келган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий раҳбарлигидаги санъат аҳли сизларга қизғин салом йўллайди, байрамингиз, озодлигингиз ва мустақиллигингиз билан табриклайди. Санъаткорларимиз группаси — инқилобий группа,

фидокор группа, жонини аямайдиган группа. Биз Туркистон фронтининг қаҳрамон қизил аскарларига хизмат қиламиз. Ўзларингиз биласизларки, қизил аскар мазлум халқларга озодлик ва мустақиллик келтиради. Биз озодлик фронти аскарлари изидан юриб, халқларни озодлик ҳамда мустақиллик билан табриклаймиз. Биз Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Мари, Хива, Ашхобод ва Қизил Арватда бўлдик. Ҳар бир ғалаба тўйида ҳозиру нозир эдик. Шундай қилиб, биз бугун сизнинг ғалаба тўйингизда хизмат қиламиз.

Қиз кириш сўзидан кейин Ҳамза Ҳакимзоданинг хотин-қизларга бағишланган, қуйидагича байт билан бошланадиган инқилобий шеърини ўқиб берди:

Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни, ҳар томон паришон қил!

Кейин Дилбархон деган жувон «Тановар» рақсини ижро этади, деб эълон қилди. Орқадан музика садоси янгради, саҳнага баланд бўйли, нозик, серишва бир раққоса чиқди. У шундай ажойиб ўйнадики, ҳамма шавқ-завқдан анграйиб қолди... Ундан кейин хушовоз қиз ашула айтди, сўнг саҳна орқасидаги эркаклар ялла қилишди, ниҳоят, концертни олиб бораётган киши томошабинлар орасидан бирор киши чиқиб ҳунарини кўрсатсин, деб илтимос қилди. Лекин қизлар, келинчаклар, келган меҳмонлар — бариси уяларди. Улар ҳали бунақа маросимларда қатнашмаган, рақсга тушиб ашула айтишмаган эди. Униси бунисига, бунниси унисига имларди. Ниҳоят, Анбар хола чидолмасдан ўрнидан турди.

— Хўп беҳафсала ёшларсиз-да!— деди у йиғилганларга хитоб қилиб.— Орангизда шундай раққосалар борки, мен ҳам, Тилло ҳам, каркилик созанда ҳам улар олдида ип эшолмайди. Лекин ўзларидан уялиб чиқишмаяпти. Майли, мендан ибрат ола қолинглар. Бу фарғоналик ёшларни кўриб, ҳавасим келиб, қўл-оёқларим қимирлаб турган эди... Қани, яхши қиз, чалғучиларингга айт, бирон нарса чалишсин!

— Нимани чалишсин?— деб сўради артистка.

— Нимани чалишса, чалаверишсин, аммо шўх бўлсин!— деди Анбар ва саҳнага чиқди. Томошабинлар завқланиб, чапак чалишди, таҳсин-офарин садо-

лари янгради. Созандалар шўх уфор навосини чалишди, чилдирма гумбурлади, Анбар хола ипакдай эпилиб рақсга тушди. У шундай берилиб, тўлқинланиб ўйнардики, ҳамма ҳайратда қолди...

Бухоронинг озод ва бахтиёр хотин-қизлари Октябрь инқилобининг учинчи йилини ана шундай хурсандчилик билан нишонладилар... Уларнинг ўйин-кулгилари, ашула-яллалари алламаҳалгача давом этди. Ўша кечаси Бухородаги кўпгина хонадонлар дил чигалларини ёзиб, яйрашди. Шаҳарда кечки бозор эълон қилинган эди. Девонбеги ҳовузи лабида, чойхоналарида, Девонбеги масжиди саҳнида чироқлар парпираб, ҳофизлар хушхонлик қилардилар, раста ва бозорларда одамлар гуруҳ-гуруҳ сайр қилишарди, чақчақлашарди, ўйнаб-кулишарди. Растадаги биринчи кинотеатр биносида кино қўйилаётганди...

Аммо шу кеча Ҳожи Ҳасанбек ҳовлисида гўё мотам тутилаётганди. Биз бу бобнинг бошланишида ўқувчиларимизнинг таъбларини хира қилмайлик деб, бу тўғрида ҳикоя қилмаган эдик.

Ҳожи Ҳасанбек намойишдан қайтиб келди-ю фаэтонга кетишга ижозат бермади. У уйга кириб Ойими Шоҳдан хабар олмоқчи, сўнгра Дилкушо чорбоғига, Асад Махсумнинг олдига зиёфатга бормоқчи эди. Чунки эрталаб Ойими Шоҳнинг авзойи бузуқ эди, юм-юм йиғларди, унга нафрат билан қарарди. Шунингдек, Ҳожи Ҳасанбек аллақаёқдан «ўлжа қилиб олган бир дона бриллиант узукни Ойими Шоҳга туҳфа қилиб, уни ийдирмоқчи, меҳр-муҳаббатини сотиб олмоқчи эди. Ҳовлига кириши блан катта хотини оғзи қулоғига етиб кутиб олди-да, деди:

— Ана, жондан суйган маҳбубангиз сизни менга топшириб, жуфтагини ростлаб қолибди! Ажаб бўлди, сизнинг жазонгиз ана шу!

Ҳожи Ҳасанбек ҳеч нимани тушунмади ёки тушунишни истамади. У хотинининг сўзларига эътибор бермай, катта уйга кирди, аммо у ерда ҳеч кимни кўрмади.

— Ҳамроҳхон қани?!— деди у бақириб.

— Йўқ!— деди опаси унинг кетидан уйга кириб.— Биз дарвоза ортидан мактаб болаларини томоша қилиб, қайтиб кирсак, ундан ном-нишон ҳам йўқ. У ёқ-бу ёқни қарадик, зимдан ғойиб бўлибди. Кейин ёстиқ

устидан манави хатни топиб олдик. Билмадик, нима ёзган экан.

Ҳожи Ҳасанбек қоғозни олиб, кўз югуртирди, Ҳамроҳхоннинг қўли билан ёзилган хатда шундай дейилганди:

«Мени ахтарманг, топилишим гумон. Саъдий Шерозий айтганидек ёш хотин олдида ётган қари эркакдан ўқ яхшироқ! Ўзингизга муносибини топинг!»

— Айтмовдимми, ундан хабардор бўлинглар деб!— яна бақирди хотини билан опасига.— Энди мен нима қиламан? Халойиқ орасида қандай бош кўтариб юраман?!

Аёллар бир нима дейишмоқчи эди, лекин у икковини ҳам уриб, уйдан чиқариб юборди, сўнгра ўзини каравот устига ташлаб, хаёлга чўмди... Тўғри, дерди у ўзига ўзи, бу иш шундай тугаши керак эди. Чиндан ҳам яхши бўлмади! Орзу-умидларим барбод бўлди!.. Аммо аввалларн мен ўзимни анча бўз бола ҳис қилардим. Унинг ҳусну жамоли, ширин суҳбатлари мени ёшартиради, деб ўйлардим... Лекин бу қизнинг шунчалик ўжар, шунчалик шаддот, шунчалик раҳмсиз эканини билмаган эканман... Энди нима қилмоқ керак? Уни қидириб топиш керак, яна бир марта ё мулойимлик билан, ё дўқ-пўписа билан ром қилиш керак. Аммо у қаерга кетганийкин? Албатта, онасининг уйига! Ҳеч бўлмаса онаси унинг қаердалигини билар? Ҳа, ўзим бораман. Бу воқеани ҳеч кимга билдирмаслик керак!..

У аёлларни чақирди:

— Бу гапни бировга айтдингларми?

— Кимга айтардик?— деди хотини,— келишингизни кутиб турган эдик...

— Ҳа, тўғри, келишингизни кутиб турувдик,— деди опаси.

— Хўп,— деди Ҳожи Ҳасанбек,— туя кўрдингми, йўқ! Бу гап уй остонасидан ташқари чиқмасин! Ҳеч кимга, қон-қариндошларга ҳам, бегоналарга ҳам чурқ этмайсизлар! Борди-ю бирор киши сўраб қолса, шу ердалар ёки оналариникига кетган, оналари касал денглар... Гап шу, вассалом!

— Хўп бўлади!— дейишди аёллар.

Ҳожи Ҳасанбек файтонга тушиб, Ойими Шоҳнинг онасиникига келди. Дарвоза ичкаридан занжир эди.

Анча тақиллатгандан кейин Анбари Ашк чиқиб, дарвозани очди, саломлашиб, очиқ юз билан гўё хурсанд бўлгандай «куёв тўра» деб уни ичкарига таклиф қилди. Ҳожи Ҳасанбек ичкари ҳовлига кириб, пешвоз чиққан қайнанасига салом бериб, деди:

— Ҳамроҳхон қани?

— Ҳамроҳхон? Ўзингиз биласиз, сизникида эдику!— деди кампир. Ҳожи Ҳасанбек гап ва жавобдан кампирнинг воқеадан хабардорлигини, анча диққатлигини дарҳол пайқади.

— У мендан рухсатсиз бу ерга қочиб келибди,— деди қовоғини солиб Ҳожи,— қаерда бўлмасин, уни ҳозир топиб берасиз!

— Қочибди!— товушини баланд қилиб деди кампир.— Қизим қочадиган қизлардан эмасди. Уни ўзинг бирор нима қилгансан! Энди қўрқиб бошимизга келибсан-да...

— Бу майнабозчиликни қўя қол!— деди дўқ уриб Чека раиси.— Ҳамроҳхон бу ерга қочиб келган! Кўрганлар айтишди. Ҳозир чақириб чиқ!

— Худо ҳаққи, мен Ҳамроҳни кўрганим йўқ!— деди кампир юраги шувиллаб.— Агар қочган бўлса ҳам, сенинг дастингдан қочган, сен жавоб беришинг керак. Қизимни сен топиб беришинг керак!

— Мен уйингни остин-устин қиламан, ўзингни умрбод қамоққа юбораман! Мен... мен...

Шунгача жимгина қулоқ солиб турган Анбар холанинг тоқати қолмади, унинг гапини бўлди:

— Нима? Нималар деяпсан, сен имонсиз қари ит!— деди бирданига бақириб.— Кимга дўқу дағдаға қиляпсан? Бир нотавон ожиза кампиргами? Бир муштипаргами? Агар дўқ қиладиган бўлсанг, бориб шерикларингга қил, ҳамтовоқларингга дўқ ур. Ўшалар кўтаришади!

— Сен ўзинг кимсан?!— деб Ҳожи Ҳасанбек дўқпўписа билан уни қўрқитмоқчи эди, лекин Анбар хола ундан баланд келди:

— Сен ўзинг кимсан? Агар амир Олимхон бўлсанг ҳам, кўрдик. Дўқ-дағдаға қиладиган даврларинг ўтиб кетган, жаноб! Агар ҳозироқ бориб, Мирзо Муҳиддинга, Файзулла Хўжаевга ва Абдуқодиржонга айтиб, ўша жадидларнинг каттасига айтиб, сени расво қилмасам, Анбари Ашк деган номимни бошқа қўя-

ман. Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Ана шу мўйловларингни битта-битта юлиб, қўлингга тутқазаман. Ҳа, сен мени нима деб ўйладинг?

Ҳожи Ҳасанбек минора устидан пастга думалаб тушгандек бирданига ўзига келди:

— Бас, бас, бас!— деди у.— Кўп вайсама, бемаза!

— Ҳа, сен муштипарга дўқ урсанг индамай қараб турайми? Сен кишиларнинг қизини олиб кетиб йўқ қилсангу яна келиб даъво қилсанг индамайми? Агар хотинни уддалай олмасанг, хотин олиб нима қилардинг?!

— Бу сенинг ишинг эмас!

— Нега менинг ишим бўлмасин?! Мен ҳозир милисахонага бориб, барисини бирма-бир айтаман! Менинг паранжим қани?!

Анбар хола кетишга шошилди.

— Шошмай тур, нодон!— деди анча юмшаб Чека раиси.

— Ростдан ҳам агар Ҳамроҳ бу ерда бўлмаса, демак, уни топиш лозим!

— Топиш лозим!— деди истеҳзо билан Анбар хола.— Аввал йўқотмаслик керак эди! Шўрлик қиз шу даражагача бориб етибдики, жонидан безор бўлиб, бош олиб кетишга мажбур бўлибди! Яхшиси шуки, энди мум тишлаб, бу ердан дарҳол чиқиб кет, бундан кейин бу хонадонни эсингдан чиқар, йўқса расво бўласан!

Ҳожи Ҳасанбек бир оз ўйлаб туриб қўл силтаб, индамай чиқиб кетди. У кетгандан кейин Анбар хола орқасидан яна болохонадор қилиб қарғади-да, кампирга қаради:

— Ана, ажаб бўлди, бундай эркакларнинг жазоси шу!— деди.— Бундақангилар билан ади-бади деб ўтирманг!

— Бордию киши юбориб, қамаб қўйса?— деди кампир қўрқувдан дағ-дағ титраб.

— Ҳеч нима қилолмайди!— деди ишонч билан Анбар хола.— У ҳам ўз бошидан, обрўйидан, мансабидан қўрқади. Агар бориб унга-бунга арз қилсам, расвосини чиқазишади.

— Худо илоҳи сизга узоқ умр ато қилсин, муродингизга етинг, холаси!

— Лекин ҳар ҳолда мен сизни бу ҳовлида якка қолдирмайман. Жанжал босилгунча, сиз қизим Ҳамроҳхон билан клубда бўласизлар.

— Ҳовли нима бўлади?

— Ҳовлини бўри емайди. Уй билан даҳлизни қулфлаб, дарвозаларни ичкаридан беркитиб, қўшни ҳовлисидан чиқиб кетамиз.

— Хайр, майли!— деди кампир ва бир оҳ чекди.

9

Фируза хотин-қизлар клуби ишлари билан ўралашиб қолиб, уйга бевақт қайтди. У йўл-йўлакай бу кеча тўғри уйимга — болохонага бориб ҳаммадан олдин уйни супуриб-сидириб йиғиштирай, деб кўнглига тугиб қўйди. Чунки уч-тўрт кундан буён бош қашишга ҳам вақти бўлмай, уйни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйган эди.

У болохонага чиқиб уйни йиғиштирмади. Асо гўшт, сабзи, пиёз келтириб қўйиб, палов пиширib қўй, Карим билан келармиз деб ёзиб, бир хатча қолдириб кетибди. У ҳартугул Карим тузалиб касалхонадан чиқибди, шекиллики, эрим шундай ёзибди деб хурсанд бўлди. Шунинг учун у дарров енгини шимариб, чарчаганига ҳам қарамасдан, ошга тайёргарлик кўра бошлади.

Ҳаш-паш дегунча қоронғи тушиб, ҳаво ҳам салқин бўлиб қолди. Фируза лампани ёқиб болохона эшигини ёпди. Сабзи, пиёз тўғрашга киришди. У эндигина ошнинг сабзи-пиёзини босган эдики, Асо ўзи кириб келди.

— Ҳа,— деди Фируза салом ўрнига.— Карим қани?

— Бугун жавоб беришмади,— деди Асо.— Мен ҳозир дўхтурхонадан келяпман. Қўлининг яраси тузалиб кетган бўлса ҳам ўпкаси иллатли бўлиб қолибди, дўхтурлар яна бир ҳафта-ўн кун даволаниши керак деб айтишди.

— Мен Карим билан келасиз деб ҳамма ишларни йиғиштириб қўйиб паловга уннаган эдим...

— Хайр, ўзимиз учун ҳам палов керак!

— Шу қаҳатчилик, қимматчиликда...— деди-да, Фируза ташқари чиқди ва гурунчни ювиб, қозонга солиш учун ўчоқ бошига кетди. Асо этигини ечиб, қўл-

бетини ювиб, сочиқ билан артиб туриб хаёлга чўмди: хотини рост айтади, дарҳақиқат, қаҳатчилик, қимматчилик. Бозорларда гўшт, гуруч ва ҳатто нон ҳам камчил. Ҳар бир қассоблик дўконида «очередь»! Тавба! Илгарилари Бухоро халқи «очередь» деган гапни билмасдилар. Эндиликда мажбуран ўрганмоқдалар. Бухоро ҳукумати чиқарган қоғоз пулнинг ҳеч кучи йўқ. Бир қути гугурт эллик сўм, бир дона нон беш юз сўм... Савдогарлар бу пулга нарса беришни истамайди, Керенский пулини яхшироқ олишади, кимдаки тиллою тангаси бўлса ҳар ҳолда тузукроқ яшаяпти. Аммо ойликдан ва Бухоро ҳукумати пулидан бошқа нарсаси йўқлар азоб чекишяпти. Хайриятки, Чекада вақт-вақти билан гўшт, ёғ, қанд бериб туришади, улар шу нарсалар билан бир амаллаб кун кечиришяпти...

Асо сочиқни михга илиб, Фирузанинг олдига келди.

— Мен олов ёқай бўлмаса?— деди у.

— Чарчаб келдингиз, бориб дамингизни олинг!— деди хотини.

— Сизнинг ёнингизда бўлсам шунинг ўзи роҳат менга,— деди Асо,— сизга бўлган ишқу муҳаббатимдан биламанки, бечора Каримнинг ҳоли не кечаётганийкин! Фикримча, Асад Махсум унинг маҳбубасини зўрлик билан олиб ўзига хотин қилиб олгандан кўра Каримнинг баданини илма-тешик қилиб юборганда ҳам унга бунчалик алам қилмас эди...

— Энди Карим нима қилади? Ҳайдарқул амаки нима деяптилар?

— Ҳали билмайман. Ҳайдарқул амаки аскарликка олиш масаласини ўртага ташлаган. Фикримча, коммунистларни ҳам сафарбар қилишади. Асадга қарши зўр қуролли куч тайёрлаб, сўнгра у билан дурустроқ гаплашмоқчилар, шекилли.

— Шўрлик Карим!— деб қўйди Фируза. Унинг ғамгин юзи ўчоқдаги оловдан гулгун бўлиб, баркамол ҳуснига ҳусн қўшган эди.

Асо хотинига боқиб ҳузур қиларди, муҳаббати яна ошарди.

— Фируза,— деди у қувончини кўнглига сиғдиролмай,— менинг Фирузажоним! Дунёда мендан кўра бахтлироқ, толеи баландроқ киши бўлмаса керак!

— Кўзингиз тегмасин!— деди Фируза, «нега» дейиш ўрнига.

— Кўзим тегса-тегмаса, барибир, мендек бахтли одам йўқ! Бухоронинг энг гўзал, энг ақлли, пешқадам, энг фаол қизи менинг қўлимда бўлса-ю, мен бахтли бўлмай, ким бўлсин?!

— Илоҳи сиз бахтли бўлинг. Аммо хотинингиз хотин-қизлар клуби мудири бўлиб, куни азобда ўтаётир.

— Нега? Нима бўпти?

— Иш кўп, тажрибам оз. Тузукроқ ёрдамчи йўқ, устига-устак...

— Нима? Устига-устагингиз нимаси?— сабрсизлик билан сўради Асо.

Фируза жилмайди-ю хижолат тортгандай бир лаҳза жим бўлди, сўнг эри қистайвергач, деди:

— Устига-устак... Уч ойдан буён иккиқатман!

— Наҳот?!— ногаҳон хурсанд бўлди Асо,— ростданми?!

— Рост. Наҳотки сезмаган бўлсангиз?

— Йўқ, мен... мен...

— Нима, маъқул эмасми?

— Эҳ, Фируза, Фирузажоним!— деди Асо хотинини қучоқлаб.— Нималар деяпсиз?!— Мен фарзанд кўрар эканману, маъқул бўлмас эмишми? Мен фарзанд гадоси, мен фарзанд фидоси, мен фарзанд юзининг шайдоси, боланинг жажжигина қўлларини ўпгим келади, бағримга босгим келади, ана худди шундай, сизни қучоқлагандай, ҳа, ана шундай!..

— Ҳой, ҳой, мени қаттиқ қисманг, ўғилчангиз қийналади! Уч-тўрт ойлик бўлиб қолган-а!

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз!— деди Асо ва дарҳол эҳтиётлик билан хотинини кўтариб, уйга олиб кирди ва кўрпача устига қўйди.— Энди сиз дам олинг, бу ёғини ўзим тўғрилайман. Ҳозир турп артаман.

Ош ейиш вақтида ҳам, ундан кейин ҳам Асонинг оғзидан фарзанди тушмади. Унинг фикру хаёлига бўлак гап келмасди. Гапни айлантириб келиб болага тақарди, эҳтиёт бўлинг, ортиқча ҳаракат қилманг, кўп юрманг, мабодо бола озор чекмасин, деб Фирузага қайта-қайта таъкидларди.

Ҳа, у анчадан буён фарзандни орзу қиларди. Қалбининг қаърида яшириниб, дилининг бир чеккасини

ғаш қилиб юрган бирдан-бир ғам-андуҳи унинг фарзандсизлиги эди. Аммо бу тўғрида ҳеч қачон Фирузага оғиз очмасди, уни ранжитиш ва хафа қилишни истамасди. Мана ниҳоят муродига ҳам етди. Унинг жонажон маҳбубаси, меҳрибон Фирузаси ҳомиладор бўлибди, тўрт ойлик-а... эрта-индин оғирлашиб қолади, тўққиз ойу, тўққиз куну, тўққиз соатдан кейин насиб бўлса, бир ўғилча ёки пари чеҳра қизча дунёга келади. Фарзанд жамолидан уй мунаввар бўлади, дунёнинг барча бахту саодати бу уйга йиғилиб келади... Асо қарз кўтариб бўлса ҳам бир тўй, катта тўй беради. Оймулло ва заргар бобонинг маслаҳати билан тўйга шаҳарнинг яхши одамларини чақиради, Ҳайдарқул амаки тўйбоши бўладилар, ўйнайдилар, куйлайдилар...

Улар анча вақтгача чой ичишиб чақчақлашиб ўтиришди! Фируза хотин-қизлар клуби ишларидан ҳикоя қилди. Ҳамроҳхоннинг кўкрагига шамол текканини гапира туриб, илова қилди:

— Ҳамроҳхоннинг Ҳожи Ҳасанбек дастидан қутулиб клубга келиши жуда яхши бўлди: бу — ҳам бошқаларга ибрат, ҳам ўзига яхши.

— Раисимиз сиз билан ўчакишиб қолмадими?

— Йўқ, қўрқди. Афсуски амалдорларимиз орасида шундақангилар ҳам бор.

— Яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам бор...— деб қўйди Асо.— Лекин сиз Ҳожи Ҳасанбек билан ўчакишиб, унинг ғийбатини қилиб юрманг, етказишади.

— Етказса, етказар!— деди Фируза дадиллик билан.— Агар бирор умумий мажлис бўлиб қолса, ўзим чиқиб ҳаммасини айтаман...

— Шаддод хотинимдан айланай,— деди Асо хотинини ардоқлаб.— Ҳар ҳолда балодан ҳазар. Агар менинг гапимга ишонмасангиз, Ҳайдарқул амакидан сўранг.

— Агар биз у-будан мулоҳаза қилиб гапирмай қўйсагу, ҳар ким ўз билганича иш тутаверса, янги ҳаёт тузишга уринишимиз нима бўлади?

— Гапириш керак, лекин ўрнида! Уруш вақтида саросимага тушиш кишига зиён дейишади.

— Бу гапингиз тўғри,— деди Фируза Асога тан бериб.

Улар ётишди. Пастда, ичкари ҳовлида Оймулло

билан заргар бобо ҳам ётарди. Атроф-теварак жимжит эди. Юлдузлар чарақлаб турган куз туни анча салқин эди. Қишнинг совуқ нафаси сезилиб турарди. Агар эрта тонг уйғониб қарасангиз, бўғотларда сал-пал қиров тушганини ҳам кўрардингиз.

Инқилоб бўлгандан буён кечалари, айниқса Мирдўстим, Хиёбон ва Жўйбор томонларида аҳён-аҳёнда милтиқ ва тўппонча овозлари қулоққа чалинарди. Урушдан кейин эл қулоғи ўқ овозларига одатланиб қолган эди, шунинг учун кўпчилик бундай ўқ овозларига эътибор ҳам бермасди. Мабодо бир жойда устма-уст ўқ овози чиқса, у вақтда отлиқ милициялар етиб келарди, йўқса улар ҳам аҳамият беришмасди...

Шундай қилиб, юлдузлар чарақлаб турган кузнинг охирги тунларини тинч деб бўлмасди. Чунки аҳён-аҳёнда гоҳ у жойдан, гоҳ бу жойдан ўқ овозлари эшитиларди, фақат итлар акиллаб бу ўқ овозларига жавоб берарди, холос...

Тўсатдан дарвозанинг устма-уст қаттиқ тақиллаши Асо билан Фирузани уйғотиб юборди. Асо сапчиб ўрнидан турди-да, болохона саҳнига чиқиб «ким» деди. Кўчадан нотаниш баланд товуш:

— Очинг!— деди.

— Кимсиз, кимда ишингиз бор?— деди Асо, кўча томонга очиладиган даричани очиб қараркан. Кўчада икки-уч отлиқ кўринди.

— Биз Чекадан,— деди ўша овоз.— Ўртоқ Асода ишимиз бор.

Шол рўмолини елкасига ташлаб Асо кетидан чиққан Фируза оҳиста:

— Исмингиз нима деб сўранг!— деди.

Аммо, Асо сўрамади, даричани очиқ қолдириб уйга кирди ва кийина бошлади.

— Ҳа, йўл бўлсин?— сўради Фируза.

— Чекадан дейишяпти,— деди Асо,— чиқиб хабар олай-чи... Бирор иш чиқиб қолгандир.

— Бордию Чекадан бўлмаса-чи?

— Менда бошқа кимнинг иши бор?

— Айтиб бўлмайди,— деди Фируза,— душманларингиз озми?

— Душман бундай рўйирост келмаса керак?!

Шу пайт сабрсизлик билан яна дарвозани тақиллатишди. Асо этикни кийиб ўрнидан турди ва деди:

— Қоронғида сен пастга тушма!

— Менга қолса, шу ерда туриб гапларини билинг. Дарвозани очиш яхши эмас.

— Қўрқма, жонгинам, ҳеч гап бўлмайди!— деди Асо. У шундай ишонтириб айтдики, Фируза ҳам жим бўлди, лекин эрининг кетидан пастга тушди. Пастда, бостирма тагида заргар бобо қалтироқ қўллари билан чироқни ушлаб, Асони кутиб турарди.

— Улар ким экан?— сўради бўғиқ товуш билан заргар.

— Улар менинг идорамдан, парво қилманг!— деди Асо ва олдинга ўтиб дарвозани очди. Ташқаридагилар иккитаси отидан тушган эди. Асо уларни танимади. У ҳануз саволга оғиз очгунча бўлмай, улар тўппончаларини ўқталиб олдига келишди-да, дейишди:

— Асо Хайриддинзода, сизни Дилкушои берунга олиб борамиз.

«Дилкушои берунга олиб бориш»— атроф комиссияси томонидан қамоққа олиш деган гап эди. Буни эшитиб Асо чаққон ҳаракат қилиб, уларни итариб ташлаб, дарвозани бекитиб олмоқчи бўлди, лекин улгурмади, ташқаридаги кишилар ҳушёрлик қилиб, дарров Асонинг қўлларини тутдилар:

— Беҳудага ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам ташвишга солманг!— деди улардан бири,— бир бало қилиб сизни олиб борамиз. Яхшиси, жанжалсиз келаверинг. Асад Махсум сиз билан суҳбатлашиб жавоб бериб юборади.

— Йўқ! йўқ!— деди Асо ўрнига Фируза,— у ҳеч қаёққа бормайди, бормайди! Чека одамини ушлашга ҳақингиз йўқ, ҳақингиз йўқ!..

— Биз ҳеч кимни ушламаймиз, ойим!— деди Асад одамларидан бири,— Асад Махсум топшириғи билан олиб борамиз, холос!

— Олиб боришга ҳам ҳақингиз йўқ!— деди Асонинг ўзи,— мен давлат хизматчисиман!

— Шунинг учун ҳам Асад Махсум сиздан айрим нарсаларни сўрамоқчи...

— Қани, вақтни ўтказманг, ана от тайёр!

— Бўлмаса, аввал Чекага борамиз, мен рухсат сўрайман,— деди Асо,— агар ижозат берса, сизлар билан бораман! Бўлмаса йўқ!

— Хайр, майли!— дейишди Асаднинг одамлари ва Асонинг отга минишига ёрдамлашди.

— Асо, борманг! Борманг!— деб Фируза ўша томонга талпинарди. Аммо заргар бобо бир қўлида жинчироқ ва бошқа бир қўли билан Фирузани ушлаб «ҳай-ҳай» дерди. Оймуллои Танбурнинг ҳам дарвоза орқасига келгани кўриниб турарди. Асад Махсумнинг одамлари бир сакраб отларига миниб, Асони ўртага олиб йўлга тушдилар. Фируза эса дод деб Асо кетидан югурмоқчи бўларди. Заргар бобонинг кучи етмасди, Оймулло Фирузага ёпишиб, уни ҳолу жонига қўймай ичкарига олиб кирдилар. Бу кўчада хонадонлар кўп эди, ярим кечадаги шовқин-сурондан қўрқиб уйғониб кетган одамлар дарвозалари орқасида мўралаб турардилар. Лекин Асад Махсумнинг номини эшитиб, ҳеч ким эшик очишга журъат қилолмасди. Аллақачон Асад Махсумнинг кирдикорлари ҳаммага аён бўлиб қолган эди, халойиқ агар бу одамнинг қаҳрига гирифтор бўлсалар, уларнинг додига етадиган киши Бухорода топилмаслигини биларди.

Уйда Оймулло ва заргар бобонинг тасалли беришига қарамасдан Фируза йиғларди:

— Асони олиб кетишди. Асони ўлдиришади,— дерди.

— Асо нима гуноҳ қилибдики, ўлдиришади!— дерди Оймулло,— ахир Асад Махсум ҳам инқилобчи, Шўро ҳукуматининг одами.

— Ҳа, тўғри!— дерди заргар бобо,— бирор сўрайдиган гапи бордир, сўрашиб жавоб беришади, худо хоҳласа тонг отмай келиб қолади.

Оймулло ва заргар бобо ярим соатча Фирузага тасалли беришди, аммо бўлмади. Ниҳоят у кўз ёшини артиб деди:

— Мен то бориб Чекадан хабар олмагунча, тинчимайман!

— Шу маҳалда, шу қоронғиликда танҳо бориш яхши эмас.

— Ҳечқиси йўқ! Агар Асони Чекага олиб бормай тўппа-тўғри Дилкушои берунга элтган бўлсалар, тезда Чека раисига ва Ҳайдарқул амакига хабар бериш керак.

Фируза югуриб болохонага чиқди-да, камзулини кийиб, рўмолини ўраб, паранжи-чачвонини олиб, паст-

га тушди. У йўлакда заргар бобони кўрди, бобо кийимини кийиб салласини ўраб, қўлида фонус билан турарди. Оймулло ҳам шу ерда эди.

— Ҳа, йўл бўлсин?— деди Фируза уларни кўриб.

— Борсанг майли,— деди заргар бобо,— лекин мен ҳам сен билан бораман.

— Оймуллочи? Якка қоладиларми?— деди Фируза ва қатъий илова қилди:— Йўқ, мумкин эмас! Ўзим ёлғиз бораверaман. Қайтанга фонусу, мену сизни ёмон кишилар кўриб қолса бир бало қилиши мумкин.

— Мен эшикни занжирлаб уйга кириб ўтираман,— деди Оймулло.— Ҳамма ёқда қўшни. Сен якка борма. Бир кишидан икки киши яхши. Ҳар ҳолда дил қуввати.

— Э худо, бу қандай бадбахтлик?— деди Фируза ва заргар бобо билан боришга мажбур бўлди.

Улар дарвозани очиб кўчага чиқишди. Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма ёқ қоронғу, ҳамма ёқ жимжит, катта катта кўчада ҳам бирор киши учрамади. Лекин заргар бобо фонус билан олдинда борар ва тўрт томонга қарар эди. У фонус ёмонларнинг диққатини ўзига тортмасайди деб қўрқарди. Аммо фонуссиз айниқса қоронғида йўл юрмоқ унга осон эмас эди.

Инқилобдан илгари кўча бошларида, масжид эшиклари олдида, баққоллар дўконхоналари устида фонус ёқиларди. Энди эса бу ишларга аҳамият беришмайди ёки аҳамият берадиган киши йўқ. Кўпчилик гузар оқсоқоллари ва сўфилари ҳам емасди. «Менга нима» деб юришарди.— Фонус ҳамини инқилобчилар есин! Аммо инқилоб қилганлар шу қадар сериш эдиларки, тирикчиликнинг бу майда-чуйда ишларига эътибор беролмасдилар. Шуниси ҳам борки, лампа мойи деярли йўқ эди. Гоҳ-гоҳда Сесўда ва минор тагида сотардилар. У ҳам харидорларнинг ярмисига етарди, ярмисига йўқ... Хайр, худо илоҳи ўзи паноҳида асрасин!

Заргар бобонинг фикру хаёли ана шуларда эди.

Аммо Фируза бу нарсаларни ўйламасди ҳам. Унинг ўй-хаёли Асода эди. Асо Асад Махсумга нима гуноҳ қилган экан? Ёки Каримни деб уни олиб кетдиларми? Эҳтимол, Асо гувоҳ бўлиб жиноятимизни очади деб қўрқишаётгандир... Лаънати Асад Махсум Қоплонда Ойшани кўрган эди. «Бу нозанин ким?» деб сўраган эди. Маълумки мақсадига етишига Карим халал

берарди. Уни отиб ташлаб, шу билан иш тамом, Карим ўлди деб, Ойшани олган эди. Лекин Асо Каримни топиб келтирди, қаратди, деярли соғайтирди. Бу хабарни эшитиб, Асад безовта бўлгандир, ана энди Асони олиб бориб қийнаса керак. Каримнинг ишига аралашма деса керак... Э худо, тезроқ Чекага бориб бу хабарни етказай, кейин Ҳайдарқул амакини топиб маслаҳат сўрай.

Улар Қўшмадраса растасидан Қоплон томонга бурилдилар. Мадраса орқасида итлар уларга ташланишди. Аммо заргар бобонинг узун ҳассаси ва фонусини кўриб итлар олдинга келолмади. Узоқдан уларни ўраб олиб акиллардилар, кўча-кўйни бошларига кўтарардилар. Ҳар ҳолда икки отлиқ милиция ўз вақтида етиб келмаганда эди, ким билади, уларнинг итлар билан олишуви нима билан тугарди... Милиционерлар итларни ҳайдаб, уларни тўхтатишди.

— Кимсизлар, бемаҳалда қаёққа боряпсизлар?

— Биз Чекага боряпмиз,— деди Фируза.— Мен Асо Хайриддинзоданинг хотини бўламан. Бу киши амаким.

Милиционерлар бир-бировларига савол назари билан қараб, ҳайрон қолишди. Эҳтимол улар Асо Хайриддинзода номини биринчи марта эшитаётган бўлсалар керак. Улар уни мутлақо танимасдилар, лекин уларнинг Чекага боришлари ва бу аёлнинг шунчалик дадил гапириши милиционерларни таажжубга солган эди.

— Нима воқеа юз берди?— ниҳоят сўради улардан бири.

— Асад Махсум одамлари Асони олиб кетишди,— деди Фируза.— Билмадим, қаёққа олиб кетишди. Асо Чека одами, хабар бериш керак.

— Хайр, майли, бориб хабар беринг!— дейишди милиционерлар, гўёки уларнинг рухсатисиз бу ишни қилиш мумкин эмасдай ва Қўшмадраса томон от суриб кетдилар.

Сесўда, Чека идораси олдида фонар ёнарди, комендантхона деразасидан чироқ шўъласи кўринарди. Фируза билан заргар бобо комендантхонага киришди. Бу ерда, пастаккина тахта билан ўралган девор ортида комендант ва икки ҳарбий киши ўтиришарди. Уйқусираган комендант Фируза ва заргар

бобонинг кириб келишини кўриб, хайрон қолди, бир оз уйқуси ҳам қочди ва уларга савол кўзи билан қаради.

— Хўш?

Фируза пастак тахта деворчага суяниб, ўзининг кимлигини билдирди, сўнгра Асад одамларининг келганлиги ва Асони олиб кетганларини айтиб, сўради:

— Улар Асога аввал Чекага борамиз, агар Чека рухсат этса, сўнгра уни Дилкушои берунга олиб борамиз, деб ваъда беришди.

— Бу ерга келганлари йўқ,— деди комендант ва уйқусираган кўзларини уқалаб қўйди.

— Ундай бўлса, уни алдаб тўппа-тўғри Дилкушои берунга олиб кетишибди, энди нима қиламиз?

Комендант қўрқиб, ваҳима тўла оҳангда сабрсизлик билан берилган бу саволга авзойини ўзгартирмай, аввалгидек хотиржамлик билан шундай деб жавоб қайтарди:

— Нима қиламиз?! Мен билмайман... раис йўқлар, муовинлари ҳам йўқ, эртагача кутиш керак.

— Кутиш?! Эртагача уни қийнаб-қистаб, ўлдириб қўйишса-чи?

— Қийнаб-қистаб?!— Кулди комендант, икки ҳарбий киши ҳам кулди.— Нега қийнайдилар? Нима, эрингиз Асо аксилинқилобчими? Босмачими, ўғрию йўлтўсарми? Бирор гап сўрашар, бирор иш буюришар, ҳар ҳолда, бирор муҳим масала бўлса керак.

— Йўқ, йўқ!— деди зорланиб Фируза,— агар иш буюрганда, ярим кечада банди қилиб олиб кетишмасди! Жон акажон, Ҳайдарқул амакига телефон қилинг! У киши бирор дуруст маслаҳат берарлар...

Комендант Ҳайдарқул номини эшитиб, бошини кўтаришга шерикларига қаради, сўнгра Фирузага деди:

— Ўртоқ Ҳайдарқул ҳозир шаҳарда йўқ...

— Мен биламан, уйларида йўқ эдилар, лекин... Ахир... Ҳозир келиб қолгандирлар. Идораларидадир, Марказий Қўмитада...

— Бу вақтда идорада нима қиладилар!

— Хайр, иложи қанча? Мен нима қилай? Менинг Асомни нима қилдиларийкин, э худо!

Фирузанинг қалби қаъридан чиққан бу дард-аламли сўзлар комендант уйқусини батамом қочирди. У индамай телефонни олдинга тортиб, дастасини буради,

анча буради, ниҳоят трубкани кўтариб, телефонистга дўқ уриб, Дилкушои берунни сўради. Сўнгра трубкани ўрнига қўйиб, дастасини яна буради. Бу гал ҳам анча бурагандан кейин у ёқдан жавоб беришди. Комендант трубкани олиб, аввал ўзини танитди ва сўнгра Асо деган Чека одами қаерда, деб сўради. У томондан бир нима дейишди шекилли, комендант ғўлдираб деди:

— Ким бўласан ўзинг? Қоровулми? Бирор каттаконроқ одаминг йўқми? Уйғот! Нега уйғотолмайсан?! Эҳ, лаънати телефонни қўйиб қўйди...

Яна узундан-узоқ буради, лекин бу гал жавоб бўлмади.

— Бефойда!— деди ҳарбийлардан бири.

Шу пайтда телефоннинг ўзи жиринглаб қолди. Комендант трубкани кўтариб: «Ким гапиряпти?» деди. У томондан телефонда бирор бошлиқ гапирди шекилли, комендантнинг авзойи ўзгариб, товуши мулойимлашиб қолди:

— Лаббай, ҳа, мен... Ҳеч гап йўқ, тинчлик... Ҳа, фақат бу ерга ўртоқ Асо Хайриддинзоданинг хотини келган, амакиси билан. Асад Махсумнинг одамлари Асони уйидан банди қилиб олиб кетишибди. Мен телефон қилдим, қоровул ҳеч нарсани билмайман, деди, хўп, хўп, майли!

Комендант трубкани қўйиб, Фируза га мурожаат қилди:

— Ўртоқ Николай, раис муовини телефон қилиб, то мен боргунча кутиб туришсин дедилар. Ўзлари келиб ҳаракат қилар эканлар.

Фирузанинг умидсизланган дилида қандайдир заиф бир учқун пайдо бўлди. Заргар бобо ҳам эркин нафас олди. Девор соати чиқилларди, икки ҳарбий тўппончаларини мойларди. Уйқуси батамом ўчиб кетган комендант ҳам катта дафтарга аллanималарни ёзарди...

Бир соат бир йилдек ўтди. Лекин муовинидан дарак бўлмади. Фируза тоқатсизланиб, энди комендантга мурожаат қиламан деб турганда, эшик очилиб Саид Паҳлавон кириб келди. У комендант томонига қараб салом берди ва Фируза билан заргар бобога мурожаат қилди:

— Ҳа, бу ерда нима қилянсизлар?

— Саид амаки!— деди-да, Фируза йиғлаб юборди. Заргар бобо ҳайратланиб маъюс кўзларини Саид Паҳлавонга тикди-ю, нима дейишини билмади, фақат кўзларини пирпиратди.

— Ўзингни қўлга ол, Фируза!— деди йўғон овоз билан буйруқ оҳангида Паҳлавон.— Нима бўпти?! Туринглар, уйга борамиз! Мен сизларни ахтариб зўрға топдим.

— Булар ўртоқ Николайни кутмоқда!— деди комендант.

— Ўртоқ Николай, чамамда, Вобкентга кетдилар.— деди Саид Паҳлавон,— келганда ҳам эртага нонуштадан кейин, ё пешинда келсалар керак.

— Сиз қаёқдан биласиз?— комендант ҳайрон бўлиб сўради.

— Биламан-да,— деди унга маъноли қараб Саид Паҳлавон ва Фирузани қўлтиғидан олиб ташқари чиқди. Кўчада қишнинг илк узун кечаси ҳамон ҳукмронлик қиларди. Совуқ ҳам анча кўтарилган эди, мўйсафид заргар бобо қалтирарди. Шу пайтда бор жонзод маст уйқуда. Фақат янги бозор тарафидаги катта кўчада уч киши тез-тез одимлаб борарди. Қайтишда заргар бобо анча тетик ва чаққонлашган эди. У ёмонларнинг ўнтасига бир Саид Паҳлавоннинг ўзи бас келади, деб ўйларди.

Йўлда Фируза бир неча марта Асо тўғрисида гап очди, аммо Саид Паҳлавон унга тасалли бериб, уйга бориб батафсил гапиришини айтди. Уйга етгач, Оймулло дарвозани очди ва ҳаммаларини ичкарига таклиф қилди. Улар пастки уйда ўтириб гаплашаётганда Оймуллонинг ўзи ошхонада самовар қайнатаётганди.

— Асодан хавотирланма,— дерди Саид Паҳлавон,— ҳар ҳолда уч-тўрт кун ичида унга ҳеч гап бўлмайди. Чунки Махсумнинг ўзи йўқ, бу кеча Вобкентга кетди. Жаббор қўрбоши ҳужум бошлабди. Эртага ҳам, индин ҳам келмасмиш, Асо Асад Махсумнинг махсус бандиси, шунинг учун уни менга топширишди, мен ҳам уни икки-уч киши билан алоҳида хонада сақлаяпман. Асонинг хоҳишига биноан, бу кеча уйқуни тарк этиб шу хабарни айтай деб бу ерга келдим.

— Уни нега қамабдилар? Нима гуноҳи бор экан!— сўради Фируза.

— Асад Махсум суриштириб ўтирмайди, хоҳлаганини қамайверади. Чамамда Асони Каримнинг кетидан қамаган. Аммо бўлак баҳона билан!

— Ундай бўлса мулла Асо Асад Махсумнинг қамоғида ётаверадими? Қутқазиб олишнинг иложи йўқми?— сўради заргар.

— Албатта қутқазамиз!— деди Саид Паҳлавон.— Эртага сен қизим, Ҳайдарқулга бор! Вақтли келса керак. Когонга кетганмиш. У албатта биздан кўра донороқ, бирор дуруст маслаҳат берар. Ана шундан кейин унинг маслаҳатига қараб иш тутамиз. Хайр, мен кетдим. Тағин у ерда кўринмай қолсам, шубҳаланиб юришмасин...

Саид Паҳлавонга дастурхон ёзмоқчи бўлишди, ҳеч бўлмаса бир пиёла чой ичинг, дейишди, лекин у кўнмади, хайрлашиб чиқиб кетди.

10

Ўша кечаси Асад Махсумнинг одамлари аввал Каримни бирор баҳона билан касалхонадан олиб кетмоқчи бўлишди, аммо илажи бўлмади. Улардан иккитаси навбатчи дўхтурга кириб, Бухоро мудофааси учун Карим ғоятда зарур, керак бўлиб қолди, рухсат берсангиз икки соатга бориб, қайтиб келади дейишди. Ҳарбий дўхтир кекса ва кўпни кўрган киши эди. У келган одамлардан шубҳаланиб, уларнинг бекорга келмаганларини пайқади. Шунинг учун у аввало, Карим бемор, ҳозир унинг чиқиши хатарли. Иккинчидан, у фирқа Марказий Қўмитаси ихтиёрида туради. Ундан ижозатсиз ҳеч ким уни бирон ёққа олиб боролмайди, деди. Улар гапни чўзиб дўқ-пўписа билан дўхтурни кўндирмоқчи бўлдилар, аммо дўхтур телефонни олдига суриб Чекага ва Марказий Комитетга қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Дўхтурнинг бу ҳаракатидан келган кишилар қўрқиб, ташқари чиқишди, у ерда аллақачон икки милиционер қўлда милтиқ билан турарди. Сўнг нонлож отларига миниб кетдилар. Бу тўғрида дўхтур, ҳамширалар ва навбатчини ҳушёр бўлинглар, ҳар кимни Каримнинг олдига дўхтурдан рухсатсиз кирит-

манглар, кечаси Каримни ҳовлига ҳам чиқарманглар, деб огоҳлантириб қўйди.

Лақма кампирлардан бири бу можарони оқизмайтомизмай, ҳатто ваҳимали қилиб Каримга айтди ва илова қилди: Карим, хушёр бўл, кечалари ташқари чиқма, чунки сенга суиқасд қилишлари мумкин...

Бундан илгари Карим ўзини яхши ҳис қиларди. Озгина иситма ва йўтали бўлса ҳам унга ҳалақит бермаётгандай туюларди. У тезроқ касалхонадан чиқиб маҳбубасига ёрдам беришга ва Асад Махсумдан ўч олишга шошиларди... Кундузи дўхтур унга айрим дори-дармонларни буюрганида, у норози бўлиб деди:

— Йўқ, ўртоқ дўхтур,— дерди у, дўхтурнинг насиҳатларига қулоқ солмай,— мен соғман, бу иситма ва йўтал дилимнинг дард-аламидан. Севгилимни тортиб олсалар мен қандай қилиб тинч ухлар эканман?! Йўқ, мен бораман, ё ўламан, ё қасдимни оламан!

— Майли,— деди дўхтур,— лекин сенга бир саволим бор: ана, кўриб турибсан, тош девор, анча мустаҳкам қурилган, агар тўсатдан ғайратинг жўшиб, ҳеч қандай қурол-асбобсиз якка ўзинг қўлинг билан бу деворни кўтармоқчи бўлсанг, кўтароласанми? Йўқ, бир ўйлаб кўр, кўтароласанми? Сендан сўраяпман, уддалай оласанми, ё йўқ? Уддалай олмайсан, аксинча, беҳуда кучаниш бел синдиради. Ҳа! Асад Махсумнинг қўшини бор, милтиқ, янги пулемётлари бор. Ўзимиз берган. Бунинг устига ўзи найрангбоз, фирибгар ва қонхўр, золим, бир қуролсиз касал ва нимжон киши борар экану Асад Махсумни ўлдириб, ўз маҳбубасини қутқазар экан?! Кўкпорининг хаёли бу! Хайр, фараз қилдик, сен бординг, лекин Махсум қароргоҳига киримоқ осонми? Сени шу аҳвол билан бир тош йўлдан йўлатмайдилар.

— Йўлини топиб борарман.

— Тополмайсан! Самарқандлик ялангтўш замонлари аллақачон ўтиб кетган. Беҳуда азоб чекасану бирор иш чиқазолмайсан. Аммо Асад гуноҳингни бўйнингга қўйиб, сени отиб ташлайди-ю яна обрў орттиради.

— Бўлмаса нима қилай?

— Соғайиш керак, куч-қувватга кириш керак. Ана ундан кейин бамаслаҳат, оқилона ва дўстлар билан биргалашиб иш тутиш керак.

Дўхтурнинг бу оқилона ва маъқул маслаҳатидан кейин Карим анча ўйлади. Ўйлаб-ўйлаб ҳақиқатдан ҳам олдин соғайиб олиш керак деган қатъий қарорга келди. Аммо ярим кечада, уйғоқлигида лақма кампир айтган гап унинг бу қарорини бузиб юборди, у эртага катта дўхтурга бориб рухсат сўрайди, ўзини ҳам, дўхтурларни ҳам ташвишдан халос қилади.

Эрталаб дўхтурлар Каримнинг важларини тинглаб, рози бўлишди ва қўлига қоғоз ёзиб бериб жўнатишди. Карим Асонинг уйини биларди. У дўхтурхонадан чиқиб, тўппа-тўғри Хиёбон кўчасига ва ундан ўтиб Мирдўстим гузарига, заргар бобонинг уйига борди. Дарвоза ичкаридан занжир эди. Тақиллатди. Заргар бобо чиқиб очди. Асонинг йўқлигини эшитиб, Карим хафа бўлдию Фирузани йўқлади. Заргар бобо ҳануз оғиз жуфтламаган эдики, ичкаридан Фируза паранжи-чачвон қўлида, бостирма тагига, дарвоза олдига келди.

— Э, Каримжонку?— деди ҳайрон бўлиб,— дўхтурхонадан чиқдингми? Афсуски Асо аканг йўқ...

Йиғи унинг томоғини бўғди. У деворга қараб жим бўлиб қолди. Унинг бу ҳолати Каримни ҳаяжонга солди.

— Нима бўлди? Асо ака қаёққа кетдилар?

Фируза кечаси бўлган воқеани қисқача баён қилиб деди:

— Мен ҳозир Ҳайдарқул амаки идорасига боряпман, хоҳласанг бирга борайлик.

Карим бир оз ўйлаб турди.

— Майли, борамиз!— деди у,— шояд менинг дардимга ҳам даво топсак...

Фируза қайрилиб Каримнинг юзига қаради, аммо Карим ғамгинлик билан бошини қуйи солган эди.

Заргар бобо Каримнинг ҳолини пайқаб деди:

— Шўро ҳукумати албатта арзингизни эшитади, боринглар, иложи бўлса Файзулла Хўжаевнинг ўзига арз қилинглар!

— Хўп,— деди Фируза, паранжини бошига ташлаб, чачвонини юзига тушириб.

Кўчада улар жим, ҳар бири ўз дардини ўйлаб олдинма-кетин борарди. Фируза бу кеча ухламаган бўлса ҳам кўзларида уйқу асари йўқ эди. Фақат боши оғир, хаёли паришон эди... Нима бўлди? Асони нима қилишди? Наҳотки Чека одамини олиб бориб қамаш-

са? Ахир Асад Махсумнинг ўзи ким? Инқилобчими? Аксилинқилобчими? Нега у шунчалик ўзбошимчалик қилади, уни жиловлаб қўядиган одам йўқми? Ҳайдарқул худди шу куни, ҳозирнинг ўзида фармон бериб Асони Асад Махсумнинг қўлидан озод қила оладими?

Карим кўчаларга, раста ва бозорларга қишлоқдан янги келган кишидек қараради ва кўзларига ҳар нарса янги ва ўзгача кўринарди. У минора тагидан бир неча марта ўтган ва ҳатто Бухоро инқилобининг иккинчи куни минора тепасига чиқиб, тўп ўқидан зарарланган минора учини текшириб, ўртоқ Куйбишевга бу тўғрида арз қилган эди. Аммо ҳозир жуда ажабланиб қараб борастганидан арава остида қолиб кетишига сал қолди. Ҳа, у иложи борича гамгин хаёлларни миясидан чиқариб ташлашга ва Ойшани ўйламасликка ҳаракат қиларди... Аммо ўйламаслик мумкинми ахир? Ҳа, сен ошиқ бўлсангу ёринг бўлсаю, умрбод висол орзусида юрсангу аммо ўша дилдорингни тортиб олсалар, унинг хабарини эшитмасанг, бирор чора кўролмасанг! Бундан ҳам қаттиқ жазо ўйлаб топиш мумкинми, ахир? Йўқ, ҳаргиз! Иложинг шуки, ё жондан кечасан, ё жононага етасан.

Улар Ҳайдарқулни кабинетида учратдилар. У Мирак билан суҳбатлашмоқда эди.

— Салом, Каримжон!— деди у хурсандлик билан,— ҳартугул соғайиб кетдингми? Касалхонадан жавоб беришдими?

— Салом, амакижон!— деди Карим,— ҳа, жавоб беришди, лекин ўз хоҳишим билан...

Шу пайт Фируза чачвонини кўтариб салом берди. Ҳайдарқул у билан сўрашиб, яна Каримга мурожаат қилди:

— Қандай ўз хоҳишинг билан?

Карим воқеани айтиб бериб, илова қилди:

— Умид билан Асо акамнинг уйига келган эдим, аммо бу киши ҳам...

— Биламан,— деди Ҳайдарқул,— ҳозир Мирак айтди. Хайр, ўтиринглар. Маслаҳатлашамиз...

Фируза Мирак ёнига ўтириб, кеча кечасидаги воқеани муфассал айтиб берди.

— Асо амакимни ўзим кўрдим,— деди Мирак каттталар сўзига қўшилиб,— дадамлар билан у кишига нону чой олиб бордик.

— Қоронғу ертўладами? Кўп бандиларининг орасидами?— Дарҳол сўради Фируза.

— Йўқ,— деди парво қилмай Мирак,— у киши бир катта хонада, яна икки-уч киши билан чақчақлашиб ўтирибдилар. Фируза холангга айт, хафа бўлмасин, дедилар.

— Ана, кўрдингми, яна нега қайғурасан?— деди Ҳайдарқул Фирузага қараб,— катта хона бўлса, мувофиқ ҳамроҳлар бўлса, гурунглашиб ўтирса, нону чой бўлса, яна нима керак?! Парво қилма! Хайр, сенга раҳмат, ўғлим, Мирак. Энди уйларингга бор, онанг кутиб тургандир. Ма, мана бу пулни олиб, қассобдан бирор қадоқ гўшт сотиб олиб бор. Ойинг айтган эдилар.

Мирак ўрнидан турдию пулни олмади.

— Раҳмат,— деди у,— пул керак эмас. Гўшт тайинлаган бўлсалар ўзимда пул бор.

— Бу пулни даданг ўғлимга бериб қўйинг деб ташлаб кетган эди,— деди Ҳайдарқул жиддий,— ол бировнинг пулидан безорман...

Мирак яна бир оз иккиланиб турди-ю, ноилож пулни олди ва хайрлашиб хонадан чиқди. У кетгандан кейин Ҳайдарқул табассум қилиб деди:

— Ҳушёр, ориятли бола! Унинг айтишича Асад Махсум Асони Паҳлавонга топшириб, ўзи аллақайси туманга кетибди. Маълумки, унчалик қасди йўқ. Бинобарин Фирузажон, сен хавотирланма...

— Бўлмаса, Асад Махсум ишини қилаверсинми?— деди қаттиқроқ қилиб Фируза. У бу гапдан кейин мулоҳазасизлик билан қўпол гапириб қўйганини пайқади, шу сабабли жим бўлиб, йиғига зўр берди.

Хонага жимлик чўкди, фақат Фирузанинг ҳиқиллаб йиғлаши эшитиларди...

— Тинчлан, қизим!— деди ниҳоят бошини кўтариб Ҳайдарқул,— Асад Махсум масаласи, шунчаки, осон эмас. Мен билан сен ҳал қилолмаймиз. Бу масалага баъзи ҳукумат аъзолари ва фирқа қўмитасининг раҳбарлиги аралашиб ҳам ҳал қилолмаётирлар. Сен мени жим турибди, деб ўйлаяпсанми?!

— Мен... кечирасиз...— деди Фируза,— Асо учун... кўнглим хавотир...

— Тушунаман! Асони қутқариб оламиз.

— Асо акамни мен туфайли олиб кетишган,— деб қўйди Карим.

— Менинг гумоним ҳам шу,— деди Ҳайдарқул.— Эҳтимол ундан баъзи гапларни билиб олмоқчи ёки Асони ўзи билан сенинг ўртангда воситачи қилмоқчи. Ҳар ҳолда бунда бирор сиёсий масала йўқ. Бу шахсий жанжал.

— Хайр, қаерда бундай иш бўлибдики...— деб Фирузанинг фиғони чиқарди. Ҳайдарқул қўли билан ишора қилиб, сўзини бўлиб қўйди.

— Биламан, унинг ҳамма кирдикорлари ғайри қонуний, тажовуз ва зўравонлик. Шўро ҳукумати бундай ишларга қарши кураш олиб бормоғи керак. Бундай бошлиқларни масъулиятга тортиб, жазо бериши керак. Лекин сизга нима дейин!.. Аввало шуки, Бухоро ҳукумати раҳбарлигида унинг зўр тарафдорлари бор. Иккинчиси, ҳарбий куч қўлида ва...

Шу пайт телефон жиринглади, Ҳайдарқул сўзини тўхтатиб, трубкани олди.— Мен Ҳайдарқул, ҳа... Салом, ўртоқ Файзулла Хўжаев! Саломат бўлинг, хўп-хўп, майли, мен ҳам... мен ҳам бу тўғрида сиз билан гаплашмоқчийдим, ҳа, котиблар йўқ, бири Тошкентга кетган, Окчурин Чоржўйда, хўп, ҳозир...

Ҳайдарқул телефон трубкасини ўрнига қўйди. Унинг чеҳрасида мамнуният ва қониқиш аломатлари намоён бўлди.

— Ана, масала ўз-ўзидан ҳал бўладиганга ўхшайди,— деди у Фируза ва Каримга қараб,— ўртоқ Файзулла Хўжаев Асад Махсумнинг ишлари бўйича мени чақиряпти. Эшитишимча, у киши ҳам бу разилга қарши ҳаракат қилмоқчи.

— Хайр, бўлмаса, икковимизнинг ҳам арзимизни етказинг!— деди Фируза.— Э, худо кошкийди бирор чора кўрсалар!

— Албатта, Асони озод қилдиради! Ахир, у киши ҳукуматимиз бошлиғи — Ноэирлар Шўросининг раиси! Мен шу бугуноқ иш натижасини сизларга хабар қиламан. Сизлар ҳозир қаерга борасизлар?

— Агар рухсат бўлса,— деди Карим,— мен ўртоқ Куйбишев олдига бораман.

— Майли,— деди Ҳайдарқул,— мендан салом айтиб қўй.

Ҳар учови ўрнидан туриб ташқари чиқди. Ҳовли

йўлагида масъул ходимлардан бири Ҳайдарқул билан учрашиб, қаёққа боришини сўради ва Нозирлар Шўросига бораётганлигини билиб, ўз фойтунига таклиф қилди. Ҳайдарқул ҳам бу таклифни мамнуният билан қабул қилди-да, ёшлар билан хайрлашди.

Кўчада Фируза қайси йўл билан клубга боришини ўйларди, Карим унга қараб деди:

— Опажон! Келинг, икковимиз бирга ўртоқ Куйбишев олдига борайлик. Иложини топсак арз қиламиз. Фикримча, ўртоқ Куйбишев дардимизга даво топа олади! У меҳрибон, ғамхўр одам! Мен у кишини яхши биламан!..

Фируза ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди.

— Қандай бўларкин? У киши мени танимасалар... Асони ҳам...

— Танийдилар!— деди қатъий Карим.— Ўртоқ Куйбишев ҳаммамизни танийдилар, албатта мен билан сизни шундай хафа қилиб қўймайдилар...

— Ахир, Ҳайдарқул амаки Файзулла Хўжаевнинг олдига кетдилар-ку?!

— Майли, ҳечқиси йўқ! Келинг, кетдик!

Аллақандай бир куч Фирузани Каримга ҳамроҳ бўлишга мажбур қилди. Улар тўппа-тўғри Шўролар Россияси элчихонаси томон юрдилар.

Шу пайтда Валериян Владимирович Куйбишев ўз кабинетидан чиқиб элчихонанинг биринчи котиби столда ишлаб ўтирган иккинчи хонага кириб унга мурожаат қилди:

— Бугун, чамамда, пайшанба бўлса керак?— деб сўради у.

Котиб Соловьев ҳам ўрнидан туриб деди:

— Ҳа, Валериян Владимирович, бугун пайшанба.

Куйбишев қўлидаги хотира дафтарчасига қараб деди:

— Келаси пайшанба Цека Президиумига сайлов! Муҳиддинов, Юсупов, Ориповларнинг номзодларини муҳокама қилиш керак. Бу тўғрида ўртоқ Ҳакимовга хабар қилинг, тайёрлик кўрсин. У Учинчи Байналмилал вакиллиги номидан сўзга чиқади. Иккинчи: Бухорода ер-сув масаласи.

— Шанба куни Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев билан суҳбат... Ҳа, ўртоқ Файзулла Хўжаев жуда зарур! 26 ноябрьда Бухоро ҳукумати

намояндалари бирлигида катта бир мажлис ўтказиш керак. Туркистон республикасидан ҳам вакил келиши керак.

Соловьев ёза туриб, сўради:

— Кун тартиби қандай бўлади?

— Чамамда, Бухоро инқилобининг моҳияти ва келгусидаги вазифаларни муҳокама қилиш лозим,— деди Куйбишев ва бир оз ўйлаб тургандан кейин фикрига изоҳ берди: — Бухоро инқилобининг моҳиятини чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиб, очиб бериш керак. Ахир, бу мислсиз инқилоб. Тарихда бундай воқеа кўрилмаган ва бинобарин, уни таҳлил қилмоқ, очиб бермоқ ғоятда ажойибдир. Бу инқилоб Шарқда биринчи инқилобдир. Шу боисдан унинг йўналиши ва ривожланишини ўрганмоқ, дастлабки қадамларидан хато йўлга кирмасин учун уни тўғри йўлга солмоқ шарт!

— Тўғри айтасиз, ўртоқ Куйбишев!— деди Соловьев,— Бухоро инқилобининг аҳамияти яна шундаки, у Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон дарвозаси олдида юз берди, жоиз бўлса, бутун Шарққа нур сочади дейиш мумкин.

— Яшанг, яшанг!— деди Куйбишев.— Яшанг! Аммо афсуски, бир қисм Бухоро ҳукумати арбоблари ҳали буни пайқаганлари йўқ ёки пайқашни истамайдилар. Шу сабабли Бухоро ҳукумати раҳбарлиги аппаратини соғломлаштириш лозим. Бу борада уларга маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш бизнинг вазифамиздир. Бир қисм раҳбарлар ва масъул ходимлар фақат ўз шахсий манфаатлари ғамида бўлиб, халқ ва мамлакат ғами билан ишлари йўқ... Хўп, бу муаммоларни ўша мажлисда муҳокама қиламиз. Ёзинг! Винокуров, Садриддин Айний, Орипов, Расулов, Юсупов, Аслонхўжаев, Файзулла Хўжаев, Скорпиковларни, яна бухоролик ўртоқлар кимни хоҳласалар, ўшаларни чақириш керак. Шунингдек, мажлисда элчихонамизнинг барча масъул ходимлари ҳозир бўладилар.

— Жуда яхши!— деди Соловьев.

— Мен бирор соат дам олай!— деди Куйбишев,— боғчамиз жуда дилкаш бўпти. Агар менга Москвадан ё Тошкентдан телефон қилишса, чақиринг.

— Хўп бўлади!— деди Соловьев ва Куйбишевни боғча эшигигача кузатиб қўйди.

Ноябрь ойининг иккинчи ярми, кунлардан бирида ҳаво соф, осмонда момиққа ўхшаш икки-уч парча оқ булут қуёш шуъласида бемалол сузиб юрарди. Дарахтларнинг барглари хилма-хил товланиб, кўзни қамаштирарди. Сарғиш, қизил, яшил, кўкимтир, нопармон ва ҳоказо... Шабада эсиб ер юзига кўплаб барглар тўкарди. Аммо гулзор ҳали сўлмаган... Хусусан қизил савсар гули ва гултожихўроз ўзларини кўз-кўз қилардилар. Карнайгул эса гулзор атрофидаги дарахтларнинг учигача ўралиб чиқиб, кўк барглари орасидан гужум-гужум пишган уруғлари кўриниб турарди. Асаларилар тинмай бориб-келарди.

Валериян Владимирович айниқса райҳонни севарди. У боғбоннинг маслаҳатига кўра ҳар куни чиқиб райҳоннинг уч-учидан уруғлаган жойларини чимчилаб олардн. Шу сабабли райҳонлар ўсиб, шохлаб кетганди. Куйбишев сув сепадиган асбоб билан райҳон ва бошқа гулларнинг чангини кетказиб, боғбон гулзорнинг бир четига санчиб қўйган узун пичоқ билан бута-лар тагини юмшатди. Кейин гулларга ва гулзорга тушиб қолган ҳазонларни териб нарига ташлади ва у гулзорга қараб юраркан, турли масалалар устида бошини қотириб ўйлар, муҳокама қилар эди.

— ... Бухоро!— дерди у хаёлида.— Қадимий шаҳар ва Шарқнинг машҳур шаҳри! Бу диёрда шунчалик замон алломаларининг дунёга келиши, ҳаёт кечириши бежиз эмас...

Мана, эндиликда унинг ҳамма бойликлари, ҳамма ноз-неъматлари, гуллари халқ мулки бўлиб қолди. Меҳнаткашлар — бу мамлакатнинг ҳунарманд халқи эркин нафас олишди... ва эндиликда янада кўпроқ ишлаши, ўзининг барча ҳунар ва санъатини ўз авлоди учун сарф қилиши керак. Ҳа, Бухоро халқига ер-сувдан ҳам кўпроқ билармон кадрлар, оқилона раҳбарлик зарур. Бу масаланинг ҳаммасини яқин кунларда ҳал қилиш керак. Лекин мен мазам қочиб, чарчаб қолганга ўхшайман... Хотиним, кичкина ўғилчам Тошкентда мени кутмоқда. Мен ҳам уларни соғиндим. Улар бу ёққа келишса, яхши бўларди, Бухоро ҳам салқин бўлиб қолди, мевалар сероб. Шаҳар ҳам анча тинчиб қолганга ўхшайди. Ўғилчам билан овуниб, анча тинчирдим. У ҳам анча улғайиб қолган бўлса керак.

Шу вақт элчихона биносидан Соловьев чиқиб келиб, арз қилди:

— Валериян Владимирович, Карим бир аёл билан келибди.

— Карим?— қувониб сўради Куйбишев.— Демак, тузалиб қолибди-да?

— М-м... м... ҳа,— деди Соловьев мужмаллик билан ва жим бўлиб қолди.

— Нима, унчалик тузалмаганми? Хотини билан келибдими? Қани, борайлик-чи!

Улар элчихона биносига кирдилар. Элчи (Куйбишев) қабулхонасида паранжисиз Фируза билан Карим курсиларда ўтирардилар. Куйбишев билан Соловьевни кўриб иккови ҳам ўрнидан турди. Карим ҳарбийчасига қўлини чаккасига олиб бориб салом берди. Фируза эса таъзим қилди.

— Ҳа-а... Карим, Каримжон!— деди Куйбишев хурсандлик билан ва дўстона кўришди.— Кел, кел, хуш келибсан, бу киши ким? Таниётгандайман. Ҳа, ҳа, ўртоқ Фируза! Хўш, келинглар, марҳамат!

Ҳаммалари кенг ва ёруғ кабинетга киришди. Куйбишев ўз ўрнига ўтириб, Каримга мурожаат қилди:

— Хўш, тузалдингми? Қани, гапир!

— Шукур, яхши,— деди Карим. Бир оз жим туриб, ҳалқумини сиқаётган йиғини ютиб юбориб, гапида давом этди,— шу бугун, эрталаб рухсат сўрадим, бошқа илож қолмади... Дўхтурлар ҳам буни сезиб жавоб беришди...

— Наҳот?— ҳайрон бўлди Куйбишев,— нима воқса юз бердики, бунчалик шошилинч равишда касалхонадан чиқдинг?

— Ўтган кеча,— деди Карим,— Фируза опанинг эри Асо акани Асад Махсумнинг одамлари ушлаб Дилкушои берунга олиб кетишибди...

— Ушлаб?— ҳайрон бўлиб сўради Соловьев.— У Чекада ишларди шекилли?

— Чекадагилар ёрдам бера олмадилар!— деди Фируза.

— Қизиқ!— деди Куйбишев ташвишланиб,— хўш, кейин нима бўлди?

— Асаднинг ўша одамлари аслида мени олиб кетишга келган эканлар, лекин дўхтурлар пайқаб, қўйишмади.

— Отгани камлик қилгандай, энди тутиб олиб кетмоқчи бўлибди!— деди Фируза.

— Тушундингизми, ўртоқ Соловьев?!— деди Куйбишев хитоб қилиб,— бу одам ҳаммани қўрқитиб ишбоши бўлмоқчи. Аввал бошдан истараси менга совуқ кўринган эди. Лекин бухоролик ўртоқлар, айниқса ревкомда ёнини олишди.

— Қайси куни,— деди Соловьев,— ўртоқ Файзулла Хўжаев менга телефон қилиб норозилик билдирдилар, Асад Махсум шаҳар ишларига ҳам аралашиб, ўзбошимчалик билан бир қанча кишини қамабди.

— Кўриниб турибдики, у ўзини мустақил ва ҳукмрон ҳис этяпти!— деди Куйбишев ва ўйга чўмди. У Каримнинг ҳамма саргузаштини биларди, унга ўқ узганларини, Ойшанинг қўлга олинишини ва бошқа ҳамма воқеаларни унга хабар қилишганди. Бухоро ҳукумати Асад Махсумнинг кирдикорларини била туриб, унинг қўлига ҳарбий кучларни топшириб қўйганлиги Куйбишевни ҳайратга соларди. Уларнинг мақсади нима экан, Асад қўли билан бирор ўзгариш ясамоқчимилар, дерди у. Чиндан ҳам агар Асад фитнасининг олди олинмаса, бора-бора шундай ёнғинга айланадики, уни уюштирган кишиларнинг ўзлари ҳам балога қолади! Бу хусусда гапириш, уларнинг кўзини очиш керак эди...

—...Хўш, нега Бухоро ҳукумати, ижроия комитети бу масалага аҳамият беришмайди? Унинг жиловини тортиб қўйишмайди?

Бухоро ҳукуматининг ички ишларига кўпроқ аралашиб юрган Соловьев шундай деди:

— Менимча, бир қисмлари қўрқадилар, бошқа бир қисмлари яккалик қиладилар, қолганлари эса тарафдор!

— Ҳа! Рост! Хўп, ўртоқ Файзулла Хўжаевга телефон қилиб, хабар қилинг, агар вақтлари бўлса, мен баъзи муҳим ишлар билан бугун олдиларига бормоқчиман.

— Хўп бўлади!— деди Соловьев ва кабинетдан чиқди. У чиққандан кейин Куйбишев Каримга мурожаат қилди:

— Шошма, сенинг қалпинг нима бўлди? Қаерда экан?

Карим ҳеч нима деёлмай жим бўлиб қолди. Унинг ўрнига Фируза жавоб берди:

— Асад Махсумнинг қўлида экан, қизнинг ўз хоҳишига мувофиқ никоҳлаб олган эмиш.

— Йўқ, йўқ,— деди Карим бирданига.— Ойша менга ваъда берган. У ҳеч қачон ваъдасини бузмайди, ҳеч қачон қонхўрнинг никоҳига кирмайди.

— Тинчлан, Карим!— деди Куйбишев.— Мен ҳам шубҳа қилмайман. Ўртоқ Фируза эшитганини айтди, холос... Албатта, бу яхши эмас!

— Менга ўқи билан битта милтиқ беринг,— деди Карим ҳамон ҳаяжонланиб,— мен ўзим бориб Асад Махсумнинг жавобини бераман, ўртоқ Куйбишев! Чунки Ойшасиз менга тирикчилик ҳаром.

Куйбишев табассум қилиб деди:

— Битта милтиқ билан бундақа одамга жавоб беролмайсан, ўғлим. Менимча, кўп милтиқ тайёрлаб Асад Махсумдан бир йўла қутулиш керак.

— Йўқ, мен Ойшажонни... Ойша...— деди Карим ва гапини тамом қила олмади, қаттиқ йўталдан унинг нафаси ичига тушиб кетди. Ташқаридан Соловьев югуриб келди, Фируза сапчиб туриб, Каримнинг ёнига борди. Куйбишев стаканда сув келтирди. Аммо Карим бир-икки дақиқа йўталди-ю сўнгра эркин нафас олиб бўшашиб кетди. Уни суяб шу ердаги диванга ўтиргизишди, у чўзилди. Унинг қути ўчган, қовоқлари шишган эди, ёш йигит сўлди-қолди...

Куйбишев Соловьевни ташқаридан дўхтурни олиб келишга юборди.

Дўхтур текшираётганда Куйбишев, Фируза ва Соловьевлар ташқари чиқишди. Бундай ишларда тажрибали ва бунақа беморларни кўп кўрган Куйбишев иккинчи хонага ўтгач, шундай деди:

— Ўқ боланинг ўпкасига зарар етказганга ўхшайди, бунинг устига Ойша воқеаси соғайишига халал беради. Бундан кейин унинг олдида Асад ва Ойша тўғрисида оғиз очманглар, имкон борича қувончли хабарлар билан кўнглини кўтариб туринглар.

— Шўрлик бола шамдек эриб кетибди!— деди Соловьев.

Фируза кўзига ёш олиб, юзини деворга ўгирди. Бир неча дақиқадан кейин дўхтур чиқиб Куйбишевга мурожаат қилди:

— Уни ҳозир Когон госпиталига жўнатиш лозим. У ерда эҳтимол баъзи дорилар топилар, йўқса бола нобуд бўлади.

— Марҳамат, машина берамиз, одам берамиз. Ўзингиз элтиб қўйиб, натижасини менга билдиринг!

— Хўп бўлади!— деди дўхтур ва яна кабинетга, бемор олдига кирди.

11

Бухоро ҳукумати инқилобдан кейин бевосита янги иморатлар ва янги уйлар қуришга қодир эмас эди. Чунки ундан кўра зарур ва муҳимроқ ишлар кўп, бунинг устига пул, бинокорлик материаллари ва одам кучи етишмасди. Ҳаммадан олдин куйиб харобага айланган биноларни тозалаш, шаҳарни тинчитиш ва халқнинг энг муҳим эҳтиёжини таъминлаш лозим эди. Бинобарин, деярли ҳамма муассаса ва ҳукумат идоралари, жамият ташкилотлари эски биноларда — бойлар ва собиқ амалдорларнинг мусодара қилинган ҳовлиларида жойлашган эди. Масалан, инқилоб Марказий Қўмитаси (кейинчалик Марказий Ижроия Қўмитаси) аркда, Қушбеги ҳовлисида, Коммунистик фирқа Марказий Қўмитаси Ҳавзи Рашид гузарида катта бир бой ҳовлисида, Нозирлар Шўроси Қўйи Мурғкуш гузаридаги Ғиёси пўст ҳовлисида жойлашган эди.

Кейинги йилларда Бухоро бойлари сендан мен камми қабилида иш тутиб, катта ва ҳашаматли ҳовлилар, ярим европача уйлар, данғиллама иморатлар қурган эдилар. Бу иморатлар пишиқ «солдатча» ғиштдан (ҳозирги пишиқ ғиштларга ўхшаш) солинган эди. Амир Олимхон ҳам Ситораи моҳи хоссада, Ширбандда, Дилкушода, Когонда ва бошқа жойларда ярим европача қасрлар ва иморатлар қурарди, шунинг учун бу «янгиликлар»га ва бойларнинг бинокорликларига ҳалақит бермасди. Шу сабабли Бухорода анча чиройли иморатлар, ҳовли-жойлар бино бўлган эди. Инқилобдан кейин уларнинг кўпчилигини ҳукумат мусодара қилиб, муассасалар ва идораларни жойлаштирган эди. Нозирлар Шўроси идораси жойлашган бино

кўримсиз бир паст кўчада, Қавола дарвозаси ва Сесўорасидаги катта йўлдан унча узоқда эмасди.

Ҳайдарқул таниши билан тушган файтон Девонбеги ҳовузининг юқори томонидан Кўкалтош мадрасаси саҳни ва арпа бозори олдидан юриб, Қавола дарвозаси тарафидаги катта йўлга ўтди, зудлик билан ўнг томондаги паст кўчага бурилди ва Нозирлар Шўроси идорасининг дабдабали дарвозаси олдида тўхтади.

Шу пайтда Нозирлар Шўросининг раиси, Бухоро халқ ҳукуматининг бошлиғи Файзулла Хўжаев кабинетида турли арз ва иш билан келганларни қабул қиларди. Унинг кабинети ўша ҳовлининг катта хонасида бўлиб, даҳлизда котиб ва раис ёрдамчилари ўтиришарди.

Кабинет эшиги очилиб, ичкаридан Нозирлар Шўросининг ишлар мудири чиқди ва кутиб турган икки ёшга ичкарига киринглар деб ишора қилди. Ёшлар бир оз ҳаяжонландилару, лекин тезда ўзларини тутиб олиб, катта хонага кирдилар. Ҳашаматли катта хонанинг бўялган учта янги деразаси бор эди. Деразалардан хонага ёруғлик тушиб турарди. Хонанинг шифти ва деворлари безатилганди, уларни Бухоронинг машҳур мўйқалам усталари ва наққошлари безатган эдилар. Тахта поллик хонага катта «Қизил оёқ» туркман гилами бошдан-оёқ тўшалган эди. Хона тўрида кенг ва ҳашаматли иш столи қўйилган бўлиб, унинг устида биллур ва зарҳалли сиёҳдонлар, тилла ранг шамдонлар, қаламдон ва бошқа ёзув асбоблари қўйилган эди. Столнинг бир бурчагида бир тўда китоб, бошқа бурчагида турли қоғозлар ва делолар ётарди. Яна битта узун стол қўйилган эди, стол даҳлиз эшиги олдидан раиснинг иш столига тақаларди. Узун стол устига кўк мовут ёпилган бўлиб, атрофига чарм қопланган оғир стуллар қатор қўйилган эди.

Файзулла Хўжаев келишган, ўрта бўйли, буғдой ранг, кўзлари катта-катта, жозибали, тим қора қалин сочи тараб қўйилган эди, эгнида кул ранг мовутдан тикилган фирenж ва галифе шим бор эди. У иш столида ўтириб, қоғозга бир нарсаларни битмоқда. У ёшларнинг кириб келганини кўриб, ишдан бошини кўтариб, деди:

— Келинглар, болалар, келинглар! Юқорироққа, яқинроқ ўтиринглар. Хўш, сизлар «Намуна» мактаби

талабаларининг вакилларими? Жуда соз. Ўқишлар қалай? Болалар мактабдан қочишмаяптими? Йўқми? Яхши. Муаллимлар маъқулми? Китоб, дафтар, қалам етарлими? Бўлмаса яна қандай камчиликларингиз бор?

Суҳбатнинг бундай бошланишидан тортинчоқ болалар анча дадиллашди.

Улардан бири дадил бўлиб деди:

— Бизнинг мактабимиз «Намуна», номи ҳам ўзига мос тушган... Биз форма кийсак дегандик, кўчада ҳам намуна бўлиб юрсак дегандик.

— Бу фикрингиз чакки эмас!— деди Файзулла Хўжаев табассум қилиб.— Ҳар бир мактабга бир хил форма кийдирсак, болаларнинг кийимидан қайси мактаб талабаси эканлигини билиб олсак ёмон бўлмасди... Бу таклифга маориф нима деркин?

— Маориф эрта-индин, деб ишни пайсалга соляпти. Биз «Учинчи Тўрон» ёки «Авлоди Шуҳадо» мактабларининг талабалари биздан олдинроқ форма кийишади-ю, биз қоламиз деб хавотирланяпмиз...

— Ҳа, ҳа...— деб пича хаёлга чўмди Файзулла Хўжаев,— афтидан, мактабларда болаларни ўқитиш, билимини ошириш масаласини четлаб, форма кийишга қизиқтириб, бошқа мактаб болаларини мусобақага чақириш ҳоллари юз бераётганга ўхшайди. Ҳали тажрибали, билимли муаллимларимиз йўқ. Болаларни собиқ турк зобитлари ва Туркистондан келган чаласавод муаллимлар ўқитмоқдалар. Бундай тасодифий муаллимлардан бундан ортиғини кутиб ҳам бўлмайди... Ҳаммадан олдин ўзимиз муаллим тайёрлашимиз керак.

— Мудирингиз ким?— деб сўради у болалардан.

— Шавкат афанди!

— Майли, айтиб қўяман, сизларга чиройли форма тиктириб кийдирсин, лекин битта шарт билан!

Болалар қувонишиб, ўша шартни билишга қизиқдилар.

— Шарт шуки, шаҳардаги барча мактаблар орасида мусобақа эълон қиламиз: қайси мактаб талабалари дарсларни яхши ўзлаштирсалар, аълочи бўлсалар, тартибли, интизомли бўлсалар ва чинакам намуна бўлсалар, ана ўшалар ҳаммадан аввал чиройли форма оладилар. Агар акси бўлса, ё форма олмайдилар, ё ол-

ганда ҳам ҳаммадан кейин ёмонроқ форма оладилар. Ана шу шартга розимисизлар?

— Биз рози,— деди болалардан бири,— лекин билмадик, мудир афандимиз нима деркинлар...

— Биз маориф ҳузурида комиссия тузамиз, комиссиянинг ўзи бу шартни ҳамма мудирларга ва афандиларга билдиради. Энди бориб бу хабарни шерикларингизга етказинг, улар ҳам яхши ўқисинлар!

— Хўп бўлади!— деди болалар ва кабинетдан чиқишди. Файзулла Хўжаев хотира дафтарига бир нарса ёзди-ю, ўрнидан туриб хонада айланди.

«Ҳа,— дерди у ўзига ўзи,— инқилоб қилиш, ҳокимиятни қўлга олиш ишнинг бир томони экану, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, янги ҳаётни барқарор қилиш ишнинг иккинчи томони экан! Афсуски, бизнинг баъзи ўртоқларимиз буни тушунмаяпти. Инқилоб бўлди, амир қочди, гап тамом, деб оёқларини узатиб ўтиришибди. Айримлари эса ишни юриштириш ўрнига ҳатто унга халақит беришяпти...

Маориф масаласи, ҳуқуқ ва адлия масаласи, ерсув масаласи, савдо-сотиқ масаласи... Буларнинг устига республика хавфсизлиги масаласи, душманларга ва амир ҳокимияти қолдиқларига қарши кураш... Аммо ҳаммадан аввал, янги ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва давлатни барқарор қилиш керак! Раҳбарлик ичидаги турли гуруҳбозлик, турли қарама-қаршиликларга хотима бериш лозим! Бугун Куйбишев келганда ана шу масалалар тўғрисида маслаҳатлашиб оламан!»

Ижозат сўраб кабинетга ўрта ёшли, қотмадан келган, баланд бўйли бир киши кириб келди. У пахмоқ соқолли бўлиб, бошида ироқи дўппи, эгнида бўз яхтак, алача тўн бор эди. У салом бериб икки қўллаб раис билан кўришди:

— Саломатмисиз, бардаммисиз... илоҳи худо ўз паноҳида асрасин. Омин!

Файзулла Хўжаев унга рўпарасидан жой кўрсатиб, ўзи курсисига ўтирди.

— Хўш, хизмат?

— Мен тўқувчи уста Наби бўламан. Адрас, бахмал, алача, қалами, нимаики десангиз тўқийман... Лекин, эшонжон, одамларингиз ишлашга қўймайдиганга ўхшайди-ку! Молия деган бир идора пайдо бўлибди. Ҳар

куни одам юбориб, солиқ соляпти. Ахир, золим замонида-ку, кун кўролмадик, энди-чи, ҳуррият бўлди, яна нима ҳам дердим, эшонжон! Ўзингиздан қолар гап йўқ...

Файзулла Хўжаев бир оз ўйлаб туриб деди:

— Солиқсиз, молиясиз давлат бўлмайди, уста Наби!

— Гапингиз тўғри, лекин эви билан-да...

— Нима, сизга нотўғри солиқ солишдими?

— Тўғрими, нотўғрими, худо билади... Мақсадимиз шуки, ҳоли қудрат ишласак, бола-чақанинг ризқини топсак, деймиз. Мен бир ариза ёздириб келган эдим, ҳамма гап шу аризада ёзилган...

Раис уста Набининг аризасини диққат билан кўздан кечириб:

— Хўп, мен ёзиб бераман, молия идорасига боринг, текшириб солиқни камайтиришади, аммо бу билан масала ҳал бўлмайди, уста!

— Хўш, хўш, айланай, яна нима қилишим керак?

— Агар биз сизга бутунлай солиқ солмасак ҳам, даромадингиз харажатингизга етмайди. Чунки ҳозир бўёқ, ипак, пахта ва бошқа сизга керакли нарсалар жуда қиммат, топилмайди ҳам. Биламан, сиз ҳозир йиққан-терганингиз ҳисобига ишлаяпсиз. Аммо йиққан-терганингиз неча ойга етади?!

— Вали экансиз, айланай эшонжон, худди бориб аҳволимни кўргандай гапирдингиз-а... Хайр, мен нима қилишим керак?

— Биз бу тўғрида ўйлаб кўрдик. Шўро ҳукумати косиб ва ҳунармандларга тарафдор. Имкони борича уларнинг касб-корига ёрдам беради.

Лекин якка-якка ҳолда эмас, битта артель тузиш керак.

— Айланай эшонжон, артель деганингиз нимади?

— Артель бамисоли катта рўзғор, бир қанча тўқувчи усталар, тароқчилар, бўёқчилар бирлашади. Биргалашиб ишлашади, биргалашиб ҳосил кўтаришади. Ҳукумат сизларга ёрдамлашади, бўёқларингизни арзон нархда топиб беради, маҳсулотингизни сотиб олади, истамасангиз, дўкон очиб беради... ҳам ўзингизни таъминлайсиз, ҳам биз одамларга тез-тез керакли нарсаларини етказиб берамиз. Бунга нима дейсиз?

— Агар айтганингиздай бўлса, артель ҳузури жон экан-ку! Мен жоним билан, лекин бошқалар нима дейишаркин?

— Менимча, бошқалар йўқ демайди, агар яна тўрт-беш кишини топсангиз, уларга ҳам тушунтиринг...

— Ким топсин? Менми?

— Ҳа, сиз, амаки! Нега йўқ экан? Сиз менинг мақсадимни тушундингиз, энди бориб ўз тилингизда бошқа ҳамкасбларингизга тушунтиринг. Ҳаммалари рози бўлишса артель тузамиз. Биттангиз раис бўласиз, биз кўмаклашамиз, иш юришиб кетаверади... Албатта, артель янги бинода бўлади, ёруғ ва баҳаво хоналарга тўқувчилик дастгоҳлари ўрнатилади, маълум соатларда ишлашади. Меҳнаткаш ҳунармандлар, косиблар эндиликда кечаю кундуз зах, қоронғу ертўлаларда ўтириб, пешана тери тўкмайди.

— Майли, мен шериклар билан гаплашиб кўраман... лекин аввал молия идорасига бир борай-чи...

— Боринг, молия солиғингизни камайтиради, албатта!

— Илоҳи саломат бўлинг, айланай эшонжон!

Уста Наби хурсанд бўлиб чиқиб кетгач, котиб кириб, Ҳайдарқул келганини айтди.

— Чақиринг!— деди Хўжаев,— аммо илтимос: бошқа киши кирмасин!

— Хўп бўлади!

Файзулла Хўжаев Ҳайдарқулга эътиқоди зўр бўлиб, унга ишонарди. Кўпинча муҳим ишларни у билан маслаҳатлашиб, фикрини оларди... Фирқа Марказий Қўмитаси мажлисларида ҳам масаланинг ҳал этилишида уларнинг фикри бир жойдан чиқарди. Файзулла Хўжаев одамларни биларди. У Ҳайдарқулни халқнинг жонкуяри, ғамхўри деб биларди. Асад Махсумнинг ўзбошимчалиги ва кирдикорлари анчадан буён Хўжаевни ташвишга солиб қўйган эди. У баттол Махсумни ножўя ҳаракатлардан тийиб қўйиш масаласида ҳам Ҳайдарқул билан иккимизнинг фикримиз бир жойдан чиқади деб ўйларди. Айниқса Асаднинг кейинги кунлардаги ножўя ҳаракатлари уни ўйлантириб қўйган эди, у Марказий Қўмита котибларининг сафардан қайтиб келишини кутиб турмасдан, бу тўғрида гаплашиб олиш учун Ҳайдарқулни чақиртирган эди. У Марказий Қўмита раҳбарлиги бугун бўлмаса эртага Асад Махсум

масаласини муҳокама қилиб, чора кўришни биларди, лекин унгача тайёргарлик кўриб, амалий тадбирларни белгилаб қўйиш керак эди.

— Марҳамат, марҳамат, ўртоқ Ҳайдарқул!— деди у ўрнидан туриб.—Соғ-саломатмисиз? Ишлар яхшими? Қани, марҳамат, ўтиринг!

Улар икки дераза орасига қўйилган диванга ўтиришди. Котиб чой, новвот, ҳолва, қандолату лавзҳолва қўйилган ширинликлар патнусини келтириб хонтахтага қўйди. Улар чой ичиб ўтириб ғайри расмий вазиятда дўстона суҳбат бошлашди.

— Кечирасиз, сизни ишдан қолдириб, ташвишга қўйдим,— деди Файзулла Хўжаев.— Лекин бошқа илож йўқ эди. Қарасам, ишлар кундан-кунга чигиллашиб кетяпти. Аксилинқилоб мадад олиб, ҳаракатини кучайтиряпти. Деҳқонлар экин-тикин ишлари билан бемалол шуғулланолмаяпти, бир тумандан бошқа туманга бориб келиш хавфли бўлиб қолган...

— Ҳа, тўғри айтасиз!..

— Биз Бухоро атрофидаги босмачиларга қарши кураш комиссиясини ташкил қилиб, у бизни бу ташвишдан соқит қилар, шаҳар ташқарисидаги ўғрию қароқчиларни йўқотиш чорасини кўрар, деган умидда эдик, лекин умидлар чиппакка чиқяпти...

— Аксинча, Асад Махсум ўзимизнинг устимизга юриш бошлаяпти!

— Рост, рост! Ўзимизнинг устимизга юриш бошлаяпти! Эшитишимча, жиянингизни ўғирлаб кетибди, шу гап ростми?

— Ҳа, рост! Ўзига никоҳлаб олганмиш. Бугун эшитсам, Чекада ишлайдиган Асо деган тутинган укамиз бор эди, одам юбориб, элтиб қамабди...

— Шундай экан, нега индамайсиз? Масаласини Марказий Қўмита бюроси мажлисига, Марказий Ижроия Қўмитасига қўйиш керак эди...

— Шахсоният дейишмасин дедим-да, бу масалани ҳал қилишга Чеканинг кучи етади, деб ўйладим-да.

— Чека!— деди Файзулла Хўжаев қўл силтаб.— Аввал Чеканинг ўзини тузатиш керак, кейин ундан иш кутиш керак.

— Наҳотки Нозирлар Шўросида Асад масаласини муҳокама қилиб, уни ишдан олиб ташлаш ва жазолаш мумкин бўлмаса?

— Билмадим, ўйлаб кўриш керак,— деди раис ва бир лаҳза жим бўлиб қолди. У Ҳайдарқулни индамай юрганига қойилгандай бўлди-ю, аммо ўзи қандай чора кўриш кераклигини билмасди. Ҳукумат аъзолари орасида Асад Махсумнинг зўр илҳомчилари бор деб гумон қиларди. Бундан ташқари инқилоб тўфони билан кўпгина хас-хашак сув юзига қалқиб чиқиб қолган эди, шубҳасиз, бундай хас-хашаклар кўр-кўрона Асадга овоз беришади. Бу тўғрида бирор иш қилишдан аввал унинг ана шу томонларини ҳисобга олиш керак бўлади.

— Агар ўртоқларимиз бир ёқадан бош чиқарганда эди, бу муаммони ҳал қилиш осон бўларди,— деди гапини давом эттириб Файзулла Хўжаев.— Афсуски айрим ўртоқларимиз иккиланиб юришибди, баъзилари эса бепарво, масаланинг моҳиятига етолмайдилар. Бу ишнинг бир томони. Бошқа томони шуки, агар эртага уни ишдан олиш ва жавобгарликка тортиш ҳақида мажлисга очиқдан-очиқ масала қўйсак, у ўз қўли остидаги барча ҳарбий кучни ишга солиб, республика ҳукуматига қарши исён кўтариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бизда эса бу исённи бостириш учун тайёр ҳарбий куч йўқ...

— Модомики шундай экан, нега ариза бермадинг деб қойийсиз?— деди жилмайиб Ҳайдарқул.— Мен ҳам ана шуларни ўйладим-да.

— Йўқ, сизнинг аризангиз бошқа гап. Исботи учун...

Шу пайтда даҳлиз эшиги очилди-да, узр сўраб котиб кирди ва Куйбишев келганлигини хабар қилди.

— Э, дарвоқе!— деди Хўжаев.— Ҳалигина Соловьев телефон қилган эди... Айтинг, марҳамат!

Котиб чиқиб кетди. Валериян Владимировични кутиб олгани ҳар иккалови ўрнидан турди. Куйбишев очиқ чеҳра билан жилмайиб эшикдан кириб келди-ю, Файзулла Хўжаев ва Ҳайдарқул билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўради. Ҳар учови мовут ёпилган узун стол атрофига ўтирди.

— Бугун ҳаво жуда ажойиб-да!— деди Валериян Владимирович.—Қаранг, ноябрь ойи тугай деб қолди-ю, қуёш чарақлаб турибди, кўчада бир қават енгил кийим билан юрса бўлади. Нима, ҳар йили ҳам ноябрь ҳавоси шунақа бўладими ёки бу йил шунақами?

— Атайлаб инқилоб учун!— деди табассум билан Файзулла Хўжаев.— Лекин ҳали қараб туринг, Бухоронинг қора совуғи бошланса борми, серпахта тўн билан қалин пўстин ҳам иш бермай қолади!

— Ана шунинг учун ҳам мен Бухоронинг қора совуғи бошланмасдан олдинроқ баъзи муҳим масалалар тўғрисида сиз билан гаплашиб олиш учун келдим,— деди ҳазилкашлик билан мақсадга яқинлашиб Куйбишев.— Аскарларимиз Бойсунда тўхтаб қолишди. Олдинга силжимаяпти. Амир одамларим жангда тажриба орттириб, чиниқиб қолди, деб ўйлаяпти, эрта-индин қарши ҳужумга ўтади. Сиз бунга нима дейсиз?

— Ҳазиллашяпсиз шекилли, Валериян Владимирович!— деди жилмайиб Файзулла Хўжаев.

— Рост,— деди Куйбишев.— Аскарларимиз Бойсунда тўхтаб қолишди. Лекин бу аҳвол амир сарбозларининг кучайиб кетганидан эмас, балки бу ишга ўзимизнинг бепарво қарашимиз натижасида юз берганини амир билмайди.

— Қандай бепарволик!

— Ҳа, ҳа, ишонаверинг! Аскарларимиз озиқ-овқатдан қийналмоқда. Аскарларга ўз вақтида озиқ-овқат, отларига ем-хашак етказиб берилмаяпти. Оч қорин билан жанг қилиш қийин бўлса керак, ўртоқ Ҳайдарқул?

— Тўғри,— деди Ҳайдарқул,— қорин оч бўлса ҳатто уйқу ҳам келмайди.

— Ана, кўрдингизми, ҳатто уйқу ҳам келмайди. Ана шу мушкул муаммони то совуқлар бошлангунча, балки иложи бўлса бугун ё эртага ҳал қилиш керак. Амир Душанбада ўз саркардаларига наврўзни Бухорода кутиб оламиз деб ваъда берибди. Шундай қилайликки, амир Бухоро қишининг қора совуғидан маҳрум бўлмасин!..

— Жуда соз!— деди Файзулла Хўжаев.— Амир устидан бошланадиган суд муҳокамасини қора совуқ бўлса ҳам очиқ ҳавода ўтказамиз!

Биз бу масалани эртагаёқ Нозирлар Шўросида қараб чиқамиз. Иложи борича ўзим, бўлмаса нозирлардан ва масъул шахслардан бир-икки кишини Бойсунга юборамиз, улар аскарларга озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсаларни етказиб беришади.

— Албатта,— деди Ҳайдарқул,— агар Бойсунга ҳарбий куч ҳам юборсак, ёмон бўлмасди...

— Бойсунга озиқ-овқат юбориш унчалик қийин эмас, Валериян Владимирович,— деди Хўжаев,— лекин ҳозирча ҳарбий куч юборишимиз мумкин бўлмаса керак.

— Аскарингиз йўқми?— деди Куйбишев.— Ундай бўлса нега маҳаллий халқдан аскарликка чақирмайсиз? Давлат қуролсиз, аскарсиз бўлмайди!

— Унча-мунча ҳарбий кучимиз бор,— деди Файзулла Хўжаев.— Асад Махсум қўл остида Бухоро атрофининг хавфсизлигини қўриқлаш учун олти юзтача қуролли одам бор. Лекин, бахтга қарши, Асад Махсум ўзбошимчалик қиляпти.

— Мен,— деди Куйбишев,— Асад Махсумнинг бирор ёмон нияти борми деб қўрқаман. Унинг йўлини тўсиш, уни эпақага келтириш керак!

— Бу ерда ўртоқ Ҳайдарқул билан икковимиз шу ҳақда гаплашаётган эдик. Ростини айтсам, шундай шароит вужудга келиб қолганки, Нозирлар Шўроси Асад Махсумни қўлга олиш ёки уни ишдан четлаштиришга бевосита қодир эмас.

— Тушунаман,— деди Куйбишев ва папиросини тутатиб, индамай қолди. Бухоро ҳукумати ҳайъатини, унинг гуруҳларга бўлиниб кетишини, «лабиҳовузликлар», «юқориликлар», «ўнглар», «сўллар» ва ҳоказо, ва ҳоказоларни хаёлидан ўтказди, Файзулла Хўжаевнинг мушкул аҳволга тушиб қолганини пайқади.— Албатта, сизга бир оз қийин бўлади, аммо пировардида ғалаба қиласиз! Тарих ғилдираги орқага қайтмайди! Асад ички ишлар назорати ихтиёрида бўлса керак? Қайси куни мен ўртоқ Низомиддин билан гаплашган эдим, кўпгина ваъдалар берганди.

— Мен ҳозир уни чақираман,— деди Файзулла Хўжаев ўрнидан туриб ва даҳлизга бориб котибга Низомиддинни топинг деб буюрди, қайтиб келиб ўрнига ўтиргач, гапини давом эттирди.

— Афсуски, уюшган ҳарбий кучга эга эмасмиз.

Шу пайт Ҳайдарқул суҳбатга аралашди:

— Мен ҳарбий назорат ташкил қилиб, маҳаллий аҳолини аскарликка даъват қилайлик, деб бир неча бор таклиф киритдим. Лекин баъзи ўртоқлар бу ишга ҳали вақт бор, дейишди, агар сафарбарлик эълон қил-

сак, халқ ранжир эмиш. Айримлари эса агар маҳаллий аҳолига қурол бериб қўйсак, уни ўзимизга қарши қаратишади деб чўчияпти, Асад Махсумнинг қора нияти бунга далил бўлолади, дейишади. Шу баҳоналар билан бу ишни пайсалга солиб келяпмиз...

— Ҳар иккала томон ҳам хато қилишади,— деди Куйбишев.— Асад Махсум масаласи бундан истисно. Ҳозирча уни инқилобга хиёнат қилади, деб ҳеч ким айтолмайди! Лекин маҳаллий халқ ҳеч қачон сафарбарликдан ранжимайди. Инқилоб қилган ва амир ҳокимиятини ағдариб ташлаган халқ инқилоб самараларини мудофаа қилишдан юз ўгирмайди, жон-дилидан инқилобни ҳимоя қилади. Шўро давлатининг баъзи бир хоинлари, душманлари туҳмат ва иғво билан маҳаллий халқни бизга қарши қўзғатишлари мумкин, биз ўзимиз, айрим енгилтак бошлиқлар, нотўғри тактикамиз оқибатида халқни қўзғаб қўйишимиз мумкин. Йўқса, уларнинг биронтаси ҳам бизга қарши чиқмайди, улар инқилобни қадрлайди. Менимча миллий қўшиннинг айрим гуруҳларини ташкил қилиб, ягона буюк армияга — Қизил Армияга бирлаштириш керак.

Шу пайт даҳлиз эшиги тарақлаб очилди-ю хонага саросималик билан Низомиддин кириб келди ва ҳаммага салом берди.

— Келинг, ўртоқ Низомиддин!— деди Файзулла Хўжаев.— Анчадан бери дарагингиз йўқ, янги хабарлар келтирган бўлсангиз керак.

Ўрта бўйли, йўғон, юзи япалоқ, соқоли пахмоқ, юзида доим сохта, маккорона табассум ўйнаб турадиган Низомиддин Файзулла Хўжаевнинг саволига тез ва ишонч билан жавоб берди:

— Ҳа, ҳа, мен баъзи янги хабарларни айтмоқчи эдим.

— Албатта хушхабар бўлса керак?— деди табассум билан Куйбишев.

— Шубҳасиз, шубҳасиз!— деди Низомиддин,— одамлар айтганидек: «Кулул хайр ва илло фаскут!»*

— Сиз арабчани ҳам яхши билар экансиз, ўртоқ Низомиддин!— деди кулимсираб Ҳайдарқул.— Араблар билан қариндошлигингиз борми дейман?

---

* Арабча мақол, маъноси: яхши гап бўлса айт, бўлмаса индамай қўя қол.

— Йўғ-э,— деди Низомиддин ҳам кулимсираб унга қарар экан, кейин пенснэни узун бурни устидан олиб рўмолча билан артди, яна тақди ва гапида давом этди: — Биз арабларга қарши курашамиз, яъни улар олиб келган дину мазҳабларга қарши! Хўш, янги гап шуки, ўртоқ Куйбишев, ахборотингиз учун, Асад Махсум бугун Жаббор қўрбошининг икки юз одами билан келиб таслим бўлишига муваффақ бўлди.

— Таслим бўлди?— ҳайрон бўлиб сўради Файзулла Хўжаев.

— Қизиқ!— деб қўйди Куйбишев.— Бехабар қолибмиз-да...

— Бу воқеа... Ҳозиргина юз берди... Галаосиёда...— деди Низомиддин, олиб келган хабаридан ҳайратда қолган кишиларни кўриб, хурсанд бўларкан.

Ҳақиқатан ҳам Жаббор қўрбошининг таслим бўлгани тўғрисидаги хабар уларнинг учовини ҳам хурсанд қилди, ҳам ҳайратда қолдирди... Чунки Жаббор қўрбоши Бухоро атроф-теварагидаги аҳолини кўп ташвиш, таҳликага солиб қўйганди, ҳар кеча бир қишлоқни босиб, ҳар куни бир туманни талаб кетарди. Қочоқ сарбозлар ва амир мансабдорлари унга мадад бериб, инқилобчилардан, янги ҳаётни хурсандчилик билан кутиб олган барча кишилардан қасос олардилар. Унинг одамлари Вобкент, Пиримаст, Ванғонзи, Шофирком туманларида кезиб юрар ва йўл тўсар эди. Шунинг учун унинг таслим бўлиши Бухоро инқилоби учун, Бухородаги Шўролар учун, Бухоро халқи учун катта гап эди. Республика ёмон бир балодан, даҳшатли офатдан қутуларди. Бухоро атрофидаги одамлар энди қўрқмасдан бир қишлоқдан бошқа қишлоққа бориб келиши, кечалари ҳузур қилиб ухлашлари мумкин эди. Шунинг учун халқ осойишталигининг ғамини еб юрган ҳар уччови ҳам бу хабарни эшитиши билан жуда хурсанд бўлган эди.

Низомиддин ўз ахборотининг яхши таъсир кўрсатганини сезиб, руҳланиб кетди.

— Халқимиз айтганидек, темирчининг бир ургани-ю, пичоқчининг минг ургани. Бизнинг Асад Махсум темирчига ўхшайди! У ҳақиқатан зўр! Тенги йўқ! Ҳа, ҳа...

— Қўрбошининг таслим бўлиши,— деди Ҳайдаркул Низомиддиннинг гапини бўлиб,— Асад Махсум-

нинг зўрлигиданмикин ёки ҳийла-ю найрангиданмикин?

— Ҳийла-ю найранги деганингиз нимаси?— деб сўради Низомиддин ҳайрон бўлиб.

— Ҳийла-ю найранги шуки, Асад Махсум амирнинг онаси билан гаплашиб, бир мурожаатномага муҳр бостириб олмоқчи эди. Бу ишга ўша мурожаатнома сабаб бўлмаганмикин?

— Амирнинг онаси билан?— ҳайрон бўлиб сўради Куйбишев.

— Қизиқ!— деди Файзулла Хўжаев.— Шундай ишлар бўлибди-ю, биз бехабар. Бу гапнинг тагида бир бало бўлмасайди, деб қўрқаман!

— Ҳа, ҳа!— деб қўйди Куйбишев.

Низомиддин оғзини йиғиштириб олди:

— Йўқ, йўқ,— деди у, гўё унинг ишига айб қўйишгандек.— Ҳеч қандай гап йўқ. Асад Махсум фақат ҳарбий ҳийла ишлатди холос.

— Менимча,— деди Файзулла Хўжаев,— ҳозир фавқулодда бир тафтиш комиссияси ташкил қилайлик. Бу комиссия босмачиларнинг таслим бўлиш сабабларини, уларнинг қанчалиги ва мақсадини текшириб, тақдирларини ҳал қилсин. Бевосита Жаббор қўрбошининг ўзи билан гаплашиш керак. Бу комиссияга ўртоқ Ҳайдарқул бошлиқ бўлсин, кейин ўртоқ Низомиддин ва Учинчи Интернационал вакили ўртоқ Ҳакимов иштирок этсин.

— Тўғри,— деди Куйбишев,— бу комиссия Жаббор қўрбошининг таслим бўлишига қандай ҳийла ишлатилганини аниқласин, шояд келгусида биз ҳам ундан фойдалансак?

— Шояд, шояд!— деди кулимсираб Хўжаев.— Менимча, таслим бўлганларга озодлик, ишлаш ва тирикчилик учун шароит яратиб бериш керак.

— Жаббор қўрбошининг йигитлари деярли ҳаммаси Асад Махсум отрядига қўшилмоқчи,— деди Низомиддин.

— Нега?— деб сўради Ҳайдарқул.

— Асад Махсум ёқиб қолгандир-да?— деди яна кулимсираб Хўжаев.

Низомиддин ғўёкорлик билан кулди-ю, гапни ҳазилга айлантирди:

— Ёқиб қолган бўлса керак! Ҳа, ҳа, ёқиб қолгандир. Эшонжон тўғри айтадилар!

— Сиз ўртоқ, Низомиддин!— деди жиддий равишда Файзулла Хўжаев.— Асад Махсумнинг барча кирдикорлари учун республика ҳукумати олдида жавобгарсиз. Сиз ички ишлар нозирисиз, бу сизнинг асосий вазифангиздир!

— Тушунаман, эшонжон!— деди Низомиддин ҳам жиддий қиёфада.— Асад Махсумнинг баъзи бир ўзбошимчаликлари, андишасизликлари бор. Лекин бу билан бирга у уддабурон, зўр. У...

— Сиз бу билан нима демоқчисиз, ўртоқ Низомиддин?— деди унинг гапини бўлиб Файзулла Хўжаев.— Зўр, яъни нима? Амир ҳам мазлум фуқароси устидан зўр эди! Мен зўр, деб Асони элтиб қамаса, мен зўр, деб мана бу кишининг жияни — Ойшани зўрлик билан олиб бориб ўзиники қилса, яна шаҳардан беш-олти гуноҳсиз кишини олиб бориб, қийнаса, хўш, ўзи нима гап?! Мамлакатда қонун, тартиб, интизом деган гап бор! Биз уни ишдан олиб ташлаб, жавобгарликка тортишга кучимиз етади. Шунга етарли кучимиз бор. Қизил аскарлардек таянчимиз бор!

— Тўғри, жуда тўғри айтдингиз!— деди Куйбишев.— Асад Махсумни огоҳлантириб қўйиш керак. Шўро ҳукумати унинг яхши ишлари учун мукофотлайди, аммо ўзбошимчалигига йўл қўймайди. Бизнинг яхши жангчимиз Карим ҳам даъвогар бўлиб юрибди!

Низомиддин чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, пенснэсини, сўнгра пешанасини артиб, деди:

— Мен шу бугуноқ, уни чақираман ёки олдига бораман, Асо ва бошқаларни озод қилдираман... Лекин Ойша тўғрисида ҳеч нима дея олмайман. Чунки қиз ўз ихтиёри билан, хушу хурсандлик билан Махсум никоҳига кирганини аниқ биламан.

— Мен бунга ишонмайман,— деди Ҳайдарқул.

— Киши юбориб билишингиз мумкин!— деди Низомиддин ўзига ишонган ҳолда.

— Майли, киши юборамиз.

— Сизга рухсат, ўртоқ Низомиддин!— деди Хўжаев,— то комиссия иш бошлагунча, ўзингиз бориб Асадни эпақага келтиринг! Ўзи учун ҳам, сиз учун ҳам яхши бўлади.

— Хўп бўлади.

Низомиддин ҳамма билан хайрлашиб хонадан чиқди.

Файзулла Хўжаев унинг кетидан қараб туриб, деди:

— Одамимиз йўқ, ўртоқ Куйбишев! Нозирларимиз ишни уддалай олмаяпти.

— Ҳечқиси йўқ, ишлар юришиб кетади!— деди Куйбишев хотиржамлик билан.— Бухоро инқилобига ҳали бир йил бўлгани йўқ, кўчаларни ҳануз чанг-тупроқдан тозалаганингиз йўқ, ҳамма ишга вақт керак, албатта. Агар Бухоро ҳукумати лозим топса, илтимос қиламиз, Туркистон ҳукумати пухта, тажрибали ходимлардан бир нечтасини юборади. Агар ишингиз Асад билан жанжалга айланса, хабар қилинг, Тошкент ва Самарқанддан аскар чақирамиз.

— Ташаккур!— деди Файзулла Хўжаев.— Қани кўрайлик-чи. Зора масала музокара йўли билан ҳал бўлса-ю, жанжалга айланмаса...

— Қани энди шундай бўлса!— деб қўйди Куйбишев ва бир оздан кейин илова қилди.— Ҳар ҳолда Асад Махсумдан хабардор бўлиб туриш керак! Иннайкейин, Афғонистон, Эрон ва Туркияга элчилар юбориш тўғрисида хат ёзган экансиз, бунга биз қарши эмасмиз. Марҳамат, улар билан музокара олиб борамиз, сиз одамларингизни тайёрлаб қўйинг.

— Жуда яхши! Айниқса Афғонистон ва Туркия билан элчилар масаласини ҳал қилиб, ташқи савдони йўлга қўймоқ керак.

— Майли, майли! Алоқа боғлаб, савдо-сотиқ йўлга қўйилса умуман ёмон бўлмайди. Бу хусусда ташаббусингизни маъқуллаймиз, бир нарса демаймиз. Лекин сиз бу давлатлардан саноат моллари ололмайсиз, сотганларида ҳам қиммат нарх билан ўзгаларнинг молини сотишади.

— Мен,— деди Файзулла Хўжаев,— саноат молларини Шўролар Россиясидан олайлик деган фикрдаман. Қоракўл теримиз бор, ипагимиз, пахтамиз, мевамиз бор. Бу нарсаларнинг ҳаммасини Россияга берамиз.

— Россия ҳам сизнинг барча эҳтиёжингизни таъмин қилади.

— Мен бунга ишонаман!

— Хайр, бўлмаса, мен энди кетай, ишларингизга муваффақият тилайман.

Файзулла Хўжаев ҳурмат билан ўрнидан туриб, Куйбишев ва Ҳайдарқулни эшик олдигача кузатиб қўйди, кейин ўрнига — стол ёнига келиб қаламни қўлга олди...

12

Ҳожи Ҳасанбек тушга яқин кабинетига келди-ю, ҳаммадан олдин котибнинг докладини эшитди: неча киши телефон қилди, қандай ҳодисалар рўй берди, кимлар уни йўқлади ва ҳоказо...

Маълум бўлишича беш киши телефон қилибди, шу жумладан Нозирлар Шўросидан, Фирқа Марказий Комитетидан, Шўролар Россияси Элчихонасидан... Унчалик муҳим воқеа рўй бермабди: бир ҳовли ёнибди, уч ҳовлини ўғри урибди. Кўлишғолонда қароқчилар почта аравасига ҳужум қилишиб, бирор иш чиқаролмасдан қамишзорга қочиб кетишипти.

Ҳожи Ҳасанбек аччиқ чой буюрди, сўнгра стол устидаги делоларни очиб, кўра бошлади. Ишга ҳафсаласи йўқ эди. Боши оғрирди, кўнгли ғаш эди... Яхши эмас!.. Кечаси оғайнилари келишган эди. Улар Ойими Шоҳнинг кетиб қолганини эшитиб, кўнгил кўтаришга, тасалли беришга келган эдилар. Ҳар бири ёнидан бир шишадан май чиқарди... Гўё унинг уйида май йўқдай! Торт-торт ҳаддан ошиб кетди. Ахийри учиб қолибди. У қачон ётганини ҳам, оғайнилари нима бўлганини ҳам, қаёққа кетишганини ҳам билмайди. Бугун чошгоҳда уйғониб қараса, катта хотинининг уйида ётибди. Нега катта хотин уйида? Ўринда ўтириб роса ўйлади... Ҳа, яккаю ягона катта хотинининг уйида ухлабди, чунки энди унинг кичик хотини йўқ! Ойими Шоҳ йўқ! Яхшиям йўқ! Шуниси дуруст! Кеча икки-уч пиёла тортгандан кейин, оғайниларининг гапларини эшитгандан кейин, алам қилибди, кўпроқ ичибди, бугунги бош оғриқ ўшандан. Ҳа, алам қилди, ҳатто йиғлади... Оғайнилари уни файтонда Когонга аллақандай бир аёлнинг уйига олиб боришди, у ерда ҳам ичди. Кейин нима бўлганини билмайди... Фақат файтондан гандираклаб тушиб, ичкари ҳовлига кирганини аранг эс-

лайди. Катта хотини ундан қочди. Мен ароқ ҳидидан безор, деди. Ҳожи Ҳасанбек унга аҳамият бермай ўзини каравотга ташлади-ю, тошдек қотди... Яхши эмас, яхши эмас!..

Ишлаш керак, у Чека раиси! Бу делоларнинг ҳаммасини кўздан кечириб, имзо чекиш керак. Бу делоларнинг баъзисида ўлим ҳукми бор, айримларида эса озод қилиш ҳукми бор... Аммо бу аҳволда мия яхши ишламайди... Бош ёрилай деяпти...

Котиб аччиқ кўк чой келтириб қўйиб:

— Низомиддин афанди келяптилар!— деди.

— Майли, кирсинлар,— деди у. — Аммо бошқа кишини қўйманг!

— Хўп!— деб котиб чиқди, Низомиддин кирди.

— Салом, раис!— деди у.— Ишқилиб эсон-омонмисиз, ҳорманг! Кайфиятлар қалай!

Ҳожи Ҳасанбек Низомиддинни кўргач, чеҳраси очилиб, лабида табассум ўйнади.

— Раҳмат, саломат бўлсинлар!— деди у Низомиддиннинг саволларига жавобан ва у билан самимий кўришиб, рўпарадаги креслодан ўрин кўрсатди.

Ҳожи Ҳасанбекнинг юзи чўзинчоқ бўлиб, суяклари бўртиб турарди, мош-гурунч қошлари кўзга яққол ташланарди, соқолини тоза қириб юрарди, озгина мўйловчаси ҳам мош-гурунчдан кўра оққа мойил эди. Лекин кўзлари чақнарди, ҳозир Низомиддин афандига боққандай ҳаммага, ҳар нарсага адоват билан боқарди.

Низомиддин афанди ўзини креслога ташлаб, омин, деди ва кабинетни диққат билан кўздан кечирди:

— Яхши кабинет, жуда безатиб юборибсиз, офарин!— деди у.

— Ҳа, бечорачилик, бизга бўлаверади!— деди камтарлик билан Ҳожи Ҳасанбек ва буги чиқиб турган кўк чойни Низомиддинга узатди.— Ишингиз кўп шекилли, кўнгил учун келмайсиз ҳам. Анчадан бери дийдорингизга муштоқмиз.

— Йўқ эдим. Тошкентга борган эдим... Келганимга икки-уч кун бўлди. Сизнинг воқеангизни ҳам эшитдим... Майли, ҳечқиси йўқ!

— Ҳа, одам янглишаркан... Не чора?!— деди у ғамгинлик билан.— Қариган чоғимда бирорта ўғил туғиб берармикин дегандим... Бу ҳам бўлмади! Майли!

— Ҳечқиси йўқ,— деди яна Низомиддин,— ўғил ҳам кўрасиз, қиз ҳам кўрасиз, хотин ҳам топилади... Ҳамма гап соғлиқ, хотиржамликда!

— Ҳа, тўғри, гап саломатлигу, хотиржамликда!— деди Ҳожи Ҳасанбек.— Киши саломат бўлса хотин, мол-дунё топилади.

— Тўғри,— деди Низомиддин ва гапни бошқа томонга буриб, сўради:

— Шошманг, сизда Асо Хайриддинзода деган киши борми?

— Ҳа, шунақа бир болани Ҳайдарқул юборган эди. Нима бўлибди?

— Ҳеч нима. Куйбишевнинг топшириғи билан унинг хотини Фируза менинг олдимга келган эди... Танисангиз керак? Активлардан бири, хотин-қизлар клубининг мудири.

— Ҳа... ҳа, танийман... Пари чеҳралардан бири,— деди ҳазиломуз Ҳожи Ҳасанбек.

— Унга яна ҳазил-пазил қила кўрманг, таянчи зўр!— деди Низомиддин пиёлани қайтариб бериб.— Оч қорним, тинч қулоғим! Билмадим, нима учундир Асад Махсум унинг эрини қамаб қўйибди.

— Аҳмоқ!— деди Ҳожи Ҳасанбек.— Мени хабарим йўқ.

— Асад Махсумнинг шунақа бемаънилиги бор. Унинг жиловини тортиб қўйиш керак...— деди Низомиддин ва товушини пасайтириб, илова қилди:— Мен сиз шу баҳона билан Асаднинг олдига бориб гаплашгансиз деб ўйловдим... У Жаббор қўрбошини таслим қилиб, йигитларини ўзига қўшиб олмоқчи эмиш. Файзулла шубҳаланиб, бир комиссия ташкил қилди. Мен сиз ҳам бу комиссияда қатнашсангиз дегандим. Агар кўпчилик бўлмасак Асад Махсумга гап тегиб қолиши мумкин... Лекин шуниси борки, ўзи анча ишчан, ғайратли, зўр. Мен унинг муттаҳам бўлишини истамайман!

— Така бўлсину, сут берсин!— деди Ҳожи Ҳасанбек.— Агар у Жабборни таслим қилган бўлса, унга мукофот бериш керак.

— Ҳа, тўғри, мукофот бериш керак... Хўш, менинг таклифимга нима дейсиз? Комиссия ҳайъатига ҳамроҳ бўласизми?

— Ҳамроҳ бўлмаганим яхшироқ,— деди маккор Ҳасанбек.— Менинг мансабим, вазифам, ўзингиз биласиз, жуда нозик. Мен ҳамиша четда туриб иш кўришим керак!

Низомиддин яна бир нима демоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан эшик очилиб, кабинетга Николай Федорович Федоров — раис муовини кириб келди. Дўстлар суҳбати шу билан бўлинди.

— Кечирасиз, суҳбатингизга халақит бердим, шекилли,— деди Николай Федорович.— Ўртоқ Низомиддиннинг бу ердаликларидан фойдаланиб, бир муҳим масалани гаплашиб олайлик деб келдим.

— Марҳамат!— деди Ҳасанбек.— Милиция тўғрисида бўлса керак.

— Йўқ,— деди Федоров,— Асад Махсум тўғрисида.

Ҳожи Ҳасанбек ялт этиб Низомиддинга қараб қўйди.

— Ажабо,— деди Низомиддин,— шу кунларда ҳамманинг оғзида Асад масаласи!

Федоров Низомиддиннинг киноясига аҳамият бермай, унинг рўпарасидаги креслога ўтиб ўтирди-да, деди:

— Асад Махсум ҳаддидан ошмоқда. У ҳатто Чека одамларини ҳам қамамоқда...

— Асони деяпсизми?— сўради Ҳожи Ҳасанбек.

— Ҳа, Асони!— деди Федоров.— Асони қамашга унинг қандай ҳаққи бор экан?! Ўша кечаси менга телефон қилишди. Асонинг хотини келган экан. Лекин мен Галаосиё операциясида эдим, тез бўшаёлмадим. Бугун келиб эшитсам, Асо ҳалигача келмабди. Бу иш яхши эмас, ўртоқ Низомиддин!

— Қизиқ, шундай гапларни гапираяпсизки, гўё менинг амрим билан Асо қамалгандек!

— Аммо сиз Асадга таъсир қилоласиз!

— Сиз-чи?!— сўради Низомиддин истеҳзо билан жилмайиб.

— Менинг вазифамни биласиз,— деди Федоров бир оз қизариб.— Агар керак бўлса, биз Асад билан бошқача гаплашамиз! У қуюшқондан ташқари иш қиляпти... Биласизми, раис, кеча мен ўзим ташқи Дилкушога боришга мажбур бўлдим. Асад Махсум мени менси-

май, мен ҳам Чека, одамларни қамашга, тергов қилишга менинг ҳам ҳаққим бор дейди.

— Маслаҳатлашмасдан ташқи Дилкушога боришингиз яхши бўмапти!— деди раис Ҳожи Ҳасанбек.— Чеканинг обрўси ҳамма нарсадан қиммат!

— Нима, Асад Махсум алоҳида бир автономиями? Агар у биз билан, обрўйимиз билан ҳисоблашганда эди, Асони қамаб қўймасди.

— Худди ана шунинг ўзи бизни Асад билан бошқача гаплашишга мажбур қилади!— деди Ҳожи Ҳасанбек таъкидлаб.

— Марҳамат!— деди Федоров раиснинг гапини бошқача тушуниб. У раис Асад Махсумни қамоққа олишни буюрса керак, деб ўйлади. Аммо раис бу ҳақда ўйламас эди ҳам. Раис деди:

— Ана шунинг учун ҳам мен ўртоқ Низомиддинни чақирдим.

Низомиддин гапни ортиқ чўзишнинг иложи йўқлигини пайқаб, дарҳол суҳбатга аралашди.

— Ҳа, ҳа!— деди у.— Мен ҳам раисга шу бугун ё эртага Асаднинг олдига бориб, жиловини сал тортиб қўяман, деб ваъда бердим. Бундан кейин шаҳар ичига кирмасин, агар бировдан шубҳаланса, бизга маълум қилсин.

— Асо нима бўлади?— деб сўради Федоров.

— Асони озод қилади, буни гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ!

Шу пайт Ҳожи Ҳасанбек одамлар аҳволнигни билмасдан тинкангни қуритиб юборар экан-да, деб ўйлаётган эди. Яхшиси, бирон баҳона билан уйига кетса-ю, серқатиқ, аччиқ мастава қилдириб ичиб ётса, шояд дуруст бўлса...

— Манави делони кўрдингизми?— сўради Федоров ўрнидан туриб.

— Ҳали кўрганим йўқ,— деди раис,— қўлим тегмаяпти.

— Эртага коллегия мажлисида гапиришимиз керак.

— Хўп, бугун кўриб чиқаман.

Федоров ташқари чиқди. Низомиддин унинг кетидан қараб туриб, сўради:

— Қалай? Муносабатларингиз яхшими?

— Ишчан одам!— деди раис.— Лекин инжиқ. Ҳам-

ма ишга тумшуғини тиқиб, кавлаштиргани кавлаштирган. Ҳайрият, шу ҳам бор экан, мен бир оз тинчман... Йўқса, бу Чекангизнинг иши одамни майиб қилади.

— Муносабат яхши бўлса тузук!— деб қўйди Низомиддин ва ўрнидан турди.— Хўп, мен кетдим. Ҳақиқатан ҳам ташқи Дилкушога бориш керак. Эртадан қолмасликка ҳаракат қиламан...

— Жуда соз, баттол Асаднинг жиловини тортиб қўйиш керак.

— Албатта, албатта!— деди Низомиддин ва хайрлашиб чиқиб кетди.

13

Ташқи Дилкушо Қавола дарвозасининг ташқарисида Бухоро шаҳридан олти-етти километр узоқда бўлиб, ҳақиқатан кўнгил ёзадиган боғ эди, бу боғни амир Олимхон ўзига қилдирган эди. Боғ ташқарисида қўшимча қўшхоналар, саройлар, отлиқ ва пиёда аскарларнинг тунаши учун отхоналар, ҳашаматли қасрлари, бинолари, дабдабали дарвозахонаси борлигидан Асад Махсум бу боғни ўзига қароргоҳ қилиб, амирларча ҳаёт кечирарди. Унинг ихтиёрида қарийб тўрт юз отлиқ ва юзтача пиёда аскар бор эди. Битта катта пулемёт, иккита қўл пулемёти бор эди. Аскарлари янги бешотар милтиқлар, ўткир қиличлар ва ўқдонлар билан қуролланган эди. Махсумнинг ўзи маузер тақиб юрарди. Ғайри расмий бўлса ҳам, Наим Заҳар унинг ўнг қўл муовини бўлиб, белига тўппонча ва қилич осиб олганди.

Махсумнинг расмий муовинларидан бири кал Оқилов эди, у бебошликда Махсумдан қолишмасди, ниҳоятда фирибгар, ҳийлакор бўлганидан уни махфий сиёсий ишларга тайинлаган эди. У махфий агентларга бошчилик қиларди. Кал Оқилов кўринишда анча содда, ҳатто ҳарбий кишига ҳам ўхшамасди. У оддий кийим кийиб, ёзин-қишин бошидан кавказча барра телпак тушмасди. У русчани яхши биларди, саводи ҳам бор эди. Шу сабабли Асад Махсумнинг мирзахонаси — канцелярияси ҳам унинг қўлида эди.

Исматжон — Махсумнинг иккинчи муовини ҳисобланарди. Барча хўжалик ва иқтисодий ишлар унинг қўлида эди. Хўжалик мудири ва Махсум қўрхонасининг бошлиғи Саид Паҳлавон ҳам Исматжонга итоат қиларди. Исматжон новча, қотма, патак соқол, муллаваччанамо, келишган киши эди. Лекин ишратпараст, ахлоқсиз ва ўта фосиқ эди. Шу сабабли Махсумнинг айшу ишрат, кайфу сафога доир ишларини ҳам бошқарарди.

Махсумнинг ўзи умумий раҳбарлик қилиб, командирлар билан иш олиб борарди, қўшиннинг ҳарбий тарбияси, иш планлари ва сиёсий масалалари унга тегишли эди.

Ўша куни ҳаво булутли, совуқ ва нам эди. Ёқимсиз шамол эсиб, баргларни ерга тўкарди. Дилкушо боғининг файзи кетиб қолган эди. Ташқари ҳовлида фақат Исматжон бўлиб, ўз хонасида мирзалар билан ишларди. Кал Оқилов қаёққадир кетганди, Махсумнинг ўзи ичкари ҳовлида эди.

Боғ дарвозахонасининг кўркам йўлагида Махсумнинг қуролланган уч одами дарвозани ёпиб, супада унинг даричасидан ташқарига қараб, кузатиб ўтирарди.

— Бу йил қиш қаттиқ бўладиганга ўхшайди,— деди Орзиқул ўнбоши,— ҳалитдан совуқ бўляпти.

— Биз бечораларнинг шўри-да!— деб қўйди Тўхтача.

— Қиш ҳам кирди ҳисоб!— деди Орзиқул.

— Бухоро қиши қаттиқ дейишади,— деди яна Сангин.

— Қаттиқ дейишади!— деди Тўхтача.

Уларнинг иккаласи ҳам бухоролик эди.

Тўхтача аслида ўзбек бўлиб, Тошкентда туғилган эди. Лекин ота-онасини билмасди, эсини танигандан буён шаҳарма-шаҳар юриб, Бухорога келиб туриб қолганди. Амирга қарши жанг кунларида Тўхтача инқилобий аскарлар сафида туриб урушиб, ғалаба билан Бухорога кирган эди. Бирор яқин кишиси ва борадиган жойи йўқлиги сабабли Асад Махсумнинг таклифини қабул қилиб, инқилоб ғалабасини охиригача етказиш, Бухоро амирлиги сарқитларига қарши курашиш учун Махсум қўшини сафига кирди. Тўхтача кичик, юм-юмалоқ, чорпахил, серҳаракат, чаққон, ажойиб

одам эди. Ўзбек, тожик ва рус тилида гапира оларди. Асад Махсум қўшинида ҳаммадан шўхроғи, маҳмадонароғи шу эди. Ягона орзуси уйланиш эди. Оғайнилари уни уйлантирмоқчи бўлиб у ёқ-бу ёққа бир неча марта совчиликка борган бўлсалар ҳам, лекин у унамади: унга ҳар қандай хотин маъқул тушмасди. Агар бирор кимсасиз бевани топишса, йўқ, бу киши рўзғор кўрган экан, менга тўғри келмайди, дерди. Оғайнилари кулиб, сенга қанақаси маъқул? Ҳеч ким ўн тўрт яшар қизини сендек кимсасиз, уй-жойсиз, бақалоқ, хунук бир кишига бермайди! Қиз олишдан умидингни уз, дейишарди. Лекин Тўхтача умидини узмасди. У менга теккан хотиннинг жони киради, ароқ ичмайман, болавозлик қилмайман, ёмон юрмайман, қимор ўйнамайман, аксинча, топган-тутганимни уйга ташийман. Хотинимни бошимга кўтараман, қўлини совуқ сувга урдирмайман... дерди. Аммо Тўхтачанинг бу фазилатларини назарда тутиб, бир коса сув билан қизини никоҳлаб берадиган меҳрибон, ақлли ота қайда дейсиз?! Йўқ, билмайдилар?! Тўхтача ҳам умидини узмасдан шундай кун келади деган ниятда майда-чуйда қилиб, пул йиғиб юрибди. Майли, дерди у оғайниларига, аввал хизматни тугатайлик, замона тинч, осойишта бўлсин, эл нафасини ростлаб олсин, кейин менинг ҳам бахтим очилиб қолар...

Аммо Сангин бошқачароқ эди. Унинг ҳам орзу-умидлари бор, лекин унинг орзу-умидлари каттароқ эди. Сангин Кўлобдан эди. У баланд бўйли, бақувват, чиройли, хушчақчақ йигит эди. У инқилобдан бир неча ой бурун сув устида ўз қишлоғининг бойи билан уришиб қолиб, Когонга келиб қолган эди. Бу ерда амир одамларидан яшириниб юриб, пахта заводида ишларди. У инқилоб бошланиши билан, дарҳол инқилоб аскарлари сафига кирди-да, фидокорона жанг қилиб, қаттиқ нафрат, ғазаб билан Бухоро амирлиги деворига рахна солди. У амирнинг Ҳисор, Душанбага қочиб кетганлигини эшитиб ҳам қуролини қўлдан ташламади. У то амирни йўқ қилмагунча қуролни қўлдан қўймайман, дерди. У инқилоб қўшини билан Шарқий Бухорога бормоқчи, ўз юрти, туғилган жойини амирдан халос қилмоқчи, сўнгра Кўлобнинг Даҳана қишлоғида қолган севган қизини топиб, унга уйланмоқчи эди. Аммо урушдан кейин аскарий қисмлар қайта ташкил

қилинди. Уни Асад Махсум аскарларига қўшиб қўйишди. Асад Махсум ҳам Сангиннинг эзгу ниятларини эшитган эди. Бир куни у Сангин билан суҳбатлашиб деди: «Сабр қил, Бухоро атрофида амир қолдиқларини тугатайлик, ана шундан кейин Шарқий Бухорога борамиз, Душанба, Ҳисор, Кўлоб ва Қоратегинни озод қиламиз, шунда ўзим бош бўлиб, тўйингни ўтказаман. Бойнинг ҳамма ерларини тортиб олиб сенга бераман»... Сангин ўз орзусига етиш учун кун санарди.

Аммо Орзиқул ўнбоши асли бухоролик бўлиб, амир замонида мешкоб эди. Колесов уруши вақтида ўзининг мижози бўлмиш реакцион ва қонхўр бир мулла билан иш ҳақи устида жанжаллашиб қолган эди, мулла уни жадидликда айблаб, ўлдиртириш учун арк устига олиб чиқишига сал қолди.

Лекин Орзиқул ғазабланган муллани бир мушт солиб, ерга думалатди-да, қалъа тешиги орқали чиқиб, шаҳардан Когонга борди. У ердан Самарқандга бориб, ўша жойда турғун бўлди. Қизил қўшин сафига фидоийлар олинади, деган хабарни эшитиши билан, биринчилар қаторида ўзини ёздирди ва жанг қилиб, зафар қучиб, Бухорога кирди. Унинг Бухородаги уй-жойлари яксон қилинган эди. Ёлғиз онаси эса очликдан, хўрликдан ўлиб кетибди. Шу аламдан Орзиқул милтиқни қўлдан ташламади, мамнунлик билан Асад Махсум аскарларига қўшилиб, амир одамлари ва барча муллаю эшонлар ва хонлардан қасос олишга бел боғлади. У буғдой ранг, ўрта бўйли, кўзлари катта-катта, ғамгин, кулча юз, патак соқол киши эди...

— Бугун чилим ҳам чекмадик,— деди яна Орзиқул эснаб.— Соат неча бўлди?

— Э, начайлик!— деди ҳазиллашиб Тўхтача.— Қайси рўза тутган одам кундузи соат учда чилим чекади? Ё начайлик бўлдим деб энди...

— Э, қўй-э!— деди Орзиқул унинг сўзини бўлиб.— Чилимнинг хумори начайлигингдан ҳам зўрроқ экан.

— Кошкийди мени ҳам чилимкаш қилмасангиз!— деб шикоят қилди Сангин,— энди иккимиз ҳам азобда!

— Яхши-да!— деди Тўхтача.— Азоб ва роҳатни баҳам кўрган дўст — ҳақиқий дўст бўлади.

— Ундай бўлса, сен бизга дўст эмас экансан-да!— деди Орзиқул.

— Нега? Нега?— деди дарров Тўхтача.

— Чунки сен ўзинг айтганингдек, азобимизга шерик эмассан!

— Нега энди шерик эмасканман?! Шерик, шерик!— деди Тўхтача.— Агар мен шерик бўлмасаму, начайлигимнинг ғамини емасам, мен Тўхтача бўлмасдим.

— Менинг ғамимни еганинг билан нима фойда? Шом намозигача чидаш керак.

Тўхтача айёрлик билан кулиб, шерикларига қаради:

— Айтишларича, муфти, аскар, аълам, катта раислар ҳам рўзада яширинча нос чекиб, хумордан чиқишармиш... Нега энди биз...

— Нос бошқа гап!— деди Сангин,— носни секингина тил остига ташласанг бўлди! Аммо бизнинг чилимнинг дахмазаси кўп. Чилимнинг қуриллашидан Асад Махсум уйғониб бошимизга келиши мумкин.

— Йўқ, чилим эмас!— деди яна айёрлик билан жилмайиб Тўхтача.— Папирос! Папирос! На қуриллайди, на дахмазаси бор...

— Хўп, попурусни қаердан топасан?!— деди алам билан Орзиқул.— Бир гапларни гапирасанки, атторнинг қутисидан ҳам топилмайди.

— Албатта атторнинг қутисидан топилмайди,— деди Тўхтача,— лекин менинг чўнтагимдан топилади. Мана, марҳамат, Фитербургнинг «Шик» папироси.

Орзиқул билан Сангин Тўхтачанинг қўлида папирос қутисини кўриб, ҳайрон бўлиб қолишди. Улар беихтиёр атрофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигини билгандан кейин, қутига ёпишдилар. Учови ҳам биттадан папиросни лабига қистирди. Тўхтача гугурт чақди, олов ёлқини кўзларни ўйнатиб юборди.

Папиросни бир-икки марта тортгандан кейин Орзиқул сўради:

— Буни қаердан топдинг?

— Ўғрига мол қаҳатми?— деди Тўхтача, аммо папиросни бир вақтлар рус солдати унга туҳфа қилганини айтмади. Улар анчагача индамай жимгина папирос чекишди, ҳар ким ўз фикр-хаёли билан банд эди...

Ниҳоят Орзиқул папирос қолдиғини оёғи билан тупроққа тиқиб деди.

— Одамзод қизиқ-да! Озгина нарса билан тўясан,

ўша озгина нарса бўлмаса оч қоласан! Бу попурусинг чилим ўрнига ўтмаса ҳам, ҳар қалай, хуморни босади. Раҳмат укам! Лекин тезроқ чекиб, қолдиқларини йўқотинглар. Мабодо Махсум келиб қолса, учаламизни ҳам отади.

— Нега отиб ташларкан?— сўради Сангин.— Биз нима гуноҳ қилдик?

— Рўзада рўзани еб, папирос чекдик!— деди кулиб Тўхтача.

— Нима, Махсум шунчалик диндор, тақводорми?— яна сўради Сангин.— Ахир, Шўро ҳукумати даврида бу гапларнинг маъниси йўқ-ку!

Орзиқул яна эҳтиётқорлик билан атрофга қараб, сўнгра паст товуш билан деди:

— Махсум беҳудага Махсум бўлмаган! Май ичмайди, қимор ўйнамайди, беш вақт намози канда эмас, худога эътиқоди зўр, лекин...— Орзиқул курмалиб у ёғини айтмади.

— «Лекин»ини биламан,— деди Тўхтача.— Лекин шароб ўрнига қон ичади, беш вақт намоздан кейин беш мартта зино қилади, бировнинг хотинини тортиб олади. Шундай эмасми?..

— Лекин шу гапларинг Махсумнинг қулоғига етиб қолса борми,— деди таҳдид қилиб Орзиқул,— нақ тилингдан осади! Ҳушёр бўл! Шу кунларда жазаваси тутиб юрибди...

— Жазаваси тутса тутаверсин!— деди Тўхтача.— Агар ким айтди, деб сўраса, бу гапларни ўнбошидан эшитдим, деб айтаман, вассалом!

— Ана шу-да!— деди Орзиқул.— Қозонга ёндашсанг, қораси юқади! Бундай ишлар сендан чиқади, лаънати.

— Рост, рост!— деди Сангин.— Бекорга буни баттол Тўхтача дейишмайди. Лекин шундай деб айтганинг билан бефойда, мен гувоҳ бўламан, ўзинг айтдинг дейман! Яна, бизга папирос чектирди. Рўзамизни едиртирди, дейман!

— Ундай бўлса, ҳақ гапни эшитиб,— деди Тўхтача,— ҳа деб ўтираверинглар, беҳудага дўқ уриб, тилингдан осади, деманглар!

Шу пайт ҳовли ичидан оёқ товушини эшитиб, шериклар жим бўлдилар. Бир лаҳзадан кейин уларнинг олдига Саид Паҳлавон келди:

— Ҳормангланр, шербаччалар!— деди у.— Қандай янги хабарлар бор?

— Ҳеч қандай,— деди Орзиқул,— сиз ичкаридан қандай янги гап топиб келдингиз?

— Ичкарида хотиржамлик!— деди Саид Паҳлавон.— Куёв тўра ичкари ҳовлида. Оқилов йўқ, Исматжон ўз хонасида...

— Куёв тўра дедингизми?— сўради Сангин.— Бу аёлнинг эри бор, дейишади-ку?

— «От кимники — минганники»— деди ўзбек мақолини мисол келтириб Саид Паҳлавон.— Эри борми, йўқми, аҳамияти йўқ.

— Шўро ҳукумати замонида зўравонлик бўлмайди, деган эдилар-ку?— деди Тўхтача.

Саид Паҳлавон ҳовлига бир кўз югуртирди-да, ҳеч ким йўқлигини билиб, деди:

— Яхши эмас, бола! Кошкийди, касофатинг ўзингга урса, бу ерда бошқалар ҳам бор. Яхши эмас! Сал ҳушёр бўлиш керак. Бу гапларнинг маъноси йўқ. Бу гапларнинг мен билан сенга алоқаси йўқ. Хизматингни қилиб юравер!

— Рост, рост!— деди Орзиқул ҳам.— Тили жуда ёмон, бу болани! Шунча айтамиз, бефойда!

— Хайр, тавба қилдим!— деди Тўхтача кулимсираб.— Бундан кейин ҳеч нарсани сўрамайман. Агар нега сўрамайсан десалар, бошимдан қўрқаман дейман!

— Шуниси тузук!— деди Саид Паҳлавон.— Ҳар гапнинг ҳам ўрни бор. Босмачиларимиздан бирор киши келмадими?

Орзиқул Саид Паҳлавоннинг саволини тушунди-ю, жилмайиб:

— Йўқ,— деди.— Ҳеч ким келмади!

— Келиб ҳам нима қиларди?— деди яна Тўхтача гапга қўшилиб,— текин ош, нонни еб, кайфу сафо қилиб ётаверади-да!

— Ростдан ҳам,— деди Сангин,— таслим бўлган босмачиларни нима қилишади?

— Қоида бўйича ҳар ким ўз бечорачилигини қилиши учун жавоб берилиши керак,— деди Саид Паҳлавон.— Лекин хўжайинимиз уларни сақлаб турибди, бирон мақсади бўлса керак!

— Бизга қўшиб, қўлларига милтиқ беришадими?— деди баттол Тўхтача.

Ҳамма қайрилиб унга қаради. Саид Паҳлавон эса бош чайқаб:

— Тилингни қайраб турмасанг бўлмайдиганга ўхшайди-а?— деб сўради у Тўхтачадан.

— Худди Махсум билан маслаҳатлашиб чиққандай гапирасан-а! Ё тавба!

— Одам ақл билан!— деди кулимсираб Тўхтача.

— Гапи бежиз эмас,— деди Орзиқул.— Ким билади, шундай қилса ҳам ажаб эмас... Хайр, бизга нима?

— Ҳа, балли!— деди Саид Паҳлавон.— Кўп лақиллама, аммо ишинга ҳушёр бўл! Хўп, ўша босмачилардан бирортаси келиб қолса, менинг олдимга олиб боринг!

— Хўп!— деди Орзиқул. Лекин Саид Паҳлавон ҳали ичкарига кирмасидан кўчадан от дупури эшитилиб, бир файтон дарвоза олдига келиб тўхтади. Қоровуллар — Сангин билан Тўхтача дарвозанинг икки ёнида милтиқ ушлаб турди, Орзиқул хабар олгани ташқарига чиқди. Шу пайт файтондан Низомиддин тушди, Орзиқул илгари уни кўп кўрганидан дарров таниди. Шу сабабли унга салом бериб, дарвозани кенг очинглар, деб йигитларга ишора қилди.

— Салом, Паҳлавон,— деди Низомиддин дарвоза олдида Саид Паҳлавонни кўриб.— Махсум бормилар?

— Борлар!— деди Саид.— Марҳамат!

Низомиддин Саид Паҳлавон ҳамроҳлигида катта меҳмонхонага, Махсумнинг қабулхонасига кирди. Эшик олдида Исматжон уни кутиб олди.

— Келсинлар, марҳамат!— деди у.— Кўп соғиниб қолдик, қачонлардан бери дараклари йўқ.

— Ҳа, иш кўп!— деди Низомиддин ва гиламлар, диванлар, бахмал қопланган стуллар ва чинор столлар билан жиҳозланган ҳашаматли меҳмонхонага кирди.

— Қани, Махсум йўқлар-ку?— деди изидан хонага кирган Исматжонга қараб. Исматжон уни дивангa таклиф қилиб деди:

— Ҳозир... Бир минут!— сўнгра эшик олдида турган Саид Паҳлавонга қараб деди:— Чақиринг, меҳмон келди денг!

Саид Паҳлавон гойиб бўлди. Исматжон меҳмоннинг рўпарасига ўтириб, ҳол-аҳвол сўради, унга папирос тутди. Низомиддин бенхтиёр папиросни олиб оғзига тиқди-да, тутатиб сўради:

— Ҳа, сиз нега чекмайсиз? Ё ташладингизми?

— Йўқ, рўза!— деди Исматжон.

— Э, дарвоқе, рўза-а?— деди Низомиддин папиросни ўрнига қўйиб.— Яхши бўлмайди, Махсум тақводор одам!

— Ҳечқиси йўқ, сиз меҳмон!— деди Исматжон.

— Хўш, ишлар қалай?— деди Низомиддин.

— Ёмон эмас-ку,— деб Исматжон яна бир нима демоқчи эди-ю тўсатдан мадон(ҳаник) эшиги очилиб Асад Махсум кулганича чиқиб келди. Уни эгнида кул ранг мовутдан ҳарбий форма бўлиб, бошида кавказча барра телпак, оёғида этик бор эди, елкасига қарши алачасидан тикилган енгил тўнни ташлаб олган эди. У Низомиддин билан илиқ кўришиб, уни стол ёнига таклиф қилди ва дастурхон ёзиб, чой келтиришларини буюрди... Аммо Низомиддин ифтор бўлгани йўқ деб, узр сўради.

— Бўлмаса,— деди Асад Исматжонга қараб,— Наим Заҳарни чақиринг, шу ерда, даҳлизда хабардор бўлиб турсин, жон зотини бу атрофга йўлатмасин!

— Наим Оқилов билан кетган эди,— деди Исматжон.— Саид Паҳлавон бор.

— Майли, Саид Паҳлавонга тайинланг, хабардор бўлиб турсин, эшик ташқарисида!.. Кейин ўзингиз келинг. Хўш, қайси шамол учирди, заб йўқлаб келибсиз-да?

— Бошқа иложим йўқ эди!— деди Низомиддин пенснэсини артиб яна тақди-да, илова қилди.— Чунки агар ўзим келмасам, бугун ё эртага одамларингиз мени тутиб, олиб келишарди...

— Киноя қиляпсизми?! Майли, киноя қилаверинг! Сиз каттасиз, бошлиқсиз... ҳақингиз бор!

— Бизнинг катталигимизу сизнинг кичиклигингиз!

— Мен тушунмаяпман!— деди юраги қисилиб Махсум.— Мақсадингиз нима? Менга соддароқ қилиб тушунтириб беринг!

Исматжон кириб келди. Хонадагилар бир лаҳза жим қолишди.

— Менга сизни Чека одами — Асо Хайриддинзодани қамаб қўйди дейишади. Нима учун?— сўради Низомиддин.

— Бу ялангоёқ ҳаммаларингизга шунчалик азиз эканини мен билмабман!

— Аксинча!— деди Низомиддин.— Менга сиз азизсиз! Мен сизнинг саломатлигингиз учун, сизнинг обрўэътиборингиз учун жон куйдираман, лекин сиз, билмадим, нималар қилиб юрибсиз! Асо ҳам одам бўлди-ю, ўшанинг кетидан одамлар олдида ёмонотлиқ бўлиб юрасизми?!

— Асо менга зарур эди, қамадим, лекин ҳозир керак эмас, масала усиз ҳам ҳал бўлганга ўхшайди...

— Қандай масала?

— Сизга алоқаси йўқ.

Низомиддин беихтиёр папирос қутисини очди-ю, лабига папирос қистириб тутатди, ичига бир тортгандан кейин Махсумнинг авзойи ўзгарганини кўриб, рўзалигини эслади.

— Кечирасиз!— деди у папиросни кулдонга ташлаб.— Яна унутибман... Худо мени марҳаматидан дариғ тутмади деганларидек... Хўш... Асо масаласи сизга алоқадор эмас, дедингизми? Бу шахсан сизга алоқадор масалами?

— Ҳа, фақат менга тааллуқли!

— Асонинг қамалиши муносабати билан юзага келган бундай жанжал ҳаммамизга тааллуқли. Тушундингизми? Кошкийди бу одам шунга арзиса. Одамлар айтганидек бир мири ҳаёну ўн мири зиён!

Асад Махсум бирданига тутоқиб кетди, у телпагини бошидан олиб ташлади-ю, Низомиддиннинг кўзига тикилиб туриб деди:

— Мен кимман? Аскарларингизнинг ўнбошисими ёки ўзимга муносиб салмоғим борми?!

— Сизнинг кимлигингиз маълум, таърифнинг ҳожати йўқ.

— Ундай бўлса, билиб қўйинг, мен Асони Карим туфайли қамадим... Карим менга ҳам, ишларимга ҳам ҳалақит берарди. Тушуняпсизми, ҳам шахсий ишимга, ҳам умумий ишимизга! Энди Карим ўртадан деярли олиб ташланди, менинг ҳам оилавий масалам ҳал бўлди, энди Асо менга керак эмас.

— Бу бошқа гап,— деди Низомиддин.— Асони озод қилинг, аммо шундай қилингки, бу сизнинг хатонгиз эмас, бошқа бировнинг хатоси бўлиб чиқсин! Бу бир, кейин мен сизга айтсам... Айрим дўстларимиз сизнинг ишларингиздан қаноат ҳосил қилишмаяпти!

— Қайси ишларимдан?

— Масалан, биз сизга бирор баҳона билан айрим ярамас одамларни йўлимиздан олиб ташлаб, катта ишларга тайёргарлик кўришни топширган эдик, аммо сиз онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада деганларидек, ўз ишингизни кўпроқ ўйлаяпсиз!

— Тушунарли!— деди Махсум ва чайналиб дастурхон кўтариб келаётган Саид Паҳлавонга қараб, деди: — Ҳожати йўқ! Ифторга яхшилаб ҳозирлик кўринг, нариги меҳмонхонага жой қилинг.

Саид Паҳлавон хонага кирмасдан даҳлиздан қайтди. Махсум гапини давом эттирди:

— Тушунарли! Мен бу зарбулмасалларингиздан ранжимайман, мен шунчаки...

— Йўқ, ҳали гапим тамом бўлгани йўқ!— деди Низомиддин.— Келганимга яраша ҳамма гапларимни айтишим керак. Сиз, Махсум, шубҳасиз катта қобилиятга эгасиз, сиз катта бир лашкарга бошлиқ бўлоласиз, сиз оловсиз, қўрқмас, ботирсиз... Аммо... Аммо сиёсатчи эмассиз ёки сиёсат билан шуғулланишни хоҳламайсиз!..

Асад Махсум тишини тишига қўйиб жим ўтирарди. У ичида бу олифта маҳмадона бор гапини айтиб бўлсин, кейин ўз гапи билан оғзига ураман. Бу одам ҳали Асад Махсумнинг совунига кир ювмапти, дерди.

Исматжон эса қалтираб ўтирарди. У мана ҳозир Асад Махсум лов этиб ўт олади-ю, Низомиддин ўлгудай гап эшитиб, қаттиқ ранжийди деб юраги пўкиллаб турарди... У Низомиддинга ачинарди. Исматжоннинг Низомиддинга эътиқоди зўр бўлиб, унинг сиёсати Бухоро Жумҳуриятининг давлат машинасини юргизяпти деб ўйларди, Асад Махсум олиб бораётган ишларнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси ҳам ана шу Низомиддин, Лаби ҳавзи девонбегиликлар ва регистонликлар[1] можароси ҳам шунинг иши. Асаднинг феълини билмагандан кейин уни койиб, шунчалик таъна қилишнинг нима кераги бор?! Кошки бу баттол бунақа койишларни кўтарса!

---

[1] Лаби ҳавзи девонбегиликлар ва регистонликлар — Нозирлар Шўроси (Файзулла Хўжаев) ва Бухоро инқилобий қўмитаси (Абдуқодир Муҳиддинов)дан кимоя қилинмоқда.

— Ҳа, шундай вақтлар бўладики,— деди гапини давом эттириб Низомиддин,— сиз сиёсатни унутиб қўясиз, бу яхши эмас! Сиёсатчи бўлиш, ҳушёр туриш ва билиб иш қилиш керак. Одамлар айтганидек, ажали етмаган киши ўлмайди, лекин аждаҳо дамига ўзингни ташламаганинг маъқул!

Асад Махсум бир нима деб эътироз билдирмоқчи эди, аммо индамади. У кўнглидан Низомиддин афанди, сиз чучварани хом санаяпсиз! Сиёсатчиликни мендан ўрганинг! Сиз бу ишларни, яъни босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссияси вазифасини унга топшириб қўйиб, уни хўп ишлатаман, эшак қилиб минаман, овчи итдек ҳар ёққа югуртираман, шунинг орқасида мақсадимга етаман деб ўйлаяпсизми?! Йўқ, янглишасиз! Тўғри, мен бугун фақат босмачиларга қарши кураш комиссиясининг раисиман, бугунги кунда мен ўзгалар фармонини бажарувчиман ва озми-кўпми сизга итоат қиламан... Аммо эртага мен ҳокими мутлоқ бўлишим керак! Ҳа, ҳа, ҳокими мутлоқ бўламан!— деган гапларни кечирди.

Лекин Асад Махсум бу гапларни айтиш ўрнига кулимсираб шундай деди:

— Хўп, мен нима қилибман? Гуноҳим нима?

— Кеккайиб кетиш яхши эмас!— деди Низомиддин аввалги оҳангида.— Халқимиз айтганидек: «Ўзингни эр билсанг — ўзгани шер бил!» Душманингиз сичқонча бўлса ҳам бепарво бўлиш яхши эмас!

Шу гапдан кейин Асад Махсум тоқат қилолмасдан шартта ўрнидан турди-да, Низомиддиннинг қаршисига келиб, деди:

— Янглишасиз, афандим! Сиз мени билмайсиз, менинг мақсадимдан ҳам бутунлай бехабарсиз! Шу сабабли сафсата сотяпсиз. Бу каминангиз-ку ҳозир сизга югурдак бўлиб юрибди, аммо биласизми, камина эртага ким бўлиши мумкин? Ҳокими мутлоқ! Ҳеч муболағасиз!

— Шўро ҳокимияти даврида ҳокими мутлоқ бўлмайди!

— Бўлади! Шундай ҳокими мутлоқ бўлиши мумкинки, ҳамма унинг оёғига бош уради! Албатта, мен амир бўламан, ҳоким бўламан, деб айтмайман... Йўқ, бу гаплар энди эскириб қолди. Мен Нозирлар Шўросининг раиси бўлишни ҳам истамайман. Аммо шундай

қилиш мумкинки, амирларнинг амири ҳам ҳайратда қолсин. Бунинг учун фақат фурсат, имконият, шароит керак. Ҳаммадан олдин элни қўрқитиб олиш, ваҳимага солиш, титратиш керак. Кимки қўрқитолса — ҳокимият ўшаники! Худога шукур, қўрқитиш қўлимдан келади.

Чиндан ҳам Низомиддин бунақа гапни кутмаган эди. У оғзи очилиб ҳайрон бўлди-да, Асадга қаради, сўнгра деди:

— Ҳа, биламан... Сиз одамларни қўрқитишга устасиз, бу хусусда ҳақлисиз. Лекин сизга имкон беришмайди, заминингиз йўқ.

Асад ҳовридан тушмаганди. У ҳатто қаерда экани-ни ва кимлар билан ўтирганини ҳам унутиб қўйган эди. Юзлари ловуллаб, юраги гуп-гуп урарди... Шунинг учун аввалги оҳангда деди:

— Э, афанди экансиз! Мен ҳеч кимдан имконият сўрамайман, заминга ҳам муҳтож эмасман. Заминни ўзим, ана шу қўлларим билан, ана шу қуролларим билан яратаман! Элни қўрқитиш учун ана шу мансабим кифоя. Шу вазифада туриб шундай қилайки, бешикдаги чақалоқлар ҳам номимни эшитса унини ўчирадиган бўлади. Ҳаммани, ҳаммани довруғим ларзага солади. Одамлар кўриб туриб, онгли равишда мендан қўрқадиган бўладилар... Ана ўшанда истаганимни қиламан. Ҳа, ҳа! Истаганимни қиламан! Большевиклар ишининг бебақолиги шундаки, улар одамларни қўрқитишни истамайдилар. Мен буни яхши биламан ва шундан ҳам фойдаланаман. Аммо сиз бўлсангиз душманни билмайсан дейсиз.

Ўзини доно, зийрак ва ишбилармон ҳисоблаб юрган Низомиддин Асад Махсумнинг «юрак сирлари»ни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. У жадидлик йўлига кирганидан буён, ҳеч вақт ана шундай қатъий, гўё асосли ва дадиллик билан айтилган гапларни эшитмаган эди. Жадидларнинг кўпчилиги қўрқоқ, кўнгли алағда, лапашанг кишилар эди. Улар ҳокимият ҳам қўлимизда бўлсин, озор ҳам чекмайлик, камбағалларга ён босайлигу аммо мол-давлат, мансаб-мартаба ҳам қўлдан кетмасин, дейишарди. Майли, камбағал, меҳнаткаш ва ишчилар озод бўлсин, лекин бизнинг ер-мулкимизга, бойлигимизга тегмасин, аксинча, хизматимизни қилсин, даргоҳимизда белни боғлаб ишласин,

Нима бўлса бўлсину, бизга озор етмасин дейишарди. Қисқаси уларнинг шиори ана шунақа эдики, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам...

«Лекин бу қанақаси энди, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам?!— дерди Низомиддин ўзига ўзи.— Бўлмаган гап! Қатъийлик, зўрлик, ҳатто шафқатсизлик ҳам керак! Бу Асад Махсум бало экан, шунчалик ўйлари бор экану, ҳалигача хабарсиз эканман».

— Йўқ, ҳақиқатан бало экансиз!—деди у ниҳоят.— Нобоп экансиз! Хабарим йўқ экан, билмас эканман. Одамлар айтганидек, ўрмон йўлбарссиз бўлмас!

— Йўқ,— деди Махсум,— мен жуда боп одамман, аммо ҳар кимга ҳам эмас! Мен сизнинг ўткир қиличингиз ҳам, ўрмондаги йўлбарсингиз ҳам бўлишим мумкин... Аммо шу шарт биланки, сиз ҳам менга ёрдам берсангиз, сиз ҳам мени қўлласангиз. Ахир қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бор-ку.

— Бунга шубҳа йўқ!— деди Низомиддин.— Содиқлигим, самимийлигимга ишим ва феъл-атворим гувоҳдир.

— Тўғри, умуман сиздан гина қилмайман, шунчаки халқ бошлиқсиз яшолмайди. Агар сиз мени қўлламасангиз, бошқа бир киши чиқади-да, тизгинни ўз қўлига олади. Унда ким билади, ҳолингиз нима кечади?! Хўш, бир нима демоқчи эдингизми?

— Ҳа, дарвоқе,— эслаб деди Низомиддин.— Кеча Файзулланинг олдида бўлувдим, Куйбишев билан Ҳайдарқул ҳам бор эди...

— Ҳайдарқул ҳам?

— Ҳа, уч кузур бирлашиб олган... Уч туз! Ана шунақалардан эҳтиёт бўлинг! Бармоқлар мушт қилиб тугилса, зарбаси қаттиқ бўлади! Куйбишев Асонинг қамалишидан ва... биласизми, ҳа, нима эди... Ойша масаласидан анча хафа бўлибди. Ана шу майда-чуйда нарсалар сирру асроримизни ошкора қилиб қўймаса эди, деб қўрқаман.

— Хўп, Асони бўшатамиз, бу бир!.. Ойша масаласи бўлса, мен уни ўз розилиги, ҳатто ўзи билан онасининг илтимосига биноан никоҳлаб олдим. Бизнинг замонамиз зўравонлик замонаси эмас... Ҳар кимнинг хоҳиши!

— Каримнинг даъвоси бор эмиш...

— Ана Ойша, ана онаси! Суриштириб кўришсин. Агар улар Махсум зўрлик билан олди, Карим яхши эди, Каримга тегаман деса, марҳамат, йўл очиқ. У

вақтда менга ҳар қандай жазо беришса, бераверишсин...

Низомиддин яна ҳайрон бўлди... Ахир у Ойша воқеасини бошдан-оёқ биларди-ку, шунинг учун Асад Махсум уни ўз розилиги билан никоҳлаб олганига сира ишонмас эди.

— Қизиқ!— деди ҳайронлигини яширмасдан Низомиддин.— Мабодо жодугар эмасмисиз?!

— Сеҳру жодунинг фойдаси йўқ!— деди Асад.— Сева билмоқ керак. Агар ишқ-муҳаббат оташин бўлса, энг ваҳший ҳайвон ҳам сизга ром бўлади. Шуни билиб қўйингки, каминангиз жуда қурўқ, сезгисиз, ҳиссизлардан эмас!

Низомиддиннинг назарида Асаднинг қадр-қиммати, салмоғи секин-аста ортиб борарди ва у ўзини бу одам олдида ҳеч нимага арзимайдигандек ҳис этарди. Шу сабабли у сидқидилдан ялтоқланиб деди:

— Сиз ҳақиқатан ҳам зўрсиз, Махсум! Тенгингиз йўқ! Шунинг учун ҳам сизга ва сизнинг ишингизга тўсатдан бирор шикаст етмасин деб қўрқаман... Ишқилиб, омон бўлинг, ниятингизга етинг. Шуни айтиб қўяйки, Файзулла билан Куйбишев Ҳайдарқул ва Фируза орқали сиздан ўч олишмоқчи, уларнинг буйруғи билан тафтиш комиссияси ташкил қилинди, бу комиссия яқин кунларда ишингизни текширади.

— Комиссия ҳайъатида кимлар бор?

Низомиддин айтиб берди-ю, илова қилди:

— Жаббор қўрбошининг таслим бўлиш масаласи ва аскарларининг тақдирини ҳам назарда тутишяпти.

— Шундай бўлса,— деди Махсум ўрнига ўтириб,— Жаббор қўрбошининг суробини тўғрилаб қўйиш керак...

— Нима?— деди тушунмай Низомиддин.— Жаббор нима деркин? Қабул қилмайдими?

— Йўқ,— деди қўл силтаб Махсум.— Қабул қилиш у ёқда турсин, бу ўжар, жоҳил, ишни бузиб, сирни фош қилиб қўядими деб хавотирдаман!

— Ундай бўлса, тезроқ йўқ қилинг!

— Ҳа, ҳарна бири кам!— деди шу чоққача индамай ўтирган Исматжон.

— Аммо,— деди Асад.— Сиз Чекага Асад ишни тўғрилаб бераркан, деб айтинг... Фақат отиб ташлаш улардан бўлсин!

— Хўп, майли,— деди Низомиддин.

Шу пайт Саид Паҳлавон йўталиб, даҳлиз эшигини очди ва Махсумга мурожаат қилди.

— Қўрбоши йигитлари томонидан вакил келибди, сизни йўқлаяпти.

— Мен ҳозир чиқаман,— деди Махсум ва дивандан телпагини олиб кийди,— сиз ҳам улар билан гаплашасизми?

— Э, қўйинг!— деди Низомиддин.— Ўзингиз жавобини бериб келинг.

Асад Махсум маъноли жилмайиб хонадан чиқди.

14

Асо қамалиб ётган жой унчалик қамоқхонага ҳам ўхшамасди. У кичик ҳовлидан иборат бўлиб, Дилкушо боғининг катта ҳовлиси ёнида эди, ҳовлида Махсумнинг махсус қоровуллари учун бир меҳмонхона ва бир эшикли катта хона бор эди. Бу ҳовличада амир вақтида қушчилар турарди, ёруғлик ва ҳаво кириши учун тепасидан туйнуклар қўйилган бир эшикли катта хонада ов қушлари: бургут, лочин, қарчиғайлар сақланарди. Ҳозир Асад Махсум ана шу деразасиз катта хонани ўрта даражадаги бандилар учун ажратган эди.

Уч кундан буён Асо шу деразасиз уйда кун кечирарди. Тўр томондаги хас-хашаклар устидан эски бир кигиз тўшалган бўлиб, Асо учун алоҳида жой қилинган эди, унга битта ёстиқ ҳам беришганди. Пойгак томонда, супанамо жойда кўзада сув ва бир чўян обдаста турарди. Асонинг тепасидаги токчада бир коса билан пиёла ҳам бор эди. Дастлабки кечани Асо вобкентлик уч деҳқон билан ўтказди. Деҳқонларнинг айтишича, Асаднинг одамлари аввал улардан пул талаб қилган, бирон нарса ундира олмагандан кейин, уларни «босмачи» деб туҳмат қилиб олиб келган. Улардан бири янги куёв экан, бир ой илгари уйланиб, хотинига астойдил муҳаббат қўйган экан. Бу йигит ўша кеча эрталабгача йиглаб, ёр васли ва у билан ўтказган саодатли кунларини эслаб, Асонинг бусиз ҳам эзилган юрагини қон қилди. Асо ҳатто ўз гамини ҳам унутиб,

қўлидан келганича бу ошиқ йигитга тасалли берди, эрталаб Саид Паҳлавон бир неча дақиқага Асо олдига келган эди, Асо унга ялиниб, бу гуноҳсиз ошиқ йигитни озод қилдиринг деб илтимос қилди. Ўша куни кечқурун учала деҳқонни чақириб, олиб кетишди, Саид Паҳлавон уларни озод қилдирган бўлса ҳам ажаб эмас, ёки бошқа қамоқхонага кўчиришгандир. Ҳарқалай Асонинг олдига ҳеч кимни олиб келишмади, шундан бери танҳо ўзи.

Одамнинг руҳий аҳволи жуда ажойиб-да! Тонг отиши — ёруғ тонг ҳамиша кишида ажиб ҳис уйғотади. Одам қандай вазиятда бўлмасин, хоҳ бемор, хоҳ аламзада, хоҳ зиндонда ётган бўлмасин, барибир ўзини қандайдир енгил ҳис этади, яшаш умиди пайдо бўлади, дард-аламларни сал унутади ва кўнгли жойига тушгандай бўлади... Аммо кеч кириб, қуёш ботишга яқинлашган сари, одамнинг кўнгли ҳам қоронғи ҳавога ўхшаб қора, хира бўлаверади, дард-аламлар зўраяди, кишини турли даҳшатли хаёллар чулғаб олади. ҳамма орзу-умидлари барҳам ейди, уларнинг ўрнини қандайдир умидсизлик, ғам-ҳасрат эгаллайди...

Ўша куни кечқурун Асо ётган қамоқхона ҳақиқатан ҳам унинг учун ғам-ғусса, умидсизлик масканига айланган эди. Осмонни қора булутлар қоплаб, майда ёмғир томчиларди, совуқ шамол баргларни боғ томондан учириб келиб, ҳовлича юзига ташлар ва гўё юзлари сарғайган маҳбуслар билан ўйнашар эди. Қуриб қолган баргларнинг шитир-шитири Асога кучли йиртқич ҳайвон панжасига тушган бирор жонивор суякларининг қисирлаб эзилишини эслатарди... Туйнукдан кираётган шамолнинг ғувуллаши оч бўрининг увиллашига ўхшарди. Борган сари қуюқлашиб бораётган қоронғулик оғир юк каби Асони елкасидан босиб, эзиб, ерга қапиштираётгандай бўларди...

Бу хонада чироқ йўқ эди. Меҳмонхона деразасидан чиқаётган лампа ёруғи шифтга яқин туйнуклардан тушиб, хонани ғира-шира ёритарди. Шамолнинг ғувиллаши ва қуриб қолган баргларнинг шитир-шитиридан бошқа ҳеч қандай товуш эшитилмасди...

Асо юракни сиқувчи бу қоронғуликда ўтираркан, унинг мияси тез ишларди, уйқуси бутунлай қочиб кетган эди... У гўё шундай куйларди.

Дегилки бу кеча кўзингга уйқу келмасин ҳаргиз,
Оролки уйинг эрди, бу кеча сувга тўлиб тошди!

Мана уч кун бўлди, Асони ёру дўстларидан ажратиб, ишидан қолдириб, зўрлик билан келтириб, мана шу ғамхонага тиқиб қўйишди. Гўё у ҳеч кимга керак эмасдай, Саид Паҳлавондан бошқа бирор киши унинг ҳолидан хабар олмайди. Албатта Фируза қон ютаётгандир, юрагини ҳовучлаб, идораларга югураётгандир, Чекага бораётгандир... Аммо у муштипарга ким ёрдам беради?! Кошкийди Ҳайдарқул амаки Бухорода бўлсалар!

Ҳа, биз «у ҳеч кимга керак эмас» деб нотўғри айтибмиз! Икки кун илгари Асад Махсум Асони ўз меҳмонхонасига чақиртириб бориб, ундан айрим нарсаларни сўрай бошлади: Карим қаерлик? Асо билан қандай муносабати бор ва улар қачондан бери бир-бирини билади? Асо қай аҳволда Каримни топиб олди? Карим отган кишини қаёқдан билади? Асад Махсум тўғрисида бирор нима дедими-йўқми? Касалхонадан қачон чиқади? Касали нима? Қанақа орзу-ниятлари бор? Бу суҳбат қийноққа ўхшамасди. Махсум анча юмшоқлик билан гап сўрарди. Суҳбат давомида дастурхон ёзилган, турли ноз-неъматлар муҳайё эди... Лекин Асо ондан бир увоғини ҳам оғзига солмади. Унинг бутун фикр-зикри Асад Махсумнинг мақсадини билиш ва ўзининг қамалиш сабабларини аниқлашда эди. Лекин у қанча уринмасин ҳеч нима билолмади. Махсумдан гап олиш осон эмасди!.. Ўша куни суҳбат тугамасдан, кал Оқилов кириб келди-да, Махсумга бир қоғозни кўрсатди ва қулоғига бир нима деб шивирлади, сўроқни тўхтатиб қўйди, Махсум узр айтгандай бўлиб, Асога афсуски, суҳбатимиз тугамай қолди-да, деди.

Уни яна қамоқхонага келтириб, танҳо қолдириб кетишди. Бугун кун ботмасдан олдин Саид Паҳлавон келиб, пича ўтириб, тасалли бериб кетди, бошқа ҳеч ким келмади... Қоровул ҳар кун икки маҳал — эрталаб ва кечқурун унга нон-чой, баъзан шўрва, шавла келтириб берарди. Бугун мана қоп-қоронғи бўлиб қолди-ю ҳалигача овқатдан дарак йўқ... Миршаб қамоқхонасида овқат беришмаса ҳам, лекин маҳбуснинг қариндош-уруғлари, оила аҳли ош-нон келтириб беришарди,

қамоқдагилар уни баҳам кўришарди, у пайтда қонун йўқ эди, Шўро ҳукумати йўқ эди, миршаб ва унинг одамлари истаганларини қилаверарди. Аммо ҳозирчи... Ҳозир Шўро ҳукумати бор, янги қонун бор! Айниқса Асо камбағал, жабрдийда, инқилоб йўлида хизмат қилган... Бунинг устига у Чека одами, Фирузанинг эри, Ҳайдарқулнинг яқин дўсти... Асад Махсум ҳам амир миршаби эмас, гўё инқилобчи, ёш бухоролик, Шўро ҳукуматининг одами. Хўш, уни нега қамашди? Нима учун? Ёки... Асад Махсумнинг фақат номи Асад Махсуму ўзи ўша Бухоро миршабими? Ким билади, эртагами, ё шу кечами уни олиб бориб қулоқ эшитмаган қийноқларга дучор қилишадими? Ким билади, у ҳам Аҳмаджон мешкоб каби Асаднинг қамоқхонасида жон берадими?

Раҳматли Аҳмаджон мешкобнинг нима гуноҳи бор эди? Кимга зарари теккан эди? Кимсасиз қолган Фирузани фосиқлар қўлидан қутқазиш, бир шўрлик етимчага ғамхўрлик қилиш гуноҳми? Риёкор миршаб ҳирс-ҳасаддан нима қилишини билмай, гуноҳсиз мўйсафидни қийноққа солган эди...

Энди-чи, энди эса Асони гўё Карим туфайли — жафо чеккан Карим туфайли қамашган. Каримнинг душманларини қидириб топиб қамаш ўрнига унинг дўстини тутиб келтиришди! У Каримнинг мақсад ва ниятларини айтиб берсин эмиш. Мабодо Карим Асад Махсумга даъво қилиб юрмасин эмиш!..

Хўш, амир миршаби билан Асад Махсум ўртасида қандай фарқ бор?

Ана шундай шубҳали, ноаниқ ўй-хаёллар Асонинг бошини қотирарди. Ҳар хил саволлар пайдо бўларди-ю, жавобсиз қолиб, унинг юрагини эзарди: нега? Нега? Нега?..

Эшик очилди-ю, фонар кўтарган қоровул кўринди, унинг қўлида сопол товоқда палов бор эди.

— Ма, ол, хўжайин юбордилар!— деди у Асога хитоб қилиб.— Ўзларининг табаррукларидан!

Асо ўрнидан туриб, уй ўртасига яқинлашган эди, қоровул зудлик билан товоқни пойгаҳга қўйиб, бир қўлини бўшатди. Асо унинг мақсадини англаб, келган жойида тўхтади-да, деди:

— Биродар, ошни еб бўлгунча фонарни қўйиб кетсанг қандай бўларкин, а?

— Фонарни қўйиб кетиш мумкин эмас, ўнбоши қўймайди: лекин майли, ошингни еб ол, кутиб тураман.

— Хайр, илоҳи барака топ, биродар!— деди Асо ва яқинлашиб товоқни олди-да, яна ўрнига бориб ўтирди. Ошдан истар-истамас бир-икки луқма еб, қоровулга қаради. Қоровул пойгаҳда этигини тозаларди.

— Ҳаво совуқ бўлиб қолибди,— деди Асо,— ташқарида қор бўлса керак?

— Йўқ,— деди қоровул,— майда ёмғир ёғяпти, тонгга яқин қорга айланса ҳам ажаб эмас, лекин чиндан ҳам ҳаво совиб кетди. Сен совуқ емадингми?

— Совуқ еганим билан иложим қанча?— деди Асо.— Махсум пўстинини бермайди-ку!

— Палов берган киши,— деди қоровул хиёл истеҳзо билан,— пўстинини ҳам бериб юборса ҳам ажаб эмас. Сабр қилиб тур!

— Майли, сабр бўлса сабр-да!— деди Асо яна ош еб.

— Сени Чека одами дейишади, ростми?— бу гал товушини пасайтириб сўради қоровул.

— Рост,— деди Асо ҳам паст товуш билан.— Чекада ишлайман.

— Чека одами ҳам Шўро ҳукуматига душманлик қиладими?

— Мен Шўро ҳукуматига душманлик қилганим йўқ. Агар қилганимда Чеканинг ўзи аллақачон тутиб олиб отиб ташларди...

— Бўлмаса, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

— Асад Махсумга юлдузим тўғри келмай қолибди... Ёки Чекага кучини кўрсатмоқчи бўлиб, мени ҳамагандир! Шошма, қани айт-чи, ўзинг Шўро ҳукуматига дўстмисан?

— Бўлмасам-чи? Шўро ҳукумати деб бу даргоҳда юрибмиз-да!

— Офарин! Мен ҳам Шўро ҳукумати учун жон фидо қилишга тайёр. Лекин туҳмат-бўҳтон билан дўстнинг қафасида ўтириш кишига алам қилади.

— Хайр, ғам ема, гуноҳинг бўлмаса, Махсум текшириб жавоб беради. Лекин гуноҳкор бўлсанг, Махсумдан қутулолмайсан.

— Гуноҳсизлигимни, насиб бўлса, Чека исбот қилиб беради!

— Э, Чека дейсан-а! Бизнинг Махсум зўр! Унча-

мунча одам унга тенг келолмайди, жаҳли ёмон, қаҳри келса шартта отиб ташлайди.

— Ҳа, шунақа деб эшитгандим, бунинг қўл остида ишлаб юрган сизларга қойилман!

— Нега бунақа деяпсан?— деди қоровул Махсумнинг ёнини олиб.— Махсум баджаҳл бўлгани билан қўл остидагиларга — биз йигитларга жуда яхши... Ҳеч нарсани аямайди. Агар босмачи-посмачидан ўлжа тушса, олавер дейди, қўлимиздан тортиб олмайди. Яхши кийим, яхши овқат, яхши қурол бериб қўйган. Аммо бир шарти бор: унинг амр-фармонидан қилча ҳам чиқмаслик керак. Командиримиз Наимбой эса жуда улфат! Давринг келганда сур дейди. Агар менинг гапимга кирсанг, бола, Чека-пека деб азоб чекиб юрма, сафимизга қўшил! Махсум сенга чопонғич от, яхши кийим, хиром этик, пул... беради, яна нима топсанг, ўзингники. Агар хўп десанг, мен Наим командирга айтаман. У киши Махсум билан гаплашиб ишларни «ванг» қилади.

— Хайр, қани, бир ўйлаб кўрай-чи... Ахир хотиним, бола-чақам бор!

— Агар хўп десанг, хотин, бола-чақанг ҳам пошшолардай кун кўради.

— Ростданми?

— Ана Наимбой! Ҳар ҳафта уйига боради. Ҳар боришида хуржун-хуржун мол олиб боради. Димоғи чоғ, бола-чақаси ҳам хурсанд!

Шу пайт ташқаридан оёқ товуши эшитилди-да, қоровул югуриб ўрнидан турди ва маҳбусга товоқни пойгаҳга келтириб қўйиб, ўзинг ўрнингга бор деб буюрди. Кўнгли овқат тиламаган Асо товоқни пастга келтириб қўйди, у ҳали ўрнига етиб бормасдан эшик очилиб, Наим Заҳар кириб келди.

— Ҳа, бу ерда нима қиляпсан?— сўради у қоровулдан.

— Меҳмонхонадан унга палов бериб юборишган эди...

Наим палов товоғига қаради-ю, деди:

— Қўйиб кетавер-да!

— Еб бўлди...

— Хўп, кетавер! Фонарни қўйиб кет!

Қоровул чиққандан кейин Наим Асога мурожаат қилди:

— Хўш, аҳволинг қалай? Зерикмаяпсанми?

Асо индамади.

— Ёнингга битта яхши улфат олиб келдим, суҳбатлашиб ўтирасизлар!— Наим шундай деди-ю, ташқарига қараб хитоб қилди: — олиб келинглар, болалар!

Ташқаридан қўли орқасига боғланган, темир йўл ишчилари кийимидаги бир йигит хонага кирди. Унинг кетидан Наимнинг қуролли икки одами кирди.

— Қўлини ечинглар!— деди Наим одамларига.— Бу ерда истаганини қилаверсин энди!

Йигитнинг қўлини ечишди ва унга тўрга Асонинг ёнига бориб ўтир деб ишора қилишди.

— Ана,— деди Наим,— сенга мулла Асо, яхши бир эрмак! Унга насиҳат қилиб қўй, одам бўлсин!

У истеҳзо билан жилмайиб чиқиб кетди, одамлари ҳам фонарни олиб кетидан чиқишди. Хонани қоронғулик босди. Фақат туйнукдан озгина ёруғлик тушарди, холос. Шунга қарамасдан Асо қоронғуликда тунги ҳамдамига салом берди. Йигит саломга жавоб қайтариб, яна жим бўлди. Йигит қаттиқ-қаттиқ нафас олиб, ҳар замонда оҳ чекарди.

— Сиз Бухороданми?— деди Асо.

— Йўқ, мен Когондан,— деди у ва яна жим бўлди.

Асо йигит ҳадиксираётганиданми ёки дарду алами зўрлигиданми, ҳозир гапиришни истамаётганини пайқади. Шунинг учун Асо унга тасалли бериш мақсадида деди:

— Менинг номим Асо Хайриддинзода; Бухородан, Чека хизматчиларидаиман, билмадим, нима учундир уч кундан буён мени бу ерга, мана шу қоронғу, совуқ уйга қамаб қўйишган. Дурустроқ тергов қилиб гуноҳимни ҳам айтишмади.

— Золим!— деб қўйди йигит.

— Асад Махсумми?

— Мен Махсумингизни танимайман, у билан ишим ҳам йўқ!— деди йигит.— Лекин Махсумнинг одами манави Наим Заҳар жуда золим, қонхўр одам.

— Тўғри,— деди Асо,—уни бежиз Наим Заҳар дейишмайди. У Асад Махсумнинг ўнг қўли. Асад агар саллани келтир деса, у каллани келтиради!

— Ундай бўлса, Шўро ҳукумати, адолат, қонун деган гаплар нима бўлди?

— Ҳаммаси бор! Шўро ҳукумати ҳам бор, адолат ҳам бор, қонун ҳам бор... Лекин Асад Махсум, кал Оқилов, Наим Заҳар сингари кишилар ҳам борки, улар ҳукумат номидан, адолат номидан, қонун номидан тескарисига иш олиб борадилар. Бухорода бир ақлли, тадбирли, ҳақиқий инқилобчи, кўпни кўрган одам бор, унинг номи Ҳайдарқул амаки... Ўша киши бир куни менга: «Инқилоб тўфонга ўхшайди. У туғён уриб, қудратли тўлқинлари ҳамма нарсани сув бетига чиқаради. Аммо дастлабки туғён шиддати босилгач, ҳамма нарса яна ўз ўрнини топади. Шўро ҳукумати ўз адолатини ўрнатади. Худо хоҳласа Асад Махсум, Наим Заҳар сингарилар йўқолиб кетади»,— деган эди.

— Лекин улар то йўқ бўлгунча, биздақангилардан минг-минглабини йўқ қилиб юбориши мумкин.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин!.— деди Асо ва жим бўлди.

У янги келган кишига тасалли бераман, деб ўзи тасаллига муҳтож бўлиб қолди. Асо инқилоб ғалабасига, озодликка, ҳурриятга ва адолатнинг тантана қилишига ишонарди, лекин баъзан турмушдаги воқеа, ҳодисаларнинг йўналишидан ҳеч нима тушуна олмай боши қотиб қолар эди. Ҳозир ҳам янги келган йигитнинг охирги гапи унинг хаёлини паришон қилди. Ҳақиқатан ҳам йигит тўғри айтяпти. Асад Махсум сингарилар то йўқ бўлгунларича, то мағлубиятга учрагунларича юзлаб Асога ўхшаганларнинг бошини еб, йўқотиб юборишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Иннайкейин, то ёрдам келгунча, то адолат даргоҳи хабар топгунча, Асад Махсум Асони Каримга, Ҳайдарқулга ўчакишиб отиб юбориши мумкин. У вақтда ягона мурод-мақсади — фарзанди юзини кўролмай ҳаёт ва озодлик лаззатидан тузукроқ баҳра ололмай, бу дунёдан кетади. Ким билади, Асад Махсум Асони ёмон, хоин, инқилоб душмани ва ҳоказо деб кўрсатиши ҳам мумкин... Иннайкейин, Асонинг яхши номи ҳам умрбод қора бўлиб қолади. Фируза ундан юз ўгиради, фарзанди эса унинг номини тилга олишдан ор қилади...

Янги келган йигитнинг ҳазин оҳ чекиши Асони ўзига келтирди. У қўл-оёғи совиб, қотиб қолишига сал қолганини сезди. Сўнгра ўрнидан қўзғалиб, ёстиқни дурустроқ қўйиб, деди:

— Кел, манави, ёстиққа бошингни қўйиб ёт! Икковимизга ҳам кифоя қилади. Хаёл суришга вақтинг етади!

Лекин ўша кечаси иккови ҳам ухлай олмади. Аксига олгандай тун ҳам узун эди. Йилнинг энг узун тунларидан бири эди. Қоп-қоронғи тун уларни ўраб олиб, қисаётгандай эди. Бу қоронғиликдан уларнинг жисмужонлари азоб чекаётганди...

Ниҳоят тонг бўзара бошлади. Аввал тўсинлар, сўнгра хонанинг тўрт девори кўринди. Аста-секин уйдаги нарсалар — коса, кўза, чўян обдаста кўзга ташланди. Ташқарида одамларнинг оёқ товушлари эшитила бошлади... Кузнинг булутли куни бошланди.

Асо бир эснаб, оғир зирқираётган бошини кўтариб ўтирди. Қараса йигит тиззаларини қўлтиқлаб, бошини қўллари устига қўйиб ўтирарди. У ухлаяптими ёки уйғоқми, билиб бўлмасди. Ҳар ҳолда Асо унга ҳалақит бермасдан, ўрнидан турди-да, қўл-оёқларини ёзиб, хона ичида юра бошлади. У икки марта айлангунча бўлмай қоровул эшикни очиб қазойи ҳожатга ташқарига чиқинглар, деди, йигит ҳам ўрнидан туриб, бир эснадида, Асонинг кетидан ташқарига чиқди. Улар қайтиб келганда уй пойгаҳида Наим Заҳар мўйловини бураб турарди.

— Ҳа,— деди у йигитга хитоб қилиб,— мулла Аббос, қалай? Меҳмонхонамиз жойидами?

Йигит кайфу сафодан қизариб-бўзариб кетган ва кўзлари чақнаб турган Наим Заҳарга нафратли нигоҳ ташлади-ю, индамай ўрнига бориб ўтирмоқчи бўлди. Лекин Наим қўймади, унинг елкасидан тутиб, юзини ўзига қаратди.

— Менга жавоб бер, тирранча!— деди қўполлик билан Наим.— Бу ер маъқулми ё нозанин қаллиқнинг хонаси?!

— Агар қаллиқ уйи сенинг уйинг бўлса, бу жойинг марта яхшироқ!— деди йигит ўшқириб ва шартта елкасидан Наимнинг қўлларини олиб ташлади. Наим бунақа муомалани кутмаганди. У бирданига тутақиб кетди ва нима дейишини билмай қолди.

— Ие,— деди у бирпас тишини ғижирлатиб тургандан кейин.— Ҳали шунақами? Бу жойнинг яхшилигини ҳали кўрмабсан! Ҳали мумдек эриб, оёғим остига йиқилмасанг, нима эмиш, лаънати етимча!

— Мени қўрқитолмайсан!— деди йигит ҳам бўш келмай.

— Овозингни ўчир!— деб бақирди фиғони фалакка чиқиб Наим Заҳар.— Сен мени нима деб ўйлаяпсан?! Агар буюрсам, ҳадемай теригни кўнчиликда кўрасан!

— Замона ўзгарган, қўлинг қисқалик қилади!— деди йигит ҳам ғазаб билан.

— Замона ўзгарган, замона бизники бўлган! Энди биз давр сурамиз! Нимани истасам шуни қиламан!

Наимнинг керилишини кўрган Асо тоқат қилолмай деди:

— Сиз ўзингиз кимки, замона сизники бўларкан?!

— Сен оғзингни юм, даюс!— деди Наим жаҳл билан Асога қараб.

— Даюс деганнинг ўзи даюс!— деди Асо.

— Ҳой, итвачча, кўп жиғимга тегма!— деди тўппончасига қўл узатиб Наим.

— Нима қилардинг?!

— Ҳар иккалангни ҳам асфаласофилинга юбораман!

— Ҳой, босмачи!— деди ўзини тутиб туролмай йигит.— Нима гапинг бўлса, менга гапир. Отмоқчи бўлсанг, мени от, аммо бу кишига тегма.

— Ие, сен ҳароми нималар деяпсан?!— деб Наим йигитнинг бошига бир мушт туширмоқчи бўлди, аммо Асо чаққонлик қилиб қўлини ушлади-да, итариб юборди. Наим гандираклаб бориб деворга урилди. Шу чоқда оғзи очилиб, жанжални томоша қилиб турган қоровул бирданига ўзига келиб, милтиғини шарақ-шуруқ қилиб қўлига олди. Наим Заҳар қаддини ростлагунча бўлмай Асад Махсум кириб келди-да, қоровулга милтиғингни йиғиштир, деб ишора қилди.

— Ҳа, Наим полвон!— деди истеҳзо билан Махсум.— Сизга нима бўлди, девор бўлиб қолибсиз?

— Мен бу ҳаромиларнинг онасини уч қўрғондан кўрсатаман! Мен... мен...— деб Наим тўппончасини қинидан чиқармоқчи бўлувди, Махсум бақирди:

— Ҳайвон, эшак, бетамиз қишлоқи! Йўқол бу ердан!

Махсумнинг маузер дастасини ушлаб турганини

кўриб, Наим Заҳар шоша-пиша қаддини ростлаб, индамай бошини хам қилиб чиқиб кетди.

— Хафа бўлма, Асо,— деди Махсум мулойимлик билан паст овозда.— Мен бу аҳмоқнинг жазосини бериб қўяман!

Кейин янги келган йигитга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди, лекин гапирмади.

— Булар нонушта қилдими?— деб сўради Махсум қоровулдан.

— Йўқ, энди чой келтираман.

— Ичкари ҳовлига айт, ширгуруч беришади, нон беришади. Қўл тегизмай буларга келтириб бер!

— Хўп бўлади!— деди қоровул.

— Худо хоҳласа бугун суҳбатимизни давом эттирамиз,— деди Махсум эшикдан чиқа туриб.

Қоровул эшикни ёпиб кетмоқчи бўлиб турганида Асо Саид Паҳлавоннинг мамнунлик билан жилмайиб, улар томонга маъноли қараб ўтиб кетганини бирров кўриб қолди. Шундагина Асо Махсумнинг тўсатдан ўз вақтида етиб келиши кимнинг ҳаракати билан бўлганини пайқади.

— Мени гуноҳимни кечиринг!— деди йигит Асога.— Мени касофатимга қолдингиз.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Асо ўрнига ўтириб.— Махсум айтганидек у бир ҳайвон, эшак бўлса, ҳаммага эшакка ўхшаб муомала қилади-да. Сизнинг сира гуноҳингиз йўқ. Айтгандай, номингиз Аббос шекилли?

— Ҳа, Аббос Козимзода, Зираобод қишлоғидан.

— Қаерда ишлайсиз?

— Когон депосида... Агар онам дод солиб бошларига бормаган бўлса... қамалишимдан ҳали усталар билан шериклар хабарсиз бўлсалар керак...

— Ота йўқларми?

— Йўқ, бир онам бор...— деди Козимзода ва яна жим бўлди.

Шу вақт эшик очилиб, қоровул устига сариёғ қуйилган бир товоқ ширгуруч билан бир дастурхон нон келтирди ва пойгаҳга қўйиб деди:

— Олинглар, шукур қилиб енглар, Асад Махсум жаноблари ҳақига дуо қилинглар!

Маҳбуслар индашмади. Қоровул эшикни ташқаридан бекитиб кетди. Маҳбуслар ҳақиқатан оч қолган эди, иккаласи ўртага дастурхонни ёзиб, ширгуручни

иштаҳа билан туширди, аммо [illegible] эмас, Саид Паҳлавонни дуо қилди.

Кейин йигит:

— Менинг қўлга олинишимнинг сабаби шуки...— деб ўз саргузаштини ҳикоя қилишга тушди...

15

Катта ва сер одам Зираобод қишлоғи Когондан ғарб томонда, уч чақирим узоқда жойлашганди. Унинг яқинида «Амиробод» темир йўл станцияси қурилиб, инқилобдан кейин аҳоли ва темир йўл ишчилари унга «Пролетаробод» деб ном қўйишган эди. Темир йўл станциясининг кўпгина ишчилари шу қишлоқдан бўлиб, бир қисми Когон депосида ишларди. Бу қишлоқ атроф-теварагидаги ерлар камсув, шўрхок бўлиб, анча камҳосил эди, шу сабабли бўлса керак, қишлоқнинг кўпчилик одами анча йиллардан бери деҳқончиликдан кўра темир йўл ишини афзал билиб, ўша ерга ишга кириб кетганди. Шу боисдан ҳам бу қишлоқ халқи рус халқи билан доимо алоқада бўлиб, кўпчилиги рус тилини биларди, янги инқилобий ғоялар бу жойга тезроқ етиб келиб, қишлоқ аҳли бошқалардан олдинроқ инқилоб ишига аралашган эди.

Шу қишлоқда Аббос Козимзода номли йигит истиқомат қиларди. Отаси темир йўл ишчиси эди. У тириклигидаёқ Аббосни Когон депосига шогирдликка берганди. Аббос ўз ишидан хурсанд-мамнун бўлиб, ғайрат билан ҳунар ўрганарди! Дилида катта ниятлари бор эди. Лекин инқилобдан илгари тўсатдан отасининг касал бўлиб ўлиб қолиши уни анча ўкситиб, ҳамма ишдан кўнглини совитиб юборди. У бир неча кун ишга бормай, йиғлаб-сиқтаб юрди. Онаси ва ёр-дўстларнинг насиҳати фойда бермасди, ҳар кун азонда қабристонга борар ва отаси қабри устида йиғлаб ўтирар эди. Онаси бу воқеани эрининг ўртоғи ва ўғлининг устаси — кўпни кўрган бир русга бориб айтиб, ундан кўмак сўради. Уста қабристонга бориб, Аббосни отасининг қабри устида йиғлаб ўтирганини кўриб, бир неча лаҳза жим утирди, сўнгра деди:

— Аббос, нега ишга бормаяпсан?

Аббос жавоб бермади:

— Сендан сўраяпман?— деди уста.— Нега ишга бормаяпсан? Отанг бой-бадавлат эдимики, сен билан онанг ундан қолган меросни еб, бемалол яшайсан?

— Бизнинг ғам-ғуссадан бўлак вақомиз йўқ...— деди Аббос.

— Нима, онанг ҳам очликдан ўлиб кетсинми?

Аббос устасига қараб ҳайрон бўлди. Бу сезгир, содда бола гўё шу аччиқ ҳақиқатни ўйлаб кўрмаган эди. У индамай ўрнидан турди. Устаси уни етаклаб онаси олдига олиб борди...

— Эртадан ишга боради,— деди у Аббоснинг онасига.— Ана бу пулни мояна олгунча харажат қилиб туринглар, буни Козимнинг оғайнилари йиғиб беришган эди.

Аёл йиғлади. У ҳам эри ўлганидан, ҳам темир йўл ишчиларининг яхшиликларидан кўнгли бузилиб кетган эди...

Шу кундан бошлаб Аббос ҳар куни ишга бориб, қунт ва ғайрат билан иш ўргана бошлади ва орадан кўп ўтмай темирчи уста номини олди. Аббоснинг ғайрати, ишни пухта қилиши ҳамма усталарга маъқул эди. Ўртоқлари уни севарди, у ҳам шунча ҳунар ва билими билан керилмасди. Ҳа, камтарлик киши обрў-эътиборини оширадиган фазилатлардан биридир, бу ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Айниқса ёшларга! Ёшлигида киши озгина муваффақияти, ютуғи билан бошқалар олдида мақтангиси, ўзини кўз-кўз қилгиси келади... Бу кишининг болалик хусусияти бўлиб, табиийдир. Аммо шу ёшда камтар бўла билиш етуклик нишонасидир. Кўпгина ёшлар отасиз, акаукасиз, қаровчисиз қолган Аббос ёшида унинг кунига тушиб қолсалар ҳаш-паш дегунча нотўғри йўлга кириб, бузилиб кетишлари мумкин. Ўша пайтларда ҳуррият бўлди деб ўзларини расволик кўчасига урадиганлар ҳам кам эмасди. Илгари майхўрлик, ароқхўрлик расман таъқиқланган эди, одамлар ҳам магазиндан рўй-рост ичкилик сотиб олмасдилар, энди бўлса рухсат берилганди. Ҳар ким майфурушлик магазинларига кириб, хоҳлаганича ароқ, вино, коньяк сотиб олиши мумкин эди. Бухоро ва Когонда баққоллик билан майфурушлик дўконлари деярли кеча-кундуз очиқ эди... Ўтмиш замон тарбияси ҳали онгларидан кетмаган ота-оналар ўз ўғилларини май ичишга

қўймас эдилар. Лекин Аббос каби кимсасиз ёшлар ҳуррият ва озодлик маъносини нотўғри англаб, майхўрликни бошлаб юборишганди. Май гарчи асрлар давомида шарқ шоирларининг боиси илҳом ва тарифу тавсиф мавзуси бўлиб келган бўлса ҳам, лекин май кўпинча одамзод бахтсизлигининг сабабчиси ҳам бўлган. Май ичиб, ақлидан адашиб, расво бўлганлар, май ичиб, пулсиз қолиб, ўғирлик ва талончилик қилганлар, май ичиб, хону монидан, бахт-саодатидан ажралганлар, май ичиб, жинни бўлганлар, хор-зор бўлиб юриб, гарибликда жон берганлар оз эмас. Улуғларимиз айтганларидек ёшликда ҳакимона май ичмоқ мақбул эмас, ҳакимона май ичмоқ тажриба орттиргандан кейин, ёши қайтгандан кейингина кишига қўл келади... Аммо бизнинг Аббос майхўр ҳам бўлмади, топган пулини рўзғорга сарф қиларди, ортганини онасига бериб қўярди.

Бухоро инқилоби кунларида Аббос йигирма яшар бақувват йигит эди, у инқилоб жангчилари сафига фидойи бўлиб ёзилди, қўлига қурол олиб, Бухоро қалъасига ҳужумга борди. Бир ҳафта роҳат, оромни тарк этди. Бухоро қалъаси олингандан кейин, ўз қишлоғига ғалаба билан қайтди ва яна депода ишлай бошлади. Унинг ғайрат ва фидокорлигини Когон темир йўли станцияси фирқа комитети алоҳида қайд қилди, депо ёшлари уни комсомол ячейкаси котиблигига сайлашди. Бу янги вазифа эди, ташкилотчилик ишларини яхши билмасди. Лекин кексалар, тажрибали ўртоқлар, фирқа аъзолари унга кўмаклашдилар, иш ўргатдилар. У тез орада бу ишни ҳам ўрганиб олди, лекин мажлисни очиш, мажлисда доклад қилиш қўлидан келмас эди... Нотиқлик, маҳмадоналик ва лоф-қофни билмасди...

У баланд бўйли, қотмадан келган, буғдой ранг юзи чўзиқроқ ва кўз-қоши қора, хушбичим ва ширинзабон йигит эди, кичик мўйлови ўзига ярашиб турарди. Зираобод қишлоғида чоққина ҳовлиси, боғчаси бўлиб, ишдан бўш вақтларида боғчани чопиб, рўзғорга керакли сабзавот ва меволарни етиштирарди. Она-бола тирикчилиги айниқса инқилобдан кейин анчагина дуруст ўтаётганди. Кўнгилга ёқадиган келиндан бошқа камчиликлари йўқ эди. Онаси кечаю кундуз шу ҳақда гапириб, кўзим очиқлигида муродимга етай, ўй-

наб-кулганингни кўрай, дерди. Лекин Аббос ҳали бу тўғрида ўйлаб кўрмаган эди. Ён-веридаги қизлар унга маъқул тушмасди. У мен шундай хотин олайки, у менга бахт, сизга ҳузур-ҳаловат келтирсин, шошмай туринг, бизга бахт эшиги очилиб қолса... ажаб эмас дерди. Ҳа, Аббос ана шуни орзу қиларди... Қамалишидан анча олдин Кўли Ховак қишлоғидаги бир гўзал қиз дилини асир этган эди. Кўли Хавок қишлоғида Козимзоданинг тул холаси бор эди, баъзан онаси билан ўша холасиникига борарди. Холаси Наим Заҳар билан қўшни бўлиб, ўртада эшикча ҳам бор эди. Бир куни Козимзода онаси билан холасиникига меҳмон бўлиб борди-ю, кечқурун диққати ошиб, кампирларнинг суҳбатига халақит бермайин деб ҳовлига чиқди, тахта каравот четига ўтириб, кузнинг кечки ёқимли ҳавосидан нафас олмоқчи, ўз ишлари тўғрисида хаёл сурмоқчи бўлди. Қуёш эндигина ботган бўлса ҳам, ғарб томонда осмон ҳали ёруғ эди, аммо Шарқ томондан ўн тўрт кунлик ой заррин баркашдай бўлиб, мовий само супрасига чиққан, сон-саноқсиз юлдузлар нурини хиралаштирган эди. Устига шабнам тушган қуруқ ўт-ўланлар, турли-туман мевалар — анжир, олма, қовун ва ҳоказоларнинг ҳиди ҳавода аралашиб Аббоснинг димоғига уриларди. Уйдан икки кампирнинг оҳиста суҳбатлашиши, атрофтеваракдан тунги ҳашаротларнинг чириллаши қулоққа чалинарди.

Аббос, Зираободнинг кечки гўзаллигига паровозларнинг тутуни, мазут ҳиди, кўлмаклар ҳиди, корхоналар ва поездлар гудогининг садолари путур етказади, бу беғубор гўзаллик яхши, аммо заводсиз, корхонасиз, машинасиз, паровозсиз ҳам иш битмайди, деб ўйлар эди...

У шу ўй-хаёлларга ботиб ўтирганида тўсатдан кўзи қўшни томига тушиб, бир қизни кўриб қолди, қиз ғимирлаб, нимадир қилар, аҳён-аҳёнда унинг томонига нигоҳ ташлаб, майин жилмайиб қўяр эди. Козимзода ўзини тушида афсонавий парини кўраётгандек ҳис этди... Лекин у кўзларини ишқалаб уйғоқлигини, кўраётган нарсаси ҳақиқат эканини билди... Афсонавий парини ҳақиқатан кўриш жуда қизиқ-да! Наҳотки шу рост бўлса? Ҳа, ҳа, томга чиққан паризод қишлоқ қизлари каби кийинган эди ва гўё унинг қалбини мафтун қилиб, узоқ-узоқларга — Қоф тоғи ортига олиб кетмоқ-

чидай эди... Йўқса, инсон фарзанди шунчалик гўзал, барно, дилбар бўладими?! Одамда ҳам шунчалик ҳусну жамол бўладими, ахир?! Йўқ, йўқ, бунчалик қадқомат, ғунчадек лаблар, ақиқдек тишлар, жозибадор ноз-карашма, латофат ва дилбарлик, фусункор кўзу қошлар, тақимига уриб турган қора сочлар — ҳаммаси бир инсон фарзандида бўлиши бўлмаган гап! Ҳа, ҳа, бу қиз пари! Ана, уни чорлаяпти, нозик бармоқлари билан имлаб чақиряпти... Козимзода худди парвона каби беихтиёр том остига келди. Қиз эса майин товуш билан секингина деди:

— Аббос ака, мени танимадингизми?

Э худо, шўрлик Аббос жодугар эмаски, афсун қилиб париларни таниса...

— Сиз парисиз!— деди Аббос зўрға.

Қиз кулиб, бош чайқади:

— Йўқ, мен пари эмас, Нозгулман,— деди у,— эсингиздан чиқарибсиз-да!.. Мен бундан уч йил илгари бувим билан Ғиждувонга борган эдим. Уруш тамом бўлгандан кейин қайтиб келдик. Илгарилари мен сизни бир неча марта кўрган эдим, лекин сиз тузукроқ қарамаган эдингиз... Ана шундақа кеккайгансиз-да!..

— Йўқ, агар кўрсам сира эсимдан чиқармасдим,— деди Аббос.— Ростдан ҳам сиз шу қишлоқданми?

— Мен Наимбойнинг қизи бўламан, Аббос ака!

— Худо умри жонларига барака берсин!— деди Аббос.— Наимбойнинг сиздек қизлари бўлса, қишлоқнинг энг бахтли кишиларидан эканлар!

— Билмасам...— деб қўйди Нозгул ва яна ширин табассум қилди.

— Агар ростдан ҳам Нозгул бўлсангизу, мени танисангиз, бирпас бу ёққа ўтсангиз қалай бўларкин?..

— Йўқ, акажон!— деди Нозгул карашма билан.— Ўтолмайман, дадам тўсатдан келиб қолишлари мумкин. У киши шунақа, кўпинча кечаси келиб кетадилар. Мабодо кўриб қолсалар, ўлдирадилар.

— Ундай бўлса,— деди Аббос,— холамникига тез-тез келиб тураман... кейинги сафар кундузи келаман, ўшанда ўтасизми?

— Майли... Лекин албатта келинг! Мен...

Нозгул гапини тамомламасдан онаси чақириб қолди. Нозгул томдан тушаётиб Аббосга қараб яна жилмайди-да, секин деди:

— Хайр, акажон, саломат бўлинг!..

— Сиз ҳам!— деб қўйди Аббос.

Ўша кеча икковининг ҳам кўзига уйқу келмади. Иккови ҳам ўринда у ёнидан бу ёнига ағанаб, бир-бирига талпинарди...

Шундан кейин Аббос холасиникига тез-тез келиб-кетадиган бўлиб қолди. Бир куни онаси сўраганида, бошқа иложим йўқ, ўша қизни севиб қолдим, деди.

— Қайси қизни?— ҳайрон бўлиб сўради кампир.

— Наимбойнинг қизи, Нозгулхон!— деди Аббос.

— Худога шукур!— деди онаси.— Шу кунга ҳам етар эканман-а!

Ўша кеча она-бола Нозгул деган қизни келин қилишга жазм қилишди, ҳа, унинг шамъи жамолидан уйлари чароғон бўлсин. Бу маслаҳат Аббоснинг холасига ҳам маъқул тушди. Опа-сингил дастурхон қилиб Наим Заҳарникига совчиликка боришди. Қизнинг онаси совчи борганидан хурсанд бўлди, чунки у Аббосни кўрганди, биларди, шунинг учун йўқ демади, фақат шуниси борки, қизнинг отаси Асад Махсумнинг лашкаргоҳида хизмат қилади, аҳён-аҳёнда келади, отаси билан маслаҳатлашиб, розилик олайлик деб жавоб берди. Совчилар Аббоснинг онаси билан холаси бу хабарни унга етказишди, унинг рози бўлишдан бошқа иложи йўқ эди. Ҳақиқатан қизнинг отаси оила бошлиғи, ихтиёр ўшанда, бу масалани у ҳал қиларди. Лекин у Нозгулнинг онаси рози бўлгани учун кўнглини тўқ қилиб, Наим Заҳарнинг келишини кутиб юрди...

Бир куни Наим Заҳар бир талай талаб олинган молларни кўтариб, қишлоғига келганида хотини Аббос томонидан совчилар келганини айтиб деди:

— Жуда мўмин, қобил йигит, битта онаси-ю, битта холаси бор. Холаси шу қишлоқда туради. Бундан яхшироқ жойни топиб бўлмайди... Қизингизнинг ҳам бўйи етиб қолди ахир... Биз ҳам тўй-томоша қилиб, муродимизга етайлик!

— Майли, сен рози бўлсанг, мен ҳам рози,— деди Наим хотинини хурсанд қилиб.— Лекин аввал куёвни бир синаб кўришим керак.

— Нимасини синайсиз?— деди хотин ҳайрон бўлиб.— Ўзимизнинг Маъсума холанинг жияни, тайинли одам... Когон устахонасида ишлармиш, катта пул топармиш. Рўзғори тинч, обрўли дейишади...

— Йўқ, нима бўлса ҳам, бир синаб кўришим керак!— деди Наим ва чиқиб кетди.

Эртасига Аббос холасиникига меҳмон бўлиб келганида, бу хабарни унга айтишди. Нозгул ҳам уйлари орқасидаги ташландиқ боғчаларида Аббос билан учрашди ва бу хабарни етказди.

— Мени нимамни синар эканлар?— сўради ҳайрон бўлиб Аббос.

— Билмасам,— деди Нозгул маъюс бўлиб.— Дадам шунақанги бадфеъл... Айтганлари айтган, деганлари деган!.. Шўрлик ойим шунча қилсалар ҳам бўлмади, синаб кўраман, деб чиқиб кетдилар.

— Хайр, сен ташвиш тортма, жонгинам!— деди Аббос.— Хоҳлаганча синаб кўраверсин. Мен синовдан қўрқадиган одам эмасман. Лекин тезроқ синаб кўрсину розилик берсин, тўйни бошлайлик.

Нозгул уялиб, қип-қизарди-да, индамасдан бошқа томонга қаради.

Аббос дўстларидан бирининг, қаерда пари бўлса, унинг ёнида дев ҳам бўлади, деган гапини эслади. Ҳақиқатан ҳам Нозгул бошқа кишининг қизи бўлса нима бўларди-я! Ажойиб дунё: гулнинг тикани-ю, болнинг ариси бор! Мақсад чўққисига етмоқ учун албатта хатарли довонлардан ўтишга тўғри келади. Мурод гавҳарини қўлга киритмоқ учун албатта жон ҳовучлаб дарёлар қаърига шўнғимоқ керак... Наҳотки шусиз жаҳон айш-ишрати аччиқ бўлса?! Наҳотки икки севишган юрак бир-бирига етишиши учун албатта тўсиқларга дучор бўлиб, синовдан ўтса?!

Аббос севгилисига тасалли бериб хайрлашди. У ҳатто меҳнат билан қотган, аммо кўзига мулойим кўринган Нозгулнинг бармоқлари учидан ҳам бўса олмаган эди. Улар бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаб юзма-юз ўтиришарди. Фақат ўтли оҳ чекарди-ю, бир-бирининг юзидан кўз узолмасди. На унисн, на буниси ортиқча ҳаракат қилишга журъат этоларди. Нозгул ҳатто ҳеч бир қиз мендай журъат қилиб ўз севгилиси билан хилват жойда узоқ суҳбатлашиб, паранжисиз юзма-юз ўтирмаган бўлса керак, деб ўйларди. У шу тариқа ўзини койирди, лекин кўпинча Аббос билан хайрлашгандан кейин, висол дақиқалари ниҳоятда тез ўтиб кетди, деб афсуслапарди! У кечаси ўрингa кирганида севгили йигитнинг ҳароратли кафтида турган

қўлларини ўпарди, искарди... ва йиғларди. Аммо нега йиғлаётганини ўзи билмасди. Шўрлик онаси Нозгул ўрингa кириб йиғлаб ётганини бутун борлиғи билан ҳис этарди, лекин қандай қилиб овунтиришини билмасди, бирон иш қилишга ҳаққи йўқ эди, қўлидан бирон иш келмасди ҳам!

Бир ҳафтадан кейин Наим Заҳар қишлоқдаги уйига келиб, Аббосни чақиртирди.

Аббос бу хабарни эшитиб, бир кун ишдан жавоб сўраб, янги кийимларини кийиб, онаси билан Кўли Хавок қишлоғига келди. Холаси уларни хурсандчилик билан кутиб олиб деди:

— Хайрият келдинглар, Наимбой оёғи куйган товуқдай сизларга кўз тутиб ўтирибди...

Бир лаҳзадан кейин Наим Заҳарнинг ҳовлисидан киши келиб бўлажак куёвни меҳмонхонага таклиф қилди. Аббос юз ўй-хаёл билан хижолат чекиб, Наим Заҳарнинг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхонага кирди. Бу бир вақтлар камжиҳоз бўлиб, ўша пайтларда, инқилоб арафасида Асад Махсум бир кеча тунаб Наимга янги ҳаёт тўғрисида хабар берган ўша меҳмонхона эди, аммо ҳозир меҳмонхона жуда ясатилган, дабдабали эди. Ерга тўшалган қип-қизил «Қизил оёқ» пат гилами ловиллаб турарди. Токчаларда чинни ва қашқари идишлар ярқирарди. Михларда алача, беқасам тўнлар, милтиқ, тўппонча ва қиличлар осиғлиқ эди...

Меҳмонхона тўрида Наим Заҳар икки улфати билан етти қават кўрпа устида ўтириб майхўрлик қиларди. Аббос киргач, уни отаси каби қучоқлаб, ҳол-аҳвол сўради, унинг келишидан ғоят мамнунлигини изҳор қилди. Бундай кутиб олиш ва суҳбатнинг бундай бошланишидан Аббос қувониб кетди. Наим Заҳар ўз қўли билан пиёлага май қуйиб, Аббосга узатди. Аббос умрида май ичмаган эди, бинобарин, рад қилди.

— Мен бунга одатланганим йўқ,— деди у.

— Бу ишинг яхши!— деди Наим.— Мен ўзим майхўр бўлсам ҳам, аммо майхўрларни ёқтирмайман. Яша, бу ишинг яхши! Ичолмасанг, асло ичма! Чунки майни ҳам ича билиш керак. Бу ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди! Кўп кишилар май ичиб, кўтаролмай, расво бўлишади. Лекин мен... Ҳа, хўп, кел, майли, қўлим қайтмасин, бир пиёла ич, бошқа ичма!

Аббос ҳайрон бўлиб қолди. Наим Заҳарнинг улфатлари унинг сўзини қувватлаб, олинг, олинг дейишди. Аббос ўйлаб туриб, агар майхўр билан улфатчилик қилсанг, унга ёқиб қоласан деб кўнглидан кечирди, у мақсадга етиш учун, гўзал Нозгул учун унинг девбашара отаси қўлидан пиёлани олиб ичди.

— Ҳа, балли!— деди хурсанд бўлиб Наим,— худо хоҳласа, энди малоикалар омин деса, сен бизга куёв бўласан, худди ўғлимиздек... Шунинг учун нима десам йўқ дема! Мен ўғлимнинг зарарига гапирмайман... Хўпми?

— Хўп бўлади.

Кейин Наим аллақандай ишора қилган эди, бошқалар турли баҳона билан уйдан чиқиб кетишди. Улар иккиси юзма-юз қолди. Наим Заҳар яна бир пиёла ичиб, деди:

— Нозгулга совчи юборганингдан ғоятда хурсанд бўлдим... Чунки холангни биламан! Ўзинг ҳам шу атрофнинг боласи, бамаъни йигит, уддабурон, ишчан! Мен рози... Куёвим бўлишингга розиман! Лекин сени синаш учун битта шарт бор...

— Марҳамат! Агар қўлимдан келса...— деди хижолат тортиб Аббос.

— Ҳеч гап эмас, осон иш, қўлингдан келади!— деди Наим ва ўрнидан туриб гапимизни биров эшитмасин, деб даҳлиз билан ҳовлига қаради. У ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, яна ўрнига қайтиб гапини давом эттирди:

— Сен Зираобод қишлоғидан бўласан-а?

— Ҳа.

— Қишлоқларингда Ғани мерган деган киши бор, танийсанми?

— Ҳа, танийман,— деди Аббос, ҳали ҳам Наимнинг мақсадига тушунмасдан.— Ғани мерган ҳозир «Пролетаробод» милициясининг бошлиғи...

— Биламан, оти бор-а? Яхши оти бор-а?

— Ҳа, таърифли оти бор.

— Балли, яша! Мен унинг ана шу отини олмоқчиман...

Аббос ҳайрон бўлди. Бу гапнинг уни синаб кўришга қандай алоқаси бор? Нима бўлса ҳам у ўз фикрини айтди:

— У отини сотмайди.

— Буни ҳам биламан,— деди Наим Заҳар.— Агар сотса эди, жонимни гаров қўйиб бўлса ҳам, кийим-кечагимни сотиб бўлса ҳам, ҳатто бир тўрва тилла сўраса ҳам бериб олардим. Лекин гап шундаки, сотмайди, баччағар. Отидан бир қарич ҳам ажралмайди. Шунинг учун отни олишнинг бир йўли бор... Хўш, қандай?

Аббос ҳайратланиб Наимга анграйиб қаради-ю, саволига жавоб бермади.

— Уриб кетиш керак!— деди Наим керилиб ва кулиб қўйди.

— Қандай қилиб?— яна сўради ҳайрон бўлиб Аббос.

— Ҳа, балли, гап ана шу қандай қилибда-да?!— деди Наим худди мантиқ дарси муаллимидек.— Энди гапимга диққат билан қулоқ сол! Қандай қилиб дейсанми? Қандай қилиби шуки... Ғани мерганнинг қуроли бор, одами бор, ўзи ҳам жуда довюрак, мерган, ўқи хато кетмайди... Мен бир-икки одамим билан бориб очиқдан-очиқ олиб кетолмайман. Отишма бўлиб оқибатда иш расво бўлади. Шу сабабли бу масалада ҳийла-найранг қилиш керак, ҳушёр бўлиш керак...

Аббос аста-секин Наим Заҳарнинг ифлос мақсадини пайқагандек бўлиб, унга нисбатан дилида ғазаб-нафрат ҳисси қўзғала бошлади. У унинг гапларига жавоб бермай, ҳайрат тўла кўзларини Наимга тикарди...

— Гап шуки,— деди бўлажак куёвнинг авзойи ўзгарганини пайқамаган Наим,— сен ўша қишлоқдан, ҳатто Ғани мерганнинг, хато қилмасам, қўшниси бўласан... Сен қўшнингни ҳовлиси қанақалигини, йўлларини, бурчагу чуқур-чаноғини яхши биласан. Бу ишда сен менга катта ёрдам бера оласан... Гап ана шу! Уқдингми? Менинг синашим ҳам ана шу.

— Яъни?— деди нафрат билан Аббос.

— Яъни,— деди Наим унинг нафратланишини ҳаяжон ва қўрқувдан бўлса керак деб.— Яъни... Э, сен қўрқма! Ҳеч гап эмас! Гапимга қулоқ сол! Бу иш шундай бўлади: қулай бир кечани белгилаймиз. Ўша кечаси мен билан шериклар қишлоқларинг яқинида бирор пастқамликда пойлаб турамиз. Сен эса, ҳамма ухлагандан кейин, секингина Ғани мерганнинг деворидан ошиб тушасану, астагина отни ечиб, ҳовлидан чиқарасан ва келтириб бизга топширасан... Вассалом!

Мабодо хабардор бўлиб қолса ҳам, менинг қўлимдан отни ололмайди... Бу иш бир ёқли бўлгач, насиб бўлса, дарров тўйни бошлаймиз. Тўйда улоқ чоптирамиз... Ажойиб тўй бўлади! Сен ичкуёв бўласан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади! Тўралардай яшайсан... Нима дединг?

Аббос азбароин ғазабланганидан қўл-оёқлари титраб, юраги гурс-гурс ураётганини сезди. У тишини гижирлатди-ю, аввалига ҳеч нима демади, сўнгра:

— Йўқ,— деди ва ўрнидан турди.— Мен ўғирлик қилмайман!

— Бу ўғрилик эмас! Бу мардлик, бу чаққонлик, бу олифталик, нодон!

— Йўқ, бу ўғрилик ва номардликдир!— деди Аббос ўшқириб ва уйдан чиқиб кетди.

— Бўлмаса ўзингдан эҳтиёт бўл!— деди Наим унинг кетидан.

Бу учрашувдан кейин орадан бир ҳафта ўтгач, бир кеча Наим Заҳар учта қуролли одами билан келиб, Бухоро инқилобий фавқулодда атроф комиссияси номидан Аббос Козимзодани қамоққа олиб кетди. Асад Махсум билан Оқиловга ўз одамлари гувоҳлигида Козимзода босмачиларнинг одами, Когон атрофидаги қишлоқларда юриб, Асад Махсумга қарши шиқоят аризалари ёздириб марказга юборармиш, деб чақди...

Аббос саргузаштини Асога айтиб, илова қилди:

— Бу ифлоснинг қўлидан ҳар иш келади: ўзини оқлаш учун мени тезроқ йўқотишга ҳаракат қиляпти.

— Бўлмаган гап!— деди Асо.— Мамлакатда ҳукумату бошлиқ йўқ эканми? Ҳукумат бор, фирқа бор, депо ишчилари бор. Наҳотки...

Асо гапини тамом қилмасдан эшик очилиб, қоровул кирди. Асад Махсум чақиртирганини айтди.

16

Фируза клубнинг ташкилий ишларидан бўшаб, ўз кабинетига кирди ва юмшоқ диванга ўтириб, бир оҳ чекди. У анча чарчаган эди. У ҳомиладорлиги ҳар

томонлама билинаётганини сезаётганди. Энди у аввалгидек кўп югур-югур қилолмайди. Яхшиямки шу клуб, шу иш бор экан! Йўқса, у жинни бўларди. Ахир Куйбишев билан учрашганига, шунингдек, Низомиддиннинг ваъда берганига ҳам уч кун бўлди, лекин Асодан дарак йўқ. Фируза ич-ичини ерди, на ухларди, на томоғидан овқат ўтарди. Аммо кундузи клубга келар, дардини ҳеч кимга билдирмай, қизлар ва аёлларга жилмайиб муомала қилар, ҳатто улар билан ҳазиллашар, уларнинг дарс ва машғулотларида қатнашар, муаллималарга маслаҳатлар берар, идоралар ва хизматчилар билан муомала қилар эди... Аммо юраги, юрагининг бир чеккаси чўғ тушгандек жазиллаб турарди! Нима қилмоқ керак? Нима қилмоқ керак?.. Бу савол ҳамиша миясида чарх урарди...

Ниҳоят, яна ғайрат, шижоати жўш урди. Девор соатига қаради, соат уч бўлибди. У дик этиб ўрнидан турди-да, муаллималар хонасига бориб, илмий мудирга мен Ҳайдарқулнинг олдига, фирқа Марказий Қўмитасига бораман деди... ва паранжи-чачвонини ёпиниб, кўчага чиқди. У сўраб-сўраб тўппа-тўғри ташқи Дилкушо чорбогига боришга, Ойшанинг аҳволидан хабар олиб, Асони қидиришга жазм этганди. Шу мақсад билан у йўлни яқин қилай деб, чилангарлик растаси орқали Телпак растасига, ундан Атторлик растасига ўтиб, Қавола дарвозасининг катта йўлига чиқмоқчи эди, ногаҳон Телпак растасида Миракни, Саид Паҳлавоннинг ўғли, Ҳамроҳхоннинг уйини кўрсатган ўша Миракни учратиб қолди. Фируза индамай унинг елкасидан ушлади. Мирак жаҳл билан қайрилиб қаради-ю, дарров Фирузани таниди.

— Салом Фируза опа!— деди у.— Яхшимисиз, саломатмисиз?

— Шукур, шукур!— деди Фируза.— Бу ерда одам кўп экан, юр, нарироққа борайлик, сенда ишим бор.

— Майли, нима десангиз жоним билан!— деди Мирак Фирузанинг ёнида одим отиб.

Ўша вақтларда Бухоро бозорлари ва расталари яна жонланиб, ҳамма дўконлар очиқ, кўчалар серодам эди. Фируза билан Мирак тиқилинч Атторлик растасидан ўтиб, Чойфурушлик растаси ва кўмир саройига томон бурилди ва ниҳоят арпа бозори бостирмаси остидан бўш жой топиб, озгина дам олди, кейин Фируза

Миракдан нима иш қиляпсан, нега мактабга бормадинг, деб сўради.

— Мен мулла бўлдим!— деди Мирак жилмайиб.— Уч ойда мулла бўлдим, бас-да!

— Ростданми? Қайси мактабда ўқийсан?

— «Учинчи Тўрон» мактабида ўқирдим,— деди Мирак.— Шаҳарга кўчиб келганимиздан кейин, дадамлар элтиб қўювдилар. Лекин мактабнинг ғалваси кўп экан, менга тўғри келмади!

— Нега, нега?— деди Фируза ва Миракни жонҳолига қўймади, у қандай ўқиганини ҳикоя қилди:

— «Учинчи Тўрон» мактаби Пойи Остона гузарида, катта бир ижарадор ҳовлисида жойлашган эди. Уч синф — дарсхона бўлиб, мактаб идораси ва муаллимлар хонаси болохонада эди. Янги мактабнинг яхши томони шу эдики, эртадан кечгача ҳафтиякхонлик қилинмасди, «Чоркитоб» такрорланмасди, бир соатча бир муаллим кириб дарс берарди, сўнгра болалар бир оз ўйнаб, яна синфга кирар, бу гал бошқа муаллим дарс берарди. Шу тариқа уч-тўрт дарс ўқиб кетаверишарди. Дафтар, китоб, қалам, сиёҳ — ҳаммаси бепул берилларди. Мактаб мудирининг ўзи келтириб берарди. Фақат битта папка ёки китоб халтаси керак бўлувди, уни Миракнинг онаси қуръоннинг эскирган жилдидан тикиб берган эди. Мактабда яхши ошналарим ҳам бор эди, яхши ўйинлар ҳам қилишарди. Лекин бир куни унга китоб ва дафтар берган мактаб мудири учала синф болаларининг ҳаммасини бир кенг синфга тўплаб: эртага мен бу мактабдан кетяпман. Маориф ўрнимга бошқа кишини тайинлабди. Агар хоҳласанглар, ҳаракат қилсанглар, мени олиб қолишларинг мумкин, йўқса, бошқа киши келади, дебди. Маҳмадона болалар, айниқса синфхона бошлиқлари ва мактаб «човуш»* лари бизга бошқа мудир керак эмас, бу мудиримизнинг кетишига рози эмасмиз дейишибди. Шунда мудир, ундай бўлса, майли, эртага янги мудир келса, сиз билан танишмоқ учун синфга киради, сизлар ҳаммангиз синф деразаларидан, эшикларидан қочиб кетинглар, у билан саломлашманглар! У ёғини ўзим тўғрилайман дебди.

---

* Ч о в у ш — «вожатий»дай гап эди, мактаб болаларининг бошлиғи, намойиш вақтларида команда бериб борарди.

Эртасига мактаб болалари ўша кенг синфга йиғилди. Янги мудир муаллимлар билан кириб келди. Янги мудир: салом болалар, дейиши билан, болалар гурр этиб, ўзларини эшик ва деразалардан ташқарига урдилар. Янги мудир уста одам бўлса керак, ҳеч кимга индамай, муаллимлар билан идорага қайтиб кетди. Сўнгра «човуш» ва синф бошлиқларини чақирдилар, болохонада улар билан анча суҳбат ўтказишди. Шундан кейин яна қўнғироқ чалинди, ҳар ким ўз синфига кириб, ҳар кунгидек дарс ўқий бошлади. Орадан бир ой ўтди. Болалар янги мудирга энди кўникканда уни ҳам олиб, янги очилган бир мактабга мудир қилиб тайинлашди. «Учинчи Тўрон» мактабига қачон қарасанг мудраб юрадиган бир тошкентлик мудир бўлиб келди. Янги мудир бадқовоқ, баджаҳл эди. Намоз ва рўзани қаттиқ тутарди, синфларда диний дарс кўпроқ ўтиладиган бўлди. Унинг ўзи диний дарс берарди. У синфга обдаста келтириб, қандай таҳорат қилишни ўргатар ва болаларни беш вақт намозни канда қилмай ўқишга, рўза тутишга мажбур қилар эди.

Човуш довюрак, ғайратли бола эди. У мудир билан очиқдан-очиқ урушиб, рўза тутишни хоҳламай, мактабдан кетди. Унинг ўрнига Мирак ўқийдиган синф бошлиғини човуш қилиб тайинлашди, у диний дарслардан пешқадам эди. Яқиндан бери — рамазондан бери дарслар пешиндан кейин бошланарди (чунки рўза тутадиганлар тушгача ухлашарди), Мирак мактабга эртароқ келиб, ўртоқлари билан ўбдон ўйнади. Мактабга келаётганида онаси берган яримта ёғлик кулчани еб бўлди. Миракнинг ташвиқоти билан бир неча рўза тутган ўртоқлари ҳам рўзани бузиб, нон билан майиз едилар, сув ичдилар. У, мен далада шунча йил ишлаб юриб, бирор марта рўза тутмабман, намоз ўқимабман... Аммо худо мени ҳеч нима қилгани йўқ дерди... «Худо болаларга ғамхўр, рўза тутмасангиз ҳам гуноҳингизни кечиради!» Эҳтимол унинг ана шу ташвиқотлари мудирнинг қулоғига етгандир, ёки умуман мудирнинг феъли ёмон бўлгани учунми, қизиқ бир воқеа юз берди: пешиндан кейин ҳамма синфга тўпланиб, шўхлик қилиб ўтирарди. Мудир қовоғини солиб, болохонадан тушиб келди-да, Миракка ўзбек тилида деди:

— Сув келтир!

Ҳали ҳам қизиқарли ўйинлар таъсиридан халос бўлмаган Мирак мудир синфга сув септириб, супуртирса керак деб ўйлади-да, юз азоб билан болохонадан бир челак сув кўтариб тушди ва синфга олиб келиб, мудирнинг олдига қўйди. Мудир ҳам индамай ўрнидан туриб, қулочкашлаб Миракнинг юзига шундай туширдики, шўрлик бола бир неча қадам гандираклаб кетиб йиқилиб тушишига оз қолди.

— Обдастани келтир!— Бақирди мудир кўзларидан учқун сачраётган Миракка. Мирак умрида ҳеч кимдан шапалоқ емаганди, отаси унга доим калтак ейдиган даражада иш қилма, борди-ю, биров сени ноҳақ урса, жавобини қайтар деб ўргатарди. Ҳозир эса мудир, янги Шўро мактабининг мудири, диний дарс муаллими уни урди. Мудирнинг бўйи Миракникидан икки баравар баланд, қўллари ҳам Миракникидан ўн баравар кучли эди. Энди нима қилиш керак? Мирак аввалига синфдан югуриб чиқиб, беихтиёр болохонага — мактаб идорасига чиқди, шу ерда турган сопол обдастани олиб тушди, обдастани олиб тушар экан, унинг қаҳр-ғазаби ошиб кетди. У обдастани келтириб мудирнинг оёғи олдига қаҳр билан ташлади, обдаста чил-чил бўлди, ундан тўкилган сув мудирнинг узунчоқ камзули ва иштонининг ҳочаларини ҳўл қилди. Мудир ўрнидан сапчиб туриб, ғазаб билан қўлини кўтарди-ю, Миракни урмоқчи бўлди, лекин шу пайт ҳамма болалар гуриллаб партадан туришди, мудирнинг кўзи Миракнинг ғазабдан чақнаган кўзларига тушди-ю, баланд кўтарилган қўли беихтиёр пастга тушди. Мирак ҳам партадан китоб халтасини олиб, индамасдан чиқиб кетди.

— Шу билан ўқишни ҳам йиғиштириб қўйдим!— деди ҳикоясини тугатиб Мирак. Фируза бу ҳиколни эшитиб, гоҳ кулар, гоҳ ғазабланар эди.

— Даданглар бу воқеани эшитдиларми?— сўради у.

— Йўқ, ҳали эшитганларича йўқ,— деди Мирак.— Бир ҳафтадан буён дадамларнинг дараклари йўқ. Ойим хавотир оляптилар...

— Бўлмаса,— деди Фируза,— юр, ҳозир даданглар нинг олдига борамиз... Мен айтмоқчи бўлган иш ҳам шу эди: сен йўл бошлаб, мени ташқи Дилкушога, даданглар нинг олдига олиб борсанг дегандим, Чунки

сен йўлни яхши биласан, бир неча марта бориб келгандирсан?

— Йўлини билишга-ку биламан-а...— деди ўйлаб Мирак.— Лекин дадамлар нима деяркинлар?

— Даданглар хурсанд бўладилар, сенга офарин, дейдилар!— деди Фируза.— Парво қилма, мен бор! Бўла қол, укажон, тезроқ борайлик, вақт кетиб қолди.

— Пойтун кира қилсак нима бўлади?— Катталик билан таклиф қилди Мирак.

— Майли-ку,— деди Фируза,— лекин Дилкушогача эмас, узоқдан чорбоғ дарвозаси кўриниши билан файтонга жавоб берамиз.

Улар хашак бозоридан бир отлиқ файтонга ўтириб, шаҳар ташқарисига, Дилкушо чорбоғига қараб жўнашди. Паранжи-чачвонни йўқотиш тарафдорларидан бири бўлган Фируза ҳозир аксинча, паранжи-чачвон ёпинганидан хурсанд эди, чунки паранжи ичида унинг кимлигини ҳеч ким билмайди. Йўқса, одамлар Дилкушо чорбоғига кетаётганимни билади, ҳамма менга савол назари билан қараб, шубҳаланади, истеҳзо билан боқади, деб ўйлади.

Аммо Мирак файтонга тушишидан ўзида йўқ хурсанд эди. У Фирузанинг ёнида қаддини гоз тутиб ўтирар ва ичида: э худо, қани энди шу пайт бир-иккита ошнам учраб қолса-ю, файтонда ўтиб кетишимни кўрса, дерди. Афсуски бирорта ошнаси ҳам учрамай, файтон шаҳардан чиқди.

Дилкушо чорбоғидан тахминан бир чақирим берироқда файтонга жавоб беришиб, пиёда кетишди.

— Яна пича файтонда борсак бўларди,— деди Мирак Фирузанинг дармонсизлик билан йўл юришини кўриб.— Ҳали чорбоғ кўринмайди-ку.

— Майли, аста-секин бораверамиз,— деди Фируза.— Ҳеч гап эмас...

Лекин ҳақиқатан Фирузанинг юраги гурсиллаб урар, оёқлари ҳам аллақандай ҳаяжондан латтадай бўшашиб кетган эди. Нима бўларкин? Борди-ю, ўша золимнинг қўлига тушиб қолса-я? Саид Паҳлавон уларни хушхабар билан кутиб олармикин ёки хафа қилармикин? Асонинг ҳоли не кечган бўлса? Илгарилари амир ишратхонаси бўлган бу чорбоғда не-не номуслар барбод бўлган бўлса, шу боғ деворлари орасида мазлумларга не-не жабр-жафолар қилинган бўл-

са, ҳозир ҳам бу боғ хавф-хатардан ҳоли бўлмаса керак. Асад Махсумнинг кирдикорлари, жабру жафолари амирникидан қолишмайди дейишади. Унинг одамлари Бухоро атроф-теварагидаги фуқаролар бошида ёнғоқ чақармиш...

— Ана, Дилкушо чорбоғининг дарвозаси кўринди, — деди Мирак Фирузанинг хаёлини бўлиб,— ишқилиб, дарвоза олдида таниш қалавур* бўлсин-да.

— Таниш қоровулинг борми ахир?— сўради Фируза.

— Ҳа, бор,— деди Мирак ва Фирузадан сал олдинроққа ўтди. Ахир у йўл бошловчи-ку!

Дилкушо чорбоғининг дарвозахонаси ўнг томондаги сердарахт кўчанинг охирида бўлиб, дабдабаси анча олисдан киши диққатини ўзига тортарди. Амир вақтида фуқаролардан ҳеч ким дарвозага яқин келиш у ёқда турсин ҳатто бу кўчадан ўтолмасди! Ҳозир ўша даражада бўлмаса ҳам, лекин дарвоза ёнида ва чорбоғ деворлари бурчакларида посбонлар туришарди. Бу жой Бухоро атрофидаги босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг қароргоҳи бўлиб, унинг раиси Асад Махсум эди. Бу жойга ижозатсиз қуш ҳам учиб ўтолмасди. Шу боисдан халқ бу тўғрида ўзбек тилида шундай шеър тўқиган:

Эрта бирлан тоққа борсанг,
Тоғ шамоли тортадур,
Беижозат боққа кирсанг,
Махсум кўрса отадур!

Хайрият, уларнинг бахтига шу куни дарвозада Орзиқуллар навбатчи экан. Улар Саид Паҳлавоннинг ўғли Миракни яхши танишарди. Мирак кулиб, уларга яқинлашди-да, саломлашиб ҳол-аҳвол сўради ва опам билан бирга дадамнинг олдига келувдик, бир зарур иш, маслаҳат чиқиб қолди, деди...

— Зарур иш чиқиб қолган бўлса, марҳамат!— деди Орзиқул.— Дилкушо чорбоғи паҳлавонзодаларга очиқ!

Мирак раҳмат айтиб «опаси» билан боққа кирди. Бу катта ҳовлида кўпгина хона ва меҳмонхоналар бор

---

* Қалавур — қоровул.

эди. Лекин Мирак отасининг супа остидаги ертўлада туришини биларди. У тўғри ертўлага борди, Саид Паҳлавон ошпазга гуруч ўлчаб бераётган экан.

— Салом, дадажон!— деди у.— Биз келдик... Бир иш чиқиб қолди...

— Салом-салом!— деди Паҳлавон Мирак билан бирга келган паранжилик аёлни кўриб.— Хуш келибсизлар! Қани, ўтиринглар, ўтиринглар! Мен ҳозир...

— Неча киши бўларкин?— сўради ошпаз.

— Ўн кишича бўлса керак... Ҳар ҳолда кўпроқ пиширр!

Ошпаз гуруч халтасини кўтариб кетди. Фируза чачвонини сал кўтариб, Саид Паҳлавонга салом берди. Паҳлавоннинг эси чиқиб кетди.

— Фируза?!— деди у беихтиёр ва унга яқинлашиб бош чайқади.— Нега келдингиз?

— Ё мени ҳам қаманг, ё Асони бўшатинг, деб келдим.

Саид Паҳлавон чойнак шамасини ҳовли юзидаги ўрага тўкиш баҳонаси билан ташқари чиқди-ю, тўрт томонга қараб, кўнгли жойига тушгандан кейин ертўлага кирди ва деди:

— Неча кундан буён сериш бўлиб, шаҳарга тушолмадим. Лекин Асодан бир нафас ҳам бепарво бўлганим йўқ... Яхши биламанки, унга ҳеч нарса бўлмайди. Махсум ўзининг бошлиғига уни бўшатаман, деб ваъда берди. Лекин ўзим биламанки, ҳозиргача Махсум тиниб-тинчигани йўқ. Дам Вобкентга, дам Занданига бориб келади... Бунинг устига Жаббор қўрбошининг жанжали... Ўзининг ҳам боши қотиб қолган... Мен ҳам фурсат топиб, Асони бўшатишингиз керак эди, деб эслатганимча йўқ.

— Хўп, Асонинг ўзи қалай? Қаерда?

— Асо ҳовличада, алоҳида хонада, бир зираободлик йигит билан ўтирибди. Ҳар жиҳатдан тинч, лекин эркин эмас. Овқатидан ўзим хабар олиб турибман...

— Ғам-ғусса чекса керак. Озиб кетган бўлса керак?

— Албатта хурсанд эмас. Сизни ёдлайди, зерикади, лекин мен далда бериб тураман.

— Ойша қалай? Аҳволи нечук?

— Ойша!— деб қўл силтаб қўйди Саид Паҳлавон.— Ойша тузук, хурсанд кўринади...

— Йўқ, ишонмайман!

— Ана, кириб кўринг! Гулдай очилиб юрибди.

— Ойша-я?

— Ҳа, Ойша. Ҳайдарқул ошнамнинг жияни!

Фируза ҳанг-манг бўлиб қолди. Шу чоққача ертўладаги гуруч, шакар, ун, нўхат қоплари ва бошқа нарсаларни кўздан кечириб турган Мирак гапга аралашди:

— Опажон,— деди у,— истасангиз, сизни ичкари ҳовлига, Ойша опамнинг олдига олиб бораман.

— Агар ўз ихтиёрингга қўйиб қўйса, сен кўп ишлар қиласан!— деди танбеҳ бериб отаси.

— Мен нима қилдим?— деди маъюсланиб Мирак.

— Бу ерга сўрамасдан келганинг нима?!

— Бунга мен айбдорман!— деди дарҳол Фируза.— Ҳол-жонига қўймай мен олиб келдим. Ҳа, айтгандай, Мирак аразлаб мактабдан кетиб қолибди.

— Қандай қилиб? Киши ҳам мактабдан аразлайдими?

— Ҳа, мудири бир шапалоқ уриб, хафа қилибди.

— Бирор иш қилгандирки, ургандир-да?

— Ҳа, бирор иш, бирор иш эмиш!— деди Мирак кўзларига ёш олиб.— Фақат бирор иш...

— Йўқ, дадаси, Мирак ҳақли!— деди Фируза.— Мен ичкари ҳовлига кириб, Ойшадан хабар олай. Хўп, сен хафа бўлмай, мактабда бўлган воқеани дадангга айтиб бер!

Мирак индамади. У орқасини ўгириб, арпа қоплари устида ўтирарди.

— Агар ичкари ҳовлига кирмоқчи бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг!— деди Саид Паҳлавон.— Мабодо Махсум кўриб қолса, яхши бўлмайди. Соясидан ҳадиксирайди бу лаънати... Хафа қилиб қўйиши мумкин.

— Хўп-хўп,— деди Фируза ва ичкари ҳовли йўлагини сўраб-суриштириб, ўрнидан турди, ертўладан чиқди.

Ташқари ҳовлида унга ҳеч ким дуч келмади. Қоронғи йўлакдан ўтиб, ичкари ҳовлига кирар экан, ошхона олдида корсон товоқда мош тозалаб турган Бибиражабни кўриб қолди.

— Ассалом!— деди паранжисини бошидан олиб Фируза.— Бибиражаб корсон товоқни ушлаганича ҳайрон бўлиб қолди, аввалига гапиролмади ҳам, кейин ўзини ўнглаб олиб:

— Ассалом,— деди у.— Бу тушимми ё ўнгимми, Фирузажон!

У товоқни ошхона супасига қўйиб, югуриб келиб Фируза билан кўришди.

— Қайси шамол учирди? Бу қандай яхши кун экан! Ишқилиб, соғ-саломатмисиз? Оймулло саломатмилар! Қани, уйга марҳамат! Ойшажон уйда, тикиш тикиб ўтирувди. Неча кундан буён мошкичири қилинг, юрагим гумуриб кетяпти, деб қулоқ-миямни еяпти. Хўп, майли дедим. Ҳар куни палов ея̆вериб меъдага ҳам тегди... Мош тозалаб турсам, чап қовоғим учаверди. Худоё худовандо нимадан суюнтирар экан, деб турувдим, сиз кириб келдингиз... Қани, уйга марҳамат! Ойшахон, меҳмон келди!

Ойша уларни даҳлиз эшиги олдида кутиб олди. Ойшанинг эгнида марғилон хонатласи, бошида саккиз қуббалик зардўзи дўппи бор эди, сочлари майда ўрилган, қулоқларида узун олмос кўзли исирғалар, бармоқларида қатор-қатор узуклар, оғзи қулоғида... гулдай очилган...

— Фирузажон опа!— деди у унга ёпишиб ва юзларидан чўлп-чўлп ўпаркан, нима қилишини, атрофида қандай парвона бўлишини билмас эди...— Зап келибсизда-а?! Бизларни йўқлаб... Мен ҳамма биздан юз ўгирган, деб ўйлаган эдим... Худога шукур, худога шукур!

Лекин Фируза нима дейишини, қандай муомала қилишини билмай, имкон борича саволларга сохта табассум билан сипогина жавоб қайтарарди. Улар ясатилган хонага кирдилар. Бу хона туркман гиламлари, шоҳи-бахмал кўрпачалар, пар ёстиқлар билан безатилганди, кенг хона тўрида қуббали кенг сим каравот бўлиб, устига каштали чойшаб ёзилганди, токчаларда турли чиройли идишлар ва қимматбаҳо чинилар турарди, каравот тепасидаги михларда тўппончa ва қиличлар осиғлиқ... Хона пойгаҳида бўйи шифтга етадиган биллур ойна турарди. Хонанинг учта катта деразаси бўлиб, ойналари қизил, сариқ ва кўк эди, ичкаридан эса оқ тўр пардалар тутиб қўйилганди, бундай пардалар ўша вақтларда камдан-кам хонадонларда учрарди.

Фируза ўрта деразага яқинроқ ўтириб, омин, деди. Уй эгалари унга хуш келибсиз, дейишди. Шундан ке-

йин ногаҳон ўртага жимлик чўкди. Уйдагилар нимадан гап бошлашни билмай қолишди. Фируза Ойшани табриклашини ҳам ёки унга далда бериб, Каримнинг саломатлигини айтишини ҳам билмасди. Ойша ҳам ўзини ноқулай ҳис қилгандай, қандайдир бир ўй уни эзаётгандай эди. Ниҳоят бу жимликни Бибиражаб бузди:

— Ҳайдарқул акам қалай, ҳеч кўрасизми?— деди.

— Тузук, ишлаб юрибдилар,— деди Фируза ва бир оздан кейин илова қилди,— бу воқеаларни эшитиб жуда ташвишландилар, хафа бўлдилар.

— Ҳа, тақдиру насиба экан!— деди кампир.— Ишларнинг бунчалик тескарисига кетишини биз қаёқдан ҳам билибмиз. Бўлмаса Гиждувонга тўй-томоша қилиш учун кетаётган эдик... Шўрлик Каримжон нобуд бўлди, босмачилар отиб ташлашди. Кейин Махсум бизни бу ерга олиб келди-ю, кечани кеча, кундузни кундуз демай, Ойшажон атрофида парвона бўлди, одам қўйди, ўзи ялиниб-ёлворди, ахири мусулмонча никоҳ қилиб, бу уйга кирди. Ҳозир худога шукур, яхши, Ойшажонни ўтирғизгани жой тополмайди, қўлида кўтариб юради, кап-катта эркак йигитлардай ошиқу шайдо... Ойшажон ўл деса, ўлади, тирил деса, тирилади...

— Ойшажон-чи?— сабрсизлик билан сўради Фируза.

— Ойшажон ҳам... Ахир одам-да, ёш, парвона бўлиб тургандан кейин бу ҳам...

— Нима қилай, опажон,— деди Ойша ҳам гапга аралашиб,— тақдиру насиба шу экан. Худо менга Каримжонни буюрмаган экан, Махсумни буюрган экан. Кўз очиб шуни кўрдим, энди сал кўникиб ҳам қолдим... Албатта ҳар доим шаҳид Каримжоннинг арвоҳига фотиҳа ўқиб тураман. Шўрлик бола жувонмарг бўлди... Илоё жойи жаннатда бўлсин!

Фируза Махсум уларни алдаб, Каримни ўлдига чиқарганини ва шу йўл билан мақсадига етиб, қиз кўнглини ҳам сал ийдирганини билди. Шу сабабли дарров Каримнинг тирик эканини гапириб, она билан қизни шошириб қўйишни истамади.

— Махсум ҳам ишқ-муҳаббатни биларканми?— атайин сўради у.

— Гапингизни қаранг-а!— деди Ойша.— Менимча, ҳеч қайси эркак Асад Махсумдек севолмайди. Севган-

да ҳам бунчалик шайдо бўлмайди. Аввалларн юзини кўрмасам дердим, эр зотидан безор эдим, ҳамиша кўз ўнгимда Каримжон эди. Лекин бора-бора Махсум шунчалик ром қилдики, мен ҳаммасини унутдим. Чиндан ҳам менга ўлгудек кўнгил қўйган экан, унинг шу меҳр-муҳаббати менга ҳам ўтди, мени ҳам шайдо қилди...

— Ҳа, тўғри, бу эркак баттол, қонхўр, қамчисидан қон томади, ҳамма ундан қўрқади,— деди Бибиражаб,— лекин Ойшага қолганда тамоман бошқача! Шу қадар меҳрибон, шу қадар дилкаш, шу қадар тили ширин, шу қадар ноз кўтарадиганки, асти қўяверинг! Ширин сўз билан илон инидан чиқади, деганлари бежиз эмаскан! Бу эркак шундай қилди. Ҳар ҳолда акам биздан ранжигандир, ораларида хусумат борлигини биламан. Лекин худо ярлақаб Ойшажон баҳона бўлса-ю, бу икки ёв бир-бири билан ярашиб кетса ажаб эмас!

— Йўқ, ҳеч қачон ярашмайди!— деди Фируза.— Энди куёвингизку майли, балки сизга маъқулдир, илоё қўша қаришсинлар, ували-жували бўлишсин, лекин куёвингиз кўп ишлар қилди, қиляпти ҳам, бу ишлари инсофу диёнат у ёқда турсин, одамгарчиликдан ҳам эмас!

— Нима қилибди?— норози бўлиб сўради Ойша.

— Энг кичик иши шуки, менинг Асожонимни бир ҳафтадан буён қамаб қўйибди!

— Асожон!— ҳайрон бўлиб сўради она-бола.

— Ҳа, Асожонни, менинг эримни... сизни деб!

— Сизни деб?!— баттар ҳайрон бўлиб сўради Ойша.

— Ҳа, сизни деб!— деди Фируза.— Чунки Асо Карим ўқ еб, йўлга йиқилиб қолгандан кейин, уни Бухоро касалхонасига олиб келиб ётқизди, даволаттирди!

— Нима? Нима?— деб Ойшанинг ранги оқариб кетди.— Каримжон тирикми?

— Вой ўлай!— деди кампир.— Каримжон тирикми? Ҳозир қаерда?

— Ҳозир у узоқ жойга кетган, бошлиғи уни яхши тузалиб келгин деб, билмадим, аллақаёққа юборган.

Ойша тоқат қилолмай йиғлаб юборди.

— Вой Каримжон! Вой Каримжон!— деб тиззасига урарди.

— Энди бефойда!— деди Фируза.— Ҳақиқатан тақдиру насиба экан. Ҳийла-найранг билан бўлса ҳам Махсум сени хотин қилиб олди, тақдирингга тан бериб юраверасан! Лекин Махсумжонинг Каримни деб Асони қамаб қўйди. Энди агар юзхотир қиламан десанг, шу кеча эринг келганда айт, Асони қўйиб юборсин. Карим бу ерда йўқ, сизларга бир нима демайди ҳам. Замона ўзгарган, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида!

— Ҳа, офарин!— деб даҳлиз эшигидан Махсум кириб келди. Юрак дардини айтиш билан овора бўлиб, Махсумнинг кириб келганини сезмай қолган учала аёл ҳам тўсатдан унинг товушини уй ичида эшитиб, ўринларидан бир сапчиб тушишди.

— Энди ҳар кимнинг ихтиёри ўзида бўлиб қолган!— гапини давом эттирди Махсум.— Салом, Фирузажон, хуш келибсиз, қадамларига ҳасанот! Мен ўзим сизни кўриб, гуноҳларимни эътироф қилиб, узр сўрамоқчи эдим. Ростдан ҳам менинг одамларим, муовинларим салласини олиб кел десангиз, калласини олиб келишади. Иш кўплигидан бу ерда нималар бўляпти, нималар қўяпти хабарим ҳам йўқ. Ҳозир сизнинг келганингизни эшитиб, билсам, лаънатилар ҳали ҳам Асога жавоб беришмабди... Хайр, ҳечқиси йўқ, Асо бу ерда махбус эмас, меҳмон эди.

Фируза аввалига ҳеч нима деёлмади. Фирузанинг бу иккиюзламачи, мунофиқ, жаллод ва бераҳм кишига нисбатан дилидаги нафрат, гина-кудурати томоғини бўғиб қўйган эди... У бир оздан кейин ўзини тутиб олиб, деди:

— Мен Асо учун эмас, табриклагани келган эдим...

— Ҳа,— деди Махсум дастурхон келтиргани даҳлизга чиқиб кетаётган қайнанасининг ҳурмати учун ўрнидан сал туриб.— Ҳа, ташаккур, раҳмат! Кўрдингми, Ойшажон, Фируза опанг табриклагани келдим деб ҳам кўнглимизни тоғдай кўтаряпти-ю, ҳам қалбимизга наштар уряпти. Тўғри, биз тўй қилолмадик, тўғриси, бир коса сув билан никоҳ қилиб олдиму, ана шу паризодга ўла-ўлгунча қулингиз бўламан деб тирикчилик тўрвасини бўйнимга осдим.

Ойша уялиб:

— Бу кишини қаранг-а!— деди-ю, ўрнидан туриб, чопиб даҳлизга чиқди.

— Уялди!— деди Махсум Ойшанинг кетидан қа-

раб.— Шарму ҳаёнга қурбон бўлай!.. Сиз ишонмайсиз, албатта, мени фирибгар, жодугар ва афсунгар дерсиз... Нима десангиз ихтиёрингиз! Лекин Каломулло ҳаққи, мен бу нозанин қизни бир кўришдаёқ кўнгил бердим, ошиқ бўлдим, унга жонимни фидо қилишга тайёрман. Сиз уни алдаб ё қўрқитиб ўзига ром қилган деб ўйлаяпсизми, йўқ! Мен уни ишқ-муҳаббатим оташи билан ёмшатдим... Мен унга шунчалик меҳр қўйганманки, асти қўяверинг. Ана шу чексиз муҳаббатим, ана шу пок ишқим уни ром қилди, ҳаммадан воз кечди, менга тегди... Менга энди бўлак ҳеч нарса керак эмас, энди мен ҳеч нарсадан тап тортмайман...

Комрон бўлдиму хушҳол, бу эмас менга ажаб,
Мустаҳиқ эрдиму, бу — менга тегишли ҳақ эди!

Фируза чиндан ҳам ҳайрон бўлиб қолди. У Махсумнинг гапларига инонди ва ҳеч бўлмаганда, ҳозир айтган гаплари самимий эканини, ҳақиқатан ҳам Ойшага ошиқ бўлиб қолганини билди. Махсумнинг Ойшага ошиқ бўлиши ва дил боғлаши айниқса Фируза учун ҳақиқатан ҳам ҳайрон қоларли иш эди, чунки у Махсумни яхши биларди.

— Карим даъво қилса, Ҳайдарқул дод солса, эл нима деса, майли!— деди гапида давом этиб Махсум.— Сиз ҳозир эркин замон, севишганлар муродига етадиган замон, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида дея тўғри айтдингиз! Агар истасангиз, мен бу ердан чиқиб олисларга кетаман, сиз хўп сўраб-суриштириб кўринг, қани нима дейди. Агар зўрлик билан олди, деса, билганингизни қилаверинг...

— Биламан, пайқадим,— деди Фируза.— Шубҳага ўрин қолмади, бу ўринда ишқ-муҳаббат сеҳр, жодудан устун келибди. Хайр, модомики Ойшанинг ўзи хоҳлаган бўлса, ҳеч ким, ҳеч нима демайди, Каримжон ҳам ўзига муносибини топиб олар, хотинсиз қолмас.

— Ҳа, офарин!— деди Махсум.— Энди сиздан илтимос шуки, кўрган-билганингизни холисона тоғаси Ҳайдарқулга айтинг.

— Кошки шу билан гина-адоват орадан кўтарилсайди!— деб қўйди даҳлиздан дастурхон кўтариб кираётган Бибиражаб.

— Кошкийди!— деб қўйди Фируза ҳам.

Лекин дилида минглаб ойшалар Махсум билан Ҳайдарқул орасидаги гина-ю адоватни бартараф қила олмаслигига ишонарди.

Дастурхон ёзилиб, ширинликлар қўйилди. Махсум бир пиёла чой ичиб, ўрнидан турди.

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен кейинроқ келаман,— деди ва чиқиб кетди. Уч аёл чой ичишди, ҳаммаси ҳам ўз фикр-хаёли билан банд эди. Фируза то бу ерга келгунича ўз севгилисига етолмай, золим қўлига тушиб қолган бахтсиз Ойшани ўйлаб қайғурарди... Лекин бу ерга келиб кўрдики, унинг бу ўйхаёллари беҳуда экан. Замон ва турмушнинг ўзи бу чигални ечибди, аксинча Ойша бахтлидай, мақсадига етгандай кўринади. Хайр, нима бўпти... маъшуқасининг кўнглини топа билган киши — ошиқ, дерди у ўзига ўзи. Модомики, Асад Ойшанинг кўнглини топа билибдими, майли, ихтиёри! Ҳайдарқул амаким ҳам бунга кўникмоқлари керак, бошқа илож йўқ! Лекин шуниси борки, Махсум жиноятга ботиб, сири фош бўлса, одил халқ маҳкамаси уни қаттиқ жазога тортса, ана шунда Ойшага қийин бўлади. Агар Ойшанинг ақли бўлса, Махсумнинг ана шу ишқ-муҳаббатидан фойдаланиб, уни тўғри йўлга, ҳақиқат ва адолат йўлига солиб юборади...

Аммо Ойша Каримни ўйларди. Карим тирик экан... Маълум бўлдики Асад Махсум уни алдабди. Агар Карим Ойша билан рўбарў келиб қолса, у Каримнинг юзига қандай қарайди, унинг саволларига нима деб жавоб беради?! Мен йўлингда жонимни аямадим, сени деб, сени қутқараман деб инқилоб йўлига кирдим, амир аскарларига қарши жанг қилдим, сени минглаб асиралар орасидан топиб олдим, зўр орзу-умидлар билан йўлга чиқдик... Энди нима бўлди?! Ишқ-муҳаббат нима бўлди? Ҳаммасини унутиб юбордингми? Асаднинг ширин гапларига алдандингми? Ҳа, шундай дейишга Каримнинг ҳақи бор! Аммо Карим Ойшанинг аҳволидан бехабар. Ойша ҳам ҳаёт ва мамот орасида эди. Ойшанинг ҳам ўлишига сал қолувди... Ойша туну кун Карим ғамида емади, ичмади, мижжа қоқмади... Лекин не қилсинки, Каримнинг ерга думалаб тушганини ўз кўзи билан кўрган эди. Бу одам — Асад Махсум зўрлик, зулм қилмади, ҳолбуки, зўрлик, зулм қилиш қўлидан келарди... Устаси фаранг бўлса ҳам

қийла-найранг қилмади... Фақат унинг кўнглини овлашга интилди, муҳаббат, самимийлик, камтарлик ва садоқат билан унинг қалбида ишонч ҳосил қилди, сўнгра шариат йўли билан, мусулмончилик қоидаларига мувофиқ никоҳ қилди ва икки дил бирлашди... Ҳайр, майли! Фирузанинг ўзи кўрди, эшитди... Наҳотки таъна қилса, айбласа?

Ойшанинг онаси Бибиражаб қизидан ҳам кўпроқ ич-этини ерди. Ахир у Каримжонни ўз фарзандидек тарбиялаган эди. Ойша унга деярли бешиккетти эди. Ичкуёв қиламан, битта фарзандим иккита бўлади, арвоҳлар, ўтган-кетганлар руҳи шодланади, ҳамма бу тўйдан, севишганлар никоҳидан хурсанд бўлади, деган эди... Айниқса Ҳайдарқул қизилтўй қилинглар, бу қизилтўй биринчи, янги, замонавий тўй бўлсин, деб тайинлаган эди. Кейин Бухородa Ҳайдарқулнинг ўзи бош бўлиб тўй қилмоқчи эди... Ана шу орзу, ниятларнинг ҳаммаси бир ўқ билан пучга чиқди, ишлар остин-устун бўлиб кетди. Ҳайриятки, бу баттол инсоф билан иш тутди, зўрлик қилмади, рози-ризолик билан, мусулмончилик қоидалари билан никоҳлаб олди... Хайр, тақдиримиз шу экан... Фирузажон эсҳушли қиз, ўзи кўриб, эшитди. Тоғасига ҳам гапнинг ростини айтса керак...

— Ҳайдарқул ҳам ниҳоятда ўжар, бир сўзли одам,— деди жимлигини бузиб Бибиражаб.— Нега айтганим бўлмади, деб туриб олиши мумкин. Лекин жон Фирузажон, илоё барака топинг, ўзингиздан қолар гап йўқ, кўзингиз билан кўрдингиз, яхшилаб тушунтиринг, аҳволимизни айтинг, иложи бўлса, бир келсин, биз билан ярашсин.

— Майли, майли,— деди Фируза,— айтаман, албатта айтаман. Сиз асло хавотирланманг, ҳеч гап эмас... Тақдиру насиба шу экан. Қани бир оз вақт ўтсин-чи, турмушнинг ўзи қинғир-қийшиқ ишларни тўғрилаб қўяди.

— Қани, айланай, олинг, майда-чуйдалардан олиб ўтиринг!— деди Ойша Фирузани дастурхонга таклиф қилиб.

Шу пайтда Асад Махсум муовинлари ва аскар бошлиқлари билан меҳмонхонада жуда махфий мажлис ўтказмоқда эди. Нанм Заҳар ва Саид Паҳлавонга бог атрофи ва ҳовлидан хабардор бўлиб, ҳеч ким, ҳеч

жон зотя меҳмонхонага, ҳатто унинг яқинига ҳам йўлатмаслик топширилди.

Асад Махсум ўз дўстларига ният ва мақсадини очиқ айтиб, уларни бугунги планлари билан таништирди...

— Ростини айтсам, мен сиз бирodарларим билан ҳар қандай мушкулни осон қила оламан. Сизларнинг қаҳрамонлигингиз, фидокорлигингиз ва қўрқмаслигингизга ишончим комил. Лекин боя айтганимдай, ният ва режаларимиз катта. Улуғ ишлар, улкан мақсадлар катта куч-қувват, зўр қудрат бўлмаса қўлга кирмайди. Мен ҳамма ишларда қўлимиз баланд бўлишини истардим. Мен истардимки, ҳозирча назарга кирмайдиган бу Комиссиямиз Бухорода Шўро ҳокимиятининг асоси бўлиб қолсин. Биз билан сиз ҳукмрон бўлиб, биз билан сиз ишларни ҳал қилайлик... Йўқса, мамлакат қўлдан кетади. Ҳа, ҳа, мамлакат қўлдан кетади. Бир томондан инглизлар, бир томондан амир ва босмачилар, бир томондан руслар... Менимча бу ердаги ҳозир бўлганларнинг ҳеч бири яна амирга қул бўлишни ёки ҳиндулардек инглизларга асир бўлишни хоҳламайди! Ҳозирги Бухоро Жумҳурияти ҳукумати бу борада ўйламайди... Шаҳар ташқарисини бизга топшириб қўйиб, ўзлари кошоналарда кайфу сафо билан машғул... Зўр келганда Тошкент билан Москвага мурожаат қилишади. Гап бундай бўлмапти-да ахир!

Мана шунинг учун мен Жаббор қўрбоши шайкасини таслим қилиб, ўзимизга ҳамроҳ қилмоқчи бўлдим. Бир кишидан икки киши яхшироқ албатта! Лекин назаримда Жаббор бизнинг таклифимизни қабул қилмайди. У барча қуролларини Пошшабиби оёғи остига элтиб ташлаб, энди сира урушмайман, демоқчи шекилли. Мен кўп гапирдим, тушунтирдим, бўлмади. Бу ўжар, аҳмоқ кўнмади. Бу кеча охирги марта қатъий гаплашамиз. Ё ҳа дейди-ю, омон қолади, ё йўқ дейди-ю, боши кетади!

Махсумнинг бир-иккита хушомадгўйлари кулиб, деди:

— Албатта Жабборнинг боши кетади!

— Ҳа, балли!— деди Максум.— Шунинг учун ҳам мен сизларни чақирдим. Аввало шуки, бу кеча биз Жаббор қўрбошини икки баттол муовини билан чақиртирдик. Зиёфат қуюқ бўлади. Майли, улар қурол

билан келишсин, лекин биз ҳаммамиз гўё қуролсиздек кўринайлик. Бизнинг қуролларимиз, яъни ўқ тўла тўппончаларимиз хонтахта тагида маълум жойларда туради, буни сизлар биласизлар. Мен ишора қилишим билан, сен, Наим Заҳар, сиз Оқилов, Исматжон ва ўзим баравар тўппончаларни олиб, уларнинг кўкрагига тўғрилаймиз. Хизматда бўлган Саид Паҳлавон ва унинг одамлари эшик ҳамда деразалар олдида қўлда милтиқ билан ҳозир бўлишади. Биз Жабборни шериклари билан қуролсизлантириб, қўлларини боғлаймиз ва келишувга мувофиқ Чекага элтиб топшириб, Чека одамлари орқали Регистонда оттириб ташлаймиз.

Бу орада сиз, саркардалар, ҳамма одамларингизни билинтирмасдан босмачилар қароргоҳи атрофига қўйиб, тайёр турасиз. Бунга сиз, Исматжон, бошчилик қиласиз. Биз қўрбоши ва шерикларини Чекага топширгач, қўрбоши қароргоҳига борамиз ва ҳаммасини ўзимизга итоат қилдирамиз...

— Уларни ўзимизга қўшиб оламизми?— сўради Оқилов.

— Ҳа, шундай топшириқ бор... Лекин кейинчалик уларни ром қилиб, ўзимизга ҳамроҳ қиламиз ва қуролларини қайтариб берамиз. Аммо бу гап ўртамизда қолсин!

Махсум гапини тамомлаб, ҳозир бўлганлардан фикрларини сўради. Унинг феълини яхши билган муовинлари ва ёрдамчилари якдиллик билан Махсумнинг режа ва планларини маъқулладилар. Сўнгра Махсум уларнинг ҳар бирига махсус топшириқ бериб, мажлисни ёпди. Саркардалар меҳмонхонадан чиқиб, ишнинг пайидан бўлишди. Асад Махсум Саид Паҳлавонни чақирди.

— Тез бориб Асони олиб келинг!

Саид Паҳлавон қувониб, Асони олиб келишга шошилди. У Асонинг озод бўлиб, Фирузанинг анча тинчишини биларди. Асо бир эшиклик хонада зориқиб кутарди. Чунки у Саид Паҳлавондан Фирузанинг келганини ва Махсумнинг ниятини билган эди.

— Қани, кел, Асожон!— деди Саид,— Махсум чақиряпти. Бирор яхшилик борга ўхшайди.

Асо ҳовлига чиқди, эшик олдидаги қоровул олдига солиб милтиқ билан олиб бормоқчи бўлди, лекин Саид

Паҳлавон керак эмас, деб ишора қилди. Қоровул ҳам худодан тилаб, ўз жойига қайтиб кетди. Асо шу бир неча кун ичида анча озиб, ранги ўчиб қолган эди. Лекин Саид Паҳлавон келтирган хушхабарни эшитиб чеҳраси очилди.

У меҳмонхонага кириб, Фирузани бошида паранжи бўлса ҳам юзини очиб, Махсум билан суҳбатлашаётганини кўрди. У аввалига қалтираб рашки келди, лекин дарров ўзини тутиб олди-да, қулочини ёзиб Фируза томон отилди ва уни қучоқлади.

— Салом, салом!— деди у Махсумга аҳамият бермай.— Ҳарқалай сени кўрар кун бор экан!

— Бўлмаса нима деб ўйловдинг?!— табассум билан сўради Асад Махсум ва ўзи жавоб қайтарди:— Биз сени фақат бир неча кун тирикчилик ташвишидан ва Фирузахоннинг хархашасидан халос қилиб, меҳмон қилдик холос. Бошқа ҳеч гап йўқ!

— Ҳа, яхшимисиз? Ўзингизни босинг, ўзингизни босинг,— деди Фируза унга.

— Меҳмондорчилигингиз учун раҳмат!— деди кесатиб Асо.— Агар сизни ҳам шу тариқа меҳмон қилсак, билмадим, нима деярдингиз!

— Биз ҳеч нима демасдик!— деди кулиб Асад ва бир оз жимликдан кейин ўрнидан туриб, Асо билан Фирузага яқинлашди-да, гапини давом эттирди:

— Хайр, кечиринглар. Мендами, муовинларимдами, бир англашилмовчилик бўлди-ю, гуноҳкор бўлиб қолдик. Яна узр, хафа бўлма! Мен Фирузахонга ҳамма гапни айтдим. Бу киши гуноҳимиздан кечдилар. Ўйлайманки, сен ҳам кўнглингга олмайсан. Бундан кейин бундай ишлар такрорланмайди.

— Илоё такрорланмасин,— деди Фируза.— Энди яхши бўлмайди. Биз амир зулмидан қутулдик, озод ҳаёт кечирамиз деймиз. Агар яна шундай ишлар бўлиб турса, нима дейишимни ҳам билмайман... асло чидаб бўлмайди!

— Йўқ, йўқ, хотиржам бўлинглар!— деди Асад.— Мен ва менинг ўртоқларим сизларнинг тинч ётишингиз, сизларнинг соғлигингиз йўлида кечаю кундуз тинмай соқчилик қиламиз. Хайр, сизлар кечга қолдинглар. Мен буюрдим, дарвоза олдида файтон тайёр, ҳовлингизга олиб бориб қўяди. Мана бу эса мендан сизга арзимас бир совға!

Асад Махсум Саид Паҳлавон қўлидан бир беқасам тўнни олиб Асонинг елкасига ташлади, битта катта ипак рўмолни эса Фирузанинг елкасига солди.

Фируза Асонинг кўзларидан Махсум туҳфасини рад қилмоқчи бўлганини пайқади-ю, дарров шундай деди:

— Ҳеч нима керак эмасди! Лекин Саид Паҳлавон амаким ташвиш тортиб келтирибдилар, майли, раҳмат сизга!

Махсумнинг ўзи, Саид Паҳлавон ва Наим Заҳар уларни дарвоза ташқарисигача кузатиб, икки отлиқ катта, ҳашаматли файтонга миндиришди. Мирак аллақачон бу ерга келган эди.

— Дада, сиз-чи?— сўради у Саид Паҳлавондан.

— Мен эртага уйга бораман,— деди Саид Паҳлавон.— Ойингга салом айт!

— Хўп бўлади!— деб қўйди Мирак.

Саид Паҳлавоннинг ишораси билан файтон йўлга тушди. Фируза билан Асо бу тадбирли мўйсафидга миннатдорчилик билдириб, ташаккур аломати билан бош қимирлатди...

17

Бухоро Марказий Ижроия Комитети арк устида, бузилмай қолган қушбеги ҳовлисида жойлашган эди. Ўша вақтларда Бухоро Регистони ҳам илгариги ҳолатида эди: бир томонида Поянда масжиди, бир томонида машҳур ва тарихий Дорулшифо* мадрасаси, ўртада тош терилган майдон, катта йўл охирида бозор, ҳовуз ва Ҳовуз усти масжиди... Арк дарвозахонаси тепасига йирик ҳарфлар билан турк тилида «Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси» деган лавҳа ёзилиб қўйилганди.

Арк тепасидаги ноғорахона айвонида стрелкаси бир метр келадиган катта соат турарди.

Арк дарвозаси ёнида икки милиционер посбонлик қилар эди. Лекин одамларга аризалари ва ишлари

---

* Айтишларича, бу мадрасада вақтида Абу Али ибн Сино ишлаган ва дарс берган.

бўлса, аркка чиқиб, инқилобий комитетга мурожаат қилишга рухсат берилган эди. Аммо ҳар ҳолда одамлар аркка камроқ чиқишарди, бу, эҳтимол амир вақтидаги аркнинг ваҳималари ҳали халқ ўртасидан кўтарилмаганидан бўлса керак. Арк устидаги Раҳимхоний меҳмонхонаси, айвон, мармар тахт — ҳаммаси жой-жойида бўлиб, уларни томоша қилишга одамларга ижозат берилган эди. Аммо қушбеги ҳовлиси дарвозаси ёнида яна милиционер ва комендант бор эди, улар мурожаат қилувчиларнинг мақсадини билгандан кейингина киришга ижозат беришарди. Ҳарам ва ўрда томонлар батамом куйиб хароб бўлган эди, у ерга тахта қоқилиб, олди тўсиб қўйилган эди.

Ўша куни қушбеги ҳовлисининг катта меҳмонхонасида — Ижроия Комитети раисининг кабинетида мажлис борарди. Мажлисда Мирзо Муҳиддин, Абдуқодир Муҳиддинов, Усмон Хўжаев, Муинжон Махсум, Азимжон Шарифжонов, Жўра Карвон, Раҳмат Рафиқ, Мухтор Саиджонов, Орипов, Аҳмаджон Абусаидов, Низомиддин, Ҳожи Ҳасанбек, Ҳайдарқул, Ҳакимов ва бошқалар бор эди. Бир томонда Асад Махсум ўз муовинлари — Оқилов ва Исматжонлар билан ўтирарди.

Асад Махсум фаолиятини муҳокама қилишга бағишланган бу муҳим мажлисда Файзулла Хўжаев йўқ эди. У зарур бир иш билан Москвага кетиб қолган эди. Ҳайдарқул то у келгунча бу масалани тўхтатиб туришга қанчалик уринмасин, лекин нима учундир Марказий Ижроия Комитети бошқармаси унинг талабини қабул қилмади, турли баҳоналар кўрсатиб, бу масалани шу мажлисда муҳокама қилмоқчи бўлишди.

Мажлис раиси Абдуқодир Муҳиддинов эди. У Бухоро Халқ республикаси давлат арбобларидан бири бўлиб, ғоятда заковатли, фаросатли киши эди. Лекин давлат, мансаб, мартаба ўзининг таъсирини ўтказиш ва қарши томонни енгиш, йўлига тўғаноқ бўладиганларни бартараф қилиш учун Асад Махсум сингари кишилардан фойдаланишга уни мажбур этарди.

Мажлиснинг биринчи масаласи — маориф ва чет элга талаба юбориш масаласи эди. Бу тўғрида маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов сўзларди:

— Биз дорулмуаллимин очдик. Тайёрлов курслари очдик ва мактабларимиз учун муаллимлар, идора-

ларимиз учун хизматчилар ва халқ хўжалигимиз учун мутахассилар тайёрлашга иложи борича тезроқ ҳаракат қиляпмиз. Аммо афсуски, ҳаёт талаби билан баравар боролмаяпмиз, кучимиз етмаяпти. Агар ўз йўли билан кадрлар етиштирилишини кутадиган бўлсак, камида яна икки-уч йил керак. Шунинг учун чет элларга ўқувчилар юбориб, кадр тайёрлашга қарор қилдик. Ҳозир, биринчи галда Москвага, Тошкентга, ундан кейин Германияга, Берлинга ва Туркияга талаба юборамиз.

— Туркия билан Германия талабаларингизни қабул қиладими ё йўқми?— сўради Усмон Хўжа.

— Қабул қилади!— деди Қори Йўлдош.— Биз ўз элчиларимиз орқали улар билан гаплашдик. Ҳар иккала мамлакат маориф вазирлари рози бўлишди... Албатта, талабаларнинг ўқиши ва тирикчилиги учун пул керак бўлади, бунинг ҳаммаси ана шу режа ва сметага киритилган.

— Узоқ Германияга талаба юбориш зарурми?— сўради Ҳайдарқул.— Ўзимизнинг Россияда кўпгина дорулфунунлар бор. Ана Ленинград, Қозон, Харьков, Боку...

— Сиз айтган бу жойларга ҳам талаба юборамиз. Бир қисм талабалар аллақачон Бокуга кетишди, Москва, Ленинградда ҳам талабалар бор, яна юборамиз. Лекин Германияга талаба юбориб, инженер-техниклар, дўхтурлар тайёрлаймиз. Туркияда эса, шароит яхши. Болалар тил жиҳатидан унчалик қийналишмайди.

— Чет элга ҳаммаси бўлиб қанча талаба боради? Уларни қаердан ва қандай танлаб оласиз?— сўради раис.

— Бу масаланинг ҳаммаси тақдим этиладиган планда кўрсатилган. Германияга саксон киши, Туркияга юз киши, Россияга икки юз киши... Махсус комиссия ташкил этилган, бу комиссия мактабларда-ги пешқадам талабаларни танлаб олади.

Ҳақиқатан ҳам ўша вақтдаги Бухоро учун кадр ҳамма нарсадан ҳам зарур эди. Маориф ички чоралар кўриш билан бу талабларни қондиролмасди. Бинобарин, бошқа шаҳарларга талаба юбориш зарур эди...

Ўша куни Марказий Ижроия Комитети мажлисида бу масала атрофлича муҳокама қилинди ва пировардида маориф тақдим этган режа ва смета асосан тас-

диқланиб, буни муфассал ўрганиб ҳал қилиш вазифаси Ижроия Комитети бошқармасига топширилсин, деган қарорга келинди.

Маориф масаласи тугагандан кейин Абдуқодир Муҳиддинов иккинчи масалани бошлади.

— Фавқулодда атроф комиссияси иши тўғрисида,— деди у.— Асад Махсум, Оқилов ва Исматжонлар борми? Жуда яхши. Сўз ўртоқ Ҳайдарқулга... Лекин тафтиш комиссияси раиси бўлмиш бу ўртоққа сўз беришдан олдин шуни айтмоқчиманки, фавқулодда атроф комиссияси умуман ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармоқда. Комиссия ташкил бўлмасдан илгари мавжуд бўлган босмачилик хавф-хатари эндиликда бартараф қилинган. Бухоро атрофидаги халқ Жаббор қўрбошидек энг ёвуз қонхўр таловчидан биратўла қутулди. Бу ишларнинг ҳаммасида Асад Махсум шахсан жонкуярлик, ғайрат ва шижоат кўрсатмоқда. Мен ишонаманки, Марказий Ижроия Комитетининг аъзолари бу комиссия ишини муҳокама қилаётган вақтда ана шуларни назарда тутадилар. Қани, марҳамат, ўртоқ Ҳайдарқул!

Асад Махсумнинг ишларини бошдан-оёқ текшириб, унинг ҳийла-найрангларини сезиб, аниқ бир хулосага келган Ҳайдарқул мажлис раисининг бу муқаддимасидан ҳайрон бўлиб қолди. Фактлар кўрсатиб турибдики, Асад Махсум ғайри қонуний ва ҳатто Шўро ҳукуматига қарши ишлар қилган, аммо бу ерда эса унга миннатдорчилик изҳор қилинмоқда. Энди Ҳайдарқул қайси нуқтада туриб гапирсин? Бу ерда ўтирганларнинг бир қисми коммунистик фирқа аъзолари, наҳотки фирқа билети чўнтакда бўла туриб, иккиюзламачилик қилишса? Иккиюзламачиликдан мақсад нима? Кимнинг фойдасига? Аммо Ҳайдарқул рост гапни айтиши керак. Нимаики кўрган, билган бўлса — ҳаммасини рўйирост айтиши ва ҳаммадан олдин халқ манфаати, инқилоб манфаатини назарда тутиши керак. Шундан кейин Ҳайдарқул ўрнидан туриб, қўлидаги қоғозга бир қаради-да, сўзлай бошлади:

— Муҳтарам ўртоқлар, Марказий Ижроия Қўмитасининг аъзолари! Сизнинг ва Бухоро Жумҳурияти ҳукуматининг топшириғига биноан Низомиддин, Ҳакимов ўртоқлар ва мендан иборат махсус комиссия

Бухоро атрофидаги босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг ишларини кўздан кечирдик. Атроф комиссияси иш давомида ҳақиқатан озми-кўпми ўз вазифасини бажарган ҳам. Масалан, унинг кўзга кўринарли ишларидан бири Жаббор қўрбошининг қароқчиларига барҳам беришидир. Яна имкон борича айрим ўғрилар ва қароқчиларни йўқ қилишди. Лекин шу билан бирга Асад Махсум ва унинг шериклари фавқулодда инқилобий қонунни била туриб, ўзларининг вазифа ва ҳақ-ҳуқуқларини суиистеъмол қилишган...

— Масалан?— сўради раис.

— Ҳозир айтаман,— деди Ҳайдарқул.— Башарият қоидаси бўйича ва хусусан одил Шўро қонуни юзасидан таслим бўлган кишини отиб ташлаш ўта раҳмсизликдир. Бу ҳаракат бир томондан, Шўро ҳукуматини эл кўзига ёмон қилиб кўрсатса, иккинчи томондан, шу ҳокимият душманлари қўлида дастак бўлади. Билмадим, нима мажбур қилдики, Асад Махсум Жаббор қўрбошини ва унинг муовинларини таслим бўлганларидан кейин отиб ташлади? Комиссия Асад Махсумнинг бу ҳаракатини ғайри қонуний ва ҳатто Шўро ҳукумати ишига хилоф деб билади...

— Аксилинқилобчилик денг?!— деб қўйди Усмон Хўжа.

— Мен,— деди Ҳайдарқул,— ғайри қонуний деб очиқ-ойдин айтдим! Раҳмсизликдир!

Кўпчилик мажлис аҳли безовталаниб, бир-бири билан кўз уриштириб, ўзаро ғулдураб қўйишди.

— Ўртоқ Ҳайдарқул!— деди раис.— Келинг, ҳукм чиқаришни Ижроия Комитети аъзоларига қўйиб беринг, иннайкейин, шуки билингки, Жаббор қўрбошини Чека биз тасдиқлагандан кейин отган. Сиз ҳозир бизга текшириш натижасини айтиб беринг.

— Марҳамат!— деди Ҳайдарқул ва Асад Махсумнинг гуноҳсиз одамларни калтаклаши, қийнаши, азоблаши, гуноҳсиз деҳқонларни хонавайрон қилиши ва уларнинг мол-мулкини талаб кетиши тўғрисидаги фактларни келтирди.— Комиссияга маълум бўлдики,— деди Ҳайдарқул,— Асад Махсум ва унинг шериклари бир юзу ўн тўққиз деҳқонни туҳмат билан хонавайрон қилган. Қишлоқларда халқни қўрқитиш, уларни ваҳимага солиш мақсадида кечалаб қўққисдан

ҳужум қилишиб, шу қадар хунрезлик, жабр-зулм қилишганки, Каждумак, Вобкент, Ғиждувондаги кўпчилик қишлоқ аҳолиси узоқ жойларга кўчиб кетганлар, бир қисмлари эса мажбурий равишда босмачиларга қўшилган...

— Бу тўғрида исбот, далилингиз борми?— сўради раис.

— Гувоҳлар ва жабрдийдалар бор.

— Қаерда?

— Уларнинг бир қисмини Махсум қамоқхоналаридан топдик.

— Уларнинг ҳаммалари Шўро ҳукуматининг душманлари!— деб қўйди Асад.

— Бизнинг замонамизда гувоҳликка ўтказиш илгаригига қараганда осон бўлиб қолди!— деди Муинжон Махсум.

— Хўп, давом этинг!— деди раис.

Ҳайдарқул яна Асад Махсумнинг кирдикорлари тўғрисида гапириб, охирида қўшиб қўйди:

— Комиссия Марказий Ижроия Комитетидан Бухоро атрофидаги босмачиларга қарши кураш комиссиясини тугатиб, ўрнига Бухорода ва музофотларда муҳофаза қилиш ташкилоти — милицияни кучайтириб, аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини йўлга қўйиш сўралсин, деган қарорга келди. Бухорода Чека мавжуд экан, қўшимча фавқулодда атроф комиссияси керак эмас. Чека кучайтирилса, у атроф комиссияси вазифаларини бемалол бажара олади. Ҳозир фавқулодда атроф комиссияси шаҳар ичкарисига ҳам кириб, унинг ишига халақит берадиган кишиларни сўрамасдан элтиб қамамоқда. Шўро ҳокимияти жабр-зулм ва ситам билан ўз асосини мустаҳкамлаёлмайди. Шўро ҳокимиятининг қонуни адолат, инсоф ва мурувватга асосланган. Шўро ҳукумати одил, халқчил ва инсофли ҳукуматдир. Кимки бу қондани бузар экан, у ё бефаҳм, ё душман!

Ҳайдарқул ўрнига ўтирди.

— Энди иккинчи томонни эшитамиз!— деди раис.— Асад Махсум гапини гапирсин, сўнгра музокарага ўтамиз. Марҳамат, ўртоқ Асад Хўжаев!

Асад Хўжаев ёки Асад Махсум айтиб ўтганимиздек, шериклари билан стол ёнида, девор яқинидаги диванда ўтирарди, унинг қиёфасидан бу мажлисдан ва

гап-сўзлардан пинаги бузилмаётгани сезилиб турарди. Унинг лаблари атрофида истеҳзо ва писанд қилмаслик аломатлари кезарди. У ўрнидан туриб, бировга таҳдид қиладиган вақтдагидек соқол-мўйловига қўлини олиб борди, иягини ушлади, ўйноқи ва ўқдек тешадиган кўзлари билан мажлис аҳлини кўздан кечирди.

— Мен нима ҳам дердим...— деди у ўзини мусичадек увол кўрсатиб,— Бухоро Жумҳурияти ҳукуматига, Марказий Ижроия Қўмитасига бизнинг ишимизни кўздан кечириб, ғамхўрлик кўрсатаётганликлари учун миннатдорчилик билдираман. Лекин агар яна шундай ғамхўрликлардан бўлиб турса, агар яна шунақа текшириш комиссияси юборишиб, ҳол-аҳволимиздан хабар олиб туришса, биз тахта-ўқлоғни йиғиштириб, ўша комиссияга топширамиз ва бошқа бечорачилигимизнинг пайидан бўламиз. Ахир, бу қандай текшириш комиссиясики, бизнинг инқилобий ишларимизни ва жонкуярлигимизни ғайри қонуний деса?! Ҳеч қандай талафот бермасдан Жаббор шайкасини тугатсак, Бухоро атрофини тинч, осойишта қилсак, яна нима дейсиз! Жаббор қўрбоши уч каллакесари билан таклифимизга кўнмади, у яна қочиб кетиб, ўз талончилигини давом эттирмоқчи эди, шунинг учун биз уни йўқ қилишга мажбур бўлдик. У халқ душмани, инқилоб душмани эди, қилмишига яраша қаттиқ жазо олди. Энди мен бунга жавобгарми?! Мен ўртоқ Ҳайдарқулнинг тирноқ остидан кир қидириши тўғрисида гапириб, гина қилиб ўтирмайман. Фақат шуни айтмоқчиманки, менинг комиссиям ўз инқилобий бурчини дадиллик билан, софдиллик билан бажарди ва бажармоқда. Агар бу муҳим ишда унча-мунча англашилмовчилик, хатога йўл қўйилган бўлса, кечирилиши керак. Чунки инқилоб қурбонсиз бўлмайди! Буни Ҳайдарқулнинг ўзлари ҳам яхши тушунадилар. Лекин бу ерда менинг ишларимга бунчалик ёпишиб олишлари бежиз эмас! Мен билан Ҳайдарқул орасида шахсий хусумат, оилавий келишмовчилик бор. Мен бу кишининг жиянларини босмачилар қўлидан халос қилиб олдим ва ўзаро рози-ризолик билан оила қурдик, яъни мен ўша қизни шаръий никоҳ билан хотинликка олдим!

— Бу бошқа масала!— деди Ҳайдарқул.

— Йўқ, ана шу масала сабаб бўлди-ю, сиз менга ҳужум бошладингиз!— деди Махсум.— Шу сабабдан

мен ғайри қонуний ишлайдиган золим ва ҳар нима бўлиб қолдим... Йўқса, орамизда ҳеч қандай келишмовчилик йўқ эди. Лекин аввал суриштириб боқ, кейин ноғора қоқ, деган мақол бор. Мен сизнинг жиянингизни зўрлик билан хотин қилиб олганим йўқ. Мен ўзининг розилиги, онасининг розилиги билан унга уйландим, Ижроия Комитети буни текшириб кўриши мумкин.

— Мумкинми?— деди Ҳайдарқулнинг ёнида ўтирган Ҳакимов.

Ҳакимов анча ёш, истараси иссиқ ва қош-кўзи қора киши эди. У Бухоро Халқ ҳукумати ва Бухоро Марказий Фирқа Қўмитаси томонидан Бухородаги Россия элчихонаси ҳузурида Учинчи Байналмилал вакили бўлиб ишларди. Куйбишев таклифига мувофиқ у ҳам Асад Махсум ишини текширишда қатнашган эди. Ҳакимовнинг қўл кўтарганини кўриб, мажлис раиси дарҳол Асад Махсумни ўрнига ўтиришга ишора қилиб, Ҳакимовга сўз берди.

— Шахсий масалани ижтимоий ва сиёсий масалага аралаштириб юбориш яхши эмас!— деди Ҳакимов.— Текшириш комиссиясида Ҳайдарқул якка ўзи эмасди, унинг бу ерда гапирган гаплари фақат унинг фикри эмас. Ўртоқ Ҳайдарқулнинг бу ерда айтган гапларига қўшимча қилиб, мен ҳам шуни айтишим мумкинки, фавқулодда атроф комиссияси ҳақиқатан ҳам ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилади. Россия элчихонаси ва Учинчи Байналмилал вакиллигига тушган шикоят аризалари ҳам бунга далил бўла олади. Асад Махсум Бухоро шаҳри ичидан турли касбдаги одамлардан ўн кишини туҳмат билан қамаган. Бизга Бухоро мешкоблар касаба ташкилоти хат ёзиб, уч фаол мешкобнинг таъқиб этилгани, қамалгани тўғрисида шикоят қилган. Когондан, Когон станцияси депосидан Махсум Зираобод қишлоғидан икки ишчини ноҳақ қамоққа олганлиги тўғрисида бизга шикоят тушди ва ҳоказо...

Мажлис раиси Абдуқодир Муҳиддинов жуда сезгир, ҳушёр киши эмасми, Ҳакимовнинг бу гапларини эшитиб ўйланиб қолди. У Асад Махсумни унчалик ёқтирмасди. Махсумнинг баттоллиги, лов этиб ўт олиб кетиши, енгилтаклиги ҳар доим уни ғазаблантирарди. Лекин Асад Махсумнинг қўлида ҳарбий куч борлиги-

ни, унинг буйруқларини дарҳол бажариши мумкинлигини ва маълум даражада унга итоат этишини назарда тутиб, Махсумга ён босарди, ўз душманларига, айниқса Файзулла Хўжаев ва «сўл» коммунистларга қарши курашда ундан фойдаланарди. Абдуқодир Асад Махсумнинг асосий аксилинқилобий нияг ва мақсадидан хабарсиз эди. У Асад Махсумни ўзи ва ҳамфикрлари қўл остида худди бир қурол сифатида сақлаб юрарди...

У ҳозир Ҳакимовнинг гапларини эшитиб, Асад Махсумнинг ҳаддидан ошиб кетганини, ҳатто унинг кирдикорларидан Россия вакили ва Учинчи Байналмилал вакили — Куйбишев билан Ҳакимов ҳам хабардор бўлиб қолганини пайқади. Бу яхши эмас албатта. Абдуқодир Россия ваколатхонаси билан ўз муносабатини ёмонлаштиришни истамасди. Шунинг учун у қандай қилиб бўлмасин, рус ваколатхонаси талабини қондириш ва имкони борича Асад Махсумнинг иши тўғрисидаги шов-шувларни бостириш мақсадида бу масалани аросатда қолдириб, муаллақ қилиб қўймоқчи бўлди.

Мажлисда Бухоро коммунистик фирқаси Марказий Комитетининг намояндаларидан бирининг сўзга чиқиши мажлис қатнашчиларининг айримларини ҳайратда қолдирди, айримларини эса дадиллаштирди. Чунки ҳамма бу киши албатта Ҳайдарқулни ёқлайди деб ўйларди.

— Мен ўртоқ Ҳайдарқулнинг ваҳималарига қўшила олмайман,— деди у.— Атроф Комиссиясини ташкил этишда ҳаммадан олдин Бухоро Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси ташаббускор бўлди, бу комиссия ва унинг ҳайъати фирқа тавсияси билан вужудга келди ва иш бошлади. Аксилинқилобий унсурларнинг хавф ва таҳдид қилиш масаласи Бухоро ва унинг атрофида ҳали ҳам бартараф қилинган эмас. Шўро ҳокимиятининг душманлари ҳали ҳам қуролларини ташлаганлари йўқ, аксинча улар кундан-кунга кўпаймоқда. Бинобарин, бу комиссияни тугатиш мақбул эмас, ҳали бунга вақт етган эмас.

Жаббор қўрбошининг отилиши фақат Асад Махсумнинг иши бўлмай, бу давлат иши ва инқилоб иши эди. Ўртоқлар буни билишлари керак. Шу билан бирга Асад Махсум ва унинг шерикларини огоҳлантириб

қўйиш керакки, дарҳақиқат улар ўз ҳуқуқларини гоҳида билиб-билмасдан суиистеъмол қилишади. Ҳушёр, пухта бўлиш, халқ манфаати ва Иштирокиюн фирқаси манфаатини ҳамиша кўзда тутиш лозим!

Шундан кейин яна бир неча киши Асад Махсумга қарши, бир неча киши эса уни ёқлаб гапирди. Асаднинг тарафдорлари уни довюрак, қўрқмас ва жонкуяр дейишарди. У инқилоб ишини ва янги ҳукуматни мустаҳкамлаш учун жон куйдиради, шунинг учун Шўро ҳокимиятининг душманлари унинг дастидан танг аҳволга тушиб, шикоят қилишга тушишди ва ҳоказолар...

— Мен шундай хулосага келдимки,— деди охирги сўзида раис.— Масала ҳаммамизга равшан бўлди. Асад Махсум, Исматжон ва Оқилов ўртоқлар ҳақиқатан ҳам жонкуярлик, ғайрат ва шижоат билан ишлашди. Аммо ўз ишларида ҳаддан ошишга, айрим вақтларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш даражасигача етиб боришди. Жаббор қўрбошини бартараф қилиш жуда хайрли иш, аммо бу ишда бир оз вазминлик қилиш керак эди... Яъни бир оз кечроқ.., Шаҳар ичкарисига Чека ва ички назорат рухсатисиз кириш мумкин эмасди... Когонда ҳам, айниқса бошқа жойлардаги фуқароларга қўл тегизиш нотўғри бўлган. Шу сабабли фавқулодда атроф комиссиясининг ҳайъати умуман ишдан олинсин ва бу комиссиянинг вақтинча эканлигини, бу ишга талабгор шахсларни топиш қийинлигини назарда тутиб, то муносиб кишилар топилгунча шу ўртоқларнинг ўзлари ишлаб туришсин, деб таклиф қиламан. Лекин бу ўртоқлар шуни билиб қўйсинларки, Марказий Ижроия Қўмитаси ҳам, Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси ҳам ва бошқа Марказий ташкилотлар ҳам уларнинг ишларини назорат қилиб туради ва бинобарин, улар билиб ишларини қилсин. Ўзбошимчаликка, масъулиятсизлик ва бўшашувчиликка йўл қўйишмасин. Ҳушёр ва ишга тайёр бўлишсин. Агар бир неча вақт ғайрат, фидокорлик ва ҳушёрликларини кўрсата олсалар, Марказий Ижроия Қўмитаси булар тўғрисидаги ана шу қарорини ўзгартириши ҳам мумкин.

Ҳайдарқул, Ҳакимов, Низомиддин ва бошқа яна икки-уч киши бу қарорга қарши қўл кўтарган бўл-

салар ҳам, лекин аксарият овоз билан бу қарор қабул қилинди ва учинчи масалага ўтишди.

— Муҳтарам ўртоқлар, жаноблар!— деди Абдуқодир Муҳиддинов.— Кун тартибидаги учинчи масала — маҳаллий аҳолидан аскар олиш масаласидир. Бу масалани музокара қилиб, бир қарорга келишдан олдин сўзни «Бухоро Ахбори» газетасининг муҳаррири Муҳаммад Саид афанди жанобларига берсак деб таклиф қилмоқчиман. Бу киши ҳурматли адибимиз бўлганлиги сабабли кун тартибидаги учинчи масаламиз муқаддимаси сифатида ўз адабий асаридан бир парча ўқиб берсинлар.

Муҳаммад Саид Аҳрорий залнинг пастроғида ўтирарди. У ўрнидан туриб, юқорига, раис ёнига келди. Бир қўлида дафтар, тилла пенснеси ортидан мажлис аҳлини кўздан кечириб, ҳамманинг жим бўлиб диққат қилишини кутиб турди. Аҳрорий пакана, тўлагина, қорачадан келган, қотма юзи туртиб чиққан, кўзлари катта-катта, бурни юмалоқроқ киши эди... Эгнида аъло мовутдан тикилган костюм ва шунга мос жилетка бўлиб, тугмалардан ўтказилган тилла занжир осилиб турарди. Оёғида тугмали инглизча этик ва галифе шим, бош яланг, мош-гуруч сочи юқорига қаратиб тараб қўйилган эди...

Бу киши туркистонлик эди. У бир неча вақт Туркияда ўқиб-ишлаб, аскарликда хизмат қилган ва ўша ердан турк хотинга уйланиб, Бухорога келган эди. Бухоро ҳукумати уни биринчи инқилобий газета — «Бухоро Ахбори»га муҳаррир қилиб тайинлаган эди, бу вазифа унга айни муддао бўлди. Чунки газета сонларида ўзининг ярамас, чалкаш асарларидан бирини босиб чиқарарди. Унинг бугунги ёзган нарсаси ҳам айрим кишилар дидига ёққан бўлса керак, аскарликка олиш каби муҳим масала олдидан унга сўз беришди.

— Сўнгсиз қиш!*— деди у мажлис аҳлини яна бир карра кўздан кечириб. Ҳамма жим бўлиб унинг сўзлашини кутарди. Зотан «адиб» ва «шоир»ларни ёқтирмайдиган Асад Махсум бундай сафсаталарни эшитишга тоқати йўқ эди, у юзини буриштириб, шерикларига қаради-ю, юраги қисилиб, бир оҳ тортиб қўйди.

* Бу парча «Бухоро Ахбори» газетасининг 1920 йил, 26 ноябрда чиққан 9 сонида Муҳаммад Саид имзоси билан босилган.

— Бир кун келиб борча гуллар, яғочлар...— давом қилди Муҳаммад Саид,— кучли бир ел билан йиқилиб ерни ўпадирлар. Ёпроқлар учуб, чаманлар йиғайдурлар ва бутун очунни қайғули бир тус чўлғаб олодур... Гуллар сўлуб, табиат ўладир...

Бироқ бу суғун гуллар, йиқиқ йоғолчлар бир кун яна жонлануб, турли туслар билан безаналар, титоқ ишқлар ва кулумсировли гуллар бир янги қуёшдан жон топодирлар, демак янгидан кўклам қойтуб келган бўлур.

Меним ўйноқ хаёлларим қойгу қорлари билан оғулонғон ҳолда, учқон сойин бахтсиз руҳим тунгмоқдо, қурмоқдо ва сорғоймоқдодир.

Бироқ... Сенинг оҳ, уксиз руҳим, сенинг у кукламинга қовушар эҳтимолинг ҳечда йўқдир.

Саид Аҳрорий бош эгиб, гўё таъзим қилди-ю, ўрнига бориб ўтирди. Аввал ҳамма жим эди, кейин бир-икки киши чапак чалди. Ҳакимов қўл кўтариб, савол берди:

— Бу нарса босилганми ўзи?

— Ҳа, «Бухоро Ахбори» газетасининг тўққизинчи сонида босилган,— деди муаллиф ўрнига раис.

— Ижозат беринг!— деди Ҳайдарқул ўрнидан туриб.— Маҳаллий халқдан қизил аскар сафига чақириш масаласи республиканинг муҳим ва ҳаётий масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалани олдинроқ кўтариш керак эди. Лекин биз кечикдик. Фақат мана шу бугун бу масалани ҳал этишга киришдик. Мен шундай муҳим масалага бу адабий парчанинг қанчалик алоқаси бор экан, деб ҳайрон бўляпман! Бу парча оҳ-воҳ, умидсизликдан бошқа нарса эмас. Биз ҳаёт баҳоримизни бошладик, аммо муҳаррир эса қаҳратон қиш, умидсизлик тўғрисида гап юритади. Менимча, бу нарсани чоп қилиш, эл орасида тарқатиш зарарлидир. Муҳим масаладан олдин Марказий Ижроия Комитетида бу парчани ўқиб беришнинг нима кераги бор!

— Сиз бизнинг мақсадимизни тушунмадингиз!— деди Усмон Хўжа.— Бу масаладан олдин шу ғамгин парчани ўқишдан мақсад шуки, агар биз республика мудофаасига, бугунги баҳоримиз мудофаасига отланмасак, шундай қаттиқ тўфонлар пайдо бўлиши, бизнинг янги очилган гулларимизни хазон қилиб кетиши

эҳтимолдан узоқ эмаслигини комитет аъзоларига уқтириб қўймоқчимиз. Гул яна баҳорни кўрмоғи мумкин, аммо бизнинг озодлик гулимизнинг ҳоли нима кечади? Шу сабабли, ўртоқлар, кун тартибимиздаги учинчи масала — аскарликка олиш ҳақиқатан ҳам ғоятда муҳим масаладир. Инқилобий Бухоро — озод ва мустақил Бухоромиз баҳор гулига ўхшайди, шиддатли тўфонлар, шамоллар қэр бўронларини келтириб, бу гулни сўлдириб қўйса ҳам ажаб эмас. Севикли Ватанимизни ҳимоя қилиш, мустақиллигимизни сақлаб қолиш учун катта ҳарбий кучга эга бўлмоғимиз лозим. Шубҳа йўққи, мустақиллигимизни сақлаб қолиш учун Россия ва Туркистон бизга ёрдам бера олади, лекин ҳозирги вақтда Россия ҳамма ёқдан оқлар ва чет эл интервентлари ҳужумига учраб қолган. Биз Россиядан ҳарбий куч талаб қилиш у ёқда турсин, балки ўзимизнинг қуролли кучларимиз билан унга мадад бермоғимиз керак. Шунинг учун қонун қабул қилинсин деган таклиф бор.

Бу масала юзасидан ҳам бир неча киши сўзга чиқди. Масалан, Низомиддин маҳаллий халқдан аскар олишга қарши эмасман, лекин бунга ҳали вақт бор, шошилиш керак эмас. Чунки халқ саводсиз, ўқимаган, жоҳил, агар у қўлига милтиқ олса довдираб, ҳар томонга кетиши, ҳатто ўша милтиқни ўзимизга қарши қаратиши мумкин. Аввал халқни ўқитайлик, кейин аскарликка олайлик, деди...

Бундай ғаразли сўзларни эшитиб, Ҳайдарқул яна музокарага чиқишга мажбур бўлди.

— Халқдан қўрқиш ва мулоҳаза қилишнинг ҳожати йўқ!— деди у.— Ўз озодлиги, бахт-саодатини Шўро ҳокимиятидан топган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон шу ҳокимиятга қарши милтиқ ўқталмайди. Халқни билмаган, халқдан йироқда юрган кишигина халқдан қўрқади. Большевиклар ҳамиша халқ билан бирга, аксинча улар маҳаллий халқни аскарликка чақириш, уларни қизил аскарлар сафига киритиш ва Шўро Россияси билан ягона, бирлашган қўшин тузиш тарафдоридирлар.

— Йўқ, биз ўзимизнинг алоҳида қўшинимизни тузамиз!— деди Усмон Хўжаев.

— Бизнинг қуролимиз йўқ, муаллим, инструктор ва тажрибали қўмондонларимиз йўқ!— деди Ҳайдар-

қул.— Биз ҳойнаҳой Россия қизил аскарларига мурожаат қиламиз ва ягона қўшин тузамиз.

Бу масала устида анча талашишди, лекин охирида Ҳайдарқулнинг таклифини истар-истамас қабул қилишди. Чунки қурол масаласи кўндаланг турарди. Усмон Хўжаев Мирзо Муҳиддин билан маслаҳатлашиб, қуролни чет элдан — инглизлардан ва германлардан сотиб олиш мумкин демоқчи эди-ю, лекин Мирзо Муҳиддин Усмон Хўжаевга «жим ўтиринг» деб имлаб қўйди.

— Мен,— деди охирида Абдуқодир Муҳиддинов,— бу масаланинг ҳал қилинишидан ғоятда хурсандман. Модомики, қонун қабул қилдикми, энди Нозирлар Шўросига топшириш керак, ҳарбий назорат ташкил қилсин ва келгуси ҳафтадан бошлаб аскарликка чақириш тартибини кўриб чиқиш керак... Шу билан бирга бир нарсани қайд қилиб ўтмоқ керак. Бизнинг орамизда айрим жаноблар ҳаддан ташқари «сўллик» қилишади. Улар инқилоб қилдик, мамлакатнинг хўжайини биз деб ўйлашяпти шекилли. Йўқ, ундай эмас! Бухоро халқ Жумҳурияти эгасиз эмас! Мен Ҳайдарқул жанобларини тартибга чақирмоқчиман, бундан кейин Марказий Ижроия Қўмитаси мажлисларида ўйлаб иш тутсинлар!

— Рухсат беринг!— деб Низомиддин ўрнидан турди.— Жаноби Ҳайдарқул афанди мени халқдан ажралган, халққа бегона, дедилар, Асад Махсумни аксилинқилобчи, Муҳаммад Саид афандини эса бурнининг остидан нарини кўролмайдиган зараркунанда деб айтдилар. Бу гаплар бизларга ҳақоратдан ҳам ёмонроқдир.

— Ҳа, ҳа!— деди Саид Аҳрорий.— Мен бу борада ўз фикримни изҳор қилмаган бўлсам ҳам, лекин ана шундай «сўл» жаноблар хусусида бир нарса ёзаман деб кўнглимга тугиб қўйдим.

— Мен,— деди Усмон Хўжаев,— бундай кишилар Ижроия Комитети ҳайъатидан чиқарилсин, деб таклиф қиламан.

Ҳамма Бухоро Иштирокиюн фирқаси Марказий Комитети вакилига қаради. У чорпаҳил, кулча юзли, буғдой ранг бўлиб, илгари «Ёш бухороликлар» фирқаси фаолларидан эди. Бу фирқа Бухоро Иштирокиюн фирқаси ҳайъатига қўшилганидан кейин, ёш бухоро-

ликлар таклифи билан Марказий Комитетга, бу ерда ташкилот бўлими мудирлигига тайинланган эди. Лекин негадир, Ҳайдарқулнинг истараси унга совуқ кўринди-ю, Ҳайдарқул билан чиқишолмай қолди. Шу боисдан ҳар бир масала устида бир-бири билан тортишарди ва қўлидан келгунча Ҳайдарқулни камситарди. Ҳозир ҳам у ўрнидан туриб шундай деди:

— Ўртоқ Ҳайдарқулнинг «сўлларча» чиқишларига эътирозлар сабабсиз эмас, албатта. Ўртоқ Ҳайдарқул коммунист, большевик, инқилобда хизмат кўрсатган, бунинг ҳаммасини биламиз! Лекин бу сифатлар у кишига муҳим ва эътиборли мажлисларда виждонли кишилар тўғрисида қаттиқ гаплар айтишга ҳуқуқ бермайди. «Бухоро Ахбори» газетаси Бухоро инқилобий ҳукуматининг фикрини тарқатади, унга Иштирокиюн фирқаси раҳбарлик қилади. Бу газета Саид Аҳрорийнинг фикрини тарқатмайди. Бу газетада нимаики босилса, демак, у маълум даражада ҳукумат ва фирқанинг фикридир. Бинобарин, ўртоқ Ҳайдарқулнинг билмасдан бундай дейишини ножоиз ҳисоблайман ва мажлисни хабардор қиламанки, бу масалани биз Марказий Қўмитада муҳокама қилиб, ўртоқ Ҳайдарқулни тузукроқ огоҳлантирамиз!

Агарда Ҳакимов, Абусаидов, Орипов, Азимжон Махсум ва яна бир неча киши сўзга чиқиб, Ҳайдарқулни ёқламаганда эди, уни Ижроия Комитети ҳайъатидан чиқариб юборишга сал қолган эди. Ҳайдарқул ўзи тўғрисида ҳеч нима дея олмади. У анча хафа, ғамгин бўлиб қолди. Аммо Асад Махсум тантана қилгандай эди. Унинг кўзлари ўйнаб ҳар томонга боқарди, кўзларининг чақнаб ўйнашида бир фалокат аломати бор эди.

18

Марказий Ижроия Комитетининг мажлиси кеч тугади. Ҳайдарқул аркдан тушиб, бошқалардан ажралди-да, якка ўзи ҳовлисига томон йўл олди. Унинг йўли Қўшмадраса, Мирдўстим гузарлари ҳамда хиёбон орқали ўтарди. Ҳаво бир оз совиб, осмонни булут босганди, шаҳар манзараси мунгли эди. Ҳали қорон-

ғи тушмай, кўчаларда одам сийрак эди. Бир вақтлар шаҳарнинг машҳур кўчаларидан бўлиб, Равғангарон кўпригидан ўтиб, Қўшмадрасага олиб борадиган катта йўл қандайдир Ҳайдарқулнинг кўзига ифлос, серчанг, хароб кўринди. Фаррошлар супуришмас, сув сепмас эди. Шаҳррудда ҳам сув йўқ эди. Бу бир вақтлар Ҳайдарқул миршаб одамларидан қочиб, шу анҳор орқали Арбоб ҳовузи лабига етиб олган ўша Шаҳрруд эди... Не-не азоб-уқубатларни бошидан кечирмади у... Арбоб ҳовузи лабидаги мадрасача қоровуллариннинг хизматини қилиш... Хўжаўбоний жиннихонаси... жинни бўлиб юриш... Қамоқ ва таъқиблар... Сибирь... Ҳаёт ва кураш дарси... Инқилоб! Инқилобни кимлар қилди-ю, ишни кимлар эгаллади?! Мирзомуҳиддин, Усмон Хўжаев, Асад Махсум, Низомиддин, Ҳожи Ҳасанбек... Бирови ўз миллионлари ғамида, бирови мансаб-мартаба талашида, яна бирови ўз айш-ишрати фикрида... Асад бўлса буларнинг ҳаммасини «жоним-жоним»деб эшак қилиб миниб юрибди... Ким билади, эртага у эл бошига қандай фалокатларни келтиради?! Била туриб уни яна ўз ўрнига қўйишди. Афсуски Файзулла Хўжаев ва бошқа ўртоқлар йўқ эди. Бугун Асад тарафдорлари аксарият эди. Бу гуруҳ Ҳайдарқулга ҳар хил туҳматлар қилиб, уни айблаб, Марказий Ижроия Комитети ҳайъатидан чиқаришлари, ҳатто буюриб, қамаб қўйишлари ҳам мумкин...

— Тавба!— деди ўзига ўзи Ҳайдарқул.— Айтсанг тилинг куяди, айтмасанг дилинг!

Қўшмадраса растасида биров унга салом бериб ўтиб кетди. У одамнинг эгнида милиция кийими бўлиб, белида тўппончаси бор эди. Танишдай кўринди. Аммо Ҳайдарқул уни қаерда кўрганини дарров эслаёлмади. Анча юргандан кейин у бу одамни миршабхонада кўрганини эслади. Ҳа, у Бухоро миршабининг одами эди. Ҳозир милиционер бўлибди. Илгарилари тўппончаси йўқ эди, энди белида тўппонча, ғинг десанг кунингни кўрасан, дарров тўппончасини кўксингга тираб, олдига солади, милицияхонага олиб боради, камида иккиуч кун кисавурлар ёнига қамаб қўяди...

У Мирдўстим гузарига етганида, беихтиёр Оймулло ҳовлисига томон бурилди. Асо билан Фирузани кўриб, бир оз юрак дардини ёзмоқчи, кейин ҳувиллиб турган уйига бормоқчи бўлди.

Фируза билан Асо эндигина ишдан қайтиб, болохоналарида овқат тараддудида эди. Фируза гўшт тўғрарди, Асо печкага ўтин майдаларди. Улар Ҳайдарқулни кўриб жуда хурсанд бўлишди.

— Нима қилсамикин, деб ҳайрон эдим,— деди хурсандлик билан Фируза.— Сиз келишингиз билан масала ҳал бўлди.

— Албатта, бир чўқим паловхон тўра-да!— деди жилмайиб Ҳайдарқул.

— Албатта, албатта!— деб Асо ташқаридан бир бойлам ўтин олиб кирди.— Хуш келибсиз, қадамларига ҳасанот, қани тўрга! Мен ҳозир печкани ёқаман, Фирузажон овқат пиширади.

— Ғариб кулбамизга кулмайсиз! У ёқ-бу ёғини тартибга солишга ҳеч қўлим тегмайди, кечқурун келиб ётамизу, эрталаб кетаверамиз. Бу киши гоҳо ярим кечада ишдан қайтадилар...

— Ҳечқиси йўқ!— деди Ҳайдарқул.

— Чойнакка чой солиб беринг, самовар қайнагандир,— деди Асо Фирузага.

Асо чой олиб келганда Ҳайдарқул сабзи тўғрарди, Фируза гуруч тозаларди. Асо чой қуйиб Ҳайдарқулга узатди.

— Ана шунақа гаплар, биродар,— деди Ҳайдарқул фикрини давом эттириб.— Сув келтирган хорзор, кўза синдирган азиз деб бежиз айтмаган эканлар.

— Мажлис яхши ўтдими?— сўради Фируза.

— Ёмон эмас...— деди Ҳайдарқул ва мажлис натижасини қисқача айтиб берди.

— Бунга Куйбишев билан Файзулла Хўжаевлар нима дейишаркин?— сўради Асо.

— Нима дейишарди, хафа бўлишади албатта, ранжишади, қайғуришади...

— Аскар келтириб, Асад Махсумни қўлга туширишқўлларидан келмайдими?

— Куйбишев бу ишни қилмайди!— деди комил ишонч билан Ҳайдарқул.— Бухоро Жумҳуриятининг ички ишларига у ҳеч қачон аралашмайди. Агар Бухоро ҳукумати ёрдам сўраб, мурожаат қилса, бу бошқа гап...

— Мурожаат қилинглар-да!— деди Асо Ҳайдарқулга.— Ўзингиз ҳукуматсиз-ку!

— Ахийри шундай қилишга тўғри келади шекилли,— деб қўйди Ҳайдарқул.

— Асад Махсум эмас, бир бало экан бу!— деди Асо.

— Бало ҳам гапми,— деди Фируза гапга аралашиб.— Асад Махсум жодугар, сеҳри бор. Ойша билан онасини шу даражага келтирган киши Ижроия катталарини ҳам ўйнатиб юборади.

Асо кулиб қўйди.

— Дарвоқе,— деди Ҳайдарқул,— Ойша билан Бибиражаб тўғрисидаги гапимиз чала қолувди. Хўш, шу билан Ойша ўз севгани Каримни унутиб қўйибди дегин?

— Арвоҳига фотиҳа ўқиди!— деди икки маънода Фируза.— Карим ўлган деб бутунлай ишонтирибди... Унинг тириклигини билгандан кейин ҳушидан кетаёзди... Эҳтимол икки-уч кеча уйқуси ҳам келмагандир...

— Бевафо!

— Ундай деманг!— деди Фируза.— Бу бевафоликдан эмас, ноиложликдан! Ойшага қийин...

— Хайр, жин урсин!— деб қўл силтади Ҳайдарқул.— Ўзига қийин бўлади. Асад Махсум пирига ошна бўлмайди.

— Ойшани севади!— деб таъкидлади Фируза.— Ўзим кўриб ишондим.

— Карим анча дуруст бўлиб қолибди,— деди Ҳайдарқул гапни бошқа ёққа буриб.— Мен хат олдим...

— У қаерда экан?

— Самарқандда... Самарқанд касалхонасида экан. Баҳорда келар экан.

— Илоё тузалиб кетсин!— деб қўйди Фируза ва ошни сузиб келиш учун ўрнидан қўзғалди.

— Карим соғайиб келса, ўзи душманидан ўч олади,— деди Асо.

— Агар ўша вақтгача Асад Махсум бўлса!— деб қўйди Ҳайдарқул.

— Нима бўларди?— деди Фируза.— Ёмонга жин ҳам урмайди...

— Бу гапинг ҳам тўғри!— деди Ҳайдарқул.— Ёмонга жин ҳам урмайди. Лекин мен чарчаб қолдим... Истеъфо бериб, ишдан бўшасам деяпман. Шунча ишладик, етар дейман?

— Хўп, мен аввал ошни келтирай,— деб кулди Фируза,— кейин истеъфо берасиз.

У ташқари чиқди. Ҳовли бутунлай қоронғи бўлиб қолган эди, ўчоқдаги озгина чўғ қоронғиликда кўзга яққол ташланарди. Фируза қозон қопқоғини кўтаришдан олдин ўчоқ бошидаги жинчироқни ёқди, кейин лаганни артиб, ўчоқ ёнига қўйди, капкирни артди... У палов яхши дам есин деб ўзини у-бу ишга урди. Унинг хаёли паришон эди, у Ҳайдарқулни ўйларди. Ҳайдарқулнинг «чарчаб қолдим, ишдан кетаман» деган гаплари Фируза учун катта гап эди. Чунки Фируза билан Асога Ҳайдарқул деярли инқилобнинг ўзи эди. Улар ҳаёт алифбесини, курашни ундан ўрганган эдилар. Улар инқилобнинг нима эканлигини, Шўро ҳокимиятининг нима эканлигини ундан билиб олишган эди. Агар Фирузадан ҳақиқат ва тўғри иш нима деб сўрашса, у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан Ҳайдарқул амакининг иши деб айтар эди. Бу одамнинг дунёда инқилоб манфаати ва унинг ғалабасидан бўлак, жабр-зулм, асорат дунёсининг остин-устун бўлишидан бўлак мақсади йўқ эди, энди нега ишдан кетаман деяпти? Унинг ишдан кетиши дунёдан кўз юмишидир. Унинг хотини йўқ, фарзанди йўқ, бу ҳақда ўйламайди ҳам. Шу Фирузани қизим деган, янги ҳаётни гуллатишни мақсад қилиб олган. Йўқ, уни бу аҳволда қолдириш яхши эмас. Унга ёрдам бериш, қўлтиғига кириб кўтариш керак...

Фируза энди қопқоқни кўтариб ошни сузмоқчи бўлиб турган эди, кимдир ташқаридан эшикни тақиллатди. Фируза Оймулло билан заргар бобо ташвиш чекмасинлар деб қопқоқни яна ўрнига қўйди-да, даричадан кўчага қараб:

— Ким?— деди.

Кўчадан Миракнинг товуши эшитилди:

— Мен... Фируза опа, Миракман!— деди у.

Шу пайт Асо уйдан чиқиб, Фирузага ошни сузавер, ўзим тушиб дарвозани очаман деди. Фируза дамтовоқни очгач, ҳовлини паловнинг хушбўй ҳиди тутиб кетди.

— Ассалом, опажон!— деди Мирак Асо билан ҳовлида пайдо бўлиб.— Мен сизга ёрдам берайми? Ажойиб палов қилибсиз-а? Оғизнинг сўлаги оқади.

— Кел бўлмаса, лаганни ушлаб тур!— деди Фируза ва эрига қараб сўзини давом эттирди: — Сиз кириб дастурхон ёзинг, анор сўйинг, турп олиб киринг!

Таом вақтида сўз Фирузанинг пазандалиги устида кетди. Дастурхон йиғиштирилиб, чой келтирилгач, Мирак Ҳайдарқулнинг саволига шундай деди:

— Дадам тузук, сизга салом айтдилар. Бугун борган эдим, ишларига бир оз кўмаклашдим. Қайтаётганимда амакингникига бориб, ўзларига бир гапни етказ дедилар...

Ҳайдарқул пиёлани гиламга қўйди.

— Хўш, нима гап экан?

Мирак Фируза билан Асога қараб қўйди-да, нима дейишини билмай қолди.

— Гапиравер!— деди Ҳайдарқул унинг иккиланиб турганини пайқаб.— Булар ўзимизники! Буларнинг олдида ҳар қандай гапни айтсанг бўлаверади.

Мирак жилмайиб уй эгаларига қаради ва шу билан улардан узр сўрагандай бўлиб, деди:

— Дадам Асад Махсум бугун босмачиларга милтиқларини қайтариб берди дедилар...

— Нима, нима?— деди маҳмадона Фируза.— Милтиқ берибди? Қайси босмачиларга?

— Жаббор қўрбошининг одамларига бўлса керак?— деди Мирак ўрнига жавоб бериб Ҳайдарқул.— У қўрбошининг икки юзга яқин босмачисига рухсат бермай текширмоқчи бўлиб олиб қолган эди. Албатта, ўшаларни қайта қуроллантириб, ўз одамларига қўшиб қўйгандир...

— Хайр, агар босмачилар таслим бўлиб, хизмат қилишга рози бўлсалар, ёмон бўлмайди-ку,— деди Асо.

— Саид Паҳлавон бу хабарни бекорга етказмагандир?— деди Фируза.

— Ҳа,— деди хаёл суриб Ҳайдарқул,— бекорга эмас! Асад Махсум унинг пайига тушганларини, ҳар бир иши, юриш-туришини ҳамма ҳам бир овоздан маъқуллайвермаслигини ҳис этди. Шунинг учун у ўз сафини мустаҳкамлаб, кучайтириб, эрта-индин очиқдан-очиқ бизга қарши юриш қилиши мумкин.

— Агар хўп десангиз,— деди Асо,— бу хабарни Чекага етказаман.

— Мен ўзим бораман,— деди Ҳайдарқул.— Сен Миракни уйларингача кузатиб қўй. Анча қоронғи бўлиб қолди.

У ўрнидан турди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Лекин Фирузанинг кўзлари гўё энди маслаҳатимиз нима бўлади, мен нима қилай, дегандай Ҳайдарқулга саволомуз боқарди.

— Бир кун эмас, бир кун Асад билан ёқалашмоғимиз турган гап,— деди Ҳайдарқул.— Шояд ўша кун етган бўлса! Мен бориб фикримни айтаман, Чека фақат Ҳожи Ҳасанбек эмас! Қани, нима бўларкин?.. Агар ишим вақтлироқ битса, келиб сизларга хабар қиламан... Сен, Фируза, Асо келгунча Оймуллонинг ёнига тушиб ўтир! Оғироёқли хотинсан, ёлғиз қолишинг яхши эмас... Асожон, сен тезроқ Миракни элтиб қўйиб қайт.

— Мен ўзим...— деди Мирак,— ўзим кетавераман, ҳожати йўқ, чарчаб нима қиладилар...

— Йўқ, йўқ, ҳеч гап эмас,— деди Асо.— Мен онангдан баъзи гапларни ҳам сўрамоқчиман. Қани, олдимга туш!

Фируза уларнинг кетидан дарвозани беркитиб, ичкари ҳовлига, Оймулланинг олдига кирди. Пастдаги уй чароғон эди. Заргар бобо ўттизинчи лампани ёқиб, кўзойнак тақиб, кумуш, тиллалардан алланима ясаётган эди. Оймулло ўрта дераза ёнида қўлида китоб билан ўтириб, ниманидир мутолаа қиларди.

— Ҳа, кел, қизим, кел!— деди Оймулло кўзойнак устидан унга қараб.— Ҳозиргина сени гапириб, Ҳофизни очган эдим...

— Яхшиям келдинг, қизим!— деди заргар бобо ҳам.— Мен шунча қисса-ю афсона айтиб, бу кишини овунтирмоқчи эдим, бўлмади. Оғзингда тишинг бўлмагандан кейинг гапинг пўртиллаб чиқиб, кишини зериктириб юбораркан!

— Саломат бўлинглар,— деди Фируза.— Аллақачон тушмоқчи эдиму, лекин Ҳайдарқул амакимлар келиб қолдилар...

— Кетдиларми?— сўради заргар.

— Ҳа, кетдилар,— деди Фируза.— Асо ҳам...

Фируза Оймуллога яқин ўтирди. Оймулло Фирузанинг қиёфасига разм солиб, унинг ҳаяжонланаётганини, бир гапи борлигини пайқади. Шунинг учун гап сўрамасдан, аввал уни бир оз тинчитмоқчи бўлди.

— Хўжа Ҳозифни «Олимулғайб» дейишади, ҳақиқатда рост!— деди.— Сен киришинг билан Ҳофизнинг мана шу ғазалини кўриб қолдим. Қулоқ сол!

Ташладинг пардани бехосданам, бу нимаси?
Хонадан маст чиқибсан-да бирам, бу нимаси?
Сен гўзаллар шоҳи-ю, аммо гадога манзур,
Билмадинг лекин бунинг қадрини ҳам, бу нимаси?

Зулфинг сабо қўлида, солурсан қулоқ рақибга
Ҳаммага ҳам қўшилибсан-да, санам, бу нимаси?

Суханнинг рамзи даҳондир, камаринг бел сирри,
Тиг бизга текдию ёнар танам, бу нимаси?

Фируза шеър маъноси ва Оймуллонинг мақсадини пайқаб, бошини хам қилди-да, деди:

— Ҳақиқатан Ҳўжа Ҳофиз ғайбни биладиган киши, лекин ҳар кимга ҳам ғайбдонлик қилмайдилар. У кишининг ғайбдонлигини англаш учун сиздек авлиё Оймулло бўлиши лозим.

— Сенингча агар шундай бўлса, агар мен авлиё бўлсам,— деди табассум билан Оймулло,— айт-чи, қандай воқеа юз берди? Нега хафасан?

— Ҳеч гап йўқ,— деди аввалига Фируза, лекин кейин Миракнинг келганлигини ва ноҳуш хабар келтирганини айтиб илова қилди:— Билмадим, оқибати нима бўларкин?

— Оқибати хайрли бўлади!— деб қўйди заргар бобо.

— Тақдир!— деди Оймулло.— Лекин сен қайғурма, дилингга олма! Амирни, унинг тожу тахтини ер билан яксон қилган кишилар Асад Махсумга таслим бўлишмайди. Агар Асад Махсум ўзига келиб, нима ишлар қилаётганлигини билиб олса, бахти, йўқса, унинг тақдири ҳам амир тақдиридек бўлади. Бусиз ҳам ташвишинг бошингдан ошиб ётибди, қорнингда бир қиз, клубда ўн бешта қизинг бор!..

— Қорнидаги нега қиз бўлсин, албатта ўғил-да,— деб кулди заргар бобо.

— Нима бўлса ҳам умри, бахти билан бўлсин!— деди Оймулло.— Ҳайдарқул амакинг ўз номи билан инқилобчи, большевик, унинг илдизига ҳар ким ҳам болта уролмайди. Кел, Хўжа Ҳофиздан бир фол очай...

Шу тариқа Фируза ширинсукан Оймуллоси билан суҳбатлашиб анча овунди, енгил тортди...

Аммо Ҳайдарқул юз фикр-хаёл билан Чека томон борарди.

У Чекага бориб, аввало бу хабарни, Мирак келтирган хабарнинг тўғри-нотўғрилигини билмоқчи, кейин улар билан, Чека раҳбарлари билан маслаҳатлашмоқчи, Асад Махсумнинг босмачиларни қуроллантириши Марказий Ижроия Комитетининг бугунги қарорига жавобан биринчи қадам эканини Ҳожи Ҳасанбекка тушунтирмоқчи эди! Агар шундай ўз ҳолига қўяверсалар, эрта-индин Асад Махсум бошларига чиқиб олади, кейин уни бартараф қилиш қийин бўлиб қолади...

Чекада Ҳожи Ҳасанбек йўқ эди. Ҳайдарқул Федоров кабинетига кирди. У икки-учта бўлим мудирлари билан суҳбатлашиб ўтирган эди.

— Марҳамат, ўртоқ Ҳайдарқул,— деди Николай Федорович.— Янги гапдан хабарингиз борми?

— Йўқ,— деди ўз ўй-хаёллари билан банд бўлган Ҳайдарқул.

— Раисимизни тўсатдан ишдан олишди!— деди Николай Федорович.— Ҳожи Ҳасанбек ишни уддалай олмапти...

— Хайр, қизиқ!— деди Ҳайдарқул бирданига ҳайрон бўлиб.— Ўрнига ким бўлди?

— Ўрнига Олимжон Аминов тайинланибди, лекин ҳали ишга чиққанича йўқ.

Ҳайдарқулнинг кўкрагига аллақандай ёқимли шабада ургандай бўлди. Бу шабада Ревком мажлиси ва босмачиларнинг қуроллантирилиши тўғрисидаги хабарни эшитганидан кейин вужудини қамраб олган умидсизлик пардасини бир оз йиртгандек, йироқдан бўлса ҳам бир умид шуъласи милтиллаб кўрингандай бўлди.

— Бу... тўсатдан?— сўради Ҳайдарқул.— Қандай ақлли киши бу йўлда биринчи қадам ташлаган бўлса? Нозирлар Шўроси қарори билан бўлса керак?

— Ҳа,— деди Федоров,— кеча сиз йўқ эдингиз, Асад Махсумнинг иши билан банд дейишди. Бу масала Марказий Комитет секретариатининг навбатдан ташқари мажлисида ҳал қилинди. Қария бу ишга муносиб эмасди. Ўзи ҳам қийналди, ишларни ҳам расво қилди.

— Олимжон ишни йўлга қўйиб юборса керак!— деди Ҳайдарқул ва мақсадга кўчди: — Ўртоқ Федоров, сиз Ижроия Комитетининг бугунги қароридан хабардормисиз?

— Хабарим бор...

— Шу қарордан кейин бориб босмачиларни қуроллантирибди, эшитдингизми?

— Ҳа, хабарим бор,— деди Федоров.— Биз ҳам ҳозиргина эшитдик. Лекин бу тўғрида тахминан ўн кун илгари Махсумнинг ўзи келиб раис билан маслаҳатлашган эди. Шу боисдан биз ҳеч нима демадик.

— Наҳотки сиз бу ишга розилик берган бўлсангиз?

— Розилик бермай нима қилардик? Лекин аввал уларнинг ҳаммасини синаб, текшириб, кўрикдан ўтказинг, деб маслаҳат бергандик.

— Албатта у синаб кўрдим, ўргандим дейди...

— Шубҳасиз!..

— Бу нотўғри, албатта! Босмачиларни текшириш, кўрикдан ўтказишда Чека одамлари қатнашиши керак эди!

— Мен айтдим, лекин раис бу ишни унинг ўзига топшириб, ишонч билдирди.

— Яхши бўлмабди! Ким билади, қанақа одамларни, нима мақсадда қуроллантирганийкин! Ана шунақа аксилинқилобий кучларни атрофига тўплаб, бир куни ўзимизга қарши ҳужум қилмасайди деб қўрқаман?!

Федоров бош чайқаб, бир оз жим қолди. Асад Махсумга нисбатан Ҳайдарқулда пайдо бўлган шубҳа Федоровда ҳам оз-моз бор эди. Лекин у Асаднинг шу даражагача етиб боришини, яъни Шўро ҳокимиятига қарши бош кўтаришини тасаввур қила олмасди. Бинобарин, шундай деди:

— Мен Асад Махсумни инқилобга қарши мақсади бор деб ўйламайман. Лекин манманлиги, кеккайиши, қисман бебошлиги бор. Биз билан сизнинг вазифамиз — ундан хабардор бўлиб, шохига уриб туришдан иборат.

— У шунчалик кеккайиб кетган бўлса, қандай қилиб шохига урасиз?!

— Вазифамизнинг оғирлиги ҳам ана шунда-да!

Иккиси ҳам бир дақиқа жим қолди. Асад Махсумга нисабатан ҳеч қандай ишончи бўлмаган Ҳайдарқул бу суҳбатдан хафа бўлди. У Федоровни ишонтириш учун қўлида бирор ҳужжат, бирор далил йўқлигини биларди. Маълум бўлдики, Асад Махсум шу қадар баттоллиги, разиллиги билан бирга анча маккор, тадбиркор ҳам экан. У ўзини Чекага ва бошқа жойларга шундай кўрсатибдики, ҳатто Федоровдай одам ҳам унинг ҳийла-найрангларини пайқамабди. Ҳа, ҳа! Шунинг учун ҳам Марказий Ижроия Комитетида унинг феъл-атворига эътиборсизлик билан қарашди. Шунчаки кеккайган, жиззаки, сал бебош деб қўя қолишади... Бошқа не чора?! Ё асосли далил, ҳужжат топиш, ё жимгина юриш керак!

Федоров Асад Махсум шу жанговарлиги, қўрқмаслиги билан инқилоб йўлида пок, фидокорона хизмат қилишини астойдил истарди. Аммо афсуски, Асад Махсумда шундай ёмон хусусиятлар борки, Ҳайдарқул айтганидек, агар унга аҳамият бермай қўйилса, бора-бора аянчли натижаларга олиб келиши мумкин. Кейин нима бўлади?

— Мен,— деди у ниҳоят,— янги раис билан маслаҳат қилиб, эртага ташқи Дилкушога бориб, хабар оламан, умуман уни тарбиялаш, бемаъни ҳаракатлардан қайтариш чорасини ўйлаб кўраман.

Ҳайдарқул нима дейишини билмай, ўрнидан қўзғалди:

— Хайр, раҳмат!— деди у ва кўчага чиқди...

Кўчада Сесўдан куёвнўкар ўтарди. Куёв ёки куёвнинг отаси бадавлат одамлар бўлсалар керак, куёвнўкар жуда дабдабали, серодам эди. Тўртта катта машъала кўтаришиб боришарди. Олдинда ноғора, сурнай, карнай, ўйинчилар ўйнаб, ёш болалар қий-чувлашиб кўчани бошларига кўтариб борардилар. Улар кетидан куёвнинг жўралари уни ўртага олиб, аҳён-аҳёнда ҳай-ҳай қилиб, қийқиришарди. Улар изидан яна ноғора, сурнай, яна бир талай одам борарди. Бу одамлар гўё оламдан хабарсиз, ўз хурсандчиликлари билан овора эдилар... Асад Махсум уларга, уларнинг хурсандчиликларига таҳдид қилаётганлигидан парво қилмасдилар. Улар Асад босмачилар тўдасини қуроллантирганини билмасдилар, бу билан ишлари ҳам йўқ эди... Куёв бундай тантана ва дабдаба билан уйланаёт-

ганидан бу кечқурун ўз қаллиғининг юзини биринчи марта кўриб, висолидан баҳра олишидан хурсанд эди... Куёв жўралари ҳам бир неча кун кайфу сафо суришиб, насиб бўлса биз ҳам шундай мурод-мақсадга етамиз деб, оғизлари қулоқларида эди... Куёвнинг ота-онаси эл олдида катта тўй қилиб, ўғилларини уйлантиришларидан керилардилар...

Майли, ўйнанг, кулинг! Майли, орзу-ниятларингизга етинглар!.. Ким билади, балки бу дам ғаниматдир, дўстлар.

Куёвнўкар ўтиб кетгандан кейин Ҳайдарқул тўппа-тўғри Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети идораси томон йўл олди. У Саррофлар растасидан ўтиб, ўнг қўлга бурилди ва бир неча дақиқадан кейин ўша жойга етди. У аввал кабинетига кириб, стол устидан хабар олди. Котиб газета ва хатларни қўйиб кетган эди, олиб ўқиди ва бир оз дам олиб ўзига келди. Сўнгра ўрнидан туриб секретариат қабулхонасига борди. Секретарлардан Окчурин ўз кабинетида экан, ижозат сўраб кирди.

— Афсуски,— деди Окчурин,— Ижроия Комитетида Асад Махсум масаласига аҳамият беришмапти. Биздан мажлисга борган ўртоқни бунчалик деб ўйламаган эдим. Албатта унинг маърузасини эшитиб, бирор чора кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам Асад Махсум билан тузукроқ шуғулланиш керак. Менимча, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас...

— Яъни нима қилайлик?

— Унинг ёнида Марказий Қўмита томонидан бир комиссар бўлиши керак, бу одам унинг ҳар бир ишига аралашиб, шохига уриб туриши керак. Ана ўшанда ундан яхши фойдаланиш мумкин. Йўқса, у шундай бир зотки, озгина эгри йўл бўлса тойиб кетаверади.

Ҳайдарқул ҳайрон бўлиб қолди.

— Асад Махсум комиссарга йўл бермаса керак,— деди у.— Йўл берганда ҳам унга итоат қилиши амри маҳол! Асадни ўзингиз яхши биласиз-ку.

— Гап одамида, албатта!— деди Окчурин.— Ҳар қандай одам бориб, шохига уролмайди... Мен бу ишга сиздан бўлак муносиб одам топилмайди деб ўйлаб турибман.

— Йўқ,— деди дарҳол Ҳайдарқул.— Асад икки дунёда ҳам мен билан чиқишмайди. Бефойда!

— Сизнинг вазифангиз муросага келтириш-да!— деди Окчурин.— Бу ҳақда бошқа ўртоқлар билан маслаҳатлашган эдим. Ҳамма шу фикрни маъқул топди. Бугун келмаганингизда эртага ўзим чақирмоқчи эдим. Ҳа, топшириқ шундай бўлди.

Шундагина Ҳайдарқул аллақачон Марказий Қўмитада кишилар маслаҳатлашиб, бу ишнинг чорасини топиб қўйганларини билди. Мана шунинг ўзи уни ҳақиқатан Окчурин ягона тўғри йўлни ўйлабди, деб қувонтириб юборди. Аммо у — Ҳайдарқул бу ишга тўғри келмайди. Асад Махсум айниқса бугунги мажлисдан кейин у билан қирпичоқ бўлиб қолди. У ҳеч қачон Ҳайдарқул билан ярашмайди.

— Сизнинг фикрингиз тўғрисида нима ҳам дердим?— деди Ҳайдарқул.— Марказий Қўмита секретариатининг менга нисбатан бундай ижобий фикрда эканлигидан хурсандман. Шунингдек, Асад Махсум ҳузурига комиссар юборишга ҳам қарши эмасман, маъқул гап. Лекин Асад ҳеч қачон мен билан чиқишолмайди, ўртоқ Окчурин.

— Чиқиша олади,—деди Окчурин қатъий қилиб.— Агар келиша олмаса, уни ишдан олиб ташлаймиз. Эртага мен сиз билан бораман, мажлис ўтказиб, сизнинг комиссар қилиб тайинланганлигингизни эълон қиламан. Гап шу!

Ҳайдарқул бошқа йўқ-пўқ демади-да, хўп деб хайрлашиб, чиқиб кетди. Аммо кўчада ўзига ўзи савол бериб, ҳайрон бўлиб қолди. Ахир, бу қандай бўларкин?!— дерди у ўзига ўзи. Аммо жавоб тополмасди. Кўчалар қоронғи, қўрқинчли бўлса ҳам, Ҳайдарқул парво қилмасди, унинг фикр-хаёлини янги ишга тайинланиши банд қилган эди...

Кўчаларда йўловчилар деярли йўқ эди. Ҳар ер-ҳар ерда кўча бошларида, мактаблар ва идоралар олдида фонарь ёнарди, қоровул гоҳо-гоҳо шақилдоғини шарақлатиб қўярди, холос. Айниқса Бикробод қабристони олдидаги кўча қўрқинчли эди. На чироқ, на йўловчи кўринади. Кўча билан қабристонни ажратиб турган узун девор ортидан қабрлар кўзга ташланарди. Бу кўчадан ўтаётганда ҳар қандай ўткинчининг юраги пўкилларди. Лекин Ҳайдарқул аксинча, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бу жойдан ўтганда бир оз тўхтаб, ўз азизларини ёдларди, уларнинг пок руҳларига салом йўл-

лаб, таъзим қилиб, сўнг ўтиб кетарди. Ўтиб кетарди-ю, анча вақтгача бошқа ўй-хаёллар эсидан чиқиб кетиб, улар ўрнини қизи Савсан ва хотинининг хаёли эгалларди... Илгари амир даврида Ғанижонбой унинг азизларига жабр-жафо қилган бўлса, ҳозирги вақтда Асад Махсум бошқача йўсинда шўрлик Ойша ва унинг онасига жабр ўтказяпти. Асад уларни тўрт девор ичига қамаб қўйган, ташқари чиқишга қўймайди... Гўзал Ойша, шўх, ниҳолдек Ойша Асаднинг қонли панжасида! Фируза Асад ўзининг оташин ишқ-муҳаббати билан Ойшани таслим қилган бўлса керак дейди, йўқ! Унга ишониб бўлмайди. Турган-битгани найранг бўлган Асад Махсумнинг қалбида ишқ-муҳаббат не қилсин!

Ҳайдарқул ҳовлига кириб, уй эшигини очди, токчадаги ўнинчи лампани ёқди ва эркин нафас олиб, уйни кўздан кечирди. Бу раҳматлик Дилором каниз истиқомат қилган ўша уй, бу Фируза билан Асо тўйларини ўтказган ўша қадимий уй, ҳовли... Ҳозир бу уйда эски гилам, бир сим каравот, бир стол билан стул ва шунга ўхшаш тирикчиликка керакли айрим нарсалар бор.

Ҳайдарқул шинелини ечиб, михга осди, сўнгра токчадаги чойнакдан бир пиёла яхна чой қуйиб ичди, кийимларини ечиб, ўрнига кирди. Кўзойнагини тақиб, бир оз газета ўқимоқчи бўлди, лекин хаёли паришон.

У Оқчуринга, Марказий Қўмита секретарига бирон нарса деёлмади, унинг сўзини рад қилмади, лекин эртага албатта яна гаплашиб кўраман, деб кўнглига тугиб қўйди. Асаддан жуда шубҳаланаётганини очиқ-ойдин айтади, Асаднинг олдида ишлаши деярли мумкин эмаслигини тушунтиради... Ҳозир хаёл суриб ётиб Оқчуриннинг гапига қараганда, бу масала Марказий Қўмита секретариатида муҳокама қилинибди, қатъий қарорга келишибди, мени комиссар қилиб тайинлашибди. Иштирокиюн фирқасининг содиқ аъзосиман, ҳеч қачон фирқа буйруғини рад қилганим йўқ. Иннайкейин, агар мажбур қилишса, ноилож ишни қабул қилишим керак. Майли, Асад Махсум ёнида комиссар бўлиб ишлайман... Ким билади, балки, бу янги вазифа Асадни яқиндан билиб олишга имкон берар, Асад тўғрисидаги шубҳаларим нотўғри эканини тушуниб, у билан ярашиб қолсам ажаб эмас... Ёки

аксинча, иш давомида шундай ҳужжат, далиллар қўлимга тушиб қоларки, булар Асаднинг разиллигини очиб ташлар, ана шунда Асадни фош эта оларман. Ҳар ҳолда Асад билан яқинлашиш, гарчи менга анча қийин бўлса ҳам, лекин ишни бир ёқлик қилади...

Аммо комиссар бўлганидан кейин бу уйдан вақтинча кетишим, ташқи дилкушодан жой олишим керак. Шояд Саид Паҳлавон уйидан жой берса?.. Йўқ, яхши бўлмайди. У ерда Саид Паҳлавон билан расмий муносабатда бўламан... У орқали Махсумнинг йигитлари ва қўшин бошлиқларини ўзимга ром қиламан. Асад билан албатта билиб сабр-матонат билан муомала қилишим керак. Дастлабки кунларда жияним ва синглим тўғрисида Асад гап очмагунча, ҳеч нимани сўрамайман... Аста-секин фирқа йўлини ўтказиб, Иштирокиюн фирқаси ячейкасини ташкил қилиб, бу ячейка аъзоларини кўпайтириш керак, деган гапларни кўнглидан кечирди.

Ҳайдарқул шуларни ўйлай-ўйлай ухлаб қолди. Тушида ҳам Асад можароси эди...

19

Ўша кечаси Ойша ҳам эрини кутиб, ярим кечагача онаси билан гаплашиб ўтирди. Кўзларига уйқу келмасди, қандайдир маъюс, кўнгли ғаш эди. Аммо кампир чарчаб қолиб пинакка кетарди, Ойшанинг саволларига зўрға жавоб берарди...

Ниҳоят кампир чидолмай деди:

— Ҳой болам, вақт кетиб қолди, тур, ўрнингга кир, Махсум келганча бир мизғиб оласан. Мен бошимни кўтаролмаяпман...

— Хайр, ўтира туринг!— деди Ойша хаёлга чўмиб.— Мен яна бир нимани сўрамоқчи эдим... Ҳа, агар киши тушида эри билан эмас, бошқа бир киши билан қучоқлашиб, ўпишса нима бўлади?

Кампир ҳайрон бўлиб сўради:

— Шунақа туш кўрдингми?

— Ҳа,— деди Ойша,— кеча ҳам куёвингиз бевақт келдилар, пойлаб ўтириб ухлаб қолибман... Ногаҳон Каримни туш кўрибман, худди ўнгимдагидай... Янги

кийимлар кийиб олган, куёвлардек башанг, ясанган, кулиб турибди. Менга, ҳой Ойша, мени соғинмадингми, дейди. Мен соғиндим, дедим... Ундай бўлса, кел, деб қўлимдан ушлаб, бир боғми ё гулзорми, ҳар қалай, кўкаламзор бир ерга судраб олиб кирди... Соғиниш давоси нима, биласанми, деб сўради. Мен билмайман, дедим. У у ёқ-бу ёққа қаради-да, кейин мени қаттиқ қучоқлаб, кўксига босиб ўпди... Мен ҳам қўлимни бўйнидан ўтказиб, юзидан ўпдим. Шу вақт Махсум келди-ю, уйғониб кетдим...

Кампирнинг кўзларидан уйқу ўчиб кетди, нечукдир хижолат бўлиб, юраги аламдан қисилгандай бўлди.

— Каримжонни соғинибсан!— деди у оҳ чекиб.— Киши бирор нарсани ўйлаб ётса, албатта тушига киради...

— Йўқ, мен ўйламаган эдим,— деди Ойша,— аксинча, кейинги вақтларда Махсум совиб қолгандай... Кечалари бевақт келади, кундузлари йўқламайди деб ўйловдим... Илгарилари қандай эди?! Бир соат кўрмаса, жинни бўлиб қоларди!

— Иши кўп!— деди кампир қизига тасалли бермоқчи бўлиб,— сериш одамнинг кўзига баъзан ҳеч нарса кўринмайди, лекин дилида меҳри бор. Парво қилма. Кўрган тушинг ҳам жуда яхши. Бегона эркак тушда фарзанд, ўғил дейишади... Кошкийди худо Каримжондек бир ўғил берсайди!

— Каримжоннинг аҳволи қалай экан?— тўсатдан сўради Ойша.

— Тузалгандир, доно дўхтурлар уни нобуд бўлишга қўйишмайди!

— Бухорога келганмикин?

— Билмасам... У қаёққа борса ҳам иззат-ҳурматда бўлади!

— Кошки Фируза келсайди, кўксимга шамол ургандай бўлардим... Бу тор ҳарамда қисилиб, юрагим зардобга тўлди!

— Мен ҳам тоғангни соғинибман, ундан ҳеч хабар йўқ. Қани энди булар ўртасидаги хусумат тезроқ тугай қолса!

— Буларнинг хусумати тамом бўладиганга ўхшамайди... Хайр, бориб ухланг, ойижон!

Кампир уни худога топшириб, бошқа уйга кетди, Ойша хаёлга чўмди.

Ойша кейинги вақтларда, айниқса Каримнинг тириклигини билгач, анча маъюс, хаёли паришон бўлиб қолган эди. У оҳ-воҳ, пушаймон исканжасида азоб чекарди. У биров олдида ўзини гуноҳкор ва айбдор сезарди. У ўзини фалокат, надомат чоҳига ташлаб, энди ундан чиқиш иложини тополмаётгандек ҳис этарди... Унинг бу ҳолатини ҳатто Асад Махсум ҳам сезиб қолган эди. Бир куни уни эркалатиб ўтириб, деди:

«Шу кунларда паришонхотир бўлиб қолибсанми, ё меҳру муҳаббатинг сўниб қолдими, негадир муомалаларинг ўзгача?!»

Ҳа, унинг муомалалари ўзгарган. Агар илгарилари Асад Махсумнинг эркалатишлари унга қанот боғлаб, бахт-саодат осмонида сайр эттирган бўлса, эндиликда аксинча бу эркалатишларда у ёлғончилик, ҳийла-найранг борлигини сезадиган бўлиб қолди. Ахир, Каримни босмачилар ўлдиришди, нобуд қилишди деган шу Асад Махсум эмасмиди?! Унинг кўнглини ҳаммадан совитиб, ишқингда ўлар бўлсам ўлдим деган, шу Асад Махсум эмасмиди? Мана энди маълум бўлдики, бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон, бекорчи экан... Ёлғончининг эгри тили ҳеч қачон тўғри сўзламайди, шундай экан, эркалатишлар, хушомадлар нега ёлғон бўлмасин?! Хизматчи аёл Махсум ташқарида ҳар куни гуноҳсиз одамларни келтириб қийнайди, азоблайди, ўлдиради, ўз қўли билан отиб ташлайди, деб гап топиб келади! Раҳмсиз, бағри тош экан... Кечалари мулланинг мушугидай бўлиб, куйдим-ёндим деб қўйнига киради, ана шу бегуноҳ одамлар қонига беланган қўллари билан уни қучоқлайди... Бу эркак қучоғида ётиб, ноҳақ тўкилган қон ҳидини сезмаслик учун киши кесак бўлиши керак!..

Ойша бу тўғрида онасига шикоят қилган эди, аммо онаси унга тасалли бериб, ким билади, хизматкор аёлнинг гаплари ростми-ёлғонми деган эди. Агар рост бўлса ҳам, унинг вазифаси, иши шунақа-да! Бухоро ҳукумати уни душманларни ва босмачиларни йўқотиш учун масъул қилиб қўйган. Агар қийнаган, ўлдирган бўлса, босмачиларни қийнаган, ўлдирган-да!.. Бусиз бўлмайди, албатта... Шуни билиб қўйки, эринг сипоҳ, сипоҳийликда бундай ишлар бўлади. Шайх Саъдий тўғри айтганлар: ё филбоқарлар билан келишма, ё

фил сиғадиган уй қур! Ана шунинг учун кўп қайғурма, бу гапларга эътибор берма! Модомики, тақдиринг шу экан, эрингни бил! Ҳарқалай оёғингга бош уради, атрофингда парвона бўлади, мен билан сенга озор бермайди... Бахт бундан ортиқ бўладими?!

Онанинг бу гаплари, бу насиҳатлари ҳам чакки эмас! Тўғри айтади кампир! Бошқа иложи йўқ! Тақдирга тан бермоқ керак. Шу кунга ҳам шукур қилиш керак! Лекин бир кун келиб Карим билан юзма-юз бўлиб қолса, унда нима қилади?! Ахир, Карим уни жонидан ҳам ортиқ севарди-ку, у билан аҳд-паймон қилган эди-ку! Ҳа, бевафо, қани ўша аҳд-паймонлар демайдими?! Ўшанда унга нима деб жавоб беради?! Шунда ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса!..

Оҳ, Карим, Каримжон! Мени ўйлама, менинг номимни пок тилингга олма, ўтмишни эслама! Мен ҳеч нимага арзимайман, ҳеч нимага! Мен фақат аёлман, бир муштипар, иродасиз ва тилсиз аёлман!.. Бир эркакнинг, бир зўравон ва баттол эркакнинг хотини бўлиб қолганман. Мен бир ўйинчоқ, шунчаки овунчоқ, ҳиди йўқ қоғоз гулман... Шўро ҳукумати аёлларга озодлик, тенг ҳуқуқ бераркан, хотинлар очиқ бўлармиш, бошқалар билан гаплашадиган, борди-келди қиладиган, мажлис ўтказадиган, ишлайдиган бўлармиш... Аммо булар менга эмас! Мен фақат хотинман, бир зўравон кишининг хотини!

Ҳа, «хотин», «муштипар хотин» маъносининг нима эканлигини энди у яхши биларди. Муштипар — бир ҳовуч пар, на жони бор, на оғирлиги, на ҳаракат бор, на баракат! Бир пуф десангиз, йўқ бўлади кетади!.. Мен муштипар хотин!.. Мен муштипар хотин!.. Мен муштипар хотин!..

Ойша неча минут ё неча соат ухлаганини билмай қолди. Ҳар ҳолда Махсумнинг уйга кириб келишини эшитиб, кўзини очди. Ташқари ҳали ҳам қоронғи эди. Пойгаҳда йигирманчи лампа ёниб турарди. Махсум индамай, келиб каравот четига ўтирди-да, секин кийимларини еча бошлади.

— Соат неча? Ҳали тонг отгани йўқми?— деб сўради Ойша уйқу аралаш.

— Ҳа, уйғотиб юбордимми? Ҳали эрта... ухлайвер!

— Йигирокда ҳам ухламай, эшикка кўз тикиб

ўтирувдим. Келавермаганингиздан кейин бирон ёққа кетгандирсиз деб, ўрингга кирдим... Иссиқ чой бор, ўраб қўйилган, чой-пой ичармидингиз? Яхна гўшт бор.

— Йўқ,— деди Махсум хасталик билан,— кўнглим ҳеч нарса тиламайди... Чарчадим. Роҳат қилгум, сени ҳидлаб, момиқдай қучоғингда ҳамма нарсани унутиб ётгум келяпти.

— Нима бўлди, нега бунчалик чарчадингиз?— атайин сўради Ойша.— Сиз бўлмасангиз бошқалар ишлай олмайдими?

— Катта, муҳим ишлар менсиз бўлмайди! Ҳозир душманлар ёмон бош кўтарган, сал сустлик қилсак, бизни еб ютадилар. Хайр, кўпи кетиб, ози қолди. Худо хоҳласа, душманларни тугатсак, Бухорога кирамиз, саҳроларда юриш ҳам етар! Шундай бир дабдабали ҳовли оламан, ўн етти тўсинли данғиллама олижаноб хонаси бўлсин... Ана ундан кейин бу хонани шундай ясатайки, амир кўрса, оғзи очилиб қолсин! Қизил пат гилам, бахмал, шойи кўрпа-кўрпачалар, пар ёстиқлар, ҳарир пардалар... токчаларида қирмизи, қашқари чойнак-пиёлалар, хитой гулдонлари, жовонларида ичи тўла ёқут, марварид, чинор сандиқчалар, сантўрлар* ва бошқа антиқа нарсалар... Ҳар куни базм, тўй, хурсандчилик... Созандалар гумбурлатиб чалишади... Бориш-келиш, хурсандлик... Биламан, бу ерда ўзинг зерикиб қолгансан... аксига олиб иш кўп, сени овунтиришга вақтим йўқ.

— Йўқ, зерикаётганим йўқ!— деди Ойша.— Лекин ойим Ҳайдарқул тоғамни соғинибдилар... Кошки Махсум тоғанг билан ярашсалар, дейдилар...

Бирданига Асаднинг эсига ҳақиқатан ҳам нега шу Бибиражаб билан Ойшани баҳона қилиб, Ҳайдарқул билан ярашиб олмайман деган фикр келди. Ҳали ишлари унчалик пишиб етмаган, ҳали қўрбоши одамларини ўзига ром қилганича йўқ, бу ишни эндигина бошлади, Ҳайдарқулдек одам билан терс бўлиб юришнинг нима ҳожати бор.

— Ҳа, Ҳайдарқул тоғанг,— деди-ю, анча жим бўлиб қолди. Кейин ўрингга кириб чўзилди-да, кўрпани устига тортиб, шифтга тикилганича гапида давом эт-

* Сантўр — чолғу асбоби.

ди: — Қайдарқул тоғанг ярашишни хоҳламайди. Қани энди беҳуда хусуматни йиғиштириб қўйиб, мен билан ярашса. Мен жон-жон деб... ўзим бориб оёғига йиқилардим. Қўлларини кўзимга суртардим. Хизматига қўл қовуштириб турардим...

— Бунчаликнинг ҳожати йўқ. Тоғам хоксор киши! Лекин ярашишни йўлини топиш керак. Агар ойим ўртага тушсалар, тоғам йўқ демайдилар. Акалари, жигарлари... Бирор кун ойимни юборинг, яхши бўлади.

— Бўпти бўлмаса, шундай қиламиз...— деб қўйди Махсум ва бошқа гапирмади. Бирпасдан кейин хуррак овози уйни тутиб кетди.

Эртасига Асад Махсум ташқарига кеч чиқди. Ташқари ҳовлида Саид Паҳлавон уни учратиб, салом берди, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин, деди:

— Босмачилар эрталабки машққа чиқишмади. Шунча қилсак ҳам бўлмади. Наим роса сўкиб, командирларга жавоб берди.

Асад одати бўйича соқолини тутамлаб туриб, деди:

— Аввало шуки, буларни босмачи дема! Янги машқчилар де!

— Хўп бўлади.

— Иккинчиси шуки, Наим жавоб бериб номаъқул иш қилибди. Уриб турғизиш керак!

— Хўп бўлади.

— Оқилов қани?

— Меҳмонхонада. Сизни кутиб ўтиришди.

Асад меҳмонхонага кириб шовқин солди:

— Нега эрталабки машқни ўтказмай жавоб берибди! Сиз қаерда эдингиз? Бир-иккитасини уриб, отиб ташласангиз бўлмасмиди? Ҳаммангиз ҳам ялқиллагансиз! Агар уларга бир марта индамай қўйсангиз, тамом, бошингизга чиқиб олишади, эшак қилиб миниширади. Ҳозир ҳаммасини машққа ҳайданг, икки соатдан кўпроқ югуртиринг! Ўзингиз хабардор бўлиб туринг!

— Наим менга хабар қилмабди,— деди Оқилов.— Мен бошқа ишлар билан банд эдим.

— Қанақа ишлар билан? Бундан ҳам зарурроқ иш борми?!

— Бор!— деди Оқилов Асад махсумнинг кўзларига сурбетлик билан тикилиб.— Бор, раис!

Асад ғазабланиб ундан юз ўгирди-да, ўз столига бориб ўтирди...

— Гапиринг!— деди.

— Низомиддин телефон қилди,— деди Оқилов.— Ярим соатдан кейин бу ерга Оқчурин, Ҳайдарқул ва Низомиддин афандилар ташриф буюрар эканлар. Барча комиссия аъзолари ва қўшин командирлари ҳозир бўлсин эмиш. Фавқулодда мажлис ўтказишармиш.

— Яна қанақа мажлис? Бизни ўз ҳолимизга қўйишадими йўқми?!

Оқилов бу саволларга жавоб бермай деди:

— Мен қоғозлар, делолар ва қарорларни тартибга солиб қўйдим, Исматжонга йигитларнинг ётоғига бориб, хабар олинг, у ёқ-бу ёқни тузатиб қўйишсин, командирларга хабар қилинг, тайёр бўлишсинлар дедим... Фирқа котибининг ўзи келармиш, бежиз бўлмаса керак!

— Хайр, келса келаверсин!— деди Махсум паришонлик билан.— Лекин манави янги қўшилган йигитлар масаласини нима деб тушунтирамиз?

— Ўзлари хоҳладилар деймиз, мен Исматжонга бориб ҳаммасига тайинланг, агар улардан сўрашса, шундай жавоб беришсин, деб айтдим.

— Сонини камайтириб айтиш керак. Масалан, камбағал йигитлардан юз киши денг!

— Дуруст.

Ташқи Дилкушода шаҳар катталарининг нима мақсад билан келишларини ҳеч ким билмас эди. Шундай бўлса ҳам кундузи соат ўн бирда дарвоза ёнида, ҳовли юзида Асад қўшин бошлиқлари ва қўрбоши йигитлари бошлиқларидан йигирма беш-ўттиз киши тўпланган эди. Кўп ўтмай шаҳардан файтонда Низомиддин, Оқчурин ва Ҳайдарқуллар келишди. Уларни Асаднинг ўзи, Исматжон ва Оқиловлар кутиб олишиб, меҳмонхонага олиб киришди.

— Командирларни ҳам айтинг, киришсин!— деди Оқчурин Асадга.— Меҳмонхона кенг, сиғамиз.

— Сал дам олинглар,— деди Асад.— Бир пиёла чой ичинг... Кейин...

— Чой бўлса, олиб келаверинг,— деди Низомиддин.— Биз гапни бошлайверамиз.

— Марҳамат, марҳамат!— деди Асад Низомиддиннинг чеҳрасидаги изтироб аломатини пайқаб.— Қани,

ўртоқ Оқилов, Наимга айтинг, йигитларини олиб кирсин! Ҳой, Саид амаки, чой!

Барча командирлар ва қўрбоши йигитларининг бошлиқлари меҳмонхонага киришди ва гиламга чўккалашди. Саид Паҳлавон чой билан ширинликлар келтириб, столга, меҳмонлар олдига қўйди.

— Азиз биродарлар!— деди Асад йиғилганларга хитоб қилиб.— Бугун шаҳардан, Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитасидан бизга Қўмитанинг масъул котиби ўртоқ Оқчуриннинг ўзлари меҳмон бўлиб келдилар. Ҳаммадан олдин биз бу кишига хуш келибсиз, деймиз, кейин илтимос қиламизки, не буюрсалар, биз амру фармонларига тайёрмиз!

Оқчурин қотмадан келган, новча, буғдой ранг, кўзу қошлари қора, сочлари тиғиз, мош-гуруч эди. У ўрнидан туриб, шинелини ечиб қўйди:

— Уй иссиқ экан,— деди у жилмайиб,— шинел эркин суҳбатга халақит бермасин! Ҳа, бугунги суҳбатимиз эркин суҳбат бўлади. Ана шу эркин, илиқ суҳбатимиз бошланаётган шу хонада бундан бир неча ой илгари амир Олимхон кайф-сафо сурарди. Унинг одамлари меҳнаткашлар қонини сўрарди. Қизил инқилоб амир тож-тахтини ер билан яксон қилди ва меҳнаткашларга эркин нафас олиб, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш имкониятини берди. Лекин инқилоб душманлари жим юришмаяпти. Улар халққа ўзларининг янги, эркин турмушларини қуришга йўл беришмаяпти. Винобарин, янги ҳукумат, Бухоро Шўро ҳукумати милиция ва халқ муҳофазачилари гуруҳларидан ташқари, босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссиясини ташкил қилиб, сиз дўстлар ва ўртоқларни мана шу жойга, ташқи Дилкушога тўплади. Комиссия иш давомида катта муваффақиятларга эришди. Лекин хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйди, буни махсус текшириш комиссияси аниқлади.

Шунинг учун Бухоро Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси бундан кейин ҳам Фавқулодда комиссия ишига ёрдам бериб, имкони борича унинг ҳайъатини янада кучайтиришга қарор қилди. Шунинг учун бугун сизнинг олдингизга ўртоқ Ҳайдарқулни олиб келдим. Марказий Қўмита бу кишини шу комиссиянинг сиёсий комиссари қилиб тайинлади. Ўртоқ Ҳайдарқул фаол инқилобчилардан, ҳушёр большевиклар-

дан биридир. Ёши жиҳатдан ҳам, бой тажрибаси жиҳатидан ҳам, сиёсий билим ва иш жиҳатидан ҳам ўртоқ Ҳайдарқул бу ишга жуда муносибдир. Мен ишонаманки, бу киши билан ишлашиб, бундан кейин ҳам катта муваффақиятларга эришасизлар, хато ва нуқсонлар ҳам камаяди...

Оқчурин яна келажакдаги вазифалар, босмачиларга қарши кураш ва Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирнб, ўрнига ўтирди.

Ҳайдарқул Асад Махсумнинг ижозати билан ўрнидан туриб, сўз бошлади:

— Азиз биродарлар! Мен ёшим жиҳатидан бу вазифага унчалик муносиб бўлмасам ҳам, Марказий Қўмита шуни лозим топибди, мен йўқ деёлмасдан қабул қилдим. Комиссар нима дегани? Комиссар маслаҳатчи, қўшиннинг сиёсий ва партиявий ишларини олиб борадиган кишидир. Бизнинг қўшинимиз қизил қўшин, инқилобий қўшин. У элга бахт-саодат, янги ҳаёт ва осойишталик келтиради. Халқнинг озод меҳнатини қўриқлайди, кимки эл ҳаётига, унинг осойишта турмушига халақит берар экан, кимки инқилобга қарши бош кўтарар экан, қизил қўшин уни тор-мор қилади, бу қўшин инқилобий ишда чиниқмоғи, ўзи ҳам пешқадам ва доно бўлмоғи керак. Комиссар мана шу ишларда бошлиққа кўмаклашади. Мен ишонаманки, бу ерда ҳозир бўлган биродарлар бу қийин ишда менга ёрдам берадилар, биз сизнинг ёрдамингиз билан Марказий Қўмита топшириғини бажо келтирамиз.

Сўнгра Низомиддин сўз олди. У хўжа кўрсинга янги таклифни қувватлаб, бу ерда тўпланган ўртоқлар, биродарлар комиссар ишига ёрдам берсинлар деди.

Ниҳоят Асаднинг ўзи ўрнидан турди. У сиртида кулиб турса ҳам, аслида асабийлашиб, юраги қисилаётган эди.

— Менга қанча ёрдамчи, кўмакчи берсангиз жондилим билан қабул қиламан,— деди у.— Чунки бир кишидан икки киши, икки кишидан тўрт киши яхши, албатта. Биз уч киши комиссия эдик, бир раис, икки аъзо, ана энди тўрт киши бўламиз, бу ҳам ёмон эмас... Лекин ўртоқ Оқчурин, агар рухсат берсангиз, икки масала устида тўхтамоқчиман.

У Оқчуринга савол назари билан қаради.

— Марҳамат!— деди Оқчурин.

— Биринчи масала шуки, менга яхшилаб тушунтириб беринг, мен ранжийдиган одам эмасман... Марказий Қўмита нима мақсад билан комиссарлик вазифасини бизнинг комиссияга илова қилди? Буни қандай тушунмоқ лозим? Наҳотки бизга — фавқулодда атроф комиссиясига ишонч, эътиқод камайиб қолган бўлса? Ҳолбуки, бу комиссия бир неча ой давомида ҳақиқатан ҳам фавқулодда ишларни бажариб келди.

Асад Махсум бир лаҳза жим қолди. Оқчурин фурсатдан фойдаланиб деди:

— Битта-битта жавоб берайми ёки иккаласига бир йўла?

— Ҳозирча шунга жавоб беринг!

Низомиддин ярамас Асад Махсум шунча одам орасида жанжал кўтариб, ўз обрўсини тўкиб қўймаса эди, деб титраб турарди. У Оқчурин ҳазилакам одам эмаслигини, комиссар тайинлаш баҳона бўлиб, агар Асад бемазагарчилик қилса, уни ишдан бўшатиб олиб кетиши мумкинлигини билар эди. У ҳар қанча уринса ҳам, аммо унга жим бўл, деб айтиш иложини тополмади.

Оқчурин ўтирган жойида жавоб берди:

— Комиссар тайинлаш ишончни йўқотиш нишонаси эмас. Агар биз сизга ишончимизни йўқотган бўлсак, бошқача чоралар бор. Комиссар тайинлаш, аксинча, ишингизга ёрдам бериш, сизни сақлаб қолиш демакдир. Иннайкейин, қизил қўшин қисмларида ҳарбий ва сиёсий комиссар бўлиши қоида бўлиб қолган. Бу маълум!

— Жавобингиз учун раҳмат!— деди Асад.— Иннайкейин, бу умумий ва зарурий қоида юзасидаңми? Бўпти, энди иккинчи савол шуки, биз ўртоқ Ҳайдарқулни жуда ҳурмат қиламиз, яхши таниймиз. Лекин бу кишининг менинг ҳузуримга комиссар бўлиб келишлари зарурмикин? Ахир, мен билан бу киши айрим оилавий масалаларда бир-биримизга хусуматимиз бор. Модомики бу хусумат бор экан, ишимиз қандай бўлади?

— Бу саволингизга жавобни савол билан бошлайман,— деди Оқчурин,— ўртоқ Ҳайдарқулга сизнинг хусуматингиз борми-йўқми?

— Менними,— деди Асад ва бир оз ўйлаб, давом этди:— Мени хусуматим йўқ...

— Бўлмаса,— деди Оқчурин,— бу кишининг ҳам хусумати йўқ. Шундай эмасми, ўртоқ Ҳайдарқул?

— Балли,— деди Ҳайдарқул.— Хусуматим йўқ. Айниқса мен шахсий ишларни ижтимоий ишлар билан аралаштирмайман. Бу киши хусумат деб ўйлаган нарса зиддиятнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти деб тушунсалар, янглишадилар. Биз ижтимоий ва давлат ишлари тўғрисида келиша олмаяпмиз. Агар бу ишлар Иштирокиюн фирқаси кўрсатмаларига мувофиқ борса, Асад Махсум ғайрат, матонат кўрсатса, у вақтда бу киши энг яхши дўстим бўлиб қолади.

— Ана,— деди Оқчурин,— бу масала ҳам ҳал бўлди. Яна нима демоқчисиз?

— Яна шуни демоқчиманки,— деб ўрнидан турди Асад,— менинг феъл-атворимни ўртоқ Ҳайдарқул яхши билади. Агар мен билан билиб муомала қилса, мен унинг қули бўламан. Лекин агар ҳар ишда менга қарши чиқиб, ўз фикрини ўтказмоқчи бўлса, ўртоқ Оқчурин, мен сизнинг олдингизда шуни айтмоқчиманки, ўзимни тутиб туролмайман...

Низомиддин дарҳол қўл кўтарди.

— Гап бундай бўлмабди-да, ўртоқ Асад Хўжаев,— деди у насиҳатгўйлик билан.— Биз бу ерда отамиздан қолган меросни бўлашаётганимиз йўқ! Сизнинг феъл-атворингизни билса-билмаса, бирга ишлашингиз керак! Гоҳида у киши ён беради, гоҳида сиз! Лекин агар сеники эмас, меники деб ўтирадиган бўлсаларинг душманлар фурсатдан фойдаланиб, хўжалик ишларимизга катта зарар етказишлари мумкин. Бинобарин, шу кундан бошлаб сиз қўшиннинг сиёсий ва тарбиявий ишлари соҳасида пухта ёрдамчига эгасиз. Энди ҳамма ишлар ривожланиб кетиши керак!

— Бу маслаҳат, бу ишга командирлар нима дейишаркин?— сўради Оқчурин.

— Ҳа, гапиринглар!— деди Асад пастдагиларга хитоб қилиб.— Ҳой, Наим, Шокир, Орзиқул, Аҳмад! Қани, гапиринглар!

— Бизлар нима дердик,— деди Орзиқул.— Ҳукумат нимани қилса, билиб қилади, биз хурсанд.

— Хўжайин нимага рози бўлсалар,— деди Наим,— биз ҳам шунга рози! Жон-дилимиз билан!

— Ундай бўлса, гап тамом!— деди Оқчурин.— Ҳозирдан бошлаб ўртоқ Ҳайдарқул сизларга комиссар.

Унга ишлашга, яшашга шароит яратиб бериш керак. Сиз, ўртоқ Ҳайдарқул, ишларни йўлга солиб, Марказий Қўмитага маълум қиласиз, нимаики керак бўлса топиб берамиз, қандай камчилик бўлса, тузатамиз. Биз ишонамизки, бундан кейин илгариги хато ва нуқсонлар такрор бўлмайди. Сизнинг қўшинларингиз бора-бора қаҳрамон қизил аскарларимиз миллий қисмларининг асоси бўлиб қолади!

Мажлис тугаб, командирлар хонадан чиқишди, келган кишилар Асад Махсум ва унинг ёрдамчилари билан амалий ишларни кўришга киришдилар...

20

Қиш, қаҳратон қиш ўтиб кетди, ҳамма оғирчилик, азоб ва етишмовчиликлар ортда қолди. Гўзал баҳор ўзининг шод-хуррамлиги, сўлимлиги ва қувончларини намойиш қилди. Бу озод бўлган Бухоро халқининг илк баҳори эди. Дилрабо баҳор бу қадимий диёр фазосида сайр этиб, деҳқон ерда озод меҳнат қилаётганини, ариқлардаги сувлар ҳаммани баробар таъминлаётганини, зиндон эшиги берклигини ва унинг азоб тўла қоп-қора хоналарида бирон банди йўқлигини, Регистон эл сайлгоҳига айланганини биринчи марта кўраётган эди...

Ўша йили қор унчалик кўп тушмаган бўлса ҳам, қаттиқ совуқлар бўлди, шунинг учун кўклам етиб келганига қадар ҳам ҳар жой-ҳар жойда музлаб қолган, чанг босган қорни кўриш мумкин эди. Аммо баҳор кириши билан ҳамма жой қордан тозаланди.

Кечаси ёмғир ёғиб, кундузи қуёш чарақлаб турадиган ўлка гадойи бахтли бўлади дейишади. Шу баҳор Бухорода шунақа бўлди. Баъзан кечқурунлари ҳавони қора булутлар босарди, аҳён-аҳёнда чақмоқ чақнаб, ҳамма ёқни ёритарди, осмон гулдураб, кетидан шарилаб ёмғир қуярди. Бирор соатлардан кейин ёқимли шабада эсиб, булутларни тарқатарди, осмонда юлдузлар чарақларди, тонгда офтобнинг илк заррин ёғдулари билан гойиб бўлишарди...

Юлдузлар кўздан ниҳон бўлгач, тунги ёмғирда ювилиб, тозаланиб мусаффо бўлган мовий осмонда қалдирғочлар ўйнарди... Лайлакларнинг ноғора чалгандай тумшуқларини такирлатишлари эшитиларди, фазода қувноқ сас, садолар авжга чиқарди... Бухоро кўчаларида сумалакфурушлар пайдо бўлиб: «Баҳор нишонаси сумалак, емоққа боп сумалак, наҳор ошидир сумалак», деб ҳайқиришарди. Болалар эса, баҳоргги ўйинларини бошлаган эдилар: чиллак ўйнардилар, «ушла-ушла» қилардилар, коптоқ тепардилар, ниҳоят чўмилардилар...

Фируза хонадонида ҳам баҳор эди. У гўзал бир қиз туғди. Оймуллои Танбур бу қизчага Гулбаҳор деб ном қўйди. Фируза билан Асо ўзларини жаҳонда энг бахтли санардилар, Гулбаҳор атрофида парвона эдилар. Фируза чилласи чиқмагунча кўчани кўрмади. Сўнгра ҳаммомга бориб бошидан сув қуйди, парҳезини ушатди. Атаган ўша зиёфатни қилиб беришни маслаҳатлашилди. Гулбаҳорни ухлатгандан кейин, эр-хотин анчагача шивирлашиб ўтирди, бор-йўқларини чамалаб кўришди, маълум бўлдики, юз қилсалар ҳам, катта зиёфатнинг уддасидан чиқа олмайдилар...

— Нима кераги бор!— дерди Фируза.— Тўкинсочин бўлганда ҳам майли эди. Ҳозир аҳвол оғир, у ёғимизда босиб қўйган нарсамиз йўқ... Беҳудага қарзга ботиб нима қиламиз. Келинг, ҳозир кичкина бир зиёфатча қилайлигу яқин ёр-биродарларни чақирайлик, кейинчалик кучимиз етса, катта тўйини ҳам қиламиз!

Эр-хотин шу оқилона маслаҳатга келиб, кичкина зиёфат беришди, кўнгил ёзишди. Ўтиришга Ҳайдаркул, Саид Паҳлавон, Карим ва яна Асонинг икки-учта ошнаси келди, ичкари ҳовлида хотин-қизлар клубининг муаллималари, қўшни хотинлар ва Фирузанинг бир неча дугоналари йиғилишди. Аёллар суҳбатини Оймуллои Танбур қизитарди.

— Гулбаҳоримнинг феъли ёмон,— дерди Оймулло йўргакланган болани қўлида тутиб.— Онаси отасининг қўйнига кириб кетишини ёқтирмайди. Шунинг учун бешикка унамай тўполон қилади, мени йўргаклаб, ўртада олиб ётинглар, иккалангиз фақат менга қаранг, энди мендан бўлак ишларни йиғиштириб қў-

йинглар! Қани, айтганимни қилмай кўринглар-чи, деяпти.

— Ҳа,— дерди Фируза ҳам.— Шу тўполончи қизни деб клубдан ҳам, ишдан ҳам бехабарман... Ҳарқалай, ишлар дурустми, отин ойилар?

— Худога шукур!— деди муаллималардан бири.— Ўринбосарингиз жуда ғайрат қилди. Яна битта турк муаллима келди... Номи нима эди, ҳали... ҳа, Ҳуснидинова, қизларга кашта тикиш, рўзғор тутишни ўргатармиш, лекин тили шу қадар ғализ, шу қадар ғализки, ҳеч тушуниб бўлмайди... Оймулло унинг ҳақида бир шеър ёздилар. Сизга ўқиб бердиларми?

— Йўқ,— деди Фируза Оймуллога савол назари билан қараб.

— Уйда ўқиб беришга фурсат топмадим,— деди Оймулло.— Болалик уйда ғийбат йўқ дейишади, рост. Гулбаҳоримнинг ўзи ҳаммамизни шоширяпти. Ҳатто заргар бобоси ҳам шу кунларда дўконларини йиғиштириб қўйиб, шу билан овора бўлиб қолган...

— Хўп, қани, шеърингизни биз ҳам эшитайлик,— деди илтимос қилиб Фируза.

Оймулло кулимсираб, болани онасига берди-да, ўрнидан турди.

— То қоғоздан ўқимасам, ёддан айтолмайман,— деди у.— Қариганингдан кейин эс-ҳушинг ҳам жойида бўлмас экан...

У баланддаги токчада турган жузғир орасидан бир қоғозни топиб олди-да, кўзойнагини тақиб, бориб ўз ўрнига ўтирди ва шеърни ўқий бошлади:

— Бу шеърни «Тилингни ҳакка чўқисин» деб аташ мумкин. Хўш...

Нималар дединг тушунмадим,
Тилингни ҳакка чўқисин.
Нега дединг, тушунмадим,
Тилингни ҳакка чўқисин.

* *
*

Не деганинг: «Бўрони оч?»
Не деганинг: «Ўрони оч?»
Не деганинг: «Шуроми оч?»
Тилингни ҳакка чўқисин.

Муаллима донодир,
Тили ғоят бурродир...
Соқов бўлсанг, лақабчи бор,
Тилингни ҳакка чўқисин!

— Ростдан ҳам тили ғализ, туркча,— деди Оймулло.— Бунинг устига бизни айблаб, тилингиз йўқ, туркча гаплашолмайсиз деб масхара қилади. Шунинг учун жаҳлим чиқиб, шу шеърни ёздим... Ҳали битганича йўқ. Вақт топсам, яна икки-уч банд қўшаман.

— Қизиқ!— деди Фируза.— Эртага бориб кўрайчи, қанақа муаллима экан.

— У Саид Аҳрорийнинг хотини!— деди Отинчахон.— Эри газета бошлиғи, муҳаррири бўлгандан кейин, шундай катталик қилади-да.

— Йўқ, асли ўзи шунақа!— деди бошқа бир муаллима,— йўқса, ким эрининг кетидан катталик қилибди?!

Аёллар шу зайлда суҳбат қилишарди...

Ташқарида, болохонада эса ҳамма Каримнинг гапларига диққат билан қулоқ соларди:

—...Кейинчалик менга айтишди, дўхтурлар мендан умидларини узишган, ўзаро бу йигит энди тузалмайди, майли, умрининг охиригача шу ерда қолсин дейишибди... Аммо мен бу гапдан хабарсиз, бирон яхшилик бўлармикин, деб ётавердим. Тепамга қаранг, тўсатдан янги бир дўхтур келиб қолди. Қари, кўпни кўрган, тажрибали... Мени унга кўрсатишди. Роса қаради, юрагимга қулоқ солди, томиримни текширди... Кейин менга қулимсираб қараб тузалиб қолибсан-ку, деди. Тўғриси, менга жон кириб қолди. Наҳотки тузалиб қолган бўлсам? Наҳотки яна қайтиб Бухорога бориб, ёр-дўстларимни кўрсам? Эҳ, бахт, мадад қил!— дердим ичимда. Аммо мўйсафид дўхтур саргузаштимни сўради, мен яширмасдан, ҳаммасини айтдим. Бахтимнинг гул каби очилмай хазон бўлганини, маъюслигим, хафачиликларимни айтиб бердим. Дўхтур қулоқ солиб туриб кулди. Ёшимни сўради, йигирма икки дедим. Гап ҳали бу ёқда, бахтинг энди очилади деди, агар муродимга етай десанг, ҳаммадан олдин ўзингга ишон,

ҳамма иш қўлимдан келади, ҳаммасига қодирман деб ўйла, умидсизланма, деди. Тўғриси, шунақа ёки шунга ўхшаш гапларни бошқалар ҳам айтишган эди. Лекин негадир донишманд чолнинг гаплари менга ўзгача таъсир қилди. Мен унга ишонардим, унинг айтганларини муқаддас билардим. У дори-дармондан кўра кўпроқ насиҳат қиларди, ажойиб мисоллар келтирарди, қизиқ-қизиқ саргузаштларни айтиб, мени ҳайратда қолдирарди... мана, ишининг натижаси, мен бугун сизларнинг даврангизда суҳбатлашиб ўтирибман.

— Ҳаммамизни хурсанд қилдинг!— деди Ҳайдарқул.— Йигит бошига не кунлар тушмайди, мард киши қўрқмасдан ишини юриштириши керак. Бахт гулинг энди очилади, сўлишини ўйлама!

— Самарқанд жуда серсув, хушҳаво шаҳар,— деди заргар бобо.— Мевалари ширин-шакар, нонлари момақаймоқ, одамлари бамаъни... Мен сунийлар билан эронийлар уруш қилган йили борган эдим, яхши заргарлари бор... Роса томоша қилгандирсан? Лекин ватан — Бухоро бўлак гап! Соғиндингми?

— Соғиниш ҳам гапми? Баҳор келиши билан сал кучга кирдим, дўхтурлар ижозати билан шаҳарга чиқиб, айланиб юрдим. Ҳақиқатан ҳам Самарқанд серсув, хушҳаво экан. Менга шу ерда ишда қола қолинг, деб таклиф қилишди, лекин дўстлар иштиёқи мени Бухорога олиб келди.

— Энди яна ўз ишингга қайтасанми?— сўради Саид Паҳлавон.

— Қани, кўрайлик-чи, ҳали ўйлаб кўрганимча йўқ!— деди Карим.

— Иши тайёр!— деди табассум қилиб Асо.— Энди бир-биримиздан ҳеч ажралмаймиз. Лекин ҳали ўн-ўн икки кун дам олсин...

— Ҳа, албатта!— деди Ҳайдарқул.

Шу пайт гузар дастурхончиси эшикни тақиллатди, ош лаганни ол, деб Асони чақирди...

Баҳор фаслида ҳамма ҳам эркинроқ нафас олгиси, тор уйдан, чор девордан чиққуси келади... Айниқса юраги тор, тиниб-тинчимас Фируза анчадан буён клубга чиқиб хабар олмоқчи бўларди. Лекин Асо билан Оймулло уни қўймасди. «Чиллалик аёл кўчага чиқ-

майди!» дейишарди улар. Ниҳоят, чилласи ҳам чиқиб, кўчага чиқиш имконияти туғилди.

Ўша куни эрталаб болани эмизиб, бешикка боғлади-ю, Оймуллодан то келгунимча болохонага чиқиб, боланинг олдида китобингизни ўқиб ўтиринг деб илтимос қилди. (Чунки Асо ҳам эрта тонгда ишга кетган эди).

— Жоним билан, набирагинамга қараб тураман,— деди Оймулло.— Лекин уйғониб «мамма» деса, нима қиламан?

— Овунтиринг-да, китоб ўқиб беринг!— деди ширин табассум билан Фируза.— Лекин мен келгунча уйғонмаса керак, яхшилаб тўйғиздим.

— Хайр, майли,— деди Оймулло.— Бемалол боравер, уйғонса ҳам иложи топилади...

Фируза паранжи ёпиниб, тўғри хотин-қизлар клубига борди. Клубда аллақачон муаллималар синфларга кириб, у ердаги хотин-қизлар билан машғулотларни бошлаб юборишганди. Фируза клуб идорасига кириб, паранжи-чачвонини олиб қўйди-да, навбатчидан янги келган муаллима — Ҳусниддинова қайси синфда дарс берянти деб сўради. Навбатчи кўрсатди.

Фируза Ҳусниддинова қизларга ҳунар дарси ўтказаётган хона даҳлизига секин кириб, эшик ортидан қулоқ солди. Турк хотин ўз тилида бир нималар дерди, аммо тожик қизлар унинг сўзларини тушунмасди. У ғазабланиб, уларга дўқ урарди, ўшқирарди, уришарди. Фируза аркда бўлган вақтида турк — ўзбек тилини унча-мунча ўрганганлиги туфайли диққат билан тинглади, муаллима шундай дерди:

— Мен сиз каллаварамларни турк тилини ўрганишга мажбур этаман! Ахир, сиз ҳаммангиз турк авлоди, Чингиз, Темур ва Чиғатой авлодисиз!

Фируза тоқат қилолмай синфга кирди. Қизлар уни кўриб ўринларидан турдилар.

— Салом муаллима!— деди у ва ўзбек тилини бузиб гапира бошлади:

— Бизнинг қизларимиз турк тилини билишмайди, аммо ўзбекчани тушунишади. Агар сиз мақсадингизни осонроқ қилиб, ўзбекчалаб тушунтирсангиз, яхши бўлур эди.

— Сен кимсан?— деди бепарволик билан муаллима, кўзойнак устидан унга қараб.

— Мен клуб мудирасиман,— деди Фируза.

— Тилингизга кўйдурғу чиққанму?![1]— деди Ҳусниддинова салом ўрнига,— на сен, на бу эшакмияларинг турк тилида тўғри гаплаша оласанлар!

— Хўп,— деди ғазаби ошиб Фируза.— Дарсдан кейин идорада гаплашамиз.

У синфдан чиқиб, кабинетига борди ва телефонни олдига суриб, қулоғини қаттиқ буради. Марказий Ижроия Комитети раиси билан боғлашни сўради.

— Менга жаноби Абдуқодир Муҳиддинов керак!— деди у, сўраган кишига.— Ҳа, сизми, салом, салом! Мен Фирузаман, хотин-қизлар клубидан гаплашяпман, саломат бўлинг, шукур, шукур. Сиздан илтимос, бирор марта бизни ҳам назарга илиб келсангиз, ҳолаҳволимиздан хабар олсангиз... Ҳа, баъзи арзларимиз бор... Ростданми? Жуда соз... Мен сизни кутаман. Агар маориф нозири жаноби Қори Йўлдош ҳам келсалар яхши бўлур эди. Майли.

У трубкани ўрнига қўйиб, югуриб турди, бориб ётоқхона, ошхона ва мажлис залидан хабар олди. Ҳамма иш кўнгилдагидек эди. Кейин қўнғироқ чалиниб, муаллималар ва қизлар синфлардан чиқишди. Фируза ўз ўринбосаридан сўраб, айрим масъул ходимлар клубга паноҳ истаб келган уч келинчакни йўлдан оздириб, олиб кетишганини билди. Клуб атрофида кечаю кундуз баъзи ахлоқсиз кишилар айланишиб, хотинларга гап ташлар экан, ҳатто тап тортмай кириб, қизларни кўчага чақирар экан.

— Бу масалаларнинг ҳаммасини ҳозир ҳал қиламиз,— деди Фируза ўз муовинига.— Ҳеч кимга жавоб бермай туринг, ҳозир катталар келишади, мажлис қиламиз.

— Эркаклар билан қандай бўлади?

— Бўлаверади! Истаган киши паранжисиз, истамаса паранжиси билан ўтираверади. Ҳечқиси йўқ, улар ўзимизники!

Кўп ўтмай Марказий Ижроия Комитетининг раиси Абдуқодир Муҳиддинов ва Бухоро маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов кириб келди. Фируза уларни паранжисиз кутиб олди. У татар ва тошкентлик муаллималар билан (улар ҳам паранжисиз эди) биргаликда

---

[1] «Бухоро Ахбори» газетаси. 30-сон, 15 апрель, 1921 йил.

келганларга клубни кўрсатди ва кейин уларни мажлислар залига даъват қилиб, деди:

— Энди бир оз арзимизни эшитинг!

Ўрта бўйли, тўладан келган, анча хушбичим Абдуқодир Муҳиддинов камоли одоб ва хушмуомалалик билан зал четидаги курсилардан бирига ўтириб, кулимсираб деди:

— Марҳамат, талабингизни эшитишга тайёрмиз. Марказий Ижроия Қўмитаси умумий ва кундалик ишлар билан банд бўлиб, ҳол-аҳвол билан яқиндан, бевосита танишмаган бўлса керак... Аммо бу Бухоро хотин-қизларининг озодлик масаласи, маориф масаласи эътибордан четда ёки иккинчи, учинчи даражадаги масалалар, деган гап эмас... Иштирокиюн фирқаси ҳам, Бухоро Шўро ҳукумати ҳам хотин-қизлар озодлиги ва тенгҳуқуқлилиги масаласига алоҳида эътибор беради ва бу йўлда лозим бўлса ҳеч нимани аямайди.

— Раҳмат сизга!— деди Фируза.— Шунинг учун ҳам мен беодоблик қилиб, ўзингизга телефон қилдим. Чунки сиздан умидимиз катта. Ўзингизга маълумки, хотин-қизлар клуби аёллар озодлиги ишида муҳим воситалардан биридир! Биз хотин-қизларни ўқитамиз, ҳунар ўргатамиз, мудофаа қиламиз, ўз ҳуқуқларини тушунтирамиз ва озодлик йўлини кўрсатамиз. Аммо айрим катта мансабдорлар хотин-қизлар клубини келин бозори деб ўйлашмоқда. Истаган вақтларида, қанча керак бўлса, бу ерга келиб, ўзларига ҳам, одамларга ҳам текин келин олиб кетаверишади. Мен икки ой бўлмадим, шу вақтда учта содда келинчагимизни алдаб олиб кетишибди...

— Кимлар экан?— сўради сал қизишиб Муҳиддинов.

— Мен билиб, номларини сизга ёзиб юбораман,— деди Фируза.— Бу яхши эмас! Бу клубимизнинг обрўсини туширади. Илтимос қилардим, бу борада бирор чора кўрсангиз. Бу бир. Иннайкейин, қачон қарасангиз, уч-тўртта сайёқ ҳовли атрофида, дарвоза ёнида ё кўчада айланиб юради, хотин-қизларнинг кириб-чиқишига халақит беради. Ҳатто мен йўқлигимда ҳовлига ҳам киришибди. Шунинг учун агар мумкин бўлса, клуб эшиги олдида бир-икки милиционер посбонлик қилса. Ундан кейин, сўнгги вақтларда овқатимиз-

нинг ҳам мазаси қочди. Ёғни кам беришади, гўшт, қанд ҳам анча кам...

— Сизнинг бу талаб ва илтимосларингиз қонуний, зарурийдир,— деди Муҳиддинов.— Мен ёзиб олдим, албатта чорасини кўрамиз.

— Энди маорифга арзимиз бор!— деди Фируза.— Маориф нозирига!

— Марҳамат, марҳамат,— деди қорачадан келган, семиз ва лунжлари осилган қари Йўлдош.— Фикримча, маориф ҳол-аҳволингиздан доим хабардор.

— Хабардорку-я,— деди Фируза,— лекин яхши муаллималар беришмаяпти. Бизга уч муаллима етишмайди.

— Бизга ёзинг, албатта топиб берамиз.

— Ёзган эдик... яқинда Ҳусниддинова деган бир турк хотинни юборишибди, у тилни билмайди. Қизларимизни, ҳатто ўзимни ҳам туркча гапира олмайсан деб ҳақорат қиляпти.

— Ие, бу иши яхши эмас!— деди Муҳиддинов.— Дарҳақиқат, Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси Бухоро Халқ Жумҳуриятининг давлат тили — туркий тиллар ва ҳамма расмий равишда шу тилда сўзлашсин, деб қарор қилган. Аммо хотин-қизларимиз масаласига келганда бир оз ўйлаб иш тутиш керак эди... Уша аёл қаерда?

— Турмасдан чиқиб кетди,— дейишди муаллималар.

— Бундай ўжар туркни ҳайдаб юборинг!

— Муомаласи ҳам анча қўпол,— деди Фируза.— Ўзини худди давлатимизнинг хўжайинидай тутади!

— Ҳа, ҳа, муомаласи ҳам жуда қўпол!

— Ўша берадиган дарсни ҳар ким ҳам бераверади!

— Саид Аҳрорийнинг хотини бўлса бўлибди-да, амир бўлибдими?

Қори Йўлдош муаллималарнинг бу гапларини эшитиб, ўрнидан турди:

— Майли, майли!— деди.— Модомики, шундай экан, биз уни бу ердан оламиз, ўрнига бирор дурустроқ кишини юборамиз. Тил биладиган ўрислар бор.

— Кошкийди,— деди Фируза.

Кейин китоб, дафтар етишмаслиги тўғрисида, таътил ва таътил вақтидаги машғулотлар ҳақида сўз кетди. Муҳиддинов ҳукумат боғларидан бирини сизларга

берамиз, далага чиқиб яйрайсизлар деб ваъда берди. Шу билан мажлис тугади, меҳмонлар бир пиёладан чой ичишиб, хотин-қизлар билан хайрлашиб кетдилар.

Фируза меҳмонларни жўнатгандан кейин бирданига чақалоғи борлиги, Гулбаҳори уйғониб, ҳамма ёқни бошига кўтараётганлиги эсига тушиб қолди. Шу сабабли муовинига баъзи топшириқларни айтиб, шошилганича паранжи-чачвонни қўлига олди. Ҳовлига дарвозадан кириб келаётган Анбари Ашкни кўриб қолди.

— Ассалом, Фирузажон!— деди у.— Муборак бўлсин, чилланғиз чиқибди... Ҳар қалай эсон-омонмисиз, қизча тузукми? Оймулломиз сиҳат-саломатми?.. Илоё саломат бўлинг!.. Анчадан бери тобим бўлмай, ҳеч қаерга чиқолмадим, билмадим, қизим Ҳамроҳхоннинг ҳоли на кечдийкин... Бир хабар олай деб келдим.

— Ҳамроҳхон яхши... ўқиб, халифалик қилиб юрибди... Кириng, хонасидадир... Чақалоқ нима бўлди деб шошиляпман. Оймуллога топшириб келган эдим. Хайр, уйимизга келинг!

Фируза кўчага чопди. Анбар хола ичкари ҳовлига, Ҳамроҳхоннинг олдига борди.

Ҳамроҳхон Ҳожи Ҳасанбекнинг ҳовлисидан келгандан буён клубда яшарди. У хат-саводли бўлгани сабабли бошқа хат-саводсиз аёллар қаторида дарсларнинг ҳаммасига ҳам киравермасди. Фақат янги дарсларни эшитиб, ёзиб оларди, синфда аълочи эди. Кўпинча китоб ўқирди, клуб ишларига кўмаклашарди ва баъзан рухсат сўраб уйларига борарди. Ҳожи Ҳасанбек қўрққаниданми ё умуман Ҳамроҳхон билан туришни истамаганлигиданми, бошқа у билан иши бўлмади ва ўз гами билан чувалашиб қолди... Шунинг учун, Ҳамроҳхон таътил бўлиши билан клубдан бутунлай кетиб, кексайган онаси хизматида бўлишни кўнглига тугиб қўйган эди.

Анбар хола эшикдан кирган вақтда Ҳамроҳхон столда ўтириб «Бухоро Ахбори» газетасининг янги сонини ўқиётган эди. Анбар холани кўриб югуриб ўрнидан турди ва илиқ кўришди.

— Хайрият, келар экансиз-а!— деди у гина қилгандай.— Кутавериб кўзларим тўрт бўлди.

— Ҳар қанча гина қилсангиз ҳақингиз бор, Ойим,— деди Анбар хола нафасини ростлаб.— Рўзғор, тирикчилик билан шунчалик ўралишиб қолдимки, ҳат-

то ўзимдан ҳам хабарим йўқ. Бир неча кун касал бўлдим... Қарилик-да, айланай, чолнинг ҳам мазаси йўқ... Болалар ўқийди. Хайр. Ўзингиздан сўрайлик, ўқишлар қалай?

— Шукур, шукур, яхши...— деди Ҳамроҳхон,— лекин зерикиб, юрагим тарс ёрилай деяпти.

— Зерикиб?!— ҳайрон бўлиб сўради Анбар хола.— Одамлар зерикса, клубга келиб енгил тортишади, сиз бўлсангиз клубда туриб зерикдим дейсиз?

— Билмасам,— деди Ҳамроҳхон оҳ чекиб,— ҳеч нарса кўзимга кўринмайди, ҳеч нарсадан хурсанд бўлмайман. Қизлар ўйнаб-кулишади, доира чалишади, қўшиқ айтишади... Аммо мен... ҳеч нимага кўнгил чопмайди. Фақат бир куни бир келинчак ҳасрат қилиб, бошидан кечирганларини айтди. Жон-жон деб тингладиму, у билан баравар юм-юм йиғладим... Кўз ёш қилувдимки, кўнглим бир оз ёришди. Қизлар билан томга чиқдим, атрофга кўз ташладим, эркин нафас олдим. Баҳор бўлиб қолибди-ю, мени хабарим йўқ!

— Ҳа, баҳор...— деди Анбар хола хаёл суриб.— Лекин зерикишингизнинг сабаби менга маълум эмас. Киши сабабсиз бу аҳволга тушмайди... Ўша келинчакнинг саргузашти қанақа эканки, киши йиғлар экан?

— Э, шўрлик туғмас экан. Эрини жон-дилдан севар экан. Қайнанаси ғиринг-пиринг қилиб, қўярда-қўймай ўғлига иккинчи хотин олиб бермоқчи бўлибди. Шу боисдан келинчак фарзанд талаб бўлиб, дуохон эшонга боришга мажбур бўлибди. Лаънати, нияти бузуқ эшон қўл чўзиб, келинчакнинг у ер-бу ерини ушламоқчи бўлибди, келинчак ғазабланиб, эшонни уриб ағдариб-ди-да, қочиб кетибди. Аммо ғаразгўйлар бу хабарнинг аксини эрига етказишибди. Келинчакнинг ўзи эшонга осилган эмиш, эшондан фарзанд талаб қилган эмиш... Нодон эр буни эшитиб, хотинини талоқ қилибди. Шўрлик аёл қишлоқдан бош олиб кетибди, ҳатто ўзини ўлдирмоқчи бўлибди. Яхшиямки, бир инсофли одам уни бу клубга келтириб қўйибди.

— Ўшандай нодон эрдан эрсиз ўтган ҳам яхшироқдир!— деди Анбар хола.— Агар келинчак сиздек ёш бўлса, ҳар тола сочига юзта эр топилади! Ҳа, айтгандек, Регистонда сайил бўлармиш, янги йил сайли! Эшитдингларми?

— Йўқ!— деди Ҳамроҳхон.— Эшитмадик-ку, қанақа сайил?

— Катта сайил, асти қўяверинг!— деди Анбар.— Раста-раста чодирлар қурилган, сирку қоронғи хона*, чойхона, ошхоналар... Эҳ-ҳе, кўрсангиз ҳайрон қоласиз! Кечалари ҳамма ёқ бозор, ҳамма ёқ чароғон, ҳамма ёқ базму хурсандчилик... Ўша Насимжон, Ҳожи Малеҳнинг ўғли ишбошига ўхшайди. Мен кўрдим, оқ отига миниб олган, икки киши кетида, тўралардек буйруқ бериб юрибди...

— Насимжон деганингиз ким?— атайин ўзини билмасликка солиб сўради Ҳамроҳхон.

— Ҳу байрам куни оқ отда келиб, аёлларга йўл очиб берган йигит-да. Ҳа, айтгандай, сиз ўшанда йўқ эдингиз... Уни икковимиз Регистонда кўрувдик...

— Ҳа, ўша чиройли йигитчами?..

— Туринг, ҳам ўша чиройли йигитчани кўрайлик, ҳам сайр-томоша қилиб келайлик.

— Майли,— деди бирданига отланиб Ҳамроҳхон.— Майли, борамиз, лекин аввал бориб жавоб олай.

— Хайр, рухсат олинг, мен газетангизни томоша қилиб тураман.

Ойими Шоҳ ёки Ҳамроҳхон ташқари чиқди, Анбар хола газетага кўз тикди. Унчалик саводи йўқ эди, ҳижжалаб зўрға ўқирди. Газетада шундай хабар бор эди:

«Туркистон фронти сиёсий бўлими ҳузуридаги Чиғатой ўлкаси сайёр труппаси 29 март ойида Когонга келди. Биринчи апрелдан бошлаб Бухоро шаҳридаги Мустақиллик майдонида Ҳамза Ҳакимзода асарининг иккинчи қисми — «Иффат қурбони» деб аталадиган ва тўрт пардадан иборат «Фарғона фожиаси» саҳнада намойиш қилинади...»

Газетанинг бошқа саҳифасида шундай фармон бор эди:

«Аёлларнинг ўзларича якка от миниб юришлари тақиқланади. Фармонга қарши иш тутган аёллар дарҳол қамоққа олиниб, отлари мусодара қилинади. Вилоят милициясининг бошлиғи муовини: Ҳожи Файзулло».

---

* Сирку қоронғи хона — цирк, кинотеатр.

Анбар хола ўзича кулиб турган эди, Ҳамроҳхон ташқаридан кириб келди.

— Ҳа, нега куляпсиз?— сўради у.

— Битта туя топиб, минай деяпман!— деди Анбар хола.

— Нега?

— Агар аёллар ўзларича от миниб юрсалар, отлари мусодара қилиниб, ўзлари қамоққа олинсин деган фармон чиқибди.

— Ҳа,— деди кулиб Ойими Шоҳ,— Ҳожи Файзулло аёллар от минолмайди, деб қўрқибди-да.

— Аммо хотини елкасига миниб олганидан бехабар,— деди Анбар.

— Рост, рост!— деди Ойими Шоҳ ва кийина бошлади.— Рухсат беришди... Бу кеча келмайман, уйда ётиб қоламан дедим.

— Яхши қилибсиз!— деди Анбар хола ва ўрнидан турди.

Бухоро ҳукумати Бухоро Регистонида янги йил сайли ўтказишга қарор берди. Бунинг учун махсус комиссия ташкил қилди, унинг раиси Насимжон эди.

У вақтларда арк пастида Поянда масжиди, ўнг томонда Дорулшифо мадрасаси, чап томонда, сал четроқда, шимол томонда Гўспанд мадрасаси ва ҳовуз юқорисида янги қурилган анча чиройли масжид бор эди. Бошқа ҳамма бинолар ва расталар тўқимдўзлар ҳаммомидан тортиб Лаби ҳавзи Мурдашўён ва Ошиқон кўприги бошигача куйиб хароб бўлган эди. Бу жойларнинг тупроғини йиғиштириб, кенг майдон қилишган эди. Ана шу майдонда муайян план ва режалар билан раста-раста, кўча-кўча қилиниб чодирлар, дўконлар, томошахоналар, цирк, театр, кинолар, ошхоналар, чойхоналар ва бошқа нарсалар қурилган эди. Ҳукумат қарорига мувофиқ, деярли барча марказий ва жамоат идоралари ўз чодирларини тиккан эдилар. Масалан, маориф чодири, Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитаси чодири, ёшлар чодири, Ҳифзулсиҳат* назорати чодири, Касаба иттифоқи чодири ва ҳоказо... Бу чодирларнинг ҳар бири бошқа рангда, бошқа меъморлик услубида турли-туман нақшлар билан безатилган эди. Чодирларда зиналар ва супалар, кутиш хона-

---

* Ҳифзулсиҳат — соғлиқни сақлаш.

яари, меҳмонхоналар бўлиб, кечқурунлари электр чироқлари, газ фонарлари ёнарди. Чодирлар деярли кеча-кундуз очиқ, гавжум эди... Чодирларда ҳамма нарса муҳайё эди, келувчи кишиларни дастурхонсиз жўнатишмасди. Ҳалвогарлик, мевафурушлик, баззозлик, газворфурушлик, заргарлик дўконларининг эгалари дўконларини безаб, энг яхши матоларини намойиш қилишган эди. Ошхоналарда лазиз таомлар — кабоб, палов, манти ва бошқа овқатларнинг хушбўй ҳиди гупиллаб, иштаҳани қитиқларди, қачон қарасанг гиж-гиж одам. Чодирлар ўртасидаги яланглиқда дорбозлар баланд ёғочни ўрнатиб, ҳар томонга арқонлар тортишган эди. Қисқаси, Регистон майдонини таниб бўлмасди — афсонавий шаҳарга ўхшаб кетган эди.

Қизиғи шунда эдики, агар бир ёш киши ёшлар чодирига кириб қолса, дарҳол унинг олдига чой, ширинликлар қўйишарди, агар истаса палов билан зиёфат қилишарди. Ёш йигит чодир деворларида суратлар, расмлар ва инқилобий шиорларни кўрарди, тарғиботчилар унга ёшлар ҳаракати тўғрисида, комсомол тўғрисида ҳикоя қилишарди, чодирдан чиқиб кетаётганда эса унга ўз номи ёзилган қизил мандат беришарди ва шу бугундан бошлаб ёшлар ташкилотининг аъзоси бўлдингиз дейишарди. Агар бирор зиёли, муаллим ёки маорифчи маориф чодирига кирса, уни хурсандчилик билан кутиб олишарди, зиёфат қилишарди. Кўпчилик чодирларда кечқурунлари базмлар бўлардм, базмларда шаҳарнинг энг яхши ҳофизлари ва санъаткорлари қатнашарди. Айниқса маориф чодири ободроқ эди. Бунда муаллимлар ва миллий музика мактабининг болалари ўз санъатларини намойиш қилишарди.

Кундузи болаларга театр, цирк ва кино бепул эди. Чодирлар орасидаги яланглиқда дорбозликдан бошқа ўйинлар: кураш, масхарабозлик ва шунга ўхшаш ўйинлар ҳам бўларди...

Ўзини бу афсонавий шаҳар ижодкорларидан бири деб билган Насимжон фахрланиб, бир кўчада усталар билан чақчақлашиб гаплашса, бошқасида бирор чодирга яқинлашиб, тикилиб турарди-да, бирор камчиликни кўрса, дарҳол чодир бошлиғини чақириб, шу камчиликни кўрсатарди, гоҳида бир дўкондор қўлидан бир пиёла чой олиб ҳўпласа, гоҳида бирон ошхонадан кабоб

тишлаб, ўтиб кетарди. Ҳамма уни чақирар, меҳмон қилар эди. Лекин у бирон жойда ором топмасди, ҳамиша айланиб юрар ва баъзан оқ отига миниб, Сеғў томонга чоптириб кетар эди...

Анбар хола тутинган қизи — Ҳамроҳхонни ана шу афсонавий шаҳарга олиб келди. Кеч кириб келаётганига қарамай сайил авжида эди. Бир неча кундан буён кўчага чиқмаган Ҳамроҳхон бирданига бундай дабдабани, бундай афсонавий шаҳарни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. У қайси кўчага боришини, қайси растани томоша қилишини ва қайси чодирга киришини билмасди... Айтгандай, аёллар бу чодирларга кирмасди, уларни ҳеч ким чақирмасди ҳам. Сайилда уларга ўхшаб паранжи ёпиниб юрган аёллар кам эди. Шу сабабли Ҳамроҳхон билан Анбар хола сайилгоҳ кўчаларидан юриб, чодирлар эшиги олдида бирпас туриб, чодирларнинг гўзаллигини, суратларни кўздан кечирардилар. Кўпгина чодирларда кўргазмалар ташкил қилишганди, деворларга суратлар, планлар, диаграммалар осилиб, ҳайкаллар, ажойиб нарсалар қўйилган эди. Айниқса Ҳифзулсиҳат ва маориф чодирлари бошқача эди... Улар шу тариқа томоша қилиб бораётганларида тўсатдан дор тикилган майдонда Ҳамроҳхон тўхтаб қолди. Унинг кўзи Насимжонга тушди, у икки комиссия аъзоси билан аллақандай план, режалар чизишаётганди.

— Ҳа, сизга нима бўлди, ойим?!— сўради Анбар хола.— Ҳайрон бўлиб қолдингиз?

— Бу...— деди Ҳамроҳхон ва жим бўлди.

Анбар хола Ҳамроҳхон тикилиб турган томонга қараб Насимжонни кўрди ва дарҳол нима гап эканлигини англади.

— Бу Насимжон!— деди у.— Танийсиз...

Насимжон ўртоқларига бир уюм тупроқни кўрсатиб, бир нималар дерди. Шуни кўзда тутиб бўлса керак, Ҳамроҳхон тўсатдан Ҳофизнинг шу шеърини тилга олди:

Улар ким бир назар ташлаб, қора тупроқни зар қилғай,
Не бўлғайки, қиёлаб бўлса ҳам бизга назар қилғай!

Насимжон шу пайт гўё Ойими Шоҳнинг овозини эшитгандек ёки паранжили икки аёлнинг тикилиб турганини кўргандек, қайрилиб қаради-да, жилмайиб

қўйди. Ойими Шоҳ лип этиб бурилди-да, Регистон ҳовузи томонга қараб кетди, Анбар хола унинг кетидан зўрға етиб олди.

— Нима бўлди, бунча чопасиз?— сўради у.

— Ўзим ҳам билмайман,— деди Ҳамроҳхон.— Сувсаб қолдим шекилли...

— Гулоб олиб берайми?

— Бунақалар билан ташналигимни қондиролмайсиз.

— Бўлмаса Насимжонга айтай, бир пиёла чой топиб берсин?

— Фақат бир пиёла чой!— деб кулди Ҳамроҳхон ва аста-секин ҳовуз ёқалаб, Болойи Ҳовуз масжидига яқинлашди-да, бориб муаззинхона остидаги супачага ўтирди.

— Чарчадим!— деди у ва бир оҳ тортди.

Ҳовуз атрофида ҳам одам кўп эди. Болалар, мешкоблар ва мўйсафидлар ҳовуз зиналарида дам олиб ўтиришарди, сув ичишарди, мешларни тўлдириб олиб кетишарди. Масжид ва унинг айвони супурилган, тоза жойнамозлар ёзилган бўлса ҳам, аммо ҳеч ким йўқ эди.

Кеч кирган сайин сайилгоҳда одам кўпаярди. Энди цирк олди гавжум эди, аллақачон чироқлар ёқилиб, духовой оркестр (ўша вақтдаги бухороликлар тили билан айтганда — музукон) чалиб турарди. Цирк айвончасининг эшиги олдида масхарабозлар, артисткалар турли ўйинлар кўрсатар ва циркка даъват қилар эдилар. Кўп одам тўпланган эди. Кино ва театрлар олдида ҳам одам кўп. Бу афсонавий шаҳарнинг ажойиб тунги ҳаёти бошланаётган эди.

— Қоронғи ҳам тушиб қолди,— деди Анбар хола.— Энди уйга қайтсак ҳам бўлади.

— Майли,— деди Ойими Шоҳ ва ўрнидан турди.— Келинг, айланиб ўтиб кетамиз.

Улар дор майдонидан ўтишди, аммо бу ерда Насимжон йўқ эди. Сўнгра сайилгоҳнинг катта кўчасидан, марказий идораларнинг чодирлари жойлашган катта кўчадан кетишди. Маориф чодири ёнида тараддуд ва келди-кетди зўр эди. Бу кеча бу чодирда домла Ҳалим, Қори Нажим ва Қори Камол каби машҳур ҳофизларнинг базми бўлади шекилли. Ойими Шоҳ бу ерда яна Насимжон билан рўбарў келди. У маориф

чодири олдида биров билан гаплашиб турарди. Ойими Шоҳ яна йигитга маҳлиё бўлди. Анбар хола ҳам халақит бермади...

Бу ҳол Ойими Шоҳда биринчи марта юз бераётганди. Унинг сўник қалби ёшлик ҳисси билан тўлиб-тошиб, гурс-гурс ура бошлаганди. Юраги шундай урардики, у ҳар замонда беихтиёр оҳ чекиб қўярди. Агар оҳ чекмаса, гўё юраги тўхтаб қоладигандай эди... Наҳотки, Насимжонни кўриши билан шу аҳволга тушган бўлса? Насимжонга ўхшаган эркакларни илгари кўрмаганмиди? Нима, бошқа эркаклар шунақа чиройли, келишган, мулойим, хушфеъл, дадил, ўктам эмасмиди, кулиб турмасмиди? Шу саволларнинг ҳаммасига қалбининг қаъридан фақат «йўқ!» деган жавоб отилиб чиқарди, холос.

Насимжонни кимдир чодир ичига чақирди. У гаплашиб турган одам билан хайрлашиб кетди...

— Энди кетсак бўлар?— сўради Анбар хола.

— Бўлади!— деди Ҳамроҳхон ва йўлга тушди. Тўсайилгоҳдан чиққунча у Анбар холанинг сўраб-суриштиришлари, саволлари ва ишораларига жавоб бермади. Фақат кимсасиз кўчага кирганларидан кейин Ҳамроҳхон Анбар холанинг ёнида кета туриб, деди:

— Афсонавий шаҳарга олиб келганингиз учун раҳмат! Лекин нега мени анави суқсур йигитга рўпара қилдингиз?

— Ҳа, ёмон иш қилдимми? Суқсур йигитга рўпара бўлиш бахт-ку!

— Ёмон эмас-ку, аммо кишида иккита юрак бўлса экан! Биттаю битта сўник юрак ҳам асир бўлди. Энди нима қиламан?

— Асирликдан қутқазамиз-да!

— Бошқа иложи йўқми?

— Қандай илож?

— Баттарроқ асир этиш иложи!

— Майли, бир юракни эмас, икки юракни бир-бирига асир қилдирамиз-да!

— Жон хола!— деб қўйди Ойим.

— Холанг айлансин, қулоқ сол!— деди Анбар хола.— Насимжон ҳали уйланмаган, бир чол отаси бор, онаси йўқ. Агар хўп десанг, эртагаёқ бориб, юрагига шундай гулғула солайки, бирон жодугар ҳам бундай қилолмаган бўлсин.

— Менинг бахтим йўқ!— деб оҳ чекди Ҳамроҳхон.

— Мана кўрасан! Шундай қилайки, бахту толе ўзи келади.

— Ишонгим келмайди!

— Сен розими, ё йўқ?

— Билмасам!— деб қўйди Ҳамроҳхон.

Шу билан уларнинг суҳбати тугади, чунки қовлисининг дарвозасига етиб келган эди.

21

Насимжоннинг отаси Ҳожи Малеҳ касал бўлиб ётганди, икки кундан буён томоғидан дурустгина овқат ҳам ўтмасди. Мўйсафид касаллигига қарамасдан фарзандини, ягона ўғлини ўйларди... Инқилобчи бўлди, Бухородан бош олиб кетди, ғурбатда не-не хор-зорликни кўрмади... Мана, инқилоб бўлган бўлса ҳам, бу бола тиниб-тинчимайди. Чека дейди, ревком дейди, комиссия дейди-ю чопади... Ниманки буюрсалар, йўқ демасдан чопгани-чопган... Кечалари аскарлар билан от чоптиради, кундузи идоранинг иши... Аммо ўзини ўйламайди. Раҳматлик онаси бахт эшигининг очилишини кўрмасдан ўлиб кетди. Энди у, кексайган ота ҳам ётиб қолди... Хотин ол, ўйнаб-кулганингни кўрай, деб шунча тавалло қилди, бўлмади!.. Аллақандай турк хотин билан ўйнашиб юрибди. Кошки у бир мусулмоннинг хотини бўлмаса! Ота насиҳатини қулоққа олмай, ўша хотиннинг ҳийла-найрангига учиб юрибди!.. Йўқ, уни бу йўлдан қайтариш керак! Яхши эмас... Эл-юрт нима дейди!..

— Насимжон келдими?— деб сўради чол қарашиб юрган қайнсинглисидан.

— Ҳа, келган,— деди кампир,— ўз уйида...

— Яна... Ўша аёл биланми?

— Ҳа, яна ўша ола кўз билан!

— Насимжонни айтинг, бу ёққа келсин!

Кампир чиқиб кетди, бир оздан кейин Насимжон уйга кириб келди. Унинг устида оқ кўйлак-иштон, кам пахта олача тўн, бошида гулли ироқи дўппи бор эди. Дўпписи остидан тиғиз тим қора сочлари жингалак бўлиб чиқиб турарди.

— Мени чақирдингизми?— сўради у, касал ёнига яқин келиб гиламга ўтираркан.

— Ҳа,— деди мўйсафид ва ярим очиқ кўзлари билан ўғлига тикилди.

— Аҳволингиз қалай? Дўхтур берган дориларни ичдингизми?

— Менинг дўхтурим ҳам, дори-дармоним ҳам ўзингсан!— деди мўйсафид.— Сен! Лекин... лекин... Ўзинг буни билмайсан!

— Нега билмайман? Биламан!— деди Насимжон,— нима қилай ахир?

— Ўша маккорни даф қил! Ўз эрига вафо қилмаган хотин, ўзгага асло вафо қилмайди. Ўша фирибгарнинг кетидан бир балога йўлиқасан. Турган-битгани зарар! У яхши хотин бўлганида эди, юртидан кечиб, анави... хаҳ, номи нима эди? Ҳа, Саид Аҳрорий билан келмасди! Уни ташла! Ҳар тола сочингга юзта хотин!

— Хўп, бўпти,— деди Насим,— даф қиламан!

— Балли, офарин!— деди отаси.— Бошим устидаги сандиқчада бир халтача тилла бор, ол, қанча хоҳласа, қўлига бериб жўнат. Айт, бу ердан кетсин, сени тинч қўйсин!..

— Майли, майли!— деди Насимжон.— Мен уни жўнатаман...

— Кейин... кейин... мен сал бошимни кўтарсам, бир тузукроқ жойни топиб, сени уйлантираман.

Мўйсафид гўё ухлаб қолгандай бошқа индамади. Насимжон бир оз кутиб, кейин ўрнидан турди ва отасининг боши устидаги токчадан сандиқчани олди-да, очиб, ичидан оғир бир халтачани олди, тўнининг чўнтагига солди ва уйдан чиқди.

Бошқа бир уйда турк хотин — Ҳусниддинова шоҳи кўйлаги ёқаси тугмаларини ўтқазиб бўлиб, ойнага қарарди. Ойнадан унга кесилган қора сочлари тўзиб елкасига тушиб турган, мовий кўзлари ҳатто ўзига ҳам ҳийла-макр билан боқаётган аёл қарарди. Юзлари, қош-кўзларига уна-элик, сурма шунчалик чапланган эдики, унинг ҳақиқий ранги қанақалигини ҳам билиб бўлмасди.

Насимжон кириб келгач, хотинининг юзида сохта табассум кезиб, кўзлари қувлик билан сузилди.

— Хўш, мўйсафид нимага чақирган экан?— сўради турк тилида аёл.

— Шундай, ўзи,— деди Насимжон ҳам турк тилида.— Аҳволимни сўради.

— Сен рухсат сўрадингми?

— Сўрадим...

— Нима деди? Рухсат бердими?

— Рухсат берди!— деди Насимжон ва жилмайди. Аёл уни қучоқлаб, лабларидан қаттиқ ўпди.

— Кетамиз, азизим, бу ердан, бу ғалвали шаҳардан, бу вайрона, хароба мамлакатдан, бу манфур, аҳмоқ эр дастидан қочиб кетамиз! Туркияда бизни бахт-саодат, ҳузур-ҳаловат кутиб турибди. Сен бундай ярамас кийимингни ташлайсан, туркча кийинасан, бошингга фас[1] қўндирасан... ёки йўқ, ўша қоракўл телпагинг яхши... Бу туркча тикилган... Кейин инглизча мовут костюмлар киясан. Соатингнинг тилла занжири камзулингнинг чўнтагидан мана бундай осилиб туради... Кўзларингга тилла пенсне тақиб оласан... Мен ҳам сенга мослаб чиройли кийимлар киямаи. Ҳар куни қаҳвахоналарга борамиз, Босфорда саёҳат қиламиз... Лекин, азизим, бунинг ҳаммасига пул керак, тилло керак! Агар хор бўлмайлик десанг, кўпроқ тилло бўлса, бриллиант узукларни ол!

— Майли, пулдан ғам ема!— деди Насимжон.— Мана шу ҳам бизга анчага етади...— Тилла тўла халтачани олиб кўрсатди-да, яна чўнтагига солди.

— Бўлмаса,— деди аёл,—ҳозир Низомиддин афандининг олдига борамиз, у киши бизни Бокуга жўнатишни зиммасига олган. Аммо у кишининг қоракўл териларини сотиб, ўрнига чинни асбоб-ускуна, газлама олиб келиш шарти билан... Мен хўп деб қўя қолдим...

— Чакки қилибсан-да!..

— Парво қилма! У кишининг қоракўл терилари ҳам керак бўлади! Бокуда ҳужжатларимизни тўғрилаб берадиган одам бор. Тез бўл!

Насимжон кийимини ўзгартираётганида отасининг хаста ва ҳазин овозини эшитгандек бўлди. Отаси: «Менинг дўхтурим ҳам, дори-дармоним ҳам ўзингсан! У агар тўғри хотин бўлсайди!.. Эри бор! Даф қил!..» Мўйсафид тўғри айтади, даф қилиш лозим... Етар! Бугун раисга арз қиламан...

---

[1] Фас — бош кийим.

Насимжон кийиниб бўлиб аёлга қаради-да, деди:

— Мен сенинг ҳар қандай амр-фармонингни бажо келтираман, сенсиз орому қарорим йўқ... Лекин ўзинг кўриб турибсанки, отам касал, аҳволи оғир. Мен уни ташлаб кетсам қандай бўларкин? Лоақал бир ёқлик бўлсайди...

— Йўқ, хотиржам бўл!— деди аёл.— Мўйсафид ҳали бардам, яқин орада жон бермайди. Агар бир ёқлик бўлишини кутадиган бўлсак, Бокудаги одамларимиз кетиб қоладими, ҳужжатларимизни тўғрилолмай қоламизми, деб қўрқаман. Ҳужжатсиз чегарадан ўтиб бўлмайди. Бунинг устига агар аҳмоқ эрим касалхонадан тузалиб чиқса, бизга яна ҳам мушкулроқ бўлади...

— Хайр, эртагача сабр қилайлик-чи,— деди ниҳоят Насимжон.— Эртага пешиндан кейин почта поезди бор, мен бугун Когонга телефон қиламан, иккита биринчи класс билети ёзиб қўйишади. Биз ҳам хотиржам чиқиб кетамиз. Мўйсафид эртага енгиллашиб қолса ҳам, ажаб эмас... Шунингдек, бир неча кунга иш билан Бокуга кетяпман, деб идорага хабар қилиб қўяман. Тағин мендан хавотир бўлиб юришмасин.

Аёл ранжиб бошини қуйи солди-да, ноилож рози бўлди.

— Сен ҳеч бўлмаса мени катта йўлгача кузатиб қўйсанг дегандим...

— Афсуски...— деб Насимжон аёлнинг гапини бўлди, аммо аёл ҳам унга гапини тамомлаш имконини бермай, деди:

— Биламан! Сен билан юрганимни биров кўрмасин деяпсан! Майли, эртага телефонингни кутаман.

— Хайр, эртагача!

Насимжон аёлни дарвозагача кузатиб чиқди-да, эркин нафас олди, кейин уйга кириб, у ёқ-бу ёғини йиғиштирди ва кўчага чиқиб, Чека идораси томонга йўл олди.

Каримжон раиснинг кабинетига муҳим бир иш билан кириб кетган экан, шунинг учун котиб Насимжонни кираверишда тўхтатди. У ярим соатча сабрсизлик билан кутди. Ниҳоят Карим ҳарбий кийимда кабинетдан чиқиб, Насимжон билан саломлашди ва ташқарига чиқиб кетди. Кейин раис уни қабул қилди.

— Салом, кел, Насимжон!— деди Аминов.— Кампамосан?

— Саргардонликда!— деди Насимжон.— Ошиқлик ҳам осон иш эмаскан. Бир иш буюрдингизки...

— Толеингиздан нолинг! Истарангиз хонимга ёққан бўлса, биз нима қилайлик?! Қани энди менга ҳам шунақа иш буюрсалар!.. Хўш, қандай янги гаплар бор?

— Қочиб кетишга қарор қилдик...

— Қандай қилиб?

— Низомиддин афанди ёрдами билан Бокуга борамиз. У ерда «ўз» одамларимиз бор, бизга ҳужжат тайёрлаб беришади.

— Жуда соз. Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Ўша «ўз кишиларимиз» бизга жуда зарур. Бориш керак. Мен Бокуга телефон қиламан, сенга ёрдам беришади. Шошилмасдан ишлайсизлар.

— Хўп бўлади... Ишқилиб, ошиқлигимга ишонган бўлсин-да!

— Маълумотларга кўра ишонган... Бу аёл бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи: ҳам сенга эга бўлади, ҳам ўз вазифасини адо этади. Шунинг учун қандай бошлаган бўлсанг, шундай давом эттиравер!

— Лекин отам касал... Ҳоллари нима кечаркин, билмайман!...

— Афсус, аммо чора йўқ! Мен дўхтур юбораман. Хабар олиб туришади. Парво қилма!

— Хўп бўлади.

— Фёдоровнинг олдига кир, яна баъзи топшириқлар бор.

— Хўп бўлади.

Насимжон кабинетдан чиқди, кўчада дўстларидан бири учраб, уни савол билан кўмиб ташлади:

— Ҳой, Насимжон, шу гап ростми?

— Қанақа гап?

— Саид Аҳрорийнинг хотини билан алоқанг бор эмиш? Ҳатто уни эридан ажратиб олмоқчи экансан?

— Хайр, олсам нима бўпти?

— Ие, жинни бўлдингми? Ақлингни едингми? Бухорода сенга муносиб қиз топилмадики, келиб-келиб, етти дорнинг тагидан қочган бир аёлни оласан?

— Ишқ!— деди табассум қилиб Насимжон.— Кўнгил кишининг ихтиёрида эмас! Менинг ишқим балодир, ёнган ўтга солодир, дейишади!

— Йўқ,— деди йигит.— Бундай аёлга ошиқ бўлиш ярамайди!

— Нега энди?!— деди гўё жиддий қилиб Насимжон.— Чиройли бўлса, озод, паранжисиз бўлса, ўқимишли, отин бўлса, эркаклардан қолишмаса...

— Бир мусулмоннинг хотини бўлса,— давом этди йигит,— бузуқ бўлса, келгинди бўлса...

— Сен бу гапларга тушунмайсан, ҳали ёшсан!

— Ҳаргиз тушунмайин!— деди ўртоғи ва ранжиб қўл силтади-да, ундан узоқлашди.

Насимжон бўлса юз ўй-хаёл билан уйига томон қадам ташлади.

Унга қизиқ топшириқ беришди-да! Отаси ҳам, ўртоқлари ҳам уни таъна қилишади, уни нодон, енгилтак, андишасиз дейишади. Қаердан ҳам пайдо бўлди бу ифлос хотин? Саид Аҳрорийнинг ўзи ким? Нега унга индамайдилар? Балли, «ўз одамимиз»ни шу орқали қўлга олиш керак. Эҳтимол, бу иш ҳамма нарсадан муҳимроқдир? Эҳтимол, улар мамлакатга катта зиён етказишар?! Демак, чидаш, барча таъна ва камситишларга чидаш керак! Майли, яқин кишилари ундан ҳазар қилишсин, майли, уни енгилтак дейишсин! Давлат иши учун, инқилоб иши учун у ҳар нарсага тайёр. Шубҳа йўққи, бу ҳодисадан кейин, яъни турк хотинга бўлган «ишқ-муҳаббати» аён бўлгандан кейин қочиб кетиши, ҳатто қари касал отасини ташлаб кетиши... Энди унга ҳеч ким қиз бермайди! Майли, саломатлик бўлса, бахтини топади!

Насимжон ўй-хаёллар билан ҳовлисига етиб келиб, тўғри отасининг олдига борди. У ҳеч бўлмаса отасига сал дардини ёриб, Бокуга кетаётганини айтиб қўймоқчи эди. Лекин уйга кириб қараса, отаси ухлаб ётибди. Кейин у оҳиста уйдан чиқиб, ўз хонасига борди ва хаёлга чўмди...

«Хайрият!— деди у ногаҳон ўзига-ўзи.— Хайрият, дадамлар ухлаб қолган эканлар! Хайриятки, мен нодон у кишига дардимни ёрмаган эканман. Эҳ, ҳақиқатан ҳам енгилтакман! Аммо мўйсафид касал, бўшлик қилиб холамга айтиб қўйишлари мумкин эди. Холам дугонасига, дугонаси дугонасига айтиб, бирпасда бу-

тун шаҳар ишимдан хабардор бўларди, бир қанча кишининг иши, меҳнати чиппакка чиқарди!

Ўша кеча у касал отаси олдида ётди. Дўхтур берган дориларни ичириб турди. Эрталаб мўйсафиднинг чеҳраси сал очилгандай бўлди. У чошгоҳгача отасига қарашиб, сўнгра рухсат олиб, кўчага чиқди.

Когонда қўшниларидан бирини кўрди, бу киши Марказий Ижроия Комитетида ишларди, яқинда Тошкентдан қайтиб келган эди.

— Мен,— деди унга Насимжон,— бу хотинни Бокугача элтиб қўяман, сиздан илтимос, мўйсафиднинг аҳволидан хабардор бўлиб туринг. Агар оғирлашиб қолсалар, Бокудаги Бухоро элчихонасига, менинг номимга телеграмма беринг.

Қўшниси унинг илтимосини қабул қилди, аммо ичида Насимжоннинг енгилтаклиги ва андишасизлигидан нафратланди. Насимжон гўё бу ғамлардан йироқдай поездга тушиб, Боку томонга жўнади...

Насимжон кетгач, беш кундан кейин отаси олам-дан ўтди. Ўзининг ва Насимжоннинг ёр-биродарлари, қўшнилар йиғилишиб, чолни кўмишди, аммо Насимжон эртасига кечқурун етиб келди. Роса қайғурди, куйиб-ёнди, уч кунгача эрталаб ҳам, кечқурун ҳам отасининг қабри бошига бориб ўтирди, кўз ёши билан қабр тупроғини ҳўллади. Еттисидан кейин яқин қариндошлар, ёр-дўстлар кетишди. Насимжон кампир холаси билан қолди. Нима қилишини билмасди, ҳовли ва уйлар кўзига зиндондек кўринарди, лекин ҳовлидан чиқиб, бир жойга боришини ҳам билмасди...

Учинчи куни ишга борди. Чека раиси ишни сукутига стказгани учун Насимжонга ташаккур изҳор қилди. Уни яна ўз ишига қўйишди. Кундузи иш билан банд бўларди, кечаси уйга қайтиб, китоб ўқирди, кам гапирарди, ҳатто танбурини ҳам қўлига олмасди. Отаси вафотидан кейин орадан қирқ кун ўтди...

Ўша куни ҳаво булутли бўлиб, осмондан чанг ёғарди. Ҳали кун ботмасдан ҳамма ёқни қоронғилик босган эди. Насимжоннинг холаси бир коса шўрва олиб уйга кирди.

— Кел, болам, шўрвани ич!— деди у.— Жуда мазали бўлибди.

— Майли, қўйиб кетинг!— деди Насимжон кара-

вотдан туриб.— Кўнглим тортмайди, лекин сиз пиширган шўрвани ичмаслик гуноҳ.

— Саломат бўл, ўғлим,— деди кампир.— Ишингга қачон кетасан, ё бу кеча бормайсанми?

— Йўқ, бу кеча ҳеч қаёққа бормайман.

— Майлинг, бир оз дам ол, китоб ўқи! Шошма, анави лаънатидан бутунлай қутулдингми?

— Ҳа, қутулдим,— деди Насимжон.— Қиблагоҳимнинг айтганларини бажо келтирганимдан хурсандман.

— Худо илоҳи раҳмат қилсин,— деб қўйди кампир ва уйдан чиқди. Ташқарида, супа пастида бир паранжи-чачвонли аёл турарди.

— Насимжон бормилар?— деб сўради аёл.

Кампир нега бу аёл ҳовли ичида ҳам юзини очмайди, деб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, марҳамат, келинг!— деди кампир.— Насимжон уйда.

— Шу ёққа чақириб берсангиз!— илтимос қилди аёл.

Кампир қайтиб уйга кирди-да, Насимжонни чақирди. Насимжон ҳам ҳайрон бўлиб чиқди, паранжили аёлни кўриб, салом берди:

— Хўш, менда ишингиз борми, хола?— сўради у.

— Ҳа, мен икки-уч марта келдим, сизни тополмадим... Сафарда экансиз,— деди аёл.— Кейин отангиз, худо раҳмат қилсин, қазо қилдилар... ниҳоят шу кун насиб қилган экан... Раҳматлик волидангиз менга бирор тузук, муносиб жойни топиб, уйлантиришимни топширган эдилар...

— Келинг, яхшиси, уйга кириб гаплашайлик!— деди Насимжон, гап муқаддимасидан хурсанд бўлиб.

— Паранжи-чачвон билан яхши эмас!— деди аёл.— Шу ерда мақсадимни айта қолай!

— Хайр, паранжи-чачвонни олсангиз бўлмайдими?

— Ҳозир эмас!— деди аёл.— Қачон сизни мурод-мақсадга етказсам, ўшанда кимлигимни билиб, ўзимни кўрасиз.

— Майли, ихтиёрингиз!

— Гап шуки, раҳматлик онангиз мени қасам ичириб, бирор муносиб жой топиб ўғлимни уйлантириб қўйинг деган эдилар. Мен анча жойларни кўрдим, сипоҳию муллоникидан тортиб то дўкондору косибни-

кигача ҳамма ҳовлини кўздан кечирдим, лекин дидимга ёқадиган бирор қизни топмадим. Ниҳоят шу яқин орада йўлим бир ҳовлига тушди-ю, бир паризодни кўриб, ақлимдан бегона бўлдим. Ҳам чиройли, ҳам ақлли, ҳам чечан, ҳам хушсухан, ҳам хушчақчақ, ҳам меҳрибон... Лекин афсуски, қиз эмас... бева!

— Қиз бўлиши шарт эмас!— деди Насимжон.

— Ҳа, балли!— деди аёл.— Шарт эмас! Хотин олиш бозордан мол ёки бузоқ сотиб олиш эмас! Хотин — ҳаёт йўлдоши, хотин — эркакнинг умри, хотин — эркакнинг иззат-обрўйи, инсоф-диёнати. Не қилайки, эркаклар буни билишмайди, хотинга мол каби қарашади. Ҳатто ҳар куни бир хотин олиб, биттасини қўйиб юборишга тайёр... Бундай эркакларнинг ўзлари молдан фарқ қилмайди. Мен сиз унақанги эркаклардан эмаслигингизни билардим. Шунинг учун ўша оромижонни кўрган ҳамон сизнинг олдингизга югурдим. Агар чинакам хотин олмоқчи бўлсангиз, ана шу хотинни олинг, пушаймон бўлмайсиз!

— Ким экан у?

— Ойими Шоҳ!— деди аёл.— Эҳтимол, эшитгандирсиз! Амир Олимхон унинг оёғига бош урган эди. Эрам боғининг паризоди десам, муболаға бўлмайди. Саводли, шеърни тушунадиган, ширинзабон...

Насимжон аста-секин қизиқиб қолди, наҳотки бу гаплар рост бўлса? Наҳотки шундай чиройи, гўзаллиги билан саводли ҳам бўлса? Одатда чиройли хотинлар кам ақлли бўлишади...

— Мақтовларингиз мени мафтун қилди, хола, нима маслаҳат берасиз?

— Эшитган бошқа-ю, кўрган бошқа, дейишади,— деди аёл.— Эҳтимол, гапимга ишонмассиз, лекин одам юбориб, кўриб келгандан кейин хоҳлаганингизни қилаверинг!

— Майли, холамни юбораман... Ҳовлилари қаерда?

— Ҳозир мен билан юрсинлар, ўзим олиб бориб кўрсатаман. Арабон гузарида.

Насимжон уйга кириб, холасини ҳол-жонига қўймай, шу аёл билан бориб, Ойими Шоҳни кўриб келинг, деб илтимос қилди.

— Дастурхонсиз ўлдирсанг ҳам бормайман!— деди холаси икки оёғини тираб.

— Марҳамат!— деди Насимжон.— Хоҳлаганингизни сандиқдан олиб, дастурхон қилинг.

Кампир дастурхон қилишга тушди. То холаси тайёр бўлиб чиққунча, Насимжон бир курси олиб чиқиб, супа пастига қўйди-да, дам олиб туринг, деб аёлга таклиф қилди. Аёл курсига ўтириб, яна Ойими Шоҳни мақташга тушди. У Ойими Шоҳ ҳам сизни кўриб, кўнгил берган деди. Агар муҳаббат икки ёқдан бўлса, турмуш гулдай бўлади. Ишқ-муҳаббатсиз турмуш қилиш — ҳайвондек яшашдай гап. Бу бебақо дунёда одамдек яшаш, мазза қилиб ҳаёт кечириш керак...

Кампир дастурхон қилиб, кўтариб чиқди, Насимжон уларни ташқари ҳовли йўлагигача кузатиб чиқиб, яхшилаб сипаб кўринглар, гаплашинглар, ҳар томонлама билинглар, деб тайинлади.

Кампир қайтиб келгунча Насимжон нима иш билан шуғулланишини билмасди: каравотга чўзилиб китоб ўқимоқчи бўлди, бўлмади. Гўё қанақа бўлса экан, деб шайтон васваса қилаётгандай эди. Наҳотки бу нотаниш аёл айтган гапларнинг ҳаммаси рост бўлса. Агар у ҳам Насимжонга кўнгил берган бўлса, жуда соз... Эҳтимол, бу аёлни унинг ўзи юборгандир? Амир Олимхон ошиқ бўлган бўлса, демак, арзир экан-да? Агар у амир Олимхоннинг хотинини олса, одамлар яна гап қилишади-да! Майли, гап қилишса, қилаверишсин! Албатта, баъзилари кўролмасликдан, баъзилари одат бўйича, баъзилари эса душманликдан оғизларига келганини айтаверишади. Насимжон гапдан қўрқадиган одамлардан эмас. У ҳали ёш бўлса ҳам, шундай гапларни эшитдики, бунақа гапни ҳеч ким эшитган эмас... Муллолар, аксилинқилобчилар унинг ҳақида иғво тарқатиб, дину диёнатдан юз ўгирган, ислом давлатига итоат қилишни истамайди, деб ғийбат қилишди... Инқилоб ғалаба қозонгандан кейин яна Насимжон шунчалик азоб тортди, мен инқилобчи, деб шунчалик жон чекди-ю, келиб-келиб пима бўлди, яна гап тарқатишди. Дурустроқ мансаби ҳам йўқ, тузукроқ даромади ҳам... Ниҳояти уни қамоқхона қоровулларининг бошлиғи қилиб тайинлашди-да... Шу ҳам мансаб бўлди-ю! Сўнгра Насимжон фалончининг маҳрами эмиш, шунинг учун Чекага, ревкомга ва қаерга борса, йўл беришармиш, деб овоза тарқатишди, кейинроқ Насимжон-

нинг куни ўтмас эмиш, эндиликда тор чертиб, танбур чертиб қорин тўйғазаркан, деб гап қилишди... Ниҳоят турк аёл ва унинг Насимжон билан алоқаси оғиздан оғизга кўчиб юрди... Аммо Насимжон парво ҳам қилмади. Чунки зарур эди, инқилоб фойдаси учун зарур эди, шунинг учун жон-дили билан бажарди... Энди албатта Насимжон фалончига уйланибди, қиз олмасдан бева олибди, деб гап қилишади... Унга ҳеч ким қиз бермас эмиш ва ҳоказо... Майли, десалар деяверишсин... Гапириб-гапириб, унлари ўчиб қолади. У бундай гаплардан қўрқмайди. Шаҳар дарвозасини беркитиш мумкину, аммо эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганлари рост. Насимжонда юрак бор... Агар кўнгли истаса, агар кўнгли орзу қилса, у йўқ демайди. У ҳозир холам келиб бу аёлнинг гаплари муболаға экан, деб таъбимни тирриқ қилмасайди, деб юраги пўкилларди. Ахир, Насимжон орқаворатдан Ойими Шоҳнинг овозасини эшитган. Бу аёл шундай таъриф қилгандан кейин, Ойими Шоҳнинг ҳам унга кўнгил берганини билгандан кейин, у ҳақиқатан ҳам таърифдан ортиқ бўлишини истарди...

Ниҳоят бир йилдай туюлган икки соатдан кейин қулоғига йўлакдан холасининг оёқ товуши эшитилди, у холасини кутиб олиш учун югуриб уйдан чиқди-да:

— Хўш, кўрдингизми? Қалай?— сўради.

Насимжоннинг кўнгли кенг, беғам холаси унга қараб жилмайди-ю, зиналардан юриб супага чиқди-да, деди:

— Олсанг ҳам шуни оласан, олмасанг ҳам шуни оласан!

Насимжон югуриб бориб холасини кўтарди-да, юз ўргилиб, уйга олиб кириб ерга қўйди.

— Ростданми? Ростданми?— сўради у.— Қалай экан? Чиройлими? Ақллими? Нимаси яхши?

— Вой, қўй, нафасимни бир ростлаб олай!— деди кампир, курсига ўтириб.— Жуда қариб қолибман, икки қадам қўйсам, чарчаб қоламан...

— Биламан, биламан,— дерди Насимжон.— Гапиринг! Қиз, Ойими Шоҳ қалай?

— Хайр, бордик,— деб гап бошлади кампир.— Данғиллама уй-жойлари бор экан. Ташқари ҳовли, ичкари ҳовли, гулзор, ишком...

Насимжон ичида данғиллама ҳовлига — ичкари-ю ташқари ҳовлига, узум ишкомларига лаънат ўқирди... Аммо кампир гапини йўқотиб қўймасин, деб унинг гапини бўлмай, аранг чидаб турарди.

—...Она-бола бизни кутиб олди,— деб гапида давом этди кампир.— Қиз одобли, мўмин, чевар, чаққон... Аммо ҳусни кишини лол қилади, оламни ахтариб бунақасини тополмайсан! Бундай истараси иссиқ, бундай ширин сўз, бундай кўзлари жозибали жувонни умримда кўрганим йўқ. Аёл бошим билан унинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб ўтираверибман, турай десам, кўзим қиймайди... Онаси ҳам бамаъни, андишали, вазмин аёл экан. Нима бўлса ҳам, зоти тоза, баланд мартабали сипоҳи хонадонидан... Илоҳи худо шуни буюрган бўлсин-да. Бахтинг эшиги очилсайди, мен ҳам муродмақсадимга етардим!..

— Етасиз!— деди Насимжон ва югуриб туриб стулга ўтирди-да, шу мактубни ёзди:

«Дилбарим, меҳрибоним, Ойими Шоҳга етиб маълум бўлсинки, бу камина ҳусн-жамолингиз, ақл-заковатингиз, таърифу тавсифингизни эшитиб, ғойибона мафтун бўлдим. Сабр-қарорим қолмади... Аммо бизнинг озод, ҳур замонамизда янги тартиб-қоидалар чиққан... Ким хоҳласа, бир-бировини кўриб эр-хотин бўлишади!.. Шунинг учун не бўлғайдики, бу бандаи камтарингиз сиздан ижобий жавоб олган ҳамон бошим билан бориб, жаҳонни мунаввар этган жамолингизни бир кўрсам, икки оғиз оташин сўзингизни эшитиб келсам ва сизнинг таъбингизга мувофиқ тўй тараддудини кўрсам?»

Насимжон Ойими Шоҳнинг ҳовлисини суриштириб билди-да, ташқари чиқди ва хизматкорига зудлик билан бу хатни олиб бориб, жавобини олиб кел, деб буюрди. Хизматкор кетди. Насимжон холасининг ёнига келиб у билан тўй маслаҳатини қилди.

— Аввал фотиҳа қилсанг керак-а?— сўради холаси.

— Фотиҳа-мотиҳа керак эмас!— деди Насимжон.— Агар гапимиз пишса, эртага ё индинга тўй!

— Вой, жинни бўлибсан,— деди кампир.— Тараддудсиз тўй бўларканми? У ёқ-бу ёғингни қара, кенгаш, ёру ошнолардан, маҳалла катталаридан маслаҳат сўра,

ана ундан кейин тўйни бошла. Наҳотки наридан-бери тўй қилса киши?!

— Янги тўй, инқилобий қизил тўйга кенгаш-пенгашнинг кераги йўқ,— деди Насим.— Оғайниларни телефонда хабар қиламан. Ошпаз келиб кабоб билан паловни пиширади, ҳофизлар, созандаларни чақирамиз, вассалом...

— Гузар аҳли-чи? Дадангнинг ошна-оғайнилари-чи? Бизнинг қариндош-уруғларимиз-чи? Сенга бир гап бўлибди!

— Уларни кейин, келинни олиб келгандан кейин ҳам чақираверамиз... Тўй бир кун эмас, бир неча кун бўлади.

— Йўқ, сен ақлингни ебсан!— кампир сира тушунмасди.— Ахир, хотин ҳеч нарсасиз, кийим-кечаксиз, қалинсиз келадими? Совчилар рўйхат олиб бориб, рўйхат келтиришади, бичиб кесишади. Дастурхон олиб боришади, сеп келтиришади...

— Ҳечқиси йўқ! Ҳечқиси йўқ!

Қисқаси, хола билан жиян бирор қарорга келолмай турганида хизматкор келиб, хатнинг жавобини берди.

Мактуб қадимий ипак қоғозга ёзилган бўлиб, ундан атир ҳиди келарди. Насимжон ҳали Ойими Шоҳнинг чиройли хатини ўқимасдан, унинг ҳидидан маст бўлди. Мактуб қуйидагича эди:

«Азизим, жонгинам, Насимжоним! Сизнинг мактубингизни менга етказишлари билан юрагим уриб, шу ғазални куйлашга тушди:

Мужда келтир дўстдан, эй хат ташувчи, марҳабо
Дўст номига қилай тоинки жонимни фидо.
Дўстнинг шаҳло кўзи, ширин лабининг шавқида,
Табъ тўтиси чекар булбул каби доим наво.
Лабда холдор демаю зулфи тузоғидир менга,
Дон умидида тузоғига бўлибман мубтало[1].

Сўнгра етиб маълум бўлсинким, сиз янги расм-русмга биноан мени кўриб, мен билан гаплашмоқчи бўлибсиз... албатта, бунга ҳақлисиз. Аммо шунчаки арз қилмоқчиман, ташвиш чекманг. Зеро, камина сира

[1] Ҳофиз шеъри.

ўзимни сизга муносиб деб билмайман. Мен бир ожиз бева, муштипар, бахтсиз аёлман... Сиз қайда-ю мен қайда! Толе ёр бўлиб сизнинг дийдорингизни кўришга мушарраф бўлгач, ўзимга ўзим қайси бир бахтли қиз бу барно йигитнинг илтифотига сазовор бўлар экан?! дедим. Бу барно йигитнинг ҳар тола сочига юз қиз фидо бўлса арзийди! Шунинг учун, бу номани ёзиб арз қиламанки, мен камтарингга кулманг ва сизга уйланаман, деб мени хижолатга қолдирманг, мени ўз ҳолимга қўйинг, сизнинг юзингиз хаёли билан қолган умримни ўтказай.

Сизнинг канизингиз Ҳамроҳ».

— Нима дебди?— сўради холаси.

— Ноз қилибди!— деди Насимжон ва яна ҳаяжонланиб столга ўтирди-да, ушбу мактубни ёзди:

«Азизим, дилбарим, паризодим Ҳамроҳхонга етиб маълум бўлсинки, сизнинг муборак мактубингизни олдим, мазмунидан огоҳ бўлиб, бир шавқимга минг шавқ қўшилди ва худди сизни кўргандай, жон бағишловчи суҳбатингиздан баҳра олгандай бўлдим. Сизнинг хокисорлигингиз, камтаринлигингизга жоним фидо! Энди ҳеч қандай шарт керак эмас.

Совчидан эшитган гапларни ва холам қилган таъриф-тавсифларни ҳозирги мактубингиз мазмуни тасдиқлади. Агар бир-биримизни бир марта кўрсак, бир-биримиздан ажралмаймиз. Шунинг учун, қадимий расм-русмларнинг ҳаммасини бир ёққа йиғиштириб қўйиб, худди шу кечаси тўй қиламиз ва бир-биримизнинг дийдоримизга етишамиз. Бунинг учун сизнинг бир оғиз розилигингиз керак.

Каминангиз: *Насимжон*».

У мактубни конвертга солиб муҳрлаб, ташқари чиқди ва хизматкорига топшириб, тезроқ бориб кел, агар яхши жавоб келтирсанг, битта олача тўн киясан, деб илтимос қилди.

Бу гал хизматкор тўн умидида йўлни ўртадан кесиб чиқиб, тез бориб келди ва мактуб жавобини топширди. Ҳамроҳхон шундай деб ёзган эди:

«Соҳиби ихтиёрим! Сиз нимани истасангиз, бу менинг айни муддаомдир. Ростдан ҳам агар эски расм-русмларни бузмоқчи бўлсангиз, тузукроқ бузинг,

маълум бўлсин! Мен ҳам ичимда: сен ҳам дурранғни бошингга дол қўй, бу кеча истаган жойга хол қўй, дедим.

Сизнинг *Ҳамроҳхонингиз!*»

Насимжон хатни ўқиб «жон-жон!» деб сапчиб турди. У кўзларига ишонмасдан хатни қайта-қайта ўқиди.

— Нима ёзибди?— сўради яна холаси.

— Мужда келтир дўстдан, эй хат ташувчи, марҳабо, дебди...— деди ҳазиллашиб Насимжон.— Мен сеники, сен меники дебди! Шу кеча тўй дебди... Туринг, қўшниларни чақиринг, уйларни йиғиштиринг, тартибга солинг! Келин келади.

Кампир ҳеч нима деёлмасдан, Насимжонга ҳайратланиб, диққат билан қаради ва жинни бўлибди, деб ўйлади.

— Туринг ахир!— деди Насимжон телефоннинг олдига бораётиб.— Ёрдамчиларингизни чақиринг, кеч бўлди. Мен жинни эмас, хотиржам бўлинг!

Кампир ўтираверди. У Насимжон ҳазиллашяпти, деб ўйлаётганди. Насимжон телефон қулоғини бураб, Чекани олди ва Чека раиси Аминовни сўради. Аминов идорада экан. Шунинг учун дарров кийимини алмаштириб, холасига яна тайинлаб чиқиб кетди. Аммо кампир нима қиларини билмасдан ҳайрон бўлиб ўтирарди. Орадан бир неча минут ўтган бўлса ҳам, кампир ҳамон гангиб ўтирарди. Ниҳоят ҳовлидан қўшни аёлнинг овози эшитилди:

— Ойхола, ҳой Ойхола! Қайдасиз?

— Мен бу ерда, уйда, келаверинг!— деди кампир ва уни Насимжон юборганини билди.

— Муборак бўлсин!— деб қўшни хотин уйга кириб келди.— Насимжон тўй бўлади, дедилар, ростми? Биз бехабар.

— Мен ўзим ҳам бехабар...— деди содда кампир.— Бир кунда ҳам совчи бўлиб, ҳам тўй бўлишини умримда энди кўряпман!..

— Замонлар ўзгарган,— деди қўшни аёл.— Иложи қанча?.. Тўй бўлса тўй-да. Туринг, уйларни йиғиштирайлик!

Кампир ҳам бенхтиёр ўрнидан турди.

Насимжон Чека раисига бориб, шу кечанинг ўзида

фавқулодда тўй қилиб маҳбубасини олиб келмоқчи бўлганини айтди. Бу мушкул ишни ҳеч ким қилмаган бўлса ҳам, у қилмоқчи.

Аминов аввалига бир оз ҳайрон бўлди-ю, кейин кулди ва Насимжоннинг бу иши ҳатто унга маъқул ҳам бўлди. Аминов умуман Насимжоннинг фидокорона хизматларидан хурсанд эди, унинг ғайрати билан бир гуруҳ разил ва хавфли одамлар қўлга тушганини биларди... Турк хотин воқеасидан кейин Насимжоннинг уйланиши бу яқин ўртада эҳтимолдан узоқ эди. Демак, қаллиқ топилганини ғанимат билиши керак. Бинобарин шундай деди:

— Аввало муборак бўлсин! Сизга бахт-саодат тилайман! Иннайкейин тўй тўғрисида ғам еманг, парво қилманг! Мен ишбилармоқ ўртоқларга тайинлаб қўяман, бир соатда тўйга керакли нарсани муҳайё қилишади.

— Ташаккур! Ташаккур!— деди Насимжон ва раиснинг қўлини самимий қисиб, кабинетдан чиқди. У раис илтимосини рад қилмаслигини биларди. Шунингдек, бу кеча бўладиган фавқулодда тўй ёмон бўлмаслигига ҳам ишонарди. У Чекадан чиқиб, тўғри ўз маҳалласидаги хотин-қизлар клубига келди. Фируза ҳали уйига кетмаган эди. Шу кунларда иш кўплиги сабабли клубда ушланиб қолишидан болани ҳам ўзи билан олиб келарди. Унинг кабинети — даҳлиз ёруғ, озода ва баҳаво эди. Шу ерга каравотча қўйишиб, клуб хизматкорларидан бирига болага қараб туришни тайинлашганди. (Бу иши учун Фируза унга алоҳида ҳақ тўларди.) Бу иш Асога ҳам, Оймуллога ҳам маъқул эди. Чунки улар бола боқишдан тамоман қутулишган эди. Фируза ҳам клуб ишини олиб борарди, ҳам бола тарбияларди.

Клуб рўпарасида истиқомат қиладиган Насимжон ўз одамларидай бўлиб кетган эди, шу боисдан ўзини бегона санамасди.

— Фирузажон опа!— дея эшикдан кирди у,— ўзим ўргилай, садақангиз кетай, жон опажон! Агар ҳозир ёрдам бермасангиз, мен адойи тамом бўламан!

— Хўш, хўш?— чиндан ҳайрон қолиб сўради Фируза.— Нима гап?

— Биттасини яхши кўриб қолдим, уйланаман, худди шу кеча тўй!

— Шу кеча тўй? Ажабо?!— деди Фируза.— Бу жанақаси, биз хабарсиз-ку?

— Ҳамма гап шундаки, бу тўйдан ҳеч кимнинг хабари йўқ, фақат сиз эмас, балки холам ҳам бундан бир соат илгари хабардор бўлдилар.

Насимжон воқеани айтиб бериб, Фирузадан тўйга бошчилик қилишни, муаллималар ва мураббийлар билан келиб, аиқов холасига ёрдам беришни илтимос қилди.

— Майли,— деди Фируза.— Лекин аввал уйга боришим керак, болани қўйиб, Асога хабар берай... кейин албатта келаман, тўйингизда хизмат қиламан.

— Йўқ, йўқ!— деди Насимжон.— Ҳовлига боришга фурсат йўқ, мен Асо акани кўриб, хабар қилдим, у киши ҳозир келаётгандирлар... Гулбаҳоржонни қўйиб келиш шарт эмас, қўйинг, у ҳам амакисининг тўйини кўрсин.

Насимжоннинг гапи оғзида қолди, ташқаридан Асо кириб келди, у яна Насимжон билан кўришиб, тўйини табриклади.

— Тўйхўрликка келдик,— деди у кулиб.— Бу фавқулоддда тўй ажойиб.

Ҳақиқатан ҳам ўша кеча Насимжоннинг ҳовлисида Бухоро тарихида кўрилмаган тўй бўлди... Чунки тўйнинг бўлишини бир неча соат илгари ҳеч ким билмасди. Тўсатдан одамлар келишди, уйларни ясатишди, палов, кабоб пиширишди, меҳмонларни кутишди... Ташқари ҳовлида ҳофизлар ва созандалар, ичкари ҳовлида ҳам созандалар базм қилишди. Кейин келинни олиб келишди (аслида одат бўйича куёвнавкар борарди), роса ўйин-кулги бўлди, кечаси соат иккидан кейин тўй тугади.

Насимжон меҳмонларни кузатиб, ўз хонасига кирганида Ҳамроҳхон келинлик кийимида ўрнидан туриб, унга таъзим қилди. Насимжон келиннинг юзидаги ҳарир рўмолни кўтариб қаради-ю, жамолини кўриб ўзидан кетди. Агар Ҳамроҳхоннинг лабларидаги бол бўлмаса, Насимжоннинг йиқилиб тушиши ҳеч гап эмасди.

— Бу илк ширин бўса аччиқ шаробнинг газагидир!— деди Насимжонга таниш овоз.

У қайрилиб қаради: кекса, қотмадан келган, буғдой ранг аёл табассум қилиб, Насимжонга май пиёла-

сини тутиб турарди. Насимжон пиёлани олди, лекин кўзларида савол аломати бор эди.

— Мен,— деди аёл,— сизга мақсадга етганингиздан кейин кимлигимни маълум қиламан, деган эдим... Мен сизнинг кампанангиз...

— Анбар хола!— деди Ҳамроҳхон ва ширин табассум қилди.

— Раҳмат сизга!— деди Насимжон.— Худо сизга узоқ умр берсин. Икки кўнгил берганни бир-бирига қўшдингиз, икки дилни ишқ шаробидан сероб этдингиз.

— Иккалангизга ҳам висол муборак бўлсин!— деди Анбар хола.— Илоҳи қўшақаринглар, ували-жували бўлинглар!

Анбар хола шундай деди-ю, уларни танҳо қолдириб уйдан чиқди... Лекин унинг охирги тилаги: «Қўшақаринглар, ували-жували бўлинглар, деб қилган дуоси рўёбга чиқмади... Бу тўғрида кейинроқ...

22

Ҳайдарқул комиссар бўлиб келгандан буён Махсум ва шериклари ўзларини анча ноқулай сезардилар. Аввало шуки, у кўзга тушган чўп бўлиб қолган эди. Махсум бемалол иш тутишни йиғиштириб, ишларини ўз уйида, қўшинлари қароргоҳида яширин олиб боришга мажбур бўлди. Улар кўпинча кечаси, Ҳайдарқул йўқлигида, одамларни келтириб қамардилар, бир неча махфий, алоҳида-алоҳида қамоқхоналар қилган эдилар. Улар айш-ишратларини ундан пинҳон тутардилар. Низомиддин ва бошқа кишиларнинг келиб-кетиши қийинлашиб қолган эди. Улар кўпинча бошқа жойларда учрашар ва гаплашар эдилар. Махсум баъзан газабланиб, Низомиддинга, Ҳайдарқулни йўқотиб, ҳамма ёқни остин-устин қиламан, дерди. Лекин Низомиддин уни тийиб турарди. Унга ажойиб ваъдалар берарди: Туркиядан, Германиядан қурол-аслаҳа, куч келади, сўнгра биргалашиб ҳаракат қиламиз, дерди... Анварбек — Анварпошшо тўғрисида ҳикоя қиларди, ҳатто чиданг, имкони борича Ҳайдарқулга яхши кўринишга ҳаракат қилинг, дерди. У кейинги пайтларда

Марказий Ҳукумат ишларни қаттиқ назорат қиляпти, Абдуқодир Муҳиддинов тамоман ўзгариб кетди, отасидан юз ўгирди, Чека анча активлашди, Учинчи Байналмилал бошқармаси раҳбарлигида фирқа Марказий Комитети шундай ишчан, шундай ҳушёр бўлиб қолдики, бир қадам ҳам бежо қўйиш мумкин бўлмаяпти. Ана шундай шароитда яхшиси шуки, сиз аста-секин тайёргарлик кўриб, аскарларни машқ қилдириб, атрофингизга кўнгил тўладиган кишиларни тўплаб, ёмонларни ими-жимида йўқ қилаверинг. Ғайрат, шижоатингизни кўрсатадиган пайт ҳам келиб қолади.

Ҳайдарқул келганидан буён Ойша билан унинг онаси тўғрисида гўё улар бегонадек бирор марта ҳам оғиз очмади. Асад ҳам бўйни йўғонлик қилиб бу ҳақда гап очмасди, умуман улар ўртасидаги муносабат расмий, анча қуруқ, совуқ эди. Кўпинча Ҳайдарқул Исматжон ва Оқилов билан ишини битирарди, Махсум билан учрашмасди. Кундузлари бир неча соатлаб командирлар ва аскарлар билан суҳбат ўтказиб, уларнинг машқлари ва ишларидан хабар олиб турарди, кечалари эса агар мажлис бўлмаса, хонасига кириб китоб ва газета ўқирди. Унинг ягона суҳбатдоши, сирдоши Саид Паҳлавон эди, у ҳам ўзгалар кўзини шамғалат қилиб, Ҳайдарқулникига кирарди. Ҳайдарқул Асад Махсумнинг махфий ишларини кўпинча Саид Паҳлавондан билиб оларди. У кўпгина гуноҳсиз кишиларнинг қамалганлигини Саид Паҳлавондан билиб олиб, аста-секин, мулойимлик билан Асад ва шерикларига айтарди, ўша маҳбусларнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари ариза беришибди, деб муҳокама қилдирарди, кўпинча уларни озод қилдиришга муваффақ бўларди. Бу ишлар Асад Махсумга ёқмасди албатта, шунинг учун у шерикларини махфий ишни уддалолмаяпсиз, деб сўкарди.

Бир куни Асад Махсум ўз шерикларини меҳмонхонага чақирди, ҳеч ким суҳбатимизга халақит бермасин, деб Наим Заҳарни эшикка қоровул қўйди. Ўша куни Ҳайдарқул Дилкушо боғида йўқ эди, бир иш билан шаҳарга кетган эди. Шунинг учун Асад фурсатдан фойдаланиб, дилидаги чигални ёзмоқчи бўлди:

— Гап шуки,— деди у шерикларига.— Мен Ҳайдарқулдан қўрқмайман, парво ҳам қилмайман. Унинг бу ерда бўлиши ҳам менга унчалик халақит бермай-

ди... Лекин мен шундан хафа бўлиб, ғазабланяпманки, биз ўзаро бирор махфий иш қилолмаяпмиз. Нима иш қилсак, жаноби Ҳайдарқул хабардор, нима номаъқулчилик қилсак, у киши огоҳ...

— Фақат Ҳайдарқул эмас!— деб қўйди Исматжон.

— Балли, балли, фақат Ҳайдарқул эмас!— деди Асад.— Кўпгина ишларимизни Чека билиб, йўлимизни тўсади. Ўзи нима гап?! Бу қанақа фавқулодда комиссия бўлди?! Мен тушунмаяпман.

— Маълум бўлдики, ичимиздан бирор сирдош киши хиёнат қилмоқда!— деди Оқилов.

— Ажойиб кашфиёт қилдингиз!— деди истеҳзо билан Асад,— зап куракда турмайдиган гапларни гапирасиз-да!

— Мен ҳали гапимни тамомлаганим йўқ,— деди Оқилов. У махфий ишларнинг бошлиғи, Асаднинг искович ити эди.— Гапирсам, жаҳлингиз чиқади...

— Гапираверинг, жаҳлим билан ишингиз бўлмасин!

— Сизга нима десам экан, мен бир шахсдан шубҳаланаман, у сизнинг яхши кўрадиган одамингиз!

— Айтинг, ким экан у, ҳозир нозу карашманинг вақти эмас!

— Мен Саид Паҳлавондан шубҳаланаман!— деди шартта Оқилов.

— Қизиқ!— деб қўйди Исматжон.

— Нима, нима?— деди Асад ўрнидан туриб.— Саид Паҳлавон? Сиз жинни бўлибсиз, Оқилов!

— Хўп, мен жинни ҳам бўлай!— деди пинагини бузмай Оқилов.— Агар гапим тўғри чиқмаса, мени хўжаўбонийлар жиннихонасига жўнатинг.

Чиндан ҳам Махсум ҳайрон бўлиб, тутақиб кетаётган эди. Чунки у неча ойдан буён бевосита ўзи Саид Паҳлавонни синаб, унинг иккиюзламачи, хиёнатчи ва ёлғончи эмаслигига анча ишонч ҳосил қилган эди. Саид Паҳлавоннинг вазминлиги, индамаслиги ва камтаринлиги унга анча ёқиб қолган эди. Саид Паҳлавоннинг юриш-туриши ҳам ҳаммада ишонч туғдирарди...

— Унинг нима иши сенда шубҳа туғдирди?— сўради у сенсираб Оқиловдан. Махсум агар бировдан жаҳли чиқса сенсираб гапирарди.

— Жуда писмиқ... ичимдагини топ одамлар хилидан!

— Биз учовимиздан, Наим Заҳар ва Саид Паҳлавондан бўлак киши махфий ишимиздан хабардор эмас. Демак, ё ўзингиз, ё мен, ё Исматжон, ё Наим Заҳар, ё Саид Паҳлавон хабар етказади... Мен жуда ўйладим, Наим ундақанги одам эмас, Ҳайдарқул билан ҳам, Чека билан ҳам борди-келдиси йўқ, унга эҳтиёжи ҳам йўқ... Аммо Саид Паҳлавон Ҳайдарқулнинг ошнаси... Ҳар замон, ҳар замонда шаҳарга бориб, гойиб бўлади, қаёққа боришини киши билмайди...

— Кетидан киши қўйдингми? Билдингми?

— Киши қўйдим, бефойда! Ҳатто Наимнинг ўзи бориб келди, аммо ҳеч нимани сеза олмади. Бу одам анча ҳушёр, сезгир, ишини билиб қилади!

— Хўп, яна нима демоқчисан?

— Асо билан Фирузага жуда меҳрибон эди.

— Хайр, бўлса бўпти-да, нима?

— Асо Чеканинг одами, Фируза Ҳайдарқулнинг тутинган қизи!

— Мен ҳам Ҳожи Ҳасанбекнинг ошнасиман!— деди Асад ва кулди.— Йўқ, дурустроқ синаш керак. Ишни хўп пухта қилиб, хоиндан биратўла қутулиш керак.

Ўшанда суҳбат шу билан тугаган эди. Лекин Оқилов ўзимнинг ҳақлигимни Асад Махсумга исбот қиламан, деб кўнглига тугиб қўйган эди. Унинг бу ният ва ишига зираоболдик Козимзода ёрдам берди. Бизга маълумки, Наим Аббосни туҳмат билан қамаган эди. Довюрак йигит қийноқ вақтида Оқилов билан Махсумга бир неча бор қаттиқ муомала қилиб, узиб-узиб олган, уларни шарманда қилган эди. Шу сабабли уни бўшатмай, махсус қамоқхонада сақлаб, қилмаган «гуноҳ»ига иқрор бўлишга мажбур қилишарди. Унинг иши тўғрисида Ҳайдарқул Махсум билан гаплашган эди. Аммо Махсум уни аллақачон бўшатиб юборганман, деб ёлғон гапирган эди. Лекин ўша кунлари Ҳайдарқул Махсумга яна гапириб, Аббосни ҳали ҳам бўшатиб юбормаганини, Когон депосининг ишчилари қаттиқ норозилик баён қилишганини ётиғи билан айтди. Махсум айбни Оқиловга тўнкаб, эртагаёқ бу масалани муҳокама қилиб, Козимзодани озод қилишга ваъда берди. Лекин Асад газабдан торс ёрилай деди. Ўша куни

вақт топиб, шериклари билан яна тўпланишди-да, Ҳайдарқулга буни ким хабар бердийкин, деган масалани муҳокама қилишди.

— Албатта бу Саид Паҳлавоннинг иши!— деди Оқилов.

Асад Махсум билан Оқилов ўртасида бу масала хусусида тағин жанжал бошланмоқчи эди, аммо Наим Заҳар жанжални босди:

— Саид Паҳлавон менинг ҳамқишлоғим!— деди у.— Мен уни яхши танийман. Мен ҳам унинг Махсумга хиёнат қилишига ишонмайман... Лекин ҳар ҳолда одам-да, хом сут эмган! Ким билади, эҳтимол, бирон мақсади бордир?! Ҳар ҳолда яна бир марта синаб кўриш керак.

— Мен синадим, юз марта синадим,— деди Оқилов.— Қўлга тушириш қийин! Аммо ундан бўлак киши бу ишни қилмайди!

— Йўқ, мен бошқа нарсани айтмоқчиман,— деди Наим Заҳар қувлик билан шерикларига қараб.— Бирор бандини ўлимга ҳукм қилиб қўлига топшириш керак, кетидан пойлаш керак. Қани нима қилади!

— Оббо заҳар-эй!— деди қойил қолиб Асад Махсум.— Сен Оқиловдан ҳам баттар экансан! Гапинг тўғри. Бундан яхшироқ йўли йўқ... Лекин Ҳайдарқулга нима дейсиз?

— Бу ишни Ҳайдарқулсиз қилиш керак!— деди Оқилов.

— Козимзода-чи?— сўради Наим Заҳар.

— Козимзода? Козимзода?..— деб хаёл суриб қолди Оқилов ва бир оз ўйлагандан кейин гапини давом эттирди.— Козимзодадан яхшироғи йўқ! Ана энди бу ёғини менга қўйиб беринглар. Мен яхшилаб ўйлаб, шундай қилайки, Ҳайдарқул ҳам ҳайрон қолсин, сиз ҳам!

— Шундайми?— хурсанд бўлди Махсум.— Майли, сизга бир кун муҳлат!

Асад Махсум билан шериклари гарчи Козимзоданинг айбдор эканлигига унчалик имонлари комил бўлмаса ҳам, лекин уни ўлдириб юборишга қарор қилишди.

— Козимзоданинг,— деди Асад,— бетимга чопиб, бу дабдабаларингиз узоққа бормайди, инқилоб қонуни жазонгизни беради, дегани сира эсимдан чиқмайди.

Бу бола озодликка чиқса, жим юрмайди! Шунинг учун сизнинг фикрингизга қарши эмасман, ўртоқ Оқилов!

Махсум ҳукмга имзо чекди. Бу ҳукмдан на Саид Паҳлавоннинг, на Ҳайдарқулнинг хабари бор эди. Улар Асад Махсум билан шериклари Козимзоданинг ишини кўриб чиқиб, албатта озод қилишади, деб ўйлашарди...

Бир куни пешиндан кейин, Ҳайдарқул шаҳарда бўлган вақтда тўсатдан Саид Паҳлавонни меҳмонхонага, Асад Махсумнинг олдига чақиришди. Саид Паҳлавон ишини қўйиб, меҳмонхонага борди, меҳмонхонада Асад Махсум, Исматжон, Оқилов ва Наим Заҳар ўтиришарди.

— Кел, Паҳлавон!— деди Асад.— Бир оз суҳбатлашайлик... шу кеча алоқ-чалоқ тушлар кўрдим, дилим сиёҳ... киши эртага борми-йўқми, ўзи билмайди. Ҳар ҳолда анчадан бери бир жойда ишладик, ака-ука бўлиб қолдик...

— Саид ака,— деди Оқилов,— сизнинг энг яхши ва ишончли кишиларингиздан бири. Дарҳақиқат, бу киши, ака!

— Балли, балли!— деди Асад.— Худди ака-укадек бўлиб қолдик. Мени сиздан бўлак кимим бор? Ҳамма ишонч, умидим сиздан.

Саид Паҳлавон, шу муқаддималардан кейин мендан нима талаб қилишар экан, деб ҳайрон эди.

— Душманларимиз, Шўро ҳукуматининг душманлари кундан-кунга кўпаймоқда...— деди Асад.— Агар биз ўзаро дўстлигимиз, биродарлигимиз, иттифоқимизни мустаҳкамламасак, қаттиқ ҳимоя қилмасак, бир кечада бизни тор-мор қилишлари мумкин... Ана шунинг учун Саид ака, комиссия сенга бир махфий ва муҳим ишни топширишга қарор қилди.

— Марҳамат!— деди Саид Паҳлавон.— Агар уддасидан чиқсам, жоним билан!

— Қийин иш эмас,— деди Асад.— Лекин махфий иш, бу ишни сендан бўлак киши эплай олмайди...

— Тўғри, тўғри,— деди Исматжон.— Саид Паҳлавондан бўлак киши эплай олмайди, мумкин ҳам эмас!

— Хўш, қандай махфий иш экан?— деди Саид юраги қисилиб.

Асад Махсум илондек авраб, кейин мақсадга кўчди:

— Хабаринг бор, Когондан Козимзода деган бир аксилинқилобчини ушлаган эдик...

— У аксилинқилобчи эмас, Махсум,— деди Саид унинг гапини бўлиб.

— Сен билмайсан, Саид, у жуда хавфли одам. Бизнинг қўлимизда асосли ҳужжатлар бор. У Эрон орқали инглизлар билан олди-берди қилар экан. Бу етмагандек, қиплоқма-қишлоқ юриб комиссиямизга қарши ташвиқот юргизаркан, аризалар ёзиб, кишиларга қўл қўйдириб, марказга юборар экан. Бу тўғрида менга ўзи иқрор бўлди. Ҳаммамизни ўғри, муттаҳам, қонхўр деди... Шунинг учун биз уни қаттиқ жазога лойиқ топдик... Лекин Ҳайдарқулимизни ўзинг биласан. Бу болани у танир экан, албатта ўртага тушиб, ҳукмимизни бекор қилдиради. Бу бир. Иккинчиси, Когон депоси ишчилари тўполон қилишлари мумкин... ўрисларни биласан-ку! Инқилоб қилишга-ю исён кўтаришга суяклари йўқ... Агар биз ҳукм чиқариб, очиқдан-очиқ отиб ташласак, кўнгил қоралик бўлиши мумкин... Шуни назарда тутиб, шундай қарорга келдик: бу кеча уни чиқариб, очиқ муҳокама қилиб, қароримизни эълон қилишади. Яъни комиссия унинг гуноҳларини бўйнига қўйиб, аммо жазо ҳукми чиқармасдан, ишини Когон судига оширади. Бу ҳукм Ҳайдарқулга ҳам маъқул тушади... Гуноҳкорни Когон судига элтиб топшириш сенга топширилади. Сен эса Козимзодани олдингга солиб, гўё Когонга олиб кетаётган бўласан... Лекин Кўли Шағолонга етганда отасану қайтиб келаверасан. Биз эса айбдор қочди, шунинг учун отилди, деб акт тузамиз. Шу билан қутуламиз қўямиз!

Саид Паҳлавон ҳайрон бўлиб қолди. Нима дейишини билмай бирпас сукут қилгандан кейин сўради:

— Бу иш нега атайин менга топширилаётганини билсам бўладими?

Асад Махсум гўё жаҳли чиққандек текис қайчиланган соқолини (у жаҳли чиққанда беихтиёр шундай қиларди) тутамлади.

— Сен, Саид Паҳлавон, менинг ишончли одамим бўла туриб, шундай саволни берасанми?! Мен сени эсҳушли, пухта одам деб билардим...

Оқилов гапга аралашиб деди:

— Аввало шуки, сиз, Саид Паҳлавон, тўғри сўзли, ишончли одам сифатида танилгансиз. Ҳамма билади-

ки, агар сиз отган бўлсангиз, бесабаб эмас! Бу бир. Иннайкейин, ахир, бу гапни мана шу ердагилардан бошқа киши билмаслиги керак.

— Сиз менга қараманг, полвон амаки,— деди Наим Заҳар.— Мен ўзим бу ишга талабгор эдим, жон-дилим билан бажарардим, лекин комиссия рози бўлмади. Ҳамма бир овоздан агар сен бу ишни қилсанг, биз қочди, деб акт тузсак, ҳеч ким ишонмайди, чунки Аббос билан сенинг ўртангда хусумат борлигини ҳамма билади, деди.

Саид Паҳлавон булар Аббосни отишга қатъий қарор қилишганини қандай қилиб бўлса ҳам, гуноҳсиз болани нобуд қилишмоқчи бўлганини билди. Иннайкейин, мадомики бу ишни унга топширар эканлар, нега бу хайрли ишдан бўйин товласин. Ҳозир Ҳайдарқул билан маслаҳатлашишга фурсат йўқ, шунинг учун бу топшириқни қабул қилишдан бошқа йўли ҳам йўқ. Шояд шу баҳона билан Аббос ўлимдан қутулиб қолса... Лекин буни тузукроқ ўйлаш керак. Бунинг учун ҳали фурсат, имконият бор...

— Майли,— деди ниҳоят Саид Паҳлавон бошини кўтариб.— Мен умримда одам ўлдирмаган бўлсам ҳам, топширганларинг учун шу ишни қиламан... Лекин қандай борамиз, отлиқми ё пиёда?

— Албатта пиёда,— деди Оқилов сохта табассум билан.— Агар сиз отлиғу у пиёда бўлса, қочиши мумкин эмас... Ҳамма гап шундаки, пиёда олиб борасиз.

— Хўп, отгандан кейин ташлаб келаверамани?

— Ҳа, келиб бизга айтасиз, кейин арава бориб жасадини келтиради.

— Хўп бўлади.

Шу билан мажлис тугади, Саид Паҳлавонга дам олишга рухсат берилди.

Кечқурун Ҳайдарқул шаҳардан қайтмади, аммо Бухоро фавқулодда атроф комиссияси ўз мажлисини ўтказди. Мажлисда келишиб қўйилганидек иш тутилди: Комиссия Козимзода комиссияга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб боради ва ҳоказо, деб эълон қилди... Ҳукмнома охирида Аббос Козимзода Когон депоси ишчиси бўлгани сабабли, қилган гуноҳлари очиқдан-очиқ босмачилик ҳаракатига ўхшамаганлиги сабабли унинг иши Когон музофоти судига оширилсин, дейилганди.

— Саид Паҳлавон!— деди Асад ҳукмнома эълон қилинганидан кейин.

— Лаббай!— деди Паҳлавон хона пойгаҳидан.

— Комиссия сизга ҳозирнинг ўзида айбдорни Кегон суди ихтиёрига элтиб топширишни юклайди.

— Хўп бўлади!

Саид Паҳлавон йигитнинг маъюс нигоҳларига эътибор бермай, дўқ-пўписа билан милтиғини ўқталиб, олдинга тушишга буюрди. Ҳозир бўлган кишилар унинг бу ҳаракати ҳақиқатан ҳам раҳмсиз жаллодларникига ўхшаб кетганини кўришди. Аммо зийрак одам эътибор берса, мош-гуруч соқолининг учи сал қимирлаб кетганини, бармоғи ҳам милтиқ тепкисида эмаслигини пайқарди.

Аббос бу судбозлик замирида аллақандай даҳшатли хатар борлигини сезди-ю, нафрат билан комиссия томонга қаради ва тақдирига тан бериб, бошини баланд кўтариб йўлга тушди. Саид Паҳлавон эса унинг кетидан қовоғини солиб, ҳеч кимга, ҳеч қаёққа қарамасдан қадам ташлаб борарди. Орзиқул билан Сангин дарвоза ёнида эди. Улар анчагача икковининг кетидан қараб турди, сўнг боғнинг катта дарвозасини беркитиб ичкарига кирмоқчи бўлиб турувди, Наим Заҳар ичкаридан чиқиб келди-да, худди тулкидек кўчага отилди. У йўл бурилишида кетувчиларнинг кўздан ғойиб бўлишларини кўриб, қаддини ростлади ва иш билан шаҳарга бормоқчи бўлган кишидай Орзиқулга ҳазиллашиб деди:

— Бугун бир кайф қилайлик деган эдим, бўлмади-да, Орзиқул ака! Яна шаҳарга бориш керак. Бир шиша оқидан олиб келайми ёки қизилидан?

— Қизили ўзингизга, бизга оби замзамдан келтиринг!— деди Орзиқул.

— Хўп бўлади, жоним билан.

Наим Заҳар тез юриб кетди. Орзиқул дарвозани беркитди-да, Сангинга маъноли қараб, деди:

— Илоҳи худо фалокат, бахтсизликдан сақласин!

Сангин оҳ тортди-ю, индамади...

Кўли Шағолоннинг катта қамишзори Дилкушодан унча олис эмасди. Кўл кенг эди, атрофини шўр босган бўлиб, зах сувдан билқиллаб ётарди, бу ер дарҳақиқат, бўрилар ва чиябўрилар макони эди. Бухоро — Кегон катта йўли қамишзор ўртасидан ўтарди. Лекин Саид

Паҳлавон йўлни яқин қилиш учун катта йўлга чиқиб, қамишзор орасидаги сўқмоқдан боришга жазм қилди.

Кеч кириб, атрофни қоронғилик босганди. Осмонни қора булутлар қоплаганидан кун тез кеч кирган эди. Қамишзорда гўё жон зоти йўқ эди, фақат аҳён-аҳёнда қурбақалар оёқ остидан сакраб, ўзларини кўлмакка ташлардилар. Шамол ҳам йўқ эди, ўтган йилги қуруқ қамишлар гўё сўқмоқдан келаётганларни кишилар кўзидан яширмоқчи ёки тун қоронғилигини яна ҳам қуюқлаштирмоқчи бўлгандай қилт этмасди... Саид Паҳлавонга ё қамишларнинг сирли сукут сақлаб туриши таъсир қилди, ё қора булутлар юрагига ваҳима солди... Нега? Ўзи ҳам яхши билмасди. Ахир, иродаси мустаҳкам эди-ку, йигитни озод қилиб, ўзим ҳам шу баҳона билан Дилкушога қайтиб бормайман, деб кўнглига тугиб қўйган эди-ку... У Асад Махсумлар ҳаракатларимга, дўқ-пўписаларимга мамнун бўлиб қараб туришди, ҳозир Аббосни отиб ташлаб, қайтиб бориб бу тўғрида арз-бандалик қилишимни кутиб туришибди, деб ишонарди... Лекин бундай бўлмайди. Йигит халос бўлади. Саид Паҳлавон ўз ишидан мамнун бўлиб, шаҳарга қайтади... Хўш, шундай экан, нега дили сиёҳ?! Нега унинг қалб осмонидан кўнглини ғаш қилувчи булутлар тарқалмайди? Чунки душман маккор, душман айёр ва раҳмсиздир! Саид ҳар замонда орқасига, атроф-теварагига шубҳа билан назар ташларди: бу ишда, бу судбозликда бирор ҳийла-найранг йўқмикин? Уни бу йигит билан юбориб, бирор қалтис ишни кўзда тутишмаганмикин? Уни бирор киши кетидан пойлаб келмаяптимикин?..

Лекин бирон шубҳали товуш эшитилмасди. Ҳеч ким уларни пойлаб келмаётгандай эди... Агар шу яқин-атрофда бирор киши бўлса, бу жимжитликда Саид Паҳлавон ҳатто унинг нафас олишини ҳам эшитарди... Нега уни таъқиб қилишади? Агар шубҳа қилишганда бу лўттибозликсиз ҳам қамашарди, қийнашарди. Модомики унга ишонишдими, демак, ҳеч гап йўқ... Хўп, агар бирон гап бўлса ҳам, агар бу йўлда жонидан жудо бўлса ҳам, барибир Аббосни халос қилади. Йигитнинг озодликка чиқиб, мурод-мақсадига етишига имкон беради.

Аббос эса орқасига қарамай, дадил одим ташларди. У гўё ҳеч нимани ўйламасди... Унинг одамларга

бўлган ҳамма эътиқоди, ишончи шу можаро натижасида барбод бўлди. Бундан кейин у ҳеч кимнинг гапига ишонмайди. Маълум бўлдики, тил бошқа-ю дил бошқа экан! Сиртларида яшасин, дейишади, меҳнаткаш халқ яшасин, дейишади. Зулм, зўравонлик йўқолсин, дейишади, озодлик, тенглик, ҳуррият, дейишади... Аммо амалда шундай ишлар қилишадики, ҳеч бир золим бунақа қилмаган. Наҳотки, дунё бошдан-охиригача шундай яратилган бўлса-ю, шундайлигича қолаверса? Агар бу аҳвол Одам Атодан бери бўлса, нега инсон насли тамоман жин-ажина, шайтонга айланиб кетмаган? Ёки ҳақиқатан ҳам бу одамларнинг ҳаммаси шайтон-алвасти-ю, у соддалигидан буни пайқамаганмикин? Ростдан ҳам агар алвасти бўлмасалар, нега алвастининг ишини тутишади?! Агар шайтон бўлмасалар, нега бир-бирларига фириб беришиб, бир-бирларининг ўлимидан хурсанд бўлишади?! Нега ўз бахтсаодатларини бировларнинг бахтсизлигидан, фалокатга учрашидан излайдилар? Асад Махсум, Наим Заҳар ва шериклари девдан тарқалган эмасмикин? Улар шунақа девки, уларнинг макр-жодулари, хиёнатлари бирор афсонада ҳам йўқ! Аббос илгарилари меҳр-эътиқодини қўйган мана шу кўнгли қора мўйсафид, мана шу Саид Паҳлавон қайси шайтондан, қайси алвастидан фарқ қилади?!

— Бир оз тўхтаб тур!— деди тўсатдан мўйсафид орқа томондан мулойим товуш билан.

Аббос тўхтади ва орқасига қарамасдан ҳаяжонланиб охирги даҳшатни кутди. Лекин ўқ садоси ўрнига мўйсафиднинг мулойим овози қулоғига чалинди:

— Менга сени отиб ташлашни топширишган эди, буни ўзинг ҳам сезгандирсан. Лекин мен сени қўйиб юбораман, ҳа, қўйиб юбораман... Энди тўғри кетавер, иложи борича тезроқ юр, чоп, лекин ҳушёр бўл! Катта йўлга чиққанингдан кейин иложи бўлса бирор извош ёки аравага туш, яшириниб Когонга бор, бирор ишчи ўриснинг уйига яширин! Қишлоғингга борма! Уқтингми?

Аббос қулоқларига ишонмасди. У қайрилиб қараб мўйсафиднинг жилмайиб, меҳрибонлик билан нигоҳ ташлаб турганини кўрди. Ногаҳон кўнгли бузилиб йиғлаб юборди, кўзларида ёш билан ўзини мўйсафид-

нинг қучоғига отди. Мўйсафид ҳам тоқат қилолмай кўзлари ёшга тўлди.

— Хўп, вақт тиғиз!— деди у.— Тезроқ бор. Ма, манави пулни ол, йўлда керак бўлади. Лекин шарт шуки, орқангга қарамасдан чопасан! Қани, ҳа!

Аббос пулни олиб, мўйсафид кўрсатган йўлдан чопиб кетди...

Саид Паҳлавон ҳақиқатан ҳам енгил тортиб, хўрсинди-да, орқага қайтмоқчи бўлди, лекин шу пайт сўқмоқдан Наим Заҳар югуриб келиб, даҳшатли овозда деди:

— Хоин! Аббосни нима қилдинг? Қочирдингми?! Қани у?! Тўхта! Тўхта!

У милтиғини Аббос кетаётган томонга ўқталиб отмоқчи бўлди, аммо мўйсафид қўндоқ билан уриб, милтиғини қўлидан туширди. Лекин Наим Заҳар қўлининг оғриғига қарамасдан Саид Паҳлавоннинг устига ташланди-да, кўксига калла қўйиб мўйсафидни ағдарди.

— Ҳа, хоин!— деди Наим Заҳар тишларини ғижирлатиб. У мўйсафидни босиб олиб, роса дўппослamоқчи, ҳолдан тойдириб, қўл-оёқларини боғламоқчи бўлди, лекин Саид Паҳлавон кутилмаганда чаққонлик билан унинг тиззасига бир тепиб йиқитди. Мўйсафид сакраб миниб олди-да, қумғондай мушти билан бошн, юзига уч-тўрт марта туширди, тиззалари билан кўксини қаттиқ босди, Наим беихтиёр дод деб юборди. Унинг додлашини эшитиб уч-тўртта қуролли киши Оқилов бошчилигида югуриб келди, мўйсафидни уриб-уриб қўл-оёғини боғлади...

Саид Паҳлавон катта меҳмонхона даҳлизида Асад Махсумнинг оёғи остида занжирбанд шер каби ётарди. Унинг бошидан, пешанасидан қон оқарди. Кийимлари йиртилиб, қон, лойга булғанган эди.

— Ҳа, довруғи кетган Паҳлавон?!— дерди истеҳзо билан Асад.— Бу қанақаси? Нега бу ерда ётибсиз? Пулит-паноҳингиз Ҳайдарқулбой билан Чека одамлари нега келиб ёрдам беришмайди? Қани, гапиринг!

— Ҳай, ҳай!— дерди Оқилов.— Бу кишини беҳурмат қилманг, бу киши сизнинг дарғоҳингизда Чеканинг кўз-қулоғи-ку! Билиб гапиринг, хабар берадилар!

— Майли, агар ўз номаъқулчиликларига иқрор бўлсалар, Асад Махсум билан унинг шериклари ҳам

анойи эмаслигига, бу кишининг кирдикорларидан хабардор эканлигига ишонсалар, шерикларининг номларини ва уларнинг мақсадларини айтиб берсалар, биз яна ҳурматларини бажо келтирамиз. Ҳеч бўлмаганда озод қилиб юборамиз.

— Агар иқрор бўлмасалар, ўзлари биладилар, подшолик қийин-қистови ҳам бизнинг қийноғимиз олдида бир пул бўлиб қолади!— деди Оқилов қўлини тўппонча дастасига олиб бориб.

— Саволларимиз ҳам қийин эмас,— дерди Асад.— Сизни бу ерга ким юборди? Сиз унга бу ердан қандай хабарлар етказардингиз? Душманларимизнинг мақсади нима? Нималар қилишмоқчи? Ана шу!

Мўйсафид ночор бўлиб, гўё бу гапларни эшитмас ва кишиларни кўрмас эди. Фақат қаттиқ-қаттиқ нафас олиб, ҳар замонда бош оғриғидан бўлса керак, тишини ғижирлатарди. Даҳлиздаги ҳаник ғиштининг муздайлиги ҳам ёқар, ҳам пешанаси билан бошини зирқиратар эди. Бурнига қон ҳиди, ўз қонининг ҳиди урарди... Қани энди ҳозир бир оз ҳаво, сал шабада бўлганида, эҳтимол, бу ҳидни олиб кетарди, уни халос қиларди...

Асад мўйсафиднинг аҳволига тузукроқ разм солиб, лабини тишлади ва Оқиловга қаради. Оқилов ҳам бу нигоҳнинг маъносини англаб деди:

— Мен аминманки, Махсумжон, Саид Паҳлавон мақсадингизни тушунди. У ёш бола эмас, гапирмагани билан биздан қутулолмаслигини яхши билади. Аммо ҳозир йигитлар уни бир оз қийнаб қўйганидан фикр-мулоҳаза юритишга вақти бўлмаган. Шунинг учун сизнинг рухсатингиз билан уни бир оз ўз ҳолига қўйиб қўяйлик. Вазиятни хўп ўйлаб кўрсин, агар жонидан умиди бўлса, ҳамма кирдикорига иқрор бўлиб, бизга астойдил хизмат қилсин. Биз ҳам гуноҳидан кечиб, яна ўз ишига қўямиз...

— Майли,— деди Махсум.— Агар сиз айтгандек, бизга содиқлигини кўрсатса, анча фойда етказа олади... Олиб боринг, уни алоҳида жойга қўйинг, яхшилаб ўйлаб кўрсин!

Оқиловнинг буйруғи билан икки киши келди-да, Саид Паҳлавонни судраб ертўлага олиб кетишди. Оқилов Асаднинг орқасидан меҳмонхонага кириб деди:

— Қойил қолдингизми? Отамни бекорга Оқил синчи дейишмаган!

— Қойилман!— деди ўйланиб Махсум.— Лекин дилим сиёҳ. Сира ўйламагандим, сира! Лаънати Заҳар олиб келди, ўзи кафил бўлди... Мана охирида жазосини ҳам тортди. Ҳозир аҳволи қалайикин?

— Жиннига ўхшаб ётибди... гаранг, лунжи билан қовоқлари шишиб кетибди. Паҳлавоннинг муштлари қиларини қилибди.

— Дўхтурхонага юбориш керак!

— Юборамиз... Лекин аввал бир бошқа муҳим масалани ҳал қилайлик!

— Хўш?!— Асад ялт этиб Оқиловга қаради. У хавф-хатар ичида қолган кишига ўхшарди.

— Агар шу кеча Ҳайдарқул масаласини ҳал қилмасангиз, Саиднинг қамалганлигини эшитиб, бошимизга бир балони бошлаб келиши мумкин. Унисини қилгандан кейин, бунисини ҳам қилиш керак!

— Бу гапинг ҳам тўғри!— деди Асад ва бир оз ўйлагандан кейин гапида давом этди.— Лекин бу қийин иш! Ахир, Ҳайдарқул анақа-санақа одам эмас. Неча ойдан бери комиссар бўлиб, йигитларимиз ўртасида обрў қозониб қолди. Марказда ҳам суянчиқлари зўр, ҳамма танийди... Агар Ҳайдарқулни қамасак, Чека билан ҳам, фирқа билан ҳам очиқдан-очиқ олишишга тўғри келади.

— Қамамасдан ҳам иложимиз йўқ! Акс ҳолда таслим бўлишимиз керак!

— Ўйлаб кўриш керак...— деди Асад.— Исматжонни чақиринг!

23

Ўша куни кечқурун Фируза клуб аъзоларининг катта мажлисидан эндигина бўшаб, кабинетига кириб, нарсаларини йиғиштириб, уйига кетмоқчи бўлиб турган эди, эшикни тақиллатиб Насимжон кириб келди:

— Олдингизга кириб бўлмай қолди-ку!— деди у табассум қилиб.— Милицияга шунча ўзимни танитсам ҳам, унамайди. Яхшиямки Отинчахон чиқиб кафил

бўлдилару, кейин рухсат берди. Бўлмаса қайтиб кетай деб турувдим...

— Ҳа, пошшолик иши ҳазилми?!— деди Фируза ҳам ҳазиллашиб.— Бизнинг клубимизни Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг ўзи оталиққа олган. Ўртоқ Абдуқодир Муҳиддиновнинг ўзлари буюриб, бу ерга қоровул қўйдирганлар. Бугун бизга бир хушхаво, сўлим боғни инъом қилдилар...

— Эҳ-ҳе, муборак бўлсин!— деди Насимжон.— Қайси боғ? Кимники?

— Имом дарвозасининг ташқарисида... Қорақулибойнинг боғи! Жуда яхши боғ, ҳар хил меваси бор, суви сероб. Ёзда қизларимиз ҳузур қилишади.

— Жуда яхши, жуда яхши,— деб қўйди Насимжон... Аммо Фируза унинг сал ҳаяжонланганини, бир нима демоқчи бўлганлигини сезди.

— Хўш, менда бирор хизмат бормиди?— сўради Фируза.

— Йўқ, нима хизмат бўларди?— деди Насимжон одоб билан.— Бир маслаҳатча бор эди... Бу қаллиқчамиз — Ойими Шоҳ жудаям бошимизга чиқиб олди. Нима қилишимни билмай қолдим.

— Яхши-да!— деди яна ҳазиллашиб Фируза.— Эндиликда хотин билан эрнинг ҳуқуқи тенг!

— Мен унинг ҳуқуқини чеклаб қўйганим йўқ, марҳамат, нима истаса қилаверсин, лекин у ҳам менинг ҳуқуқимни чекламасин, эркимни бўғмасин.

— Нима қилади?— сўради Фируза.

— Рашк қилади!— деди Насимжон.— Кимдан бўлса рашк қилади, ишимдан ҳам рашк қилади. Кўчага якка чиқишга қўймайди, юриш-туришимдан рашк қилади. Бу... бу... билмадим, нима?!

— Замона тескари бўлган дейишади, рост экан-да!— деб кулди Фируза.— Илгарилари эркаклар хотинлардан рашк қилишарди, энди эса хотинлар эркаклардан!.. Бирор гапи бордирки, шунчалик рашк қилар-да? Наҳотки бесабаб бўлса?

— Сабаби йўқ, сабаби йўқ!— деди Насимжон жиддий.— Мендан тамоман бесабаб рашк қилади... Ҳатто кўчага ҳам чиқолмайдиган бўлиб қолдим... Ахир, бу турмушни заҳар қилади. Ҳозир менга Чекадан телефон қилишди. Бугун бир зарур иш чиқиб қолибди.

Бораман десам, йўқ, дейди. Мен ҳам бораман, деб ёпишиб олибди. Қўлидан зўрға қочиб чиқиб бу ерга келдим... Ана ўзи ҳам келди.

Дарҳақиқат, Ҳамроҳхон эшикдан табассум қилиб кирди-да, саломлашиб ўзини диванга ташлади.

— Ҳа, шикоят қилгани келдингизми?!— сўради ундан Ҳамроҳхон.— Уялмайсизми?!

— Фируза жондан яширадиган гапим йўқ,— деди Насимжон.— Бу киши мен билан сизга опа бўладилар.

— Аммо эру хотин уриши — дока рўмол қуриши, дейишади!— деди Ҳамроҳхон.— Шунинг учун улар ўртасидаги гап ташқарига чиқмаслиги керак.

— Хўш, нима қилай?!— деди Насимжон.— Давлат ишига, муҳим давлат ишига бормоқчи бўлсам, қўймасангиз, шубҳа қилсангиз, нима қилай?

— Боринг, бораверинг!— деди Ҳамроҳхон гўё ҳеч нима бўлмагандай.— Мен борманг дедимми?

— Бўлмаса-чи?

— Йўқ, нотўғри! Мен Чеканинг эшигигача олиб бориб, кейин қайтаман, дедим.

— Комендантдан сўрайман, деган ким?

— Хўп, сўрасам нима бўпти?

— Йўқ, мен халойиққа кулги бўлишни истамайман!

— Насимжон тўғри айтади!— деди Фируза гапга қўшилиб жиддий.— Бу яхши эмас, Ойим, яхши эмас!

— Биламан, сиз ҳам бу кишининг ёнини оласиз!— деди Ойими Шоҳ алам билан,— Анбар хола ҳам бу кишининг ёнини олади! Мен бир ўзим, танҳо!

— Йўқ, гап бундай бўлмабди!— деди Фируза.— Бу ишлар сизга айб, Насимжон билан сиз, Ойим, бир-бирингизни севишиб, бир-бирингизга кўнгил бериб рўзғор қилгансиз. Сизлар шундай турмуш қуришингиз керакки, ҳаммангиз ҳаваси келсин.

— Ошиқлик ўтдай, совуса... деганлари рост экан!— деб қўйди Ойими Шоҳ.

— Бу кишига гап тўғри келмайди!— деди Насимжон.— Ёпишганлари ёпишган! У десангиз, бу дейдилар, бу десангиз, у дейдилар... Хайр, мен кетдим, кеч бўлди... Агар жуда ишонмасангиз, майли, комендантданми, раиснинг ўзиданми, хоҳласангиз телефон қилиб сўранг.

— Асо ҳам ўша ерда!— деди Фируза.

— Ана, ана, гувоҳ ҳам бор!— деди Насимжон хурсандлик билан ва хайрлашиб чиқиб кетди.

У кетгандан кейин Ойими Шоҳ бирданига ҳўнграб йиғлади. Фируза ҳайрон қолди. Унинг ёнида ўтириб олиб бошини силади, йиғлашнинг сабабини сўради, тасалли бермоқчи бўлди...

— Мен ўзим аслида бахти қаро қилиб яратилган эканман!— деди Ойими Шоҳ сал тинчиб.— Агар бахтим бўлганда ёш умрим нокаслар қўлида хазон бўлмасди. Мана энди, мурод-мақсадимга етдим, истаган маҳбубимни топдим, деганда рашк, рашк ўти мени куйдиряпти. Шунча ўзимни қўлга олай десам, ҳеч бўлмайди, Фирузахон! Сал бўлмаса эшик-деворлардан ҳам рашк қиламан!

— Бу яхши эмас!

— Биламан, яхши эмас, аммо нима қилай?! Чиқиб кетиши билан ичимга ўт тушади, хаёлимга идорада бирор ошнаси билан маслаҳат қилиб, эгри йўлга кириб кетдимикин, деган гаплар келади. Ўзи чиройли, содда, гапга кирадиган йигит... Илоҳи мендан тортиб олишмасин, дейман! Шу клубингизнинг қизларидан ҳам рашк қиламан. Чунки ҳаммаси ҳам Насимжонни тортиб олишга тайёр!

Фируза қаҳ-қаҳ уриб кулди. У кўпдан буён бунақа астойдил кулмаган эди.

— Ана шу-да, сиз куласиз!— деди алам билан Ҳамроҳхон.

— Чунки гапларингиз кулгили-да!— деди Фируза ўзини зўрга кулгидан тўхтатиб.— Бунақа яхши кўриш бўлмайди, Ойим! Аксинча, сиз эркакнинг кўнглини ўзингиздан совутасиз, безор қиласиз, охири ташлаб кетишга мажбур қиласиз! Яхши кўринг, лекин унга айтманг, рашк қилинг, лекин унга сездирманг! Шундай қилингки, ҳамиша атрофингизда парвона бўлсин! У сиздан рашк қилсин, сизга парвона бўлсин! Булар ҳаммаси ўз қўлингизда!

— Ҳозир Насимжон ана шунақа,— деди Ҳамроҳхон.— Сиз айтгандек... Лекин соддалиги бор, жуда лақма... Мен шунисидан қўрқаман. Йўқса, сенсирамайди, ҳатто битта пиёлани у жойдан бу жойга олиб қўйишга қўймайди... Шунақа қилаверса, муҳаббатим ортиб, рашким кела бошлайди.

— Бу гапларни мен билан сиздан кўра Оймулломиз яхшироқ биладилар,— деди Фируза.— Юринг, бизникига борамиз, Насимжон барибир ишга кетди, Асо ҳам йўқ... Мен болани Оймуллога ташлаб келган эдим, у киши уйда. Суҳбатлашиб енгил тортасиз. Кейин Асо келса, сизни кузатиб қўяди.

Ойими Шоҳ бу таклифга кўниб, ўрнидан турди. Улар паранжи ёпиниб, кўчага чиқишган эдики, Мирак учраб қолди. У алпанг-талпанг юриб, клубга қараб келаётганди, у йироқдан паранжилик Фирузани таниб, яқин келди-да, йиғлаб юборди.

— Ҳа, ҳа, Мирак??— деди Фируза унга томон юриб.— Ўзи нима гап? Нега йиғлайсан?

— Дадам,— деди зўрға йиғи томоғини бўғиб қўйган Мирак.

— Дадангга нима бўлди?— деди ваҳимага тушиб Фируза.— Касал бўлдиларми? Нима бўлди?

— Йўқ,— деди Мирак,— Махсум... Махсум орқаларидан одам қўйиб, қамар эмиш.

Фируза кўчада болалар, йўловчилар, клуб эшигидаги милиционер қараб турганини кўрди. Шунинг учун у йўлдан қайтиб, Мирак ва Ойими Шоҳ билан яна клубга кирди.

У кабинетда Миракнинг кўз ёшларини артиб, сал тинчитиб, воқеани сўради. Мирак, бугун кечқурун отамдан хабар олиш учун Дилкушо боғига борган эдим, дарвоза ёнида Орзиқул менга Махсум отангни Когон йўлидан тутиб олиб, қамамоқчи, отангнинг орқасидан одам юборишган, деб айтди, деди...

— Орзиқул тез шаҳарга тушиб, бу хабарни Ҳайдарқул амакингга етказ, деди,— деди Мирак охирида.— Мен боққа кирмасдан қайтдим, югуриб Ҳайдарқул амакининг уйларига бордим, йўқ эканлар, кейин бу ерга келдим.

— Яхши қилибсан, ука, яхши қилибсан!— деди Фируза.— Биз ҳозир Ҳайдарқул амакига айтамиз.

У шундай деди-ю, телефонни олдига суриб, қулоғини буради ва Чекани сўради, лекин Чека жавоб бермади...

Чекада раис Аминовнинг кабинетида жуда муҳим махфий мажлис бўлаётганди. Бу мажлисга ташқари-

дан Ҳайдарқул, Насимжон ва яна бир-икки киши даъват қилинган эди. Бошқалари бўлим мудирлари ва Чеканинг масъул ходимлари эдилар. Мажлис деярли икки соатдан бери давом этаётганди. Асад Махсум ва шерикларини қуролсизлантириш, унинг қўшинини қизил аскарлар сафига қўшиш масаласини муҳокама қилишарди. Бу тўғрида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Бухоро Нозирлар Шўроси шу куни эрталаб махсус қарор чиқариб, амалга оширишни Чекага топширган эди.

Ҳайдарқул ташқи Дилкушодаги ноқулай вазиятни гапириб турганди, Асо кириб, ижозат сўради:

— Бир минутга мумкинми? Бир муҳим хабар бор!

— Марҳамат!— деди раис.

— Ҳозир менга,— деди Асо,— Саид Паҳлавоннинг ёрдами билан Козимзода қутулиб, Когон Чекасига борибди. Фидойилар билан чекистлар ва Когон гарнизони сизнинг буйруғингизни кутишмоқда.

— Жуда яхши!— деди раис ва Ҳайдарқулга қараб мурожаат қилди.— Марҳамат, давом этинг!

— Мен,— деди гапини давом эттириб Ҳайдарқул,— Асад Махсум Наим Заҳарнинг ҳурмати ва бошқа мақсадлар учун Козимзодани нобуд қилади, деб қўрққан эдим, лекин Саид Паҳлавонга офарин, ўз жонини хавф-хатарга қўйиб, Козимзодани озод қилибди. Аммо Саид Паҳлавоннинг ўзи қандай аҳволда экан?

— Бу тўғрида хабар йўқ,— деди Асо.

— Менинг фикримча,— деди раис,— қанчалик тез тайёрлик кўриб, ҳаракат қилсак, Саид Паҳлавонга катта кўмак бўлади. Сиз, ўртоқ Ҳайдарқул, ҳеч нимани билмагандай боққа бориб, аста-секин Саид Паҳлавон ва бошқа одамларингизни шу кеча, соат иккидан кейин боғни ўраб олишимиздан огоҳлантириб қўйинг. Фидойилар бўлинмаси ва Когон Чекасининг аскарлари ҳам худди шу вақтга етиб келишади. Ишимизнинг муваффақияти ана шунга боғлиқ.

— Сиз ҳалиги гапингизга мувофиқ Асад билан шерикларини муҳим бир иш чиқиб қолди, деб ишонтириб, тезлик билан Чекага олиб келасиз. Уларни ушлаб олганимиздан кейин, бирданига, қўққисдан Асад Махсум қўшинига ҳужум қилиб, ҳаммасини қуролсизлантирамиз.

— Бошлиқларнинг кўпчилиги менга ишонади. Ҳатто бештачаси Асад билан ноилож муроса қилиб юрипти,— деди Ҳайдарқул.— Мен уларни тайёр қиламан, албатта.

— Насимжон билан Асо,— деди раис,— сиз икковингиз, милиция группасига бошчилик қиласиз! Операция бошлиғи ўртоқ Фёдоров. Карим унга ёрдамчи. Илтимос, ишни майда-чуйдаларигача пухта ўйлаб кўринглар!

— Хўп бўлади!— дейишди улар.

— Бўлмаса, ўртоқ Ҳайдарқулга жавоб!— деди раис.— Сиз тезроқ бориб «меҳмонлар»ни олиб келинг. Биз бу ерда айрим ишларнинг тафсилотини кўриб чиқамиз.

Ҳайдарқул ўртоқлар билан хайрлашиб, кўчага чиқди. Отхонада унинг одами — Тўхтача отларни тайёрлаб турарди.

— Ишингиз битдими?— деб сўради Тўхтача.— Қоринлар қачондан бери ноғора чаляпти.

— Бирон нарса емадингми? Э, аттанг!— деди Ҳайдарқул.— Мен иш билан овора бўлиб, қорнингни унутиб қўйибман...

— Зарари йўқ,— деди Тўхтача.— Қўшхонага борнб паловни урамиз.

— Агар бўлса-да!

— Албатта бор. Орзиқул ҳар куни бир чўқим паловхон тўра қилмаса кўнгли жойига тушмайди.

— Бўпти бўлмаса, тезроқ борайлик,— деди Ҳайдарқул отга мина туриб.— Ҳаво қоронғи бўлиб қолибди, ишқилиб, боргунимизча ёмғир ёғмасин-да.

— Йўқ, осмоннинг этаги очиқ!— деди осмонга қараб Тўхтача.

Улар от суриб, дарвозалар ёпилгунча шаҳардан чиқишди. Қалъа ташқарисида уларнинг юзига баҳорнинг ёқимли шабадаси урилди. Бир оз юрганларидан кейин чақмоқ қора булут бағрини найза каби ёриб, бир он атроф-теваракни ёритди-да, ғойиб бўлди, бир лаҳза ўтар-ўтмас момақалдироқ гулдурлаб осмонни титратди, кўп ўтмай суворилар юзига ёмғир томчилари урилди.

— Яхши, ёмғир ёғса яхши!— деди Ҳайдарқул.— Бир неча кундан бери офтоб ерни қуритиб юборганди.

— Сел ёғмаса, майлику-я!— деди Тўхтача.— Агар сел ёғса, бу йил узум, олмадан маҳрум бўламиз.

— Йилнинг келиши яхши,— деди Ҳайдарқул,— ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Бу кеча икковимизнинг ҳам ишимиз кўп... Борган заҳоти Орзиқул билан Сангинга айт, олдимга кирсинлар. Бу фалокатхонани остин-устин қилиш пайти етди!

— Ростданми?— деди руҳланиб Тўхтача.— Хайрият, хайрият.

— Қўрқмайсанми?

— Сиз билан бўлсам қўрқмайман!— деди самимий Тўхтача.— Ҳеч балодан қўрқмайман.

— Офарин, ўғлим!— деди Ҳайдарқул.— Одамларимизга, ишончли кишиларга хабар қилиб қўй, ҳушёр ётишсин, қуролларини шай қилиб қўйишсин. Буйруқ беришим билан белгиланган жойларга бориб, ҳеч кимни ҳовлидан ташқарига чиқишга қўймасинлар.

— Хўп бўлади.

— Мен Орзиқул билан Сангинга ҳам тайинлайман... Лекин сен ҳушёр бўл! Вақтидан олдин душманга сездириб қўйма!

— Тушундим.

Улар Дилкушо боғига етишлари билан ёмғир қаттиқ ёға бошлади. Ҳайдарқул эшик олдида отдан тушиб, дарвозабондан Махсум шу ердами, деб сўради. Дарвозабон шу ерда, деб жавоб берди. Ҳайдарқул ичкари кириб қараса, Исматжон ҳовлидаги фонарни ёқяпти. Ҳайдарқул, у қалай ҳафсала қилибди, деб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, ҳорманг,— деди Ҳайдарқул.— Ўзингиз фонарь ёқяпсизми? Саид Паҳлавон қани?

— Билмадим, шаҳарга кетди шекилли, йўқлиги учун ҳамма ёқ қоронғи. Ўзингиздан сўрасак, жаноби комиссар, жуда кечикдингиз?

— Ҳа, иш бор эди...— деди Ҳайдарқул ва сўради:— Мен йўқлигимда бу ерда нима ишлар бўлди?

— Тинчлик,— деди Исматжон.— Махсум сал тоблари қочди, шекилли, вақтлироқ ичкарига кириб кетдилар. Оқилов ўз хонасида бўлса керак. Ишингиз йўқми? Овқатланасизми?

— Ҳа,— деди Ҳайдарқул,— Махсумда озгина ишим бор эди... кейин, сиз билан Оқилов ҳам керак сиз.

— Майли, мен чақираман... Сиз бир оз дам олинг.

Шу билан Ҳайдарқул ўз хонасига кетди. Уй қоронғи эди. Ҳовлидаги фонарнинг хира шуъласи уйнинг унчалик катта бўлмаган иккита деразасидан деворга тушиб турарди. Ҳайдарқул токчани пайпаслаб гугуртни топмоқчи бўлиб турган эди, бирданига икки киши унга ёпишди ва эс-ҳушини йиғиштириб олгунча бўлмай, уни гиламга босишди, қўлларини боғлашди, оғзига латта тиқиб, иягини ҳам рўмол билан қаттиқ танғишди. Мўйсафиднинг кучи кетиб қолганидан ёпишганларга ортиқча қаршилик кўрсата олмади. У маккор душман ўз ишини қилганини, ундан чаққонроқ эканини билди...

— Лампа ёқайми?— сўради ёпишганлардан бири.

— Керак эмас!— деди бошқаси ва қоронғиликда Ҳайдарқулни судраб оёққа турғазишди. Ё кўзи хиралашган, ё қоронғилик қуюқлашган эди, Ҳайдарқул ёпишган кишиларни таний олмади, ҳатто уларнинг овозлари ҳам бегона эди.

— Қани, катта хонага марҳамат,— деди улардан бири Ҳайдарқулни итариб.— Махсум сизни зиёфат қилмоқчи.

— Зиёфат, ҳа-ҳа-ҳа!— кулди бошқаси.

Аммо Ҳайдарқул аввалига ҳақиқатан ҳам ғазаб, алам ва оғриқ шиддатидан дурустроқ ўйлашга, ўз тақдирини яхшироқ ўйлашга қодир эмасди. Қаттиқ боғланган қўллари оғирди, боши ғувилларди, кўкраги ҳам зирқирарди. Ҳужумчилар итариб, судраб уни ҳовлига чиқаришди. Исматжон эшик олдида тўппончасини ушлаб заҳархандалик билан унга қараб турарди. Ҳайдарқул ташқарининг нам ҳавосидан чуқур нафас олди-ю, сал ҳушёр тортди ва ўзининг даҳшатли аҳволини сезди. Маълумки, Асад Махсум келажакда нима бўлишидан хабардор экан, биров тунги тайёргарликдан хабар берганга ўхшайди... Нега Саид Паҳлавон кўринмайди? Орзиқул, Сангин, Тўхтача ва бошқалар нега йўқ? Наҳотки уларнинг ҳаммасини ушлаб, қамаган бўлишса? Маълумки, унинг тақдири ҳал бўлибди. Асад Махсум у билан ади-бади қилиб ўтирмайди... Икки қаттол душман юзма-юз бўлди... Майли, нима бўлса ҳам, ишқилиб, бугунги режа амалга ошсин... қани энди йигитлардан бири, ё тарафдорларидан бири уни кўриб қолса-ю, зудлик билан шаҳарга хабар бер-

са. Улар Чекада Ҳайдарқул Асад Махсумни шериклари билан олиб келади, деб кутиб ўтиришибди. Қани энди битта-яримта кўрса эди... Йўқ, ҳеч ким йўқ... Ҳаммаси бегоналар, босмачилар... Ҳаммаси Асаднинг содиқ одамлари!

Кўпни кўрган ва иродали Ҳайдарқул ана шундай аянчли ҳолда ҳам Асад Махсум олдида бош эгмади.

Меҳмонхонани иккита ўттизинчи лампа ёритарди. Қизарган кўзлари қонга тўлган ва қути ўчган Асад Махсум иш столида асабийлашиб ўтирарди. Ҳайдарқулни эшикдан олиб киришлари биланоқ ўрнидан туриб оғзидан латтани олинглар, деб буюрди. Исматжон зудлик билан рўмол ва латтани олиб ташлади. Ҳайдарқул нафрат билан тупуриб, Асаднинг кўзларига заҳархандалик билан нигоҳ ташлади.

— Мана, энди ўзгача вазиятда учрашдик, жаноби Ҳайдарқул!— деди Асад.— Лекин бу гал сиз на тафтиш комиссиясининг раиси, на ҳарбий комиссар ва на хотинимнинг ғоғасисиз! Сиз бир оддий аксилинқилобчидек қийноғимга дучор бўлдингиз. Бунга қандай баҳо берасиз?! Бизнинг синфий ҳушёрлигимизми, ё сизнинг калтафаҳмлигингизми?!

Қўллари арқон билан боғланган Ҳайдарқул хона пойгаҳида тик турарди ва фақат истеҳзо билан Асадга боқарди. Икковининг шу вазиятидан, Ҳайдарқул гарчи асир ва қўли боғланган бўлса ҳам, бошини ифтихор билан тик тутар эди. Кўзлари ғолибона чақнарди... Аммо уни қийнаётган Асад Махсум эса Ҳайдарқулдан қўрқарди, ҳаяжондан қути ўчиб, қўллари қалтирарди. У бу ҳолатини пинҳон тутиш мақсадида хонада бир-икки одим ташлаб, яна бориб столига ўтирди.

— Хўш?— деди Асад.— Менга чоҳ қазганингизда, бошимни олиш учун пичоқ қайраганингизда ана шу дақиқаларни ўйламаган эдингизми? Бу одам қўлига тушиб қолишим мумкин, деб ўйламадингизми?! Мени нима деб ўйладингиз? Ё қариндош бўлиб қолдик, шу қариндошлик туфайли нимаки қилсам, мени кечиради, афв этади, деб ўйладингизми? Ахир, бу турмуш масаласи, бу ҳаёту мамот масаласи эканини билмайсизми? Ҳа, гапиринг!

— Шошма, ўзинг кимсан? Нима демоқчисан? Энди пардани юзингдан олсанг ҳам бўлади!

Ҳайдарқулнинг наштардек ўткир саволлари Асад Махсумни титратиб юборди. У ўрнидан сапчиб туриб қаҳр-ғазаб билан Ҳайдарқулнинг икки юзига икки шапалоқ урди, унинг кўзларидан олов чиқиб кетди.

— Мен бошингга битган баломан! Билдингми?!— деди Асад бақириб.

— Хайр, бўлсанг нима бўпти?— яна ўша оҳангда деди Ҳайдарқул.— Нима истайсан? Менинг ўлимим сенга нима фойда беради?

— Сен!.. Сен!..— деб Асад яна ғазаб билан бақирмоқчи эди, тўсатдан нима бўлди-ю, бирданига жим бўлди ва қўл силтаб хонада қадам ташлаб, хотиржам юра бошлади.

— Бир вақтлар, амир замонида Абдураҳмонбек миршаб мен билан шунақа муомала қилмоқчи бўларди,— деди Ҳайдарқул кексаларга хос йўғон овоз билан,— аммо қўлидан ҳеч иш келмасди... Сўнгра оқ подшо судьяси билан полицияси мени ана шундай боғлади-ю, рўбарў бўлишдан қўрқиб, Сибирга жўнатди... Абадий муз тоғлар остида қолиб кетади, деб ўйлади шекилли. Лекин уларнинг тақдири нима бўлганини сен биласан! Айт, қаёққа, нима мақсадда боряпсан? Эҳтимол, ўлимим олдидан сенга ва жафо чеккан Бухоро халқига нафи тегадиган бирор маслаҳат берарман!

Асад Махсум ғазаб билан Ҳайдарқулга қаради-ю, яна индамасдан хонада юра бошлади.

— Бошингга битган баломан, дединг,— давом этди Ҳайдарқул.— Майли! Аммо сен ўшандай кимсага даъвогар қилки, у сендан, яъни ўлимдан қўрқадиган бўлсин! Сен ўшандай кишига бақирки, у сенинг баланд товушингни эшитмаган бўлса! Яхшиси, манманликни йиғиштириб қўйиб, мақсадга кўч ва айт: кимсан ва нима қилмоқчисан? Шўро ҳукумати сенга барча имконият ва кучни бериб қўйибди, яна нима камчилигинг бор? Яна нима истайсан?

— Майли!— деди Асад ўзини гўё хотиржам кўрсатиб хаста овоз билан.— Майли, сенга айтаман! Менга сенга ўхшаган ўжар бандилар маъқул... Қулоқ сол, мен Шўро ҳокимияти бўлмоқчиман. Тушундингми? Шўро ҳокимияти! Менга Чека ҳам, фирқа ҳам, Файзулло ҳам, Абдуқодир ҳам, сен ҳам ва бошқаларинг ҳам керак эмас! Ҳаммаси ва ҳаммаларинг ўзим, танҳо ўзим бўламан!

— Яъни амир бўласанми?!— яна истеҳзо билан сўради Ҳайдарқул.

— Хўп амир!— деди Асад ҳаёсизларча Ҳайдарқулга қараб,— ана амир! Хўш, нима бўпти? Оёғимдан осасанми? Амир бўлишни истайман. Ҳа, ҳа, шундай!

— Олимхон ҳам шундай бўлишни истарди,— деди заҳархандалик билан Ҳайдарқул.— Лекин бўлолмади... Халқ истамади!

— Нодон!— Ҳайдарқулнинг юзига яқинлашиб деди Асад,— халқ нима?! Халқ бамисоли қўй галаси! Чўпон қаёққа ҳайдаса бораверади! Лекин уддабурон чўпон, зардали чўпон бўлиши керак. Аммо бу жадидларингиз ишни эплолмайди! Қўрқоқ, юраксиз! Коммунистлар эса Бухоро халқининг ҳаммасини мешкобчилар билан баравар қилмоқчи!.. Уларга қолса, ҳамма гадо бўлсину, ҳамма баравар бўлсин! Менга на униси, на буниси керак! Мен шундай Шўро ҳокимияти тузайки, халқ офарин десин! Афсуски, у вақтда сен бўлмайсан, давлатимнинг гуллашини кўра олмайсан!

— Нега энди?!— деди яна заҳархандалик билан Ҳайдарқул.— Давлатингнинг гуллашини эмас, балки хазон бўлаётганини ҳозирдан кўриб турибман!

— Бас!— деди яна бақириб Асад.— Мен сен билан эртага гаплашаман, ҳа, ҳа! Мен дарров жонингни олмайман, унда осон қутуласан! Сен бу гапларингнинг ҳаммаси учун битта-битта жавоб беришинг керак! Агар тилинг гапиролмаса, қовурғаларингни суғуриб сўрайман, агар улар ҳам жавоб бера олмаса, қон тўла қора юрагингни курси устига қўйиб, ундан сўрайман! Олиб боринг буни, бошимни оғритиб юборди!

Асад ўзини чуқур ва юмшоқ креслога ташлади. Даҳлиз олдидаги икки одам Ҳайдарқулни судраб олиб кетишди. Асад Махсум бир неча дақиқа хаёли қочиб ўтирди. Кўзини очганда эса, рўбарўсида ваҳимага тушиб қалтираб турган Оқиловни кўрди.

— Нима гап?— деди Асад.

— Марказдан хабар қилишди, худди шу кеча бизга ҳужум бўлармиш... Чека аскарлари, Бухоро гарнизони, милиция...

— Ким айтди?

— Низомиддин хабар берди. Тайёр бўлиб, жанг қилинглар, дейди.

— Номаъқул қилибди!— деди Асад.— Мен жиннимики, бу сичқон уясида қўл-оёғимни боғлаб берарканман...

— Хўп, бўлмаса нима қилайлик?

— Уша айтиб қўйганимдек... Дарров фармон беринг, кўчишга ҳаракат қилишсин. Сизга ва Исматжонга икки соат муҳлат, барча нарсаларни араваларга ва отларга юклашсин, бирорта ҳам ўқ ва қуролни қолдирманг, аскарларга ҳарбий машқ учун узоқ сафарга чиқамиз, деб айтинг... Мен кириб уйдагиларни тайёрлайман.

— Бандиларни нима қиламиз?

— Саид, Ҳайдарқул ва бир нечта ярамасларни кетишдан олдин ўзингиз Наим Заҳар билан кириб, отиб ташланг, бошқаларни қолдириб кетаверамиз.

— Хўп бўлади.

Оқилов дарҳол чиқиб кетди. Махсум стол устини ва меҳмонхонани йиғиштира бошлади...

24

Узунаси саккиз қадам ва эни уч қадам келадиган тор, қоронғи, зах ертўлага Ҳайдарқулни олиб кириб, қўлларидан арқонни ечдилар ва ертўла эшигини ёпиб, ташқаридан қулфладилар. Ҳайдарқул бир неча дақиқа қимирламай турган эдики, аста-секин кўзлари қоронғиликка одатланди ва эшикнинг бир бурчагида, шифтга яқин ярим газ келадиган жойда тўрт бурчак туйнукча борлигини, бу туйнукчадан ҳовли юзидаги фонарнинг ёғдуси оз-моз тушиб туришини пайқади. Буни кўриб Ҳайдарқул бир оҳ чекди ва атроф-теварагига синчиклаб қаради, ертўланинг тўридаги бурчакда одам жасадига ўхшаган бир қора нарсани кўриб, ваҳимага тушди, наҳотки уни ўликхонага ташлаган бўлсалар? Бунинг ҳам ажабланадиган ери йўқ! Бирорта камбағални шу жойда отиб кетишган, энди уни ҳам отиб ташлаб, сўнгра эртага ҳар икковининг жасадини биратўла олиб чиқишади... Ёки бу ҳам асирдир ва унга ўхшаб калтак зарбидан беҳуш ётгандир? Ёки сомон солинган қопдир.

Ҳайдарқул шуларни ўйлаётганида ўша қора нарса ёки жасад бир қимирлаб овоз чиқарди:

— Манови ерга, юқорироққа хас-хашак солинган... Келиб ўтиринг, дам олинг!

Ҳайдарқул Саид Паҳлавоннинг овозини дарҳол таниди ва бундан кўнгли ҳам равшанлашди, ҳам хиралашди. Маълум бўлдики, уни ҳам қамашибди, калтаклаб, ҳолдан тойдириб кетишибди. Ҳа, ҳа, мени қўлга олиб, қамамоқ учун уларга бирор асос, бирор далил бўлиши керак эди... Бу асос Саид Паҳлавон бўлган бўлса керак... Аммо Саид бирон нимани айтмаган бўлса керак... Йўқ, у ундақанги одамлардан эмас, у қўрқмас, ботир киши!

— Саид Паҳлавон!— деди паст товуш билан Ҳайдарқул ва яқинроқ борди.— Сенмисан?

— Ҳайдарқулми?— деб бирданига сапчиб турди Саид,— Ҳайдарқул ака, сиз... сиз...

У нима дейишини билмай, Ҳайдарқулга ёпишди ва кап-катта киши ҳўнграб йиғлаб юборди. Бир неча дақиқа тор ертўлада Паҳлавоннинг аламли йиғиси янграб турди... Отаси ўлганида ҳам бунчалик ғам-алам билан йиғламаган Саид Паҳлавон ҳозир Ҳайдарқулни қучоқлаб ўксиб йиғларди. Унинг барча умид-орзулари Ҳайдарқул эди, дилининг қуввати ҳам Ҳайдарқул эди, унинг маромы мақсади ҳам — Ҳайдарқулнинг маромы мақсади эди. Ҳозир эса ана шу Ҳайдарқулни қамоққа олиб, банди ва асир қилиб, бу фалокат зиндонга, бу охират йўлаги бўлмиш ертўлага, унинг олдига келтиришибди, у ана шунга йиғларди... Энди на орзу, на умид, на мақсаду на маром қолди!.. Ана шу алам, ана шу қайғу бир онда унга таъсир қилиб, кўз ёшларини равон қилди. Ҳайдарқул унинг елкасини қисиб деди:

— Бас, бас... бас! Айб бўлади! Кап-катта киши, шу соқол-мўйлови билан ҳам йиғлайдими? Ҳечқиси йўқ! Ҳаётда бундай ишлар бўлади... бўлади.

— Йўқ, мен... йўқ, мен... шундай ўзим... Наҳотки, сизни ҳам?! Сизниям?! Ахир, ўзи нима гап?

— Ҳеч гап эмас!— деди тасалли бериб Ҳайдарқул.— Инсон фарзандининг бошига не келса, ўтар деганлар! Зарари йўқ, аҳволинг қалай? Сени нега қамашди, қачон?

— Шу кечқурун... Сиздан уч соат илгари... Мен, ҳар ҳолда, сиз борсиз, деб ўйлагандим, сиз...

— Мен борман, ҳеч қаёққа борганим йўқ, Саид,— деди ярим ҳазил билан Ҳайдарқул.— Мана, ёнингга келдим-ку! Хайрият, бир-бировимизни кўрдик! Шунга ҳам шукур қилиш керак. Қани, кел, ўтирайлик!..

Улар ғишт ётқизилган нам ертўладаги беда, сомон устига тиззама-тизза ўтиришди. Икковининг ҳам кўнгли ҳазин, икковининг ҳам дили дард-алам билан тўла, икковининг ҳам дили изтироб чекарди... Икковининг кўзида ҳам ёш айланарди-ю, лекин иккови ҳам ўзини тетик тутарди. Аввалига улар нима дейишларини, қандай савол билан гап бошлашларини билишмасди. Чунки иккиси ҳам бир-бировидан ҳол сўраб, кўп гапларни билишни ва кўп масалаларни гапиришиб, муҳокама қилишни истарди. Иккиси ҳам дилидаги охирги гапларини айтиб, иккиси ҳам бир-бирига васият қилишмоқчи эди. Ахир, улар Асад Махсумнинг қамоқхонасига қамалган, бу шундай бир зиндонки, бу ердан қутулиб кетишнинг деярли иложи йўқ, бу шундай бир маҳбусликки, қишнинг шафқатсиз қоронғи туни каби совуқ, поёнсиз ва ноаниқ. Ким билади, эҳтимол, бирор соатдан кейин уларни чиқариб отиб ташлашар? Ёки шу заҳоти эшик очилади-ю, икки-уч жаллод кириб келиб, шу жойнинг ўзида уларнинг ишини тамомлашадими?

Оҳ, қандай қаттиқ, қандай азоб-уқубатли, қандай машаққатли бу маҳбуслик! Кимки, бу зиндонни, бу қамоқни ва одамларни озодликдан маҳрум қилишни ўйлаб чиқарган бўлса, у дев, бало, иблис авлодидан бўлса керак! Киши бу тангу тор ғам-ғусса хонасида ўтириб ўз тақдирини ҳал қилишдан маҳрум, ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз, киши қаёққа бош уришини ва кимдан мадад излашини билмайди... Бу деворнинг ҳар бир тоши, бу тўсиннинг ҳар бир пайраҳаси, бу ернинг ҳар қатра нами бош янчадиган гурзидир, қонхўр ханжардир, заҳари қотилдир!.. Ертўланинг хавф-хатарга тўла сокинлиги юракни эзади, тиқ этган даҳшатли овоз ва машъум эшигининг ғижирлаши жонни бўғизга келтиради!.. Бу ернинг ҳавоси ўлимдан дарак беради, дақиқа ва соатлари ҳалокат келтирувчи ўқ ва найза бўлиб юракка санчилади, юракни пора-пора қилади. Бу ерда одам одам бўлмай қолади, балки ҳеч нимадир,

мадорсиз ва ожиздир, на ўтиришга мадори бор, на туришга мажоли!..

Ҳа, инсон бадиий сўз билан, сўз сеҳри билан ва шеърият латофати билан, мусиқа ва тароналарнинг дилрабо навоси билан, ҳунар ва нафис санъати билан киши руҳини шу қадар тараннум этиб осмонга кўтарганидек, ўша руҳни мана шундай қоронғи зиндонларда асфалассофилинга жўната оладики, бунга ақл ҳайрону лол қолади! Қандай буюклигу қандай разолат!

Қамалган ҳар гуноҳсиз кимса ана шундай ўйлармикин ёки бу фикрлар фақат Саид Паҳлавонга хосмикин?! Бунисини билмайман.

— Қани, гапир,— деди ниҳоят Ҳайдарқул жимлигини бузиб.— Сен қандай қўлга тушдинг? Нима учун сени қамашди?

Саид Паҳлавон Козимзода воқеасини ва ўзининг қўлга олинганини айтиб бериб, илова қилди:

— Асаднинг бунчалик айёр ва маккор эканлигини шунча юриб билмаган эканман. Кетимдан Наим Заҳарни юбориб, унинг орқасидан кал Оқиловни икки-учта каллакесар билан юборибди. Агар Оқилов ва ўша каллакесарлар бўлмаганда, Наимнинг ишини бир ёқлик қилиб, шаҳарга кетардим...

— Демак, улар Козимзодани Когонга юбориш баҳонаси билан сени синамоқчи-ю, уни ўлдирмоқчи бўлишибди-да. Сенинг бирор ишингдан улар шубҳаланган бўлсалар керак.

— Билмадим,— деди Саид,— бу Махсум эмас, осмондан тушган бир бало экан!

— Ҳа,— деди Ҳайдарқул,— «ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», дейишади ўзбеклар. Бу пухта ган. Душман маккор, фирибгар бўлади. Жиндак ғофил қолсанг, мен сингари тузоққа илинасан...

Ҳайдарқул ҳам ўз навбатида ўзининг қўлга қандай тушганини ва тузоққа илинганини сўзлаб, илова қилди:

— Шоир айтганидек, ҳар кимдан гумоним бор эди-ю, аммо ўзимдан гумоним йўқ эди! Мен ҳам ўзимдан бехабар, бу кечаги қилинадиган иш планлари ва режалари билан ўралашиб қолиб, бошқа нарсани хаёлимга ҳам келтирмай уйга кирдим... ва қўлга тушдим...

— Ҳа, мен сизга бир ишни, бир муҳим ишни айтмабман: яна сиз мени, менга шерик эди, деб оёғимдан тортгандир, деб кўнглингизга келтирманг. Ёки мени тўғримда бирор бежо гап ҳам айтгандир, деманг, йўқ, асло! Мен уларга ҳали бир оғиз ҳам гапирганим йўқ, гапирмайман ҳам!

— Йўқ, хотиржам бўл, мен биламан... сен нега мени оёғимдан тортар экансан?! Мен билан сенинг қўлга олинишимизнинг сабаби шуки, Асад Махсумнинг куни битиб қолган, ўлишига кўзи етяпти, шунинг учун телбаланиб ўзини ҳар томонга урмоқда. У қайси йўл билан бўлса ҳам, жонини сақлаб қолмоқчи, аммо бефойда! Мен билан сенинг қамалишинг уни жазодан қутқаза олмайди, халқнинг қасос тиғи унинг бошида чақнайди!

— Бу гапингиз ҳам рост! Ҳатто ўз одамлари ҳам ундан юз ўгиришмоқда... Худонинг берган куни бир-икки киши қўшинидан қочиб кетишмоқда...

— Ҳа, бу дабдабанинг тамом бўлишига саноқли соатлар қолган! Афсус, юз афсуски, ўша дамни кўрмасдан, ҳасрат билан ўлиб кетамиз!

Саид Паҳлавон ё Ҳайдарқулнинг фикрини бўлишни хоҳламади, ёки ўлмоқ, айниқса қандай шароитда ва қандай баҳона билан бўлмасин, ўлдирилмоқ осон иш эмас деган хаёлга борди. Ҳар ҳолда индамади. Аммо Ҳайдарқул деди:

— Ҳаммасидан ёмони шуки, мен сенинг қонингга зомин бўламан...

— Нега энди сиз?! Бу тақдиру насиба, биродар. Насибамиз шу экан! Киши туғилади, улғаяди, бир куни ўлади... Ўлгандан кейин чўлу биёбон нима-ю, ҳашаматли хона, ёки зиндон нима... Ҳар ҳолда, даҳшатли ўлим ҳеч қачон, ҳеч қаерда ширин бўлмайди!

Ҳайдарқул шундан кейин суҳбат мавзуини сал ўзгартмоқчи бўлиб, озгина бўлса ҳам ўзининг оғир дамлардаги ўртоғига тасалли бермоқчи бўлди:

— Ростини айтсам,— деди у,— мен билан сен ҳар ҳолда бу қисқа умримизни бефойда ва зое ўтказмадик. Элга, жамиятга беғараз хизмат қилдик ва жонимизни аямадик. Мен билан сен кишига озор бермадик, аксинча, бировнинг оёғига тикан қадалмасин, эл мурроду мақсадига етсин, деб тиришдик... Ана шунинг

ўзи ҳам катта гап! Мен ҳаётимни инқилобга бағишлаган эдим. Инқилоб бўлди, яна янги вазифа-ю, ишлар пайдо бўлди. Яна дилда умиду орзулар пайдо бўлди, яна мен қасос йўлига тушдим. Лекин бу гал қасос олиш мазлум халқ учун эди, эл учун жонни тикмоқ, талашмоқ лозим эди. Ана, буниси ҳам унча-мунча бўлди. Энди бир четга чиқиб турсак ҳам бўларди. Лекин ҳаёт киши олдига яна янги орзу ва умидларни амалга ошириш вазифасини қўйяпти...

— Насиб бўлса, бу орзу ва мақсадларингизга ҳам етасиз!— деди Саид Паҳлавон ҳам унга далда бериб,— наҳотки ишимиз шу билан тамом бўлса?! Наҳотки давлат ва Шўро ҳокимияти бўла туриб, сиздек одамни Махсумдек бир фосиқ қўлида нобуд бўлиб кетишига йўл қўйса?! Йўқ, киши бунга ишонмайди? Бунга улар чора кўрсалар керак!

— Агар улар билишса-ку, албатта чора кўришади, лекин ёрдам келгунча... Худо билади-да!

Бир неча дақиқа жимжитлик ҳукм сурди.

— Шошманг,— деди Саид Паҳлавон тўсатдан.— Юқоридагилар Асад Махсумнинг кимлигини билмасмиди?

— Э, биродар,— деди Ҳайдарқул.— Одамни таниш қийин экан! Ўзимнинг бу эллик беш ёшли ҳаётимда нечне одамларни кўрмадим, аммо яна янглишаман! Юз дўст каму бир душман кўп, деган эл мақоли бежиз эмас, албатта! Асад Махсумдек битта ёмон одам шундай ишлар қилади, жамиятга шундай зарар етказадики, юзларча яхши одамлар бир неча йилларда бу вайронгарчиликни тузатишга овора бўлади, ҳа, агар одамни танимоқ осон бўлсайди, бошқа гап эди! Ёмон одамлар юзларига ниқоб тутиб, яхши одамлар қаторига ўтадилар ва яхши одамларнинг яхшиликларидан фойдаланиб, ҳамиша сувнинг юзига чиқиб оладилар, ҳамиша иш бошида бўладилар ва то разилликлари очилгунча, қўлга олингунча сувни лойқалатиб юраверадилар. Аммо фош бўлганларига қадар шундай ишлар қиладиларки, ҳеч бир ваҳший ҳайвон ўз жинсига шундай қилмайди. Агар тўғри келса, улар ўз ота-оналарини, хотин-болаларини ҳам нобуд қилишади. Ҳеч қандай ёмонликдан, ҳеч қандай разилликдан юз ўгиришмайди. Ҳокимият жиловини қўлга олишгунча халқни нобуд қилишади. Ифлос мақсадлари ҳосил бўлгунча мам-

лакатни остин-устин қилишади. Оҳ, бундай разил кишилар дастидан!

Ҳайдарқул жим бўлди, унинг асаблари таранглашиб, мияси тўхтовсиз ишларди. У одамлар тўғрисида, ҳаёт тўғрисида, дунё тўғрисида нимаики билса, шуни айтишни, гапиришни, гапиришни истарди... Майли, Саид Паҳлавон уни тингламасин, майли, уни сержаг ва лақма десин, майли, унинг сўзларига хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин, лекин барибир айтиши керак, юрагини бўшатиши керак!

— Асад Махсум ким? Бировлар қўлидаги занглаган қилич!— деди Ҳайдақул, яна гап бошлаб,— кишилар сиёсат ва ҳукмронликни жуда пухта ва жуда пинҳоний қиладилар. Уларнинг ҳамма жойда одамлари бор: Марказий Ижроия Қўмитасида ҳам, Нозирлар Шўросида ҳам, назоратларда ҳам ва ҳатто Иштирокиюн фирқаси Марказий Қўмитасида ҳам! Фирқа аъзоси деган ном, обрў ва эътиборни ерга урадилар, виждонсиз зотлар! Фирқа билетини фақат маишатларини таъминлаш учун, фақат мансаб учун чўнтакда олиб юрадилар. Йўқса, на фирқа билан, на халқ билан ва на ҳукумат билан ишлари бор.

— Инқилобни ким қилди-ю кайфу сафосини ким суряпти!

— Инқилобни халқ қилди-ю, аммо иш бошига бир қисим текинхўрлар ҳам чиқиб олишди. Мен Бухоро ҳукуматининг ҳамма аъзолари ёмон демоқчи эмасман. Йўқ, асло! Ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги жонкуяр, фидокор ва ғамхўр одамлар. Лекин улар орасида юзига ниқоб тортиб юрганлари ҳам бор... Уларнинг фош бўлишига ишончим комил. Бухоро халқи инқилобнинг ҳамма нозу неъматларидан баҳраманд бўлади, халқ турмуши гуллайди ва ажойиб яхши кунлар келади! Тарих ғилдираги ҳамиша олдинга юради, ҳеч қандай куч уни орқага қайтаролмайди. Майли, Асад мени ўлдирсин, сени ҳам ўлдирсин, яна юзлаб, икки юзлаб бошқа кишиларни вақтидан илгари ажал қўлига топширсин, лекин минг қилгани билан мақсадига етолмайди. Ҳойнаҳой тарих унга нисбатан ўз ҳукмини чиқаради: Асад тормор бўлади, босмачи ва аксилинқилобчи деган ном тиллардан кўтарилади. Бухоро халқи озод қўшни мамлакатлар халқлари билан қўлни қўлга бериб, порлоқ бахт-саодат сари олға боради!..

... Ҳозир шундай бўлиб қолдики, регистонликлар лабиҳовузликлар билан гўё душман, ўнг жадидлар сўл жадидларни кўра олмайди... Ўзаро мансаб талашиб ҳатто қон тўкишади. Ҳамма бирлашиб ўзларининг ҳақиқий душманларига, босмачиларга ва аксилҳаракат мансабдорларига, амир одамларига барҳам бериш ўрнига шундай қилишяпти!.. Ободонлик ва мамлакат фаровонлиги учун курашмасдан, ҳар қайсиси ўз уйларига нарса ташишади, ўз кайфу сафоси билан машғул... Лекин камбағал меҳнаткаш халқ — давлат ва мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини бу аҳволга ортиқ тоқат қилолмайди. Бундай бетамизларни мажақлаб ташлаб, ўз ишининг пайидан бўлади. Ҳа, ғам ема, Саиджон, қора тунимиз ҳам поёнига етади!

Саид Паҳлавон беихтиёр туйнукка кўз ташлади. Ташқарида ҳаво қоронғи, аммо ҳовли юзида тараддуд ва борди-келди авжида. Қуролли одамлар (милтиқ ва қиличларнинг шақирлашидан билинарди) меҳмонхонага киришади ва меҳмонхонадан чиқиб ҳовлида чопишиб юришарди. Аллақандай асбоб-анжомлар, халталар, қоплар ва нарсаларни таширдилар. Улар диққат қилиб, ҳатто ташқарида, кўчада отлиқларнинг тўпланиб турганлигини ва араваларнинг юришини эшитишди. Энди ташқаридагилар секин гаплашмас, улар бақирар, бир-бировларини чақиришар, сўкишар, ҳақорат қилишарди... Бу шовқин-сурон орасида баъзан Асад Махсумнинг даҳшатли бақириғи эшитиларди, у турли буйруқлар берарди...

— Ажабо!— деди Ҳайдарқул,— буларга нима бўлдийкин? Наҳотки одамларимизнинг кечаги тайёргарлигидан хабар топган бўлсалар?

— Ажаб эмас,— деди Саид,— ўзингиз айтдингиз-ку, Асаднинг барча юқори ташкилотларда одамлари бор, деб, улардан бири гумонимча, Низомиддиндир...

— Эҳтимол,— деди Ҳайдарқул,— баъзи кирдикорлари менга ҳам маъқул тушмасди... Аммо бу кечаги режамиздан унинг хабари йўқ эди.

— Хабари бўлса ҳам ажаб эмас...

Шу пайт биров гулдуратиб бир оғир темир асбобни ҳовли юзига ташлаб юборди, шу заҳоти Оқиловнинг бақириб, уни койиган овози эшитилди:

— Умрингда қурол ушлаганмидинг?! Даюс, кўтар!

— Пулемётни олиб кетишяпти,— деди Саид Паҳлавон,— битта пулемёт бор эди, Махсум уни босмачиларга қарши урушда ишлатмаган эди, мойлаб омборга қўйилган эди.

— Бўлмаса, ҳали катта урушга тайёрлик кўришяпти... одамларимизни тўсатдан қириб ташламаса, эди деб қўрқаман.

— Уларнинг ҳам жони бордир!

— Асад Махсум маккор! Менга қолса...

Тўсатдан ертўла деворининг орқа томони гурсиллаб кетди-да, Ҳайдарқулнинг гапини бўлиб қўйди. Биров болта ё теша билан ертўла деворининг орқасини уриб, бузаётган эди. Кимдир уларга ёрдам бериш, уларни бу хатарли зиндондан озод қилиш, уларнинг юзига озодлик эшигини очиш учун уринаётгани аён эди. Жонларидан умидини узган ҳар иккаласи ҳам бирданига руҳланиб кетди. Теша ё болтанинг зиндон деворига урилаётган ҳар бир зарбаси уларнинг қулоғига музика садосидек ёқимли туюларди. Улар ҳаяжон ва сабрсизлик билан девор орқасига ҳам, эшик орқасига ҳам қулоқ солардилар.

— Эҳ, агар,— дерди ўз-ўзига Ҳайдарқул,— Асаднинг одамлари келгунча бизни қутқазувчилар ўз ишини битказса эди.

Ертўла деворидан ҳар бир ғишт, ҳар бир кесакнинг олинниши уларга малҳамдек ёқарди. Гўё уларнинг устидаги оғир ва мустаҳкам кишан ҳалқалари бир-бир узилиб тушарди... Лекин шу пайт ҳовлидан Асаднинг овози улар қулоғига эшитилди. У Оқиловга шундай дерди:

— Ярим соат вақтингиз қолди, ана шу ярим соатда тайёр бўлинг, хоинлар ишини бир ёқлик қилишни эсдан чиқарманг! Мен ичкари ҳовлига кетдим, файтон тайёр бўлсин...

— Хотиржам бўлинг!— дерди Оқилов,— ҳамма айтганларингиз ўз вақтида бажарилади. Сиз ичкаридагиларни тайёрлайверинг.

Ҳайдарқул Саид Паҳлавоннинг совиб, сал титраётган қўлини ушлади. Худди шу вақтда ертўла ичидаги биринчи ғишт думалаб тушди ва туйнук очилди...

Ўша кечаси Ойша онасига, аввал оқшомдан буён чап қавоғим учяпти, илоҳи бирор дилсиёҳлик бўлмасин, деди.

— Аёлларнинг ҳамма иши тескари!— деди онаси,— чап қавоғинг учган бўлса, хурсанд бўласан.

— Йўқ,— деди Ойша,— кўнглимнинг таги ғаш. Илоҳи тоғам сиҳат-саломат бўлсинлар... Мен Махсумнинг гапларига энди асло ишонмайман. Тоғамни кўришга ўзи қўймаяпти, шунинг учун тоғанг сенларни «оқ» қилган, деб ёлғон айтяпти.

— Ошпаз аёл тоғанг Махсум аскарларини машқ қилдирар экан, уларга ваъз ўқир экан, деяпти,— деди Бибиражаб.

— Ноинсоф. Бизни сира қўймайдики, учрашиб ҳолаҳвол сўрасак.

— Махсум йўл қўймаса керак...

— У Махсумдан қўрқмайди!

— Худо илоҳи...— деб Ойша Махсумни қарғамоқчи бўлиб турган эдики, бирданига яшин чақнаб кетди, сўнгра момақалдироқ гулдурлаши уйни титратиб юборди. Она ва қиз ёқа ушлаб, туф-туф қилиб, тавба дейишди.

— Сел ёғса керак,— деди Ойша.

— Ёғсин, раҳмат ёмғири фойдали!

Бир оздан кейин ёмғир қуя бошлади. Она ва қиз жим бўлиб ўттизинчи лампа ёруғида бири чокдўзлик қилиб, бири кашта тикиб, том ва эшикка ёмғирнинг тақирлаб урилишига қулоқ соларди.

Шу кунларда Ойшанинг кўнгли Асад Махсумдан батамом совиган эди. Айниқса, унинг ёлғончилиги, иккиюзламачилиги Ойша юрагидаги ўша озгина меҳру муҳаббатни ҳам супуриб ташлаб, унинг ўрнига нафрат, эътироз, алам ва қайғуни қўзғаган эди. Ойша онасидан яширинча йиғларди, Карим ҳасратида ёнарди, куярди, жиғи-бийрон бўларди... Ғойибона тавба қиларди, ялиниб-ёлворарди ва гуноҳига кечирим сўрарди. Бўлак иложим йўқ эди, мен муштипар, мен ожиз эдим, дерди... У шўрлик онасининг ҳам дили қон бўлганини биларди. Махсумнинг Ҳайдарқул билан ярашиш тўғрисидаги ёлғон ваъдалари уни тамоман эзиб, тинкасини қуритган эди. Гоҳида киши юбориб Ҳайдарқулни чақиртириб келсам, ёки ўзим ташқари

ҳовлига чиқиб, акамнинг уйга кириб келишини кутсам, дерди. Акаси келиши билан оёғига йиқилиб, кечирим сўрагиси, ярашгиси келарди... Лекин илож йўқ эди. Ўзидан, қизи тақдиридан қўрқарди... Мабодо Махсум сезиб қолиб, уларнинг бошига бошқа фалокатни келтирмасин...

Ёмғир тинди. Хўрозлар иккинчи ва учинчи марта қичқиришди. Кампирнинг уйқуси келди.

— Хўп, мен бориб ётай,— деди Бибиражаб,— бу кеча ҳам Махсум кеч келадиганга ўхшайди. Тур, сен ҳам ўрнингга бориб ёт! Садқаи уйғоқ ўтирганинг бўлсин!

— Тўғри айтасиз, ойижон!— деди Ойша ва бир эснаб, ўрнидан турди, онасини бошқа уйга кузатиб қўйиб, соф ҳаводан, ёмғир тозалаган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди ва қайтиб уйига кирди-да, устки кўйлагини ечиб ўрнига чўзилди. Лекин уйқуси келмади. Унинг миясида турли-туман ташвишли ўй-хаёллар жавлон урарди. У ўзининг бахтсизлигини, пешанаси шўрлигини, Каримни, Махсумни ва унинг ярамас кирдикорлари, фирибу найрангларини ўйларди... Махсум уни худди жонли қўғирчоққа, ёш болага муомала қилгандай муомала қиларди. Махсум учун Ойша фақат кўнгил хуши эди... Бир соат, ярим соат у билан бўлади-ю, кейин қайтиб уни ўйламайди... Доим ёлғон гапиради, ҳамиша хийла-найранг қилади... Ишқу муҳаббати, ўлдим-куйдимлари ҳам ёлғон экан! Ҳароратли ишқ-муҳаббат бундай тез сўнмайди! Ойша ҳали ҳам қиздек, ҳусну жамоли сира ўзгармаган. Агар ҳақиқий ишқ-муҳаббат бўлсайди, бунчалик тез миси чиқмасди. Маълум бўлдики, ишқ эмас, ҳийла экан... Кошкийди Махсумни худо олсайди! У вақтда у ва онаси озод бўларди, яна Ғиждувонга, ўз уйларига қайтишарди... Яна баҳорни хурсандчилик билан кутишарди... Албатта, Карим ундан юз ўгирган, бундан буён сўнган, топталган муҳаббат тўғрисида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ! Майли, илоҳи саломат бўлсину бахтини топсин... Йироқдан бўлса ҳам Ойша уни севади, унинг хурсандлигидан мамнун бўлади...

Махсумнинг жонсарак бўлиб кириб келиши унинг хаёлларини бўлиб юборди.

— Тур!— деди у эшикдан кириб келиб,— онангни уйғот, зарур нарсаларни йиғиштиринглар! Бу ердан

кетамиз! Тур, вақт оз қолди, ярим соатдан кейин йўлга чиқиш керак.

— Қаёққа борамиз?!— сўради ўрнидан туриб Ойша.

— Ғиждувонга борамиз!— деди беихтиёр Махсум,— тез бўл, зарур-зарур нарсаларни ол, юкни кўпайтирма! Тақинчоқ тилла асбобларни, бир-икки яхши кийим-кечак, яна бўлак қимматбаҳо нарсаларингни ол!

Ойша «Ғиждувон» Махсумнинг одатдаги ёлғонларидан бири эканини, унинг саросималиги ва паришонлигидан ой туйнукка келиб қолганини, шунинг учун бирор ёққа қочмоқчи бўлаётганини пайқади.

Яна сарсонлик, яна саргардонлик...

— Биз ҳеч қаёққа бормаймиз!— деди бирданига Ойша Асаднинг юзига совуқ нигоҳ ташлаб,— ўзингиз боринг, ишингизни битириб қайтиб келинг, биз шу ерда ўтираверамиз!

Махсум ҳақиқатан ҳам ҳайрон, гаранг бўлиб Ойшага қаради. У қулоқларига ишонмасди. Ойша ростдан ҳам унга шундай дедими, ё бошқа биров?

— Нималар деяпсан?!— деди у Ойшага ўшқириб.— Менсиз бу жойда номаъқул қиласанми?!

— Ўтираверамиз! Биздан хавотир олманг!

— Сен... сен... ростдан шундай деялсанми ёки ҳазиллашяпсанми?

— Нега ҳазиллашар эканман?! Ким билан?!— деди кесатиб Ойша ва каравот четига ўтирди.— Мен кимманки ҳазиллашсам?! Бир қадр-қимматсиз қўғирчоқман!

— Ноз-карашманинг вақти эмас, тушундингми?!— деди Махсум, у Ойша ноз қиляпти деб ўйлади шекилли.— Босмачилар босиб келаётир. Тезроқ бу жойдан кетиш керак.

— Босмачи бу жойга келиб нима қилади? Мен ҳеч қаёққа бормайман!

— Ойша,— деди наъра тортиб Махсум,— мени тутоқтирма, ҳе, отангни арвоҳига...

Махсумнинг бу ҳақорати ҳатто бошқа уйда ухлаб ётган Бибиражабнинг қулоғига ҳам етди, шоша-пиша ўрнидан туриб қулоқ солди. Лекин Ойша ҳатто пинагини ҳам бузмади.

— Бақиравераверинг, ўзингизни овозингиз бўғилади!

Махсум жинни бўлаёзди, шундай бир танг пайтда Ойшадан бундай ўжарликни ҳеч кутмаган эди. Шу чоққача индамай юрган, нима деса шунга ишонган, қайси йўлга солса, шунга юрган ўша Ойша эндиликда шундай танг ва даҳшатли бир пайтда унга, яъни Асад Махсумга қаршилик кўрсатаётир. Бу ақлга сиғмайди, бу жиннилик, бу... хиёнат! Ҳа, ҳа, Махсумга хиёнат, ўзининг никоҳли эрига хиёнат! Бу суиқасд деган гап!

— Хайр,— деди Махсум тишини ғижирлатиб,— ҳали шундай дегин?! Бормайсанми?!

Кўзлари қонга тўлган Махсум қозиқда осиғлиқ турган юлғун дастали қамчисини олиб Ойша томон қадам босди.

— Тур, фоҳиша!— бақирди у.

— Йўқ, йўқ, йўқ!— Ойша ҳам бақирди. Лекин қамчининг шатирлаши унинг товушини кесиб қўйди.

— Тур, тур, тур!

Ойшанинг елкаси, қўллари ва биқинига шарт-шарт қамчи тушарди, у йиғларди... Ногаҳон уй эшиги очилиб, шўрлик онаси югуриб келди ва ўзини Ойша устига ташлаб, қамчига ўзини тутди. Бирпасда аёлларнинг йиғи-сиғиси баланд бўлиб, Махсум бир оз ўзини тийди:

— Турасанми ё йўқ?! Турасанми ё йўқ?!— яна бақирди у.

— Туради, айланай Махсумжон,— деди ялиниб онаси.— Ҳозир туради!

— Лаънати ношукурлар!— деди Махсум ҳансираб,— агар ҳозир туриб нарсаларингни йиғиштирмасанг, шу туришингда бош яланг, оёқ яланг олиб кетаман! Шуни билиб қўйки, қўлимдан ўлигингни олишмаса, мендан тирик қутулолмайсан!

Шу пайт боғ ичида бир-икки марта ўқ овози эшитилди, Махсум қамчини ташлаб қўлига маузерини олиб бақирди:

— Хосиятсиз лаънатилар, ана келишди!..

У югуриб ҳовлига чиқди, ҳовлида капалаги учиб кетган Исматжонга дуч келди.

— Бандилар!— деди у.— Бандилар ертўла деворини тешиб қочишибди...

— Ҳайдарқул? Саидми?— бақирди Махсум,— сиз-

лар қайда эдинглар, каллаварамлар?! Бу нима қилганларинг?!

— Оқилов одам олиб кетидан қувиб кетди, мен бу ёққа келдим...

— Сиз бу лаънати хотинлар билан шуғулланинг, нарсаларини йиғиштириб чиқишсин, файтонга солиб, тўрт киши билан Ғиждувонга жўнанг! Бўстонда учрашамиз. Асло йўлда тўхтаманг!

— Хўп бўлади!

Махсум ташқари ҳовлига чиқди.

Саид Паҳлавон билан Ҳайдарқул изтироб чекиб ва ҳаяжонланиб, тешикнинг тобора каттароқ, кенгроқ очилишига қараб ўтирарди. Ниҳоят, бир киши сиғадиган тешик очилди ва ундан Тўхтачанинг боши кўринди.

— Ўртоқ комиссар, ҳой, ўртоқ комиссар!— деди у,— бормисизлар?

— Тўхта? Бу сенмисан?— деди Ҳайдарқул дарров тешик ёнига бориб ва ташқари чиқди, ташқарида уч киши — Орзиқул, Сангин ва Тўхтача туришарди. Саид Паҳлавон ертўладан чиққандан кейин Орзиқул деди:

— Сизларни йўқ қилишиб, қочиб кетишмоқчи экан. Ҳозир араваларда юкларни жўнатишмоқда... Биз фурсатдан фойдаландик. Қани, тезроқ юринглар!

Орзиқул Саид Паҳлавон ва Ҳайдарқулга биттадан милтиқ бериб, боғ девори томон йўл бошлади.

— Бу жойда деворнинг рахнаси бор,— деди Орзиқул,— лекин девор орқасида посбон бўлса керак...

— Тўхтанглар, мен чиқиб кўрай,— деди Тўхтача ва олдинга ўтди. Қоронғида улар аста-секин юриб девор тагига келишди. Кўпгина дарахтлар ва янги барг чиқарган ниҳоллар боғ томондан уларни пана қиларди. Лекин боғ девори ортида посбонларнинг одимлаши қулоққа чалинди, ҳаммалари нафасларини чиқармай боғ деворининг рахнасига яқин келиб тўхташди. Думдумалоқ ва кичкина Тўхтача секингина девор тешигидан ўзини кўчага олди, деворнинг нариги томонида тор бир йўл ва йўлнинг у томонида соҳилини қум

босган чуқур ариқ бор эди. Тўхтача сичқондек югуриб кўчага чиқиб қарасаки, посбон шу яқин атрофда бирор нарсадан шубҳалангандек ариқ ёқасида нариги томондаги тўқайзорга диққат билан тикилиб, милтиғини отишга шайлаб турибди, Тўхтача бир сакраб посбоннинг олдига келди ва посбоннинг орқасига гурзиллатиб тепди, посбон чуқур ариққа думалаб кетди. Шу ондаёқ Орзиқул ва бошқалар девор тешигидан ўтиб, ариқ устидаги ёғоч орқали ўзларини тўқайзорга уришди. Лекин худди шу пайтда боғ ичидан ҳам, ариқ ичидан ҳам ўқ отилди. Боғ атрофидаги посбонлар югуриб келиб шерикларини ариқдан тортиб олишди. Унгача боғ ичидан Оқилов беш-олти милтиқли киши билан келиб воқеани билишди. Ариқдан тортиб олинган посбон инграб, белини ололмай ётарди, у бир неча киши ариқдаги ёғочдан ўтиб кетганини айтиб берди. Буни эшитиб Оқилов энди буйруқ бермоқчи бўлиб турган эдики, Асад Махсумнинг ўзи етиб келди. У одамларни учга бўлиб уч томондан жўнатди-да, ўзи дадил олдинга ўтди.

Қочган кишилар тўқайзордан чиқиб, экинзорлар орасидан Бухоро томон юриб кетдилар. Лекин улар кетидан отилаётган даҳшатли ўқ овозлари уларни ерга ётиб таъқиб қилувчиларга қарата ўқ узиб, қочишни давом эттиришга мажбур қилди. Моҳир мерган Саид Паҳлавон ҳамроҳларига сизлар эмаклаб кетаверинглар, деди ва ўзи бир бута ортига бекиниб олиб, қоронғида келаётганларнинг шарпаларини кўриб битта-битта нишонга олиб, думалатаверди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Қўққисдан бир ўқ унинг елкасига, юрагига яқин жойга келиб тегди-ю, йиқитди. Саид Паҳлавондан унча узоқда бўлмаган Орзиқул югуриб келиб уни кўтариб олди ва ҳамроҳларига етказди. Паҳлавонни Ҳайдарқул кўтарди, бошқалар пистирмада ўтиришиб, ҳужум қилиб келувчиларни тўхтатишди.

— Ҳайдарқул,— деди зўрға Саид,— хайр, мен... ўламан... сен... сен... саломат бўл... Миракдан хабардор бўл.... суянчиғи бўл!..

— Бундай дема, ошна! Ўқ теккан билан одам ўлмайди! Мен ҳозир ярангни боғлайман... Бу ишда пича тажрибам бор... Сибирда бир катта дўхтур ўргатган эди... Мен ҳозир...

У Саид Паҳлавонни ётқизиб, ярасини боғламоқчи

эди, лекин душман отишмаси зўрайиб, пистирмада ўтирганларни орқага қочишга мажбур қилди.

— Орқароққа, ҳув, анави бог деворининг орқасига етиб олиш керак,— деди Орзиқул.

Улар икковлашиб Саид Паҳлавонни кўтаришди, Тўхтача билан Сангин битта-иккита ўқ узиб, улар ортидан эмаклаб боришарди. Лекин Асаднинг одамлари анча яқинлашиб қолган эди, Орзиқул билан Ҳайдарқул Саид Паҳлавонни кўтаришиб бораркан, анча ташвишга тушиб қолган эди.

...Лекин тўсатдан ғарб томондан, Когоннинг катта йўли томонидан шиддатли ўқ овозлари эшитилди ва Асад Махсумнинг одамлари бирданига орқаларига қараб қочишди.

— Когондан...— деди Саид Паҳлавон руҳланиб,— Когондан ёрдам келди. Козимзода... Офарин!..

25

Ойими Шоҳ Миракнинг оҳ-воҳини кўриб, ўзининг ғам-аламларини бутунлай унутди. Фируза кўрдики, телефондан иш чиқмайди, шундан кейин Миракка юр, Чекага борамиз, деди.

— Мен ҳам сиалар билан бораман,— деди Ойими Шоҳ,— Насимжоннинг милициялари кўп, айтамиз, бориб бунинг дадасини ўша золим қўлидан қутқазишсин.

— Майли, юринг,— деди Фируза ва улар паранжи ёпиниб клубдан чиқишди.

Кун кеч кираётганди. Кўчаларда одам сийрак эди. Улар Кафшолак ҳаммоми эшиги ёнидан ўтар-ўтмас Чиланғарлик растаси томонидан Ҳожи Ҳасанбек икки отлиқ файтонда ўтиб кетди. Ҳали ҳам савлат тўкиб ўтиб кетган Ҳожи Ҳасанбекни кўриб Ойими Шоҳ қотиб қолди. Гўё паранжида бўлса ҳам, Ҳожи Ҳасанбек уни танигандай эди, аммо Ҳожи Ҳасанбек ўз хаёллари билан банд бўлиб, ҳатто аёллар томонга кўз ҳам ташламади.

— Афтингни ел есин!— деди файтон ўтиб кетган-

дан кейин Ойими Шоҳ,— кўрдингизми, дугонажон, башараси оч калхатга ўхшайди. Қаерда ишлар экан?

— Ижтимоий таъминот идорасида,— деди Фируза,— энди жойини топди: ҳам ўзини таъминлайди, ҳам жамиятни!

— Ҳа, таъмин қилмай ўлсин!

Фируза кулди:

— Энди қарғаб нима қиласиз, сизга алоқаси йўқ-ку!

— Нега алоқаси бўлмасин!?— эътироз билдирди, Ойими Шоҳ,— озмунча молу мулкимиз бор эдими? Ҳаммасини олиб еди, бу ўлгур, ебтўймас.

— Бошингиз омон бўлса мол-дунё топилади!

Шу вақтда улар Тоқи Телпакка бориб етган эди. Тоқи Телпак ва унга туташган расталар қоронғи бўлганидан фонарлар ёқилган эди. Кечки пайтда юришларидан ёш жувон эканликлари билиниб турган икки хотинни ва ўн-ўн икки яшар бир болани кўрган икки олифта йигит уларнинг кетидан тушишди.

Йигитлар бойваччанамо ва бир оз кайфлари бор эди.

— Ўргилиб кетай!— деди улардан бири,— бунча тез юрманг, о, ўлдирдингиз-ку.

— Нима десангиз муҳайё қиламиз!— деди бошқаси.— Биздан қочманг!

Хотинлар чиннифурушлик растаси томон бурилдилар, йигитлар ҳам улар кетидан боришди. Мирак ғазабланиб бир-икки марта уларга қараб, бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо Фируза унинг қўлидан тортиб қўйди.

— Ҳой, ўргилиб кетай! Биздан қочманг, биздан пулдорроғини тополмайсиз!

Ойими Шоҳ тоқат қилолмади:

— Пулинг бошингни есин, сен фалокатни!— деди у.— Агар ҳозир йўлларингга қайтмасанглар, ҳар иккалангни ҳам Чекага олиб бориб қаматаман! Билсанларми, биз ким?!

Йигитлар таққа тўхтаб, бир-бирига қараб қўйишди ва елкаларини қисиб, орқага қайтишди. Фируза қиқирлаб кулди:

— Жуда мазангиз йўқ экан-ку, ўртоқжон!— де-

ди.— Бу содда йигитларнинг бир оз дилхушлик қилишига ҳам қўймадингиз.

— Дилхушликлари бошларидан ордона қолсин!— деди Ойими Шоҳ,— бизларни нима ўйлаяпти?! Наҳотки бу аблаҳларнинг гапига ишониб, орқаларидан борадиган хотинлар бўлса?

— Бор,— деди Фируза,— афсуски, бор!

Ўз келажагидан хабарсиз Ойими Шоҳ нафрат билан шундай деди:

— Ўлсин бундай хотинлар!

Чека олдида жуда кўп отлиқ ва пиёда аскарлар, милиционерлар тўпланишган эди. Аёллар отлиқлар орасидан қўрқа-қўрқа зўрға ўтишиб комендатхонага киришди, Асо ва Насимжонни сўрашди. Комендант аллақаерга телефон қилди, бирор соатдан кейин Асо қаёқдандир чиқиб келди. Фирузани паранжида кўриб таниди ва унинг ёнида бир хотин ва Миракни кўриб ҳайрон қолди.

— Хўш, ҳормангиз!— деди у.— Бемаҳалда нима қилиб юрибсизлар?

— Шунча телефон қилдим, сизни тополмадим,— деди Фируза,— Мирак келиб, Асад Махсум отамни қамаб қўйибди, деб айтди.

— Э, яхши бўлмабди!— деди таъби хира бўлиб Асо ва комендантдан сўради:— Ҳайдарқул ака кетдиларми?

— Бирор ярим соатча бўлди, чиқиб кетдилар!— деди комендант.

— Бўлмаса, сизларга рухсат!— деди Асо,— Миракни уйга олиб боринг. Бу кеча ишимиз кўп!

— Насимжонни кўрмадингизми, Асо ака!— деб сўради Ойими Шоҳ.

— Ҳа-а, бу сизми? Мен танимабман,— деди Асо,— Насимжон шу ерда, чақириб берайми?

— Йўқ, хайр...— деб иккиланиб қолди Ойими Шоҳ,— майли, агар банд бўлсалар... Биз кетамиз... Шу боланинг дадасини қутқарсанглар!

— Қутқарамиз, хотиржам бўлинг!— деди Асо ва юраги сиқилиб девор соатига қаради,— хайр, мен борай, бу хабарни етказай...

Асо шу ондаёқ идорага кириб кетди. Аммо аёллар ўринларидан қимирламадилар.

Ташқарида яшин чақнади ва момақалдироқ ҳам-

ма ёқни титратди, сўнгра ёмғир ёғди. Комендантхонада кирди-чиқди кўпайиб қолди. Бошдан-оёқ қуролланган, қилич, ўқ ленталари таққан кишилар тез-тез қадам босиб киришар, яна чиқишар эди. Ташқарида, кўчада ҳам аскарлар кўпайгандек кўринди. Ниҳоят ичкаридан Карим, Асо ва Насимжон бир неча нафар салобатли одамлар билан чиқишди. Асо аёлларни кўриб бир лаҳза қотиб қолди, сўнгра комендантга бир нима деб чиқиб кетди. Ойими Шоҳ ўз эри Насимжонни кўриб, бенихтиёр ўрнидан турди, лекин ҳеч нима демади. Эркаклар бирин-кетин чиқиб кетишгач, комендант аёлларга мурожаат қилди...

— Мен ҳозир айтаман, файтон тайёр бўлади, сизларни уйга элтиб қўяди. Бу ерда ўтириб нима қиласизлар?!

— Бизга файтон керак эмас,— деди Фируза ва ўрнидан турди.— Бошқа ишимиз йўқ, ўзимиз кетаверамиз.

Улар ташқари чиқишди. Кўчада отлиқ аскарларнинг сўнгги гуруҳлари ўтиб кетаётганди. Улар кетидан бир неча даста пиёда аскарлар тез-тез қадам ташлаб ўтиб кетишди. Кўча бўшаб қолди.

— Шу бемаҳалда эркаксиз кетиш яхши эмас!— деди комендант улар орқасидан чиқиб.— Манови бола сизларни элтиб қўяди.

Аёллар индамай йўлга тушишди. Улар Говкушон томон юришди. Улар кетидан Мирак ва бир тўпончали йигит йўлга тушди. Улар ҳали Говкушонга етмасдапоқ шаҳар ташқарисидан, Дилкушо боғи томонидан отишма овози эшитилди...

— Уруш бошланди, ўртоқжон!— деди Ойими Шоҳ, Фируза индамади.

Қайтадан ёшаришни истаган қадимий шаҳар кўчалари шу топда бўм-бўш эди. Ғозиён гузари томонидаги катта тош йўлдан икки аёл, бир бола ва бир йигит кетаётган эди. Кўчада кавуш ва этик тақаларининг тошга тегиб тақиллашидан бошқа овоз эшитилмасди. Аммо шаҳар ташқарисида аллакимлар милтиқ отишар, аллакимлар талашар ва жон бериб, жон олишарди...

Шаҳар аҳли — косиблар, ҳунармандлар, идора хизматчилари, савдогарлар, мактаб ўқувчилари, муаллимлар, мансабдорлар, нозирлар ва мешкобчилар —

ҳаммаси ширин уйқуда, гўё бу шаҳар ташқарисидаги гулдурос отишмаларни эшитмасдилар, эшитганларида ҳам бу билан нима ишлари бор?! Уларнинг кўпчилиги бундай тунги отишмаларга одатланиб қолган ва кўпчилик Бухоро фавқулодда атроф комиссиясининг фидокор қўшини, шаҳар милицияси ва ниҳоят Чека шаҳарни босмачилар ҳужумидан мудофаа қилишади, деб ишонарди.

Аммо шаҳар ташқарисида ана шу комиссиянинг исён кўтарган қўшинларига қарши кураш борарди...

Ҳали кун ёришмасданоқ Бухоро ва Когон Чекасининг аскарлари бирданига ҳужумга ўтиб, ҳеч қандай қийинчиликсиз тонг отар пайтида Дилкушо боғини қўлга олишди. Бу ерда том тепасида ва дарвозахона теварагида Асад Махсумнинг йигирматача аскари (кўпчилиги яродор эди) ўзларининг сўнгги ўқларини Чека аскарларига қарата отардилар. Аммо Асаднинг ўзидан ва асосий одамларидан дом-дарак йўқ эди. Қўлга тушган асирлар, Асад Махсум ўз одамлари билан ярим кечадаёқ бир қаттиқ ҳужум қилиб қочиб кетишди, дейишди.

Ҳайдарқул когонликлар билан етиб келди. Кечқурун Асад Махсум турган катта меҳмонхонада Фёдоров ва бошқалар тўпланишди.

— Асад бизнинг барча иш ва режаларимиздан хабардор экан!— деди Ҳайдарқул.— Саид Паҳлавонни қамаб, кейин мени қўлга олиб, зудлик билан тараддудга тушиб қолди, аввал оқшомдан кўча бошлади.

— У узоққа боролмайди!— деди Фёдоров.— Насимжон ва Асо ўз аскарлари билан кетидан кетган, биз ҳам бу томондан — Қаршига ўтиб кетмаслиги учун темир йўл томонидан унинг йўлини тўсамиз. Хайр, ҳар қалай, ўзингиз соғми? Саид Паҳлавон нима бўлди?

— У елкасидан қаттиқ яродор бўлди, уни Козимзода Когон касалхонасига олиб борди. Ишқилиб, қариа омон бўлсин-да.

Ҳаммалари хафа бўлишди.

Шу пайт қайси бир хонадан Наим Заҳарни тутиб келтиришди. У қўрқувдан титрарди, қути ўчиб, бошы, юзлари, пешанаси мўматалоқ бўлиб кўкарган, шишган эди.

— Мен тавба қилдим!— деди у,— мен ҳеч кимни

ўлдирмоқчи эмасдим, лекин... лекин... мени калтаклашди... кўкрагимни, қовурғаларимни мажақлаб ташлашди... мен касал... мен ўламан, мен...

Ҳайдарқул Махсум қаёққа кетганини сўради.

— Махсумми?— деди кулимсираб Наим,— Махсум шу ерда, ичкари ҳовлида!

Ҳамма бир-бирига қараб қўйишди. Карим сапчиб ўрнидан турди.

— Айтгандай, биз ичкари ҳовлини кўрмадик!— деди у,— зора Ойшалар шу ерда бўлса...

— Гумон!— деди Ҳайдарқул.

— Йўқ, йўқ, шу ердалар, шу ердалар!— деди ва кулди Наим Заҳар.

— Мияси айниган!— деди Ҳайдарқул.

— Эҳтимол, жўрттага қилаётгандир,— деди Фёдоров.

— Йўқ,— деди Ҳайдарқул,— бўлмаса уни ташлаб кетишмасди. Бу Махсумнинг ўнг қўли эди. Саид Паҳлавоннинг муштлари ўз кучини кўрсатибди! Олиб боринг, ундан хабардор бўлиб туринг!

Ҳайдарқул, Карим ва Фёдоров ичкари ҳовлига киришди. Бу жойда аллақачон аскарлар тинтиб юрарди. Фёдоровни кўриб улардан бири рапорт берди:

— Ичкари ҳовлида ҳам ҳеч ким йўқ, лекин нарсалар ҳаммаси ўз жойида... Олиб кетишга улгуролмапти.

Карим уйга кирди. Қозиқда Ойшанинг дўппи, рўмол ва бошқа баъзи кўйлаклари осиғлиқ эди. Карим бу нарсаларга яқинлашди-да, маҳбубасининг нафис ҳидини сезиб, кўнгли бузилди ва кўзларида ёш айланди. У уй ўртасида майда-чуйдалар, кўйлак, кўйлакча, аёлларнинг рўмолчаси сочилиб ётганини кўрди. Каравот усти йиғиштирилмаганди, оқ ёстиққа қон томчилари сачраганди, каравот ёнида юлғун дастали қамчи ётарди...

Буни кўриб, йигитнинг кўз олдида мудҳиш бир манзара гавдаланди: Ойша ва онасини калтаклашган, қамчинлашган, азоблашган, қўл-оёғини боғлаб судраб чиқишган... Оҳ, бу қандай бадбахтлик!

У ғизиллаб уйдан чиқиб, орқа эшикдан чорбоққа кирди. Бу ерда хуррам баҳор ҳукм сурарди. Қуёш зар кокилларини ёйиб, заррин ва оромбахш нурларини

эндигина безанган чорбоққа сочарди. Гулсапсар япроқларидаги шудринг доналари қуёш шуъласида олмос пораларидек ялтирарди. Олма ва ўриклар ҳали гулларини ташламаганди, гул ва сабзаларнинг муаттар ҳиди димоғини қитиқларди. Чиройли чорбоғнинг дилрабо манзараси кўзларни мафтун қиларди. Аммо Каримнинг кўзига ҳеч нима кўринмасди, ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Унинг ақлу ҳуши мазлума Ойшада, муштипар ва гуноҳсиз Ойшада эди...

— Баҳор келибди-ю, биз кўрмай қолибмиз!— деди Ҳайдарқул Карим кетидан келиб,— қандай ажойиб манзара!

— Ажойиб!— деб қўйди Карим ва кўз ёшларини артди.

— Ғам ема, ўғлим!— деди Ҳайдарқул,— ишқу муҳаббатинг айёми энди бошланади!

Биринчи китобнинг охири.

На узбекском языке

ДЖАЛОЛ ИКРОМИ

ДВЕНАДЦАТЬ ВОРОТ БУХАРЫ

Роман

Перевод с издания издательства «Ирфон», Душанбе, 1969 г.

Редактор С. Раҳимов
Рассом Ю. Павлов
Расмлар редактори И. Циганов
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор Ш. Собирова

Босмахонага берилди 20/I—1971 й. Босишга рухсат этилди 24/V—1971 й. Форматя 84×108/₃₂. Босма л. 14,0. Шартли босма л. 23,52. Нашр л. 24,21+0,34 (4 вклейка). Тиражи 60000. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 171—69.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат Комитетининг Полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида 1-қоғозига босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1971, йил, заказ № 290 Баҳоси 7-муковада 1 с. 10 т. 5-муковада 99 т.

С
И 37

Икромий Жалол
Бухоронинг ўн икки дарвозаси.
(Роман. Тожикчадан Васфий тарж.).
Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва
санъат нашриёти, 1971.
448 бет.

Икрами Д. Двенадцать ворот Бухары.

С(Тожик)+9(С52)

Индекс 7-3-3

МУҲТАРАМ КИТОБХОНИ

Яқин кунларда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни сизга тақдим этади.

Толстой Л. Н. «*Уруш ва тинчлик*» IV китоб.

Бек А. «*Волоколамск йўлида*». Роман. II китоб.

Чаковский А. «*Қамал*». Роман I китоб.

Матэ Залка. «*Мангулик*». *Ҳикоялар*.

Самадий З. «*Мойимхон*». Роман.